

Худойберди

Тўхтаббоев

**САРИК
ДЕВНИ
МИНИБ**

Сайланма



Худойберди
ТЎХТАБОЕВ

Сайланма

САРИҚ
ДЕВНИ
МИНИБ

Роман

Қиссалар

Тошкент
Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1987

Тўхтабоев Х.

Сайланма: Роман, киссалар (Сўзбоши муаллифи М. Қўшжонов).— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987 — 496 б.

Ҳурматли китобхон! Ўзбекистон Дини комсомолни мукофоти лауреати, танқили адиб Худойберди Тўхтабоевнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган романи ёзуви ҳаётидагина эмас, шу билан бирга ўзбек адабиётида ҳам катта воқеа бўлган асардир. Унинг биринчи қисми — «Сариқ девони миниб» чоп этилиши билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад асарнинг бош кўрамоғини Хошимжонга мурожаат қилиб: «Имоним қониқди, сен узок элларга сафарга чиқасан, эҳтимолки, Миссияни дорбеси буйларига ҳам бориб Том Сойер, Гекльберри Финилар билан урғиниб қоларсан, ўшанда уларга ўзбек болалари ҳаётидан намунади ҳикойалар айтиб беришингга ҳеч шубҳа қилмайман», деган эди.

Дарҳақиқат, шу кунгача бу асарлар ўтгандан ортиқ тилга таржима қилинди, биргина рус тилининг ўзида турли номлар билан етти бора нашр этилди.

Хошимжон дунё бўйлаб саёҳатини давом эттирмоқда.

«Сайланма»га, шунингдек, адибнинг киссалари ҳам киритилди.

Тухтабаев Х. Избрание. Верхом на желтом диве:
Роман. Повести.

4702570200—171

Т — Доп.—87

М 352 (04)—87

ЎЗИГА ХОС ИЖОД СОҲИБИ

Хар бир ёзувчининг ўзига хос ҳаёт йўли бор. Табиийки, у тугилиб ўсган муҳит ҳам, уни ўраб олган табиат олами ҳам унинг болалик чоғларию илмга шитилликлари ҳам ва ниҳоят адабиётга кириб келиш йўллари ҳам ўзига хос бўлади.

Ёш китобхон муҳаббатини қозонган, ўз асарлари билан Бутуниттифок аренасига чиқиб олган Ҳудойберди Тўхтабоевнинг ёзувчилик сафига кириб келиш сирлари билан қизиқсангиз англайсизки, у адабиёт майдонига ўқир-чўқирли йўллар билан баъзан қоклиб-суқулиб, қанчадан-қанча кийинчиликларни енгиб кириб келган.

Маълумотларга қараганда у «Қатрои тоғи этакларига жойлашган Катта Тағоб қишлоғида тугилган». Бу сўлим, сермева қишлоқнинг одамлари қизиқчи, латифа ва эртақлар сўзлашига усталиги билан ажралиб туради. Табиий, Х. Тўхтабоевнинг ёзувчи бўлиш учун қўлига қалам олишида, албатта ўша латифа ва эртақларни, қизиқчиликни яхши кўрадиган қишлоқ одамларининг катта ҳиссаси бор. Ёшлигида такрор-такрор эшитган, илиб олиб ўзи ҳам тенгдонларига, укаларига айтиб берган латифа ва эртақлар унинг характерини шакллантиришида катта роль ўйнаган албатта.

Х. Тўхтабоевнинг ҳаёти билан қизиқадиган бўдсангиз, у чакалоқликдан етим қолгани, ўғай ота ким эканини таниганини, диний китобларни ўқиган диндор бувиенинг қўлида тарбия олганини эслайди. Таҳмин қилиш керакки, Х. Тўхтабоевнинг ёзувчилик касбини ташлашда ёшликдаги бу ҳаёт машаққатларининг, хусусан камбирларни атрофига бирлаштира оладиган илмдон ва тақводор бувининг ҳам қандайдир ўрни бўлганини англайсиз.

Ҳудойберди ўзининг ҳаёти тўғрисида қуйидагиларни алоҳида ҳаяжон билан гапирди:

«Менинг болалик ва ўсмирлик йилларим Улуғ Ватан уруши йилларига тўғри келган, ота-онасиз қолган етим ҳамқишлоқларимнинг ўқини ва армонларини эшитганман, Ўғилдан «қора хат» келган оналарнинг қўқисин юлиб додлаганини кўрганман, акасини шитзор кутаётган сингалларнинг эридан барвақт жудо бўлган ёш-ёш жувоиларнинг ниҳоний кўз ёшларини кўрганман».

Болалик чоғларидаги бу таассуротлар бекорга ўтиб кетган эмас, албатта. Унинг ёзувчи бўлиб, хусусан болалар ёзувчиси бўлиб қўлига қалам олишида бу фактларнинг роли ҳам озмунча бўлган эмас.

Мана Ҳудойбердининг болалик чоғларини давоми.

«Ўғай отам — уста Абдуқодир рабобий батальонига кетди, биз онада саккиз бола қолдик. Бир хилларимиз болалар уйида, бир хилларимиз

бировлар уйига молбокар бўлиб кетдик, мен ҳам болалар уйида бўлганман, мен ҳам молбокар бўлганман. Шундай онлалар ҳам бўлган эдики, ҳа! онадан, ҳам отадан жудо бўлишганди... Мен булар билан роса болалар уйидан болалар уйига ўтиб «сайр» қилганман, ҳатто Тошкентдан Қўқонгача шёда кетган пайтларимиз бўлган».

Бировларнинг эшигида юриб молбоқарлик қилиш, қисқаси, кичик хизматкор бўлиш, унинг устига саккизта етимчани каттаси бўлиб, уларнинг ҳам гамини сийиш, ёзувчи сўзлари билан айтганда «етимлар армияси сафида бўлиш» болалар уйида юриб турфа болалар характерларини кузатиш — булар ҳаммаси бўладиган ёзувчи учун фақат ҳаёт материали эмас, балки ҳаёт мактаби босқинчлари ҳам эди.

Улуғ Ватан уруши тугади. Худойберди Тўхтабоевнинг ўқувчилик, студентлик даврлари тез суръатлар билан ўтди. Бадийий ижодга у хали студентлик чоғларидаёқ кирикти, бонда шеърлар машқини олмоқчи бўлди, кейин прозага ўтиб хикоялар ёзди. Студентлик чоғларида ёзилган «Фельетондан сўнг» хикояси учун «Совет Ўзбекистонини» газетасининг мукофотини олди. Шундан кейин Х. Тўхтабоев катор хикоялар эълон қилди.

Еш адибнинг хикоялари тематик жиҳатдан ҳар хил бўлса ҳам бир жиҳатдан уларда муштараклик бор эди. У ҳар хил ҳаёт материали, ҳар хил вазиятдан туриб ҳаётдаги иллатларга, эскилик саркитларига, тўғрирогни, совет ахлоқ принципларини бузувчиларга қарши кескин кураш эълон қилар эди. Шу сабабдан ёт иллатларга танқидий муносабат пайдо бўлди. Шу сабабдан бўлса керак, унинг хикояларида танқидий йўналиш анча устун туради.

Худойберди Тўхтабоев ўз ижодининг бу йўналишига изоҳ бериб ёзди: «Турмушда хали иллат кўп, унга қарши курашиш керак. Хўп, қайси йўл билан? Муаллимлик йўли биланми? Лекин у қиш биланми? Мен «Фельетондан сўнг» номли хикоямда журналист ҳам мураббий, тарбиячи, фельетон жанри эса журналист-мураббий қўлидаги энг яхши қурол, масалан занглаган темирини ўтга солсанг занги тўкилгани каби, саркитларга ботган киши фельетон ўтида довиллаб ёнса саркитлардан холи бўлади, деган гояни олга сурган эдим».

Гоя шундай нарсаки, у Бекордан-Бекорга пайдо бўлиб ўтиб кетавермайди. Бир кун пайдо бўлган гоя иккинчи кун ишга тушиши, ўз амалиятини кўриши керак бўлади. Ўзининг биринчи асарида олга сурлаган гоя Худойбердининг тўла банд қилган эди. Шу асосда у фельетон жанрида анча ижод қилди. У узок вақтлар аввало «Тошкент хақиқати», кейин «Совет Ўзбекистонини» газеталарида фельетончи муҳбир бўлиб хизмат қилди. Яна шуниси ҳам қувонарлики, Худойберди ўз асарлари учун республика бўйлаб, ҳар хил соҳадан материал танилаб, таниланган материаллар устида кунт билан ишлар ва фельетондан фельетонга ўз маҳоратини ошириб боради. Мана унинг фельетончилик фаолияти хақидаги ўз фикрлари:

«Ниманики саркит ва палат деб тушунсам, ниманики қонуидан ташқари адолатсиз деб билсам, ниманики замондан орқада қолган

ва таракқиётга гов бўлувчи, деб тушунсам, чиройли турмушга нимаки дег бўлиб тушаётган бўлса ана шуларнинг ҳаммасига қарши курашдим. 300 дан ортиқ катта-кичик фельетонлар ёздим. Х. Тўхтабоев, Т. Худойбердиев, Б. Назаров деган имзолар билан ёздим, ҳеч кимни аямай, жон-жаҳдим билан ёздим...»

«Жон-жаҳдим билан ёздим». Ҳа, фақат шу хилда ёзилган асарларгина ўз олиндаги вазифани адо эта олади. Назаримда, Худойберди нежоднинг бу талабининг ёшлигиданоқ ашглаб олган кўринади. Гапнинг тўғрисиини айтганда, эҳтимол, ҳамма фельетонлар ҳам, ўша вақтларда яратилган ҳамма ҳикоялар ҳам баробарига мукаммал бўлган деб бўлмайди. Улар ичида шошилиб ёзилган, объективлик талабига тўла жавоб беравермайдиган асарлар ҳам бўлиши эҳтимол. Бироқ шу нарса муҳимки у ўз асарларини куйинишлар билан, «жон ва жаҳди» билан ёзди. Ниманки, «жон ва жаҳди» билан ёзилса, унда самимийлик саямоғи старли бўлади. Демак, у китобхонга тўла етиб боради.

Х. Тўхтабоевнинг биринчи ҳикоялар тўплами бундан роса 20 йил олдин, яъни 1961 йил «Шошқалоқ» номи билан эълон қилинди. Ушандан бери у асосан болалар — ўсмирлар ҳаётига тегишли 10 дан ортиқ ҳикоялар тўплами, қиссалар, романлар эълон қилди.

Худойберди Тўхтабоев асарлари ичида «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими» романлари ёш китобхонлар муҳаббатини қозонган асарлардан ҳисобланади.

Х. Тўхтабоев «Сариқ девни миниб» саргузашт романи учун республикамиз комсомол мукофотини олинга сазовор бўлди. Асарнинг II қисми «Сариқ девнинг ўлими» учун эса ёзувчи милиция ходимлари ҳаётига бағишланган асарлар конкурсининг галиби бўлди. Китобхонлар жамоатчилиги ва адабий танқидчилик ҳам Худойберди Тўхтабоевнинг бу асарларини маъқуллади. Қатор тақризлар эълон қилинди, муваққилларнинг қатор мақолаларида тилга олинди. Худойбердининг бу асарлари саргузашт роман услубида яратилган новатор романлардир. Бу романларнинг иттифоқимизнинг ўнлаб тилларига, баъзи бир хорижий тилларга таржима қилиниб, катта тираж билан босилиши ҳам адиб меҳнатига берилган катта баҳодир.

Хўш, Худойбердининг номини маълум қилган бу асарларининг сиринимада? Бу саволга жавоб бериш учун асарларга бир назар ташлаб кўрайлик.

Шундай қараганда «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими» баъзи хусусиятлари билан Т. Гўломнинг «Шум бола» сини эслатади. Х. Тўхтабоев қахрамонлари ҳам «Шум бола» қахрамони сингари зийрак, серфаҳм, чакқон. Бунинг устига у фангазисга ҳам бой — маълум бир ишни битказиш учун дарров йўл излайди, агар йўл тополмай қолса, мушқул ишларни ҳаёлан ҳал қилишдан ҳам тоймайди.

Бироқ, Худойберди Тўхтабоевнинг қахрамони замонавий «шум»лардан. Гафур Гўломнинг шум болааси эса замон дамирида ҳаракат қилади. Узининг ҳатти-ҳаракатлари билан синфий эъдиёт асосига

курулган замоннинг чаркин иллатларини фош қилади. Худойберди Тўхтабоев қахрамонлари эса олга бораётган бугунги кун замирида яшайди, ҳаракат қилади. Биз роман қахрамони Ҳошимжоннинг хатти-ҳаракатларини кўзатиб куламыз ва янги жамиятга ёт бўлган раҳна ва иллатларни фош қилаётгани ва бу ишда унинг фахм-фаросатлари билан танишиб «офарин» деймиз.

«Сарик дев» қахрамонининг ҳаракат майдони кенг, фаоллияти ҳам рағиб-баранг, характерининг ўзига яраша шаклланиш тарихи ҳам бор.

Китоб саҳифаларида қахрамон даққиға сабаб бўлган ўз қилмишларидан пушаймон бўла бермайди, аммо, китобхон пайқаб оладикки, бу даққиқаларнинг асл сабаби қахрамоннинг яхши ўқимаганида, умуман ҳали ўзи тайёр бўлмаган ишларга қўл урганида. Қахрамон мактабга қайтиб ўқишни давом қилдиришга қарор қилади.

Воқеанинг шу тарзда берилишининг ўзида муҳим бир ҳақиқат бор. Баъзи бир ёшларда куч ва қобилиятнинг ортқича баҳолаш, ўз имкониятлари билан ҳисоблашмасдан манманлик кўчасига кириб кетиш, реал ҳаёт талабларини ҳисобга ола бермаслик ҳоллари учраб туради. Худойберди Тўхтабоев шу ҳилда «ғоз чираниш»ларга муносабат билдиради.

Ҳошимжон учун диндорлар билан бўлган бу муносабат ҳам асарнинг биринчи қисмларидаги «ғоз чираниш»лардек ўткинчи эди. У ёт муҳитда бир оз бўлиб, яна ўзининг асл вазифасига — ўқишга қайтади. Шу билан гўё «даққи»лар саргузашти маълум бир натижалар — қахрамон характерининг анча тобланиши билан якунлангандек бўлади.

Бундан кейин қахрамон характерида учинчи ва масъулиятли босқич бошланади. Асардан шундай таассурот пайдо бўладикки, қахрамон гўё ўзини нималаргадир тайёрлади, ўша тайёргарликка кўра ишга тушгани керак. Езувчи қахрамонига шунга лойиқ вазифа ҳам топиб беради. Бу — фирибгар, текинхўр, ўғрилардан халқ мулки ва оқибатлигини саклашга қодир бир вазифа — милиция ходими. Биз Ҳошимжон билан бирга бўлиб халқ ишончини сунистеъмом қилиб, унинг мулкига қўл чўзган қаллоблар муҳитига борамиз ва уларнинг хийла-найранглари кўрамыз. Булар халқ орасидаги соддаларни гал-сўзларга ишонтириб, чақилаб-тайинлаб бойлик йиғадиганлардан эмас, балки хўжалик ичидаги касб-корларнинг илмини эгаллаган, ўзини илмий ҳисоблаган ҳар бир кишини тангитиб қўйиниға тайёр «мутахассис ўғрилар». Табиатан зийрак, фахм-фаросатли, ҳаётнинг баъзи томонлари билан танишиб яна ҳам зийраклашган Ҳошимжон катта бир операцияда қатнашиб, унинг муваффақиятли якунлашини таъминлайди. «Мутахассис ўғрилар»нинг катта гуруҳасини фох қилишда қатнашади.

«Сарик дев...» — саргузашт асар. Бунинг устига фантастик ҳам. Шунга мувофиқ асардаги воқеаларнинг баъзилари қутилмаган тарзда рўй беради, бир қисм воқеалар асоссиздек бўлиб кўрилади. Саргузашт-фантастик асарларнинг қисмати маълум бир деталь ва ёки эпизоднинг нақадар конкрет ва реаллиги билан белгиланмайди, балки бир оз реалликдан узокда бўллатуриб китобхонни ишонтира олинши ва «ўқима

вокеалар» воситасида зарур хулосалар чиқарилгани билан белгиланади. Худойберди Тўхтабоев асардан кузатишган хулосани чиқара олган. Саргузашт йўли, фантастик баён унинг учун адабий приём усул сифатида хизмат қиладди. Масалан, қаҳрамон «Сирли калпоқча»-сиз вокеаларнинг ич-ичига кириб бора олмас, ҳаётимизда учраб турадиган, кўриб-кузатиб юрилган, бироқ сир-асрори етарли англалмаган иллатларни етарли даражада фош қила олмаган бўлар эди.

Худойберди Тўхтабоевнинг фантастикаси, такрор айтамикки, замонавийдир. Бу фантастика орқали берилган вокеалар «Сеҳрли калпоқча» билан унинг қаҳрамони амалга оширмоқчи бўлган ҳамма ишлар бизнинг умид ва орзуларимизда янайдиган ишлар — хуллас, замонавий «шум бола» га замонавий вазифа берилган ва асар қаҳрамони бу вазифани улдасидан чиқа олган.

Худойберди Тўхтабоевнинг саргузашт асари бу хусусиятлари билан муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Тўғри, асарнинг яна ҳам пишийтиш зарур бўлган жойлари ҳам йўқ эмас. Унда қамраб олинган вокеалар керагидан ошиқчадек кўринади, баъзи жойларда бошқа асарларда учрайдиган деталь ва вокеалар олинади, баъзан батафсил тасвир ўринга вокеаларни баён қилиб ўттиш сизгари холлар ҳам кўзга ташланади. Аммо, шуларга қарамасдан, қўйилган мақсаднинг тўғри ифодалангани, баёнда қизиқарли йўллар топилиши жиҳатидан Худойберди Тўхтабоевнинг бу асари ўсмирлар учун ёзилган яхши асарлар қаторидан ўрин олинга ҳақлидир.

Ёзувчилик санъати шундайки, адиб, ё кўрган-билганини, ё эшитганини ёзади. Бу кўрган-билган ва эшитганларини маълум бир системага солишга доим ўз ҳаёти кўз олдига туради. Шу маънода ёзувчи учун ўз ҳаёти, кўрган-кечирганлари биринчи даражали материал вазифасини адо этади. Худойберди Тўхтабоевнинг «Сарик девининг ўлим» дан кейин эълон қилинган романида шундай сатрлар бор: «Белим сал букирок, буни ўзим тап оламан, укаларимни кўтарибериб шунақанги бўлиб қолганман, бўйим ҳам тенгқурларимга қараганда сал пастрок, буни ҳам никор қилмайман. Мен юкорига қараб ўсаман деганимда укаларим елкамга миниб олиб, пастрга қараб босишаверган. Шунинг учун паканарок бўлиб қолганман. Беш болали дейишларига ҳам, ростини айтаман унча жаҳлим чиқмайди. Нега десағиз чиндан ҳам роши-роса бешта укам бор. Бешовини ҳам ўзим катта қилганман, ойижовим тракторчи, уруш бошланганидан буён кечасию кундузи далада».

Хурматли ўқувчимиз сезаётган бўлса керакки, бу «Беш болали йиғитча» романининг беш қаҳрамони Орифжоннинг сўзлари. Худойберди Тўхтабоевнинг ўзини кўрганларга ишбатаи унинг китобларини ўқишларнинг мароталаб кўндир. Бироқ бу кўн солин китобхонлар ҳеч вақт Орифга берилган бу портрет характеристикаси Худойберди Тўхтабоевнинг ўзига алоқадор эканини билмайди. Ҳа, бу портретда ёзувчининг ўз киёфасидан шималардир олинган, фақат портрет маъносинда эмас, балки бошқа жиҳат-

лар билан ҳам Орифжон адабнинг прототипи деган хулосага келишга ҳуқуқ беради.

Саргузашт романлар, фелъетон ва фелъетонбоп ҳикоялар, инҳоят комедия билан сугорилган роман «Беш болали йиғитча» Худойбердини жиддийроқ ижодий босқичга тайёрлади. Бу унинг кейинги романи «Қасоскорнинг олтин боши» романи бўлди.

Роман ҳам материал жиҳатдан, қисман услуб жиҳатдан ҳам бошқа асарларидан катта фарқ қилади. Худойберди бу асарида ўтмиш тарихий материалга, реал шахс тасвирига мурожаат қилади. Бу асарда унинг бошқа йирик асарларидагидек болаларча тасаввур ҳам йўқ.

Худойберди бу роман билан ўзбек романчилиги географияси уфқини ҳам анча кенгайтирди. Асар воқеалари Самарқанд атрофларида, қисман ҳозирги Қарши, Бухоро областлари территорияларида бўлиб беради.

Бу романда услуб жиҳатдан ҳам Худойбердиниң ўзига хослиги кўзга ташланиб туради. Еш адиб Абдулла Қодирий романларидагидек кўпроқ реал воқеаларнинг кескин бурилишлари, бу бурилишлардаги қаҳрамонлар ҳолати билан кизиқади. Бирок ҳаёт воқеликларини тасвирлашда Худойберди Абдулла Қодирийни айнан такрор қилади, деб ҳам бўлмайди. «Ўтган кунлар» муаллифи ўз санъати билан воқеаларни китобхон қалбини ларзага солиш даражасида кескинлаштира олар эди. Худойберди воқеалар кескинлигини бу даражага кўтара олмади, албатта. Бунинг ўрнига «Қасоскорнинг олтин боши»да бошқа фазилятлар бор: у аниқ тарихий фактни кузатади, тадқиқот қилади. Асар марказига йиллар оша қилмишлари оғиздан-оғизга ўтиб, афсона бўлиб донг таратган «Намоз ботир», «Намоз полвон» номли машҳур қасоскор қаҳрамон Пиримқул ўғли Намоз «саргузашт»лари асос қилиб олинади.

«Қасоскорнинг олтин боши» сюжети, унда акс эттирилган тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима асослари шунини кўрсатадики, адиб узоқ йиллар давомида Намозга тегишли тарихий ҳужжатларини, даврнинг ижтимоий ва сиёсий ҳолатини кунг билан ўрганибди, таъланган давр ҳақида ҳаққоний хулосалар чиқариши мумкин бўлган даражага етибди, кейин кўлига қалам олибди.

Тарихий маълумотларга қараганда асарнинг бош қаҳрамони — Намоз Пиримқул ўғли (1865—1907 йиллар) Самарқанд атрофларидаги қишлоқларда яшаган, маълум вақтлар давомида атрофига одам йиғиб, ўзига хос йўллар билан тенгсизликка қарши курашган — етим-есир, камбағаллар гамида ҳаётини фидо қилган. У анча билимдон ва дунё кўрган йиғит, улуг рус халқи ҳаёт тарзи билан яқиндан таниш. Баъзи бир тахминларга қараганда унинг фаолияти ўша вақтлардаги революцион ҳаракатлар билан ҳам боғлиқ бўлган.

Тўхтабоев ўз асарида тарихий ҳақиқатга яқин бўлишга ҳаракат қилади. Намоз ботир ҳаётда ҳам, романда ҳам халқ — оддий меҳнаткаш халоскори. У куч билан бойлар молу-мулкларини тортиб олиб,

камбагал, бева-бечораларга таркатади. Бу фаолияти туфайли унинг атрофига катта куч йиғилади. Шу даражага бориб етдики, бу кучдан Амр хам, ҳатто губернатор хам таҳликада қолади. Шу маънода Намознинг бу харакалари маълум даражада синфий маъно касб этади. Унинг назарида одамлар икки гуруҳга бўлинган — бири меҳнаткаш, бойлик яратувчи захматкашлар, иккинчиси бойликларни ўзларига «тортиб олувчи» ва ушн йиғиб, ҳаёт лаззатини кўргувчилар. Намознинг вазифаси бойликни эгаси — яратувчисига қайтаришдан иборат. Мана Тўхтабоев талқинидаги Намоз. Тарихдан яна шу нарса хам маълумки, бу кучга маълум бир йўналиш бериб турадиган, унинг кураш йўлларини ёритиб турадиган, замон талабига асосланган программаси бўлмаган. Х. Тўхтабоев масаланинг бу жиҳатларини акс эттиришда хам тарихан объектив.

Адиб Намоз образини алоҳида муҳаббат билан тасвирлайди. Бу йўлда ёзувчи қалам бўёгини аямайди. Ҳатто шу даражага борадиги, бу реал характер образини яратишда у халқ оғзаки ижодида ва ёки афсоналарда кўн учратиладиган образли ибораларни анчагина ишлатади. У «булутдек баланд», «кўкраклари кеиғ», «кўллари узун», «биллаклари йўғон» — «биттаси чакалоқнинг белидек келади», «бўйи дароз», «пешонаси дўиғ», у «наъра тортганда хонанинг шини кўтарилаётгандек бўлади» ҳоказо ва ҳоказолар.

Намоз Ботир кўпгина мушкул ҳолатларда хам халқ эртак ва достонларидаги ботирлар сингари бемалол чиқиб кета олади. Бундай пайтларда адиб бўёгини ошириб беришдан хам қайтмайди. У Намозни реалликдан бир оз юкори кўтарди хам. Таҳликага тушган пайтларда паҳса деворин тешиб кета олади, от устида ўн галлик жордан сакрай билади... (Фақат унда сирли каллюкча йўқ ҳолос). Булар деталлар албатта. Асосий масалага келганда эса — халқ касоскори образини эса қоларли шаклда яратиш, унга нисбатан китобхон муҳаббатини уйғотини масаласида — бу бўёқдорлик адиб мақсадига, реалистик образ яратиш принципларига зид келмайди.

Худойберди Тўхтабоевнинг касоскори оёмондан тушган эмас, ёки ҳеч ердан ҳеч гап йўқ Намоз бир думалаб касоскор кифасига кириб қола қолгани йўқ. Унинг бу йўлга киришининг соғинал сабаблари бор. Романда масаланинг бу томони хам етарли очиб берилган. Гап шундаки, Намоз аввало ерли ва колонизатор бойлар эшигида хизматда бўлади. Бошида буни у нормал ҳолат деб тушулади — кимларнингдир кўйида катта бойлик бўлиши керак, кимлардир уларга хизмат қилиши керак... Бироқ маълум бир вақтга етгач у англайдики, бойлар эшигида ишлайдиган меҳнаткашларга бериладиган ҳақ уларнинг тирикчилиги учун етмайди, бунинг устига минимум даражада берилган ваъдаларини бойлар амалга ошира бермайди, улардан ўтвб тушган яна бир ҳол шундай бўладики, ҳақ сўраб борган меҳнаткаш таҳқирланади, қалбақланади ё ўлади, ё бутун умрга майиб бўлиб қолади. Оламининг кадрларининг одий нуқтага бориб етди. Намознинг ўш хам,

қариндошлари билан бирга шу аҳволга тушади. Ҳақ сўраш можароси жанжалга айланиб, бой билан камбағаллар орасида катта конфликт тугилади, қози қалон бўлим ҳокими эса бу масалани ҳал қилиш ўрнига бой томонига ўтиб олади. Бу оздек Намозни от ўгрисига чиқарадилар. Пичок бориб суякка тегади. Намознинг қасоскорлик йўлига киришининг сабаби шулар.

Адиб Намознинг қасоскорлик давридаги воқеаларни, бу йўлда у дуч келган драматик ҳолатларни анча батафсил тасвирлайди. У қасоскор ота-она, қариндош-уруғлар бошига ёғдирилган бало-қазолар, сезилмас Насиба у билан бирга бўлгандаги фожиялар романда объектив аке эттирилади. Бошқача қилиб айтганда Худойберди Тўхтабоев Намоз ва намозчилар ҳаракатини эксплуатацияга қарши, тенгенлик, ҳуқуқсизликка қарши халқ тўлқини сифатида кўрсатади.

Намоз эксплуатацияга қарши курашди. Лекин бу давр ҳали революцион ситуация яшииб етилмаган давр эди. Шу сабабдан Намоз ва унинг атрофидагилар ҳаракатларининг баъзи бир ғалабалари вақтинчалик ғалаба ҳисобланар эди. Шу бонедан у баъзи бир ғалабалардан кейин зарбаларга учраб турар эди. Шундай пайтлардаги фожиявий ҳолатлар ҳамма томонда ўз аксини топган. Оқибат Намоз ҳаракати кескин фожиа билан тугалланади. Бу ҳам тарихий, ҳам бадийий ҳақиқат сифатида романда тўғри аке эттирилган.

Намоз тажрибаси, бу улуғ халқ ҳаракати беиз ўтиб кетини мумкин эмас эди. Ахир оқибатда биз учун ҳам Намоз ишларининг аҳамияти озмуича эмас. Ёзувчи Пиримқул Қодиров романининг биринчи нашрига ёзган сўз бошида бу ҳақда шундай дейди:

«Намоз Ботир аллақачон Ўзбекистон тарихига кирган. Унинг саҳифаларида исёнкор халқ вакили сифатида таърифланган эди. Бу роман унинг ёркин сиймосини адабиётимиз орқали ҳар бир хонадонга олиб киради, муаллиф ўз таланти, меҳри, маҳорати ва меҳнати билан қайта тирилтирилган довурак, мард, танти йигит энди бизга тугишганимиздек қадрдон бўлиб қолади. Халқи учун жонини берган Намоз Ботир халқ қалбида мангу яшайди».

Ҳақиқий ёзувчининг ҳар бир асари излашинлар, самарасидир. Худойберди Тўхтабоев ҳар бир асари билан ўз ижодини нималар биландир бойитали, қандайдир янгиликларга эришади. Бирок ижодкор учун, ҳусусан ўзига талабчан, бадийят масъулиятини ҳис қиладиган ёзувчи учун излашинларининг чеки йўқ. Бизнинг назаримизда Худойберди Тўхтабоев чексиз изланадиган, шу туфайли ҳар бир асари билан адабиётимиз тараққиётида сезиларли ҳисса қўша биладиган адибларимиздан. Адибнинг китобхонларини мамнуи қиладиган ҳислатларидан бири ҳам шу. :

*Матёқуб Қўшиқонов,
ЎзФА муҳбир аъзоси*

САРИҚ ДЕВНИ МИНИБ

Р о м а н

СЕҲРЛИ ҚАЛПОҚЧА

I боб

КЎЧАГА ҚУВИЛДИМ

Танишиб кўяйлик: отим Хошим, эркалатиб чакирмоқчи бўлсангиз Хошимжон деб атайсиз. Фамилиям — Рўзисез, Рўзивоёй тракторчининг ўглиман. Рухсат берсангиз, онламиниз хақида ҳам икки-уч оғиз сўзлаб ўтсам: дадам икки-уч йилдан буён чўлда бульдозер ҳайдаб ер текислайди, ойимнинг айтишига қараганда ўша томонларга ҳам пахта экишармиш. Бир ойда, баъзан икки ойда бир келиб кетади. Келганида ҳар биримизга алоҳида-алоҳида совга-саломлар олиб келади. Совганинг энг яхшиси, албатта, менга тегади. Ойим бўлса уйимиздан уч юз метр наридаги фермада сигир соғади. Бир ўзига 24 говмини қарайди. Ўтган йили сутин кўн соққани учун медаль ҳам олган. Ўша медални ойимдан яшириб мен ҳам икки марта тақдим. Бир марта тақиб бозорга бориб сабзи-пиёз олиб келдим, иккинчи марта тақиб мактабга борувдим, директоримиз чакириб олиб роса уришди.

Катта синглим Ойшахон тўртинчи синфда ўқийди. Ховлини сулуруши, идиш-товоқларни ювиш ўшанинг бўйишда. Ойим уни: «Ошноққинам, жонимнинг хузурин», деб эркалатгани эркалатган. Ойим уни бағрига босиб суйган кун мен ҳам биқинидаи секни чимдиб:

— Пучуққинам,— деб қўяман.

Кичик синглимнинг оти Доноҳон. Ҳозир биринчи синфда ўқияпти. Ойимнинг айтишига қараганда у катта бўлса, албатта доктор бўлармиш. Менимча, ундан доктор чикмаса керак. Нега десангиз, кўча-кўйда ҳамшираларга кўзи тушиб қолса укол қилади деб, тоғдан-тоққа қочади. Тупов кунни мактаб ховлисида оқ халат кийган буфетчинини кўриб доктор келди деб деразадан ташлаб қочибди.

Ростини айтсам, ўзим ҳам унчалик ёмон бола эмасман. Ақл-хушим жойида, одобим ҳам чакки эмас, олгинчи синфнинг нитизомли ўқувчилариданман. Бир хил, ҳалиги шўх болаларга ўхшаб, кунбўйи кўча чапгитиб юрмайман. Яшириб нима қиламан, кўча чапгитиб юргандан кўра командага

бўлиниб олиб, тўп тепган ёки холироқ жойга, масалаи, ойнинг харчанд чакирса ҳам овози етмайдиган жойга бориб олиб чиллак ўйнаган минг марта яхши.

— Хошим! — деб чакиради баъзан ойим.

— Лаббай, ойнажон?

— Томдан ўтин ташлаб бергин.

— Хўп бўлади, ойнажон, — дейману секин у ёк-бу ёкка қарайман-да:

— Ойша! — деб кичкираман.

— Лаббай, акажон?

— Томдан ўтин ташлаб бергин.

— Хўп бўлади, акажон, — дейди Ойша. Шундай демаса, ишлар чаток. Оч бикинга мушт келиб тушади. Ишқилиб, ойнанинг тапини ҳеч ерда қолдирмайман. Айтганини ўзим бажармасам, биров орқали бажараман. Аслини олганда ўзинг бажаришининг шарт эмас. Фермамининг мудури Сирожиддин ака нуқул шунақа қилади. Рансдан бирон топширик олиб келса аъзоларига топширади. Сиз канақалигинини билмайман-ку, лекин мен ҳам мудирликка ўхшаш ишларни яхши кўраман. Шу ўйнайверсанг-ўйнайверсанг, сенга тегишли ишларни бировлар бажараверса-бажараверса...

— Ориф! — деб кичкираман баъзан. Айтгандек, эсимдан чиқиб қолаётгани, Ориф билан бирга ўқиймиз, бир партада ўтираемиз. Ўзи нақанагина бола-ю, лекин боши тўла ақл. Ҳар қандай масалаи ҳам кўз юмиб-очгунча ишлаб ташлайди, мен ҳам кўз юмиб-очгунча кўчириб оламан. Гоҳо бирор жойини жўрттага хато қилиб кўчирман, шундай қилмасам бўлмайди-да, муаллимимиз кўчирганимни билиб қолади. Шундай қилиб:

— Ориф! — деб чакираман.

— Нима дейсан? — дейди Ориф уйларидаи туриб.

— Чик, дарс тайёрлаймиз.

— Ўзинг чиқа қол.

Ориф мени чакираётганини ойна эшитгани, деб жўрттага қайта-қайта сўрайман:

— Нима дединг?

— Ўзинг чиқа қол деяман, нима, қулоғинг қарми?

Паикани кўтариб секин «қуён» бўлиб қоламан. Чикиб тайёр вазибаларни апил-тапил кўчирман-да, хали айтганимдек, кўча чапгитиб юрмайман-ку, тўппа-тўғри нариги маҳаллага футбол ўйнагани жўнаб қоламан.

Мана бугун ҳам шунга ўхшаш режалар тузиб, Орифни чакираман, деб эндигина кекирдагимни чўзаётган эдим, ойим:

— Хошим,— деб чақириб қолди.

— Лаббай, ойижон.

— Нега товукларга дон бермадинг?

Рост, эрталаб ойим товукларга дон бериб қўйгин, деб тайинлаб кетган эди. Бутунлай унутган эканман. Энди нима қилдим-а, ишқилиб қулоқиниң тағида шавла қайнамаса бўлгани!

— Нима дедингиз, ойи?

— Нега товукларга дон бермадинг, деяпман, нима, қулоқиниң девориниң остида қолганим?

— Овқатини ўзи топиб есин-да. Токайгача текинхўрлик қилишадн,— деб гапини чалғитмоқчи бўлдим.

— Вой, ўлмасам, сувам бермаганга ўхшайсан.

— Ойи, товуклар сув ичмайдиган бўлиб кетган...

— Шунақами?

— Ха, шунақа...

Ножўя гал айтиб қўйган бўлсам керак, ойим катта қалтакни олиб қувлашга тушди. Уч марта ховлини айландим-да, кўча эшик олдиға бориб эгилиб салом бердим ва бир хатлаб ўзимни кўчаға олдим. Ўша ердан туриб:

— Бир ҳафтадан бери сув берганим йўқ. Тухумини бир йўла порошок қилиб тугаверсин! — деб бақирдим.

— Териниңга сомон тикмасамми! — деди ойим таёқни ўқ талиб.

«Тамом», деб ўйладим ичимда. Нега десаңгиз, кеча ҳам шунга ўхшавроқ бир воқеа бўлиб ўтган эди. Ҳар кун даредан қайтганимда ойим:

— Хошимжон, бугун қанақа баҳо олдинг, ўғлим? — деб сўрайди.

— Беш-да, ойижон, бизинки донм беш! — дейман.

— Барақалла,— дейди ойим. Кейин ўзим яхши кўрган шоколаддан икки-учта узатиб,— бор, энди бирпас ўйнаб келгин,— дейди. Кун ботгунча маза қилиб ўйнаб юрман.

Кеча ойим негадир баҳонни сўрамади-ю, қани қундалигиниңни бир кўрсат-чи, деб қолди. Райн-қутим ўчиб кетди, нега десаңгиз, илгиниң бу ёғи сая ишқалроқ эди-да.

— Қундалигим ўқиғувчимизда қолган,— деб қутулмоқчи бўлдим.

Напқанини оч деяпман!

Бошқа иложим бўлмаганидан напқани очиб, секин қундалиқни чиқариб бердим.

— Бу нима?— сўради ойим.

— Икки.

— Бушеч-чи?

— Уч.

— Нега ёлгон гапирдинг?

— Ким ёлгон гапирибди, — дедим бўш келмай, — икковини кўнса беш бўлади, ойижон!

— Шунаками?

— Шунака...

Ойим кошларини чимириб, қўллари калтираб, кундаликни варақлашда давом этди.

— Бу нима?

— Икки, ойижон.

— Буниси-чи?

— Буниси физикадан олинган баҳо.

— Хўп, мана бунисига нима дейсан?

— Хеч нарса деёлмайман, лекин ойижон, учовини кўшса беш бўлади.

— Шунаками?

— Шунака...

— Ху ўша...

Физкультурадан қилган машқларим мана шу пайтда қўл келиб қолди. Бир сакраган эдим, ўзимни ховлининг ўртасида кўрдим. Бу гал калтак ейишим аниқ бўлиб қолди.

— Сен хати шошмай тургин! — деди ойим дагдага қилиб.

Шундай қилиб десагиз, кеча мана шунақанги дили сибҳлик бўлиб ўтган. Ҳозир кўчага чикиб шуларни ўйлаб юрагим қисилиб кетди. Синглимни уйга киритиб папкани олдириб чиқдим-да, уй вазифаларини кўчириб олиш учун Орифлариникига кирдим.

— Ориф йўқ, — деди ойиси, — магазин томонга кетувди.

— Ориф мени папкамни олиб келгин деб юборди, — дедим. Нега десагиз, агар папка қўлга эсон-омон тегиб қолса, ичинини очиб уй вазифаларини кўчириб олишни мўлжаллаган эдим.

— Папканинги ўзи билан олиб кетувди-ку.

— Бўлмаса, ўглингиз мени алдапти-да, — дедим сир бой бермай.

Энди нима қилдим? Жуда бошим котиб қолди-ку. Бир йўла уч фандан вазифа берилган эди, биттасини ҳам бажарганим йўқ. Ҳозир, негадир, Орифни тутиб олиб дўй-васлагим, бикинига, бошига роса муштлагим келиб кетди. Қани энди қўлимга тушса-ю, бир аламимдан чиқсам.

Анча вақтдан буён директоримиз номига тўрт-бештамит бирлашиб талабнома ёзмақчи бўлиб юрувдик. Мактабга бориб ўшани ёзишга киришдим.

А р и з а

Биз ўқувчилар сўнги пайтда жуда қийналиб кетдик, ўй вазифалари кўпайди, ишлашга вақт йўқ. Шунинг учун қўйидаги фанларни дарс жадвалидан вақтинча бўлса ҳам олиб ташлашни энгизни сўраймиз: алгебра, геометрия, она тили. Умуман олганда, бу фанларнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Бошни қотиради холос. Уларнинг ўрни бўлиш қолмасин десангиз, футбол ҳақида фан бўлса ўшани киритса ҳам бўлади. Уқитувчиликка, агар ҳўн деса, ўртоқ Геннадий Красницкийни олиб келиш керак. Талабимизни амалга оширсангиз, ҳамма фанлардан беш олиб ўқишга сўз берамиз, шўхлик қилмаймиз. Уқувчилар номидан:

Ҳошимжон Рўзиев»

28224
Талабномани ёзишга ёзиб қўйдим-ку, лекин директорнинг олдига киришга ботинолмай қолдим. Ўрнидан турай десам денг, тиззам даг-даг калтирайди. Кўзимни чирт юмиб шартта турдим-да, шу ҳолда, кўзимни юмганимча, секретарь кизининг хойхойлашига ҳам карамай тўппа-тўғри Отажон Азизовичнинг кабинетига кириб бордим.

— Хизмат? — сўради директор.

— Салом, домла! — дедим кўзимни очиб.

— Салом.

Ишдамасдан талабномани узатдим. Пўк, ишим яна ўнгидан келмади. Отажон Азизович нақ бир соатча насихат қилди. Мен рўйхатдан ўчириб таниламоқчи бўлган фанлар жуда фойдали эмиш, уларни пухта эгалламасдан туриб, киши агроном ҳам, инженер ҳам, зоотехник ҳам бўла олмас эмиш. У десам бу деди, бу десам у деди, хуллас, охирига бориб ҳеч гап тополмай қолдим. Ичимда эса «Алгебра ўқигандан кўра ойимдан калтак еганим минг марта яхши эди», деб турибман.

— Тўғрими? — деб сўради охирида Отажон Азизович.

— Нотўғри! — дедим кўзимни уйшиг шифтига тикиб, — участкамизнинг агрономи Анорвой тога ҳеч жойда ўқимаган-ку.

— Энди ўқийман деб турганида уруш бошланиб қолган, сен билан бизнинг ҳаётимизни сақлаш учун фронтга кетган, — деб тушунтира бошлади Отажон Азизович. Кейин у ёғини яна насихатга улаб юборди...

Ўзи ишинг бир кетга кетса, ҳеч ўнгариб бўлмас экан.

Бу кўнгилсизликлар озлик қилгандек, ўша кунни яна кетма-кет ёмон баҳолар олдим. Биринчи дарс «жони-дилимдан яхши кўрганам» алгебра эди, албатта. Кўнгирок чалиниши билан юрагим шигиллаб кетди. Кўнгирок худди қорнимнинг ичнда чалингандек кўнглимни оздириб юборди. Ҳитувчи кўриб қолмасин, деб оёқларимни олдинги партанинг остига узатиб, фақат бошимнигина чиқариб ўтирардим.

— Рўзиев, тўғри ўтириб ол! — деди Қобилов.

Тўғри ўтириб олдим.

— Рўзиев, қани айт-чи, ўтган дарсада нимани ўтувдик?

Секин ўрнимдан туриб ёнгинамда ўтирган Орифни туртдим. У бўлса тесқари қараб, гўё ҳеч нарсадан хабарсиздек жим ўтирарди.

— Тезроқ гапир! — қистади муаллим.

Бу гап мен ҳам Орифни қаттиқроқ туртган эдим, кўзлари ола-кула бўлиб кетди-ю, кўрққанидан пичирлай бошлади. У нима деса оқизмай-томизмай мен ҳам такрорлаб турдим.

— Енг қучли енгламалар... — деб гап бошладим.

Синфда гуриллаб қулги кўтарилди. Ҳзим ҳам маза қилиб қулгига кўшилдим. Кейин билсам, «тенг» сўзи ўрнига «енг» деб юборган эканман «Қани, таърифини айт-чи», — деди муаллим қулгини босиб.

— Тилимнинг учида турибди-ю, айтолмаяпман, — дедим гўё айтишга қийналаётгандек. Шундай дейману уйнинг шифтига, деразага, доскага қарайман. Орадан уч-тўрт минут ўтгач: «Айтасанми, йўқми», деб сўради яна ўқитувчимиз.

— Айтаман, домлажон, албатта айтаман.

— Айт, ахир бўлмасам.

— Мана ҳозир тилимнинг учида турибди.

— Тилимнинг учи қурсин сени, ўтир, — деб юборди ўқитувчимиз.

Ўша кунни эсласам, ҳозир ҳам юрагим орқамга тортиб кетади. Ростини айтсам, тугилганимга минг бор пушаймон бўлдим. Лекин дарсадан қайтаётганда мен ҳам бўш келмадим, Орифдан бонлаб ўчимни олдим.

— Менга қара, — дедим чинорининг тағига етганда бикинига туртиб, — нега меннинг қучугимни урдинг?

— Қачон урибман?

— Ўтган йили урдинг-ку!

— Ҳечам урганам йўқ.

— Ургансан, мана бундай қилиб ургансан, — дедим-да, бошига бир мушт туширдим. Кейин... у ёғини ўзингиз ҳам билиб турган бўлсангиз керак, қаттагина мушшлашини бўл-

ди. Болаларнинг ярми Ориф тараф бўлишди, ярми мен тараф. Кийим-бошларимиз дабдала бўлди, юзларимиз конга бўялди...

Лекин мен хурсайд эдим, ўч олганимдан хурсанд эдим, юз-кўзи демай савалаганимдан ўзимда йўқ шод эдим. Тўғри-да, ҳадеб бешларини у каторлаб олаверади-ю, мен иккидан чиқмас эканман-да. Менга ҳам унча-мунча ёрдамлашиб турса бир жойи камайиб қоладими!

Хуллас, кайфим чоғ эди. Хурсанд холда ашулаш ваг кўйиб уйга қайтардим. Қорин ҳам очган, ойинжомим пишириб кўйган паловжомини кўз олдимга келтириб ҳар замонда лабларимни чаниллатиб кўяман. Ҳозир бориб паловхоитўрани пок-покиза тушираману, қоринни кашлаб ётиб, телевизор кўраман, деб ўйлайман-да, ашулашнинг авжига чиқаман.

Кўча эшигимиз ичкаридан занжир экан. Такиллатдим. Туркишидан қараб турибман. Бир маҳал таёк кўтариб аста-секин чиқиб келаётган ойимга кўзим тушиб қолса бўладими!

— Ким билан муштлашдинг?! — Эшикни очгач, ойинжомимнинг биринчи саволи шу бўлди.

— Ҳеч ким билан, — дедим оркамга тисарилиб.

— Орифини урибсан-ку?

— Елгон! Унинг ўзи мени урди.

— Даре тайёрламасанг, уй ишларига қарашмасанг, сингилларингга кўп бермасанг, кўнбўйи муштлашсанг — сени ўлдириб кўя қолмасамми, — деб ойим кўлидаги таёкни менга қараб олди. Чан бериб қолдим. — Йўқол, кўзимга кўринма!

Кўча эшик олдига узок туриб қолдим. Йўқ, ойим шаштидан қайтадиганга ўхшамайди. Энди нима қилдим, каёкка борай, кимдан бошвана сўрайман? Қорин-чи, овқатни каёқдан топдим энди...

II боб

ХУДОНИНГ ЕЛКАСИГА ИГНА САНЧДИМ

Бир жихатдан олиб қараганда, ойим уйга киритмай тўғри иш қилган экан. Нега десагиниз, ўша пайтларда мен сеҳрли қалноқ ахтариб эгаси кўчиб кетган ҳовлиларини, гўнг тепаларини, эски-туски кийим-бошлар танланадиган бурчак-сурчакларини тинтув қилиб юрган эдим. Бир ой аввал Қашқир кинлоқда турадиган бувим бизниқига меҳмонга келиб, сеҳрли қалноқ ҳақида эртақ айтиб берувди. Қалноқни

кийиб олган азамат йигит бирам ишлар қиладикки, бирам қахрамонликлар кўрсатадикки, агар эшитсангиз, оғзингиз очилиб қолади. У ҳаммани кўриб туради. Уни эса ҳеч ким, энг кўзи ўткир одамлар ҳам кўролмайдн.

— Буви, бувижон, ўша қалпоқнинг ранги қанақа? — деб сўрадим ховлиқиб.

— Оқ жулдан тўкилган.

— Уни қаердан топса бўларкин?

— Ўша қахрамон қариб-чириб ўлаётганда қалпоқни шу атрофдаги ховлилардан бирига яшириб кетган, болам.

— Топса бўлармикан?

— Нега бўлмас экан. Изласанг, албатта топасан, ўғлим.

Худдасе, ўша кечадан буён оромимни йўқотганман. Кечасно кундузи тиним билмай сеҳрли қалпоқ ахтараман. Ишонсангиз, изламаган жойим қолмади. Фақат эски қишлоқнинг чеккасидаги ташландик бир уй қолган, холос. Бу ховли қимлик эканлигини ҳеч ким билмайди. Хатто, ойим ҳам аниқ бир нарса айта олмади.

Кечкурун уйга киришдан маҳрум бўлгач, ойим айтяпти деб, қўшнимиздан иккита нонни қарзга олдим-да, қоронғи тушини билан ўша ховли томон йўл олдим. Ташландик уйдан хунуги бўлмас экан. Қайси бурчакка қараманг, ажи-нами, алвастими кўзини лўк қилиб менга бақрайиб турганга ўхшайди. Хатто назаримда икки марта бўри ҳам кўрингандек бўлди. Кейин буводоқ синчиклаб қарасам, иккови ҳам мушук экан. Мен титқиламаган бурчак қолмади. Тешикки бөр, ҳаммасига қўл сукиб кўрдим...

Бир маҳал чарчаб, сувсаб, қолдан тойиб ўтириб қолибман. Мудрай бошладим. Йўқ, мен ухламаслигим керак, дедим ўзимга-ўзим. Кейин шартта ўрнимдан туриб сал ичкарироқ кирдим. Молхона бўлса керак, охурда бир тўп латта ётибди. Орасини титқилаган эдим... тондим, ишонасизми, тондим, худди ўшанинг ўзи! Оқ майини жулдай, чеккасига шакдан чиройли хошия тикилган!

— Салом, қалпоқчам! — қичқириб юбордим.

— Салом, Хошимжон! — деган овоз эшитилди.

— Мен сени ахтариб юрувдим.

— Мен сени кутиб ётувдим...

Бошимга илдим, уй томон қуш бўлиб учдим. Ахир мен унинг чинакам сеҳрли қалпоқ эканлигини синаб кўришим керак эди-да... Синаб кўрдим ҳам. Кўча эшикнинг устидан ошиб тўппа-тўғри уйга кириб бордим. Ойим теки машинада Довога қўйлақ тикиб ўтирган экан. Ёнгинасига бориб:

— Ойи,— дедим илгичка овозда. Ойим бошини кўтариб,

у ёк-бу ёкка каради-ю, «тавба» деб кўкрагига туфлаб кўйди. Секни бориб лагандан совук ошини ея бошладим.

— Ойша, акандан дарак бўлмади-ку? — деб сўради ойим.

— Билмасам,— деб кўйди бир чеккада дарс тайёрлаб ўтирган синглим.

— Бечора касрларда қолиб кетди экан?

— Ўзингиз-да, бўлар-бўлмасга уришаверасиз.

Шу пайт совук ош томоғимга тикилиб ҳикичок тутиб қолса бўладими, бунақасига илгарди ҳеч учрамаган эдим Ўзиям пик ўн беш минут пағма қилдим-да.

— Тавба! — деди ойим у ёк-бу ёкка қараб.

— Тавба! — деди синглим ҳам ёқасини ушлаб.

Демак, калпоқчам чиндан ҳам сеҳрли экан, деб ўйладим-да, термосдан чой кўйиб ичган эдим, ҳикичок босилди. Ўшангача ҳам ҳеч бирлари мени кўришмади. Секни холодильникнинг ёнига бордим, эшигини очиб бошимдан калпоқчани олдим. Ойим билан синглим бараварига ўрилари-дан туриб кетишди.

— Каёқдан пайдо бўлиб қолдинг? — икковларининг ҳам саволи шу бўлди.

— Холодильникнинг ичида ётувдим,— деб юборибман билмасдан. Ойим бечора кўрққанидан андак бўлмаса йиглаб юбораёзди. Дарров мени иссиқ бағрига олиб юзу кўзларимдан ўпа кетди.

— Болагинам, музлаб қолай дебсан-ку! — деди у тинмай. Иссиқ кўрпага ўраб қайноқ-қайноқ чой ичиришди. Ҳар чой ҳўплаганимда жўртгага бир иккилаб кўяман. Ичимга иссиқ кириши билан ҳузур қилиб ухлаб қолибман.

Эртасига биринчи қилган ишим кишлоғимизда яшайдиган Сорахон фолбинининг ишларини текшириб кўриш бўлди. Мени бирои киши комиссия қилиб тайинлагани йўқ-ку, лекин шунчаки ўзим қизиқиб қолдим-да. Ўқитувчимиз унга ишонманлар, ҳаммаси ёлгон дейди. Ёлгон бўлса, нега ҳоламнинг шухрати шунчалик ёйилиб кетади. Ром очириб, дардига даво сўраш учун одам шунақани кўп келадикки, шунақани кўп келадикки, кишлоғимиздаги медицина унинг олдида иш эиолмайди. Ундан кейин, келганлар қуруқ келишмайди. Бирови шохдор кўй, бирови сариқ эчки, бирови қозга ўралган пул, бир хиллари қатта тоғорада тўрт қулоқли сомса ташлаб кетишади. Мен билан ўқийдиган ўғли Миробиддинхўжанинг керилганини айтмайсанми, бир ўзининг иккита велосипеди бор. Тунов кун, биттасини миниб бир оз саёҳат қилган эдим, қосқонини эгиб кўйган эканман, ака-ука мени тутиб олиб роса дўппослашди.

Одамлар:

— Сорахон фолбин тўппа-тўғри худо билан гаплашадин!— дейишадин. Муробиддинхўжа бўлса мактаниб:

— Бизнинг уйдан худонинг овози эшитилиб туради! — дейди.

Ишқилиб, ана шу нарсаларни текшириб кўрмоқчи бўлдим, эрталаб нонуштадан сўнг тўппа-тўғри фолбин холамининг уйига қараб йўл олдим. Ховлисида еттита хотин, бешта чол, учта бола ўтиришибди. Ҳаммаси ҳам касал бўлса керак, ранги офтоб урган хамакдек сап-сарик. Қалпоқни кийиб секин ичкари кирдим. Фолбин холам қоронғи уйда ўтириб олиб ром очяпти, қаршисида бола қўлтиқлаган меннинг ойинга ўхшаган чўзиқ юзли бир аёл ўтирибди.

— Ўғлингни сарик жин урибди, кизим,— деди фолбин холам.

Шу пайт уйнинг поллари остиданми, қалин деворлари орасиданми, шифтиданми — қасқандалигини аниқ англай олмадим-ку,— лекин сарик жинларнинг жараиғ-журунги қилиб ўйинга тушаётгани, чилдирма чалаётгани эшитилиб, кўркқанимдан додлаб юбораёздим. Хайриятки, олдимда фолбин холам, болали аёл ўтиришибди. Бўлмаса, ким билади, нималар қилиб кўйган бўлардим. Ваҳимали овозлар тиниши билан гойибдан:

— Овм-и-и-ини! — деган сурнайникига ўхшаш ингичка овоз эшитилди.

Фолбин холам давом этдилар:

— Сарик эчки сўйиб, терисига болангни ўрайсан.

— Овм-и-и-ини! — деган овоз эшитилди яна гойибдан. Кетидан хаанги ваҳимали жараиғ-журунлар жўр бўлди. Фолбин холам болали аёлнинг кўркқанидан ўйнаб турган кўзларига тикилиб:

— Худо ўзи шифо беради, ана, ариш-аълодан унинг табаррук овози эшитилаяпти, эшит! — деб кўйди.

Бу гал жараиғ-журунги эшитилмади-ю, лекин қиска-қиска қилиб айтилган «овмин» эшитилди. Бошимда қалпоқчам бор. Жинлар бари бир мени кўролмайдн, деб ўзимга-ўзим дағла бердим-да, улар билан учрашни ниятда овоз қайси томондан келаётганлигини аниқлаш учун шошилиб томга чиқдим. Қалин девор орасига нарсон туширилган экан. Секин пастга тушдим. Уйнинг ости подвал, ўртада сўппайиб бир хум турибди. Шу чоқ фолбин холамининг уйига яна бир киши киргандек бўлди. Унинг: «Ох, отагинам, отагинам, сизга қора дев ҳамла қилибди, суф, суф, суф», дегани эшитилди. Бу овоз тиниб улгурмасдан хумнинг ичидан жараиғ-журунги билан чилдирма садолари янгради, кетидан

«овмин» ҳам эшитилиб қолди. Аввалига қўрққанимдан без-
гак тутгандек дағ-дағ қалтирадим. Кейин ўзимни босиб,
секин бориб мўраласам, хумнинг ичида ўзимизнинг Миро-
биддинхўжа ўтирибди. Билақларига ҳар хил шиқилдоқлар
тақиб олган, кўлида дўппидан сал каттароқ ўйинчоқ чил-
дирма! «Ий-е, ҳа, худон таолонинг ўзлари шу ерда экан-
лар-да, яшаворсинлар-е! — дедим кулгим кистаб,— сарик
жин ҳам ўзлари бўлса керак?» Шу пайтда шунақанги ач-
чигим чикдики, шунақанги аччигим чикдики, чўнтагимдан
тўғнагични олиб бор бўйинча худон таолонинг елкасига сан-
чиб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолибман.

— Вой-дод! — деб кичкирди Миробиддинхўжа. Фолбин
холам: «Отагинам, касалингиз гоят оғир, ана, кулоқ солиниг,
париларим фарёд чекапти», деб жаврай бошлади. Қап-
катта хотиннинг ёлгон сўзлаганини кўриб, яна жаҳлим чи-
қиб кетди. Кўзимга Миробиддинхўжа аявастидан ҳам хушук
кўриниб кетди назаримда. Тўғнагични яна санчиб юбориб-
ман.

— Ойижон! — деб кичкирди Миробиддинхўжа.

— Овозингни ўчир! — бошидан хумнинг ичига босдим.

— А! — Миробиддинхўжанинг кўзи худди жон бера-
ётгандек ола-кула бўлиб кетди.— Сен кимсан ўзи, айт, ким-
сан?

— Мен Азроилман.

— Азроил?

— Ҳа, Азроилман, жонингни олгани келдим.

— Ойижон! Мен ўляпман...

— Додлама,— деб бошига бир шаналоқ урдим,— менга
қара, Ҳошим деган болани танийсанми?

— Танийман, Азроилбобо, танийман.

— Танийсанг, нега унга велосипедингни бериб турмадинг?

— Бердим-ку?

— Нега уни аканг билан икковлашиб урдиларинг?

— Тавба қилдим, энди урмаймиз.

— Бари бир, ҳозир жонингни оламан,— шундай деб
жўрттага бўғмоқчи бўлгандек икки қўлимни томоғига олиб
бордим.

— Жон Азроилбобо, бу гая жонимни олманг, кечиринг

— Нега одамларни алдайсан?

— Ойим айтдилар-да...

— Ойинг нима деди?

— Овмин дейсан, деди. Ундан кейин мана бу шиқилдоқ-
ларни чалиб, чилдирмаши дўшиллатасан, деди.

— Ёлгон. Ўзинг ҳам мактабга бориб ўйингиздан худонинг
овози эшитилади дегансан.

— Айтдим-ку, ойим ўргатди деб.

— Ойнинг нима деб ўргатди?

— Кўча-кўйда юрганнингда, мактабга борганингда шундай деб айтгасан, деди.

— Демак, ҳаммаси ёлгонми?

— Ёлгон. Азронлабобо, ёлгон.

— Ёлгонлигини мактабга бориб айтгасанми ёки жонингнинг олиб кўя қолайми?

— Айтаман, бугуноқ айтаман.

— Бўлмаса сени синаб кўраман. Ҳозирча жонинг ўзингда турсин. Уй вазифаларини яхшилаб тайёрлагин, Ҳошим деган бола сўраса йўқ демагин...

Ташқарига чиқиб эди нима қилиқ кўрсатсам экан, деб ўйлашиб қолдим. Хали фолбин холам болали аёлга дори бераётганида халтасига кўзим тушиб қолувди. Ана ўша халтачаларини ҳам бир текшириб кўрмоқчи бўлдим. Хар хил читдан тикилган катта-кичик бешта халтача бор, ҳаммасида ҳам ўзимизнинг аптекаларда сотиладиган оддий дорилар: бирида пенициллин, бирида биоминин, бошқасида юрак ўйноқни босадиган порошок. Худди таоло ато қилган ноёб дорилар деб, холажоним ана шуларни пуллаётган экан. Яшаворсинлар-э, дедим ўзимга-ўзим, хали шошмай турсинлар, ўзларини ҳам бир уялтириб кўйма-самми...

Фолбин холамнинг чўнтагига кўл солиб беш-ўн сўм олдим-да, дарҳол туғруқхона олдидаги аптекага югурдим. Ўша ердан ичн сурадиган хар хил дорилар олиб келдим. Халтачалардаги дориларини олиб, ўрнига ўшаларини эхтиётлик билан жойлаб кўйдим. Орадан ўн-ўн беш кун ўтар-ўтмас, холамнинг обрўлари ҳам бир пуя бўлди. Сен хали бизни атайлабдан захарламоқчи бўлдингми деб, ичн суриб дармондан кетган беморлар холамни тутиб олиб роса дўп-послашибди...

Ишларни юришгандан-юришиб кетди. Ўзим хурсанд, кайфим чоғ, ашула айтганим-айтган. Баҳоларим ҳам жойида — нуқул беш! Илгаригидек уй вазифани бажарган бўлсанг менга бериб тур, деб бировларга ёлвориб ҳам ўтирмайман. Ўқитувчиларимизнинг уйига шартта қираман-да, конспект дафтариини олиб ўша ерда кўчираман-кўяман. Обрўйим ҳам шунақани ошиб кетдики, ўқитувчилар менга қулиб боқадиган бўлиб қолишди. Фақат оғзаки сўраладиган фанлардан ҳамон мазам йўқроқ. Лекин унга ҳам бир важ тошиб кўйганман.

— Менинг оғзаки нутқим ривожланмаган, ёзма равишда талаб қилаверинглар,— дейман-да, ўқитувчиларимнинг

ўзларидан кўчириб олган консектларни сал бошқачароқ қилиб ўқиб беравераман.

Хуллас, ишларим ҳар жиҳатдан юришиб кетган эди. Синфкоммизни амалдан тушириб ўрнига мени сайламоқчи бўлиб туришган эди-ю, бир хатога йўл қўйиб, бутун мактабда шармандою шармисор бўладим, ростини айтсам, бир пулча обрўйим қолмади.

Даредан қайтаётганда ҳеч ким сезмаса керак деб ўзимга ва энг яқин дўстим бўлмиш Қосимжонга етита фандан аъло баҳолар қўйиб, чорак тугамаган бўлса ҳам, чўзиб ўтираманми деб, чорак баҳоларини ҳам чиқариб қўй қолган эдим. Бу ишни аввал она тили ўқитувчимиз, сўнгра физика ўқитувчимиз пайқаб қолибди. Ўша соатдаёқ ҳаммага ошқор бўлибди. Эртасига мактабга боришим билан директорнинг кабинетига чақиринди. Қирсам, етита ўқитувчи қатор ўтирибди. Қосимни ҳам чақиртириб келишди.

— Ҳошим, берироқ кел-чи, — деди Отажон Азизович бармоғи билан журналдаги баҳонни кўрсатиб, — бу баҳоларни ким қўйди?

— Билмасам... — дедим елкамни қисиб.

— Сен қўйдингми? — сўради Қосимдан директор.

— Нимани? — мендан баттарроқ ҳайрон бўлиб деди Қосим.

— Икковнинг маслаҳатлашиб қилгансан бу ишни. Очқичасига иккор бўлинглар, — деди ўқитувчилардан бири.

— Йўқ, бу иш Қосимдан чиққан, — деди бошқаси, — нега десанглар, Ҳошим сўнги пайтларда анча тузалиб қолди. Баҳолари ҳам нуқул беш...

Ўтирганлар ҳаммасига бу фикр маъқул тушди шекилли, ҳар томондан бечора Қосимга савол ёғдира бошлашди. Қарасам, дўстимнинг ахvoli чатоқ — қўзида мийтил-лаб ёш томчилари кўриляпти. Йўқ қилгиликни мен қилиб, жабрини биров тортмаслиғи керак! Шартта ўртага чиқдим:

— Кечирайсизлар, бу ишни мен қилганман.

— Нимага?! — саккиз киши бирданига шу саволни берди.

— Ҳа, мен қилганман. Қосимнинг бу ишдан мутлақо хабари йўқ. Ундан кейин, хуллас, бу ишни мен қилганман...

Тамом, ҳали айтганимдек, обрў икки пул бўлди. Айтилмаган гапу, қилинмаган насихат қолмади. Мендан шу кетишда кетаверсам, тузукроқ одам чиқмас эмиш, агроном ҳам, инженер ҳам, зоотехник ҳам бўла олмас эмишман.

— Йўқ, — дедим қайсарлигим тутиб, — мендан агроном чиқади, албатта.

— Чикмайди! — саккизталовлари бир овоздан такрорлашди.

— Бўлмаса зоотехник бўламан.

— Илмсиз бўлсанг, зоотехник тугул молбоқар ҳам бўлмайсан!

— Бўла оламан.

— Гапни кўпайтирма, бўлмайсан! — аччиғи чикиб деди директор.

— Бўламан, бўламан, бўламан! — дедим-да, эшикни тарсиллатиб ёниб чикиб кетдим. Мен ўқимай туриб ҳам бошимда шу кадрдон қалпоқчам бор экан, албатта, агроном ҳам, инженер ҳам, шоиру артист ҳам бўла оламан деб каттик ишонар эдим. «Ҳа, албатта бўламан, — деб такрорладим ўзимга-ўзим, — буларга, менга ишончсизлик билан қараётган мана шу кадрдон ўқитувчиларимга ўзимнинг кимлигимни кўрсатиб қўяман...»

Уша кунни кечасиёқ қахрамонликлар кўрсатиб, шону шуҳрат таратиб, ўқитувчиларимни, Отажон Азизовични ҳайратда қолдириш ниятида сафарга отландим.

Хайр жопажон кишлоғим, хайқириб тошдан-тошга урилиб оқаётган зилол сувли анҳорлар, поёнсиз мевазор боғлар, ҳаммангизга хайр. Йўл ёқасидаги азим ёнбоқлар, сизлар ҳам яхши қолинг. Энди сизларга ҳеч ким тош отиб шохингизни сиңдирмайди, танангизга миҳ қоқиб озор бермайди!

Меҳрибон ойиҷоним, шўхликлар қилиб кўнглингизни огритган бўлсам, қайсарлигим туфайли ўксатган бўлсам, кечиринг мени! Кўнғир сочли сиңилларим, сизлар ҳам яхши қолинг. Ҳар хил кизикчиликлар қилиб сизларни кикирлатиб қулдирадиган, мактабдан қайтаётганингизда шўх болалар урғанда тарафингизни оладиган акангиз ёнингизда йўқ энди. Соғинганда, кўнглингиз ўксганда расмга боқинг. Лекин йиғламанг. У албатта келади, қахрамонликлар кўрсатиб қайтади. Ўз ўқитувчиларига ўқимасдан туриб ҳам агроном бўла олиши мумкинлигини, артист бўлиб ҳаммани ўзига маҳлиё қила олиши мумкинлигини кўрсатиб қўяди. Ҳа, албатта кўрсатади. Кўкси тўла орден билан қайтади. Хайр!

Эй, чала қолган уй вазифалари, сизларга ҳам хайр!

Ярим тунда кишлоқдан чикиб борар эканман, кўзим жикка ёш, аммо қалбим шодликларга тўла эди.

III боб

БАХТИМ ҚУЛИБ БОҚҚАН ЭДИ

Қаёққа боришни, нима қилишни билмас эдим. Бошим қотган, ўйлаб ўйимга столмайман. Аммо бир жиҳатдан кўнглим шод — овқат текни, поезду автобуслар текни,

кадрдон калпоқчам бошимда. Зериксам, у билан суҳбат кураман.

— Калпоқчам, каерларга келиб колдик? — деб сўрайман.

— Ўзим ҳам билмайман, Хошимжон, — дейди калпоқчам.

— Ростини айт, мендан агроном чиқармикин-а?

— Чикади. Албатта, чикади.

— Ахир меннинг дипломим йўқ-ку? — дейман кўнглим ўксиб.

— Укинма, — дейди калпоқчам, — кўлингни чўнтагингга сол — диплом тайёр.

Кўлимни чўнтагимга солган эдим, чиндан ҳам кўк жилдли, ичкарисига ҳар хил ёзувлар ёзилиб, думалок муҳр босилган диплом чиқиб колди.

— Калпоқчам, ахир меннинг бўйим жуда паст-ку, — дейман яна иккиланиб, — ҳеч ким мени, катта одам деб ўйламайди-ку?

— Хафа бўлма, керак бўлганда бўй ҳам кўшиб берман.

Йўл юрдим, йўл юрсам ҳам мўл юрдим, бир маҳал мундоқ қарасам сахрою биёбонга келиб колибман. Бир томонни поёни йўқ чўл. Қарасанг, кўзинг жимирлаб кетади. Янтоғу шўрадан бошка ҳеч нарса кўринмайди. Аҳён-аҳёнда менга ўхшаб қасққа боришини билмай гаранг бўлиб учиб юрган қушлар тўдасигами, думи узун юмронкозиқ ёки кўзини лўк қилиб турган калтакесакками дуч келиб қоласан.

Икки марта плонлар галасига ҳам учраб колдим. Егани овқат тополмай бир-бирининг думини сўриб ётган экан, мени кўрини билан севишиб шунақанги қувлашга тушиб кетиндики, агар бошимга калпоқчамни кийиб олмаганимда, ким билади, ҳалим не кечар эди...

Бир оз юргач, бог-роғлар яшшаб ётган жойга келиб колибман. Таваккал қилиб дарахтзорлар орасидан юриб боравердим. Гоҳ олмасор, гоҳ шафтолизор, гоҳ тоқзорлар орасидан ўтиб борардим. Бир томонда гўзалар ҳам яшшаб ётибди. Дадамга ўхшаган одамлар тепасига брезентдан соябой ўрнатилган универсалларга миниб олиб ишлаб беришмоқда. Катта цемент ариқдан шундоқкина ўтиним билан галати бир манзарага кўзим тушиб, ростини айтсам, хапгу манг бўлиб колдим. Юз гектарча келадиган катта майдон майда-майда бўлақларга бўлиб ташланган, ҳар бир бўлақчада учтадан-тўрттадан бўлиб ўзим тенги, ўзимдан сал каттароқ болалар, Ойшаҳон синглимга ўхшаш кўнгир сочили қизчалар терлаб-пишиб ишлашиб ётибди.

— Хой бола, ҳорма! — дедим гўзанинг ичидан ўт юлиб юрган бир боланинг ёнига бориб.

— Ишингни қил, — деди у бошини кўтармай.

— Ҳорма, деяпман.

— Ишингни қил деяпман, — шундай деб нотаниш бола секин бошини кўтарди. Кўтарди-ю, уялганидан бўлса керак шолғомдек қизариб кетди.

— Кечирасиз, — деди пешанасидаги терини артиб, — мен сизни ўзимизнинг Шавкат деб ўйлабман.

— Кечирасиз, — дедим мен ҳам ҳурматини жойинга қўйиб, — бу қайси мамлакат?

— Нима?

— Қайси мамлакат деяпман?

— Мамлакат эмас, Мирзачўл.

— Э, анави газетадаги Мирзачўл шу ерларми?

— Газетадаги эмас, Мирзачўлдаги Мирзачўл, — тушунтирди нотаниш бола.

— Бу ерда нима қиляпсизлар?

— Ўт юляпмиз.

— Бу гўзалар қимшиқи ўзи?

— Бизники.

— Нега энди сизники бўларкан?

— Ана шу, кўриб турганингиз ўн гектар ердаги гўзани олтовимиз экканмиз, ўзимиз парваришляяимиз, ҳосилини ҳам машинада ўзимиз йиғиштириб олмоқчимиз.

— Сизларга агроном керак эмасми?

— Йўқ, — деди бола бошини чайқаб, — биз ўзи бўлажак агрономлармиз...

Гапни чўзиб ўтирмасдан нариги карталарга ўтиб кетдим. Мендан кўра сал повчароқ бўлган иккита бола қовун чопик қилиш билан овора.

— Нима қиляпсизлар? — сўрадим жўрттага нима қилаётганларини кўриб турган бўлсам ҳам.

— Иккинчи чопик қиляпмиз, — деган мужмалроқ жавоб олдим. Болалар жуда шўшиб ишлашарди. Ё бир-бирлари билан қим қўй ишлашга мусобақа ўйнагани ёки ўзлари шунақанги чакқон ишлашга ўрганиб қолганига бўлса керак, деб ўйладим. Ростини айгсам, шу пайтда менинг ҳам ана шу болалар билан эгатларга ёнма-ён тушиб олиб, мусобақалашиб, кетмон чопгим келиб кетди. Лекин ўзимни босиб, жиддий бир оҳангда:

— Сизларга агроном керак эмасми? — деб сўрадим.

— Йўқ, керак эмас.

— Нега энди керак бўлмас экан? Эҳтимол, кераклир?

— Бизнинг ўзимиз агрономмиз.

Шундан кейин кун боггунча ишлаётганларни гапга солиб, суҳбатлашиб, майда карталарни айлашиб, томоша қилиб юравердим. Ўзим томона қилсанг арзигулик жойлар экан, чўлини яшилатиб юборинибди. Бир картада ҳали айтганимдек пахта, бошқасида ҳали айтганимдек ковуи-тарвуз, парирокда пиш, берирокда карам! Айниқса, бу атрофдаги меваларни айтмайсанми. Луччак шафтодиларга маза кирай деб қолибди, олма дарахлари ҳосилни кўп қилганидан бирон айб иш қилиб қўйгандек бошларини эгиб турибди. Узумнинг ўзидан, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, рошша-роса йиғирма икки хилни санасам-а.

Товуқларга доп бериб юрган, ҳадеб тухум еяверганидан бўлса керак, ошқовокдек семириб кетган сарик сочли бир қиздан:

— Бу товуқлар кимники? — деб сўрадим.

— Бизники,— деди қиз ҳозиргина арчилган каттагина тухумни оғзига солиб.

— Тухумни кимга берасан?

— Ўқувчиларга.

— Уй вазибаларини бажармаганларга ҳам бериладими?

— Унақалар бизда йўқ.

— Борди-ю, битта-яримта топилиб қолса-чи?

— Бор, ишингни қил,— деди сарик сочли қиз яна битта тухумни оғзига солиб,— товуқларини хуркитиб юборясан.

— Менга қара,— дедим бир оз юмшаб,— сизларга зоотехник керак эмасми?

— Зоотехникни нима қиламиз?

— Иш ўргатади-да.

— Унақасидан ўзимизда ҳам тўлиб ётибди...

Сал нари борган эдим, атрофи ёғоч тахта билан ўралган катта қўрғонга кўзим тушиб қолди. Дарвоза тенасига «Крулевская номли мактаб-интернат фермаси» деб ёзиб қўйинибди. Ҳа-ҳа, бу мактабнинг ҳали фермаси ҳам бор экан-да, деб ўйладиму, секин ичкари кириб бордим. Ростини айтсам, ферма унча катта ҳам, унча кичик ҳам эмас экан: саккизта егир, ун тўртта чўчка, учта қўтир эчки — бор-йўғи шу.

— Қўйларнинг ҳам борми? — сўрадим молларнинг тагини тозалаб юрган нает бўйли, нешонаси дўнг бир боладан.

— Қўйлар чўзда...— деди бола менга қараб анграйиб.

— Қуёнлар-чи?

— Қуён фермамиз катта боғнинг ичиде туради.

— Эчкиларнинг бор-йўғи учтами?

— Мушча эзма экансан, айтдим-ку, эчкилар ҳам қўйларнинг ёнида деб.

90 75 20 165
70 65 60

— Шунақа демайсанми, — дедим сал наст келиб. — Мен бўлсам бошқалари касал тегиб ўлиб кетганми деб ўйлабман. Бузокларнинг кўринмайди?

Пешонаси дўнг бола тоза жонимга тегдинг-ку, дегандек кўлни силтаб, пакир билан сунургини кўтарганча, хиёл оқсокланиб чўчкахонага ўтиб кетди. Ўша ердан туриб, негадир тилини узун чиқариб мени масхара ҳам қилиб қўйди.

— Торт тилингни, ҳозир бориб сугуриб оламан! — дедим муштимни кўрсатиб.

— Мени-я!

— Ҳа, сени.

— Уришгандан кўра келиб ишга қарашсанг бўлмайди-ми! — деди бола илжайиб. Ишга тушсам тушай деб устимдаги янги кўйлагимни шартта ечдим-да:

— Қани, ишингни кўрсатавер, — деб қўйдим.

— Менга қара, тагин сен меҳмон бўлмагани? — қизиқиб қолди у.

— Меҳмонман-да.

— Ие, шундай демайсанми? Қани, танишиб кўяйлик: менинг отим Хайитвой, еттинчи синфда ўқийман.

— Менинг отим Хошимбой, — деб кўлимни чўздим, — олтинчи синфнинг аълочи ўқувчиларидан бўламан. Сизлар ўзи кимларсизлар, ўқувчимни, қолхозчимни, ҳеч тушунолмайд қолдим-ку?

— Бизми, биз ҳу анави икки қаватли бино бор-ку, ўша ерда ўқиймиз, дарсдан бўш вақтимизда кўриб турганингдек ишлаймиз, касб ўрганамиз. Биз-чи, Хошимбой, ўзимизни ўзимиз боқамиз, ўзимизни ўзимиз қийинтирамиз...

— Ростдан-а?! — дедим ҳеч ишонгим келмай.

— Рост, — Хайитвой ишонченлик билдирганим учун бир оз хафа бўлди, — ҳали сен кўрганинг йўқ, ўттиз гектар ерда мевазор боғимиз бор, шигил ҳосилга кирган. Ярмини еймиз, ярмини бозорга чиқариб сотамиз. Гўшт ҳам, сўт ҳам ўзимизда етарли.

— Сигирларни қим соғиб беради?

— Қим соғарди, ўнвчи синфнинг қизлари-да.

— Мева-чеваларни ҳам ўшалар сотиб берадими?

— Бўлмасам-чи? — деди Хайитвой мактаниб, — директоримиз Хурсанали Шарафиддинович бу қизлардан ажойиб сотувчилар етишиб чиқади, дейди. Майли, растрата қилсалар ҳам ишлашаверсини, бора-бора ўрганиб кетишади, дейди. Тунов қуни, биласанми, нима бўлади? Текширувчилар борганда, ҳалиги будқада сўт-қатик сотиб ўтирадиган Санобар онам бор-ку?

— Қайси? — сўраб қўйдим.

— Халиги ўнинчи «б» да ўқийдиган бор-ку, ўша ок халат киймасдан савдо қилаётган экан, қўлга тушиб қолибди. Тартибни бузгани учун роса муҳокама қилиб виговор беришди. Ундан кейин десаиғ, ўн беш сўм штраф қилишди.

— Штраф пулини қаердан олади?

— Қаердан оларди, бригаданинг фондидан олади-да, ҳали айтдим-ку, маҳсулотларимиздан келган фойдани кассага қўямиз деб. Кассадаги пул йиғилаверади, йиғилаверади, кейин ўнинчинин битириб бутунлай кетаётганимизда ҳар ким ўзига тегишли пулни олиб кетади.

— Рост айтянасанми? — дедим яна ишонгим келмай.

— Рост. Ўтган йили мактабимизни эллик киши битирувди, битириш кечаси Хурсанали Шарафиддинович ҳар бирига минг сўмдан пул улашди, биз роса қарсақ чалдик... Сизларнинг мактабларингизда ҳам шунақами?

Ростини айтсам, нима дейишимни билмай, жўрттага нарироқдаги сизирларни томоша қилаётгандек анграйиб турарвердим. Бизнинг мактабимизда, яшириб нима қиламан, бу ерда кўрганларимнинг мингдан бири ҳам йўк. Рост, тирик бурчакда иккита орвқ қуён бор эди, лекин унинг ҳам биттаси очидан ўлиб қолган. Ундан кейин мактабимизнинг орқасида каттагина мевазор боғ ҳам бор, лекин бу дарахтлар мewa қиладими-йўкми, ҳозир ўйлай-ўйлай ҳеч хотирлай олмадим. Шундай бўлса ҳам мактабимизнинг шаънини ҳечам ерга ургим келмасди.

— Нима дединг? — дедим мактабига чоғланиб.

— Сизларда ҳам шунақалар борми деяман?

— Сизларникидан юз марта яхшиси бор.

— Қуён фермаларингиз ҳам борми?

— Бор. Ҳатто бизда шер, арслонларгача бор...

— Ўх-хў,— деди Хайитвой кўркқанидан кўзлари олакула бўлиб,— еб қўймайдими?

— Биз уларни темир қафасларга солиб, устидан катталиги сенинг қаллангдек келадиған қушлар солиб қўйганмиз...

— Сизларда халиги эшик, ром ясайдиган устахоналар ҳам борми?

— Оҳ-ҳо, бизнинг устахонами бир кўрсанг,— деб қўйдим. Шундай дейману, лекин мактабимизнинг устахонаси қаерда эканигини ўзим ҳам билмайман.

— Халиги кийим-бош тикадиган арғел-чи? — деб сўрашда давом этди Хайитвой.

— Бор. Ҳаммаси бор. Мана шу устимдаги қўйлак ҳам ўша ерда тикилган. Оёғимдаги туфлини Шокир деган битта оғайним тикиб берган.

— Бизда ҳам устахонанинг ҳар хилидан бор,— деди Хайитвой бир оз шаштидан тушиб,— ҳозир олиб бориб кўрсатардимۇ, лекин ишларим қолиб кетади-да.

Мен унинг ишларига кўмаклашадиган бўлдим. Қўз юмиб-очгунча аввал молхонани, сўнгра чўчкахонани ёғ томса ялагудек қилиб тозалаб ташладик. Гўнг билан чиқиндиларни мен катта челакага солиб турдим. Хайитвой ташқарига бўз-чининг моксидек катнаб турди. Бир нафасда ҳаммаёк, ҳали айтганимдек, ёғ томса ялагудек бўлди-қолди.

— Дўстим Хайитвой,— дедим ишлар тугагач,— сизларга мол доктори керак эмасми?

— Дўстим Хошимбой,— жавоб кайтарди шеригим,— мана шу фермадаги саккиз бола ҳаммамиз мол доктори бўламиз...

Хайитвой билан ўртқок бўлиб қолдик. Ўзиям кўнгли очик, хушчакчак, менга ўхшаб кизикчирок бола экан. Авваллига роса мактанчоқ бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Йўк, унчалик мактанчоқ ҳам эмас экан. Айтганидек, мактабнинг устахонаси кўрсанг кўргудек, томоша қилсанг томоша қилгудек жой экан. Қизлар менниг ойимникига ўхшаш тепки машинада чок тикишадиган хонага кириб ўн минут чамаси анграйиб турдим. Қасам ич десангиз, қасам ичиб айтаманки, бунақанги устахона дунёда ҳеч бир мактабда бўлмаса керак. Қўёнларнинг терисидан жажжи қизлар учун попукли қалпоқчалар, оқ батистдан ўкувчи қизлар киядиган фартук дейсизми, пахта териладиган канои этаклар дейсизми, ҳўллаас, дунёдаги йўк кийимлар мана шу ерда тикилар экан. Бирам бежирим, бирам чиройли тикишянтики! Хай-хай, нозик қўлчаларини чиройли ҳаракатларини айтмайсизми, оёқчаларини бир меъёردа ишлашини қаранг-а! Ўзлари кичкина-кичина қизлар, оёқлари тепкига зўрга етяпти-ю, катта хотинлардек керилиб ўтиришади-я, оббо жин сочлар-эй! Завқим ошганидан сизга бориб биттасининг биқинидан секин чимдиган эдим, қўлимга бир туширди.

— Булар ҳам сотиладими? — деб сўрадим Хайитвойдан.

— Сотилади, ҳаммаси сотилади,— тушутиришда давом этди у.

— Менга кара, ая у қалпоқчалардан эсдалик учун менга иккита беролмайсанми?

— Нима қиласан буларни?

— Иккита сингаим бор, ўшаларга совга қилиб олиб бормоқчиман.

— Йўк, беролмайман.

— Берасан, кейин қўлимга пул тушганда келиб тўлаб кетаман.

— Беролмайман! — деди Хайитвой бир оз жаҳли чиқиб

— Берасан,— шундай дедим-да, стол устида турган чиройли қалпоқчалардан иккитасини олиб кўлтиққа урдим. Хайитвой кўлимга ёпишган эди, билмасдан каттикроқ итариб юборган эканман, бечора икки-уч думалаб кетса бўладими. Чок тикаётган қизлар бизни кузатиб туришган экан, уларни сут-қатиклар билан таъминлаб, поношталарига қаймоқлар етказиб бераётган укажонларини ранжитганим учун мендан ўч олмоқчи бўлиб 28 қиз бараварига ўрнидан турди: бирининг кўлида пичок, бирининг кўлида қайчи, бириси кизиб турган дазмолини ушлаб олган, ҳаммалари менга ташлашиб қолишди. Қарасам, ишнинг кети хунук бўладиган. Қочмаган номард, дедим-да, ўзимни эшикка урдим... Йўқ, Муллахошимбой кечиккан эканлар, эшикни аллақачон беркитишга улгуришибди, қалпоқчамни бошимга кийишга аранг улгуриб қолдим. Кўздан йўқ бўлишим билан:

— Столнинг тагини қаранглар, столнинг тагида! — деб қичқирди бири.

— Шкафнинг ичига киргандек бўлди! — деди бошқаси шовқин солиб. Ўзимни секингина деразадан ховлига отдим. Қизлар: «Ўғри қочди, ушланглар!» — деб орақдан югуриб чиқишди. Бутун интернатда тревога кўтарилди. Директор Хурсанали Шарафиддинович радиоюзел орқали эълон қилиб, мени қидиришга 550 ўқувчининг ҳаммасини сафарбар қилди.

— Афти ангори эсингда қолганми? — сўради у Хайитвойдан.

— Бўлмасам-чи?..

— Унда мана бу радиоюзел орқали ҳаммасини гапириб бер, тезроқ бўл!

— Диккат, диккат! — ховлиқиб, хириллаб гапирга бошлади Хайитвой,— ўғрини қидираётганлар диккатиға. Ҳозиргина қочган бола 12—13 ёшларда эди. Ўзи қорачадан келган, ориқ, бўйи мендан кўра новчароқ. Кўзлари йирик-йирик, доим чаклаб туради. Бурни ангишвонага ўхшайди. Гапирганда тугилиб-тутилиб қолади. Устида оқ шойида сорочкаси бор, шими йўл-йўл шерстдан, дазмолланмаган. Афти бошига бир хафтадан буён сув тегмаган бўлса керак, ҳаммаёғи кир...

Хайитвой радиодан эълон бераётган маҳалда мен директорнинг кабинетида худди ўша директорнинг ўзи билан ёнма-ён ўтириб чойхўрлик қилмоқда эдим. Диванга ёнбошлаб олиб ўйланиб кетдим.

Нималар қилиб кўйдим ўзи? Уларнинг меҳнатига ёрдамлашмиш ўринга ҳаммасини пшдан кўйдим-ку! Мана Хурсанали Шарафиддинович билан ёнма-ён ўтирибмиз, ўзи ёмон

одамга ўхшамайди, анча меҳрибон, гапга тушунадиган кўринади... Эҳтимол, яхшиликчасига илтимос қилганимда мени бирон участкага агроном қилиб олган бўлармиди. Ишларим юришиб кетганда, ким билади, расмим газеталарда босилиб ҳам чиқармиди. Ана унда меҳрибон директоримиз Отажон Азизович ҳам, алгебра муаллимимиз Қобилов ҳам киши ўқимасдан туриб агроном бўла олишни, ўртоқларига ҳисобсиз фойдалар келтиришни мумкинлигини ўз кўзлари билан кўрардилар... ха, бахтим қулиб боқай деб турган эди. Лекин афсуски, ишни ўзим бузиб қўйдим...

Секин ўрнимдан турдим-да, Хурсанали Шарафиддиновичнинг совиб қолган чойидан оч қоринга хўриллатиб бир хўпладиму, радиоузел ўрнатилган хонага кирдим. Хайтвой ўша ерда ҳамон кекирдагини чўзиб гапирар эди.

— Ма, қалпоғингни ол, бунақаси бизнинг мактабда ҳам тўлиб ётибди! — дедим-да, оёғининг тагига тап этиб ташладим.

Арзимаган бир нарса учун юзим шувут бўлиб қолди, энди бу ерда қолишим мумкин эмас эди. Болаларнинг ошхонасига кириб, қозоннинг бошига ўтириб олдим-да, лаззатли таомлардан тўйиб-тўйиб едим. Компот пиширишган экан, ундан ҳам икки стаканини пок-покиза уриб олдим. Кейин, ўзингиз ҳам сезиб турган бўлсангиз керак, яна йўлга равона бўлдим..

IV боб

ХАШАРОТНИ КАЛТАҚЛАШГА БУЮРДИМ

Кетяпман-кетяпман, на йўлнинг охири кўринади, на атрофда бирон кўкқайган кулба. Ўннга қарасанг ҳам гўза, чалга қарасанг ҳам гўза. Бир маҳал бурилиб оркамга боқкан эдим, назаримда, ҳозиргина мен босиб ўтган йўлларда ҳам гўзалар ўсаётганга ўхшаб кўринди. Сиз қапакалигингизни билмайман-ку, лекин мен мана шунақанги поёнсиз далаларга чиққанимда яйраб, жоним танимга сиғмай кетади. Ундан кейин қориним тўйди дегунча, ашула айтиб юборадиган одатим ҳам бор. Шу пайтда қорин масаласида шикоятим йўқ ҳисоби. Ундан кейин атрофда: «Хой, Муллахошим, кулоқ ўзимизга ҳам керак»,— деб танбех берадиган бирон қимса ҳам кўринмайди. Шартта ашулани бошлаб юбордим:

Хох гўзам, хох-хоҳ гўзам,
Хосили оignon гўзам,—

дейману, буралиб-буралиб ўйинга тушиб юбораман. Кейин икки кўлимни бикнимга кўйиб, эгилиб, гўзаларга салом бераман-да:

Хох гўзам, хоҳ-хоҳ гўзам,
Хосили оппоқ гўзам,—

деб куйлаб йўлда давом этаман. Қоронги тушиб осмонда чараклаб юлдузлар ҳам кўришиб қолди. Аммо ҳали айтганимдек, йўлнинг охиридан дарак йўқ.

Бир маҳал кўчанинг чап томонидан милтиллаб чироқ ёруғи кўришиб қолди. Бориб карасам, етмиш ёшларга кирган, оппоқ соколи кўксига тушиб турган бир отахон ёнбошлаб олиб хўриллатиб кўк чой ичяпти. Оёқ томонда — тошфонус, ўшанинг ёруғини кўрган эканман.

— Ассалому алайкум, отахон! — дедим чўзиб, — сув қуялпизми?

— Ваалайкум, — отахон чордана қуриб ўтириб олди, — кел, ўғлим, кел. Қани, берироқ кел-чи, танимайроқ турибман. Кимнинг ўғлисан ўзи?

— Дадамнинг ўғлиман, — деб юборибман шовишлиб.

Ҳаш-паш дегунча икковимиз ота-боладек бўлдик-қолдик. Отахоннинг исмлари Полвонтога экан. Ишимнинг ўнгидан келганини қарангки, Полвонтога ёлғиз ўзи зеркиб ўтирган экан. Менга ўхшаш эли-хушли, ганга тушунадиган бир йигитга жуда-жуда ҳам зориқиб ўтирган экан. Хурсанд бўлиб кетганидан отахон мени обдан меҳмон қилди, кейин термосдан чой куйиб бераётди:

— Оббо ўғлим-эй, оббо тайлогим-эй, — деб кўйди.

— Отахон, бу гўзалар қайси қолхозники? — сени мақсадга ўтдим.

— Қолхозники эмас, совхозники. Олтинчи совхозники. Ўғлим, қани қандан ол, чой расми қанд билан ичилади.

— Отахон, совхозларнингга агроном керак эмасми?

— Совхозга керак-керакмаслигини билмайман-у, аммо лекин бизнинг бўлимга агроном керак. Ўзимизнинг агроном областга кўтарилиб кетди. Умрингдан барака топкур кўп азамат йигит эди. Нима, даданг агрономми дейман?

— Дадам эмас, менинг ўзим агрономман.

— Нима?! Муштумдек бола-я! — Шундай деб отахон менга бондан-оёқ разм солиб чиқди. Мен қўлатишимда турган қалпоқчамга «қалпоқчам, сеҳрингни кўрсат», деб аста шивирладим-да, овозимни чиқариб:

— Отахон, мени чоғимда ёш бола деб ўйлаясиз

шекилли? — деб шартта ўрнимдан турган эдим, Полвонтогам миззатеракдек бўйинни кўриб:

— Епирим-эй, ёпирим-эй! — деб соқолини чапгаллаб, хангу манг бўлганча менга тикилиб қолди. — Ҳозиргина ёш бола эдинг-ку, ё туш кўраётимманмикки-а! Астағфирулло...

— Отахон, мен ўзи шунақаман, — дедим шошиб-пишиб, — бир қарасангиз ёш боладек, яна бир қарасангиз катта одамдек кўринаман.

— Епир-ей, ёпир-ей! — дерди отахон тинмасдан. У бир нафасдан сўнг ўзига келиб, «шундай қилиб, агрономман денг, ўғлим» деб сўради.

— Ҳа, отахон, агрономман.

— Бизнинг совхозга ишга кирмоқчи бўлиб яхши қилиб-сиз, ўғлим. Совхозимиз кенг, ҳаммага ҳам иш етиб ортади. Фаргона томондан бўламан, дедингизми?

— Ҳа, Фаргона томондан бўламан.

— Ота-оналар ҳаётми?

— Ҳаёт, отахон, ҳаёт.

— Баракалла. Уларнинг даврида у ёқ-бу ёқни кўриб олганингиз маъқул. Мусофир бўлмасанг, мусулмон бўлмайсан, дейдилар кексалар. Эрталаб совхоз директорининг олдига ўзим бошлаб бораман. Фарғонадан мени қора тортиб кепти, ҳамшаҳарим бўлади, ишга оласанг ҳам оласан, олмасанг ҳам оласан, деб туриб оламан...

Ўшз кечаси Полвонтога билан далаининг ўзида ётиб қолдик. Ўзиям анчадан буён бунақанги ҳузурни жон бўлмаган эди. Цемент ариқларда ҳайкириб оқаётган сувлардан эгаларга тараб қўйдик-да, ернинг ўртасига қилинган баланд супада чўзилиб ётдик. Олис-олисларда милтиллаб чиқоқлар ёнади, кўкдаги юлдузларни айтмайсизми, чараклаб кўзни олай дейди. Ой бўлса тенамизга келиб аллақандай сарғиш, аллақандай кўкимтир нурлар сочади. Қалбимизда ҳеч тушуниб бўлмайдиган, шодликка ҳам, ғуссага ҳам ўхшамайдиган галати-галати хислар уйготгандек бўлади. Сув ўз тилида бир нисалар деб чулдурайди, чигирткаларнинг басмабасга куйлаши, қурбақаларнинг пашша тута олмаганидан қимгадир шикоят қилаётгандек чўзиб-чўзиб қуриллаши — мана шуларнинг ҳаммаси менга, негадир, кишлоғимизни эслатиб юборди. Чалқанча тушиб, икки қўлимни бошим остига қўйганча юлдузлар чаманига маҳлиё бўлиб ётарканман, шу пайтда ойишоним, жондан яхши кўрган сингилларимни эслаб кетдим. Эҳтимол, бечора ойишоним сочларини юлиб фарёд чекаётгандир, далама-дала, кишлоқма-кишлоқ бўзлаб мени ахтариб юргандир. Ойишон, ойишоним, мени ахтарманг, мени деб кўз ёшларингизни оқизманг. Ҳошим-

бойнинг ишлари беш, катта совхозга катта агроном бўлай деб турибди...

Уйлай-уйлай ухлаб қолибман.

Совхоз директори баланд бўйли, елкалари кенг, полвоннамо бир киши экан. Гапирганда овози худди хумнинг ичидан чиққандек гулдираб, жараглаб эшитилади. Кулганда томни кўтариб юборгудек каттиқ кулади, юрганга уйнинг поллари лапанглаб кетади. Полвонтога мени таништир-гач:

— Хошимбой ҳали ёш, уни ўзинг тарбиянга оласан,— деб тайинлади совхоз директорига.

— Отаҳон, Сизнинг гапингизни ҳеч қайтаролмайман,— деди директор менга зимдан разм солиб, кейин менинг ўзимдан ҳам сўраб қўйди:— Қайси институтни битиргансиз?

— Агрономлик институтини.

— Қайси факультетини?

— Агрономлик факультетини.

— Яхши. Илгари ишлаганмисиз?

— Йўқ.

Акбар ака Носиров унақанги эзма директорлардан эмас экан, гапни чўзиб, мени ҳам, ўзини ҳам кийнаб ўтирмади-ю, шартта агроном қилиб тайинлади-қўйди.

Уша кун икковимиз унинг «виллис» ига ўтириб, дала айландик. Тўртинчи бўлимга тайинланган эканман, ихтиёрида 1200 гектар пахта майдони-ю, 12 бригада. Акбар ака мени жамки бригада бошлиқлари, мен раҳбарлик қилишим керак бўлган одамлар билан бирма-бир таништириб чиқди. Миниб юринг деб, «ИЖ» маркали мотоцикл бериб, 120 сўм ойлик ҳам тайинлади.

— Энг муҳими, ўртоқ Рўзиев,— деди у таъкидлаб,— одамлар билан ишлаш. Агар кишилар билан яхши муомала қилсангиз, уларнинг қалбига йўл топа оласангиз иш ўз-ўзи-дан юришиб кетаверади. Тушуваринми?

— Тушуварли, ўртоқ Носиров! — дедим.

Мотоциклин олишга олиб қўйдим-у, лекин яшириб нима қиламан, ҳайдашни билмас эдим. Тўғри, дадамнинг мотоциклга уч-тўрт бор минганим бор. Ўт олдиришни, газ беришни, тезлигини ошириб, пасайтиришни ўшанда унча мушча ўрганган эдим.

Уч кун мотоцикл минишни машқ қилиб, тўртинчи кундан бошлаб дала айланишга тушдим. Бу ерининг одамлари ажойиб кишилар экан. Қаерга бормай, ҳурматимни жойинга қўйиб, кутиб олишади. Чой, баъзан қозон осиб овқат ҳам тайёрлашади. Икки марта товук шўрва ҳам қилиб беришди. «Ароқ-пароқ ҳам ичасизми?» деб сўрашган эди, «тагини

маст бўлиб қолиб алжиб ўтирмай» деб, «йўқ, мен ичкиликни ёмои кўраман», деб қўя қолдим. Гоҳида:

— Ўрток агроном, сизингча, маҳаллий ўғитга суперфосфатни аралаштириб солган яхшими, ёки суперфосфатни селитра билан ташлаётгандайликми? — деб сўраб қолишади.

Суперфосфат нимаси-ю, селитра нимаси, ростини айтсам, ўзим ҳам билмайман. Илгари бунақанги гапларни ҳеч эшитмаган эканман. Лекин шундай бўлса ҳам сир бой бермайман:

— Шунинг ҳам сўраб ўтирибсизларми, — деб жўрттага баладдан келаман, — ким айтади сизларни Мирзачўлнинг машҳур пахтакорлари деб, уят эмасми!

Айтаиб юриб тўртинчи бригада даласида жанжал устидан чиқиб қолибман. Бўлим бошлиғи Ўрмон ака билан бригадир Рахимжон ака нима тўғрисидадир қўлларини пахса қилиб баҳслашмоқда эди. Мени кўриши билан бўлим бошлиғи:

— Ўрток агроном, Сиздан бир илтимосим бор, — деб қолди.

— Марҳамат, — мотоциклдан аста тушдим.

— Агар малол келмаса мана бу Рахимжонга, унинг аъзоларига компост тўғрисида бир гапириб берсангиз. Булар ҳалигача ҳеч нарса тушунишмас экан.

— Марҳамат, — дедим-да, у ёқ-бу ёққа қараб олгач, лекция ўқишга тушиб кетдим, — ўртоқлар, компост жуда фойдали ичимлик, уни асосан мевадан тайёрлашади. Меваларнинг хили қанча кўп бўлса, у шунча ширин бўлади. Бизнинг Фарғона томонларда компостни ўрик, шафтоли коки ва оличанинг қуругидан тайёрлашади. Хуллас, компост ичмабсиз, дунёга келмабсиз...

Гапимни тугатмасимдан ўтирган одамлар шарақлаб қулиб юборишди. Қизикроқ гап айтган бўлсам керак деб, менинг ўзим ҳам кулавердим, роса қулишдик. Кейин билсам, ўша куни обдан шарманда бўлган эканман. Гўнгни ачитиб тайёрланадиган компост билан мевалардан тайёрланадиган компостнинг фарқи бормасдан, роса алжибман, ўша кундан бошлаб тўртинчи бригада далаларига қадам босмайдиган бўлиб кетдим.

Қисқаси, мана шунга ўхшаш икир-чикирларни ҳисобга олмаганда ишларим кўнгилдагидек, кайфим чоғ эди. Қани эди директоримиз Отажон Азизовичми ёки менга икки баҳолар кўйишдан ҳеч чарчамайдиган Қобиловми мана шу юришларимни бир кўришса-ю, ўқимасдан катта одам бўлиб олганимни, масъул ишда ишлаётганимни кўриб ўз айтганларига пушаймон бўлишса, деб ўйлайман.

Кунларнинг бирида меҳрибон ойнажонимга, директори-
мизга алоҳида-алоҳида қилиб хат ёздим. Ойнажонимга нима
деб ёзганимни ўзингиз ҳам сезиб турган бўлсангиз керак.
Отажон Азизовичга эса тахминан мана бундай деб ёзган
эдим:

«Қадрли Отажон Азизович!

*Мирзачўлнинг азамат пахтакорларидан Сизга оташин
салом. Шуни ҳам айтиб қўяйки, Сиз ёлгончи бўлиб чиқдин-
гиз, киши ўқимаса, ёшликда илм олмаса, алгебра, геомет-
рия, она тилини пухта эгалламаса, агроном ҳам, инженер
ҳам бўла олмайди девдингиз, ёлгон экан. Мана мен агро-
номман. Ишонмасангиз, шу хат билан юборган расмимга
қаранг. Энди орденли бўлганимда учрашамиз.*

Хайр. Салом билан агроном Ҳошимжон Рўзиев».

Хатни юборган куним эртасига иккинчи бригада ерлари-
ни айланиб нима қилишни, кимга қанақа буйруқ беришни
билмай хунобим ошиб юрган эдим. Раҳбар бўлсангу, ҳеч
кимга ҳеч қанақа буйруқ бера олмасанг, бундан ҳам
хуноги бўлмас экан. Демак, дейман ўзимга-ўзим, кишлоғи-
миздаги саводсиз агроном Анорбой тога шунинг учун ҳам бў-
лар-бўлмасга бакиравераркан-да. Қўп бакирсанг, ёмон иш-
лаётганинг ҳам сезилмас экан. Бакироқларнинг ҳаммаси
ҳам менга ўхшаб илмсиз, сеҳргарлик билан раҳбар бўлган
экан-да, деб ўйлайману, ишлаб турган кишиларнинг ёнига
бориб бўлар-бўлмасга бакираман, шовқин соламан.

Лекин бугун кимга, нима деб бакиришни билмай гаранг
эдим. Бир маҳал бригада бошлиғи Муроджон ака ҳалло-
лаганча келиб қолди.

— Ўртоқ агроном, ўртоқ агроном! — деди у ўпкаси
огзига тикилиб.

— Хўш, — дедим қовоғимни солиб, қошларимни наст-
баланд қилиб.

— Мен сизни эрталабдан буён ахтариб юрувдим.

— Хўш? — деб нишқирдим яна.

— Ган бундай, ўртоқ агроном, гўзаларимизга ёниасига
шира тушиб кетибди.

— Шира? Қанақа шира?! — деб бақирдим, — ёнишко-
гидан тушибдими?

Шундай дейману, лекин ўзим шира қанақа бўлишини
ҳеч кўз олдимга келтиролмайман. Тўғри, илгар ишра-шира
деб эшитганим бор, лекин ҳеч кўрган эмасман.

— Маслаҳат берсангиз, қандай тугатсак экан? — деб сўради яна Муродхон ака.

— Қани, менга кўрсатинг-чи, — дедим ўзимни босиб. Бригадир келган томонга қараб кетдик. Боряпману, йўл-йўлақай қўлтигимга қисиб олганим, сеҳрли қалпоқчамга «қалпоқчам, ёрдам бергин, ақл ўргатгин» деб шивирлайман.

«Ақл сеҳрга бўйсунмайди, ақлингга ақл қўшиб беролмайман, ўзимда ҳам шу қурғурдан сал камрок», — дейди қалпоқчам.

— Бўлмаган гап, қўшасан!

— «Қўшолмайман. Иям, ақл деган нарсалар қалин жилдли китобларда бўлади, доно кишиларнинг қалласида бўлади. Умрим бино бўлиб битта ҳам китоб ўқиган эмасман. Хат-саводим йўқ..»

— Мана кўринг, мана шу гўзаларга шира тушган, — деб қолди Муродхон ака шу пайт катта пайкални кўрсатиб. Имиллашнинг пайти эмас эди. Бирон донороқ маслаҳат бермасам, бу ерда ҳам тўртинчи бригададагига ўхшаб обрўйим бир пул бўлиб қолиши мумкин. Лекин нима десам экан?

— Баргига тушибдими? — деб сўрадим гап орасида.

— Баргига тушмай, поясига тушармиди? — Кесатиб қўйдим бригадир.

— Менга қаранг, гўзаларнинг тубидан ушлаб каттикрок силкитсак шираси тўкилиб кетмасмикан-а?

— Ҳазилингизни қўйсангиз-чи, ўртоқ агроном.

— Гўзанинг устидан челақлаб сув қуйсак, ширасини ювиб кетади-ку. Ҳа, албатта шундай қиламиз. Шундай! — дедим ховлиқиб.

Муроджон ака далани бошига қўтариб хахолаб кулиб юборди. Демак, у мени ҳазил қиляпти деб ўйламоқда. Ҳазил бўлса бўла қолсин дедим-да, ўзим ҳам кикирлаб кулавердим. Жағларимиз кийшайиб қолгунча кулишдик. Кейини ўзимни босиб, жиддий бир оҳангда:

— Неча ишчингиз бор? — деб сўрадим.

— Эллик бешта, ўртоқ агроном.

— Ҳар биттасига йигирма донадан тоғ новдаси кестинг ва бир соат ичида жамики ишчингизни мана шу ерга тўплагин! — деб буюрдим. Айтганимдек, бир соат ўтар-ўтмас 55 ишчи қўлтигида бир дастадан новдаси билан ҳузуримга «қани, ишчингиз бўлса буюринг», деб етиб келишди. Эгат оралаб пайкалга тушинглар, дедим.

— Энди ҳурматаи ўртоқлар, шира тушган баргларини қалтаклайсизлар, — деб қўйдим гапимнинг охирида.

— Нима? — кўзлари жойидан чиқиб кетгудек бўлиб сўради бригадир.

— Гапни кўпайтирманг, буйруқни бажаринг!

— Хушнингиз жойидами ўзи, ўртоқ агроном? Ахир бунда фўзалар побуд бўлади-ку!

— Фўза побуд бўлса, мен жавоб бераман, агроном жавоб беради,— деб бақириб юбордим тўсатдан.— Ширага қарши курашишнинг янги методи бўлади бу. Тушундингми? Замондан орқада қолсан, каллаварам...

Хуллас, буйруғимни ўтказмагунча қўймадим. Тўғри-да, гапимни гап қилолмасам бу ерда мен нима деб юрибман. Одамлар аввалига елка қисиб, бир-бирларига қараб, хайрон бўлиб туришди-да, янги метод деганимни эшитиб, «чиндан ҳам бирон ҳикмати бўлса керак», деб ўйлашди шекилли, кўзларини чирт юмиб, фўзаларни савалашга тушиб кетишди.

Бир маҳал, бундай қарасам, бир хил фўзаларда битта ҳам барг қолмаган, тандир қосовдек сўппайиб турибди, бир хилларининг боши синган.

— Эсингизна меҳнат, Эшвой! — дейди ишчилардан бири бош чайқаб.

— Нимасини айтасиз, Қобилвой,— дейди бошқаси ух тортиб,— янги метод шунақа бўлса... тавба.

— Аслида, агрономнинг ўзини тутиб олиб қалтаклаш керак эди! — деди учинчиси.

Шу пайт орқа томондан машинанинг кетма-кет чапинган сигнали эшитилиб қолди. Қарасам, совхозимизнинг директори Носир ака тушиб келяпти.

— Ҳорманг, агроном,— деб кўл узатди у.

— Саломат бўлинг,— дедим янги метод ўйлаб чиқарганим учун гердаийиб. Эҳтимол, мукофотга ҳам тақдим қилиб юборар, деб ич-ичимдан севиниб ҳам турибман.

— Нималар қилдирансиз?

— Ширага қарши курашганимиз.

Директор одамлар ишлаётган жойга бориб, аввалига нималар бўлаётганига тушунмади шекилли, бирпас анграйиб турди. Кейин тўсатдан ҳар бир кўзи шоқосадек бўлиб:

— Булар тентак бўлганми ўзи! — деб бақирди.

— Ўртоқ агроном буюрдинглар,— тушунтирди бригадир.

— Агроном? Нима?! — Носиров шунақанги қаттиқ бақирдики, назаримда оқне-оқнелардаги тоғлар ҳам ларзага келиб силкингандек бўлди.

— Ақлингиз жойидами ўзи, ўртоқ Рўзиев,— ўша вожоҳат билан сўради директор.

— Жойида, ўртоқ Носиров.

— Агрономимиз жинни бўлиб қолганга ўхшайди,— деди кимдир.

— Рост, ана, қаранглар кўзи ҳам бежо,— деди бошқаси.

— Ушланглар уни! — деб юборса бўладими Носиров.

Эллик беш киши тенгдан газабга келиб турган экан, ҳаммалари мужиб ташлағудек бўлиб менга ташланиб қолишди. Қани, ҳурматли дўстим, ўзингиз инсоф билан айтингчи, шундан кейин мен, нима қилишим керак эди. Албатта, бошимга қалпоқчамни кийиб хайр-маъзурни насия қилиб бўлса ҳам жуфтани ростлаб қолишдан ўзга чора қолмаганди.

Ўша атрофда айланиб юрган эдим, қўлимга, нима бўлди-ю, битта газета тушиб қолди. Унда ушбу эълонча босилган экан:

«Район милиция бўлими меҳнаткашларга шуни ёзиб билдирадими, бундан уч кун аввал тўртинчи совхоздан Хошимжон Рўзиев номи бир йиғит қочди. Ўзини агроном қилиб кўрсатиб юрган бу шахс, аслида, шаҳар жиннихоналарининг биридан қочиб қалган кимсадир. Бўйи теракдек новча, ўзи игна ютгандек озғин, юрганга бир оз оксаб юради. Гапида маъно йўқ, ёш болалардек алжиб гапиради. Кўрган-билганлар бўлса милиция бўлимига хабар қилишини сўраймиз...»

Бу даргоҳдан ҳам тезроқ чиқиб кетиш найига тушиб қолдим.

V боб

ҚОФИЯ БОЗОРИ ҚАЙДАДИР

Санқиб юриб бир маҳал катта йиғин устидан чиқиб қолибман: тўй десам, тўйга ўхшамайди, мажлис десам, мажлисга ўхшамайди. Қолхознинг катта боғию одам демгани ҳеч ерга сизмай кетган. Гулзор ўртасига қўйилган сўриларда, атрофи гул билан ўралган супаларда кишилар тўп-тўп бўлиб турунглашмоқла. Кимдир елиб-елиб барра гўштлардан қабоб иширяпти. Новча бўйли бир одам ёнига бешта шогирдини олиб палов дамлаш билан овора. Нарироқда учта хотин куйиб-пишиб, пуф-пуфлаб тўрт кулоқли сомса ёймоқда, менга ўхшаш болалар гизиллаб чой ташиб турибди. Ҳаммаси ясанган-тусанган, лабларида кулги десам кулгига, табассум десам табассумга ўхшамайдиган галати ифода. Кимдир кутишаётганга ўхшайди. Барчаси бетоқат, кўзи атрофда.

Аввало, бошимдан калпоқчамни олмасдан туриб иссиқ-иссиқ сомсалардан тўйиб-тўйиб еб олдим. Кейин, калпоқчамни олгач, олма дарахтининг шохига чиқиб олган олакўз боладан сўрадим:

— Бу ерда нима бўляпти ўзи?

— Хабаринг йўқми? — деди олакўз.

— Йўқ.

— Қани, оғайни, бу ёкка чиқавер. Кейин ҳаммасини айтиб бераман.

Дарахтга чиқиб, жойлашиброқ ўтириб олдим. Олакўз оёгини силкита-силкита тушуштира кетди:

— Бу ерда, оғайни, шеър базми бўлади, билдингми? Шаҳардан зўр шоирлар келган, билдингми? Улар чўлқу варлар билан каттақон учрашув ўтказадн. Ҳозир меҳмонхонага тухум ютгани кириб кетишди, билдингми?

— Нега энди тухум ютишар экан?

— Нега дейсанми, тоза каллаварам экансан-ку, оғайни. Ахир тухум ютишмаса, овозлари яхши чиқмай шеърни паст-баланд қилиб ўқиб қўйишади-да. Ҳозир рансимиз ўша томонга тўрт яшиқ тухум олиб ўтиб кетди, билдингми?

Тўрт яшиқ тухумни эсон-омон ютиб олишса, роса шеърхонлик кизир экан-да, деб ўйладиму жойлашиброқ ўтириб олдим.

Шу пайт богнинг дарвозасидан бир йўла саккизта шоир бирин-кетин кириб кела бошладилар. Олдинда паст бўйли, дум-думалок, кўзойнақ таккан эллиқ ёшлардаги бир шоир, унинг орқасидан қотмадан келган, сочларига оқ оралаб қолган, чўзиқ юзли яша бир шоир. Ҳаммасининг бошида мовут илъяпа, ҳаммасининг эгинда кетворган костюмлар, уш илгичка туфлиларини айтмайсензми!

Дарвоза олдида кўринишлари билан қолхозчилар ўринларидан туриб қарсақ чалиб юборишди. Мен ҳам, дарахт устида ўтирганим ҳеч эсимда йўқ, қарсақ чалмоқчи бўлган эдим, ушлаб турган шохим кўлдан чиқиб, гуреллаб ерга йиқилдим. Хайриятки, ҳеч ким мени кўрмай қолди, бўлма-са роса қулги бўлармидим. Шеърхонлик бошланиб кетди.

Биринчи бўлиб ҳалиги катта шоир, оти Мамарасул Болта экан, ўша ўқиди. У пайтларда хотирам жуда ёмон эди, шеърни қаторма-қатор эслаб қололмадим, аммо мазмунини ҳалигача унутган эмасман.

Далалар, гўзал далалар, боқиб тўйиб бўлмас ҳуснингиз, ранг-баранг тобланган атласингиз, гулдек яшнаган шу жамолнингиз қалбимга ўт солар.

Далалар, кадрдон далалар. Баҳор таърифингиз бошласа булбул, мадҳингиз тугамас кузда ҳам буткул. Қутн бара-

кангиз тўқин шу қадар. Фаровон ҳаётда қайнаб-тўлибсиз, хазина бўлибсиз, гўзал бўлибсиз...

Одамлар шеърнинг сеҳрига маҳлиё бўлиб, ишонсангиз ҳайкалдек қотиб қолишди. Шунинг учун ҳам шеърнинг тугганини ҳеч ким сезмади. Фақат шоир ўрнига қайтиб ўтираётгандагина кишилар ўзига келиб қарсақни янгра-тиб юборишди.

— Баракалло!

— Минг офарин!

— Шеър деган ана шундай бўлиши керак! — деган овозлар янгради атрофда. Шу пайт қолхозчилардан бири оти-либ ўридан турди-да, шоирга яқинлашиб, елкасига банорас тўн ёпди, бошига чуст нусха дўппи кийгазди, белига жимжимадор гуллар тикилган қизил атлас белбоғ боғлади.

— Рухсат берсалар, — деди у тўлқинланиб, — қолхозчи-лар номидан бир табриклар ҳам кўйсам.

Шундай деди-ю, шоирнинг терлаб турган пешонасидан чўлпиллатиб ўпиб олди. Яна гуриллаб қарсақ чалинди. Бу гал мен ҳам, ёнгинамда оёғини солнитириб ўтирган олакўз ҳам ўзимизни ушлаб туролмай, йиқилсак йиқилармиз-да, деб қарсақ чалиб юбордик...

Шоирлар тухумни кўп ютишган экан, шеърхонлик ко-ронги тушгунча давом этди. Мен эса биринчи шеърни эшит-ганимдаёқ, шоирга кўрсатилган ҳурмату эҳтиромни кўриб адоий тамом бўлган эдим.

«Ана ҳурмату, ана эъзоз, — дейман ўзимга-ўзим, — мен бўлсам жонимни қийнаб агропом бўламан, деб қаёқдаги гал-валарга қолиб юрибман-а. Мана, шоир бўлсанг бошқа гап. Тўйиб-тўйиб тухум ютасан, китобларнинг чиқади, сура-тинг газетда босилади. Битта-яримта шеър ўкиб кўйсанг елкасига банорас тўн ёпишади. Қарсақлар, офаринлар! Йўк. Йўк! Мен ҳам шоир бўламан. Бўламан, албатта бўламан».

Ингин тугаши билан, секин дастга тушдим-у, қалпоқ-чамни бошимга ялиб шоирларга кўшилиб олдим. Ахир шоир бўлиш учун, унча-мунча уларнинг сирини асроридан хабардор бўлишим, лоақал битта-яримтаси билан дурустрок ошно бўлиб олишим керак эди-да. Шоирлар, ишлари қистов экан, қолхозчилар ҳарчанд қисташса ҳам, тунаб қолишга кўймай, «Волга» ларга ўтириб секин жилиб қолишди. Мен ҳам Ма-марасул Болта ўтирган «Волга» га тушдим. Қарасам, бўш жой йўк, шоирнинг тиззасига ўтириб кўя қолдим.

— Сайдулло, мен негадир оғирлашиб кетяпман, — деди Мамарасул ака бетоқат бўлиб. Қарасам, гап кўпаядиган, шунинг учун учовларининг тиззасига узала тушиб ётиб ол-

дим. Машина текис йўлдан кушдек учиб борарди. Мен шоирликка оид бирор гап эшитиб қолармиканман, деб уларнинг оғзини пойлайман. Гапга кулок солиб ётиб, бир маҳал кўзим илинай деб копти. «Шаҳар, шаҳар» деган сўзлар қулогимга чалиниши билан сапчиб ўрнимдан туриб кетдим. Минглаб чироқлар порлайди, кетма-кет липиллаб ўтаётган кўп қаватли уйлар, симда юрадиган шохли автобуслар, бирининг кетига иккинчиси тумшугини тираб бораётган ҳисобсиз енгил машиналар... Йўлақларга одам синамайди, кўчаларининг кенг ва яхлитлиги, шишадек ярақлаб турган асфальтлар — мана шуларининг ҳаммаси завқимни ошириб, менинг ҳам қалбимга илҳом соягандек бўлди. Бенихтиёр шеър ўкиб юбордим:

Кўчалар,
Оҳ бегона кўчалар,
Мунча сизликсиз,
Мунча тишксиз.
Қалбимга яқин кўчалар,
Уйкум йўқдир кечалар...

Мен ўша кунин Сайдулло акашикида ётиб қолдим. Лекин менинг юмшоқ диванда ҳузур қилиб, мириқиб ухлаганимни на унинг ўзи, на бола-чақаси билди. Эртасига эса шоирлик ҳаётим ўз-ўзидан бошланиб кетди. Олдинда ҳурматли ўртоқлар, мени шону шухрат кутарди.

Бунақанги катта шаҳарда биринчи бор бўлишим. Тўғри, киноларда кўрганман, ўлка географияси китобида унча-мунча ўқиганман, одамлардан таърифини оз-оз бўлса ҳам эшитганман. Лекин, такрор айтаманки, бир-бирига ўхшаш бўлган ҳисобсиз кўчалари, бир-биридан шинам, бир-биридан гўзал, саришта хиёбонлари, санаб ҳисобига етиб бўлмай-диган соя-салқин боғлари бўлган бу азим шаҳарни биринчи бор кўриб турибман. Бир кун кечгача томоша қилиб рўса маза қилдим. Музейларни, кинотеатрларни, қўғирчоқ театри, цирк — ҳамма-ҳаммасини кўрдим, деворларини кўларим билан сизладим. Кечқурун шинам меҳмонхоналардан бирига кириб:

— Жой борми, опаюн? — деб сўрадим.

— Каттага йўқ-ку, сенга йўл бўлсин,— деди қоши мушукнинг думига ўхшайдиган новча бир хотин. Бўлмаса бўлмасин дедиму, қалпоқчамни кийиб ичкари кирдим. Бўш жойлар кўп экан. Виттасига ечиниб ётиб тонг отгунча шеър маша қилдим. Эрталабга яқин ижод маҳсулим ҳам тайёр бўлди. Ункамни кўлаткилаб редакциялардан бирига қараб

югурдим. Эшигининг устига «Адабиёт, санъат бўлими» деб ёзиб қўйилган хонага «ассалому алайкум» деб кириб бордим. Хонанинг эгаси бошқа бир шонрининг шеърини кўриб, сўзлашиб, чакчаклашиб ўтирган экан, менинг шеъримни кўлига олиб ичида, овоз чиқармасдан маза қилиб ўкиди. Аввал оёғимга, ундан кейин қорнимга, энг охирида бошимга назар ташлаб:

— Бўлмайди, ука,— деб қўйди.

— Нега энди бўлмас экан, бўлади,— дедим шошиб-пишиб.

— Бу шеър эмас, оддий гап-ку.

— Нега энди шеър бўлмас экан, ажойиб шеър бу!

— Шеърда кофия, вази, турок деган нарсалар бўлиши керак. Маъно, мантиқ деган нарсалар бўлиши керак. Шеърингизда мен ўшаларни кўрмайман.

— Бор, сичиклаб қаранг! — деб туриб олдим.

— Менга қаранг, ука, отингиз нима эди?

— Шонр Хошимжон Рўзи.

— Шонр Хошимжон Рўзи, Сизга маслаҳатим шуки, машқ қилинг, шеър машқ билан камолотга етади.

— Хўп бўлади,— дедим гапини чўзиб ўтирмасдан.

Шеърим ўтмади, баҳоси икки пул бўлди. Лекин мен умидсизликка тушганим йўқ. Йўқ, асло бундай деб ўйламанг. Умидсизлик менга бегона. Ойим сен тирмизак тегирмонга тушсанг ҳам тирик чиқасан, дер эди. Хақиқатан ҳам тўғри айтган экан. Нега десаңгиз, мен ҳар қандай қийинчиликдан гам-ташвишсиз, бир хил; ўзим тенги болаларга ўхшаб йиглаб-сиктаб ўтирмасдан осонликча чиқиб кетавераман. Бу гал ҳам шундай бўлди. Шеърим касодга учрагач, лаб-лувжимни осилтириб ўтирмасдан, кофия, вази, турок сўроқлаб магазинларни кезишга тушдим.

— Опажон, сизда кофиядан борми? — деб сўрадим китоб сотиб ўтирган аёлдап. У шаналокдек ойнага тикилиб, лабига қизил суртиш билан овора эди. Гапимни эшитмади шекилли, «кофия борми?» деб сўрадим яна.

— Нима? — Юзимга қарамасдан сўради аёл.

— Кофия, шеърга ишлатиладиган кофия,— тушунтирдим,— жон опа, бўлса юз грамм топиб бering. Жуда зарур бўлиб қолди.

— Унака нарса йўқ бизда.

— Бўлмаса беш-ўнта вази топиб бering.

— Вази ҳам йўқ.

— Турок-чи? Турок ҳам бўлмаса керак? — дедим кесатиб

— Йўқ дедим-ку. Қанақа эзма боласан ўзинг. Сен сўраган нарсалар культмагда бўлади.

Культмагга борган эдим, хозмагдан сўраб кўрнинг дейишди.

Ўша куни мен бормаган магазин қолмади. Хатто бир оз қимматга бўлса ҳам ола қолай деб чайков бозорига ҳам бирров тушиб чиқдим. Йўқ, анқонинг уруғи бўлиб кетган экан бу нарсалар, тошилмади. Аламиндан кечаси қофия, вази, туроғи бўлмаса ҳам шеърни шунақанги кўп ёздимки, кўрсангиз юрагингиз ваҳм олади.

Эртасига яна яхши умидлар билан редакцияга келдим. Кечаги одам ўрнидан туриб иликқина қарши олди:

— Хўш, машқ қилдингизми?

— Бўлмасам-чи, туни билан ухламадим.

— Қани, шеърни олинг-чи.

— Марҳамат.

Жўра Жуман шеърини маза қилиб ўқиғач, мийигида билинар-билимас қулиб кўйди, кейин худди кечагига ўхшатиб, аввал оёғимга, кейин шу пайтда жуда очкаб, чулдураб нагма қилаётган қорнимга, энг охирида терлаб турган пешонамга назар ташлаб:

— Нечаччи сифда ўқийсиз, шоир? — деб сўради.

— Ўқишни тугатганман, — дедим шошиб-пишиб. Нега десагиз фалон сифда ўқийман десам, бор, аввал ўқишининг тугатиб кел, деб юборишидан кўрққан эдим-да.

— Қайси шоирни кўпроқ ўқийсиз?

— Ҳаммасини ҳам.

— Ҳамид Олимжонни ўқиганмиёсиз?

Қарасам, савол кетидан савол ёғнаверадиганга ўхшайди. Елғов гапириб қийналгандан кўра, рост айтиб савол жавобини қисқартириб қўя қолмоқчи бўлдим:

— Йўқ, ўқиган эмасман.

— Ғафур Гуломни-чи?

— Унақанги шоирнинг шеърини кўрганми йўқ.

— Уйғунни-чи?

— Йўқ дедим-ку. Бизнинг қишлоқда унақанги шоир яшамайди.

Афтидан Жўра Жуман бугун савол бериш учун атайлаб тайёргарлик кўриб келганга ўхшайди. Етти ухлаб тушимга қирмаган шоирларнинг шеърларини, китобларини сўрайди. Бирига йўқ дейман, иккинчисига елкамини қисаман. Бир маҳал бундай қарасам икковимиз ҳам чарчаб, терлаб кетиб-миз. Ўшанда ҳам тўхтамаймиз. Йўқ, деб елкамини қисаверганимдан бўйиңларим оғриб, оёқда зўрга турибман. Чикиб кетмоқчи бўлиб юра бошлаган эдим:

— Тўхтаг! — деб колди Жўра Жуман. — Рус адабиётидан кўпрок кимларнинг шеърини ўқийсиз?

— Нима?

— Пушкинни ўқиганмисиз?

— Йўқ.

— Лермонтовни-чи?

— Йўқ.

— Некрасовни-чи?

— Йўқ.

— Маяковскийни-чи?

Йўқ, дейман деб оғзимни очмоқчи бўлган эдим, ишонсангиз, тинкам қуригандан лабларимни кимирлата олмадим. Оғзимга толқон солгандек жимгина орқамга бурилиб эшик томон юрдим. «Тўхтаг», деган овоз эшитилди орқамдан. Тўхтадим.

— Кўнгилада шоир бўлишлик орзу бўлса, ҳозир номларини тилга олганимиз шоирларнинг шеърларини кўпрок ўқинг, ёд олинг. Хўнми?

— Хўп бўлади.

— Демак, келишдик. Шундайми?

— Шундай.

— Хайр.

— Саломат бўлинг, — дедим-да, шойрона юриш қилиб ташқарига чиқиб кетдим. Соф хаводан тўйиб-тўйиб нафас олдим. Маст одамга ўхшаб чалама-чатти қадам ташлаб юриб боряпман. Қаёққа кетяпман, нима учун кетяпман; ростини айтсам, ўзим ҳам билмайман. «Гапни қаранг-а? Ўқнинг эмиш, — дейман ўзимга-ўзим, — нега ўқир эканман? Ўқийдиган бўлсам ўзимизнинг мактабда ҳам китоб тўлиб ётган эди-ку, ўша ерда ўқийверардим-да. Йўқ, мен ўқимасдан шоир бўламан. Шошмай турсангиз хали, хурматли Жўра Жуман, мен сизга шоир бўлганимни кўрсатиб қўяман. Сехрли қалпоқчам омон экан, менга ёрдам беради, албатта ёрдам беради. Шундайми, қалпоқчам?»

— Шундай, — деган овоз эшитилди қўлтигимдан.

— Ёрдам берасанми?

— Берганда қандок.

— Айт-чи, ишини нимадан бошлашим керак?

— Аввал меҳмонхонанинг ошхонасига кириб қоринингни тўйгазиб ол, — деб маслаҳат берди қалпоқчам.

Ох, қадрдон қалпоқчам, жонимнинг хузурни, маслаҳат-гўйим! Сен борсан, гам-ташвишим йўқ, қориним тўқ, устим бут. Балли сенга, омон бўлгур қалпоқчам. Ана шундай ўй-хаёллар билан ошхонага кириб борганимни ўзим ҳам сезмай қолибман.

Уч-тўрт кунгача қилар ишимни билмай юрдим. Мен унақанги қимматли вақтининг бекорга ўтказадиган болалардан эмасман. Бекор қолган кунларимдан фойдаланиб, Мирзачўлда танишган шоирларнинг адресини аниқлаб, уйларига йўл олдим. Мақсад — улардан яхши шеър ёзиш йўллариини ўрганиш.

Сайдулло ака ўз шеърларининг кўпроқ кечаси, шаҳар халқи оромли уйкуга кетган маҳалда, ҳаммадан яшириб ёзаркан. Шунақанги кўн ёзадикки, баъзан тикилиб ўтиравериб зерикиб кетаман. Эркин Ҳамид бўлса саҳар чоғида ёзаркан. Жўра Жуман ҳам шоир экан. Уч куйгача пойлаб бораману, қай вақтда шеър ёзишининг ҳеч аниқлай олмайман. Кейин билсам, ишдан қайтгач, тўйиб ухларкан, сўнг ўрнидан туриб шеър ёзишга киришаркан. Тунов кунинг бир яхши шеърининг ёмоғга чиқариб, ҳаммаёғига чиғиб ташлагани учун мен ҳам унга жиндақ ҳазил қилиб қўйдим. Иш столининг устида турган бир таксимча шоколаднинг пок-покиза туширдим-да, қозонини аста бориб, қўшини хошада пишлялаб ухлаб ётган қизининг ёнига қўйдим. Шоир аста бошини кўтариб бундоқ караса — таксимчадаги шоколад йўк.

— Ойиси, шоколадни олиб қўйдимми? — деб сўради у.

— Йўк, — деди хотини, кейин «вой ўлмасам, шоколадни қизингиз ебди. Дилбар, қуриб кетмагур, тур ўрнингдан», деган овоз эшитилди. Жўра Жуман ҳам югуриб ўша хонага кирди-ю, қизининг қўлларидан тортиб уйғота бошладди.

— Озрок есанг бўлмайдимми? — сўради уйкусираб турган қизидан.

— Нимани? — деди қизи.

— Яна тагин нимани дейди-я.

Эр-хотин тагин қизимизга зарар қилмасин, деб ошхонадан икки банка қатққ олиб чиқишди.

— Ич! — деди шоир банкани қизининг қўлига тутқазиб.

— Ичмайман, ада!

— Ичасан. — Шундай деб Жўра Жуман ишма иш биландир ташқарига чиқиб кетди. Тагин зарар қилмасин деб банкалардаги қатққни ўзим ичиб қўя қолдим.

Шундай қилиб десаингиз, шоирларнинг ҳаётига аралашиб кетган эдим. Аммо ҳарчанд кидирсам-да, уларнинг уйидан на қофия, на турок, на вази топдим. Ғаладонни титқилаб кўрдим, шкафларни бирма-бир очдим, китобларнинг орасини варақладим — йўк, ҳеч жойда йўк. Қуиларнинг бирида Сайдулло аканинг диванида ёнбошлаб унинг шеър ёзишининг томоша қилиб ўтирган эдим. Бошимга ажо-

йиб бир фикр келиб колди. Сайдулло ака шеърини ёзади, ёзади-да, коғоз тўлганда уни гижимлаб деразадан ташкарига иргитади. Уша шеърлардан бирини олиб кўрсам, пазаримда, кофия, вази, туроғи бор шеърларга ўхшаб кетди. Нега у бу шеърни ташлаб юборади, ахир унга керак бўлмаса, менга керак-ку, кофия тополмай гаранг бўлиб юрибман-ку, дедим-да, шеърни олиб ўз кулбамга — меҳмонхонага қайтдим. Кечаси билан ухламай окка кўчирдим, эрталаб оёқни қўлга олиб редакцияга югурдим. Жўра Жуман шеърини ўкиб ўз одатига кўра аввал оёғимга, кейин юрнимга, энг охирида пешонамга бокиб:

— Қани, қўлни беринг, бир табриклаб кўяй! — деди завқи ошиб.— Меҳнат қилганингиз шундоққина кўрниниб турибди.

— Ха, шеър ёзиш кийин экан,— дедим талтайиб.

— Охирги тўртлик бир оз сустроқ, лекни тузатса бўлади, ўзим тузатарман. Сиз бораверинг.

— Демак, шеърим газетада чиқадими?

— Чиқади.

— Расмим-чи, расминни ҳам босасизми?

— Нега энди расмингизни босар эканмиз?

— Ахир ойим, йўк... директоримиз Отажон Азизович кўрсинлар дедим-да... Ха, майли. Демак, шеърим босилди, шундайми?

— Навбатдаги сонларнинг бирида беришга ҳаракат қиламан.

О, ўша куни менинг қувонганимни айтсангиз. Кўчада кетяпману, сакраб-сакраб ўйинга тушаман, ашула айтаман, дўппимни осмонга отаман, югураман-сламан.

— Хой бола, жинни-пинни бўлиб колдингми? — деди бир одам билагимдан ушлаб.

— Шеърим чиқапти, амакижон, шеърим!

— Шеъринг чикса, сал у ёк-бу ёкка караб юр-да.

— Иложи йўк, амакижон, иложим йўк.— Шундай дейману, сакраб-иргишлаб йўлимда давом этаман.

Уша кундан бошлаб ишларим юришгандан-юришиб кетди. Биринчи шеърим босилб чиккани билан мазахўрак бўлиб олдим-да, бошқа шоирларнинг гижимлаб ташланган шеърларини ҳам редакцияга кетма-кет келтириб беравердим. Шунинг ҳам айтиб кўяйки, газеталарда шеър учун катта пул тўлашар экан. Пулим ҳам анча кўпайиб (ресторанларда яширинчасига овқат ейиш жонимга тегиб юрган эди) очикчасига, одамлардек пул тўлаб керилиб ўтириб овқатланадиган бўлдим.

Уша кувончим ичимга сизгамай юрган кезларда, негадир, дўстим Орифни тез-тез хотирлайдиган бўлиб қолдим. Рост, у менга кўп яхшиликлар қилган эди. Одамгарчилик қилувди. Мен-чи? Мен уни хафа қилдим, бегуноҳ қалтақладим, жонига озор бердим... Хат ёзиб, ундан кечирим сўрашга жазм қилдим. Мана ўша хат:

«Дўстим, Орифбой!

Салом, саломатмисан? Ишларинг жойидами? Умуман олганда, меники ҳам чакки эмас. Энди сенга айтадиган гапим шундан иборатки, жон дўстим, мени кечир. Қаршингда бошимни эгиб турибман. Истасанг, юзимга тарсаки торт, истасанг, қалламга муштла. Аммо кечир, кечир мени. Қалай, яхши юрибсанми? Уқитувчимиз Қобилов-чи, Отажон Азизович-чи? Уларга айтиб қўй, мен ҳозир катта шоир бўлиб кетганман. Шеъримни газеталардан ўқиб туришган бўлса керак. Уша Ҳошимжон Рўзи деган шоир мен бўламан. Ўзлари ҳам энди уялиб қолишгандир, баттар бўлишсин. Бундан сўнг ҳеч кимга ўқимасанг, уй вазифаларини бажармасанг одам бўлмайсан, деб айтишмайди.

Сингилларим Ойшахон, Доноҳонлар-чи? Уларни мактабдан қайтишайтганда ҳеч ким урмаянтими? Агар битта-ярмтаси шундай қилса айтиб қўй, борганимда мижиқлаб ташлайман.

Ойижонимни ҳам соғиндим. Кечалари тушимга киради. «Болагинам, ўзимнинг шумшугим, қаёқларда юрибсан, қорнинг очмадими, устинг йиртилмадими?»— деб бошларимни силайди. Ўримдан турсам атрофимда ҳеч ким йўқ, ўтириб олиб йиғлайман.

Азиз дўстим, сендан кечирим сўраб қоламан. Айтгандай, ҳалиям футбол ўйнаб турибсизларми? Менинг ўрнимга капитанликка кимни сайладиларинг? Гуломними? Унинг зарби зўр-ку, аммо оёқни чалиш одати ёмон-да... Мени кечир, хийр.

Салом билан шоир Ҳошимжон Рўзи»

Хатни жўнатиб, елкадан оғир тоғ қулагандек сизил нафас олдим. Нега десангиз, унинг олдига ўзимни айбдор ҳисоблаганимдан виждоним азоб чекиб юрган эди-да. Ўзи шу виждон азобидан оғир бўлмас экан.

Уша кунни редакцияга сўнги шеъримни олиб бордим.

Хонага шундок кадам босишим билан Жўра Жуман: «Жуда вақтида келдингиз-да», — деб қарши олдди.

— Тинчликми ўзи? — негадир хавфсираб қолдим мен ҳам.

— Тинчлик. Сиз ўтириб туринг.— Шундай деб Жўра Жуман ташқарига чиқди-ю, зум ўтмай ўзи билан Сайдулло ака, Эркин Ҳамид, Тошқин Обид, Зоҳид Тўхта деган шоирларни эргаштириб кирди. Уларнинг ҳаммасини танийман. Бир ёқлама бўлса ҳам дўстона алоқа боғлаганмиз, орамиздан қил ўтмайди, борди-келдимиз бор. Қофия, вази, туроқларини мендан беркитиб ишлатадиган шоирлар мана шулар бўлади.

— Бизнинг газетада босилган «Она ўлка» номли шеърни ўзингиз ёздингизми? — сўради Жўра Жуман менга юзланиб.

— Ўзим ёзганман.

— Елгон, — деди Сайдулло ака ўридан туриб, — бу шеър меники бўлади, мана оригинали.

— «Пахтакор, сени куйлайман» сарлавҳали шеърни ҳам ўзингиз ёзганмисиз? — яна сўради Жўра Жуман.

— Бўлмасам-чи?! — дедим овозини бир парда юқориладиб.

— Бўлмаган гап, — шундай деб Эркин Ҳамид менга қараб бостириб кела бошлади, — бу шеърни мен ёзганман, ҳа, мен ёзганман.

Қарасам, ишнинг кети хунук бўладиган. Ўзлари гижимлаб ташлаган, ҳечам кераги бўлмаган шеърларидан унча-мушча фойдаланганим учун мени ўртага олишмоқчига ўхшайди. Бошимга қалпоқчамни кийиб секин жўнаб қолдим. Оркамдан:

— Сехргар!

— Плагнатор.

— Шеър ўғриси.

— Уятенз.

— Текникхўр.

— Ишёқмас.

— Дангаса, — деган кишини унча хурсанд қилмайдиган, йўгон-нигичка овозлар анча вақтгача эшитилиб турди. Кўчага чиқиб беҳавотир жойга бориб олгач, кўлимни оғзимга қарнай қилиб адабиёт бўлимининг деразасига қараб қичқирдим:

— Ўзларинг-чи, ўзларинг! Магазинга келган қофия, вази, туроқларни бизга ўхшаганларга бир грамм ҳам бермасдан олиб кўясизлар-ку! Уят эмасми!

ХАЙР, АМАКИЛАР

Шонрлик оламидан эсон-омон кувилгач, меҳмонхонанинг чойшаб, болиш, кўрпа сингари майда-чуйдалари сакланадиган омборида уч кечаю уч кундуз қимирламай ухладим. Қиладиган ишим, ҳасратимни айтиб кўнгил ёзадиган бирон меҳрибон кишим йўқ эди. Ўз ёғимда ўзим ковурилиб, ўйлаб, ширин-ширин хаёллар суриб ётавердим. Тўрт кун деганда ўрнимдан туриб, бирон ишнинг бошини тутгунча эрмак бўлар-ку, дея меҳмонхонанинг администратори, қоши мушукнинг думига ўхшайдиган Эътибор Умаровадан ўч олишга тушдим. Нега десангиз, бу хотин пора олишда устаси фаранглардан. Меҳмонхонада бўш жойлар тўлиб ётган бўлишига қарамай:

— Афсуски, бўш ўрин йўқ, — деб безрайиб тураверди.

— Жон опа, узокдан келганмиз, ҳеч бўлмаса иккита ўрин топиб беринг, — деб ёлворишди меҳмонлар.

— Икки-уч кунсиз иложим йўқ, — дейди администратор. Икки-уч кун дегани — икки-уч сўм чўзинг дегани. Меҳмонлар гапнинг маъносига тушунса, албатта енг учида уч-тўрт сўм узатишди. Шундан кейин Эътибор Умарова:

— Шарифа, — деб кичкиради кассирга, — меҳмонларга чек ёзиб бер, тўртинчи хонада бўш ўрин борга ўхшайди.

Хуллас, бу Эътибор Умарова деганлари бориб турган порахўр. Бир варақ коғозга: «Эҳтиёт бўлинг, бутун ишларингизни бир ҳафтадан буён формасиз милиционер кузатиб юрибди...» деб ёздиму, сездирмасдан чўнтагига солиб қўйдим. Бирпасдан сўнг коғозга кўзи тушиб опанинг қошлари мушукнинг думидек ўйнаб кетди, кўзлари ола-кула бўлди. Ховлиқканча директорнинг олдига кирди. Кейин директор икковлари худди кувлашмачоқ ўйнаётгандек кетма-кет югуриб чиқинди-да, кассир Шарифа опанинг кулоғига шималариндир шивирлаб, ранги кутлари ўчганча, совуқ урган помидордек гезаришиб, настга тушиб кеттиди.

Ўша кунин меҳмонларнинг рўйхати қайтадан кўриб чиқилди. Формасиз милиционерни тополмай, назаримда, роса хуноб бўлишди ҳам. Опа қимдан пул олган бўлса, ҳаммасига, бир сўм олганига икки сўмдан, икки сўм олганига тўрт сўмдан қилиб қайтариб берди. Кечгача халлослаб, оёғи куйган товукдек ҳар томонга зир югуриб, адоин-тамом бўлди. Унинг бу кулгили аҳволийи кўриб ич-ичимдан кулдим. Шу баҳона бўлдию кўнглимдаги гашлик тарқаб, сен кўр-мен кўр бўлдим-кетдим.

Ташқарига чиқсам, меҳмонхона олдидаги майдончага одам деган сизмай кетибди, игна ташласанг ерга тушмайди. Каттаю кичик бир-бирини итар-итар қилиб ўртага итилади. Суриштирсам, машхур сайёҳлар Власов билан Петров деган одамлар келишган экану, кишилар ўшалар билан кўришни, қўлларини сиқиб сўрашни умидида бир-бирларини уриб-суриб ўртага итилаётган экан.

Ниҳоят, икки сайёҳ одамлар тўдасидан ажраб меҳмонхона томон юра бошладилар. 24-хонага кириб, дам олишмоқчи шекилли, ечиниб, юмшоқ кўрпалар, парестиклар тўшалган каравотларга чўзилишди.

Қалпоқни кийиб секин ҳузурларига кириб бордим-да: — Салом, амакилар,— деб қўйдим. Власов амаки у ёқбу ёққа қараб:

— Галирдингизми?— деб сўради шеригидан.

— Йўқ, қориниң қулдурағандир,— деб қулди Петров амаки.

— Гапирган менман! — дедим яна. Икковлари ҳам ётган ўринларидан туриб, елкаларини қисганча бир-бирларига тикилиб қолишди.

— Сен кимсан, ўзи? — сўради бири.

— Мен машхур ўзбек сеҳргари Ҳошимжон Рўзи бўламан.

— Қандай қилиб сеҳргар бўлдинг?

— Бўлдим-да...

— Мумкинми, сирларингдан биз ҳам хабардор бўлсак? Зора Жанубий Африка ўрмонларидаги йирткич хайвонлар билан олишаётганимизда сеҳргарлик қўл келиб қолса.

Ростини айтсам, шу саволни кутиб турган эдим, ҳа, ҳа, худди шу саволни. Бундан бир неча кун аввал газетада бу икки сайёҳ ҳақида мақола ўқиганимда уларга ҳавасим келганидан кўзаарим чакнаб кетганди. Ўшалардек кўркмас, ўшалардек жасур сайёҳ бўлишни орзу қилиб кўнглимга тугиб қўйгандим. Жаҳонда булар бормаган мамлакат қолмаган, улар босиб ўтган йўл шунчалик узунки, бир олим ҳисоблаб чиқаман деб, ақлдан озиб қолган. Улар ўз кўрган-билганлари ҳақида шунчаки кўп китоблар ёзишганки, ўқиб чиқиш учун нақ ўн беш йил керак бўлади. Улар тезоқар тоғ дарёларида қулоч отиб сузиб ўтишган, денгизларда совуқ бўронларда қолишган, Африка ўрмонларида йирткич шерлар билан яккама-якка олишганлар, ёввойи одамлар билан бир кўрпада ухлаб қолган пайтлари бўлган. Ҳар биттаси ўн метрдан келадиган бўғма илонлар билан омонсиз жанглар бўлган, ҳа, ҳа, булар чакана бўлмайди, минглаб газеталарда расмларим босилади, номим тилларда

достон бўлади. Шонрлик эса... турган-битгани меҳнат, машаққат, уйқусиз тунлар экан, керак эмас, нима қиламан бошимни қотириб. Яхшиси, сайёҳ бўламан, Магелланга ўхшаб ёввойи одамлар билан қиллич яланғочлаб жангга тушаман, найзавозлик қиламан. Робинзон Крузога ўхшаб оролларда ҳаёт кечираман, ёввойи ҳайвонларни ўргатаман.

— Агар мени ўзларингга шерик қилиб олсаларинг,— дедим бир оз жимликдан сўнг,— сеҳримдан сизларни хабардор қиламан, қалпоқ учовимизники бўлади.

— Бажону дил,— деди Власов амаки,— лекни бунинг учун баъзи бир тайёргарликдан ўтми керак-ку, ўртоқ Хошимжон Рўзи?

— Бажону дил,— дедим мен ҳам.

— Аввало географияни яхши билиш керак.

— Мен уни сув қилиб ичиб юборганман.

— Жуда соз. Рухсат берсангиз, баъзи бир саволларим бор.

— Марҳамат.

— Қани, мана бу картага яқинроқ келиб, дунёдаги энг кичик кўлни кўрсатиб беринг-чи.

Картага шунча тикилсам-да, ҳеч қандай кўл тополмадим. Шундан сўнг бошимни кўтариб:

— Бу ерда кўл йўқ, қуриб қолганга ўхшайди,— деб кўя қолдим.

— Эҳтимол. Қани айтнинг-чи, дунёдаги энг катта кўлнинг номи нима?

— Хотирам ёмон, номларини эсимда олиб қололмайман,— дедим илоҳиб-пишиб.

— Шундайми? Географияни сув қилиб ичиб юборганман девдилар-ку? — сўради Петров амаки кулимсираб.

— Географияни яхши биламану, картага тикилсам кўзим жимирлашиб кетади-да,— деб тушунтирдим.

Власов амаки ўрндан туриб сизилроқ кийинди-да, столга жойлашиб ўтириб олди, кетма-кет саволлар бера бошлади. Мен ҳам ўйлаб-етиб ўтирмасдан шартта-шартта жавоб қайтаравердим.

— Бўлмаса, марҳамат қилиб айтсинлар-чи, Африка қитъасида неча хил халқ яшайди?

— Ҳали айтдим-ку, хотирам ёмон деб, эсимдан чиқиб қолган.

— Ҳаммасини эсдан чиқара бериш яхши эмас,— норози бўлиб деди Власов амаки,— бўлмаса бошқа савол бераман. Айтсинлар-чи, сиз билан биз яшаб турган Ер неча ёшга кирган?

— Тилимининг учда турибди-ю, айтолмаянман.

- Арабистондаги энг катта чўлнинг номи нима?
- Хали у томонларга борганим йўқ.
- Жанубий Америка ўрмонларида яшайдиган энг катта кушнинг номини айтиб беролмайдиларми?
- Йўқ, айтиб беролмайман.
- Индонезияда неча орол борлигини сўрасам, жаноби сеҳргарни хафа қилиб қўймайманми?
- Хафа бўламан, бошқасини сўранг.
- Дунёдаги энг баланд шаршара қайси мамлакатга жойлашганлигини сўрамоқчи эдим?
- Ий-е, амаки, сиз айтганлар ҳаммаси ребус-ку. Мендан география тўғрисида сўранг-да.
- Марҳамат, бошқасини сўрашим мумкин. Қани, айтсинлар-чи, Атлантик океанининг энг чуқур жойи неча метр?
- Ўлчаб кўрганам йўқ.
- Ер юзиде қанча аҳоли яшайди?
- Юз миллион! — дедим ниҳоят аччигим чиқиб.
- Ўх-хў, жаноби сеҳргар, ер юзи аҳолисининг қолганларини нима қилдингиз, ё аллақачон ойга кўчириб юбордингизми?
- Ха, ойга кўчириб юбордим.
- Ҳурматли Хошимжон Рўзи, география наmidан хабарингиз йўққа ўхшайди-ку? — деб сўради халидан буён каравотда чалқанча ётиб савол-жавобларимизни маза қилиб эшитаётган Петров амаки.
- Илмим бўлмаса ҳам, ҳамроҳ қилиб олаверинглар, — деб туриб олдим, — бир кун нафим тегиб қолар ахир.
- Илмсиз ҳамроҳнинг кераги йўқ! — деди сайёҳлардан бири.
- Нега энди керак бўлмас экан?
- Чунки машинамизга ортиқча юк бўлади. Сизнинг ўринингизга Ўрта Осиё тоғларида яшайдиган ёввойи қўйларнинг терисидан олиб кетсак... ўша фойдалироқ.
- Хеч бўлмаса чой-пой қайнатиб бериб турарман, — дедим шаштимдан тушиб.
- Иштифотингиз учун ташаккур! Шундай қилиб сеҳрингизни бизга айтмайсизми?
- Афсуски, айтолмайман.
- Бўлмаса, хайр.
- Иккозлари билан дўстона хайрлашиб унча хафа ҳам бўлмасдан, унча хурсанд ҳам бўлмасдан, ҳар қанча илтимос қилсалар ҳам сеҳримни айтмай, юзимни кўрсатмай ташқарига чиқиб кетдим.
- Хайр, амакилар! — деб кичкирдим коридордан туриб. Кўчага чиқиб тўйиб-тўйиб нафас олдим. Савол-жавоб

маҳалида терга тушиб кетган эканман. Рўмолчамни чиқариб юз-бошимни артдим. Кейин «Шоликор» стадиони томон йўл олдим. Айтгандек, Сизга айтаман деб бутунлай ёдимдан чиқиб қолпти. Шаҳарга келганимдан буён тез-тез футболчилар билан учрашадиган одат чиқарганман. Авваллари ҳам бу ўйинни жону дилимдан яхши кўраддим. Ўзимизнинг мактабдаги команданинг капитани эдим. Бу ерда футболчилар шунақанги кўп эканки, ўйинлар шунақанги тез-тез бўлиб турар эканки, гоҳида қайси бирига борини билмай бошим котиб қолади.

Шундай қилиб «Шоликор» стадиони томон секин йўл олдим. Борсам, аллақачон одам ҳеч ёққа сизмай кетибди. Аммо ўйин ҳали бошланганча йўқ. Биринчи катордаги ҳукумат арбоблари учун ажратилган юмшоқ ўринлардан бирга ўтирмакчи эдим, қарасам дарвозанинг шундоққина ёнидаги ҳалиги дублёрлар ўтирадиган узун скамейка бўш, ўша ёққа ўтиб кета қолдим. Ўйин ишқибозларининг баҳслашуви баралла эшитилиб турибди.

— Менимча, бугун «Шоликор» ютади.

— Туновги ўйини бўлса, икки дунёда ҳам ютолмайди.

— Вильгельм Қодировнинг ўйинлари жуда сусайиб кетган-да.

— Бўлмаган гап, тўпини узоққа аниқ тешишда унинг олдига тушадигани йўқ.

— Теодор Раҳимов-чи, ишқилиб бугун чиқсин-да.

— Ҳаммаси чикмаса ҳам, Геннадий Сунашцкний чикса бас.

Худлас, ана шунга ўхшаш баҳслар ҳеч тўхтамас эди. Ўйин бошлангани билан меҳмонлар дарҳол ҳужумга ўтишди-да, командамизни доғда қолдириб, дарвозамизга бошлаб тўп уриб қўйишди. Шундан кейин ўйин демагани шунақанги кизиб кетдики, шунақанги кизиб кетдики, агар менга ўхшаб яқинроқдан кўрсангиз, ҳайратдан оғзингиз очилиб қолган бўларди. Қасам ич десангиз, қасам ичиб айтаманки, бунақанги инддаткор ўйинни илгари ҳеч кўрмагандим. Меҳмонларнинг ҳимоячиси жуда зўр экан, ҳужумчиларимизнинг қилган ҳаракатлари бефойда кетаверди. Ун минут чамаси тўп қўлдан-қўлга ўтиб турди-да, ишҳоят меҳмонлар уни усталик билан олга суриб кетишди. Чап қанот ҳимоячиси олиқдан туриб ўнг қанот ҳимоячисига узатди. У бўлса тўпини ҳаволатиб, марказий ҳужумчига оширди. Марказий ҳужумчи умуман бизнинг йиғитларга қараганда чакқонроқ экан, қучли бир зарб билан бу тўпини ҳам эсон-омон тўрга жойлаб қўйди. Ишқибозлар бетоқат бўлиб:

— Геннадий, жон қойитиб ўйнасанг-чи!

— Теодор, гозга ўхшаб лапанглаб юраверасанми!

— Екубов, эпласанг майдонга чиккин-да, шарманда килдинг-ку! — дея ҳар томондан кичкириб, хуштаклар чала бошлашди. Меҳмонларнинг тўпни узатиш санъати бизникига қараганда киттак бўлса ҳам юқори экан. Бунн мен учинчи тўпни киритганларида пайкаб колдим.

Томошабинларнинг ҳафсаласи пир бўлди, кўплар ўринларидан туриб, кўлларини умидсиз силтаганларича аста-секин жўнаб қолишди. «Шоликор» нинг ютқизиши аниқ бўлиб колган эди. Агар ютқазса, ўз-ўзидан тўртликдан тушиб қолади. Э-вох, канча меҳнат қилишган эди-я, аттанг! Қандай қилиб қалпоқни бошимга кийиб майдонга тушиб кетганимни ўзим ҳам билмай қолбман. Хали шошмай туринглар, ҳурматли меҳмонлар. Биз сизларга осонликча ютқазиб қўймаймиз, «Шоликор» нинг кимлигини кўрсатиб қўямиз, бу ерда сал кам юз минг томошабин бекорга ўтирганимиз йўк. Ўз командамизни галаба билан табриклаш учун келганмиз, ҳа, ҳа, шошмай турсинлар ҳали!

Майдонга тушдим, тўпни кўлтигимга қисиб меҳмонларнинг дарвозаси томон ташландим. Одамларнинг назарида тўп ҳавода илон изи ясаб, ўйинчиларга чап бериб, учиб бораётгандек, аслида эса уни мен кўтариб боряпман. Оркамдан ҳаллослаганча Геннадий келарди. Дарвозага йнгирма метр чамаси колганда тўпни секин қўйиб юбордим... Оҳ, Геннадийнинг, ўзимизнинг Генканинг зарбини бир томоша қилсангиз эди, бир томоша қилсангиз эди...

Стадионда кийкирик, ура, яшасин Супаницкий деган садолар янгради. Одамлар жонлашиб кетди, ҳаммасининг кайфияти кўтарилди. Худди шу пайтда, янграб турган кийкирик садолари остида мен яна бир усталик ишлатдим. Меҳмонларнинг дарвозабони тўпни ерга қўйиб кучлироқ зарб билан тепиш мақсадида оркага тисарилган эди, югуриб бориб тўпни илиб олдим-да, шу атрофда ўралашиб юрган Екубовнинг оёғига ташладим.

— Удар!!! — деб кичкирди одамлар. Чиндан ҳам кучли зарб бўлди. Меҳмонларнинг дарвозабони тўпни илиб олмоқчи бўлиб икки кўлини олга чўзганча киялаб сакраган эди, тўпга етолмади-ю, аммо ўзи худди сувга сакраган бақадек шалоплаб ерга йиқилди.

Афсуски, гапга унча чечан эмасман. Бўлмаса Сизга бу ердаги шодлик-хуррамликни, кулоқларни қоматга келтирувчи бахтиёр кийкирикларни, осмонга минут сайини учирлаётган тўп-тўп қаптарлар — ҳамма-хаммасини таърифлаб берган бўлардим.

Шу пайтда, негадир мен ўзимни жуда ғалати ҳис қила бошладим. Ахир мен ўз халқимга, кўриб турганингиздек, шодлик, қувончлар келтирдим-ку! Аҳмоқ бўлиб қаёқдаги ишларни орзу қилиб юрибман-а, ўзимни ҳам, ўзгаларни ҳам қийнаб юрган эканман. Демак, менинг ўрним мана шу ерда, стадионда экан. Худди шу ерда, устига ажриқ қопланган шу юмшоқ майдончада мен фойдали киши бўла олар эканман. Бир умр футболчи бўлиб қолганим бўлсин. Эшит-яписизми, ҳурматли Отажон Азизович, Сиз ҳам кадрдон ўқитувчим Қобилов, билиб қўйинг, мен футбол оламида шуҳрат қозонмоқчиман...

Белни маҳкам боғлаб яна ишга киришиб кетдим. Зум ўтмай тўпни яна олиб олдим, саккиз йил футбол ўйнаб, саккиз йил мутғасил югуриб, дарвозага биронта ҳам тўп кирита олмаган Акмал Лазизхўжаевнинг оёқлари остига ташладим. Тўп киритишининг гаптини бу бечора ҳам бир суриб кўрсин дедим-да. Шундан кейин командамизнинг ўн бир ўйинчисига иккитадан, чаққонроғига учтадан тўп ташлаб бердим. Ҳисоб бизнинг фойдамизга 24—3 бўлган эди. Ҳини асосан меҳмонлар дарвозаси олдида бўлди. Бизнинг дарвозабонимиз Юра Кукурузников зерикканидан дублёрдаги бир йигитни чакириб, кўк чой ичишиб, шахмат ўйнаб ўтиришаверди. Стадион эса ҳамон булоқдек қайнаб, бўронда қолган денгиздек тўлқинланарди.

Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам оёқ остидан чиқади деганлари тўп-та-тўғри экан. Агар сўинги тўпни кўлтигимга қисшим бошимга не-не кулфатлар солиб, бир умр мени футболдан жудо қилишини билганимда, зинҳор уни кўлимга олмаган бўлардим, бир чеккага чиқиб ўйиннинг қолган ўн беш минутини маза қилиб томоша қилган бўлардим.

Ўзимизнинг майдонга ўтиб кетган тўпни чаққонлик билан ушлаб, гизиллаганимча меҳмонлар дарвозасига қараб кетаётган эдим, шу пайт чап томонимдан қарши томоннинг химоячиси ўқдек отилиб чиқди-да, тўпни осмонга тегиб қайтармоқчи бўлди шекилли, кучли зарб билан чап бикинимга тегибди. Шилқиллаб ерга тушдим. Ҳанда ҳам қайсарлик қилиб тўпни қўйиб юбормаган эканман, бошқа бири келиб елкам аралаш тепганини сал-пал эслайман... Кейин нима бўлганини билмайман, хушдан кетиб қолибман...

Бир маҳал кўзимни очсам, жануб томондан зар қокларини тараб қуёш кўтарилиб келяпти. Нарироқда иккита кампир, бир кўлида челақ, бир кўлида узун сопли сунурги, гангур-гангур гаплашиб атрофни сунуриш билан овора.

— Қўшни, кечаги ўйинда кўринмадингизми? --- деб сўради новча кампир.

— Кеча чолим белимга кепак киздириб босасан, деб ўйинга чиқармади,— тушунтирди пакана кампир,— сиз-чи, кўшни? Сиз чикдингизми?

— Кечаги ўйинни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз, кўшни. Вой, бунақанги ўйинни, тавба қилдим-ку, худойи таолонинг ўзи ҳам хали кўрмаган бўлса керак. Сизга ёлгон, менга чин, хой кўшни, кийкириқдан мана шу стадион нақ ёрилиб кетай деди-я.

— Нима бўлди ўзи, кўшни, тезроқ айтсангиз-чи.

— Бизникилар меҳмонлар дарвозасига 25 та тўп киритишди-я. Энг кизиги ўйиннинг охирида бўлди. Меҳмонлар ўйин тугаши билан югуриб келиб дарвозабонларини кўлларига кўтариб, осмонларга отишди. Нега ундай қиласизлар деб сўрашса: «Агар шу хушёр бўлмаганда, дарвозамизга элликта тўп кириши ҳеч гап эмас эди, балли шунга!»— дейишадди денг. Шундай қилиб денг, кўшни, дарвозабонларини кўтар-кўтар қилиб эъзоз-эҳтиром билан олиб чиқиб кетишди. Бўлди қулги, бўлди кийкириқ...

Кампирларнинг гапига кулоқ солиб ётиб, у ёқ-бу ёгимни пайпаслаб кўрдим. Иккита ковургам қаттиқ шикастланган, белим чиқиб кетибди, афтидан, хушсиз бўлиб йиқилганимдан сўнг устимдан у ёқ-бу ёққа роса югуриб ўтишганга ўхшайди — бошим ёриланган, тиззамнинг кўзидан халигача қон оқиб ётибди. Не-не машаққатлар билан бошимдаги қалпоқчамни олиб майкам ичидан осиб олган халтага жойладим-да:

— Холажон! — дея инградим. Кампирлар дарҳол бошимга югуриб келишди.

— Вой, болагинам, қаёқдан пайдо бўла қолдинг? — сўради новчаси.

— Шу ерда эдим.

— Вой ўлай, кўшни, бола бечоранинг ҳаммаёғи қон-ку! Қани, ўрнингдан тур-чи, ўғлим.

— Туролмаيمان, белим чиқиб кетган.

— Вой, шўрим! Хой, кўшни, югуриг, искара помш чақиринг! Болам бечора-ей! — дер эди тинмай новча кампир,— кимнинг ўғлисан ўзи?

— Мусофирман, холажон. Ҳеч кимим йўқ.

— Онагинанг айлансин! — деди кампир яна бошимдан силаб,— кечаси безориларнинг кўлига тушибсан-да.

Ингирма минутлардан сўнг мени ўлик ташийдиган усти берк машинада касалхонага олиб кетишди. Ёнимда дағал кўллари билан бошларимни силаб, кўзларимга термилиб новча кампир борарди.

ИНЖЕНЕРМАН, ИНЖЕНЕР

Икки ойдирки, мана касалхонада ётибман. Қаравотим шундоққина ойшанинг тагида, бор-йўғи икки кишимиз. Эшикнинг олдиди, кираверишидаги ўринда Саид ака ётади, жуда кизикчи одам. Кулдиргани-кулдирган. Курилишида ишларкан, ўзи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони-ку, аммо юлдузини ҳечам такмайди. Агар ўшанақанги юлдуз менда бўлганда жон-жон деб халатимнинг устидан тақиб олган бўлардим. Ишхонасида ҳам обрўйи зўр бўлса керак, уни кўргани нукул шоирларга ўхшаб мовут шляпа кийган, қорни катта одамлар келади. Бирови товук пишириб келади, бирови узум, олма ташлаб кетади, гул кўтариб келганлари ҳам кўи. Пиширилган товук келган кун, Саид ака қанақа бўлаётганини билмайман-ку, аммо мен ич-ичимдан севишиб кетаман. Нега десаңгиз, Саид ака парранда гўштини унча хушламас экан, нукул менга узатади.

Уни кўргани ҳамма келади, жағи-жағига тегмай гапирадиган хотини, кўзи менга тушинчи билан кўрққанидай йиғлаб қочадиган Ҳасан-Ҳусан номли ўғиллари, бирга ишлайдиган ёр-биродарлари — ишқилиб ёнидан одам аримайди. Ҳасан билан Ҳусан менга Жирафа деб ном қўйишган. Қасалхонага тушган кунимнинг эртасига бундай карасам, мени ёш болаларга қўшиб қўйишибди. Бирини йиғлайди, бирини тўполон кўтаради. На уйкуда ором бору, на мундоқ бир маза қилиб, тинчгина дард тортасан.

Катталар хонасига ўтмоқчи бўлиб:

— Қалпоқчам, қалпоқчам, бўйимга бўй қўшиб бер,— дея илтимос қиладим.

— Белинг гипсда-ку, қандай қилиб қўшаман,— дейди қалпоқчам.

— Бир иложини қил.

— Бўйини чўзилиб кетади-да.

— Майли.

— Оёғинг узайиб кетади-да.

— Майли.

Бир маҳал бундоқ карасам, бўйимни уч қаричгача чўзилиб кетибди, бошимни кўтарган эдим — Африка ўрмонларида янайидиган жирафанинг худди ўзгинаси бўлиб қолибман.

Ўша кун ичкеси Саид аканинг ёнига олиб ўтишиди. Шу йўсени икковимиз ҳамхона бўлиб қолдик. Ундан ҳолаҳвол сўрагани, ҳали айтганимдек ҳамма келади, меннинг эса йўқлайдиган кишим йўқ.

Кун буйи етимчадек кўзимни мўлтиллашиб эшик пойлайман. Сўроқлаб оркамдан ҳеч ким келмаслигини биламану, шундай бўлса ҳам аллақимнинг келишиндан умидворман. Оҳ, ҳозир сингилларим бўлармиди! Акажоним, Сизга нима бўлди деб кечалари бошимда ўтириб чиқишмасмиди, зиркираб оғриётган оёқларимни биттадан бўлиб олиб укалашмасмиди? Ойижоним-чи, мени шу аҳволда кўриб, биламан, аввал жигибийрони чиқиб бир уришарди-да, кейин иситмаси ловиллаб турган пешонамдан ўпарди, сочларимдан силарди. Мана кеч ҳам кириб қолди. Ҳозир ойижоним повиллатиб сингир соғаяпти. Бир нафасдан сўнг чўтир юзли шофёр машинасини хайдаб, бидонларни қалдиратиб келадди-да, сутларни олиб районга жўнайди. Ойим ховлиқиб уйга келди, атрофга карасаки, мен йўқ, ҳамон қайтмаганман. Йинглай-йинглай мангалкага ўт ёқади. Кўча эшик олдида мотоцикл овози эшитилгандек бўлади. Бу — дадам албатта!

— Дадажон, дадажоним! — деб кичкириб юбордим. Саид ака ҳаёл сўриб ўтирган экан, бир чўчиб тушди.

— Ие, куёв бола, нега йинглаяпсиз?

— Йинлаганим йўқ, шунчаки ўзим машқ қиляпман.

— Ие, йингининг ҳам машқи бўлармикан?

— Бўлади-да.

Яна иккимиз ҳам жим бўлиб қоламиз. Мен деразага тикилиб қушчаларининг сайрашини, дарахтдан-дарахтга сакраб ўтгиларини томоша қиламан. Ошхонанинг мўрчисидан буралиб-буралиб қора тутун чиқаяпти, ху парироқда, осмони фалакда ортидан кўк қизик қолдириб, кумуш қанотларини ялтиратиб самолёт учиб борапти. Қайқдан келаятган экан, эҳтимол кишилогимиз тепасидан учиб ўтгандир.

— Шундай қилиб, куёв бола, инженерман, деиш? — секин сўрайди Саид ака.

Саид аканинг машҳур қурувчи экаиличини эшитиб, зора ўша атрофда бирон шухрати тезроқ чиқадиган, каттароқ иш топилдиб қолса деган умидда ўзимни қурувчи инженер қилиб танитган эдим.

— Ҳа, инженерман, — деб кўяман.

— Институтни бу йил битирдингизми?

— Ҳа, бу йил битирганман.

— Ҳаммаси бўлиб бир ҳафта ишладингиз холосми?

— Ҳа, бир ҳафта.

— Қурилишда, ука, эҳтиёт бўлиш керак.

— Нимасини айтасиз, — дейман сингил ух тортиб, — ўзим қураётган уйнинг у ёқ-бу ёғини кўрай деб томига чиққан эдим, оёғим тойиб кетди-да.

— Лекин, ука, коллективингиз менга маъкул бўлмади. Икки ойдан буён локал биттаси ҳолинг не кечди, деб сўраб келмади-я! Бунақанги коллективнинг боридан йўғи.

— Шунинг учун ҳам ўша ердан кетмоқчиман-да.

— Хўп десангиз, мана бизга боринг, қурувчи инженер анқонинг уруғи бўлиб турибдӣ ҳозир. Боринг, биргалашиб ишлаймиз, билмаганимизни бир-биримизга ўргатамиз.

— Бориб кимга учрашамиз? — деб сўрайман гап орасида.

— Хўп десангиз, биргалашиб борамиз, ўзим ўртада тураман. Бош инженеримиз ёшларни жонни дилдан яхши кўради.

Олтмиш тўрт кун деганда Саид аканинг тош тушиб мажақланган оёғи тузалиб, қўлтиқтаёксиз, ҳеч кимнинг кўмагисиз бир ўзи юриб чиқиб кетди. Уй адресини қолдириб, тез-тез келиб ҳолимдан хабар олиб туришга ваъда ҳам берди.

— Тезроқ чиқишининг пайндан бўлаверинг, — деди у хайрлашаётганда. — Сиз билан бизга бу ерда ётавериш ярашмас экан. Иш масаласида эса кўнганингиз тинч бўлсин, ўзим гаплашиб кўяман.

Саид аканинг ўрнига узокдан қарасангиз самоварга ўхшаб кўринадиган қўл-оёғи калта, хўппа семиз бир одамни ётқизишди. Жуда уйқучи экан, фақат овқат маҳалида уйғонади. Ушанда ҳам бир кўзи пакқос уйқуда бўлади. Бунинг устига шунақанги хуррак тортадики, ранг-баранг овозларни шунақанги кўн чиқарадики, диққат билан кулоқ солсанг, худди ичида оркестр чалинаётганга ўхшайди. Бир қарасангиз, бўғизланган кўйдек хириллаб қолади, бир қарасангиз, бузуқ қарнай чалаётганга ўхшайди, баъзан эски паровоздек пишиллаган овозлар чиқаради, тонготарга яқин сурнай, доира садолагига ўхшаши галати овозлар янграйдди. Гоҳида кўрқиб кетиб, беихтиёр ҳамширани чақириб юборганимни ўзим ҳам билмай қоламан.

Бахтимдан ўргинлайки, хўппа семиз амаки билан узок турмадик. Саид ака кетгач, ўн кун деганда мени ҳам чиқарадиган бўлиб қолишди. Бечора Саид ака менга бошдан-оёқ янги сарпо қилиб, ўз «Волга» сини ҳайдаб келибди. Мендан кўрқиб қочадиган ўғиллари бир дастадан гул кўтариб олишган.

— Ие, амаки бўйинингизнинг қолгани қани? — деб сўради Ҳасан.

— Вой, амаки, тагин сиз бошқа одам бўлмаинг? — сўради Ҳасан.

Гипсдан чиқишим билан калпоқчамга ёлвориб бўйним билан оёғимни бир оз қисқартириб белимга бел қўшиб, асли одам холига келиб олган эдим.

— Йўк, мен ўша Хошимжонман, — тушунтирдим болаларга, — фақат дард тортаверганимдан бўйним чўзилиб кетган эди-да.

Санд аканинг «Волга» сида жимгина боряпмиз. У рулда ўтиргани учун юзи кўрнимайди, нима тўғрисида ўйлаганини билолмайман. Хасан билан Хусан йўл бўйи дадаси курган иморатларни санаб боряпти. Мен бўлсам Санд ака, унинг менга кўрсатган чексиз меҳрибонликларни борасида ўйлайман. Касалхонадалигимда овқатимдан хабардор бўлиб турди, яхши гаплар айтиб кўнглимни кўтарди. Мана бугун кийим-бош қилиб кепти, уйига олиб кетяпти, ишга жойлаб кўймоқчи. Бу ўзи қанақа одам, нега бунчалик сахий, ўйлаб ўйимга етолмайман. Катта бўлсам, дейман, ўзимга-ўзим, мен ҳам одамларга яхшиликлар қиламан, касалхонада ётганлардан кўнгли сўраб тураман...

Санд акаларининг уйи шаҳарнинг бир чеккасида экан. Участка янги қурилганга ўхшайди. Қўча томони ҳали сувалмаган. Дарвозага бўр билан «Хасан-Хусан» деб ёзиб қўйишибди. Ичкарига киришим билан оғзим очилиб қолди. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, ихтиёр ўзингизда, аммо-лекин мен бунақанги дангиллама участкани ҳалигача кўрган эмасман. Ҳатто колхозимизининг раиси Носир аканинг уйи ҳам бунинг олдида ип эшолмайди. Бу ерда ҳамма нарса механизациялашган: приёминик, телевизор, телефон, холодильник, кир ювадиган машина, газ қозон, нариги уй билан бериги уй ўртасида ҳам телефон алоқалари ўрнатилган. Ҳатто, умивазальникда ҳам қиоқка. Қўк тугмани боссангиз совук сув келади, сариқ тугмани боссангиз қайноқ сув келади. Икковини тенгдан босган эдим, илимилиқ сув жилдираб туша бошлади. Буларни кўриб Санд аканинг хотини ҳам жиндак механизацияланган бўлса керак, деб ўйлаб кўйдим ичимда. Нега десангиз, Фотима келинкойим бидирлаб гапираверадигапираверадига, Санд ака кўзини сал олайтириб қўйса, тўсатдан ўти ўчиб қолгандек така-так тўхтайтиди. Кўзини четга олиши билан яна гапга тушиб кетади. Кейин билсам, Фотима келинкойим механизациялашмаган экану, мияси шамоллаб бечора шунақанги касалга чаллиниб қолган экан. Хонадоннинг эркатой ўгли бўлиб дармонга киргунча шу ерда қолиб кетдим. Бир-икки марта стадионга ҳам бориб келдим, албатта. Лекин ичига киришга юрак қурғур бетламади. Назаримда, ўша кун икки еган тепкиларим билан футболга бўлган мухаббатим ҳам жиндек лат еганга ўхшайди. Бора-

бора футбол деса кўнглим озиб, ўқийдиган бўлиб қолдим Фотима келиннинг Саид акадан ҳам меҳрибон экан: «Ўғлим, тезроқ тузалинг», деб тухумлар пишириб беради денг, гўшлар козуриб берган кунлари ҳам кўп бўлди. Танижонни соппа-соғ йиғитлардан эмасманми, ўн беш кун деганда ўзиям нақ боқувдаги отдек гинжинглаб кетдим.

Бир юзу эллик учинчи қурилиш трестининг ўн тўртинчи участкасига инженер этиб тайинландим. Ўша кунларда комсомол-ёшлардан зарбдор бригада тузиб, инженерни қаёқдан топсак экан, деб бошлари қотиб, гаранг бўлиб юришган экан. Трестнинг бош инженери мени кўриши билан:

— Қадамларига ҳасанот, азизим,— деб қўлларимни каттик қисди. Бу гапларга яхши тушунмасам ҳам одоб юзасидан бирор нарса дейишим керак-ку, деган ўй билан лаб-лунжимни энди йиғиштираётган эдим, бош инженер:

— Хожати йўк, хожати йўк, азизим,— деб қўлимни яна ҳам каттиқроқ қисди,— ҳамма гапни Саид ака айтиб берганлар. Биз учун бу кишининг ҳар бир сўзи олтин. Фақат азизим Рўзиев, ишга қачон тушмоқчисиз? Шунини айтсангиз бас.

— Эртадан туша қолай.

— Муваффақият тилайман, азизим! — деди бош инженер.

Ўша кунини қимматли вақтни қўлдан бой бермаслик учун бирор тажриба ўрганарман, деган ниёзда қурилиш объектларини кўздан кечириб чиқдим. Хай-хай, бу ерда қурилишлар шунақани авж олганки, шунақани авж олганки, назаримда шаҳар, беш-олти ойдан буён мен дарбадар бўлиб юрган шу катта шаҳар улкан қурилиш майдончасига айланган. Бир ёқда кинотеатр биносига сўнги пардоз берилляпти, бир ёқда шовиллиб болалар боғчаси қуриляпти, турар-жой биноларининг қаватлари шунақани кўйик, тенасига қарасанг, дўннинг тувлади. Бугун-эрта шу атрофда мен қурган иморатлар ҳам қад кўтариб, хуссини кўз-кўзлаб туради. Ха, ха, албатта шундай бўлади. Ана ундан кейин ўтган-кетган йўловчилар:

— Шошманг, шошманг,— дейди шеригининг енгидан тортиб,— бу гўзал иморатларни ким қурган?

— Йўе, билмайсизми? — дейди бошқаси.

— Йўк, билмайман.

— Билмасангиз билиб кўйинг. Бу иморатларни Фарғона томондан келган машҳур инженер Ҳошимжон Рўзиев қурган.

— Э, билдим, билдим! Ана у алгебра ўқитувчиси Қоби-

лов, сеvimли директор Отажон Азизовичлар билан бас бойлашиб келган йигит бўлмасин тагин?

— Топдингиз, худди ўша.

— Баракалла. Отасига минг раҳмат. Қараиғ-а, директори ўқимасанг сендан инженер чиқмайди деганди. Чикибди-ку, баракалла...

Ана шундай ширин хаёлларга берилиб бир куннинг ўтганини сезмай қолибман. Эртасига эса, ҳурматли ўртоқлар, инженерлик фаолиятим кизигандан-кизиб кетди.

Етмиш кишидан иборат қурилиш бригадасига бошчилик қилишим керак экан. Бош инженер Олимжон Олимжонович:

— Мана бу сиз қурилиш керак бўлган 71-уйнинг лойиҳаси,— деди деворий газета чиқарадиган калли коғозни қўлимга бериб,— мана бу эса, азизим, генплан, қурилиш объектингизни мана шуларга қараб белгилаб олаверасиз. Менга саволингиз йўқми, азизим?

— Тушунарли, азизим,— дедим иккинчи коғозни ҳам унинг қўлидан олиб.

Олимжон Олимжонович кетгач, коғозларнинг гоҳ унисига, гоҳ бунисига тикилиб анча вақтгача хуноб бўлиб ўтирдим. Ростини айтсам «лоийха», «генплан» деган сўзларга ҳеч тушунмайман. Тўғри, коғозларда майда-чуйда чизиқлар, ҳеч тушуниб бўлмайдиган катта-кичик белгилар тўлиб ётибди. Лекин каллани ҳар қанча иплатсам-да, ҳеч нарсага тушуна олмаяман. Шунинг учун ҳам коғозларга тикилганча, уят иш қилиб қўйган ёш боладек, лалайиб ўтиравердим.

— Ўртоқ инженер, ишга қачон тушамиз? — сўради ишчилардан бири.

— Ҳозир мен лойиҳаларни бир ўрганиб олай,— дедим сир бой бермай. Бригаданинг ҳамма аъзоси, асосан, ёшлар. Ораларида қон-қора сояларини кизил дуррачалар билан таниб олган ой юзли кизлар ҳам ўтирибди. Шу пайт бошимга ажойиб бир фикр келди-ю, севишимдан қарсақ чалиб юбораёздим.

— Илгари қурилишда ишлаганлар борми? — деб сўрадим. Уи бештаси тенгдан кўл кўтарди. Севишимга севиш қўшилди.— Иш бошлангандан аввал сизлардан имтиҳон олмакчиман.

— Марҳамат! — деди етмиш киши бир оғиздан.

— Қани айтиш-чи, қўлимдаги коғозларнинг қайси бири лойиҳа-ю, қайси бири генплан? — Шундай деб коғозларни баланд кўтардим. Енгилдамда ўтирган жингалак сояли йигит

— Унг қўлингиздаги лойиҳа, чан қўлингиздаги генплан,— деб жавоб берди.

— Молодец! Қани ким айтади, қурилишнинг биринчи иши нимадан бошланади?

— Фундаментнинг ўрнини қазишдан,— деган овозлар эшитилди хар томондан.

— Фундаментнинг чуқурлиги қанча бўлиши керак?

— Лойиҳада кўрсатилганидек.

Шунга ўхшаш саволларни кетма-кет беравердим, шунга ўхшаш жавобларни ҳам кетма-кет олавердим. Бир маҳал бундай карасам, анча-муңча нарсадан хабардор бўлиб, ақлим тўлишиб қолибди. «Қани энди ишга, ўртоқлар!» деб юбордим.

Лекин иш демагanning ҳам чапгани осмонга чиқарвордик-да, бир кун ўтар-ўтмас фундаментнинг ўрнини қазиб қўйибмиз-а. Қурилиш объектининг шундоққина ёнгинасига брезентдан палатка тикиб олдим. Етиш-туришим шу ерда. У ёк-бу ёкка югуриб вақтингиз кетмасин, деб телефон ҳам тушириб беришган. Баъзан Олимжон Олимжонович:

— Алё, бу ким? — деб қолади.

— Инженер Хошимжон Рўзиев,— деб қўяман.

— Э, салом, азизим, ишлар қалай борапти?

— Жойида!

— Тахминан неча процент бажарилди?

— Яқинда юз бўлади!

— Баракалла, офарин! — дейди Олимжон Олимжонович.— Шунинг учун ҳам ёшларни яхши кўраман-да, ёшлар — олов қалблар, ёшлар — бургутлар, ёшлар, эҳ ёшлигим!. Лекин, азизим, бу ёшга ҳам бўш келмаймиз.

Пигирма бир кун деганда ўттиз саккиз квартирани етмиш биринчи уй битиб фойдаланишга топширса бўлаверадиган даражага келиб қолди. Ох, ўша кунги менинг қувончимни айтсангиз, Севниганимдан юрагим қоптоқдек ўйнаб турибди, югураман, сламан, юзларимни ўзим битказган уйнинг деворларига суриб: «Уйим, уйгинам, эй мен битказган турар-жойлар!» — деб иргишлайман.

Қабул маросими таитаналирок ўтиб, шуҳратим Фарғона томонларга ҳам борсин деган умидда жуда кўп ташкилотларга қўнғирок қилдим, вакиллар юборишнинг сўрадим. Эртасига, ўзим кутганидек, ҳаммаёқни илтипа қийган басавлат одамлар босиб кетди. Шаҳар ижроия комитетидан кўзойнакли ўртоқ Курбонов, газетадан бўйинига фотоаппарат осган повча бўйли ўртоқ Нброҳимов, трестимизнинг гаширғанда «так-так» деб гаширадиган бошлиғи ўртоқ Маликов, милициядан жамки милиционерларнинг каттаси ўртоқ Тошма-тов — ҳамма-хаммалари етиб келишди.

— Бошладикми? — деди Олимжон Олимжонович комиссия аъзоларига мурожаат қилиб.

— Та-аак, бошладик! — деди ўртоқ Маликов.

Учтадан-тўрттадан бўлиб уйнинг сифатини текширишга тушиб кетишди.

— Йис,— деди Олимжон Олимжонович хайрон бўлиб,— уйнинг канализацияси қани?

— Қанақа канализация? — дедим ранги кутим ўчиб.

— Расво қилибсиз-ку! — деб бақирди бош инженер.

Шу пайт нариги томондан ҳам комиссиянинг бир группа аъзоси ховлиққанча келиб қолди.

— Ўртоқлар, уйни қабул қилолмаймиз,— деди биттаси,— ховаларнинг ҳаммаси қийшик.

— Нега энди қийшик бўлар экан? Ўзингиз қийшик,— дедим жаҳлим чиқиб. Аммо гапимни тугатмасимдан юкоридан қакхақа овози эшитилди-ю, зинадан кула-кула одамлар тушиб кела бошладилар.

— Ўртоқлар, янгилик...— деди олдингиси ўзини кулгидан аранг тийиб,— тепасидаги ховаларнинг ҳеч қайсисига эшик очилмаган, уйлар бамисоли гугурт қутисига ўхшайди...

Бўлди кулги, бўлди қакхақа. Қакхақа овозлари босилмасдан туриб кўча томондан ҳам комиссиянинг икки аъзоси энтикиб бир нарсадан қуруқ қолаётгандек ховлиқиб келиб қолишди.

— Бу уй бўлмапти, кўчага кўприк бўлипти.

— Нима? — сўради Горисполком вакили.

— Мана лойиха, ишорамангиз ўзингиз текшириб кўринг. Уй кўчага кўндаланг тушиб қолган, ха-ха, кўндаланг!

Яна гуриллаб кулги кўтарилди. Аммо бу галги кулгида на қувонч, на шодлик, на тазжжуб бор эди. Унда олам-олам газаб, олам-олам нафрат мужассам. Ҳаммаси куляпти. Менинг устимдан куляпти. Шу газаб, шу нафратнинг ҳаммаси менинг бошимга ёғилляпти... Бир нафас аввал ўзимда йўқ шод эдим, хурсанд эдим, севинчларим бир дунё эди... Энди-чи? Бошим эгилган, кўзимдан миятвллаб ёш оқяпти, йиғлаяман.

— Жиноятчи! — деди вакиллардан бири.

— Бракчи! — деди бошқаси кўлини бигиз қилиб.

— Қамаш керак! — деб ўшқирди Горисполком вакили,— ушланг уни, ўртоқ Шерматов.

Сехрли қалпоқчамни секин бошимга кийдим, кўздан ғойиб бўла қолдим. Қаёққа бораман, энди қайси даргоҳдан бошпана ахтараман?..

Албатта, Санд аканинг ёнига боришим, ҳамма гапин очик айтиб менга шунча яхшлик қилган, ўз дадамдек бошимни силлаган бу меҳрибон одамдан яна маслаҳат сўрашим керак. Қалпоқчамни олиб аввалги ҳолимга, олтинчи синф ўқувчиси Хошимжон Рўзиев ҳолига қайтдим-да, бориб кўк дарвозани ҳовлининг тугмачасини босдим. Йўл-йўл пижама кийиб, ҳозиргина палов еган бўлса керак, тишини ковлаб, йўл-йўлакай кекириб Санд аканинг ўзи чикиб келди.

— Салом,— дедим кўришини учун кўлимни чўзиб.

— Нима?

— Салом деяпман.

— Хасанинг сен билан ўйнагани вақти йўқ, бор ишингни қил,— деди Санд ака мени танимай.

— Мен... мен, мени танимадингизми? — дедим дудуклашиб.

— Сен кимсан ўзи?

— Мен Хошимжонман, Хошимжон Рўзиев.

— Бор ишингни қил. Битта Хошимжоннинг шарманда қилиб қочгани ҳам етар. Энди сен бормидинг. Бор, Хасан бугун ўйнамайди...

Дарвоза олдида узок туриб қолдим.

VIII боб

МАНА, АРТИСТ ҲАМ БЎЛДИМ

Яна иш ахтариб юрибман. Қўнглимда хафагарчиликдан асар ҳам йўқ. Нега энди хафа бўлар эканман. Нима, иморат кўчага кўндаланг тушиб қолган бўлса айб мендами? Ўзларидан кўришени, ажаб бўпти! Бундан кейин бировни ишга оладиган бўлмаса суринтириб, маълумотини текшириб, сеҳргарми-сеҳргар эмасми, мана шунини ҳам аниқлаб, кейин олишадн.

Шундай қилиб яна иш ахтариб юрибман. Бу шаҳарда ишга киришдан осони йўқ. Газеталарнинг тўртинчи бетнда катта-катта ҳарфлар билан «Ишга таклиф қиламиз» деб эълонлар босишади. Ундан кейин трамвай-троллейбусларнинг остановкаларидаги симёғочларга ёпиштирилган коғозларга қараб ҳам қаерда қанақа иш борлигини билиб ола бўлади. Ана шундай коғозларнинг бирида: «Қўғирчоқ театрига артистлар керак. Ишларини хоҳловчилар уй-жой билан таъминланади. Мояна ишбай асосида. Справка олиш учун кундуз соат иккига қадар кадрлар бўлимига мурожаат қилиш мумкин. Дирекция», деб ёзилган экан. Ўқийману, кўз-

ларимга ишонмайман Такрор-такрор ўқийман, пичирлаб, овоз чиқариб ўқийман. Нахотки, нахотки, шу рост бўлса! Нахотки, бахтим яна кулиб боккан бўлса! Ха, ха, мен ўзи шунча бахти кулган йигитман-да, ишим донм ўнгидан келаверади.

Бундай қарасам, тепамадаги соат ўн минути кам икки. Ўқдек учиб кетдим. Трамвай-троллейбусларни ортда қолдириб кетяман, енгил машиналарнинг устидан хатлаб ўтаман. Чоррахада ўн топналик грузовик йўлимга кўндаланг бўлиб ўтган эди, бу эшигидан кириб, нариги эшигидан чиқиб кетдим. Одамлар хайрон, милиционерлар чуриллатиб хуштак чалади. Шундай катта тезлик билан боряпманки, хай-хай, олимпиада чемпиони Иван Болотников кўрганда огзи очилиб қолган бўларди.

— Нима бало, жинни-нинни бўлганми,— дейди одамлар.

— Спортчи бўлса керак.

— Спортчи эмас, безори. Ана қараиң, милиционер хуштак чалапти.— деган овозлар эшитилади.

Беш минути кам иккида тўппа-тўғри директорнинг эшигига қора брезент мато қопланган кабинетига кириб бордим. Тўғридаги креслода ён бола десам ёш болага, катта киши десам катта кишига ўхшайдиган бир одам ўтирибди. Бўйи менидан бир қарич паст. Саид ақанинг ўғли Ҳасанча келади... Креслода ўтирибди-ю, оёғи ерга етмайди. Қоп-қора соқоли кўккага тушиб турибди. «Ишқилиб, менга ўхшаш сеҳргар бўлмасин», деб кўйдим ичимда. Шу пайт девлариникига ўхшаш йўгон овоз билан:

— Хизмат, йигитча? — деб сўраб қолди.

— Кечирасиз, менга директор керак,— дедим.

— Шаҳар кўғирчок театрининг директори мен бўламан.

— Халиги... мен иш сўраб келувдим.

— Қанака иш?

— Иш-да. Эълонда ёзиб кўйибсизлар-ку, ўшанака иш.

Директор оёқларини итирлатиб бир амаллаб креслодан тушди-да:

— Укажон, бу театр ёшлар театри бўлса ҳам, томошаларимизни асосан ёшлар кўрса ҳам,— деб тушуштира бошлади,— бизда қагга одамлар ишлайди. Сизни ишга қабул қилолмайман. Сиз хали ёшенсиз, театршунослик институтини ҳам битирмаган кўриласиз. Артистлик осон иш эмас. Унга таланти, қобилият керак. Артистларимиз кўпроқ хайвонларнинг образларида чиқинади; пайти билан ит бўлиб увилашади, лозим бўлганда сизир бўлиб маърашади, эчки бўлиб тоғдан-тоққа сакрашади.

— Мен ҳам ўшалардек бўла оламан — деб оёғини тираб туриб олдим. Директор бориб ўрнига ўтирди-да, бошини бир томонга хёл солиштирганча ўйлашиб кетди. Кейин менга юзлашиб: «Қани, бир ит бўлиб вовиллаш-чи» деб қолди.

— Қанақа ит бўлай?

— Масалан... нима десам экан? Сиз, хўш, айтайлик қари итсиз, кун бўйи кўчада, дарвоза ёнида ётасиз, ўтган-кетган билан ишингиз йўқ. Хамма нарса жонингизга теккан. Фақат сизни тиш қўйингиза бас. Лекин ёш болалар сизга кун бермайди: тошми, баклажондан бўнаган консерва кутисиними, отиб туришади. Қани уйғоқмики, деб жонингиздан тортиб ҳам кўришади. Мана, бир йўловчи беҳосдан этигининг ношниси билан думингизни босиб олди. Қани айтмиш-чи, сиз шунда қандай муомала қиласиз?

— Бошимни кўтариб: «Пrrrrrrrrrr» дейман-да, ётавераман,— дедим шоша-пиша.

— Баракалла! — деди директор хурсанд бўлиб,— тарбияласам сиздан ажойиб ит чиқади.

Бир ой синаб кўриш шарти билан кўғирчоқ театрига қабул қилинди. Мояна эса, эълонда кўрсатилгандек, ишбай асосида. Энди хамма нарса ўзимга боғлиқ бўлиб қолган эди. Эртасига театрининг бош режиссёри Окит Турғунов билан учрашдим. Уша кунлари хайвонлар тўғрисидаги бир спектаклни сахнага қўйишаётган экан. Менга ўз-ўзидан ит роли тегди. Уша кундан бошлаб манжлар ҳам қизиб кетди.

— Қани, она ит бўлиб бир вовиллаш-чи,— деб илтимос қилди режиссёр. Вовиллаган эдим, овозимнинг нимасидир у кишига ёкмади.

— Бўлмайди,— деди бошини чайқаб, она ит овозидан майинликни беролмайсиз. Қани, бошқатдан вовиллаш. Яна вовилладим.

— Йўқ,— деди режиссёр хафсаласи ич бўлгандек қўлини силлаб,— назаримда сиздан артист чиқмайдиганга ўхшайди.

— Нега энди чиқмас экан, чиқади! — деб кайсарлик қилиб туриб олдим.

— Менга қаранг, йигитча,— қўйиб-пишиб гап бошлади Окит Турғунов,— театримиз ховрасётга утган. Агар спектакль сифатсиз ўтса, томошабинлар қайиш театрга тушмайдиган бўлиб кетади. Спектаклни жонли, қизиқарли қиладиган эса сиз билан биз. Сахнада вовиллаганингизда кишилар сизни Хошимжон Рўзиев деб ўйламасин, балки ҳақиқий ит деб ўйласин. Тушунарлими, йигитча?

— Тушунарли.

— Боринг, машк килинг. Бир хафтадан сўнг учрашамиз.

Дархол шаҳарнинг чеккароғидан ҳолпрок бир жойни квартирага олдим, машкни бошлаб юбордим. Қўча эшик устига «Эҳтиёт бўлинг, ҳовлида қонагон ит бор» деб ёзиб қўйганман. Қўннинг биринчи ярмида онасини йўқотиб оч қолган кучук болага таклид қиламан, она ит бўлиб болаларимни эркалайман. Қўннинг иккинчи ярмида эса, айниқса, кечалари халиги чўпонларда бўладиган бир хил катта итлар бўлади-ку, худди ўшаларга ўхшатиб увилалайман.

Бирор касбни чин юракдан севиб қолсанг, унинг машаққатлари жонга хузур бағишларкан. Машқларга шундай берилиб кетдимки, гоҳида кечалари ҳам уйкум келмайди дег. Шундай қилиб десангиз, бир хафта ўтар-ўтмас хакикий итнинг ўзи бўлдим-қўйдим. Энди кўчаларда ҳам жим юрмайман. Ўқувчи болаларга қараб жўрттага ириллаб кўяман. Бечоралар гоҳо панкаларини узоктириб қозиб қолшад...

Пўк, уйқусиз ўтказган кунларим бекорга кетмаган экан. Режиссёримиз вовиллашимни эшитиб, худди ёқимли музика тинглагандек эриб кетди. Елкамга қўлини қўйиб:

— Мана энди хакикий артист бўлибсиз,— деб қўйди.

Уша кундан бошлаб оз-оз саҳнага ҳам чиқа бошладим. Қелишиб олганимиздек ишим «изделиний»: яъни бир марта «вод» деб қўйсам икки тийин оламан, икки мартагина тўрт тийин. Баъзида уч сўм-тўрт сўм ишлаб қайтган кунларим ҳам бўлади. Чўнтагинида пулни қўп бўлса таъвинулардан холи бўларкансан. Шу кунларда қайғу нима билмайман, оғзимдан ашула тушмайди. Ундан кейин ҳар хил режалар ҳам тузаман. «Агар,— дейман ўзимга-ўзим,— шу йўсини пул ишлаб бораверсам, ойнинг охиригача тўнланган пулимга уйимизга совга-салом қилиб жўнатсам ҳам бўлади...»

Аммо режалар тузинга туздиму, амалга оширишга келганда ишим ўзим бузиб қўйдим. Театримизда Қарим ака деган лайлак уяга ўхшатиб соч қўйган, юрганга худди шамолда қолган теракдек лананглаб юрадиган вовча бир артист бор. У донм бировларнинг гивбатини қилиб юради. Мен ҳам ўшанинг дастидан қочгани жой топа олмай қолдим. Обруйим кун сайини, балки соат сайини ўсиб бораётганини кўриб, меннинг шаънимга ҳар хил тухматлар ёғдира бошлади. Мен эмни, ҳар кун чойхонага чиқиб паловхўрлик қилармишман. Ундан кейин чойхонада ўтириб олиб: «Хўроқлар, театрдаги нарсаларининг ҳаммаси ёлгон, қалбаки. У ерда бирорта тирик ит ҳам, биронта тирик наранда

хам йўк. Ҳаммасини менга ўхшаган артистлар ўйнайди. Агар ҳақиқий ҳайвонларни томоша қиламан десаңглар, ҳайвонот боғига бориңглар, ана у ердаги ҳайвонларни томоша қилса арзийди. Сизларга маънаҳатим шу, пул тўлаб кўғир-чок театрига тушиб юрманглар»,— деган эмишман. Директоримиз Сарвар Миръазамов ўз кабинетига чакириб «Хали шувақами?»— деб сўради.

— Нима, шувақами? — сўрадим мен ҳам.

— Чойхонада нима деб лақилладингиз?

— Ҳеч нарса деб лақиллаганим йўк.

— Бўлмаган гап, сиз театримизга қарши пропаганда юритгансиз. Мен сизни тарбиялайман, одам қиламан, шу йилнинг ўзидаёқ театрушюэстик институтига киритиб қўяман, деб яхши ниятлар билан тарбиямга олган эдим. Сиз бўлсангиз сирларимизни фош қилгансиз.

— Ёлгон, мен ҳеч кимга ҳеч нарса деганим йўк.

— Ёлгонми? — деб директор Қарим акани чақиртириб келди-да, унинг ўзидан сўради,— қани Қаримжон, айттинчи, бу йилги чойхонада нима деб лақиллади?

— Оғзига нима келса шуний деди-да. Хали сизга айтдим-ку, бу бола ҳаммамизни шарманда қилди,— деб ёлгондан тушунтирди Қарим ака.

Икковлари бир бўлгандан кейин менинг гашим инobatга ўтмай қўя қолди. Шундай қилиб бировнинг тухмати туфайли номим ёмон отлиққа чиқиб қолди. Директор мени қаттиқ оғоҳлантирди. Иккинчи марта бу одатимни такрорласам, театрдан бутунлай ҳайдазадиган бўлдим. Ташқарига чиқкам:

— Бу нима қилганингиз? — сўрадим Қарим акадан оёқ қўлим қалтираб.

— Қарасам, шухратинг ошиб кетаяпти, директоримиз олдида обрўли, эътиборли бўлиб қолисан. Шунинг учун попутивгни сал сизаб қўйдим-да, укажон! — деди Қарим ака мени мазах қилгандек кикирлаб қулиб. Ўша кундан бошлаб бу одамни жиҳимдан баттар ёмон кўриб қолдим-у, хал сеними, деб қўнғилимга ҳам тугиб қўйдим.

Кечкурун навбатдаги спектакль ўйналгани керак эди. Мен кенг яйловларда ёш чўпон билан қўй боқаман, эгамнинг ортидан думини солиштириб, баъзан оёғига бошимни сурқаб, эркаланиб, эрганиб юраман. Қўйлар дам олгани ётганда чўпон уларнинг ёнига мени қоровул қилиб қолдиради-да, ўзи овул томонга кетади. Шу пайт қаёқдандир тишларини таквлатиб оч бўри — Қарим ака пайдо бўлиб қолади. У янги тугилган барра гўнгли кўзичок ёнига келиб:

— Сени хозир ейман! — деб оғизларини катта очиб, йирткич тишларини кўрсатади.

— Қоплонжон, ёрдам бер! — деб бақиради кўзичок.

Шунда мен, яъни қоплон, бўри, яъни Карим ака иккимиз ўртамизда омонсиз олишув бошланади... Охирида мен бўрини бўғиб ўлдирганим керак.

Мана, спектакль ҳам бошланди, залга одам сизмайди. Ёш чўпон менга бир парча гўшт бериб, бошимни силаб ўзи овул томонга жўнаб кетди. Сахнада оч бўри — Карим ака пайдо бўлди.

— Қоплонжон, ёрдам бер! — деб кичкирди кўзичок.

Бир сакраб ўримдан турдим-да, сеҳрли қалпоқчамни бошимга кийиб, оч бўрига ташландим: бетидан, кўлидан, кўкрагидан — дуч келган жойидан тишлайвердим. Бечора Карим ака қочгани жой тополмай қолди.

— Қутқаринглар! — деб кичкирди ниҳоят у. Бизни ажратиш учун сахнага артистларнинг ҳаммаси югуриб чиқинди. Лекин мен кўзга кўринмас эдим, елкасига миниб олиб Карим акани ҳамон кийнардим, тишлаб баданларини кўкартирдим.

— Яна бировга тўхмат қиласанми? — деб сўрадим.

— Тавба қилдим, войдод!! Ажратинглар... — деб Карим ака жонхолатда ўзини залга, томошабилар орасига урди. Кий-чув, тўполой кўтарилди, ҳамма ўримдан туриб ташқарига қочиб чиқа бошлади, ўн минут ўтар-ўтмас театрда артистлардан ўзга ҳеч ким қолмади.

Ўша кундан бошлаб, томошабиларни театрдан бездириб қўйганимиз учун, Карим ака икковимизни ҳамма ёмон кўриб қолди. Пьесанинг автори ҳам ўша тўпомон бўлган соатда залда ўтирган экан, унинг кўзига ҳам хунук кўришиб қолибмиз. Ўз асарини қайта ишлаб, қоплон билан бўрининг образини бутунлай чиқариб ташлади. Буларнинг ўрнига ёш чўпоннинг ролин кучайтирибди.

— Афсуски, сиз билан хайрлашингга тўғри келади, — деди директор Мираъзамов, — сокроменинга тушиб қолдингиз.

— Бўлмаса, бошқа роль беринг, — деб ёлвордим.

— Бошқа ролин ўйнай олармикансиз?

— Ўйнаймай, жуда бошлаб ўйнаймай, — деб ишонтиришига ҳаракат қилдим уни. Бош режиссёримиз билан уч кун машқ қилдик. Ҳарчаид тиришсам-да, бошқа ролин дуруст-роқ ўйнай олмадим. Сигир бўлиб маърасам, овозим ҳўкизи-никига ўхшаб чиқади. Қушларнинг овозини эса, очик иқроп бўлишим керакки, ҳеч ўхшатолмадим. Директор яна ўз кабинетига чақирди:

— Ука, ҳали ёшсиз, — кўнглимни кўтара бошлади у
Хўн десакигиз, театршунослик институтига киритиб кўяман

— Ўқингми? — дедим ранги-кутим ўчиб.

— Ўқийсиз, ўрганасиз...

Хафа бўлганимни сездирмаслик учун, жўрттага, арслон
бўлиб «ауууу» дея бир уландим-да, ташқарига чикиб
кетдим...

IX боб

ҚЛЕРДАСАН, МАКТАБИМ

Мени алдаб-сулдаб кўчага хайдаб чиқаришди, ҳа, шун-
дай қилишди. Бўлмаса театрда иш тўлиб ётган эди. Хеч
бўлмаса кўча эшик олдига туриб билет йиртай десаам «ўшан-
га ҳам маълумот керак» дейишди. Ганин қаранг-а. Ўқинг,
ўрганинг эмни! Нега энди ўқир эканман.

— Нега?

Тўхтаиғ, нега энди ишим доим кетга кетаверади? Агро-
ном бўлдим — қувилдим. Шоир бўлдим — номим ёмонга
чикди. Инженер бўлдим — аранг қочиб қутулдим.

— Нега?

Саёҳатчи бўлмоқчи эдим, Петров амаки билан Власов
амаки ҳамроҳликка олишмади, ёиларига ҳам йўлатишмади.
Артист бўлиб номимни шону шуҳратга бурқамоқчи эдим,
бўлмади.

— Нега?

Хой, кўчадаги одамлар, жавоб беринг. Хой, шумшайиб
турган азим дарахтлар, осмондаги эркин учган қушчалар,
елиб-югурган машиналар, жавоб беринг, сиздан сўрайман:

— Нега, нега?!

Йўк, ҳеч кимдан садо чиқмайди. Ҳамма жим, ўз иши
билан банд.

Сафарга чиққанимдан буён кўп ажойиботларни кўрдим,
кўп гаройиботларнинг гувоҳи бўлдим. Хурсанд бўлган қуш-
ларим бўлди, хафа бўлган қушларим бўлди. Аммо ҳеч қа-
чон бугунгидек кўнглим ўкенимаган, бугунгидек хўрлигим
келмаган. Тўғри, ойижоимни соғинганман, сингилларим
кўз ўнгимдан нари кетмай қолишди, бирга ўқиган ўртоқла-
рим: малла сочли Ортиқвой, дарёда ухлаб ўтирадиган Шо-
киржон — ҳамма-ҳаммаларини соғиндим, кўргим келади.
Аммо начора. Мен ўқимасдан агроном бўлмоқчи эдим, шу-
нинг учун ҳам барча азобларга, барча машаққатларга ти-
шимни тишимга қўйиб чидаган эдим, мақсадимга эриша
олмадим, шарманда бўлдим!

— Нега?

Хўнграб йиглаб юбордим. Туртиниб-суртиниб ўз уйимга бордим-да, бошимни кўрпага буркаб кўзларимда ёш тамом бўлгунча йиғладим.

— Қалпоқчам, эй сафарларда ҳамиша йўлдошим, мас-лаҳатгўйим, кани, ўзинг айт-чи, нега мени мақсадга эриша олмадим.

— Чувки илминг йўқ эди,— дейди қалпоқчам.

— Илм олиш учун нима қилишим керак эди?

— Ўқишинг керак эди...

— Нима?!

— Ха, ха, ўқитувчинг Қобилов, севимли директорнинг Отажон Азизовичларининг гапига кулоқ солишинг керак эди.

— Демак, сен мени чалғитган экансан-да, алдабсан-да!

— Йўқ, алдамадим, чалғитмадим. Фикрларинг хато экан-лигини тушуниб олгин, деб кўлимдан келганча кўмаклаш-дим, ёрдамимни аямадим. Оч қолсанг овқат бердим, устинг йиртилса кийим-бош бердим. Фақат сен ўз хатойингини ту-шуниб олгин дедим,— деб сўзлайди қалпоқчам.

Яна ўйлашиб кетаман, йиғлайман. Хато қилган бўлсам бордир, буни шу пайтда ўзим ҳам тушуниб турибман. Аммо ўз хатосини бўйига олишдан оғир нарса бўлмас экан. Май-ли, йиғирма градусли совуқ сувда яланғоч сувга тушай, майли, жазирама иссиқда бир ҳафта сувсиз юрай, истасан-гиз, Москвагача ниёда югуриб бораман, истасангиз, буидан ҳам оғирроқ ишларни буюринг, ҳаммасини бажони дил бажараман. Аммо ўзим йўл қўйган хатонини бўйинимга олгим келмай турибди. Тўғри, киши ўқимаса, ёшлиғида илм ўрган-маса агроном ҳам, шопр ҳам, ижтисош ҳам, артист ҳам бўла олмас экан, ха, бўла олмас экан. Ишовмасангиз, мана, қалпоқчам бугундан эътиборан бўшади, уни кийиб чарчаганингизда дунёни айланганингиз мумкин...

Секин ўрнимдан туриб, юз-кўлимни ювдим. Тўйиб овқат-ландим. Қорнинг тўқ бўлса миямг яхши ишлайди деганлари рост экан. Қорним тўйгач, миям ҳам ёлланган мотордек ишга тушиб кетди. Дарҳол совга-саломлар олиш учун магазинларга қараб югурдим. Кишлоғимизда юрганымда, вазифаларни бировдан кўчириб олишни кашф қилганимдан кейин, дарсликларимни ўртоқларимга эсдаликка деб ула-шиб берган эдим. Шунинг учун тўпланган пулимнинг беш-дан бир қисмига чамадонини тўлдириб дарсликлар, 54 та обиний дафтар олдим. Синглим Доноҳонининг қўнғир сочига деб, оқ лента, Ойшахонга олти хоналик чарм напқа, ойимга кўк шох дурраю дадамга атаб жуи кўлакчи харид қил-дим. Ҳурматли ўқитувчим Қобилов билан Отажон Азизо-

вичини ҳам курук кўймадим, албатта. Брига авторучкаю иккинчисига гул соладиган ваза олдим.

Қандай қилиб поездга чиқиб олганимни ўзим ҳам билмайман. Хайр, эй кадрдон шахар! Шляпа кийган шоирлар гапга уста артистлар, Сизларга ҳам хайр, яхши қолдинг! Саид ака, меҳрибон Саид ака, Сизнинг олдингизда қарздорман. Оғир кунда бошимни сизлагингиз, уйингиз тўридан жой бердингиз, инженерлик касбига ҳавас уйғотдингиз. Инженер бўламан, албатта, бўламан. Ўқийман, кунт билан, ҳавас билан ўқийман. Аввал аъло баҳолар билан ўзиничи синфини, сўнгра институтини ҳам битираман. Ана ундан сўнг ёнингизга қайтаман. Ҳозирча хайр, яхши қолдинг!

Кетиб боришман, жонажон кишлоғимга, она мактабим кучоғига қайтмайман.

Поезддан тушиб чамадонларимни кўтардим-да, ховлиқиб, кишлоғимиз томон йўл олдим. Ҳамма нарса ҳал бўлди ҳисоб, аммо ишонсангиз, ҳалигача бир муаммони ечолганим йўқ. Кадрдон қалноқчамни нима қилишим керакдигини шу соатгача ўйлаб кўрмабман. Олиб кетаверай десам, яна сеҳргар бўлиб кетишдан кўрқаман. Кўчада ёлғиз қолдириб кетгани, гапининг очиги, кўзим киймайди. Яхшироқ, қаердан топиб олган бўлсам, ўша ерга олиб бериб ташлайман, дедим-да, секин ўздан сўрадим:

— Хўш, бунга нима дейсан?

— Жуда яхши фикр. Ўз жойимга, латтага ўраб охурга ташлаб кет... Сендан бошқаларга ҳам керак бўлиб қоларман.

Ниҳоят, иккимиз ажралишадиган минутлар ҳам келди. Қаердан олган бўлсам ўша ерга олиб бордим-да, ўниб, бағримга босиб хайрлашдим. У ҳам менинг пенюамдан чўзиллатиб ўниб олди, оз-оздан кўз ёши ҳам тўкдик.

— Хайр, кадрдон қалноқчам!

— Хайр, кувноқ дўстим Ҳошимжон.

Ўйимизга кириб борганимда қоронғи тушай деб қолган эди. Кўча эшикни очилишим билан биринчи бўлиб кўзим ошхонага қўлтигида ўтин олиб кираётган Донога тушди. У ҳам мени кўрдн-ю, югуриб келиб бўйимга осилгани ўрнига қўлидаги ўтинни ерга ташлаб юбориб, турган жойида ҳайқалдек қотиб қолди. Кейин:

— Она, акамнинг арвоҳи келди! — деб қичкириб юборди.

Ошхонадан қўлида қағир, ховлиққанча Ойша югуриб чиқди-ю, у ҳам менга кўзи тушини билан: «Арвоҳ, арвоҳ-мисан!» дея додлаб юборди.

— Нима қилганларинг бу? Ахир, мен акаларинг Ҳошимжон бўламан,— дедим аччиғим чиқиб.

— Йўк, сен бизнинг акамиз эмассан, акамиз ўлган!

— Ўлган?!

— Ха, ўлган, биз уни кўмганмиз. Э, арвоҳ, сен қаёқдан келдинг? — кўрка-писа сўранди сиңилларим.

— Очик мазордан! — дедим тобора аччигим чиқиб.

— Вой, ана, очик мазордан деяпти,— деди Доно кўрк канидан ранги докадек оқариб. Мен ортикча тоқат қилиб туролмадим.— Эхтимол, ўлгандирман, эхтимол, ўлмагандирман, лекин мен сизларни соғинганман, сиңилларим!— Уларни ушлаб кўринмокчи бўлиб олдинга ташланган эдим, икковлари ҳам: «Бизни арвоҳ қувди», деб додлаганча кўчага чиқиб кетишди.

Ўйлаб ўйимга етолмайман. Нима гап ўзи ёки узок вақт дом-дараксиз бўлиб кетганимга мени ўлдига чиқаришиб кўйинганмикан. Ундай десам, сизни кўмганмиз дейишяпти-ку? Тавба...

Ўйда ҳеч ким йўк, ойим ишдан қайтмаганга ўхшайди. Айвонда дадамнинг мотоцикли турибди. Демак, у чўлдан қайтгану, чойхонагами, идорагами чиқиб кетган. Ўйимиз, пазаримда ҳеч ўзгармагандек. Фақат мен сув, дон бермай кўйиначаним товукларнинг хонасини сал кенгайтиришибди. Товуклар «тағин келдингми» дейишяётгандек сеткадан бошларини чиқариб, менга тикилиб туршибди. Шу пайт кўчадан ойижонимнинг овози эшитилиб қолди:

— Болағишамнинг арвоҳини менга кўрсатинглар. Майли, арвоҳи бўлса ҳам бағримга босай, тўйиб-тўйиб юзларидан ўпай. Хошимгинам, қани сен?

— Ойижон! — деб юбордим ўзимни туюлмай.

Ойим мени бағрига босиб, сочларимдан ўнди, узок йиғлади.

— Болағишам, тирикмидинг? Ё чиндан ҳам арвоҳми-сан? — деб сурати у қайтадан орқасига тисарилиб.

— Ойижон, нега мен арвоҳ бўлар эканман? Ахир, мен ўганингиз Хошимжонман-ку Хошимжон Рўзиевман.

— Демак, ўлмаган экансан-да?

— Қасам ичиб айтаманки, ўлган эмасман.

— Сени деб биз бошқа болани кўмибмиз-да бўлмаса...

Гап бунадай бўлган экан: мендан хат-хабар йўк бўлиб кетгач, дадам билан ойим юрак-бағирлари эзилиб милиция органлари ёрдами кидиринга тушибди... Узок вақт ҳеч қандай хабар бўлмапти. Ниҳоят, мен янаб турган шаҳарнинг милиция бўлимидан «келиб ўганингизнинг ўлигини олиб кетинг» деган телеграмма келибди. Ойим билан дадам фарёд қилиб, дарҳол етиб боришибди. Улиқлар сақланадиган музхонада бўйи меннинг бўйимга тенг келадиган, эғнида мен

уйдан кийиб чикиб кетган костюмга ўхшаш костюм, оёғида худди меникига ўхшаш ботинкаси бор бир ўлик ётган эмишу, калласи машина гилдираклари остида қолиб мажақланиб кетганидан кимга ўхшашлигини билиб бўлмас эмиш. Шунда ойим ўликка ўзини ташлаб, дарров унинг кўкрагини очиб кўрибди. Чап елкасида худди меникига ўхшаш холини кўриб:

— Болагинам! — деб сочларини юлибди. Кейин ўша ўликни самолётга юклаб қишлоқка келтиришибди-да, юниб-тараб, барча расм-русмларни жойига кўйиб, йиғи-сиги билан кўмишибди.

— Бугун ронна-роса икки ой бўлди,— деди ойим кўз ёшларини артиб. Ойижонининг хикояси тугамасдан кўчадан помини айтиб чакирганча дадам ҳам кириб келди. Кейин кўшиилар, бирга ўқийдиган синфдош ўртоқларим, ўқитувчиларим тўпланишиб ҳовлимизга одам сизмай кетди. Дадам дархол қолхоз фермасидан кўй олдириб келиб сўйдириб юбордилар. Зиёфат бошланиб кетди. Ўзиям ўша куни роса маза қилдим-да: ковурилган гўштлардан, кабоблардан тўйиб-тўйиб сўймак-да, ёнгинамда эркаланиб ўтирган Донохоннинг сочидан тортиб:

— Пучуккинам! — деб кўяман.

САРИҚ ДЕВНИ МИНИБ

I боб

МУҲАММАД ПАЙҒАМБАРНИНГ ШЕЪРИ

Вой, эсим курсин, вой хомкалла бўлмай кетай! Қаранг-а, шунчадан буён сиз билан гаплашиб ўтирибману, қанчадан-қанча ҳикоялар сўзлаб берибману, сизга кишлогимиз ҳақида бир оғиз ҳам гапирмапман-а. Ахир бир кунмас-бир кун Муллаҳошимбойни кўргингиз келиб қолса ёки хат орқали кўнгилни сўрамоқчи бўлсангиз, лоақал, адресимни билмай-сиз-ку! Йўқ, бари бир қачон бўлмасин сизни кишлогимизга бир таклиф қиламан. Келиб уч-тўрт кун дам олиб, мевалардан маза қилиб еб кетасиз.

Эсингизда бўлсин, районимиз марказидан ҳар кун кишлогимизга беш-олти марта автобус келиб-кетеди. Автобуснинг нақ пешанасига «Яйпан — Хўжақишлоқ» деб катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйишган. Ёзиб қўйишмаса ҳам бўлмайди-да. Нега десангиз, шофёр Хўжақишлоқдан машина кайтариш ўрнига янглишиб Рафқонга ўтиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам «Хўжақишлоқ» деб ёзиб қўйишган. Ана шу қишлоқ бизнинг қишлоқ бўлади. Эсингиздан чиқмасин — Хўжақишлоқ.

Ишма учун Хўжақишлоқ деб аташган десангиз, бунинг ҳам бир сабаби бор. Дадамнинг айтишига қараганда, илгариги замонларда бизнинг қишлоқда хўжалар, катта-кичик эшонлар, эшонбаччалар жуда кўп яшашган экан. У ёқ-бу ёққа битта-яримта рўдапо эшонни, қорни катта домламин, ёки қулоғини чўзиб азон айтадиган сўфимни, керак бўлиб қолса, бизнинг қишлоқдан олиб кетишар экан. Бордию битта-яримта қишлоқда эшонночча ёки домла имом ишни начава қилиб қочадиган бўлса, саллани қўлтиққа уриб, эшакка тесқари ўтириб тўппа-тўғри бизнинг қишлоқни мўлжалга олиб қочар экан-да, Узунқулоқ ота мазоридида «днйдиё» ўкиб айшини суриб, кун кечирар экан. Шунинг учун ҳам бизнинг қишлоқни Хўжақишлоқ, деб аташган экан.

Қишлоғимиз шундоққина тоғнинг этагига жойлашган. Бу ерда ҳар хил мевалар шунақанги кўп бўладикки, келиб кўрсангиз оғзингиз очилиб қолади. Саргайиб пишадиган

ўриклар, устида майизак бўлиб, тагига тўкилиб ётадиган олчалар, ирдон гилослар дейсизми, шафтоли, узум, олма дейсизми, ҳар биттаси чала пишган тарвуздек келадиган аиору, кўрганда оғзингиз сув очиб кетадиган олтиндек саргайиб пишадиган нон беҳилар дейсизми — йўқ, бари бир, ҳаммасини айтиб адо қилолмайман. Одамларнинг айтишига караганда, бизнинг кишлоқ витамин заводининг ўзгинаси эмиш.

Тоғ ичкарасига бир километрча юрсангиз, Узункулоқ отанинг қабри бор. Қабр атрофига осмон бўйи келадиган чинорлар, тенасига қарсанг дўппинг тушиб кетадиган садалар, бени кишининг ҳам қулоч итмайдиган йўгон тоғлар соя ташлаб туради. Бу атрофда катта-кичик ўн учта зилол сувли булоқ ҳам бор. Зиёратгоҳнинг қоқ ўртасидан шаркираб муздек сувли анҳор оқади. Суви бирам муздекки, чўмиламан десангиз дарров оёғингизнинг томари тортишиб қолади. Зиёратгоҳга ёз ойлари, айниқса, чоршанба кун одам демагани ёғилиб кетади. Бувижонимнинг айтишича, Узункулоқ отага астойдил сиғинган одам муроди мақсадига етмасдан қолмас экан.

— Аълоч и ҳам бўп кетадими? — деб сўрайман бувижонимдан.

— Ҳа, аълоч и ҳам бўлиб кетади, — тушунтиради бувижоним.

— Ўзи, Узункулоқ ота қайси фандан дарс берган, бувижон?

— Тавба қилдим де, эси йўқ!

— Тавба қилдим, бувижон, — деб қўяман мен ҳам...

Шундай қилиб, район марказидан автобусга ўтирасизда, тўши-тўғри Хўжақишлоққа келиб тушасиз. Ўнг қўл томонида кўк гингдан чиройли қилиб солинган магазин, чойхона, кундузи фақат бир соат очиб, бошқа вақтда доим кулф турадиган дорихона, ундан сал нарироқда сартарошхона ҳам бор. Сартарошхонада бир оёғи йўқ уста Усмон амаки деган киши ишлайди.

Қачон соч олдиргани кирсангиз:

— Сочингизнинг ҳаммасини олайми ёки бир ланкалик қолдирайми? — деб сўрайди.

— Ҳаммасини олаверар экансиз, оиним айтдила, — десангиз:

— Пулингиз оз-ку, акаси! — деб қўяди уста амаки.

— Бўямаса пулимга яраша олиб қўя қозинг.

Уста амаки хахолаб қулади-ю, сочингизни машина қайчи билан бирпасда киртишлаб ташлайди.

Магазиннинг орқасида бир гектарча келадиган боғ бор. Мактабимиз мана шу боғнинг қок ўртасига жойлашган. Ориф, Зокир, Икром — ҳаммамиз мана шу ерда ўқиймиз. Яшириб нима қилман, бир-биридан чиройли бўлган икки баҳоларин мен мана шу ерда олганман. Севимли ўқитувчим Қобилов ҳам мана шу ерда ишлайдилар. Ҳозир бу ерда ҳеч ким кўринмайди. Нега десангиз, ҳаммаси қанқулда, маза қилиб дам олишяпти.

Қишлоғимиз марказидаги одамларнинг иши тушиб турадиган биноларнинг бори йўғи шу. Қолгани қолхоз марказида. Иши бор одамлар ўша ёққа боришади. Баъзан қунбўйи қишлоғимизда зиёратга келган бегона одамларнинг кети узилмайди, у ёқ-бу ёққа ўтиб туришади, майда-чуйда сўраб уйма-уй эшик қоқиб юришади.

Магазин олдидан юқорига қараб кетган йўл тўппа-тўғри тоққа олиб боради. Икки томонига янги иморатлар солишган. Иморатларнинг орқа томони поёнсиз пахтазорлар. Бу ерларда Икромнинг дадаси Холқ тоға бригадирлик қилади. Одамларнинг айтишича, у гўзанинг тилини билар эмиш, у билан пичирлашиб гаплашармиш. Шунинг учун ҳам ўтган йили Москвага бориб бир йўла иккита орден тақиб келган. Пахтазор тугаб, кетидан ўрик майдон, ундан кейин анорзорлар бошланиб кетади. Анорзорлардан у ёғига ўтмай кўя қолинг. Ҳаммаёқ тош, тошдан бошқа ҳеч нарса топмайсиз. Тоғдан туриб настга қарасангиз, қишлоғимиз худди ичига гул солинган катта пиёлага ўхшаб кўринади. Бу ерда эски қишлоқдаги масжиднинг томи, янги маҳалладаги телевизорларнинг антенналари ҳам бемалол кўриниб туради. Енма-ён турган иккита антеннадан сал баландроғи бизники, настроғи Орифларники, албатта. Аммо бувижоним бизникига келганидан буён телевизорни қамлаш-қам қўядиган бўлиб кетганимиз ёмон бўлди-да. Дадам билан ойим доим ишда бўлгани учун мен сал бузилиб қолган эмишман. Мени тартибга солиш, тарбиялаш учун ойим билан дадам маслаҳатлашиб, бувижонимни кўчириб олиб келишган.

Бувижоним айтадиларки, телевизор шайтоннинг ўйини эмиш. Ҳалеб кўраверсак, уйимиздан барака кўтарилармиш. Ундан кейин гуноҳимиз кўнайиб, нариги дунёга борганда савол-жавобда қийналяб қолар эканмиз.

— Бувижоним, нариги дунёда савол-жавоб ҳам бўладими? — деб сўрайман.

— Ҳа, савол-жавоб ҳам бўлади.

— Саволни ким беради ўзи?

— Жабронга алайсалом, — деб тушунтиради бувим.

— Алгебра ҳақида ҳам ўша киши сўрайдими?

— Ишгани кил, тентак! — деб уришиб беради бувижоним. Мен бўлсам ҳаммасини билиб олгим келади. Шунинг учун қайта-қайта сўрайверамаи:

— Яхши жавоб берганга бешу ёмон жавоб берганга икки кўйдими-а?

Бувижоним жавоб бермайди-ю, кўзларини олайтириб кўяди. Бу — ганин бас кил дегани бўлади. У киши кўчиб келгандан буён меннинг ишларим ҳеч юришмай қолди. Кўчага чиқадиган бўлсам ҳам, кечкурун шерикларим билан кинога борадиган бўлсам ҳам, бари бир бувижонимдан рухсат олишим керак. Кейин кўли индан бўшади дегунча, мени ёнгинасига ўткизиб олиб, тарбиялашга тушиб кетади: хар хил парсаларни ёд олдиради. Мазмун эса худди алгебра формулаларига ўхшаб жуда-жуда ҳам кийин, қалламнинг ишлатсам ҳам, бари бир тушунолмаймаи.

— Бувижон, буларнингиз нима ўзи, ё шеърми-а? — деб сўраймаи.

— Ҳа, шеър деса ҳам бўлади, болам.

— Кимнинг шеъри ўзи?

— Муҳаммад пайгамбарнинг шеъри. Бунча эзма бўлиб кетдинг, кўквош! — дейди бувижоним аччиғи чиқиб.

Муҳаммад пайгамбарнинг шеърими ёки бошқа биров-шиким эканлигини суриштиришимнинг ҳам бир сабаби борда. Бир марта мана шунақанги шеърни деб (ўшаниям бувижоним ўргатган эди) мактабда роса кулги бўлганмаи. Ушанда бешинчи синфни битираётганимизга бағишлаб кеча ўтказадиган эдик. Шерикларим шеър ўқишяпти, ўйинга тушишяпти, ашула айтишяпти ишқилиб, ўзларини кўрсатишяпти-да. Оқилжон немисча шеър ўқиб, ҳаммани оғзига қаратади. Кейин шунақанги қаттиқ қарсақ чақиндики, пак мактабининг томи кўчиб кетай деди. Мен ҳам ўзимни бир кўрсатиб кўяй деб шартта ўртага чиқдим.

— Ҳа, Ҳошим, ўйнаб берасанми? — хурсанд бўлиб сўради вожатиймиз.

— Пуқ, шеър ўқиймаи.

— Жим, болалар! — деди вожатий икки кўлини кўтариб, — ҳозир Ҳошимжон Рўзиев сизларга шеър ўқиб беради... Қани бошла, Ҳошим.

Икки кўлимни ёнимга тушириб томоғимни бир қириб кўйдим-да:

— Муҳаммад пайгамбарнинг шеъри. «Қулху облоху аҳад», деб ўзим эълон қилиб юбордим.

— Нима? — деб сўради вожатий, яхши эшитмай қолди шекилли.

— «Қулху облоху аҳад», — деб тушунтирдим.

Болалар кийкиришиб, чапаклар чалиб «унақа шеърни бувижонингнинг ўзига ўқиб беравер» деб оғиз очиртиргани кўйишмади. Шунақанги уялиб кетдимки, нишонсангиз йиғлавораяздим. Ушандан буён болаларнинг нега оғиз очиртирмаганига ҳеч тушунолмаймаман...

Мана ҳозир ҳам бувижоним менга Муҳаммад пайгамбарнинг яна битта шеърини ўргатмоқчи бўлаяпти.

— Ўзи ёзганми ёки бировдан кўчириб олганми? — деб сўрайман бувижонимдан. Мана шунақанги пайтда ўнг бетимга ё чап бетимга тарсаки келиб тушади.

— Тавба қилдим де!

— Демайман!

— Демайсанми? — бувижоним бу бетимга ҳам бир тарсаки туширмоқчи бўлиб иштилаганда сапчиб ўрнимдан турман-да, шаталок отиб қочиб қоламан. Нарирокка бориб, сўфига ўхшаб икки қулоғимдан чўзиб, оёқларимнинг учида туриб, бошимни гоҳ ўнгга, гоҳ чапга буриб азон айтаман:

— Абдурайўўўм,

— Мадрайўўўм,

— Мол канўўў,

— Хў, манўўў.

— Хе ўўўа!

Ана шундан кейин десаангиз, бувижоним шунақанги тутакиб кетадими, қани энди тутиб олиб сочларимдан битталаб юлса!

— Даданиг келсин ҳали, сени оёғингдан остирмасамми! — дейди бувим икки кўзини мушт қилиб.

— Остирсангиз остиравернинг. Менга бари бир. Қайта, нариги дунёла маза қилиб юраман, — дейман-да, боккамин, кўчагами чиқиб кетаман.

— Шунин билганики, мен сени одам қилмагунча қўймайман, — оркамдан бақириб қолади бувижоним.

Шундай қилиб, бувижонимнинг тарбиясидан бириясгина бўшаб, қатакдан қочиб чиққан товукдек, эркин қанот қоқиб узок-узокларга ўйнагани кетаман.

II боб

ЙУК, ЗОКИР ДАНГАСА ЭМАС

Бувижоним отибуви холашиқига «Мушкулқушод» ўқитгани кетган эди.

Кўча эшигимиз олдидаги кум тўкилган майдончада икки кўлимни ерга, оёқларимни осмонга қилиб шу алфозда ол-

динга, орқага юриб сииглим Донохонни кикирлатиб кулдираётган эдим, кўчадан Зокир ўтиб колди. Зокир билан биринчи сиифдан буён бирга ўкиймиз. Гавдасини кўрсангиз ўи биринчи сиифда ўкийдим, дейсиз. Аммо юрак деган нарсадан зигирча ҳам йўк. Хатто ўзи тенги киз болалардан ҳам кўркиб, битта-яримтаси бехосдан тегиб кетса дарров бориб ўкитувчимизга чақимчилик қилади, директорга айтишдан ҳам тоймайди. Қизлар ҳам аксига юриб нуқул ўшанга тегажақлик қилишади. Мактабдан қайтаётганда тўртта-бештаси бир бўлиб, олдиларига солишиб, қувалаб келишади. Тутиб олиб уришмайди-ю, аммо урамиз деб бечоранинг нақ юрагини ёришади. Бунинг устига Зокирнинг дарсида ухлаб ўтирадиган одати ҳам бор. Ухлаганда ҳам жуда каттик ухлайди. Турткилаб уйғотиб:

— Нега ухлайсан? — десангиз, оғзини катта-катта очиб эснайди-да:

— Қани, ухлаганим, — деб тониб туриб олади. Хатто бир куни мактабимиз ховлисидаги майдончада, физкультура машқлари ўтказиладиган ёғочнинг устида оғзида нони билан ёғочга посанги бўлганча ухлаб копти. Ўкитувчимиз турткилаб:

— Уят эмасми, йиқилиб кетсанг нима бўлади! — деган эди, Зокир кўзини укалаб:

— Ухлаганим йўк, ўзим шундай... дам олиб ётувдим, — деб кўя колди.

— Ха, Зокиржон, йўл бўлени! — деб чакирдим уни. Зокир юришдан тўхтаб мен томонга ўгирилди-да, негандир ўзида йўк севиниб кетди. Чан қўлтигида уч-тўртта китоб, ўнг қўлида бодринг.

— Ия, сен шу ерданиднинг, шерик? Мен бўлсам, қарамабман ҳам. Ўзим ҳам ўйлашиб кетаётувдим-да.

— Нималарни ўйлаясан?

— Хар парсаларни-да. Зокир қўлидаги бодрингни карсиллатиб ейишга тушди. Кейин шимининг чўнтагидан битта баррагина бодрингни олиб Донога узатди-да, менга қараб: — Ейсанми? -- деб сўради.

— Ол-чи, -- дедим оғзим сув очиб, -- ўзи каёққа кетаётувдинг?

-- Даре тайёрлагани.

-- Хамма кашкулда юришти-ю, нега энди сен даре тайёрлар экансан?

-- Эшитганинг йўқми?

-- Нимани эшитаман?

— Мен кузги имтиҳонга қолганман. Она тилидан, рус тилидан, ундан кейин алгебрадан ҳам... Учовидан кузги

имтиҳон топширишим керак. Кураторимиз сен ўзинг бўлаган боласан, ақл-хушнинг ҳам жойида, фақат ёзда жиндаккича хафсала қилсанг ҳаммасини бешга топширасан, дедилар.

— Хали кузгача анча бор-ку, бари бир эсингдан чиқиб қолади.

— Мен ҳам шунака десам, ойим «бугундан бошлаб дарс тайёрлашга киришмасанг, кечаси ухлатгани кўймайман, бошингдан сув қуюман» деяпти... Биласан-ку, кечаси ухламасам, мен касал бўлиб қоламан... Бодрингдан тагин битта берайми? Ма, олавер, бу чўнтагимда ҳам бор. Ойимга билдирмасдан аста бокка ўтдим-да, чўнтақларимни тўлдириб бодринг уздим. Кейин шимимни счиб девордан иргитиб юбордим. Чикаётганда ойим «шимингни кийиб ол» деган эди:

— Трусикда кетавераман, шим кийсам терлаб кетиб, юрагим қисилади,— дедим. Кўчага чиқсам шим ариқка тушиб жикка ҳўл бўпти... Орқамни офтобга тўғрилаб кетяман. Биласанми, ҳозир мен Аббосларниқига боряпман... У менга ота бўлган.

— Ота дедингни? Қандай қилиб ота бўлар экан? У сендан кичкина-ку! — дедим ҳеч нарса тушунай.

— Билмасам, ўкин тамом бўлаётган кун завучининг кабинетида учала фандан ҳам яхши ўзлаштиришга ўзим ёрдам бераман, ота бўламан деди-да.

— Оталиққа оламан дегандир? — деб сўрадим.

— Билмасам, ишқилиб шунака деди-да.

Донони уйга киритиб юбориб, Зокир билан анчагача гаплашиб ўтирдик. Ўзиям бир-биримизни роса соғиниб қолган эканмиз. У менинг йўғимда мактабда бўлиб ўтган воқеаларни бир бошдан гапириб берди. Қизлар унга кун бермай кўйишибди. «Уйқучи», «дангаса» деб роса жигига тегишибди. Зокир битта-яримтасини тутиб олиб роса дўйносламоқчи ҳам бўлипти-ю, ке кўй, шуларга тенг бўлиб обрўйимни тўкиб юраманми, деб ишдаманти.

— Ўзинг айт-чи,— деб сўради менидан кетма-кет энаб,— мен уйқучиманми-а?

— Ҳеч ҳам-да. Дунёда сендан кам ухлайдиган бола йўқ.

— Бунинг устига мени доим дангаса дейишади.

— Бўлмаган гап, сени дангаса деганларнинг ўзи дангаса! — дедим дўстимнинг кўнглини кўтариб. Кейин икковимиз кузги имтиҳон масаласини ҳам бафуржа ўтириб гаплашиб олдик. Аслини олганда бунинг ҳеч кераги йўқ. Бир йўла уч фандан ёмон баҳо олгандан кейин, яхшиси ўша

синфда қайтадан ўқиб, ялмининг пойдеворини тагидаи мустаҳкамлаб чиққан маъжул. Тагидаи мустаҳкамламасанг ишлар чаток: еттинчига ўтганингда имтиҳонларда яна йиқилиб қоласан, саккизинчида ундан баттар бўлади, ўнинчини битиргуинингча мана шунақанги кузги имтиҳонларга қолавериб вақ ийгини чиқиб кетади. Ундан кўра олтинчи синфда ялмининг пойдеворини мустаҳкамлаб олинг керак. Ана ундан кейин юқори синфларда доим бенига ўқийсан, эхтимол, хурматинг ошиб кетса, сени синфком ҳам қилиб юборишар, аълочи сифатида лагерларга борасан, маза қиласан, деб тушунтирдим дўстимга.

— Қалай бўларкин-а? — деди Зокир иккиланиб.

— Қалай-палайи борми. Биласанми, мен саёҳатда юрганымда битта билимдон бола билан дўстланиб қолдим. Ўзи еттинчида ўқийди-ю, билими шунақанги зўрки, гаплашсанг оғзинг очилиб қолади. Нега сиз бунақанги билимдонсиз десам, акаси, мен ҳар бир синфда икки йилдан ўқигапман, олтинчида уч йил ўқидим, дейди. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар уни сизлаб гапирар экан.

— Ростданми-а? — деб сўради Зокир ҳаваси келиб.

— Рост. Хўн десанг, олтинчида бирга ўқиймиз. Ҳатто бир партада ўтирапмиз. Уйқунг келиб қолса, менинг тиззамга бемалол бошингни кўйиб хурракин тортиб ухлай-верасан...

— Қўлини бер! — деди Зокир ўрнидан туриб. — Гапингдан қайтмайсан-а?

— Йўқ, қайтмайман.

Шу пайтда, негандир, ич-ичимдан севишиб, шивонсангиз, ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим. Назаримда, Зокир ҳам шунақанги бир ҳолини бошидан кечирарди. Биз бешхитёр бир-биримизни кучоқлаб, шунақанги ўйиниб кетдикки, узокдан кўрган одам, булар, албатта, жинни бўлса керак деб ўйлаши мумкин эди.

Бувижоним «музкулкушод» га кетаётганида, Дово икковларинг шафтолинни териб ёриб қўйинглар деб тайинлаган эди. Бирпас ўйнай, бирпас ўйнай деб, қушни ярим қилган эдим. Зокирини ишлашга қўндиргач, шошилиб бокка кириб бордик. Қун тенага келиб, ҳаммаёқин ёндираётган бўлса ҳам, бог салқин, гир-гир шабада эсиб турганидан баҳаво эди. Гапини кўнайтириб ўтирмай ишга киришиб кетдик. Йўқ, қасам ичиб айтаманки, Зокирвойини дашаса деганларининг ўзи дангаса! Бунақанги чакқон ишлайдиган, бунақанги наҳлавон болаини мен умримда кўрган эмасман..

Бир соат ўтар-ўтмас, етти туп шафтолиннинг мевасини териб, эсон-омон томга чиқариб олдик.

— Шерик, энди ёриб ҳам ташлаймизми? — деб сўради Зокирвой пешонасидан терини сидириб.

— Йўқ, энди бирпас дам оламиз.

— Мен чарчаганим йўқ, — деди Зокирвой, — сен бўлмаса бирпас дамнинг ол, мен ёриб тураман.

— Мен сен чарчаб қолдингми деб ўйловдим. Чарчамаган бўлсанг ишлайверамиз. Мен-чи, Зокиржон, чарчаганимда яхши ишлайман.

Қуш бирам қизидики, нақ миямизни қайнатиб юборай дейди. Оёқнинг остидан эса томнинг иесини уриб нафас олдиргани қўймайди. Зокиржон хомсемиз бола эмасми, хадемай ишчиллаб қолди. Жови кийналганидан ўзини қўярга жой тополмай, нуқул гингиллаб ашула айтади, оғзини катта-катта очиб, мен ҳеч туншунмайдиган шакллар ясайди. Мен бўлсам, баданим саз салқин бўлармикин деган умидда қаҳратон қишини, ошнок қорларни, оёғим совук қотиб яхмалак учган пайтларимни эслайман. Ниҳоят, пешиндан кейин шафтолини ёриб бўлдик. Зокир ўрнидан туриб, уювиб қолган белни чапгаллаб, керишди-да:

— Яна борми? — деб сўрамоқчи бўлган эди, овози чикмади.

— Қани, тушидик энди, — дедим гандираклаб ўрнимдан туриб, — яна бирпас ўтирсак ўзимиз ҳам шафтоли қокни бўлиб қоламиз.

Бокқа кириб арик бўйидаги майса устига ёнбошладик. Қоринлар ҳам роса очган эди. Бир оз дам олгач, уйдан сузма катик билан ион олиб чиқини учув ўрнимдан турдим. Қайтиб чиқсам, Зокир аллақачон ухлаб қолибди. Хатто, туш ҳам кўраётганга ўхшайди, нега десангиз худди уйгок одамдек, қулимсираб ҳар замонда лабларини учуриб-учуриб қўяди. Қим биледи, тушига нималар кираётган экан. Ё битта-яримта сифга аллақачон сифком бўлиб олдимикин-а!

Мен ҳам жиндақ мизгимокчи бўлиб шунча уринсам ҳам, бари бир бўлмади — энди кўзим илинганда қизикрок бир воқеа эсимга тушади-ю, икиллаб қулиб юбораман, уйқум қочиб кетади...

III Боб

АМЕРИКАНЧА ФОКУС

Билмадим, шунқачонги одат мана бу ёнгинамда ишчиллаб ухлаб ётган, ширин-ширини тушлар кўраётган Зокирвойда ҳам борми, йўқми, бунисени аниқ билмайман-ку, аммо-

лекин мен бирон яхши ишни бажариб қўйсам, кетидан яна тагини шунақанги ишларни қилгим келаверади. Бир марта раҳмат эшитган куним иккинчисини ҳам эшитмагунча тиниб-тинчимайман. Мана, шафтолиларни битта қўймай томга чиқариб ёриб ташладик. Бунинг учун бувижонимдан раҳматлар эшитганим аниқ. Хатто дадам ҳам елкамга қўлини қўйиб:

— Оббо Хожимбой-эй, баракалла, ўғлим! — дейиши турган гап. Лекин шундай бўлса ҳам, шу пайтда қўшалок раҳмат эшитгим келиб, санчиб ўрнимдан туриб кетдим.

Кўча эшигимиз олдидаги кумни уйимизни алебастр сувок қилдириш учун тўкканмиз. Дадам бир неча марта шу кумни элаб қўйгани деб тайинлагану, мен ўзимни жўрттага эшитмаганга солиб юрардим. Сим элак билан белкуракни олиб ишга киришиб кетдим. Эндигина икки-уч элак элаган ҳам эдимки, шу пайт, қўлларини орқасига қилиб керилганча Ориф ўтиб келди. Кечадан буён шунақанги қилиб учинчи бор ўтгани. Нимашидир айтмоқчи бўлади-ю, мен гап ташламаганим учун баҳона товомай, жимгина ўтиб кетаверади. «Оббо, нимасига керилар экан, еттинчига ўтгани учун бўлса керак-да! Бикинига иккита муштласаму еттинчиси кўришиб қолади-я...» деб ўйлаб:

— Ориф, қаёқка кетгансан? — деб гапга солдим уни.

— Ишинг, нима қаёқка боришим билан! — қўлларини бикинига тираб юришдан тўхтади Ориф.

— Ўзим сўрайман-да.

— Биласанми, мен лагерга бориб келдим.

— Лагерь, қапака лагерь?

— Лагерь нималигини билмайсанми хали?

— Пўк.

— Оҳ-оҳ! Лагерь шунақанги маза бўлар эканки, шунақанги роҳативжон бўларканки... Лекин у ерга фақат аълочи ўқувчилар боради-да, сенга ўхшаганларни қабул қилмайди...

Мана шу гапни менга ҳеч маъқул бўлмади. Қаранг-а, менга ўхшаганларни олмас эмиш.

— Картошка терганевлар-да...— дедим аччигим чиқиб.

— Ҳечам-да... Биз у ердан яхши ниятлар билан қайтдик.

— Ният? Қапака ният?

— Ният дегани мақсад дегани, билдингми, шуниям билмайсан-а. Ўша ердаги вожатиймиз: ҳар бирларинг биттадан мақсад билан уйларингга қайтинглар. Келгуси йил мана шу ерда яна учрашамиз. Ўшанда, ким ўзининг яхши

ниятини амалга оширди, ким ошира олмади, сурштириб кўрамиз. Биринчи ўринни олган кишига мукофот берамиз деди, билдингми! Мен уйимизда кутубхона очмоқчиман.

— Кутубхона?

— Бўлмасам-чи. Ўзим китоб тўплаб кутубхона очаман.

— Шунини ўргатиш учун лагерга бордингми-а?

— Хечам-да... Биз у ерда волейбол ўйнадик, тоғларга чиқдик, сойларда маза қилиб чўмилдик... Ундан кейин хар хил ўйинлар ҳам ўргандик...

Ориф ўзи мактабинини яхши кўрадиган бола. Качон қарасанг, мактаганин-мактаганин. Хатто бировдан калтак еб келса ҳам, бошлаб саваладим, деб қерилади. Бир куни: «Мен тоғдан арслоннинг боласини ушлаб келдим, қулоқлари бир қаричдан, тумшуги нақ челақдек келади, хар қандай бўрини ҳам таппа босади», деб мактабин қолди. Бориб кўрсак, мушукдан сал катта бир лайча экан, бизни кўришни билан боғ томонга қараб вангилаб қочиб қолди.

— Арслоннинг сал юраксизроқ эканми?! — десак, ўшанда ҳам бўш келмай «шошмай тургин ҳали, катта бўлганда кўрасан!» дейди.

— Айт-чи, қанақа ўйинлар ўрганиб келдинг? — деб сўрадим Орифдан.

— Хар мизидан ўргандик... Хўп десанг, сенга америкача фокус ўргатиб қўяман...

Ростини айтсам, саёхатда юрганымда жуда кўп фокусларни кўрганман. Бир хиллари шунананги кийин бўладики, аклинин хар қайча ивлатсанг ҳам, бари бир хеч нарса тушуновмайсан. Лекин америкача фокусни биринчи марта эшиттишим. Эҳтимол жуда қизиқлир, ўрганиб олсам бир кун иш бериб қолар, деб ўйладим-да:

— Ўшанингни менга ҳам ўргатиб қўй, — деб илтимос қиладим.

Ориф тўсатдан жиддийлашиб, бошини сарак-сарак қилди:

— Пўк, сенга ўргатмайман.

— Ўргатасан.

— Ўргатмайман дедим, ўргатмайман!

— Қани, ўргатмай кўр-чи.

— Биламан, ўргатсам дарров йиғлашга тушасан.

— Мен-а?

— Ха, сен.

— Мен йиғлайманми?

— Демак, йиғламайсан-а?

— Пўк, йиғламайман.

— Пўк, бари бир, ўргатмайман.

Ориф пайсалга солган сари американча фокусга бўлган кизиқиним ошаверди. Ёлвордим, патимос қилдим, шқилиб кўндирмагунча кўймадим-да.

— Бор бўлмаса,— деди Ориф шҳоят юмшаб,— уйларингдан қийиқ билан бир қулоч ишиқ аркон олиб чик. Тезроқ чик, бўлмаса кетиб қоламан...

Кўз юмиб-очгунча аркон билан қийиқни олиб чикдим. Кейин Ориф кўрсатиб, ўргатиб турди. Қийиқ билан кўзимни маҳкам боғладим. Ориф чилвир билан қўлларимни оркамга килиб чандиб ташлади.

— Энди ерга чўккала! — деб буюрди у.

— Чўккаладим.

— Ўтган йили мени урган эдинг-а? — сўради Ориф.

— Кейин кечирим сўраган эдим-ку.

— Йўк, урганинг эсингдами?

— Эсинда. Қани фокусингни тезроқ кўрсат!

— Мана, мана, сенга американча фокус!!

Ориф югуриб келиб елкамга зарб билан шундай тепдики нешонам билан ерга уриладим. Ўрнимдан тураё десам, турозмайман. Додлай десам, оғзимга кум тўлиб қолган, овозим чикмайди. Бир маҳал елкамга суяниб ўрнимдан тураётган эдим, нимадир, Орифнинг тенкиендан кўра каттиқроқ бир нарсаси қорнимга келиб урилади. Кетидан «безори, бошини эдинг-ку!» деган овоз ҳам эшитилиб қолди...

Кейин у ёғи жуда тез кетди: кимдир аввал кўлимни, сўнгра кўзларимни ечиб ташлади. Моторли велосипед мени муюлинидан чиқиб келган Одилжон ака бехосдан менга урилиб, муниқ кетибди-да, бориб мияси билан тўппа-тўғри (мўлажални тўғри олганини қарапкин) тугга урилибди.

— Безори, бошини эдинг-ку! — деди яна менга қарамай.

Бир нафасда ҳаммаёқни одам босиб кетди. Шовқин солиб, қўшимизини уйдан бувижоним ҳам чиқиб келди. Қайқандир ойим ҳам пайдо бўлиб қолди:

— Нима гап, нима қилдиларинг менинг боламни! — деди ойим йиғлагудек бўлиб.

— Болангизга жин ҳам ургани йўк,— деди Орифнинг ойиси. Шундан кейин ҳаммаси мени ўртага олиб, безоридан олиб безорига солинди. Ойим билан дадам мени жуда эркалатиб юборинган эмни, шу кетинда кетаверсам мендан кин-қизил безори чикар эмни. Гани қарап-а, безорининг кизилию сариги ҳам бўлар экан! Мен ҳамма айб Орифда деган эдим, балога қолдим. Қилликни қилиб нега тағин бировга тўнкайсан деб, хапто мени таширтиргани ҳам кўйинмади. Ориф бўлса бир чеккада туриб гилини чикариб, мени ҳадеб ажаб бўлди дегандек маехара қиларди.

— Ўзинг айтгин, кўзимни бойладингми? — деб сўрадим ундан.

— Ҳечам-да, — деди Ориф одамларга қараб. — Унинг ўзи мени қистади, кўзимни ҳам ўзи боғлади, арқонини ҳам ўзи олиб чиққан.

Ориф ёлгончилик қилиб ҳамма айбни менга тўнкагани учун жаҳлим чиққанидан сал бўлмаса йиғлаворай дедим. Ҳаммадан ҳам боши ёрилган Одилжон аканинг «сени мактабдан ҳайдатмасамми!» дегани охиб тушди. Нега десангиз, у мактабимизда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Отажон Азизовичга бир оғиз айтса — тамом! Қатталар қатталарнинг гапига тезроқ қиради-да, мен бўлсам бу йил енг шимариб астойдил ўқимокчи эдим, ўзимни бир кўрсатиб кўяй, деган орзум бор эди.

Бувижоним кечгача бир оғиз ҳам гапирмади, қовоғини ҳам очмади. Фақат дадам ишдан келгандан кейин овқатланиб бўлишгач:

— Ҳошимнинг тартибга чақириб қўясанми ёки устига қеросин қуйиб ўт ёқворайми? — деб сўради.

Дадам дарров жавоб қайтармади, чой ҳўилади, яна ҳўилади. Мен бўлсам сўрида чалқанча ётиб осмондаги жимир-жимир юлдузларни томоша қиламан, америкайча фокус туфайли еган тепкидан елкаларим зирқираб оғрийди, «ишқилиб, мактабдан ҳайдатмаса бўлагани, ҳайдатмаса бўлагани...» деб ўйлайман.

— Ўт қўйсангиз, ўт қўяверинг, — деди ниҳоят дадам.

— Сенига донм ҳазил бўлса-да!

— Ҳазил эмиш... Ёпишгавларинг Ҳошим бўлиб қолди. Болаши ҳадеб ундок қил, бундок қил деяверини ҳам ярамайди. Тўғри кетаётган машинанинг рулини у ёқ-бу ёққа бураверсангиз авария бўлади, ойи. Бола ҳам бамисоли машинадай гап. Уни қил, буни қил деяверсангиз, анқов бўлиб қолади. Ишингизга ёрдамлашяпти. Мана бутун шафтолени ёриб берибди.

— Ерган шафтолени ҳам қуриб кетсин, — хали ҳам шаштидан тушмай деди бувижоним, — хомини термагин девдим, кейин қўлим тегмайди деб хомигача қўшиб узибди.

— Майли, ишлашга ҳам секин-аста ўрғанади.

Шу пайтда ўчоқ бошида идиш-товоқ ювиб ўтирган ойим ҳам гапга араланиб қолди:

— Адаси, Одилжон бугун ўғлинигини мактабдан ҳайдатаман, деб кетди.

— Ҳайдатмайди, — деди дадам ойимга ҳам бўни келмай, бордию ҳайдатса, хафа бўладиган жойи йўқ. Шунча ўқигани ҳам етар. Инженер бўлмаса, тракторчи бўлар...

Нима, тракторчи бўлиб мен кам бўлдимми! Қимдан кам-миз. Мана, уй-жой қилдик, мол-ҳол қилдик, кассада пулимиз бор. Айтгандек, ойини, хушхабар олиб келдим. Қани, чойдан қуй-чи!

— Қанака хушхабар экан? — ойимдан олдин сўради бувижоним.

— Чўлда ишлаб келганларга мукофот учун иккита «Москвич» ажратилган экан. Биттасини бизга берадиган бўлишди.

— Вой, машинами? — ҳовлиқиб деди ойим.

— «Москвич» машина бўлмай, тойчоқ бўлармиди, машина-да... Чойдан қуй, деяман!

Шу пайтда жуда хурсанд бўлиб кетганимдан нақ бўлмасе урра деб кичкириб юбораёздим. Аммо ўзимни халидан буён ухлаганга солиб ётганим учун овозимни чиқарганимнинг очиги, жиндак уялдим. Аммо, шодлигимни бирор йўл билан ифодаланим керак эди-да. Шунинг учун бошлаб бир хуррак тортиб қўя қолдим. Қимдир кўча эшигимизни шиддат билан қокди. Ойим бориб эшикни очган эди, Зокирнинг ойини экан:

— Мабодо Зокир бу ерга келмадимми? — деди у энтикиб.

— Келгани йўқ, тинчликми?

— Ош вақтида чиқиб кетганча дарағи йўқ,— йиғламен-раб деди Каромат холам,— қидирмаган жойимиз қолмади...

— Зокир шу ерда! — деб сакраб ўрнимдан туриб бокка югурдим. Қундузи бўлган гапвалар билан овора бўлиб, Зокирни наққос унутиб юборган эканман. У ариқнинг бўйида, қандай ётган бўлса ўшандайлигича доғ қотиб ухлаб ётарди. Турткилаб уйғота бошлаганимда оркамдан ойини ҳам кириб борди.

— Тур-е, одам ҳам шунақа каттиқ ухлайдими! — дедим иккала кулоғидан баравар чўзиб.

— Қани, ухлаганим,— деди Зокир эсаб, кейин тенаида турган ойиниға кўзи тушиб қолди шекилли, шонша-инша кўшиб қўйди: — Оғзиниға қараб гапир, қани ухлаганим. Мен бу ерда даре тайёрлаб ўтирибман, билдингми!..

IV боб

КИНА СОЛАДИГАН АППАРАТ

Энди ўзиниғиз ҳам билсанғиз керакки, ваъда бергандан кейин уни бажарини масаласи ҳам бор. Кеча Зокиржонга аялов-далгов ишлаймиз, деб сўз берганман. Шунинг учун

хам у менга ишлашиб берди, ёмон ишламади, терлаб-пишиб ишлади. Бугун мен уикига боришим керак. Аммо бувижонимдан қандай руҳсат олсам экан? Кечаги гаплардан кейин дарров жавоб бера қолмас. Эҳтимол, Зокирнинг ўзи у ёқ-бу ёққа ўтиб қолар, унда жавоб олиш жуда осонлашиб кетарди-я. Шу фикр билан тез-тез кўчадан хабар олиб турибман.

— Хошим, тугадиган товукдек буича бетокат бўлиб қолдинг? — деб сўради бувижоним, — ке, игнадан мана бу ипин ўтказиб бергин, кўзим ўтмаяпти.

— Бетокат бўлганим йўқ, — деб тушунтирдим бувижонимга.

— Утир бўлмаса, намозлик ўргатаман.

— Юрагим қисилиб кетяпти, бувижон.

— Бўлмаса бокка чиқиб салқинда бирпас сабзи ўтагин.

Қара, шундай ўт босиб кетибди.

Бувижонимга Зокирга берган кечаги ваъдам ҳақида ётиги билан гапириб берган эдим, аввал қошларини чимириб ўйланиб турди-да, кейин сал юмшаб:

— Бошимга бирор галва орттириб келмайсанми? — деб сўради.

— Йўқ, бувижоним, ҳеч қандай галва орттириб келмайман.

— Бора қол бўлмаса, бирпас ўйнаб дарров қайтгин.

Оҳ, менинг бувижоним ўзи бошқача-да. Шўхлик қилсанг қулоғингдан чўшишдан ҳам қайтмайди. Ётиги билан гапирсанг, мана шунақанги гапинга дарров тушуна қолади. Бувижоним-эй, мниг раҳмат сизга! Катта бўлганимда сизга кўшқаватли кўзойнақ олиб бериб бир хурсанд қилмасамми!.. Шу пайтда меҳрим шунақанги товланиб кетдики, югуриб бориб бувижонимнинг оппоқ сочларидан, тириш босган юзларидан қайта-қайта ўндим-да, сакраб-сакраб, иргичлаб кўчага югурдим. Остона олдида андак бўлмаса Донохонини кўкрагим билан уриб юбораёздим. Доно икки букилиб, чап кўли билан қорини чапгаллаганча йиғлаб кириб келар эди.

— Ким урди?

— Қориним берияпти, акажон!.. — Доно баттарроқ йиғлаб юборди. Бечоранинг сочлари тўзгиган, ранги бир аҳвол, юзи кичкина бўлиб кетибди — раҳмим келиб кетди унга. Дарров кўлатигидан олдим. Тикаётган чокни ерга кўйиб бувижоним ўридан турди. Ичкарида тенки машинада чок тикиб ўтирган ойим ҳам чиқиб келди. Худди биров чакиртириб келгандек идорага наряд тошширгани кетган дадам ҳам келиб қолди.

Донони сўрига авайлаб ётқизиб бугун эрталаб нима егани, кеча, аввалги куни нима егани тўғрисида суриштириб кетишди. Ун минутлардан кейин маълум бўлдики, Доно қорин оғритадиган ҳеч нарса емаган экан. Қаймоқдан, умуман, қорин оғримас экан.

— Кишга кирган боланга! — деди бувижоним гўштенез, гадир-будур кафтини Дононинг пешонасига қўйиб, — бор, Сора кампирин айтиб кел.

Мен ялт эгиб ойнимга қарадим. Назаримда, дадамга қараганда, ойним кўпроқ танишига тушиб қолганга ўхшайди — қўллари биланар-биланмас қалтираб, юзи жуда-жуда ҳам гамгин бўлиб қолди.

— Югур, — деди ойним ҳам, — дарров олдинга солиб кел.

Очиқ айтиб қўя қолай, Сора холамин жинимдан баттар ёмон кўраман. Уйнимздан худойи таолонинг овози келади, деб ўғли Миробиддинхўжани хумга қамаб, қўлига тақинчоқлар тақиб минг кўйга солиб ўйнатганини ўз кўзим билан кўрганман. Шармандасини чиқарганман ҳам. Аммо бу ҳақда ҳеч кимга айтмаганман, айта олмас ҳам эдим. Нега десаңиз, бу ишларнинг ҳаммасини кадрдон дўстим — Сехрли қалпоқчам билан биргаликда бажарганман-да. Ох, қалпоқчам, кадрдоним, каерларда ётибсан, ҳозир?..

— Ойи, — дедим эътироз билдирмоқчи бўлиб.

— Югур деяман, халиям шу ердаясан? — уришиб берди ойним.

Ростдан ҳам иккиланганининг пайти эмас ҳозир. Бу ёқда жондан азиз синглим азоб чекиб, чиқиб ётибди-ю, мен бўласам қасқдаги хаёларга бориб ўтирибман-а. Эҳтимол, Сора холам ром очини яхши билмасу, киша солишинг устасидир. Ҳозир бориб «киша соладиган аппаративизни олиб дарров юрар экансиз...» дейман-да. Пўк, бормайман, бари бир, у алдайди, бечора синганининг жонига озор беради.

— Ойи, у алдоқчи-ку! — дедим кўча эшик олдида етганда оркамга қайтиб.

Ойшани юборишди. Сора хола бир нафасда довликкиб етиб келди-да, айвоида ётган Донога кўзи тушини билан оғзини қатта очиб энаб юборди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг шу пайтда мени ҳам, ойним билан дадамни ҳам эшак тутиб қолса бўладими, оғзимизни кап-кап очиб, нақ уч минут чамаси «хай-хай-хай» ланиб наъма қилдик-да.

Тоза кул билан ишириқ келтир, — буюрди Сора холам. Кейин бир нарсаларни иширлаб фотиҳа ўқиди. Ишлага солишган кулнинг бетини рўмоал билан беркитиб Дононинг қорнига сурқай бошлади:

— Чик, чик, чикмаганингга кўймайман,— дерди холам ўзи ҳам кетма-кет эснаб,— эски тегирмонларга бор, корни катта бойларга бор! Чик, чикмаганингга кўймайман...

Худди шу пайтда, назаримда Дононинг юзи ёршигандай бўлди. Эснаб, дадамга қараб кулимсираб кўйди. Ҳаммамиз хурсанд бўлиб кетдик. Ойим кинначи холамга пул, икки банка қаймоқ чиқариб берди.

Сора холам кетди. Мен эса сўрида оёқларимни солинтириб ўтирганимча ўйлашиб қолдим... Шу Сора холамга ҳеч тушуниб бўлмайдига, ўзи. Бир қарасанг, одамларни алдаётган бўлади, яна бир қарасанг, энг оғир касалларниям кўз юмиб-очгунча даволаб қўяди... Ҳар қалай, мен ўшанда чакки иш қилганга ўхшайман. Бечора Миробиддинхўжанинг елкасига игна санчиб жонини кийнабман-а. Йўқ, хозирок бориб ундан кечирим сўрайман, велосипеднинг қосқонини букиб қўйган эдим, ҳақини тўлайман. Велосипед оламан деб, шафтоли сотиб пул йиғиб юрган эдим, ярмини олдим-да, Сора холамининг орқасидан югурдим...

Миробиддинхўжа бўш челакни тарақлатиб чалиб уйдан чиқиб келаётган экан.

— Тўхта! — дедим энтикиб.

— Айтавер гапингни,— деди Миробиддинхўжа ҳаяжонланганимдан бир оз ташвишга тушиб...

— Сенга пул бермоқчиман.

— Нега энди менга пул берар экансан?

— Бергим келиб қолди-да, тўхта.

Секки кўлимни чўнтагимга солган эдим, Миробиддинхўжа мени уради деб ўйлади шекилли, челакни саланглаб кочиб қолса бўладими! Менам бўш келмай орқасидан қулаб кетдим. Йўл-йўлакай пулни кўрсатиб боряману ўшандаям ишонмайди, денг.

— Тўхта! — деб кичираман.

— Тўхтамайман! — дейди Миробиддинхўжа орқа-ўнгига қарамай.

— Пул бермоқчиман ахир, тушунасанг-чи.

— Пулни ўзингга буюрсин, ниятингни биллиб турибман,— дейди бечора кўркиб. Охири етиб олдим-да, ўнг кўлим билан елкасидан тортиб ўзимга қаратдим:

— Ма, ол!

— Ўз-ўзимга берясанми? — кўзларини катта-катта очиб сўради Миробиддинхўжа.

— Ўз-ўзингга. Доно бутунлай тузалиб қолса яна берман, хўми? Фақат тузалиб қолса бўлгани. Бечора бирам кийналувдики.

Миробидднихўжа мана шу гапимдан кейингина менга ишонди. Пулни кўлига олиб, ўзида йўқ севиниб кетди:
— Хафа бўлма, бутунлай тузалиб кетади.

Ўзим ҳам шу пайтда хурсанд эдим. Аммо уйга қайтгач, мана шу шодлигимдан асар ҳам қолмади. Доно ўзини ерга кўтариб уриб чинқириб йиғлар эди.

— Бор, Сора холагини яна айтиб кел,— деди бувижоним йиғлагудек бўлиб турган Ойшага.

Ойим бувижонимнинг гапини қайтаришга ҳеч ботинолмасди, кўрка-писа:

— Доктор чақиртирсакмикан-а? — деб эътироз билдирди.

— Докторингга бало борми! — уришиб берди бувижоним.— Докторлар яра-чакага тузук.

Бир зум ўтмай Сора холам яна етиб келди. Бу гал кинна солмади-ю, Дононинг у ёк-бу ёгини кўриб:

— Қориниң оғримасдан аввал қаерда ўйновдинг? — деб сўради.

— Гумнинг тагида...— йиглаб юборди Доно.

— Болагинамга девлар назар солибди. Гумнинг орқасидаги чангалзорда ҳар чоршанба куни девлар базм қуришади, чангалзор сариқ девларнинг макони...

Бувижоним, дадам, ойим, Сора холам тўртовлари бир нарсалар ҳақида узоқ маслаҳат қилишди. Улардан анча нарида ўтирганним учун гапларини шунча диққат билан кулоқ солсам ҳам, бари бир, эшитолмадим. Негадир, дадам бир-икки марта жаҳл қилиб ўрнидан туриб кетди. Бувижоним мени урингандақа қилиб уришиб берган эди, дадам уф тортиб, яна ўрнига ўтирди. Сарик кўй, сарик кўйиниң қалласи дегаплариниңгина аранг эшитиб қолдим. Кейин Ойша икковимиз қориларни айтиб келадиган бўлдик. Дадам мотоциклга миниб, қаёққадир жўнаб кетди. Назаримда ё сарик кўй, ёки сарик кўйиниң қалласини топиб келгани кетган бўлса керак.

— Ойша, сен эшитдингми, нима қилмоқчимиз ўзи? — деб сўрадим.

— Чилёсини қилмоқчимиз,— тушунтирди Ойша.

Чилёсини дегапларини илгар и кўн эшитгандиму, аммо қанақа бўлишини, ростини айтсам, ҳеч кўрмаган эдим. Маълум бўлишича, бу қорн поччамлариниң вечери экан.

Қишлоғимизда учта қорн почча бор. Учовлари қишлоқниң уч чеккасида туришади. Одамлариниң айтишига қараганда, яқинроқ туришса бўлмас эмни -- бир-бирлариниң гўшталарини еб кўйишармиш. Менимча, бу ёлғон бўлса ке-

рак. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳеч жаҳонда одам ҳам бир-бирининг гўштини ейдими?

Сой бўйида турадиган қори почча жуда-жуда ҳам пака-на, семириб дум-думалок бўлиб қолган. Узоқдан қарасангиз, худди Дононинг елим кўгирчоғига ўхшаб кўринади. Одамлар уни Данак қори деб аташади. Учинчи синфда ўқийдиган Ханифанинг бобосини эса Бодом қори, деб чакиришади. Бодом қори Данак қоридан сал новчароғу, аммо оёқлари жуда-жуда ҳам калта, кўллари ундан калта. Узоқдан қарасангиз ҳам, яқиндан қарасангиз ҳам бари бир мис самоварнинг ўзгинаси дейсиз. Учинчисини, Ёнғок қори дейишади. Ўзиям худди пўсти арчилмаган ёнғокдек дум-думалок. Бунинг устига донм бошига саватдек салла ўраб юради. Бир қуви узоқдан кўриб қолиб, ишонасизми, бугдойзорда кўзикорини униб чиқибдими деб, югуриб бориб қарасам — қори поччам элгашиб ўтирган экан.

Мана шу учовларини чилёсинга таклиф қилиб келдик. Энг охирида Ёнғок қори поччамникига борган эдим. Қайтиб келсам Данак қори билан Бодом қори аллақачон етиб келишибди-ю, аммо кўча эшик олдида тил учида бир-бирига мулозамат қилиб туришган экан.

— Қани, марҳамат қилсинлар! — деди Данак қори кўли билан эшикни кўрсатиб.

— Йўк, йўк, ўзларидан бўлсин, — деди Бодом қори калта кўлини кўксига кўйиб.

— Йўг-е, пирим, марҳамат, бошласинлар!

— Ўзларидан бўлсин, таксир.

— Йўк, йўк, пирим...

Худди шу пайтда икковлари ҳам эшикка барабар яқинлашиб, бир вақтда ёнбош бўлишиб ичкари кирмоқчи бўлишган эди, қорилари катта эмасми, эшикка қисилиб қолишди.

— Қани, таксир! — деди биттаси.

— Йўк, ўзлари бир зўр берсинлар, — деди бошқаси. Назаримда иккови тенгдан интилаган бўлса керак, эшикнинг нариги тавакаси шарақлаб очилиб кетди-ю, ичкарига қараб муникиб кетишди.

Ховлига кирсак, Ёнғок қори поччам аллақачон уйда ўтирибди. Тавба, бу ўнгимми ё тушимми деб ёкамни ушладим. У ахир хозиргина уйда эди-ку! Еки қанот боғлаб осмондан учиб келдимикини, ё далама-дала гўзаларнинг ичидан югуриб келдимикини?..

Еш минутдан кейин чилёсин деганлар ҳам бошланиб кетди. Қозонга янги сўйилган кўйининг гўшtidан тўлдириб шўрва солишди. Мен кўл-оёғи чакқон бола эмасманми,

югуриб-елиб чой-пой ташиб хизмат қилиб турибман. Қори поччамлар чўкка тушиб ким ўзарга бош силкитишяпти. Данак қори амаким менга ўхшаб қайнатма шўрвани яхши кўрса керак, нега десангиз, икки кўзи ховлидаги ўчоқда: қозонга картошка тушадими, пиш с тушадими, ҳаммасини кўриб, кузатиб турибди. Бир маҳал бўйинини чўзиб:

— Келсин, иккитагина гармдори ҳам ташлаворинг! — деб илтимос қилиб қолса бўладими.

Ёнғоқ қори поччам дадамдан жуда кўрқар экан. Нега десангиз, дадам уйга кирди дегунча, овозини баланд чиқариб кироат билан ўқийди. Чикиб кетса, яна овози ичига тушиб кетади-ю, фақат «бай-бай-бай» дегандек бошини силкитиб ўтираверади.

Пешинга бориб, ҳаммаси тамом бўлди. Дадам учовларига ҳам пул, олтиладан чала кўпти патир, газетага ўралган гўшт улашди. Ёнғоқ қори поччам кўча эшикка борганда:

— Иншоолло, қизингиз шу соатдан эътиборан чопкиллаб кетади! — деб қўйди.

— Илоё айтганингиз келсин, таксир! — деди дадам қўлини кўксига қўйиб.

V боб

ЛАЙЛАТУЛҚАДР

Аmmo, Ёнғоқ қори поччамнинг айтгани бўлмади. Хали пичирлашиб бир нарсаларни ўқиганда бутунлай бошиқа нарсалар тўғрисида гаплашиб ўтиришган эканми ёки қори поччамлардан Дононинг қоринга назар солган сарик Дев мутлақо кўркмас эканми, ишқилиб, Доно тузалмади. Қайтага баттар бўлиб кетди. Биз Ойша икковимиз ҳозир сарик Дев қори поччамлардан кўркиб шаталок отиб қочиб қолади деб ўйловдик, бунақа бўлмаганини кўриб, икковимиз ҳам хайрон бўлиб қолдик. Бундай қарасам, ойим билан дадам ҳам хайрон бўлиб, бир-бирларига тикилишиб ўтирибди.

— Дадажон, дадажон-ей! — деб бакириб юборди Доно қоринини чангаллаб.

Дадам сакраб ўридан туриб кетди.

— Яна қайқа отланиб қолдинг шу пайтда? — ташвишланиб сўради буюжоним.

— Доктор олиб келаман.

— Қўйсанг-чи, болам бечорани олиб кетиб қолади.

— Олиб кетса яна яхши,— дадам шошилдиб бориб мотоциклни кўчага олиб чиқа бошлади,— бечоранинг шунча кийналгани ҳам етар. Сизнинг гапингизга кирмай, доктор олиб келганимда аллақачон тузалиб қолармиди...

Чилёсини дегани, ростини айтсам, бувижонимдан чиқди. У кишининг одати ўзи шунақа. Доим қори почча, чилёсин, лайлатулқадр дегани-деган. Бувижонимнинг гапига кириб, хув бирда ҳам бутун кишлокка гап бўлишимизга сал қолувди.

Бувижоним рўза тутарди. Мени рўза тутмасанг ҳам сахарликда туриб менинг ёнимда ўтирсанг ўрнига ўта-вереди деб, бундай бир мириқиб ухлашга ҳам қўймасди, хар қуш уйғотарди.

Бир кун бизникига Бувотин хола, Орифнинг ойиси Обида келинойим, фарзанд кўрмагани учун эри билан доим қўйди-чиқди бўлиб юрадиган Хожархон опам ҳам-малари тўпланишиб бир нарсалар хақида роса гаплашишди. Кейин билсам, ўша кечаси лайлатулқадр ўтиши керак экан, пойламоқчи бўлиб тўпланишибди.

— Вой ўлай, қанақа рағда кўринадидедингиз? — деб сўради Хожархон опа.

— Одам бўлиб ҳам кўринадилар,— тушунтирди бувижоним,— ўт бўлиб ўзларини ўчоққа ҳам урадилар... Ниманики тиласангиз, ўшани дарров мухайё қиладилар, айланай! Лайлатулқадрни кўрган пайтингизда ниманики ушласангиз ўша сарик тиллога айланади, айланай...

Бувижонимнинг айтишича, ўтган йили қайси бир кишлокда қайси бир жувоп кечаси лайлатулқадрни кўриб, фарзанд сўраган экан, тўққиз ою тўққиз кун деганда кўчқордек ўғил туғиб олибди. Буни эшитиб Хожархон опам худди ўша болани ўзи тукқандек севиниб кетди.

Сахарликдан кейин ҳеч биримиз ухламадик. Биримиз кўчада, биримиз ховлида, ҳаммамизнинг кўзимиз осмонга тикилган — поstda турган соққидек хушёр турибмиз. Бир маҳал кўчада аллақандай шарпа эшитилиб қолди-ку! Хожархон опам ўнги-терсига қарамай, югуриб бориб ўша шарпани қучоқлаб олди.

— Қўйворинг мени! — деди шарпа кўрқиб.

— Айланай, Лайлатулқадрбувам! — йнглагудек бўлиб деди Хожархон опам,— бириччи бўлиб сизни мен кўрдим.

— Қанақа лайлатулқадр?.. Мен Абдуқодир бўламан.

— Айланай овозингиздан. Тилагим шуки...

— Қўйворинг мени, уят бўлади!

— Қўйвормайман, бирдан-бир илтимосим...

Худди шу пайтда Обида келинбойим ҳаллослаб келиб, халиғи одамнинг этагидан маҳкам ушлаб олди.

— Олинг, қўлингизни! — деди Хожар опам аччиғи чиқиб, — биринчи бўлиб мен кўрганман.

— Вой кўшини, икковимиз тенг кўрдик-ку. — Обида келинбойим ҳам кизишиб кетди.

— Қўйворинглар, — деди бегона одам силкиниб, — мен ҳеч қандай лайлатулжадр эмасман. Бекободлик Абдукодир бўламан. Фермадан келянман, тушунсангизлар-чи, фермадан! Молларга ханақ солиб келянман.

Шундай деб, Абдукодир ака бир силкиниб аёлларнинг қўлидан чиқди-да, йўлтўсар хотинларга учрадим деб кўржиб кетган экан шекилли, қўяларидан эсон-омон чиқиб олганига шукр қилиб қочиб қолди. Қўйлагининг этағи Обида келинбойимнинг қўлида қолибди...

Ховлига кирсам, бувижоним катта толини маҳкам қучоклаганича кимир этмай қотиб қолибди.

— Бувижон, толимиз сариқ тиллога айланяптими? — деб сўрадим.

— Ишини қил, тирмизак, — уришиб берди бувижоним.

Эртасига бу ганини қўни-қўшинлар эшитиб, бизнинг устимиздан роса қулинибди. Иазаримда, бувижонимнинг ганига кириб бугун ҳам алданганга ўхшаймиз, бўлмаса, нега энди сариқ Дев халиғача Донони қўйиб юбормай қоринини чапгаллаб, жонини қийнайди? Ростдан ҳам гумнинг олдида девлар яшармикчи-а? Кечаси-ку, ўт қалаб ўйинга тушишар экан, қулдузи каскка кетишарди? Чапгалзорнинг ичига беркиниб олишармикчи-а...

Ўй-хаёлларга берилиб, ховлига дадам билан кетмакет доктор кириб келганини ҳам пайкамай қолибман. Доктор дарди оғирлигидан қора терга ботиб хунидан озай деб ётган Донони шўшилиб у ёқ-бу ёғини кўрди-да, бошини кескин кўтарди:

— Кўрвичак бўйти!

— Нима қил дейсиз? — Шўшилиб сўради дадам.

— Қани, машинага олиб чиқдик.

Биринчи бўлиб бувижоним йиғлаб юборди. Кетидан ойим билан Ойша ҳам жўр бўлишди. Бемехр деб номини ёмонга чиқариб қўйинларидан кўржиб, мен ҳам йиғлашга шунича уринсам ҳам кўзимга ёш келмаса бўладими?

«Тез ёрдам» машинасида район марказига - Яйванга жўнадик. Дононинг ўнг томонида доктор, чап томонида дадам, оёқ томонида мен ўтириб олганман. Машина

кушдек учиб боряпти-ю, мен бўлсам негадир нукул сарик Дев хакида ўйлайман...

Кўричакни операция қиладиган орикқина доктор касалхонанинг буфетнда овқат еб ўтирган экан. Чап кўлида стаканда буги кўтарилиб турган чой, ўнг кўлида бир бурда нон ушлаганча югуриб чиқди-ю:

— Мен хозир...— деб яна буфетга кириб кетди.

Бир зум ўтар-ўтмас халат кийган эркак-аёл докторлар, ҳалиги мактабга комиссия келганда ўқитувчилар типирчилаб қолишадикун, ана шундай типирчилаб қолишди. Бувижонимга ўхшаб кўзойнак тақиб олган бир кампир дадам икковимизни орқасидан эргаштириб ҳар хил дориларнинг хиди аниқиб турган бир хонага олиб кирди-да:

— Шу ерда ўтириб туришлар,— деб тайинлади.

— Қалай, кизалоқнинг аҳволи яхшими? — ташвишланиб сўради дадам.

— Операцияга олиб киришди.

— Операция?! — дадам бенхтиёр ўрнидан туриб кетди. Мен ҳам кўркқанимдан ўтиргандан ўтириб қолдим... Бордию йўқ.. Пўқ.. Ундай бўлмайди, соппа-соғ чиқади, албатта, соғ чиқади!

Доно-ей, сингилганим-ей! Мен бўлсам доим сени хафа қиламан-а, иш буюраман-а. Бундан кейин сенга ҳечам иш буюрмайман, ҳаммасини ўзим бажараман, Хошимжон бажаради...

— Йиғлама,— деди дадам менга ўгирилиб,— кўз ёшларингни эртиб ол. Эркак киши йиғламаслиги керак.

Дадам диванга чўкиб, болишига суянганча жим ўтирибди, бир нарсалар хакида ўйлаётганга ўхшайди. Аммо ишма тўғридалигини билмайман. Мен бўлсам операция столида кийналаётган сингилмининг аҳволини кўз олдимга келтиришдан қўриқиб жўрттага Данақ қори, Бодом қори, Енгок қори поччамлар тўғрисида ўйлаб кетдим... Демак, сарик Девни хайдаймиз деб ёлғон ганиришган экан-да, дадамнинг машина оламан деб йиғиб юрган пулига чапг солгилари келиб қолти-да! Миробиддинхўжа-чи, Миробиддинхўжа! Тишимнинг ковагида асраб юрган пулимни олиб бориб берибман-а. «Қайтиб олмайсанми?» дейди-я тағни... Ҳаммалари ҳам шонимай туришини хап, қайнатма шўрвага гармдори солиб ичинини кўрсатиб кўймасамми уларга!

Эшик очилиб йўл-йўлакай кўлидаги қапрон кўлқопини ечиб орик доктор кириб келди. Пеншонасидан, юзларидан

тер куйиляпти, жуда чарчаган кўринадн, маст одамдек гандиракляб-гандиракляб кетяпти.

— Қалай, тузукми? — шошилиб сўради дадам.

Доктор хиёл кулимсенраб, яхши дегандек, бошини сил-китди-да:

— Беш минут кечикканингизда... кизчадан ажралиб колардингиз,— деди дадамга карамай. Кейин оипоқ со-чик билан юзларини артаётди,— нега дард тутган захоти олиб келмадингиз? — деб сўради. Дадам ўзи жуда кам гапиради. Баъзи пайтларда гапириниға ган тонолмай кун бўйи гингиллаб ашула айтиб юраверади.

Қарасам, шу пайтда ҳам дадам хали-вери жавоб бера-диганга ўхшамайди.

— Биз уни чилёсини килдирдик! — деб тушунтирдим докторга.

— Чилёсин? Қанақа чилёсин? — кизикиб колди доктор амаки. Кизикиб колгани учун мен ҳам сая тушунадиган-рок қилиб гапирдим.

— Қори поччаларни тўйлаб вечеркилдик.

Доктор амаки, назаримда, яна хеч нарса тушунмади. Елкасини киеиб меиға бондан-оёқ разм солди-да, «бу-наканги жойга ёш болаларни олиб келиш ярамайди», деб таибех берди дадамга.

— Қизалок тузукми ўзи? — деб сўради яна дадам.

— Бирор соатлардан кейин кириб кўришларинг мум-кин,— шундай деб доктор амаки чикиб кетди. Айтгани-дек, роппа-роса бир соат ўтган, дадам икковимизга оқ халат бериб, кўриниға рухсат этиди. Кирсак, Дово ои-поқ чойшабларга ўралиб мушук боладек беозоргина ии-шиллаб ухлаб ётибди. Уйғотгани кўзимиз киймай, оёқ учнда юриб ташкари чиқдик.

— Юр элди,— деди дадам мени кўчага бошлаб,— синглинг уйғонгунча кишлокқа бориб келамиз, ойинг билан бувижонингнинг кўнелини тиичитмасак, нақ юрак ўйноги бўлиб коливади-я.

Уша кунн уйда бувижоним билан ойимнинг йўқлиги-дан фойдаланиб, Сехрли калпоқчамни беркитиб кўйган жойга бориб эски-туски латталар орасидан уни яна топиб олдим.

— Қалпоқчам! — кичкириб юбордим севишганимдан..

— Хошимжон! — деди калпоқчам ҳам кувончини ичи-га сиғдиролмай.

— Мен сени согиниб колдим, дўстим!

Мен ҳам качош келасан деб кутиб ётгандим, ази-зим.

САРИК ДЕВНИ МИНИБ ОЛДИМ

Шундай қилиб, Донохонга хамла қилган сарик Дев билан олишсам майлими? — сўрайман калпоқчам дан.

— Олиш, албатта, олиш.

— Ердам берасанми?

— Берганда кандок.

— Хўш, сенингча ишни нимадан бошласам экан?

— Кўзларинг юмилиб кетяпти, хозирча тўйиб ухлаб ол,— маслаҳат берди доно калпоқчам,— эртага бир гап бўлар.

Чиндан ҳам уйқум келиб қолган экан, бошимни ёстикка қўйишим билан пишиллаб ухлаб қолибман. Тонг саҳарда, хали хаммаёқда хўрозлар басма-басга қичқириваётган бир пайда бувижоним турткилаб уйғота бошладди.

— Турсанг-чи, кўзинг очигу ўзингни ухлаганга соласан-а.

— Хали эрта-ку, бувижон,— дейман кўзимни очгим келмай.

— Намоз ўқиймиз, тур, болам.

— Кеча ўқидик-ку, тагин ўқиймизми?

— Хар кун ўқилади Тур деяпман.

— Бувижон,— дедим сизни кўрпамни устимга тортиб,— бугундан бошлаб намоз ўқимайман.

— Нега энди ўқимас экансан?

— Намоз ўқиганлар... дўзахда куяр эмиш...

— Бу гап қайси пайгамбардан чиқди? — аччиғи чиқиб сўради бувижоним.

— Хошим деган пайгамбардан чиқди.

— Нима, нима! Яна бир гапир!

Иўк, бувижоним билан хазиллашиб бўлмайди. Ойим бўлса бошқа гап, жаҳли чиққани билан урмоқчидек бир хамла қилади-ю, бари бир урмайди. Аммо бувижоним.. бу киши келганларидан бўён кулоқларим чўзилавериб хар биттаси нақ сурадай бўлиб кетди-я.

Сакраб ўрнимдан туриб ювиндим, намоз ўқидик. Кейин каймоқ билан чой ичдик. Нонушта тугагач, дадам ўз ишига, бувижоним билан ойим Донохоннинг ҳолидан хабар олгани Яйпанга жўнаб кетишди. Мен бўлсам, оёқни қўлга олиб, Зокирвўйшиқига югурдим.

Лекин борганим ҳам кўп яхши бўлган экан-да, нега десакигиз, бечора дўстим бир ўзи беда ўргиси келмай, эрталабки салкинда жиндак мизғиб олсамми, деб ўйлашиб турган экан. Менга кўзи тушиши билан ўзида йўк сезишиб кетди.

— Мен бўлсам, келмайсан деб турувдим,— деди у нима дейишини билмай.

— Кеча келардим-у, Доно касал бўлиб қолди-да.

— Айтгандек, Донога нима бўлди ўзи?

— Дев ҳамла қилибди унга!

— Дев! Қанақа Дев?!— Қўрканидан сапчиб ўрнидан туриб кетди дўстим.

Кеча уйимизга фолбин хола, Данақ қорн, Бодом қорн, Енгоқ қорн поччамлар келиб ўша Девни қувнишга кўн ҳаракат қилганларини, аммо ҳеч бир натижа чиқаролмай да дамдан пул олиб кетганларини гапириб бердим.

— Мен бугун у билан жанг қилмоқчиман,— дедим гапимни тугатиб.

— Ким билан?— шошилиб сўради Зокир.

— Ўша сариқ Дев билан-да, ким билан бўларди.

Зокир ўзи кўрқоқ бола эмасми, Девнинг номини эшитгандаёқ ранги оқиб оқариб кетган эди. У билан олишмоқчи бўлганимни эшитиб, ишонасизми, оғзини очганча анграйиб қолди. Кейин ишга тушиб бедани ўриб бўлганимизча ҳам бу ҳақда бир оғиз гап очмади. Жўрттага гапни нуқул бошқа ёққа буради деди. Агар биз иккимиз доим бирга бўлсак, ҳар қандай мушқул ишнинг ҳам кўз юмиб-очгунча бажариб ташлар эмишимиз, дарелардан ҳам нуқул беш олармишимиз, энг безор болалардан ҳам зигирча кўркмас эмишимиз.

Мен мавридан келди деб ўйладиму Зокирнинг ҳам кечаси мен билан бирга борасан, Девга қарини жанг қиламиз, деб таклиф қилдим. Зокир бош чайқаб:

— Мен кечаси китоб ўқишмоқчиман,— деб кўнмади.

Менинг галати бир одатим бор. Бировга айтмайман, деб сўз берсангиз сизга ҳам айтиб беришим мумкин... Агар битта-яримта одамнинг гапимга кўндиролмасам, дарров уни макташга тушиб кетаман. Мактайвериб, энг қайсар одамнинг ҳам бир зум ўтар-ўтмас ёғдек эритиб юбораман. Шу пайтда, ўзига сездирмасдан, Зокирвойнинг ҳам мактаб юбордим-ку. Ботирларининг энг пахлавонини, пахлавонларининг энг ботири сен, дедим. Бора-бора ўзини бу гапга ишонтирдим ҳам.

— Билаганигдаги кучини қара,— дедим гапимнинг охирида,— тўртта дев билан ҳам бемалол олишсанг бўлаверди.

Зокир саз юмшагандек бўлди.

— Шундай қилиб, сарик Дев билан олиш дейсанми?— билакларига кўз ташлаб сўради у.

— Нега энди сен олишар экансан. Менинг ўзим олишаман. Фақат сувсаб қолганимда сув бериб турсанг бўлди.

— Қўлни бер!— Зокир пахлавоилардек оёқларини кериб ўрнидан турди-ю, нимадир эсига тушиб кетди шекилли, шошилиб сўради:— Бордию Дев мени осмонга олиб чиқиб кетса нима қиламан?

— Қўркма, олиб чиқиб кетмайди. Бордию кўрксанг аркон олиб бориб мен сени тутга мақкам боғлаб қўйишим ҳам мумкин.

— Тўғри айтасан. Яхшиси, бойлаб кўя қол мени,— маслахатга қўнди Зокир,— тагин Дев кўтариб кетса ойим ахтариб юрмасин.

Зокир билан гапин бир жойга қўйиб, ташқарига чиқдим у кадамим сустлашаётганини сезиб қолдим. Бундок ўйлаб қарасам, хазил-хазил билан катта ишни бошлаб юборибман. Ахир Дев Орифнинг кучуги эмаски, бикинига пойлаб туриб битта тепсанг вашиллаб қочиб қолса. Эртақларда айтилишича, девлар жуда кучли, жуда мақкор бўлишади. Бунинг устига уларнинг сеҳргарликдан ҳам хабари бор. Шундай бўлгандан кейин мен ҳам тузукрок тайёргарлик кўришим, иложи бўлса, уни гафлатда босишим, ҳеч бўлмаганда майдонга ўт қалаб ўйинга тушаётган пайтида хужум қилиб қолишим керак.

Тўппа-тўғри Сора холаминикига йўл олдим. Аввал Миробиддинхўжани топиб кечаги пулимни қайтариб оламан. Нега десаңгиз, ойна кинна солгани билан, бари бир Доно тузалмалди. Тузалмагандан кейин бировнинг пулини чўзиб қўйсин-да... Ундан кейин Сора холамдан сарик Дев ҳақида сўраб ҳаммасини билиб оламан. Ахир сарик Дев ҳақида кеча биринчи бўлиб фолбин холам ган очган эди-да.

Миробиддинхўжа уйларида кўринмайди. Сора холам гир-гир шабада эсиб турган айвонда атлас кўрпачаларининг устида маза қилиб дам олиб ётибди, ҳар замонда қўлидаги бир даста райхон билан хира пашшаларни хайдаб кўяди.

— Ассалому алайкум, холажон!— дедим келганимни сезириш учун.

— Мулла бўлинг, мулла бўлинг,— деб фолбин холам аста ўрнидан туриб ўтирди,— кел, ўғлим, кел.

— Миробиддинхўжа бўлса ўйнаймиз деб келувдим.

— Ўртоғинг далага қовунга кетувди-я. Хабаринг йўқми, бугун қолхоз қовун узибди... Доно тузукми?

— Тузук. Кеча операция қилинди. Доктор яхшиямки кишига солдирганларнинг, бўлмаса ўлиб қолар экан, деди. Шундай дейишим билан негадир, Сора холам қулиб юборди. Оёғига кўнган навишани райхон билан бир уриб:

— Оббо ўғлим-эй, шундай дедими-а?— деб сўради.

— Ха, шундай деди.

— Бундан кейин ёлгон гапирмагани, ўғлим, хўйми?

— Хўй бўлади, холажон.— дедиму ёлгон гапирганимни сезиб қолгани учун бу ёғини сал тўғрилаб гашира бошладим.— Ундан кейин, бувижоним, гумнинг олдига борманглар, у ерда Девлар макон қурган, зиён етказди деянтилар... Ростдан ҳам ўша ерда Дев борми, холажон?

— Мана энди ўзингга келдинг, болам,— Сора хола кўлидаги райхондан бир шинча узатди.— ма, некаб-некаб ўтир, макон қурган. Бемахалда у ёқларга бора кўрмагани.

— Кечасию кундузи бўладими-а?

— Йўқ, кўнрок кечаси бўлишади.

— Кундуз-чи, кундузи қаскка кетишади?

— Кундузи Кўхикофга учиб кетишади, болам.

Кейин Сора холам, мен яхши бола бўлганим учун, бошқа нарсалар хақида ҳам гапириб берди. Девлар тох қанот чиқариб қундек учар экан, тох шамол бўлиб тувиллар экан, тох сув бўлиб шалдирар экан, тоҳо одамга ўхшаб ҳам кўришиб қолар эмиш... Бир кун Сора холам нариги кишлоқдан келаяётган экан, йўлда Миробидишхўжага ўхшаган бир бола йиғлаб ўтирган эмиш, нега йиғлайсан деса — баттар йиғлармиш. Юр, уйга олиб кетай деса, юролмаймаи дермиш. Шунда Сора холам раҳми келиб орқасига оинчиб олган экан, аввал қундек енгил туюлибди, кейин тегирман тошдек оғир бўлиб кетибди. Сора холам тер босиб:

— Ке, ўғлим, энди бирпас ниёда юргин!— деб бундоқ елкаси оша назар ташласа, орқасида бир қон тезак турган эмиш.

— Хола, сиз қўрқиб кетмадингизми?— деб сўрадим.

— Қўрқмадим, қўрқсам зарар етказарди,— деб тушунтирди Сора холам.

Юрагимга ваҳима тушиб қолди. Қизик, ваҳима кучайган сари Дев билан бўладиган олишувга бўлган кизиклишим ҳам ошаверди. Охири омоненз жанг қилишга қарор қилдим. «Майли, бувижоним намозлик ўргатаман деб пақ жонимни хиқилоғимга келтириб қўйди. Қулоғимдан чўзавериш безор қилди. Ҳасам, қайта шулардан бир йўла қутуламан. Бордию уни ўлдирсам яна инхратим чиқади, обрўйим ошади, яна мулла Хошим бўлиб кетаман...»

Қун ботарга бориб ҳаммаси тайёр бўлди. Зокирникига бориб, ойнадан «Зокиржон кечаси бизникида ётсин, китоб ўқиймиз», деб рухсат олди. Бизникига келиб бувижонимни «Зокирларникида ётиб икковимиз намозлик ўрганмоқчимиз», деб кўндирдик-да, жанг бўладиган жойга қараб йўл олди.

Гум деганимизни сизга тушунтириб берсам, у уйимиздан ярим километр нарида. Паст томони пахтазор, тоғ томони одам ўтиб бўлмайдиган чаңгалзор. Ана шу чаңгалзорлар орасидан ёйилиб катта анҳор оқиб чиқади-да, пахтазорга етай деганда уч метр баландликдан пастга шалдираб тушади — мана шу ерни гум деб атаймиз.

Қоронги тушини билан ўша жойга етиб олди. Дарҳол у ёқ-бу ёққа кўз югуртириб жанг бўладиган жойини ўзимча чамалаб ҳам кўйдим.

— Шерик, хо шерик, — деб мени турта бошлади Зокиржон, — мен... мен... қалтираб кетяман.

— Совқотдингми?

— Пўк, совқотмадим.

— Нега қалтирайсан бўлмаса?

— Юр, кета қолайлик. Жангини эртага қилармиз.

— Ўлардек қўрқоксан-да.

— Ким қўрқок?

— Сен-да, ким бўларди.

— Мен-а!

— Ха, сен.

— Бўпти, — деди Зокир аччиги чиқиб, — қани ўша Девнинг келсин-чи, яқкама-яқка олишмасамми!

Шундай деб, Зокир жим бўлди. Икковимиз харсанг тошининг панасига ёйболашиб олганмиз. Бу ердан қишлоқдаги уйларнинг чироқлари бемалол кўришиб туради. Шамол кувлоғимизга одамларнинг бақириб-чақирганини, сутга тўймай қолган бузоқчаларнинг эркаланиб маъраган овозини келтириб уради, бугун клубда кино бўлаётган бўлса керак, кимдир «Олга!» деб бақиряпти.

Ой чиқиб, чаңгалларнинг учи йилтираб қолди, осмон хиралашиб атроф ёришгандек бўлди. Энди чаңгалзорни ҳам, пахтазор томонини ҳам бемалол кўрса бўлади.

— Бугунги воқеа ҳақида бировга оғиз очсанг, жонингдан умидингни узавер! — деб вичирладим Зокирга.

— Хўп, — деди Зокир ҳам, — ҳеч кимга айтмайман.

Шу пайтда сувнинг шалдираши бир оз пасайди-да, тўсатдан яна кучайиб кетди. Чаңгалзор орасида нимадир қичқирмоқчи бўлган хўроздек қанотларини ташиллатиб «хув-хув» деб кўйди. Кейин ҳаммаск яна сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди.

Бундай карасам, Зокир аллакачон ухлаб копти. Бечора га шу пайтда негадир жуда раҳмим келиб кетди, охиштагина бошини силаб қўйдим. Сўнгра ваъдамга биноан арқон келтирган эдим, ўшанинг бир учини дўстимнинг қорнига боғладим, иккинчи учини дев тугул алвасти ҳам ечолмайдиган қилиб тутга чақдиб ташладим. Совкотиб шамоллаб қолса ойнадан балога қолмай деб қўйлагимни ечиб устига ёпиб ҳам қўйдим...

Елғиз қолғач, қўлтиғимдаги қалпоқчамни чиқариб бошимга кияётган эдим:

— Нега қалтирайсан?— деб сўради қалпоқчам.

— Ростини айтсам, қўрқяпман.

— Қўркма. Қўрқоқлар ҳеч қачон муродига етолмайди.

Шу гап эсингдан чиқмасин,— қўнғлимни кўтарди қалпоқчам.

Кўзга кўринмайдиган бўлиб олғач, ханжар билан милтиқни олиб нарироқ кетдим... Кутяпман, кутяпман, вақт ярим кечадан ўтиб, уйқуларим келиб кетди ҳамки, аммо сариқ Девдан ҳамон дарак йўқ... Бир маҳал кўзим уйқуга кетай деб қолган экан, чапгалзор ичидан шатир-шутур овоз эшитилиб қолди. Сакраб ўрнимдан туриб кетдим... Ана, келяпти! Ўзининг дадил тут, Хоним. Синглинг Долохоннинг ўчини оладиган пайт келди! Ўнг қўлимда яланғоч ханжар, чап қўлимда ўқланган милтиқ, майдонда пахлавонлардек тик турибман. Дев менга қараб бостириб кела бошлади, ана, у яқин қолди: елкасида бир қон юк. Назаримда, чапгалзорда ўтириб олиб, 20—30 одамнинг гўштини еб, бошини қопга солиб кўтариб келаятганга ўхшайди. Оббо маккор-ей, афти ангорини бошлаб ўзгартириб, одамзод киёфасига кириб олибди-я, хоҳ кўрнинг, хоҳ кўрманг, Данак қори поччамнинг ўзгирбсен, дейсиз!

— Тўхта!— дедим бир одим олдинга ташлаб.

Дев тўхтаб, у ёк-бу ёкка назар ташлади-да, одамга ўхшаб:

— Астагфирулло!— деб қўйди. Кейин худди эски паровоздек пишиллаб мени томонга яна бостириб кела бошлади! Мени назаримда, кажави саватдек келадиган қорни билан босиб ўлдирмоқчига ўхшайди.

— Тўхта!— деб наъра тортиб юбордим пахлавонлардек.

Дев бўқларини кериб тўхтади-да, яна «астагфирулло!» деб қўйди. Кейин ичирлаб афсуи ўқий бошлади. Ха, мана энди жанг бошланади, энди қўрқоқлик қилишнинг пайти ўтди, қани, ояга, Ховнимбой!

— Қани айт, қиличбозлик қилишамизми милтиқда отишамизми ёки қураш тушамизми?

Дев ўзини муғамбирликка солиб аввал калтиради, сўнгра мени чалгитиш учун:

— Сен кимсан ўзи?— деб сўради,— инсу жинемисан ёки деву паримисан?

— Мен одамзодман.

— Одамзод? Одамзод бўлсанг нега кўзга кўринмайсан?

— Бу менинг ишим... Хўш, сенинг ўзинг кимсан? Сарик Девмисан ёки қора Девмисан? Айт?

— Мен Данак қори бўламан.

— Данак қори?! Нега бўлмаса чапгалзорда юрибсан? Нега бегуноҳ одамларнинг калласини кўтариб юрибсан?

— Қалла эмас, бу — қовун. Қовун олиб келяпман.

— Қайси мамлакатдан ўгирлаб келяпсан?

— Мамлакатдан эмас, ўзимизнинг бригададан. Қундузи борсам меҳнат қушингиз йўқ экан, деб бермади. Шунинг учун кечаси ўгирлаб келяпман... Астагфирулло, э худо, ўзинг асрагин.

Дунёда ўзи девдан айёри бўлмас экан. Мени гапга чалгитиб, хаёлимни ўгирлаб секин-аста таппа босишнинг пайидан бўляпти. Пўк, Хошимбой унақанги осонликча алданади-гаилардан эмас. Ялангоч пичокни шартта кўкрагига тираб:

— Пичокбозликми?— деб сўради.

— Пўк, йў-ў-ў-ўк, пичокдан кўркаман...

— Отишамизми бўлмаса?

— Асло, асло! Э одамзод, кўрkitма мени! — шундай деб, Дев елкасидаги қовунни ташлаб юборди. Демак, масала равшан. У мен билан қураш тушмоқчи. Фурсатни қўлда бермай, бир сакраб елкасига миниб олдим.

— Енгилганингни тан ол, бўлмаса чилларчин қиламан

— Енгилдим. Э одамзод, енгилдим.

— Бундан кейин одамзодга зиён-заҳмат етказмайман...

— Хошимжоннинг сиғилсин Доноҳонга назар солганим учун тавба қилдим де.

— Дам солганим учун мниг тавба қилдим.

— Бундан кейин «Коммунизм» колхозидан қовун ўгирламайман, деб сўз берасанми?

— Сўз бераман, қовун ўгирламайман,— деди Дев дағдағ калтираб. Энди нима қилсам экан, деб ўйлашиб қолдим. Эртақлардаги нахлавонлар Девлар билан олишиб, уларни енггач, ўзларига қул қилиб олишади. Тогдан ўтин ташиттиради, харсанглар келтириб, хашаматли уйлар солдиради. Томимиз тўла ўтин, уйимиз ҳали яп-янги. Шундай бўлса ҳам Девга осонликча жавоб бериб юборгим келмасди.

— Қани бир югур-чи!— дедим Девнинг жагига пичок-нинг дастаси билан уриб.

— Қайкка югураман?

— Қишлоқни бир саёхат қилиб келайлик.

Дев бир уф тортиб олди-да, лўкиллаганича югуриб кетди. Лекин ўзиям роса маза қилдим-да. Қасам ичиб айтаманки, умримда бунақанги роҳатижон бўлмаган. Мен сизга айтсам, велосипед миниб катайса қилгандан Девни миниб катайса қилган минг марта яхши экан. Оёғнинг ҳам чарчамайди, ўзинг ҳам терламайсан, қадами сал сусайса, бошига бир мушглаб қўйсанг, тамом — зипиллаб югуриб кетади.

Қишлоқни икки марта айланиб, Девни яна гумнинг олдига қайтариб келдим-да, қондаги қовуиларни елкасига ортиб:

— Қани, энди ўша Кўҳикофнингга қараб учиб қол!— дедим,— бундан кейин яна шу атрофларга келадиган бўлсанг жонингдан умидингни узавер!

Дев қушдек учиб кетди.

Шу пайтда Зокиржон эсимга тушди-ю, ростини айтсам, жуда ҳам кўркиб кетдим. Хали мен қани Дев билан олишаётганимда унинг болалари келиб Зокирни кўтариб Кўҳикофга олиб кетган бўлса-я! Югуриб бориб қарасам, йўқ, дўстгинам ўз жойида экан — оқшом қандай уйкуга кетган бўлса шундайлигича ухлаб ётибди. Қалноқчамни бошимдан олиб қўйнимга солдим-да, Зокирни турткилаб уйғота бошладим. Қани энди қимир этса, Дев бўғиб кетган бўлса-чи, деб ўйладиму шонилиб юраги урялган-урмаянганлигини билши учун қулогимни кўкрагига босдим. Хайрият, бўлмаган экан — юраги гушллаб ишлаб турибди. Юраги дук-дук, дик-дик деб бирам чиройли уряптики, эшитган сарниг эшитгинг келади. Бирнас эшитгай деб ётиб кўксига бошимни қўйганимча кўзим уйкуга кетганини ўзим ҳам сезмай қолибман.

Қимдир қулогимдан каттик чўзгандай бўлди. Кўзимни очсам, тепамада ойим, бувижоним, яна икки-уч аёл йиглаб туришибди. Зокирни ҳам турткилаб уйготинмоқда. Ойнен йиглаб белидаги арқонини ечини билан овора. Қуёш кўтарилиб пақ тепамизга келиб қолинти.

— Оқшом қасрда ётган эдиларинг?— даг-даг қалтираб сўради бувижоним.

Зокир менга қаради, мен унга қараб кўзимни қисдим-да:

— Зокирларинг томида,— деб жавоб бердим.

— Бу ерга қандай келиб қолдиларинг?

— Биламаймиз, — дедик Зокир иккимиз.

— Милтик билан пичок қайқдан келди?

Зокир иккимиз нима дейишимизни билмай бараварига елкамизни қисиб қўя қолдик. «Айтмадимми, буларни Дев кўтариб келган...» деди бувижоним ваҳимали овозда. Кейин Зокир икковимиз Девнинг қўлидан эсон-омон чиққанимиз учун бизга ҳурмату эъозлар билдиришиб уй-уйимизга олиб кетишди.

Ўша кунни хунук бир хабар эшитдим.

Данак қори поччам «кечаси гумнинг олдида менга Дев ҳамла қилди, тонг отгунча олишиб чиқдим...» деб гап тарқатибди.

Бунни эшитиб, пешонам терлаб кетди. Мен янглишиб, сариқ Дев ўрнига қори поччамни кечаси билан миниб чиққанга ўхшайман...

VII боб

ҚОРИ ПОЧЧАМ ПЕНСИЯ СЎРАЯПТИ

Уч-тўрт кунгача кўнглим гаш бўлиб юрди. Нимадаплигини, ўлай агар, ўзим ҳам билмайман. Шу денг, кўнглим гаш бўлган пайтларда қўлим ҳеч ншга бормай сал анковрок бўлиб қоламан.

— Ҳошим, сал машининг настрок кўринади,— деб сўради дадам ншга жўнаётиб.

— Нима дедингиз?

— Хафарок кўринмасан дейман.

— Билмасам.

— Е мен билан бирга борнинг келяптими?

— Қаякка, дада?

— Мен ишлаётган жойга-да.

— Жон деб бораман, раҳмат, дадажон!— Сакраб ўрнимдан туриб кўйлагимни кияётган эдим, гапимизни эшитиб ўтирган бувижоним:

— Рўзи! — деб дадамни чақириб қолди.

— Нима дейсан?— деди дадам мотоциклга минаятиб.

— Ўзинг кетавер, Ҳошимнинг иши бор.

— Дарров орқасига кайтариб юбораман,— дадам менга қараб кўзини қисиб қўйди. Югуриб бориб мотоциклнинг орқасига ўтириб олдим.

Жўнаб кетдик.

Токка қараб чиқиб боряпмизу, севишганимдан дадажонимни маҳкамроқ кучоклагим келади. Ўзи меннинг дадам ажойиб-да. Мотоциклни мана шунақанги учуриб хайдайди, универсал хайдаб пахта чопик қилишни ҳам жойига қўяди.

бульдозер миниб ерларни текислаб ҳам кетаверади. Ундан кейин машинага ўтириб олиб гишт десангиз гишт, шағал десангиз шағал ташиб ишингизни бирпасда битириб беради. Шунинг учун ҳам дадамни у ёк-бу ёкка таклиф қилишгани-қилишган. Пионер лагерни қурилайётган жойнинг директори Абдушукуров амаки чўлга бориб, атайлаб дадамни бу ёкка олиб келган. Ўзиям Абдушукуров амаки дадамнинг бошлиғи билан нақ икки соат тортишибди.

— Йўк, Рўзивойни беролмайман,— дебди дадамнинг бошлиғи.

— Нега энди беролмас экансиз? Юкоридан топширик олиб келганман,— депти Абдушукуров амаки.

— Чунки Рўзивойни биз универсал деймиз, универсал чўлга жуда ҳам зарур.

— Афсуски, беришга мажбурсиз,— деб икки бошлиқ каттик тортишиб қолишибди-ю, охири дадамнинг ўзидан сўрашга мажбур бўлишибди.

— Бошқа жойга бўлса бормасдим, албатта,— депти дадам,— аммо пионерлар лагерни қурилиши бўлгани учун йўқ дея олмайман... болаларни ҳам бир хурсанд қилайлик-да, ахир...

Шундан кейин Абдушукуров амаки дадамни ўзининг енгил машинасига ўтказиб, тўппа-тўғри лагерь қурилайётган жойга олиб келибди-да:

— Ишни бугун бошлаймизми ёки эртагани?— деб сўрабди.

— Пайсалга солиб ўтирамизми?— деб дадам енгларни шимариб ишга тушиб кетибди.

Хасёлларга берилиб, қишлоқдан чиқиб тоғ йўлига бурилганимизни ҳам билмай қолибман. Бир километр юрилгач, Узунқулоқ ота мазори келади. Бугун чоршанба бўлгани учун узок-яқиндан келган зиёратчиларнинг ҳаммаси ўша томонга қараб кетишяпти: бирови машинада, бирови дадам иккимизга ўхшаб мотоциклда, эшак минганлару пиёда кетаётганлар ҳам кўп.

Биз зиёратгоҳдан йиғирма метрча пастрокдан тўппа-тўғри қурилиш бўлаётган жойга қараб ўтиб кетдик. Дадам мотоциклнинг олдинги гилдирагини чинорга қадаб:

— Туш! — деб ўзи ҳам секин туша бошлади. Чинорнинг шундоққина ёнбошидан ҳайқириб катта сой оқяпти. Соининг ўнг томонидаги ялангликда гиштлар уюми, коп-коп цементлар, ёғоч билан тахта ер-кўкка сизмайди. Чап томонда эса скреперда адирларнинг паст-баландини текислашяпти.

— Дада, текислаб нима қилишяпти?— деб сўрадим кийинини алмаштираётган дадамдан.

— Бадантарбия майдончаси бўлармиш.
— Нарироқдаги чуқурча-чи, ертўла бўладими?
— Ертўлага бало борми. Болалар чўмиладиган цемент ховуз бўлади у ерда.

— Дада, ростдан ҳам пионерлар учун қуриляптими-а?
— Бўлмасам-чи.
— Факат аълочилар дам оладими?
— Бўлмасам-чи.
— Дада, мен-чи, бу йил факат «б» олиб ўқимокчиман.
— Қани энди қўлингдан келса... Сюз бўларди-я... Хошим, бирпас у ёк-бу ёқни томоша қилгину, дарров қайтиб кетгин. Бўлмаса буvingдан балога қоламиз.

— Хўп бўлади, дадажон.

Дадам коржомасини кийиб олгач, секин бориб ялап-ликда тупроқ оладиган чўмичини ерга тираганча дам олиб ётган бульдозернинг устига чиқиб, менга қараб қўлини бир силкитиб қўйди-да, ишга киришиб кетди. Чўмичига шағални тўлдириб олади-да, уни осмони фалакка кўтариб, аста-аста буриб, дўнганк орқасига тўқади. Кейин яна бошқатдан бошлайди. Берилиб томоша қилаётган эдим, оркамда кимдир хахолаб қулиб юборди — бир чўчиб тушдим. Бурилиб қарасам Абдушукуров амаки экан, икки қўлини биқинига қилиб турибди.

— Хой бола, нега муком қиласан?— сўради у.

— Қани муком қилганим?

— Гоҳ ўннга буриласан, гоҳ чапга буриласан.

— Мен бульдозерни томоша қиляпман, билдингизми?!— дедим аччигим чиқиб.

— Кимнинг ўғлисан?

— Рўзивой тракторчининг.

— Э, огайшим экансан-ку. Қани бери кел-чи, тегиримондан топиб олган ўғли сен бўласанми?

— Хечам-да, мени ойим туккан,— дедим баттар жаҳлим чиқиб.

Абдушукуров амаки билан бирпасда инок бўлиб кетдик. Қизикчи, дадамга ўхшаш оқ кўяғил экан. Ишимнинг ўнгидан келганини қарангки, мен ҳам унга жуда маъқул тушиб қолибман. Пионерларни жон-дилидан яхши кўраркан...

— Лагерни бу йил қуриб битирасизларми, қузги имти-хонни топишган болалар келиб дам олиб кетадими?— деб сўраган эдим:

— Бу йил битирардик-ку... Аммо Енгоқ қори поччанг ишимизнинг белига тепиб турибди-да, Хошимбой,— деб қўйди Абдушукуров амаки. Кейин ёнида ўтирган бегона бир

одам билан худди шу масала ҳақида гаплаша бошлади. Маълум бўлинича, пионер лагери Ўзункулоқ ота мазори жойлашган ерларни ҳам ўз ичига олиши, худди қабрининг ўрнига ёзги кинотеатр биноси тушиши керак экан. Ёнгоқ қори поччам бу гапни эшитиб, газабга келиб, авлиё-анбиёларга мурожаат қиламану, сизни тўппа-тўғри дўзахга жўнатиб, икки минг градус иссиқда қўйдириб таъзирингизни бераман депти. Кейин сал газабдан тушиб:

— Борди-ю, гапингизга кўйсам, менинг ҳам кичкинагина бир шартчам бор, бажарасизми?— деб сўрабди.

— Қанақа шарт?— хурсанд бўлиб сўрабди Абдушукуров амаки.

— Шартим шуки,— депти қори поччам томогини қириб,— менга давлатдан жиндаккина пенсия ундириб берасиз.

— А?! — депти Абдушукуров амаки ўрнидан туриб.

— Ҳа! — депти қори поччам ҳам ўрнидан туриб.

— Ахир, сиз ҳеч жойда ишламагансиз-ку?

— Ишлаганмиз... Пайғамбар йўлида азият чекканмиз.

— Бўлмаса пенсияни ўша пайғамбарингиз берсин сизга.

— Ҳали шундайми?

— Ҳа, шундай!

Ҳозир чиқор тагида ўтириб Абдушукуров амаки мана шу гапларнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай бегона одамга гапириб берди. Бегона одам қўлида ўйнаб ўтирган лаптак тошни сойга отиб:

— Менга қолса, ўша қабрга бугуноқ бульдозер қўйиб юбораман,— деб қўйди. Абдушукуров амаки:

— Ҳай-хай, шаштингиздан қайтинг. Бунақа ишда сабр-тоқат керак. Тушунмаган халқ галаёнга келиши мумкин... Яхшиен, шонмасдан тушунтириш керак...— деб уни фикрдан қайтарди.

Бу гапларни эшитиб, мен сизларга ёрдам беришим мумкин деб айтай ҳам дедиму, тагини ўйлашиб қолдим. Биласиз-ку, ёш болалар катта одамларнинг ишига аралашса, уларнинг аччиги келади ёки бўлмаса аввал бурининги артиб ол, кейин бир гап бўлар, деб устингиздан қуяилади. Шунинг учун ҳам ишдамай қўя қолдим.

Абдушукуров амаки билан бегона одам ўринларидан туришиб, ёғоч-тахталар уйилиб ётган томонга жўнашди. Қурилиш кетаётган жой билан зинратгоҳнинг ораси тахта девор орқали ажратиб қўйилган экан. Бир сакраб деворга чиқдим-да, нариги томонга ўтиб кетдим.

УРГАТИЛГАН ИЛОН

Зиёратгоҳ бугун зиёратгоҳ эмас, бамисоли катта сайил-нинг ўзгичаси бўлибди — одам демагани ҳеч жойга сирмайди: орик-семиз хотинлар, узун-киска кампирлар, мен тенги болалардан тортиб Доноҳон тенги қизларгача, дадамга ўхшаш эркаклардан тортиб Енғок қори поччамдек салла ўраган, икки бети кип-қизил чолларгача — ҳамма-ҳаммаси шу ерда. Булоқларнинг бўйида, катта толларнинг тагида, бўйи осмонга тенг чинорларнинг салқинида одамлар тўп-тўп бўлиб қозон қайнатишяпти. Ароқни чойнакка қўйиб яшириб ичаётганлар ҳам бор, пиво ичаётганлар ундан кўп. Ҳатто, биттаси бутилкадаги пивони шундоқлигича кўтариб оғзига қўлт-қўлт қўйди-да, лабини қафти билан артиб:

— Савобини Узунқулоқ отамга бағишладим, — деб бўшаган ишгани тўппа-тўғри сойга иргитиб юборди.

Катта чинордан сал нарироқда Узунқулоқ отанинг қабри бор. Қабрга тош зиналардан юриб чиқасиз. Зинанинг пастроғида Данак қори поччам, сал юқорироғида Бодом қори амаким, энг тепасида уч хонали тош уйнинг эшиги олдида бахмал кўрпачалар устида Енғок қори поччам чўкка тушиб олиб чилёсинда ўқигандек алланарсаларни ўқияпти. Одамлар пул бериб, хурсанд қилиб кетишяпти.

Зиёратгоҳнинг чеккароғида қичкинагина бозорча ҳам бор. Савдо-сотик авжида. Яна тағни қанақа савдо денг — нукул кўтарасига. Узуму, чала пишган қовун дейсизми, шафтолию қурт тушган олма дейсизми, ҳатто, ишонасизми, битта кампир халтачада гармдори ҳам пуллаб ўтирибди. Бир маҳал Орифга кўзим тушиб қолса бўладими! Бир халта қурутни олдига қўйиб:

— Кеп қолинг, мазали қурут, ёгли қурут! — деб булбулдек сайраб ётибди.

— Қурутни шўр-ку! — дедим биттасини оғзимга солиб. Ориф мени кўрди-ю, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ихтиёр ўзингизда, аммо бола бечора тарракдек қотиб қолди. Бир вақт ўзига келиб:

— Учингни олмақчимисан-а! — деб сўради менидан.

— Бўласам-чи! — дедим мен ҳам жўртгага жиддий туриб, мен энди сенга немисча фокус кўрсатаман.

— Мен... мен... ахир, ўзинг ўтган йили мениям қалтакловдинг-ку?

— Бўпти, кечирдим, — дедим қурутдан яна биттасини оғзимга солиб.

— Ростданми?

— Рост.

— Агар кечирсанг, биласанми... Мен бу йил ўзим ёмон ўқисам ҳам, сенга ёрдам бераман, сени аълочи қилмагунча қўймайман... Ол қурутдан... Мен буни ойшмдан яшириб томда қурутганман. Унча-мунча тупроғи бор-ку, лекин ўзи шприш... Кеп қолниг, мазали қурут, ёғли қурут! — деб яна сайраб кетди Ориф. — Биласанми, шерик?

— Йўқ, билмайман.

— Мен, мана шу қурутларини пулга кутубхонам учун янги китоблар сотиб олмоқчиман... Кеп қолниг, мазали қурут!

Нарирокка ўтсам, бозорчанинг шуидоккина чиқаверишида чордана қуриб ўзимизнинг Зокирвой ўтирибдилар. Олдига газета ёзиб, устига йиғирматача буррак-суррак, офтобда носқовоқдай сарғайиб кетган бодрингни териб қўйбди.

— Нима қилиб ўтирибсан? — деб сўрадим бодрингдан биттани олиб.

— Бодринг сотяпман, — хурсанд бўлиб деди Зокир. Кейин чўнтагини пайпаслаб қўшиб қўйди: — Биласанми, бу пулга мен нима оламан?

— Йўқ, билмайман.

— Милтиқ оламан.

— Милтиқни нима қиласан?

— Сен билан яна Дев овлашга чиқаман... Биласанми, ўша кундан буён мен анча ботир бўлиб қолдим. Илгари мазориниг олдидан ўтсам, кўзларимни чирт юниб, «бисмилло, бисмилло», деб ўтардим. Энди бўлса иккала кўзимни ҳам очиб ашула айтиб ўтянман, ҳеч нарсадан қўркмайман.

Икковимизнинг суҳбатимиз чала қолди. Нега десангиз, шу пайтда одамлар ўртасида шов-шув бўлиб «ишим чиқармишлар, ваъз айтар эмишлар...» деган гаплар тарқаб қолди. Ҳамма катта чинорнинг тагига тўплана бошлади. Зокир икковимиз ҳам ўша томонга қараб йўл олдик. Бориб етмаган ҳам эдикки, кимдир:

— Ана, чикяптилар! — деди йиғламсераб.

Бундай қарасак, қабриниг ёнидаги тош уйдан Ёнгок қори поччам чиқиб келяпти. Ўнг томонида Данак қори, чап томонида Бодом қори амаки. Учовини хам бошида ҳар биттаси лайлак уяча-лайлак уяча келадиган оқ салла, учовини хам эгинида этаги ерини супуриб келаётган малла чопон. Назаримда учови хам ҳозиргина ёғли палов еганга ўхшайди — лаб-лувижлари ялтираб турибди.

Ёнгок кори поччамнинг кўлида узунлиги икки метрча келадиган хасса. Оёқлари остига карамай негадир осмонга караганча битта-битта босиб зинадан тушиб келяпти. Шу пайтда менинг ёнгинамда турган битта болали хотин «пиримдан айланай!» деб пиқиллаб йинглаб юборса бўладими!

— Гуноҳкор бандалар! — калтирок овоз билан деди Ёнгок кори поччам, — сиз билан биз инсонпарвар ҳукуматимизнинг сояйи давлатида, хазрати Узунқулоқ пиримнинг химоятида, обло-таолонинг нозу неъматидан ризки-рўзимизни тергилаб еямиз... Илоё овмин, етимпарвар ҳам бевабечорага раҳмдил бўлган ҳукуматимиз яна ҳам барқарор бўлсин, хазрати райкому, хазрати неполкомнинг пахтаю жуи тайёрлаш плани икки юз пойиз бажарилсин!

— Овмин!! — деб Данак кори поччам кичкириб юборди. Одамлар ҳам:

— Овмин! — деб фотиҳа ўқинди.

Ёнгок кори поччам давом этади:

— Сўнгги пайтда шайтоннинг васвасасига учиб, рўза тутмай, намоз ўқимай гуноҳга ботаётганлар кўпайиб, юрт вазмин бўлиб қолди. Бундан уч-тўрт кун аввал Хошимжон, Зокиржон деган икки гуноҳсиз бўталокни инсу жинслар чапгалзорга бойлаб кетишди. Уша кечаси хазрати Данак корига сарик Дев ҳамла қилди...

— Вой худойим-ей! — деб йинглаб юборди менинг ёнимдаги болали хотин. Зокир бўлса мени секин туртиб, лабини галати қилиб буриб қўйди.

Ёнгок кори поччам осмонга караганча ганида давом этди:

— Юрт вазмин. Бу шиманинг оқибати? Азиз-авлиёлар йўлига хайру эҳсонини камайтириб юбордик — бу мана шунинг оқибати. Бедивларнинг дилига шайтон васваса солиб, шу кеча-қундузда хазрати Узунқулоқ пиримнинг қабрларини бузиб, ўрига лагерь қурмокчи бўлишяпти. Бундан худойи таоло каттик газабда, бундан пиримнинг арвоқлари ҳам безовта... Юртимизга офат ёғилди, аждарҳо пайдо бўлди...

— Ило!!! — бакириб юборди одамлардан бири.

Бундай карасам, чиндан ҳам Узунқулоқ отанинг қабри ёнидан узунлиги беш метр, йўғонлиги самовар қарнайча, қалласи қумгонча келадиган қон-қора илон буралиб-буралиб, вишиллаб чиқиб келяпти. Ҳаммаёқ олатасир бўлиб кетди. Биров додлаган, биров йинлаган, машинага чопган қайси, велосипед минган қайси, эшакнинг тўқимини ахтарган қайси — билиб бўлмайди. Биринчи бўлиб хў халиги бутилкадаги пивони паккос кўтариб савобини Узунқулоқ отага

багишладим, деган йиғит кочишга тушди. Мотоцикланга бир сакраб мииди-да, тепкисини босган эди, кани эди ўт олса! Мотоциклин колдириб, ўзи шаталок отганча токка қараб чиқиб кетди. Болалар чиқкириб йиғлаяпти. Бозорча ҳам айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Ковунлар думалаб юрибди, олмалар ҳар томонга сочилган. Қимдир қочаётиб, шўрва пишаётган қозонни билмасдан ағдариб юборган эди, бошқасининг оёғи куйиб колди. Зокирни ҳам йўқотиб қўйдим куш бўлиб осмонга учиб кетганга ўхшайди.

Данак қори поччам безгак тутгандек, даг-даг қалтираяпти. Бодом қори поччам қалтирамаяпти-ю, аммо мактабимиз ҳовлисидаги хайкалдек қотиб қолибди. Ёнгоқ қори поччам бўлса икки қўлини осмонга кўтариб:

— Э худо, бу офатни ўзинг юбординг, ўзинг даф қилгин! Э Ҳазрати Узунқулоқ пирим, қўллаб юборинг! — деб тинмай жавраяпти.

Қандай қилиб қалпоқчамни қўлимга олиб бошимга кийганимни ўзим ҳам билмай қолибман. Ушанда жуда шошиб қолган бўлсам керак, нега десангиз, узун таёк қўлимга қаёқдан келганини ҳатто ҳозир ҳам эслай олмайман... Бир сакраб қора илоннинг ёнида пайдо бўлдим. «Кеча Дев билан олишган эдим, бугун сен билан жанг қилишга тайёрман, эй инеу жине!» дедим-да, таёкнинг йўғон томони билан тош зинадан шиддат билан тушиб келаётган илоннинг бошига туширдим. Шошиб қолганим учуни, мўлжални жиндак потўғри олган эканман, таёк илоннинг бошига эмас, елкасига тегди. Оғрик зәрбидан газабга келган қора илон буралиб, ҳавода муаллақ юрган таёкни қувлашга тушиб колди-ку! Қочмай иложим қанча, колдим. Аммо қочганда ҳам сал қаллаши шилатиб қочдим. Илгичка чиёрни гир айланавердим-айланавердим. Бир маҳал илон чиёрга ўралиб қолгандек бўлиб кўринди. Шартта буриладим-да, ерда турган қатта тош билан қора махлуқининг қоқ белига туширдим. Ўзи илондан жони қаттиги бўлмаё экан, бели узилмай-узилмай деб колди-ю, шунда ҳам бошини ярим метр кўтариб, оғзини қанча-қанча очиб, мени қувлаб келяпти-я! Шу пайтда қабристон томондан цирклардаги қизикчиларга ўхшаб қуроқдан кўйлак-иштон кийган бир одам югуриб чиқди-да, қўлимдаги таёкка ташланиб колди. Бу ҳам инеу жине бўлса керак, деб ўйлаб таёк билан келтириб туриб бошига бир туширган эдим, икки қўли билан таёк теккан жойини чаңгаллаганча қандай тезлик билан чиққан бўлса, ана шундай тезлик билан ичкарига кириб кетди.

Бирини енгганим учуни, шу нафаеда чарчоғимни ҳам унутиб, ўзимни яна ҳам кучлироқ, яна ҳам чакқонроқ ҳис

килгандек бўлдим. Яқинлаб келаётган илоннинг бошига таёк билан уч марта кетма-кет туширдим. Илон шилк этиб ерга йиқилди-да тўлғана бошлади. Кейин югуриб бориб ўчок бошида турган болгани келтирдим-да, қийма-қийма қилиб ташладим.

Сувсаб кетган эканман, бориб сойдан ховучлаб сув ичаётган эдим, бир-бирига суянишиб хангу манг бўлиб турган қори поччамларга кўзим тушиб қолди.

— Астафкурулло, қутилмаган вокса бўлди-я!— деди Данак қори тилга кириб.

— Е. навизамбилло,— деб кўкрагига туфлаб кўйди Бодам қори амаким.

— Боринг, одамларни чақириб келинг,— деб буюрди Ёнғок қори поччам Данак қорига,— биз ичкарига кириб анави илжикли кўндирайлик энди, бўлмаса...

Сой бўйида ўтириб анчагина дам олдим, одамлар ташлаб қочиб кетган қозонлардан гўштларни олиб маза қилиб едим. Кейин, қани кўрай-чи, қори поччамлар нима қилиб ўтиришибди экан деб, уларнинг олдига кириб бордим.

Қирсам, Ёнғок қори поччам, Бодам қори амаким, ундан кейин ҳалиги мендан қалтак еб қочган қурок кўйлакли одам уювлари бир нарсалар тўғрисида гаплашиб ўтиришибди.

— Сиз, тақсир, илонни одамларга бир кўрсатасиз, деган эдингиз, шундайми?— сўради қурок кўйлакли Ёнғок қори поччамдан,— бунинг учун менга уч юз сўм ваъда қилган эдингиз.

— Ваъда қилинган пулни олдингиз-ку!

— Бунинг учун раҳмат... Лекин сиз меннинг илонимни ўлдириб кўйдингиз.

— Мен эмас, худойи таоло ўлдирди,— тушунтирди Ёнғок қори поччам.

— Мен бу илонни беш йилдан буён боқаятган эдим қўлга туширганимда икки қаричгина эди... Мен уни бугун-эрта циркка тошириб каттагина пул олмоқчи эдим, илонимнинг хуини тўлайсиз.

— Хуини тўлайсиз?

— Ҳа, тўлаб берасиз. Бўлмаса ҳозирок чиқиб одамларга ҳамма гапни айтаман...

Ёнғок қори поччам Бодам қори амакимга қаради. Бодам қори амаким тушунмадим, дегандек, елкасини қисиб кўйди.

— Хўш, ўша циркингиз қанча пул бермоқчи эди? қовоғини осилтириб сўради қори поччам.

— Уч миңг сўм.

— Юз сўм бераман.

— Йўқ. Илонимни топиб берасиз.

- Икки юз манот оласиз.
- Менга пул керак эмас.
- Яна юз сўм кўшдим, кўндингизми? — чўнтақларини пайнаслаб колди қори поччам.
- Икки мингдан бир сўм ҳам камига кўнмайман. Бу илонни деб мен беш йил азоб чекдим-а!
- Ортиқча бир сўм ҳам кўшолмайман.
- Бўлмаса ҳозир ташқарига чиқиб одамларга арз қиламан.
- Мен ҳам чиқаман-да, бу одамнинг гапига ишонманглар, бу шайтон, бизга офат келтирди, дейман. Ана унда сизни оломон қора қалтак қилиб ўлдиради, билдингизми? Қуроқ кўйлақли бир нафае ўйлаиб қолди. Назаримда қаттиқ қўрқиб кетди шеккили:
- Майли, таксир, минг сўм беринг бўлмаса, — деди шошилтиб.
- Менда ҳозир пул йўқ.
- Ана, беш юз сўмга кўндим, пулни тезроқ чиқаринг
- Менда пул йўқ деяман, қулоғингиз огирми?
- Қанча пулингиз бор бўлмаса?
- Сарик чакам ҳам йўқ. Ганини кўнайтирмасдан тезроқ жўнаб қолнинг. Бўлмаса сизни ҳозироқ шайтон деб эълон қиламан.
- Демак, илоннинг хушини тўламайсизми?
- Йўқ, тўламайман.
- Нисофингиз йўқ экан.
- Ганингизни қайтиб олинг, бўлмаса ҳозир чўнтагингиздаги пулни ҳам қайтариб оламан.
- Виждонсиз экансиз!
- Нима, нима?! — шундай деб Енгоқ қори поччам ўрнидан туриб кетди. Қаттиқ газаблангани шундоққина кўзлари дан биллиниб турарди. Қуроқ кўйлақли одам, қараса, қори поччамдан яхшилик чиқадиганга ўхшамайди. Ичида сўкинганча илон солиб келган сандикни елкасига олди-да тез-тез юриб чиқиб кетди. У чиқиб кетиши билан хонага шилдираб Данақ қори поччам кириб келди-да:
- Таксир, сизни ҳалойиқ қутяпти! — деб қўйди.
- Енгоқ қори поччам ташқарига чиқиб, хади нутқ сўзлаган жойига борди-ю, осмонга қараб шошмасдан гапира бошлади:
- Худонинг марҳамати улуг. Кўз олдингизда инеу жинсени даф қилди. Ана, унинг қиймаланган гавдаси, ерда ётибди Буларнинг ҳаммаси ҳазрати Узунқулоқ пиримнинг қўллаб-қувватлашлари туфайли бўлди. У кишининг покиза

руҳларини шод этмоқ учун назру ниёзни аямайлик, жоғлик сўйиб ис чиқарайлик...

Енгок қори поччам шундайлигича, яъни икки кўзини осмонга тикканча, битта-битта юриб тош уйга кириб кетди. Данак қори поччам тўннинг ўнгирига одамлардан пул йиғга бошлади...

Лекин пул демагани ҳам ёғилиб кетди-да! Ҳалиги бутил-када пиво ичган йиғит қори поччамнинг этагига битта ўн сўмликни ташлаб:

— Савобини Узунқулоқ отага бағишладим, — деб қўйди.

Бир соатлардан сўнг Зокир, Ориф уювчимиз кишлоққа қайтиб кетдик.

IX боб

ОВДА

Худди ўша соатдан бошлаб Енгок қори поччамнинг обрўлари шунақанги ошиб кетдики, шунақанги ошиб кетдики, асти қўяверасиз. Кўча-кўйдан эшак минибми ёки пиёда юрибми ўтиб қолгудек бўлса бувижонимга ўхшаш бир хил кампирлар то қори поччамнинг қораси ўчиб кетгунча эғилиб салом қилиб туради, денг. Бунинг устига «нима дейсан, Енгок қори тўппа-тўғри худога мурожаат қилиб, Узунқулоқ ота мазоридан пайдо бўлган аждаҳонни қиймалаб ташлаган эмиш.

— У кишининг ўзлари ярим авлиё-да!

— Кечирасиз, ярим авлиё эмас, тўланк авлиё!

— Ўша киши бўлмаганда Хошим билан Зокирнинг инсу жишлар тўппа-тўғри осмонга олиб чиқиб кетар эди.

— Кароматларидан айланай, қори поччамларнинг! Данак қорига сариқ Дев ҳамла қилганда дарров ёрдам қўлларини чўзибдилар...» — деган ҳар хил гаплар ҳам тарқаб қолди. Қори поччамнинг обрўлари мана шунақа ортаверган сари, очиниши айтиб қўя қолай, менинг аччигим чиқа бошлади. Гани қараи-а, кўркинчли илон билан олишиб, андак бўлмаса мен ўлиб кетаёзим, мактаннишга келганда қори поччам мактанар экан-да, ёлғончилик ҳам эми билан-да... Сариқ Дев деб янглишиб, Данак қори амакимни кечаси минган мен эдим-ку, нега энди ҳамма айбни Девга тўп-кашади?

Шундай қилиб десангиз, Енгок Қори поччамни бутунилай ёмон кўриб қолганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Қандай қилиб энди у кишини фоти қилсам экан, деб ўйлашиб юрган

қуиларимнинг бирида, яъни Донони касалхонадан олиб келган қушимизнинг эртасига, дадам, ойим, бувижоним учовлари дастурхон устида нима тўғрисидадир узок баҳслашиб ўтиришди. Мен томонга тез-тез кўз ташлаб қўйишларидан, ундай кейин бувижонимнинг икковларини жеркиб-жеркиб ташлаётганидан сездимки, гап менинг тўғримда боряпти.

— Ўқиши-чи, ўқиши? — сўради дадам.

— Ўқишининг бошланishiга ҳали икки ой бор, — тушунтирдди бувижоним, — унгача бориб-келиб хизматларини қилсин, дуоларини олсин. У кишининг дуоларини олган одам у дунёю бу дунё кам бўлмайди. Зора, худо кўнглига солиб, Хошимжонингнам қўйилиб, кечалари кочиб кетини одатини ташласа...

— Билганингизни қилинг! — деди охири дадам қўл силтаб.

— Ўзим ҳам тушунолмаي қолдим, — деди ойим икки-лашиб.

— Гап битта. Мен набирамини одам қилмоқчиман, шунинг учун бу ерга келганман, — деди бувижоним, кейин ойим билан дадамга жавоб бериб юборди-да, мени секин чакқириб пешонамдан, сочларимдан силаб, юзимдан икки марта ўйиб ҳам кўйди.

— Ўғлим, эсли-хушли бўлганингдан жуда хурсандман-да! — деб мактади охирида.

— Ўзим ҳам хурсандман, — дедим мен талтайиб.

— Ёнгоқ қори поччамга шогирдликка берсам бора-санми?

— Жон деб бораман, бувижон!

— Вой тилингдан айланай, болагинам, — хурсанд бўлиб кетди бувижоним. — Ҳой Рўзи, эшитявсанми, ўғлинг кўнди. Айтмадимми, худо кўнглига солади деб.

Бир соатдан сўнг қори поччамга атаб бир сават ёғли патир, битта авра чопон, оқ суридан яқтак-иштон олиб, бувижоним иккимиз йўлга тушдик. Шу пайтда негадир жуда хурсандман. Бошимда сават, гоҳ ўнг елкамин олдинга чиқариб, гоҳ чап елкамин олдинга чиқариб, баъзан муқомлар қилиб ўйнаб боряман... ўзиям хўп омади келган болам-да, қайси ишга ихтиёр қилмай, ўнгидан келгани-келган.

— Ассалому алайкум! — дедим остонадан ўтишимиз биланок.

— Ваалайкум... — деб қори поччам менга қарамади-ю, бошимдаги саватга тикилиб қулмеираб кўйди.

Бувижоним нима мақсадда келганимизни айтган эди, омадимнинг яна бир марта келганини қаранг, қори поччам савдоланиб ўтирмасдан:

— Баракалла, ўглим! — деб ўнг қўли билан сакамни силади.— Иншоолло, мулла Хошимни ўзим одам қиламан.

Ўша куни қори поччам менга уйга кириб чиқиб, ховлида ҳаракат қилиш қондаларини ўргатиб қўйди. Чақирса «лаббай, тахсир», иш буюрса «хўп бўлади, тахсир!» дейишим керак. Уйга кираётганимда ўнг қўлимни кўксимга қўйиб хиёл эгилиб, чиқаётганимда оркам билан юриб чиқишим керак экан. Ундан кейин бу ерда кўрган-билганларим, эшитганларим ҳақида бировга оғиз очсам, қорим ёрилиб ўлар эканман, шундай деб тайинлади қори поччам.

Шундай қилиб десангиз, шогирдмисан шогирд бўлиб қолдим: сочимни олдириб, бошимга оқ дўппи, эгимга итёка қўйлак кийгизиб қўйишган. Ўзим тенги болалар қори поччамга шогирд тушганимни эшитиб, хавастари келганиданми ёки алам қилганиданми, ишқилиб, менга ҳам «Жийда қори» деб лакаб қўйишган.

Қиладиган ишим, ростини айтсам, унча оғир эмас. Қори поччамга таҳорат учун сув келтириб бераман, кўк чой дамлаб бераман, дам солдиргани одамлар келса, ичкари кириб бу ҳақда қори поччамга хабар бераман. Бу кишининг она-бола эшаги ҳам бор. Ўшанга яширинча бориб, қолхознинг бедасидан ўриб келаман, эшакларнинг тагини тозалайман. Қори поччамнинг катта хотини Эшон ойим қошига ўсма қўйиб, пишиллаб ухладан бошқасига ярамайди. У киши уйқудан уйғонгуларича ўчоқнинг қулини оламан, ховли суңураман, идиш-товок юваман... Ундан кейин қўлим бўшади дегунча:

— Бўтам,— деб чақиради қори поччам.

— Лаббай, тахсир!

— Қани, белимни иккита сиқиб ташланг-чи! — деб буюради қори поччам. У кишини дарров тесқари ағдариб, аввал белини, кейин оёқларини, энг охирида қалта қўлларини роса эзгилаб укалайман. Қори поччам баъзан жуда хурсанд бўлиб кетиб: — Баракалло, бўталоғим,— деб қўяди,— сиз асли жаннати боласиз-да, жаннати!

— Жаннат яхшими-а? — деб сўрайман.

— О, нимасини айтасиз, бўтам!

— Икковимиз ўша ёкка кета қолсак бўлмайдимми-а?

— Нима?! — қори поччам шартта ўридан туриб кетади,— тавба қилдим де, шайтонбачча.

— Тавба қилдим, тахсир.

— Кел энди, қилган гуноҳнинг учун тиззамнинг пастини ҳам бир укалаб қўй.

Оёқларини бутун кучимни ишга солиб сиқиб-сиқиб яна укалашга тушиб кетаман.

— Каттик оғрияптимми-а? — дейман жим туролмай.

— Жудаям.

— Бировларга дам солгулча ўзингизга ҳам бир дам солиб олсангиз бўлмайдингиз?

— Сен шайтонбаччага минг марта айтдим-ку, гап сўрамагунча оғзингни очмагни деб. Мунча шаккок бўлмасанг.

Баъзан оғрик жуда ҳам зўрайиб кетади шекилли, қори поччам қўлимга ўн тийин бериб:

— Югур! — деб қолади. Бу — дорихонага бориб кел, дегани. Пулни аптекачига узатсам:

— Бунинг оз-ку? — деб сўрайди у.

— Қолганига қори поччам дуо қилиб қўяр экан. — дейман-да, дорини олиб қайтаётганда йўл-йўлакай «нега энди қори поччам ўз оёғи салгина оғриса ҳам дори ичадим-ю, бировларники оғриса дам солиб нишоолло, ҳеч нарса қўрмагандек бўлиб кетасиз», деб қўяр экан, дея ўйлашиб кетман. Ўйлайману, худди арифметикадан берилган машқни еча олмагандек, буни ҳам еча олмай, бор-с, менга нима, деб қўл силтаб қўя қоламан.

Бир кун қори поччам билан тоғ ичкариендаги олис-олис қишлоқларга овга борадиган бўлиб қолдик. Буни эшитиб, хайрият, уч-тўрт кун бел укалашдан қутулиб, у ёқ-бу ёқни томоша қилиб келар эканман, деб ўзимда йўқ севиниб кетдим. Дадамнинг кўнштигини кўтариб, ховлиқиб чиқиб кетаётган эдим, бувижоним:

— Милтиқни нима қиласан? — деб жерқиб берди.

— Биз қори поччам билан мурда овлагани кетяпмиз! — дедим аччигим чиқиб. Бувижоним қотиб-қотиб қулди-да:

— Мурда эмас, мурид дегин, болам, мурид, — деб тушунтирди. Кейин мурда билан муриднинг фарқини ҳам гапириб берди. Шошилиб турганим учун, бари бир, ҳеч нарса англамай, милтиқни ташлаб қори поччамникига қараб югурдим.

Йўлга чиқдик.

Қори поччам эшакда, мен эса эшакнинг тўқмидан маҳкам ушлаб у қишининг ёнида зиниллаб боряман. Хўтикча гоҳ орқада қолади, гоҳ югуриб, шаталок отиб, менинг хавасимни келтириб олдинга ўтиб кетади.

Йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик. Етти довошни ортда қолдириб қанча-қанча сойлардан кечиб, булоқлардан сув ичиб, арчазорларда ағанаб дам олиб, кун ботаётганда қишқинагина бир қишлоққа кириб бордик. Магазин олдига етганда қори поччам эшакдан тушаётган эди, магазинчи қўриб қолди-ю:

-- Пирим! -- деб бақириб юборди. Кейин прилавкадан бир сакраб ўтди-да, югуриб келиб аввал қори поччамнинг оёғидан ўнди, кейин қўришаётган қўлларини кўзига суртди.

— Зап таъриф буюрибсиз-да, такеир, зап келибсиз-да! — дерди у тинмай. Кейин билсам, мана шу магазинчи қори поччамнинг муриди экан — биз ўшани овлагани келган эканмиз. Бу кичкинагина қишлоқчада қори поччаннинг яна учта муриди бор экан. Эрталабгача учовини ҳам бошлаб овлаб чиқдик: бири қўй сўйди, бошқаси эчки сўйди, яна биттаси кийик гўшти солиб бошлаб коворма палов тайёрлади.

Эрталабки намоздан кейин қори поччам дами чиқиб кетиб касал бўлган кишиларга бисмилло дея енгларини шимариб дам солишга тушиб кетди. Ҳаммаларидан пул олдиқ, хуржунларининг кўзини тўлғизиб, гўшт, ёғ, ёнғоқ, писта олиб яна ҳайё-ҳув деб йўлга равона бўлдик.

Йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик. Ям-яшил ўтлоқлардан, қўю кўзилар ба-булашиб ўтлаб юрган кенг яйловлардан ўтдик, тепасига қарасанг дўннинг тушадиған баланд қояларни, усти ям-яшил арчалар билан қопланган паст-баланд адирларни ортда қолдириб, нешни маҳалида сой бўйига жойлашган яна бир қишлоқчага кириб бордик.

Пўк, бу қишлоқнинг қанчалиқ гўзал эканлигини сизга таърифлаб беролмайман. Биласиз-ку, сўзга жуда-жуда ҳам камбағалман. Қишлоқнинг паст томонидан тошдан-тошга урилиб, яйловдаги тойчоқдек ўйноқлаб катта сой оқади. Юқори томон эса паст-баланд адирлар. Адирларда гурқираб ям-яшил арчалар ўсиб ётибди. Уйларнинг томларида ёввойи гуллар, ҳар биттаси чинни пивёладек келадиган қип-қизил лолалар қийғос очилган, қишлоқчанинг юзини ҳар кун икки маҳал ёмғир ёғиб, ювиб турар экан. Ҳавосини айтмай-сизми, бирам тоза, бирам мусаффоки... Пўк, йўк, бу ернинг гўзаллигини бари бир таърифлай олмайман, кўлимдан келмайди.

Пастакина уй олдида тўхтаб эшакдан хуржуни олаётган эдик, шу пайт ичкаридан бири беш ёшларда, иккинчиси уч ёшларда бўлган иккита қип-яланғоч бола отилиб чиқди-да:

— Дадам, дедажоним! — деб чарчаб турган қори поччамнинг йўғон бўйинларига осилиб олишди. Қори поччам ҳали уларнинг пенсионасини ўпишга уағурмаган ҳам эдики, худди шу пайтда болалар чиққан уйдан, ҳамир қориб ўтирган бўлса керак, тирсақларигача оппоқ уни билан 23—24 ёшлардаги бир жуви ҳам ҳовлиққанча чиқиб келди:

— Вой, тўрам! Бизни ҳам йўқлар экансиз-а!

— Қалай, эсон-омонмисилар? Онанг саломатми? — сўради қори поччам.

— Ун кундан буён йўлингизга кўз тутамиз-а...

— Иш кўп-да, онаси. Қўл тегмади...

Ана шу гаплардан кейин эшакни ҳовлига бойлаб, пасткам уйлардан бирига кириб бордик. Кейин билсам, ҳалиги «бизни ҳам йўқлар экансиз-а», деган жувон қори поччамнинг хотини, яъни меннинг келинойим бўлар экан. Келинойим хуржундаги совға-саломларни кўриб жуда хурсанд бўлиб кетди. Битта атласни кўкрагига босиб:

— Ярашдимиз? — деб сўради қори поччамдан.

— Баҳорда очилган доланинг ўзи бўлдингиз! — деди қори поччам.

Биз бу ерда тўрт-беш кун қолиб кетдик. Қундузлари яна кишлокма-кишлоқ юриб ов қиламиз, хуржуларнинг кўзини хар хил нарсаларга лиқ тўлдириб қайтамиз. Кеч-қуруилари мен ҳалиги яланғоч болаларни галма-гал елкамга миндириб от-оғ ўйнатаман. Айниқса, каттаси жуда шилким экан. Хатто кечалари ҳам уйқумдан уйғотиб, тагин миндирасан, деб хархаша қилади дег.

Бешинчи кун эрталаб орқамизга қайтдик. Бутунлай бошқа йўлдан юрган эканмиз. Янги-янги кишлоқларга тушиб, яна зиёфатлар едик, кимизлар ичдик, каклик гўштидан кабоблар пиширттирдик.

— Ош бўлсин, тўйиб-тўйиб ол, бўтам! — деб кўяди қори поччам кўзини ксиб.

— Йўқ, энди ея олмаймам, — дейман қоринимни силаб.

— Бу ёғида энди кишлоқ йўқ. Очкаб қоласан.

— Бир ҳафғаликни еб олдим, тақсир.

Ниҳоят, охириги манзилни тарк этиб яна йўлга равона бўлдик. Эшакдаги икки хуржунининг ҳам кўзи лиқ тўла, олмаю ёғоқ дейсизми, янги сўйилган кўй гўшти, қувда пишилган ёғ дейсизми, сутда йўғрилган чала кўпги патиру шина банкада асал дейсизми — ҳаммаси бор. Хуржунга сизмаганини мен орқалаб олганман. Мендан ортганини қори поччам катта кийикка туғиб елкасига ташлаб олган. Эшакларни ҳайдаб икковимиз сал орқарокда келямиз, қоринлар тўқ, кайфимиз чоғ, қори поччам ашула айтиб келяпти, мен жўр бўляман:

Алифин дилга жо қилмоқни бисмиллодди ўргандим,
Шаҳид қошини тўкмақни қаломуллодди ўргандим,
Гуноҳ қилмоқни ман Оламин Сайфуллодди ўргандим!..

Қутилмаганда қори поччам ашулани тўхтатиб, оғизларини катта-катта очиб энтика бошлади:

— Бўтам, эшакни тўхтатинг! — деди у кини елкасидаги юкни ерга қўйиб, — мен бўмай кетяман!..

Эшакларни тўхтатиб, бундай карасам, чиндан ҳам қори поччам терга ботиб кетибди.

— Қорин шишиб кетяпти, қорин... — деб устозим бировни ахтараётгандек у ёк-бу ёкқа қараб қўйди.

Дарров қори поччамнинг устки кийимларини ечиб, ерга чалқанча ётқиздим-да, қўйлаги билан юзини, қоринларини елпий бошладим. Илгари қорин огриганини ҳам, қорин шишганини ҳам кўрган эдим-у, лекин бунақасига ҳеч дуч келмаган эканман... Хой, ишонасизми, қориннинг шишгани, секин-аста кўтарилиб бораётгани бемалол кўриниб турибди-я! Ўзиям овқат номи борки, аралаш-қуралаш қилиб роса туширган эдик-да: сўлқиллатиб пиширилган катлама, янги олинган қаймоқ, мурч сенилган гўштқуйди, ҳар хил доривор ўтлардан солиниб тайёрланган қайнатма шўрва, кийик гўшти солинган кази, писта-мағиз аралаш туйилган толқон, кашнич солинган икки қоса мастава, бир тоғора ёғлиқ катик, етти пиёла қимиз... Йўқ, айб қори поччамнинг ўзида экан. Ахир, битта қоринга шунча нарса қаёқдан сизсин!

— Хошим, бўталоғим! Мен ўляпман! — деб ингради қори поччам. Бундай карасам, чиндан ҳам қорин нақ тўнкарилган тандирдек бўлиб кетибди. Бетлари кичрайиб, қуйган кулчадек, оёқлари ҳам ингичка тортиб, хоҳ кўринг, хоҳ кўрманг, худди ўқлогидек бўлиб қолибди. Кўркиб кетдим. Нима қилсам экан?

— Докторга югур! — деди қори поччам энтикиб,

— Яқин ўртада қишлоқ йўқ-ку, таксир?

— Ху тилинг кесилгур! Доктор топ деяпман!

«Нима қилсам экан? Эй қалпоқчам, эй ақли расо дўстим, ёрдам бер. Ақл ўргат. Қандай қилиб қори поччамни ўлимдан олиб қолсам бўлар экан?» — деб ёлвордим майкамнинг ичидан тақиб олган қалпоқчамга.

— Қоринга сув қуй! — тилга қирди қалпоқчам.

— Сув йўқ-ку?

— Нарирокда булоқ бор.

— Сувни нимада келтираман?

— Гилам хуржунни бўшат, ўшанда келтирасан, -- ақл ўргатди қалпоқчам.

Қори поччамга устингиздан сув қуймоқчиман, деган эдим, кўзини очмасдан боши билан маъқуя деган ишорани қилди. Шошилиб гилам хуржунни бўшатишга тушдим.

— Эхтиёт бўл, тухум синмасин... — ингради қори поччам.

Шундан кейин у кишининг дўмбирадек шишиб кетган қоринга булоқнинг муздек сувидаи роппа-роса йигирма сак-

киз хуржун келтириб кўйдим. Шундан сўнг қорин сал пасайиб, қорн поччамнинг чеҳраси ҳам очилгандек бўлди.

— Офарин, бўтам, офарин! Иншоолло, сизни кейинчалик ўзимнинг ўринимга шайх қилиб қолдириб кетаман.

Аммо бу хурсандчилик узокка чўзилмади. Сал ўтмасдан қорин яна шиша бошлади. Бу гал худди мен билан ўчакиш-моқчи бўлгандек жуда тезлик билан кўтарилиб борарди... Энди нима қилсам экан? Илгарн ойим фермага ишга кирмасдан аввал, ола сиғиримиз бўларди. Нафси ёмон бўлгани сабабли кўп еб кўйиб, қорни шишиб бамисоли дўмбира бўлиб кетарди. Шунда ладам бақатеракнинг шохидан кесиб сиғирнинг огзига керги солса — ишш қайтарди-қоларди. Булоқнинг бўйида бақатерак ўсиб ётибди. Ушандан кесиб қорн поччамнинг огзига керги солсам калай бўларкан деб, фикримни ўзига айтган эдим:

— Тезроқ, бўтам, тез югуриңг! — деди қорн поччам кўзлари ола-кула бўлиб.

Йўғонлиги теша сопидек келадиган керги кесиб, қорн поччамнинг огзига кўндаланг солдим-да, салласи билан бўйнига чандиб, икки кўлини орқасига қайириб турдим. Устозим калтакни чайнаб, ўкчиб, кўзлари олайиб, тер босиб, беш-ўн минут қийналди-ю, бора-бора қорни пасайиб, ёрилган коптокдек пуч бўлиб қолди. Кейин қорн поччам тошга бошини кўйиб ширингина уйқуга кетди. Қанча ухлаганини билмайман. Бир маҳал кўзини очиб:

— Хошимжон, бугун ҳафтанинг қайси куни? — деб сўради.

— Сешанба.

— Сешанба? — сакраб ўридан туриб кетди қорн поччам, — эртага чоршанба денг... Қани, эшакка ортинг хуржунни!

Қорн поччам эртага чоршанбада Узунқулоқ ота мазориди бўлиши керак. Бўлмаса ўрнига Данак қорн поччамми ёки Бодом қорн амакимми ўтириб олади-ю, тушган пулни паққос чўнтакка уради.

Шошилиб йўлга тушдик.

Аста-аста тезлигини оширган машинадек биз ҳам бора-бора юришини тезлатиб, бир-биримизни ортда қолдириб кета бошладик. Гоҳ чопонининг этакларини пирпиратиб қорн поччам ўзиб кетади, гоҳ тумшугини олдинга чўзиб қари эшак ўзиб кетади, гоҳ олдинга мен чиқиб оламан, гоҳо хўтикча ўтиб, шаталок отиб ҳаммамизни ортда қолдириб кетади...

Хуфтон маҳалида Хўжақишлоққа эсон-омон кириб олдик.

ЁНҒОҚ ҚОРИНИНГ ЗИЁФАТИ

Эсингизда бўлса керак, қори поччамнинг ҳеч кимга маълум бўлмаган сирларини фош қилиб ташлайман деган ниятда у кишига шогирд тушган эдим. Аммо бора-бора бу ниятимдан қайта бошладим. Нега десангиз, бу ерга келганимдан буён жонгинам роҳатда бўлиб қолди. Қори поччам бувижонимга ўхшаб Мухаммад пайғамбарнинг шеърини ўргатаман деб қийнамайди, қулогимдан чўзғиламайди. Бир-галашиб намоз ўқиймиз, деб кистамайди.

— Мулла Ҳошим! — деб чакиради қори поччам.

— Лаббай, таксир! — дейман дарров кўлимни кўксимга кўйиб.

— Юрақлар қисилиб кетяпти-ку, бўтам.

— Белингизни укалаб кўяйми, таксир?

— Йўқ, бўтам, анавн обизамзамдан олинг.

Обизамзам дегани нима эканлигини ҳалигача билмайман. Аммо унинг ранги ҳам, хиди ҳам дадам хумчага солиб чиқарадиган мусалласга жуда ўхшаб кетади.

Буйрукни эшитиб, дарров ўрнимдан тураман-да, кўзадаги обизамзамдан бир пиёла куйиб, устозимга узатаман.

— Бай-бай-бай! — дейди қори поччам пиёладагини симириб, — обикавсарнинг ўзи-я!

— Қори почча, мен ҳам жиндак ичсам майлими? — деб сўрайман баъзан, — менинг ҳам юрагим қисилиб кетяпти.

— Юрагингиз қисилмай ўлсин, бўтам, — деб уришиб беради қори поччам, — бу болалар учун захарнинг ўзи-я!

— Ичсам ўлиб қоламанми?

— Тил тортмай ўласиз, бўтам. Қани, яна бир пиёла куйинг-чи... Ҳа, баракалла... Энди боринг, ичкари кириб эшон ойингизга қарашиб юборинг. Одамлар келса, менинг ёнимга киритманг, китоб кўряптилар денг...

Шундай қилиб, биз қори поччам билан апоқ-чапоқ яшаб, маза қилиб юрган эдик. Ҳали айтганимдек, у кишини фош қилишни унутасан эдим. Бир воқеа сабаб бўлди-ю, мен яна тўнимни тесқари қийиб:

— Ҳа, шошмай турсинлар ҳали! — деб кўйдим.

Ўша куни пимадалигини аниқ билмайман-у, лекин жуда хурсанд эдим. Ашула айтиб Узуқулоқ ота мазорига, қори поччамнинг олдига кетаётган эдим. Йўлда Ориф билан Зокирга дуч келиб қолдим. Хуноб бўлиб ниманидир ахта-ришпти.

— Нима йўқотдиларинг?— сўрадим секин.

— Пул. Кўрмадингми?— деди Ориф.

— Қапақа пул?

— Пулдақа пул-да. Қапақа бўларди,— жеркди Ориф.

Маълум бўлишича, эрталаб икковлари мана шу йўлдан юриб, она тили ўқитувчимизникига ўтишган экан. Ориф Зокирга она тилидан ўргатаётган эди-да. Бугун имтиҳон топширгани боришибди.

— Ростдан топширдингми-а?— секин туртиб кўйдим Зокирни.

— Ўлай агар, топширдим.

— Нечта савол берди?

— Ўнта савол берди.

— Ростдан-а?

— Рост. Ундан кейин машқ дафтарининг ҳам бир бошдан варақлаб кўрди. Чакки эмас, анча меҳнат қилганинг билишиб турибди, деди. Ишонмаяпсан-а? Ишонмасанг, сенга ҳам айтиб беришим мумкин. Қани, сўра-чи... Сўрайвер. Гапин айтиб берайми? Гап деб тугал фикр англаган... Тугал фикр англаган. Ориф, у ёғи нима эди?

— Ишингни қил! — деб уришиб берди Ориф. Зокир чап кўлининг кўрсаткич бармогини чаккасига кўйиб бирпас ўйланиб турди-да:

— Топдим,— деди ховлиқиб,— тугал фикр англаган сўз ёки сўзлар бирикмасига айтилади.

— Шундай қилиб, она тилидан қутулибсан-да?

— Қутулдим. Энди алгебра қолди... Ана ундан кейин тўппа-тўғри еттичи синфга кириб ўқийвераман... Агар сен билан юраверганимда, биласанми, мен ҳам қолиб кетар эдим.

Негадир шу пайтда Зокирининг гапларига қулоқ солгим келмай қолди. Ундан шартта юзини ўгирдим-да:

— Пулингни топдингми?— деб сўрадим ариқнинг бўйига ўтириб олиб ўтларнинг орасини титқилаётган Орифдан.

— Йўк,— бошини кўтармай деди Ориф,— эрталаб Зокир келгунча мана шу ерга ўтириб санаган эдим. Кейин чўнтагимга солиб мана бу тутдан чумчүк бола олиб тушган эдим.

— Хафа бўлма,— деб кўнглини кўтардим дўстимнинг.

— Биласанми, мен уни кутубхона ташқил қиламан деб биттапгалаб йиққан эдим. Келаси бозорга ойим билан шаҳарга бориб, ойнали жавон олиб келмоқчи эдим...

Шундай деб, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўк, Ориф йиглаб юборса бўладими. Кўнглим бузилиб кетди, юпатай десам ҳеч гап тополмайман.

— Кўпмиди?— дедим ниҳоят.

— Ингирма бир сўм эди,— ҳикиллаб деди Ориф.

Учовимиз яна излашга тушиб кетдик. Кун тепага келгунча ахтардик хамки, бари бир топилмади.

Узункулок ота мазорига кўнглим гаш келди. Бугун гарчи чоршанба бўлмаса хам одам яна хеч жойга сигмай кетибди. Кори поччам ўз жойида, духоба тўшакларда ўтириб назринёз кабул қияпти.

— Нега кеч қолдингиз, бўтам?— деб сўради аста.

— Бу ёққа келиш эсимдан чиқибти,— баҳона қилдим.

— Боринг, эшакларингиздан хабар олинг, эрталабдан бўён хеч нарса солганим йўк — оч ётгандир.

Кори поччамнинг эшаги анча нарида, пасткам бир жойда туради. Оч ётган бўлса хашак солиб, сув хам бериб кўяй, деб ўша томонга ўтган эдим, она-бола эшакни хотинлар, мен тенги, мендан кичкина болалар қуршаб олишибди. Қапкатта бир одам хўтикчанинг бошидан ушлаб, беш-олти ёшлар чамасидаги битта кизчани хадеб миндирмоқчи бўляпти.

— Миндирманг, белини синдириб кўясиз,— дедим жаҳлим чиқиб.

— Белини синдирсам пулини тўлайман, акаси.

— Бўлмаса аввал тўлаб кўйинг.

— Қанча оласан?

— Топганингизни бераверинг.

Ўзим хам мана шунака ишларга суяги йўк боламан-да. Хўтикчанинг устига эски тўн ташлаб, кизчани миндириб бир айлантириб келган эдим, бошқа болалар хам ишқибоз бўлиб қолишди. Биласиз-ку, бизнинг томонларда моторли велосипед чиққандан бўён эшак зоти камайиб, ажойибхонадаги хайвондек одамларни кизиқтирадиган бўлиб қолган. Уч-тўрт сўм ишлаб, Орифга берсам зораки кўнгли кўтарилса, кутубхонасига китоб олиб, хурсанд бўлса деган инъатда дарҳол енг шимариб ишга киришиб кетдим. Ўзим тенги бир болани кассир қилиб тайинладим. Эшакчага бир-иккитасини миндириб сой бўйига обориб келгунимча кассир бола янгиларидан пул олиб, навбат белгилаб кўяди. Бир бориб келишим бора-бора эллик тийинга чиқиб кетди. Шундай қилиб десагиз, роса пул ишладим-да. Хўтикниям нақ бўлмаса ўлдириб кўяёздим, бечора мадори қуригандан охири тер босиб юролмай қолди. Энди ишни йиғиштириб, тушган пулларни бир санаб кўрай-чи, деб турган эдим, ўн саккиз-ўн тўққиз ёшлардаги бир киз келиб:

— Ҳой бола, хўтикчангга мени хам бир миндир,— деб илтимос қилди.

— Йўк, хўтикча чарчаб қолди.

— Вой, чарчаса нима қипти?

— Хўп десангиз, қари эшакка миндираман. Кулоқларини қаранг, ҳар биттаси карнайдек келадн...

— Жуни хурлаймай ўлсин эшагингни!.. Анвар ака,— деб ёнидаги турган йигитга мурожаат қилди киз,— сиз айтинг, жо-о-он Анвар ака.

— Кел энди, ука, келинойингни бир катайса қилдир!— деб елкамга қўлини қўйди Анвар ака.

— Йўқ, беш сўм берсангиз ҳам қўнмайман.

— Бир сўм берсак-чи?— сўради киз,

— Йўқ, тўрт сўмга ҳам қўнмайман.

— Ҳа, ана, бир сўм эллик тийин!.. Тур энди!

— Йўқ, уч сўмга ҳам қўнмайман.

— Икки сўмга-чи?— қошларини чимириб деди киз.

«Ҳа, майли», деб ўйладим ичимда. Икки сўмни олсам ола қолай, шуида пулим ронпа-роса ўн тўққиз сўм бўлади. Орифни роса қувонтирадиган бўлдим-да. Ўзим яхши ўқимагандан кейин яхши ўқиганларга ёрдам бериб туришим керак-да.

— Аввал берсангиз, кейин миндираман,— деб секин ўрнимдан турдим,— лекин ўзиям худда «Волга»га тушгандек маза қиласиз-да, келинойин.

Фалокат оёқ остида деганлари паккос рост экан. Келинойимни хўткчага миндириб, тепаликка олиб чиқаётганимда, жонивор аввал оёқларини кериб, тер босиб, қалтиради. Кейин бақадек ерга ялпайиб қолди — бели узилиб кетган экан. Қаёқдандир пайдо бўлиб қолган қори поччам қулогимдан чўзиб:

— Нима қилдинг, бадбахт?! — деб сўради.

— Ҳали ўлгани йўқ,— дедим нима дейишимни билмай. Қулогимдан чўзганча тош уйга олиб кириб кетди қори поччам. Мен энди роса қалтакни ҳам есам керак, деб жонимни ховучлаб турган эдим, йўқ, қори поччам тўсатдан юмшаб қолди.

— Қанча пул тушди, бўтам?

— Пул тушгани йўқ.

— Елгон гапирманг, бўтам. Елгончининг жойи дўзах бўлади.— Аввалгидан ҳам юмшаб, ярим қулиб, ярим жиддий туриб давом этди қори поччам: — Қира қилаётганингизни эрталабдан буён кузатиб ўтирган эдим... Қани, пулни олинг-чи, бир санайлик-чи.

— Мен бу пулни Орифга бераман, билдингизми? Кутубхона ташкил қилмоқчи у, билдингизми?

— Кутубхонага бало борми, қани, пулни чиқаринг.

— Бермайман.

— Нима?

— Бермайман, вассалом!

— Нима-нима?! — шундай деб кори поччам мени таппа босди-да, чўнтагимдаги пулларнинг хаммасини олиб кўйди. Орасидан иккита беш тийинликни танлаб менга узатди:

— Манг, бунга хўрозканд олиб енг, бўтам!

Шунақанги хафа бўлдимки, шунақанги хафа бўлиб кетдимки, ишонасизми йиғлавораяёдим. Йўк, йиғлаган ҳам эканман, буни мен кори поччамнинг гапидан билиб қолдим.

— Не, не, бўталоғим, нега йиғлайсиз?— деб авра чопонининг ўнгирин билан кўз ёшимни артиб кўйди устозим.— битта хўтикчага ҳам шунча хафа бўладими одам. Ўлса ўлибди-да. Мен сизга унақасидан эртага бир йўла иккитасини келтириб бераман. Устига чиройли гилам тўкимчалар босиб, пешонасига ипак понукчалар тақиб, кўзмунчоклар осиб кўғирчокдек ясаиб бераман... Сиз киракашлик қилиб турасиз, мен тушган пулларни тўплаб тураман. Ана ундан кейин мен сизга янги «Москвич» олиб бераман... Ҳайдашни биласизми?

— Йўк! — дедим бурнимни тортиб.

— Хечкиси йўк, ишшоолло, ўрганиб оласиз. Энди, ўрнингиздан туриб мана бу гўштларни кассобга топширинг-да, пулни нақд берар экансиз денг. Ишшоолло, сизни ўзимдан кейин мана шу ерга шайх этиб тайинлаб кетаман...

Кори поччам бир сўзли одам экан. Кечаси каёққадир йўк бўлиб кетди-ю, эртасига эрталаб ўзи айтгандек чиройликкина иккита хўтикчани етаклаб келди. Ҳатто гилам тўкимчалар, узангию тақинчокларигача ҳамма-ҳаммасини тахт қилиб келибди. Уша куни чоршанба бўлгани учун зиёратгоҳга кечагидан ҳам кўп одам келиб, бамисоли катта сайилнинг ўзгинаси эди.

— Қани, бўтам, бошламайсизми?— деб имо қилиб кўйди кори поччам.

— Ҳозир бошлайми ёки халироқ бошлайми?

— Йўк, йўк, дарҳол бошланг!

— Бошласам бошлайвераман-да...— дедиму шошилиб кечаси ўйлаб кўйган режамни амалга оширишга киришдим. Хўтикчаларни одамлар кўпроқ тўпланган жойга етаклаб келдим-да, думининг тагига чангал кистириб, кетма-кет кўйиб юбордим. Нарироқдаги кеча боласидан ажраб шумшайиб турган қари эшакни ҳам худди шундай қилдим у ҳам бир яйраб олсин дедим-да!

— Қоч, эшак босиб кетади! — деди кимдир

— Ойи! — деб доглади бир бола.

Бир нафасда ҳаммаёқ алгов-далгов бўлиб кетди. Эшаклар ҳам нукул одамлар турган томонга югуриб шаталок отади денг. Қийкириб кулган ким, чапак чалган ким, вой-войлаб йнглаган ким — ажратиб бўлмайди. Ўзим ҳам бу томошага берилиб кулогимнинг тагига тарсаки келиб тушганини ҳам билмай қолибман.

— Бадбахт!

— Лаббай, таксир?— деб ўгирилдим қори поччамга.

— Бетавфик,— қори поччам бу кулогимнинг тагига ҳам бир тарсаки туширди.

— Хўп бўлади, таксир,— дедим нима деганларига тушунмай. Қори поччам билгимдан омбир билан қисгандай қисиб, диконглатганча, оёгимни ерга теккизмай хужрага олиб кириб кетди...

Бу ерда қанаканги воқеалар юз берганини сизга айтмай қўя қолай. Фақат шуни айтмоқчиманки, қори поччам мени бошлаб зиёфат қилдилар. Лекин бу зиёфатда оғир-оғир мушт, қайноқ-қайноқ тарсаки, сигил-сигил тепкидан бошқа ҳеч нарса емасим.

— Тавба қилдим де, бетавфик! — деди қори поччам зиёфатнинг биринчи қисмини тугатиб.

— Тавба қилмайман, таксир,— дедим жуфтақни ростлаб қолиш учун сени эшикка яқинлашиб,— шошмай турсангиз ҳали бошқа сирларингизни ҳам очиб ташлайман.

— Нима-нима?!

Бир сакраб остонадан ўтиб кетдим.

XI боб

ЯРАШ-ЯРАШ

Қори поччамдан калтак еганимни эшитиб бувижоним роса хафа бўлар, деган ўйда бўлган воқеани ошириб-тошириб сўзлаб берган эдим, бувижоним севинганидан кўзлари қисилиб:

— Хайрнajat-эй! — деб қўйди.

— Нега энди хайрнajat дейсиз, ахир, бикиларим оғриб кетяпти...

— Оғриси яна яхши, болам. У кишининг қўллари теккан жой дўзахда қуймайди. Айланиб кетай пиримдан... Бундан кейин ўнг бетингга урсалар, чап бетингни ҳам тутиб бергин, болам...

Хуллас, ўша кун бувижоним у деди, мен бу дедим, охири қори поччам билан ярашишга, ҳозирок бориб кечирим сўрашга кўна қолдим. Кўнмас эдим, аммо ҳали у кишининг одамларга маълум бўлмаган сирларини очганимча йўқ эди-да. Ростини айтсам, у кишининг сирларини очиб

ташлаш осон иш эмас. Қори поччам шунақанги пухта, шунақанги ишбилармонки, менинг ўзимни шайтоннинг боласи деб одамларга тутиб бериб, ўлдириб юбориши ҳеч гап эмас. Данак қори поччам билан Бодом қори амаким у кишининг номини эшитгандаёқ зир-зир титраб қолишади. Ҳатто бир куни икковларини қори поччам шунақанги бошлаб саваландиларки, тошкентлик биринчи разрядли боксёр Имомалиев ака ҳам бунақанги чаккон, бунақанги кучли бўлмаса керак деб кўйдим ичимда.

Қори поччамга шогирд тушганимнинг биринчи ҳафтасимиди, иккинчи ҳафтасимиди, ҳозир аниқ эслай олмамай турибман, ишқилиб, чоршанба куни эди-да. Кеч кириб, энёратчилар кетиб бўлган. Мен қори поччамнинг ҳужрасини чангитиб супураётиман, у киши эшикка тесқари ўтириб олиб, кун бўйи тушган пулларни икки оёғи орасига тўкиб, санаш билан овора. Ҳужра эшигини биров аввал тирноғи билан тирнагандек бўлди. Кейин сўроқсиз кирсам калтак ейман, деб ўйлади шекилли, кўрка-писа тақиллатди.

— Кимдир у?— оёғини биров босиб олгандек оғрик билан сўради Енғок қори поччам.

— Бу бизмиз, таксир,— сурнайнинг овозига ўхшашнингичка овоз эшитилди.

Қори поччам пулларни шошилиб кийикка солиб белига маҳкам боғлаб, устидан малла чопонини кийди-да:

— Бўтам, эшикни очинг! — деб кўйди.

Эшикни очдим.

— Ассалому алайкум,— деб аввал Данак қори поччам, кетидан Бодом қори амаким иккови ҳам калта кўлларини кўксига кўйганча, паққидек букилиб кириб келишди.

— Ваалайкум,— Енғок қори поччам тўсатдан ковоғини уйиб олди.

— Таксир...— деди биттаси гапини йўқотиб.

— Биз...— деди бошқаси ҳам тутилиб.

— Бўтам, сиз чиқиб туринг-чи,— буюрди менга Енғок қори поччам.

Ташқарига чиқдим, дарров кўлтигимдаги қалпоқчамни бошимга кийиб, кўзга кўринмайдиган бўлиб олгач, яна оркамга қайтдим. Ичкарига киришим билан Енғок қори поччам эшикнинг занжирини солиб:

— Хўш?— деди икковларига бир-бир қараб,— кулоғим ихтиёрларингизда.

— Сиз бошланг,— деди Данак қори поччам.

— Йўқ, ўзлари бошласинлар,— деди Бодом қори амаким оркага тисарилиб.

— Беллингиздаги пулни арра қиламиз,— дейишди кейин икковлари бараварига.

Енғоқ қори поччам ўнг кошини пастга, чап кошини баландга қилиб хўмрайди:

— Нима?

— Шундай, тақсир! — дейишди яна икковлари,— бугундан бошлаб, тушган пул ўртада арра қилинади.

— Арра қилинади?

— Ҳа, тақсир, арра қиламиз.

— Сиз, Бодом қори, жиндак ақлдан озган кўринасиз. Сиз, мулла Данак, бутунлай тентак бўлиб қопсиз.

— Йўқ, тақсир,— деб бир одим олдинга ташлашди икки қори,— биз, худога шукур, соппа-соғмиз. Соппа-соғ бўла туриб, касал одамчалик ҳам пул ишлай олмаяпмиз. Қишлоқма-қишлоқ юриб қавмларга Енғоқ қори хазратларининг дами ўткир деб тушутирган ким? Биз. Енғоқ қори Узункулоқ пиримнинг сўнги авлоди бўлади деб, яна ўша қавмин ишонтирган ким? Биз. Ҳар ким ўз маҳалласидан чиққан ўлиқнинг жанозасини ўқийди, деб келишиб олган эдик. Сиз биздан олдин бориб жанозани ўқиб қўйяпсиз, пулни олиб бизга ҳеч нарса бермаяпсиз... Анави куни Хошим деган шогирдингиз таҳорат сувига қалампир, туз солиб... бизни кўп кийнаб қўйди. Буни ким ўргатган, сиз!.. Йўқ, тақсир, бугундан бошлаб пул арра.

— Нима, иккингиз исён кўтармоқчимсиз?— ғазаб билан сўради Енғоқ қори поччам.

— Ҳа, тақсир,— деб гапга аралашди Данак қори поччам,— биз исён кўтармоқчимиз.

Бодом қори амаким устозимнинг белидаги пулга секун қўл узатган эди, у киши:

— Нарн тур, бетавфиқ! — деб бақриб берди.

— Йўқ, тақсирим, ўз улишимизни берасиз.

Енғоқ қори поччам оғзини катта очиб, кўзларини юмиб.

— Апчиш! — дея қаттиқ чучкириб юборди,— ана сизларга пул, бўлиб олинглар!

— Биз ҳали сизнинг мишинингизга тенг бўлдикми?

Данак қори билан Бодом қори амаким жон талвасаси устозимнинг белидаги пулга ёпишишди. Енғоқ қори почча икковини бақувват қўллари билан икки томонга итариб юборган эди, бири хужранинг ўнг деворига, иккинчиси чап деворига бориб урилди. Яна қайтиб ёпишмоқчи бўлган эди, устозим энгашиб калла солишни мўлжаллаб келаётган Бодом қори амақининг бетига «бисмиллоҳи раҳмони раҳим» деб тарсаки тортиб юборди.

Ана шундан кейин десангиз, зўр муштлашниш бошланиб кетди, агар телевизорда олиб кўрсатса, «ё тавба, кори поччалар ҳам боксга тушар экан-да», деб ёкангизни ушлардингиз.

Бир маҳал Енгоқ кори поччам икковини ҳам ерга ёт-кизиб, устига миниб олди-да, енглариини шимариб олиб:

— Е Хасан, ё Хусан! — дея дўнпослашга тушиб кетди. Уриб-уриб чарчади шекилли, хушдан озгудек бўлиб ётган Бодом кори амакимнинг кулоғидан бувижоним менинг кулогимдан чўзгандака чўзиб:

— Пул ҳақида яна огиз очасанми?— деб сўради.

— Йўқ, таксир, минбаъд огиз очмайман.

Устозим Данак кори поччамининг ҳам ўнг кулоғидан чўзиб:

— Хўш, мулла Данак, аҳволлари калай?— деб калта соқолини силкитиб, ҳе-ҳелаб кулди. Назаримда, Данак кори поччам ҳам унга ўхшатиб кулмоқчи бўлди-ю, устидаги юк оғирлик килиб:

— Ҳе...— деб кўя колди.

Енгоқ кори поччам остида хансираб ётган азаматларга яна бир мушдан совга килиб:

— Тавба килдиларингми?— деб сўради.

— Минг бор тавба килдик!

Учовлари ҳам бир-бирларидан хадиксирашиб, этакларини кока-кока секин ўринларидан туришди. Енгоқ кори поччам огзини катта очиб кулиб турибди. Бодом кори амакимнинг лаби куляпти-ю, кўзи хўмрайган, Данак кори поччам кулишини ҳам, хўмрайишини ҳам билмай, эптикиб, гоҳ унисига, гоҳ бунисига қарайди.

— Лекин таксир, худойи таоло сизга кучни ҳам берган экан-да,— деб кўйди Бодом кори амаким. Кейин, негадир учовлари ҳам бараварига кулиб юборишди.

— Хо, хо-хох,— деб кориини силкитди менинг устозим.

— Ҳе-хе-хе! — деб елкасини учирди Бодом кори амаки.

Данак кори поччам бўлса худди эчкининг маърашига ўхшатиб узок кулди-да.

— Таксир, биз шунчаки хазиллашган эдик,— деб кўйди.

— Мен ҳам хазиллашиб урдим,— соқолини силаб кўйди Енгоқ кори поччам,— чиннакамига урганымда бирингизни дўзахга, бирингизни уйдан нарига жўнатардим.

Кейин учовлари яраш-яраш килиб бу гап шу ерда қолиши керак, одамлар эшитса шаънимизга яхши бўлмайди, кулги бўламиз. Кимки бу хусула гап очса, соч-соқоли тўкилиб пес бўлсин, деб фотиҳа ўкишди. Гўё ҳеч гап бўлмагандек меҳрибон ака-укалардек бир-бирини қўлтиклашиб ташка-

рига чика бошлашди. Енғок қори ўртада, Бодом қори ўнг қўлтиғидан, Данак қори чап қўлтиғидан кўтариб олишган.

— Қани, таксир, марҳамат қилсинлар.

— Йўк, йўк, ўзларидан бўлсин.

— Йўг-е, хўжам, қани, бошласинлар.

Шу гаплардан сўнг уювлари эшикдан бараварига қия бўлиб чиқиб кетишди.

Хуллас, Енғок қори поччам хазилакам одам эмас. У кишининг сирларини ошқор қилиш учун пухта тайёргарлик кўришим керак. Тайёргарликни эса ўзлари билан биргалликда олиб боришим зарур.

— Шундай қилиб, бувижон, бориб кечирим сўра дейсинми?— деб сўрадим ўрнимдан туриб.

— Оёқларига йиқил,— деди бувижоним,— у кишининг даргоҳлари кенг, албатта кечирадилар.

— Қани, кетдик, бўлмаса.

Бир қийик чала қуриган шафтоли қокки олиб бувижоним билан устозимникига жўнадик. Ҳақиқатан ҳам у кишининг даргоҳи жуда кенг экан, менга ўхшаб бировга кек саклашни ёмон кўрар экан. Бувижоним мендан олдин кириб ётиғи билан тушутирган эди, қори поччам:

— Бола-да, бола,— деб қўйди. Кейин меннинг бошимни силаб, қўшимча қилди,— оббо қочқоквой-эй, эртага хўтикчаларни тўқимлаб, зиёратчиларни хурсанд қиламизми?

— Бўлмасам-чи, таксир,— дедим хурсанд бўлиб.

— Баракалла, бўтам, лекин Бибиробия, набирангиздан ажойиб мулла чиқади-да. Иншоолло, ўрнимга қолдириб кетмоқчиман. Аввалги гапим гап.

Бувижоним қори поччамни дуо қилиб, чиқиб кетди. Устозим мени ёнига ўтқизиб олиб, мулла бўлиш жуда машаққат эканлиги, бу йўлда кўн заҳмат чекиш зарурлигини айтиб, ҳатто ўзи Бухорода роппа-роса уч йил тупроқ ялаганлигини ҳам гапириб берди.

— Қўнглингиз айнимадими?— деб сўрадим кўрқа-писа.

— Нега энди қўнглим айнар экан, бўтам?

— Ахир тупроқ ялабсиз-ку?.. Мен тупроқ яласам, дарров қўнглим айнийди.

Қори поччам жавоб қайтармади-ю, қорини силкитиб қолди. Қулиб бўлгач:

— Энди, бўталоғим, сизга андаккина юмуш бор,— деди.

— Буюринг, таксир.

— Ҳозир қўшни қишлоққа, Рафқонга ўтасиз-да, қимлар касал ётганини, исми нима, ёши нечада, қанақа касал билан оғриган — ҳаммасини билиб қайтасиз. Лекин, бўтам,

зинҳор кимлигини бизни бировга айта кўрманг. Қасал қариндошимиз бор, отини билмайман, ўшани излаб келдим, денг. Уддасидан чиқа оласизми?

— Қойинлатиб ташлайман, таксир.

— Офарин, бўтам, иншоолло, сизга янги «Москвич» олиб бераман.

Рафконга бориб пешин маҳалигача бешта касал борлигини аниқлаб келдим. Кечкурун қори поччам боласи ўлган қари эшакни миниб ўша кишлокка шошилишч жўнаб кетди.

XII боб

ҚОЧМАГАН НОМАРД

Тўсатдан пионер лагери қурилиши учун келтирилган ёғоч-тахталар куйиб кетди. Кечаси бўлгани учун одамлар тўпланиб то ўтти ўчиргунча ёғоч-тахтанинг анча қисми ёниб тамом бўлди.

— Бу мана шу писмиқнинг иши,— деди дадам кечкурун ҳаммамиз сўрида чой ичиб ўтирган эдик.

— Писмиқнинг ким?— сўради бувижоним.

— Қим бўларди. Енғок қори-да.

— Ҳой, оғзингга қараб гапир, болам.

— Оғзингга қараб гапирсам ҳам, қарамасдан гапирсам ҳам бу ишда ўшанинг қўли бор. Лагерь қурилишига ким қарши чиқяпти? Енғок қори қарши чиқяпти. Негаки, лагерь битса, қори мўмай даромаддан маҳрум бўлиб қолади-да. Баъзи бир гўл одамларни қурилишдан кетиб қолишга ундаётган ҳам, мана шу писмиқ. Шу бугундан кечикмай участкавий милиционерни бошлаб келаман.

— Ҳой, болам, астаффирулло де,— бувижонимнинг аччиги чиқиб кетди.

— Қўйинг-э,— қўл силтади дадам.— Ҳошим, бугундан бошлаб сен ҳам ўша ҳаромхўрниқига бормайсан.

Бувижоним жуда хафа бўлиб кетди шекилли, лаблари учиб, шартта ўрнидан турди:

— Рўзи, бу гапларни билиб гапиряпсанми?

— Билиб гапиряпман. Ҳозир бориб милицияга хабар қиламан.

— Менга қара, мен сени туккаи онангман-а?

— Ҳа, онамсиз.

— Оқ сут бериб катта қилганман-а?

— Ҳа, катта қилгансиз.

— Яхши емадим, яхши киймадим,— йнгламсираб деди бувижоним,— отаси йўқ, ўксимасни, деб, топганимни сенга бердим, одам қилдим. Оқибат сендан кўрган ҳурматим шу

бўлдимми?.. Менинг кўз олдимда менинг пиримни ҳақорат қиладиган бўлдимми? Бир оёғи гўрда бўлиб қолган онагни-нинг хурмати шу бўлдимми?!

Шундай деб, бувижоним хўнграб йиглаб юборди. Шунақанги бир алам билан йиғладики, ростини айтсам, андак бўлмаса мен ҳам йиғлаворай дедим. Ичкаридан ойим чиқиб дадамга қараб ўқрайиб кўйдим. Худди келишиб олгандек, Ойша билан Доно ҳам бувижонимга жўр бўлиб қолмаса бўладими?

Бувижоним елкасини силкитиб-силкитиб ўрнидан турди-да, ичкарига кириб эски паранжиши кийшиқ ёпишиб чикди:
— Мен... Мен... сиғмай қолдим энди бу уйга.

Ойим бориб бувижонимнинг йўлини тўсди. Доно билан Ойша оёғига ёпишиб:

— Бувижон, қайтинг! — деб баттар йиғлай бошлашди.

— Хой эркак, нега ўшшайиб турибсиз,— жеркиб деди ойим.— Қайси ўғил ўз онасини уйидан хайдаб чиқаради!

Шу пайтда дадам бўлганича бўлди. Назаримда айтган гапига ҳам минг бор пушаймон бўлиб кетди.

— Бўпти энди, ойи, бир айтдим-кўйдим-да.

— Тавба қилмагунигча орқага қайтмайман,— оёғини тираб туриб олди бувижоним.

— Ха, ана, тавба қилдим. Кўнглингиз жойинга тушдими?

— Анави участкавойингга бормайсанми?

— Йўқ, бормайман. Қайтинг, энди, ойи!

Бувижоним кўз ёшларини артиб уйга кириб кетди. Дадам сўрида дўпписини ўйнаб ўтиргандан ўтириб қолди. Ўзи мен қизиқман-да! Ҳозиргина йиғлаётганини кўриб бувижонимга ачинган эдим... Энди бўлса дадамга раҳмим келиб ўтирибди... Дадамга ҳеч қуш беришмайди. Бирор нарсаини ўйлаб амалга оширмақчи бўлса, аввало ойим қаршилиқ кўрсатади. Ойимнинг қаршилигини енгиб ўтса, бу ёқда бувижоним енг шимариб турган бўлади. Шунда дадам:

— Билганларингни қилишлар,— деб қўл силтайди-да, далага қараб жўнаб қолади. Мана ҳозир ҳам бечора жуда хафа бўлиб ўтирибди.

— Дада, иссиқ чой қуйиб берайми?— деб сўрадим.

— Қе қўй, шу топда чой ҳам томоқдан ўтмайди,— дадам дўпписини кафтига қоқиб, бошига кийди-да, қасқадир чиқиб кетди.

У жуда хафа эди.

Туни билан ўйлаб чикдим. Йўқ, энди енг шимариб қиришмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Қори поччамнинг ҳамма қирдикорларини одамларга айтиб беришим, эртадан қолмай ўзи қош қилишим керак. Шунчадан буён иккиланиб юрганам

хам етар, бас эиди. Эртагаёк зиёратгоҳга бориб, тўпланган одамларга хаммасини оқизмай-томизмай айтиб бераман. Қори поччам газабланиб мени шайтоннинг боласи деб тош-бўрон қилдирмоқчи бўлсалар, қалпоқчамни кийиб оламану... у ёғига яна бирор нарса ўйлаб топаман. Аммо сирларини фош қилиб, шаталок отиб қочмагушларича қўймайман...

Эртасига чошгоҳ маҳалида у кишининг чиллаҳоналарига салом бермасдан кириб борган эдим, атлас кўрпача устиде бирам чиройли ухлаб ётибдиларки... ким билади, аллақачон жаннатга бориб олиб, хуру пайкарларга белларини уқалат-яптиларми, аммо хуррақиям жуда келтириб тортяптилар-да. Секин туртиб уйготган эдим, аввал хуррақ тинди. Кейин қори поччам кўзларини очиб, бошларини секин кўтардилару:

— Йўк, кўтаролмаяман,— деб тап этказиб яна ёстикка ташладилар,— лаънати, мусалласга спирт кўшган экан-да...

— Бошингиз огрияптими?— деб сўрадим нима дейишимни билмай.

— Огрияпти, қаттиқ огрияпти. Мулла Ҳошим, бўталоғим, ичкарида кўзада обизамзам бор, ана шу зормондадан бир пиёла қуйиб чиқинг.

— Ҳўй бўлади, таксир.

Ичкари кириб анор сувидек кип-қизил обизамзамдан гуруч ўлчайдиган қатта пиёлада тўлдириб олиб чиқдим. Устозим кўзларини юмиб, хузур қилиб симиридилар-да, қафтларининг орқаси билан лабларини артиб:

— Бай-бай-бай, муздақлигини қараинг-а,— деб қўйдилар.

— Яна бир пиёла олиб чикайми?

— Олиб чиқсангиз, олиб чиқинг!

Яна бир пиёлани пок-покиза уриб олдилар. Уриб олдилару, назаримда Шотурсунининг дadasига ўхшаб кип-қизил маст ҳам бўлиб қолдилар. Буни мен кўзларини хиёл сузиб кулимсираб туришларидан сезиб қолдим.

— Бари бир ўлиб кетамиз, бўталоғим. Яна бир пиёла олиб чиқинг-чи...

Хиёл ўтмай қори поччам бутунлай маст бўлиб, тўшакка чўзилиб қолдилар.

Қимдир кўча эшикни шиддат билан дўпира-дўпирига олиб қоқа бошлади. Югуриб чиқсам, сочлари тўзғиган, кўзлари ёшли, олтмиш ёшлардаги бир кампир. Енида учта девдек-девдек барваста йигит ҳам турибди. Йигитлар ака-ука бўлишса керак, нега десангиз, хаммасининг афти бирига ўхшаб кетади. Учови ҳам велосипедда, жуда тез ҳайдаб келишган бўлса керак — ҳансираб туришибди.

— Енгоқ қорининг ховлиси шуми?— сўради кампир.

— Шу.

— Ер юткур ўзи уйдами?

— Уйда. Лекин ўришларидан туролмайдилар, маст бўлиб ётибдилар.

— Маст?— тўрт киши бирдан сўради.

— Ҳа, маст. Обизамзамдан кўп ичиб маст бўлиб қолдилар.

Шундай дейишимни биламан, сочи тўзгиган хотин ўзини эшикка урди. Кетидан йигитлар ҳам кириб боришди. Бир нафасда ховли тўполон, кий-чув бўлиб кетди. Нима гап бўлдикин, деб ичкари ховлидан ўсма кўйиб ўтирган эшон оинм ҳам бир қошида ўсма, бир қоши ўсмасиз югуриб чиқди. Бепул томоша кўриш учун кўни-кўшилар ҳам чиқишди. Бундан тўрт кун аввал сочи тўзгиган холанинг кичик ўғли ўлиб қолибди.

— Ўғлимни тониб берасан, номард,— деб нукул қори поччамга ташланади денг. Қори поччам бўлсалар қаттиқ маст бўлиб қолган эканлар, шунча сурғалашса ҳам қани энди бундай кўзини очса — нукул русчалаб сўкинади денг. Ниҳоят, бир маҳал муборак бошларини кўтариб:

— Ким у, бемахалда шовқин кўтарган?— деб сўрадилар.

— Пияниста, боламни ўлдирдинг. Шухратжонимни тониб бер! — деб сочи тўзгиган хола қори поччамнинг соқолига ёпишиб қолди-ку! Одамлар ажратиб қўймаганда, ким билади бу жанжал шма билан тугарди.

Қори поччамнинг қайфи учиб, кўзлари катта-катта очилиб кетди-ю, гандирақлаб секин ўришларидан турдилар:

— Нима гап ўзи?

— Шухратжоним ўлди!!

-- Ўлган бўлса, жойи жаннатда бўлсин, обловху акбар!

Шундай деб қори поччам секин эшикка чиқиб кетмоқчи бўлган эдилар, аёл у кишининг йўлини тўсди:

— Тўхтаг, ўша кун бизнинг уйи қандай тониб борган эдингиз?

— Лйтдим-ку, хобимда аён бўлган эди...

-- Исми-чи, ахир сиз, Шухратжонимнинг номини айтиб кириб бордингиз.

— Исми ҳам, касали ҳам хобимда аён бўлган эди, -- деб қўйдилар қори поччам.

— Ахир сиз, мени ўша кун сариқ қўй сўйишга мажбур қилдингиз, иссиқкина терисга болагинамни ўраб етти хил меванинг повдаси билан саваладингиз... Энди докторга кўрсатманг, ишбоолло, ўғлингиз эртагаёқ чопқиллаб кетади деддингиз... Бечора Шухратжоним доктор чакирнинг, деб

бирам зорландики, бирам зорландики, ўлигини кўрган докторлар бир кун аввал билганимизда касали ҳеч гап эмас экан, олиб қолардик дейишди... Вой болагинам-эй, вой Шухратжоним-эй... Шу пиянистанинг гапига киргунча, онагинанг ўзи ўлса бўлмасмиди!

Аёл шундай бир алам билан йиғладики, тўпланганлар ҳам ўзларини тутолмай хўнг-хўнг йиғлаб юборишди. Меҳрим каттиқлиги билан ном чиқарган бўлишимга қарамай, ишонсангиз, шу пайтда мен ҳам йиғлаб юбордим.

— Шухратжоним дилида армон билан кетди, армони билан кетди,— деб йиғларди аёл.

Демак, масала равшан, мен аҳмоқ қори поччамнинг гапига кириб, қишлоқма-қишлоқ юриб касалларнинг касали қанақа эканлигини, исми нима эканлигини билиб келар эканман-у, қори поччам «хобимда аён бўлди» деб аста бориб, бечораларни шилиб келар эканлар. Яшаворсинлар-эй! «Бўталогим», деб елкамни силаб кўйишларида гап бор экан-да. Шартта ўртага чикдим:

— Холажон, мени танияпсизми?

— Йўқ, сени танимайман.

— Уйингизга кириб ўғлингизнинг исмини, касали нима эканлигини сўраган эдим-ку?

— Вой эсим курсин! Қирган эдинг, касал қариндошимизни ахтариб юрибман, деб эдинг...

Шундан кейин бутун воқеани тўпланганларга шартта-шартта гапириб бердим. Зодиён, Макиён, Элаш, Тўлаш деган қишлоқларга ҳам бориб, касалларни суриштириб келаман деб, йўлларда роса итларга таланган эдим. Ана шуларгача ҳаммасини гапириб бердим.

— Бу бетавфиқнинг гапига кулоқ солманглар! — деб худди бўғиб ташламоқчидек икки кўлини чангак қилиб, тишларини гижирлатиб қори поччам мен томонга қараб бостириб кела бошладилар,— бу ақлдан озган бола. Бувижони ўкиб, дам солиб одам қилинг, деб берган эди. Мана бундай қилиб бўғиб ташламоқчи эдим...

Қори поччам менга ташланган эдилар, лип этиб кўлтиқларининг тагидан ўтдим-да, беҳавотирроқ жойга бориб:

— Обизамзамини сиз ичаркансизу, ақлдан биз озар эканмиз-да,— деб кўйдим.

Худди шу пайт сочи тўзгиган холанинг ўғиллари домла поччамнинг икки кўлидан маҳкам ушлаб:

— Қани, олдимишга тушенилар-чи! — деб қолишди.

— Қайёққа борар эканман?

— Сизни ҳозирок прокурорга топираманиз.

— Прокурорга?!

— Ха, прокурорга! Прокурорга тонширмагунча ўлган укамизнинг аламиндан чиқолмаймиз.— Чучварани хом санаб-сизлар! Уйимча бостириб кириб, мени ўлдирмоқчи бўлганларнинг учун ўзларининг судга бераман,— деб шовқин солиб қолдилар қори поччам,— ҳали сизлар мени билмас экансизлар...

Йигитлар қори поччамнинг икки қўлтиғидан олиб, калта оёқларини ерга теккизмай диконглатганча олиб чиқишаётган эди:

— Тўхтанглар, тўхтанглар! — деб оёқларини питиллатиб қолдилар қори поччам.— Мен кийимимни алмаштириб чиқай бўлмасам... Лекин сиз тухматчилар билан ўша ерда гаплашаман... Э парвардигор, қанақа кунларга қолдим-а!

Қори поччам шундай деб, гўё кийиниб чиқсалар бутун дунёни остин-устин қилиб юборадигандек бир вазоҳат билан ичкари ҳовлига кириб кетдилар...

Беш минут, ўн минут, э борингки, йигирма беш минут кутдик ҳамки, қани энди қори поччам чиқсалар. Бир маҳал кўча эшик томондан ҳовлиққанча Миробиддинхўжа кириб келди.

— Қори поччам қочдилар! — деди у энтиқиб.

— Қочдилар?! — Бараварига сўради йигирма чоғли одам.

— Катта ариқнинг бўйида кўрдим. Моторли велосипедга миниб, тоғ томонга қараб қочиб кетяптилар.

Епирилиб ичкари ҳовлига кирган эдик, чиндан ҳам ҳеч ким йўқ, боғ томонга чиқадиغان эшик лағ очик.

— Олдимизга похол солиб кетибди-ю! — деб бақирди қасос олгани келган азамат йигитлардан бири. Кейин кўчага чиқиб, учовлари ҳам шошилнич велосипедга ўтиришди. Мен ҳам устозим билан ҳеч бўлмасам хайрлашиб қолай деган яхши бир ниятда Миробиддинхўжанинг моторли велосипедини бир соатга сўраб олдим-да, орқаларидан қувиб қолдим.

Мактабимизда бўладиган велосипед пойгаларига илгари ҳам кўп катнашган эдим-у, аммо бунақа пойгани, ўлай агар, биринчи марта кўришим. Қасос олгани келган йигитлар чинакам паҳлавон йигитлар экан. Ярим соат деганда қори поччамни қувиб етишди. Устозим авра чопонларининг ўнгирини пириратиб, хайбатли бир қушдек икки юз метр олдида учиб борар эдилар. Йигитлар бутун вужудларидан тер челақлаб қуйилаётган бўлишига қарамай, тишмай педални тениб, олга пителишадди. Қори поччам илгари ҳам шунга ўхшаш қувди-қувдиларда шитирок этиб, тажриба-

лари ортиб кетган эканми ёки Узункулок пирим мадад қиялтими, ишқилиб, қочганда ҳам жўн қочмай, ўйин кўрсатиб, йигитларнинг жигига тегиб, жаҳлнинг чиқариб қочяптилар. Моторни ўчириб секинлатиб борадилар-да, йигитлар етай-етай деганда моторни ўт олдириб, яна жуда-жуда ҳам олдинлаб кетадилар...

Ниҳоят, тепаликка чиқаётганда йигитлар холдан тойиб кетма-кет велосипеддан йиқилиб тушишди.

— Оббо, мугамбир-эй! — деб кўйди бири энтикиб.

— Девдек кучи бор экан, — деди бошқаси.

— Қайтдик, — деди учинчиси ҳафсаласи пир бўлиб.

Довоннинг тепасига эсон-омон чиқиб олган қори поччам велосипеддан тушиб саллаларининг учи билан юз ва пешоналарига терни артиб, менга қараб қўлларини мушт қилдилар:

— Сен ҳали қараб тургин! — деган бўлсалар керак. Мен ҳам дарров икки кафтмин оғзимга кўвача қилдим-да:

— Оёгингизни укалаб кўяйми, тақсир! — деб бақирдим.

Тоғдан қайтиб келгуниμιзча азамат йигитлар негадир бир-бирларига гап кўшишмади...

Ўша қуни қишлоқда ҳар хил гаплар тарқаб кетди. Хотинлар, қоллар, илгари қори поччамга дам солдириб кетган касалмаид одамлар тўп-тўп бўлиб олишиб:

— Енгок қори Узункулок пиримнинг қарғишига қолибди.

— Йўғе, у киши Маккатиллога кетибди-ку?

— Қип-қизил пияниста экан, хужрасидан етмишта бутилка чиқибди.

— Ўзиям кўхнабисот бой эди-да.

— Тўғри айтасиз, кўшни, қорининг тилласи ҳам бор эди, — сингари гапларнинг кети узилмас эди.

Мен бўлсам, ҳаммасидан хабардор бўлганим учун одамларнинг: «Бу ёққа кел-чи, бир бошдан гапириб бер-чи», деб чақирганларига ҳам парво қилмай совун олиб магазиндан қайтар эдим. Кўчада тахта қўлтиқлаб кетаётган Зокирга дуч келиб қолдим. Мен кейинги пайтда, нимагадир, Зокир билан нукул кўчада учрашадиган бўлиб қолдим. Дарс тайёрлайман дейди-ю, доим мана шунақа кўча чаңги-тиб юради.

— Қори почча қочиб кетибди, энди нима қиласан? — худди «ажаб бўлсин» дегандек бир оҳангда сўради Зокир.

— Нима қилардим, энди сен билан Дев овлаймиз-да, — дедим жўрттага.

— Ҳечам-да, — Зокир қўлидаги тахтани ерга қўйиб гапи-да давом этди, — энди мен ҳеч шунақа ишларга юрмайман.

Ростини айтсам, шерик, энди сен билан камрок борди-келди киламан... Ойим Ҳошимга кўшилсанг, одам бўлмайсан, деяпти... Мана, Орифга кўшилиб одам бўп қолдим. Сен кузги имтиҳон эмас, яхшиси, олтинчи синфда иккинчи йили ҳам қолиб ўқиш керак, деб эдинг. Мана шу гаплар ғирт ёлгон экан. Кураторимизга айтган эдим, «бу — даигасанинг гапи», деб мени уришиб берди... Мен-чи, шерик, алгебраиям топширдим.

— Ҳисобга жуда уста бўлиб кетибсан-да, бўлмаса?

— Рост, шерик, ҳисобга жуда уста бўлиб қолдим. Ўқитувчимиз ўзи сен бўладиган боласан, деяпти.

— Ҳозир бикинингга битта тепсам, елканга иккита муштласаму, шуни учга кўнайтирсам — ҳаммаси нечта бўлади?

— Ня, шерик, мени урмоқчимсан?

— Йўқ, урмайман, қани айт-чи, нечта бўлади?

— Умумий йигиндисини сўраясанми?.. Ҳозир... Кўлингни мушт қилмай тур-да, адашиб кетяпман... Ҳозир ўн бешта бўлади!

— Топдинг, қандингни ур! Қани юр энди, тахтани элтишиб берай.

Тахтанинг бир учини Зокир, иккинчи учини мен елкамга кўйиб Орифлариникига жўнадик. Йўл-йўлакай Зокир Ориф ташкил қилаётган кутубхона тўғрисида гапириб берди. Унинг айтишича, бунақанги китобга бой кутубхона бутун дунёда ҳам топилмас эмиш. Дарсликдан бошқа ҳамма китобни ўша ердан оlesa бўлармиш. Ҳатто қалинлиги бир қарич келадиган китоблар ҳам бор эмиш. Мана шу тахтани сўкичак қилини учун олиб бораётган эмиш. Умуман, Орифнинг айтишича, китобларни озода сақлаш учун ойпалли жавондан сўкичак яхши бўлар эмиш.

— Сўкичакни ким қилиб беради?

— Ким бўларди, мен-да...

— Вой-бой, сен ҳали миҳ кокишини билмайсан-ку!

— Ориф ўргатиб тургандан кейин... биламан-да!

— Менга қара, китобларни тўнлаб-тўнлаб, кейин нима қиласизлар?

— Ўқиймиз-да. Ориф, ухлагандан китоб ўқиган яхши дейди. Шерик, сени ҳам рўйхатга кўшиб қўйдик. Китоб ўқигинг келса, кириб аввал қўл кўясан-да, истаган китобингни олаверасан... Биз иккинчи синф болаларига китоб бермайдиган бўлдик. Биласан-ку, уларнинг қўлига китоб тушса расмини қиркиб олиб кўгирчоқ ясашади.

Гап билан бўлиб Орифжониникига кириб борганимизни ҳам билмай қолибмиз. Ориф қўлида дастарра, биз кўтариб

келгандан сал калтарок бир тахтани арралаётган экан. Бизни кўрди-ю, севишиб кетди. Ҳаммадан ҳам тахтага хурсанд бўлди. Дархонасининг тўрига қилаётган сўкичаги битай деб копти. Менга кўрсатиб:

— Қалай?— деб сўради.

— Тахтасини рандаламабсан-ку!

— Шуниси яхши. Рандаласа силлиқ бўлиб китоб турмайдиغان бўлиб қолади,— тушунтирди Ориф.

Уша куни ойим совунни тезлик билан келтириб бергин деганини ҳам унутиб, кун ботгунча Орифларникида қолиб кетдим. Сўкичакни битказмагунча учовимиз ҳам уйдан чиқмадик.

XIII боб

ҚОТИЛЛАР МАСЛАҲАТИ

Кечаси билан кўркиб ухлай олмадим. Кўзим уйкуга илинди дегунча, қори поччам орқа томондан писиб келиб, худди товукни таппа босгандек босади-да, икки қўллаб бўғиб:

— Ҳа, хали сеимидинг мени шарманда қиладиган?— деб кийнаш бошлайдди. Кўркиб уйғониб кетаман. Уйғонсам, ё оғзимга кўрпа тўғри келиб қолган бўлади, ё ерга қараб ётиб қолган бўламан. Бир маҳал тушимда қорним тарсиллаб ёрилиб кетгандек бўлди. Энди овқатни қасримга ер эканман, деб хафа бўлиб йиглаб, йиғлаганимча уйғониб кетдим.

Қори поччам икковимиз ўртамиздаги сирни бировга айтсанг қорнинг ёрилиб ўласан, деган эди... Демак, энди қорним ёрилди экан-да, деб кўркиб, кўзимни очиб ўзимга кулоқ солиб ётдим. Кун чиқиб қолди ҳамки, қорним ёрилмади. Демак, мени кўркитиш учун шундай деган экан-да, деб кўнглимни тўқ қилиб, хурсанд бўлиб ўрнимдан турдим. Етти марта керишиб, уч марта эснаб муздек сувла маза қилиб ювиндим. Кейин хусайни узум билан чой ичдим-да, қори поччам хойнахой Узункулоқ ота мазоридан беркиниб ётгандир, қани, бир борай-чи, эҳтимол, белини уқалаб қўйишга тўғри келар, деган ўй билан тўппа-тўғри зиёратгоҳга жўнадим.

Қори поччамнинг хужрасига ҳар куни чопқиллаб кириб бораварардим, бугун, негандир тўппа-тўғри кириб боришга ботинолмадим. Тушим ўнгидан келиб қори поччам бўғиб ўлдириб қўйса кўнглимдаги орзуларим амалга ошмай қолиб кетишидан кўрқдим. Ҳамиша мушкулимни осон қиладиган қадрдон қалпоқчамни бошимга кийиб, ичкари кириб бордим... Ёнгоқ қори поччам ўтирадиган атлас кўрпачалар тўшалган мраммар супагада бугун, негандир, расмга тушаёт-

гаидек савлатли бўлиб, хоша ютгаидек кеккайиб Бодом қори амаким ўтирибди: бошида оппоқ салла, эгнида олача чопон, тасбех ўгириб бир нарсаларни пичирлаб ўқияпти. Хужрага киришим билан орқамдан Данак қори поччам ҳам кириб борди.

— Хўш, мулла Данак, келдингизми? — тасбех ўгиришдан тўхтаб сўради Бодом қори амаким, — аввало эшикни ичидан беркитиб кўйинг... Баракалла! Қани энди, беринок келиб ўтиринг-чи. Кўп ажойиб ишлар бўлдимми-а?

— Нимасини айтасиз, хўжам.

— Аммо-лекин халқ Енғоқ қорини тошбўрон қилиб ўлдирганда савобга қоларди-да.

— Қочиб қолди-да, бўлмаса ўлдириш ҳам гапми, терисига сомон тикарди.

— Энди, мулла Данак, у кишининг ўринларига бугундан эътиборан мен ўтираман.

— А? — оғзини ва кўзларини катта очганча анграйиб қолди Данак қори поччам.

— Нима, ўзлари ҳам умидвормидилар? Ўттиз йилдан буён Енғоқ қори ҳазратлари ўрнинга сизни қолдириб кетаман, деб каминанинг кўнглини гул-гул яшнатиб келадилар... Бугун мен муроди мақсадимга етдим...

— Каминани кечиринг. Аммо бу ўрин шу соатдан эътиборан меники бўлғай, — деб секин Бодом қорига яқинлашди Данак қори поччам, — авваламбор, Узунқулоқ ота ҳазратларининг авлодларидан бўламан. Сўнгра, Енғоқ қори бу ўринни менга ўттиз беш йилдан буён ваъда қилиб: «Мулла Данак, белни маҳкам боғлаб, хизматни қилаверинг, ўзимдан сўнг бу мазорни сизга хат қилиб бериб кетаман...» — деб кўнглимни тоғдек кўтариб келадилар.

— Чувварани хом санабсиз, мулла Данак.

— Ўзлари хом санабдилар, мулла Бодом.

— Бу ўринга сиз нолойиксиз, — овозини бир парда юкорилатиб деди Бодом қори амаким, — сабабким, халқумингиз попоқдир. Қуни кеча кесир ғунажини бўғоз деб пулладингиз ва яна қолхознинг полизига қоровул бўлиб турганингизда етти пуд пиёзни бир қадок кўкнорига алмаштириб ичгансиз...

— Ё навзамбилло! — ёқасини ушлаб ўридан турди Данак қори поччам, — халқуми попоқ деб ўзларини атамоқ даркорким, боғларидан кесиб олинган беҳи таёқни Макка-тиллодан келган хассан Мусо деб авомни алдаб юрибдилар.

Қарасам, икковлари ўртасидаги жанжал ҳали-бери тугайдиган эмас. Кечаси уйқудан қолган эмасманми, бу ёқда

уйкум келиб кўзларим юмилиб кетяпти. Нарирокдаги бўш кўрпачага чўзилиб тўсатдан ухлаб қолибман. Қанча ухлаганимни эслай олмайман. Бир маҳал кўзимни очсам, икковларни бир ўринга ўтириб олиб, худди елимлаб кўйилгандек бир-бирларига қапишиб елкалари билан ҳадеб бири иккинчисини итаряпти.

— Қани, нарирок ўтирсинлар-чи! — дейди Бодом қори.

— Пўк, ўзлари нарирок ўтирсинлар, — дейди Данак қори поччам.

Ўзи уйқудан зўри бўлмас экан. Шу пайтда мен ўзимни шунча хушёр тутишга ҳаракат қилсам ҳам бари бир яна ухлаб қолдим. Назаримда бу гал унча узоқ ухламадим шекли. Нега десангиз, кўзимни очганимда икковларни ҳамон бир жойда ўтиришар эди. Энди улар Енғок қори ҳаммамизнинг обрўйимизга путур етказиб қочди, энди мана бу лагерни кураётганлар кучайиб, ҳеч кимдан ҳайинмай бугун-эрта Узункулоқ пиримнинг қабрларини бузиб ташлайди, шунинг олдини олишимиз керак, деб маслаҳат қилишар эди. Данак қори энди одамлар бизнинг гапимизга кирмайдди, деб бу таклифга кўшилмади.

— Хўш, унда нима қиламиз, мулла Бодом?

— Абдушукуровни ўлдирамиз.

Данак қори жуда кўрқок экан, бу гапни эшитиб, рангикути ўчиб кетди:

— Раъйингиздан қайтинг.

— Қарор катъий. Аке холда, Узункулоқ пиримнинг қабрларидан жудо бўламиз.

— Мен бу ишга бош кўшолмайман, — қалтираб деди Данак қори поччам, — яхшиси, мазор ҳам ўзингизга бўла қолсин. Менга хатми-куръон билан жанозадан тушган пул ҳам етади... Сизнинг юрагингиз дадилроқ, кўрбошига йиғит бўлгансиз, ботирсиз!

Кейин икковларни Абдушукуров амакини қандай қилиб ҳеч кимга билдирмасдан ўлдириш тўғрисида режалар туза бошлашди. Бу ишни, мана шу лагерда тиланчилик қилиб ўтирадиган бели букри, соқоли оппоқ оқарган бир дарвиш бор эди, ўшанга топширадиган бўлишди. Букри букри эмас, балки «Қизил юлдуз» колхозининг омборчиси Султонов деган ёш йиғит экан. Ун йилга қамалиб кетаётганда қочиб менинг устозим бўлмиш Енғок қоридан паноҳ сўраб келган экан. Қори поччам ўз кўли билан оппоқ соқол ясаб бериб бошига ҳам ясама соч кийгизиб, бели букри бўлсин деб елкасига увада боғлаб: «Узункулоқ пиримга хизмат қил!» деб тайинлаган экан.

— Енгоқ қори кўп пухта одам эдилар,— деб сўзини тугатди Бодом қори амаким. Данак қорига ташқарига чиқиб дарвишни чақириб келинг, деб буюрди.

Мен қора ошқовокнинг ярим палласини бўйнига осиб олган, бир йилдан буён кўлига ҳам, юзига ҳам сув тегмаганидан соч-соқолигача сарғайиб кетган жулдур кийимли бу дарвишни ҳар кунни кўраман, гаплашаман. Қун бўйи тиланчиллик қилади. Муҳаммад пайғамбарнинг шеърларини айтиб, бошини тебратиб, паранжи ёпинган хотинларни роса йиғлатади, чўнтагидаги бор пулини қоқиб олади.

Шеърларини кўп эшитганимдан оҳанги ёқиб қолгани учунми, ҳатто уни ёдлаб ҳам олганман:

Бисмиллодин баён айлаб,
Хикмат айтдим толибларга,
Дурри-гавҳар сочдим mano,
Риёзатни қаттиқ тутиб,
Қонлар ютиб,
Мен дафтарий сонин сўзин
Очдим mano...

Данак қори дарвишни бошлаб кирди. Дарвиш узун ирғай таёққа осилиб, Бодом қори амакимга таъзим қилиб, кўл ковуштирганча буйруқ кутарди.

— Хўш, мулла Болта, ишлар қалай?

— Бир нави, пул яхши тушмаяпти.

— Пулни кўя туринг ҳозирча,— кўлини снлаб кўйди Бодом қори,— сизни хавф-хатардан огоҳ қилиб кўймоқчиман.

— Қанақа хавф?— қаддини ростлаб кўзларини ўйнатиб сўради дарвиш.

— Сизни бу ерда эканлигингиздан ҳеч кимнинг хабари бормиди?

— Худойи таолодан бошқа ҳеч кимнинг хабари йўқ.

— Лагерь қурилишининг директори Абдушуқуровни танийсизми?

— Танийман. Лекин у мени танимайди.

— Шу одам сизнинг кимлигингизни билиб қолибди.

— Кеча ёнимдан ўта туриб: «Ивирирмай ўл!» деган эди-я,— деди дарвиш таъвишланиб.

— Ҳа, баракалло! — хурсанд бўлиб деди Бодом қори амаким.

— Шу одам сизни мелисага чақиб бермоқчи.

— Мелисага?! — қаттиқ кўрқиб кетди шекилли, дарвишнинг кўзлари нақ жойидан чиқиб кетаёзди.

— Ҳа, мелисага,— тасдиқлади Данак қори поччам ҳам.

— Мен ҳозирок бориб уни чавақлаб ташлайман! — дарвиш ёнини пайпаслаб пичоғини ахтара бошлади, — пичағини бошига салла қиламан.

— Хай, хай, ўзингизни босинг. Шайтонга хай беринг, — насихат қилди Бодом қори. Кейин Абдушукуровни ўлдириш йўлларини ахтара бошлашди. Пичоқлаб ўлдириш — бу жиноят бўлар экан. Шунинг учун дарвиш уни бўғиб ўлдирадигану, қори поччам эртасига одамларга: «Пингит бечора Ўзунқулоқ пирим мазорини бузиб ўрнига лагерь кураман» деб ўз жонига жабр қилди. Бу худойи таолонинг қазабини келтирди, худо ўз омонатини олди-қўйди... Эсингизна, ёш кетди-да... болаларига жабр бўлди...» деб ҳаммадан олдин йиғлайдиган бўлди.

— Кечаси, эл ухлаганда кишлокка тушиб бориб ўз уйда, ухлаб ётган ўрнида бўғасиз, — деб давом этди Бодом қори амаким.

— Қўнглингиз тинч бўсин, таксирим, — кулиб қўйди дарвиш, — бунақанги ишни биринчи қилаётганим йўқ. Худога шукр, ишим доим ўнгидан келган.

— Илоё омин! — қўл кўтариб фотиҳа беришди қорилар, — хайрли ишингизда Ўзунқулоқ пирим мададкор бўлсин, зиёратчилар кўпайиб, назри ниёзга барака кирсин, обловху акбар!

Хар қуни фотиҳа ўкиб ўрганиб қолган эмасманми, қаерда ўтирганимни ҳам унутиб мен ҳам овозимни чўзиб:

— Обловху акбар! — деб юборибман.

Яширмай кўя қолай, шу пайтда ўзимни йўқотгудек шошиб қолган эдим. Нима қилишимни, ишни нимадан бошлашимни билмайман дедим. Қори поччамнинг қўлидаги беҳи таёкки олиб ҳаммаларини савалаб кетай десам, ўзингдан катта одамни уриш ақлдан эмас...

Шартта ўримдан туриб участкавой милиционерни ахтариб кетдим. Участкавой амаки қиладиган ишни бўлмагани учун кишлоғимиздаги аптекачи билан қуни бўйи шахмат ўйнаб ўтиради. Уни бугун ҳам худди аптекачинг ўзидан топдим.

— Амаки, амакижон! — деб юборибман осолгина топганим учун ўзимда йўқ севиниб.

— Сал ўзингни бос, нима гап ўзи? — хавотирланиб ўрнидан турди участкавой амаки.

— Сиз Болта Султоновни танирмидингиз?

— Танийман. Икки йил аввал камокдан қочган.

— Мен унинг қаердалигини биламан.

— Рост айтялсанми? — негадир ёнбошидаги наганини пайпаслаб қўйди участкавой амаки.

— Менга кара, сен анави Рўзи тракторчининг ўгли-
мисан?

— Топдингиз, ўшаман.

— Ёнгок қорн ухлаб ётганда... ушлаб берган сенмидинг?

— Ўша мен эдим-да,— деб кўйдим яхшироқ гап эшит-
сам керак деб талтайиб.

— Агар бу гапинг ҳам рост бўлса, мен сенга... Мен
сени дружиначилар рўйхатига ёзиб қўяман. Пўк... яхшиси,
милиция начальнигига айтиб, катта мукофот олиб бераман.

— Амаки, менга мукофот керак эмас,— дедим шошиб-
пишиб.— менга-чи, китоб соладиган битта жавон олиб бера-
сиз. Мен уни Орифга совға қилмоқчиман...

— Кетдик! — деди участкавой амаки кизил шапкасини
бошига кийиб,— гапинг рост бўлса, битта эмас, иккита жавон
олиб бераман.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, дийдиё ўқиб хотинларни
йиглатиб ўтирган дарвинининг қўлини оркасига боғлаб, ия-
гига елим билан ёпиштириб олган узун соколнин юлиб
ташладик.

— Қани, юр! — деди участкавой амаки елкасига наган-
нини сопи билан туртиб.

— Жавон эсингиздан чиқмасин, амаки! — деб қичқирдим
орқаларидан.

XIV боб

УЗУНҚУЛОҚ ОТА ЁКИ УРГОЧИ ЭШАК ҚИССАСИ

Югуравериб роса холдан тойган эканман, муздаккина
тош устига ўтириб ҳар нарсалар тўғрисида ўйланиб кетдим.
Ўйлаб-ўйлаб зерикканимдан кейин кўлтигимда турган
қалпоқчам билан ширингина суҳбат курдим.

— Балли сенга, қалпоқчам, ҳаммаси сен туфайли бўл-
япти. Хўп десаинг, участкавой амакига айтиб, сенга ҳам бир
мукофот олиб берсам?

— Менга мукофот керак эмас,— тилга кирди қалпоқ-
чам,— ҳозир ўрнингдан туриб, Бодом қорининг орқасидан
югур.

— Уни қаердан топаман?

— Уйига кетяпти, йўлдан топасан.

Шартта ўрнимдан туриб кадрдон қалпоқчамни бошимга
кийдим-да, нарироқда зиёратчилар қозонда шўрва пиши-
ришаётган экан, Ёнгок қорн поччаниннинг ҳақлари деб

гўштининг ярмини олдим-да, йўл-йўлакай еб Бодом қори амакимнинг орқасидан югурдим.

Қорни гўштга тўйган одам яхши югуришни мен ўшанда билдим. Ишонасизми, ярим соатлик йўлни ўн беш минутда босиб қўйибман-а! Қори амаким йўл юрганда, мен уй-қумда гапириб чиққандек, у ҳам гапириб юрар экан. Мана, ҳозир ҳам овозини чиқариб, жавраб боряпти:

— Э парвардигори олам, марҳаматингга минг қатла шукр. Мана, эсон-омон каттагина мазорнинг шайхи ҳам бўлиб олдим. Кечалари қилган ноламни, тезроқ Енғок қорини гумдон қилгин, деб қилган илтижоларимни инobatга олибсан-да. Мана энди, жарақ-жарақ пуллар, назру ниёзлар, мева-чева, ўз оёғи билан юриб келадиган қўю эчкилар...

Бир маҳал қарасам, Бодом қори амаким, ҳалиги радиодан Мулла Дўстнинг ашуласини беради-ку, худди ўшанинг оҳангига мослаб ашула айтиб елкаларини учуриб ўйнаворса бўладими!

— Мулло Бодом, овинг келди,
овинг келди.

Даврининг сур. довнинг келди,
довнинг келди.

Хо, довнинг келди... —

деб ашулани ванг қўйиб, яна биров кўриб қолмадимкан, дея у ёқ-бу ёғига қараб кўяди денг.

— Жуфт бўлсин, қори почча! — деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

Қори амаки атрофига кўз югуртириб ҳеч кимни кўрмагач, «қорним қулдиради шекилли...» деб кўйди ўзига-ўзи.

— Ашуладан яна эштайлик, — дедим яна.

— А? Биров гапиргандек бўлдимми?

— Ҳа, мен гапирдим.

— Тавба, сен кимсан ўзи?

— Мен Ҳошимжон... Йўк, мен... Дев бўламан!

— Дев?! Э худо, э худовандо! — қори амаким оғзини катта очиб, кўзларини олайтириб кўлидаги таёқдек котди-қолди. Анчадан кейин келиб Мухаммад пайғамбарнинг шеъридан бир жуфт ўкиб, ўнг ва чап томонига дам солди-да:

— Мендан нима истайсан, э улуғ Дев? — деб сўради.

— Ҳозир бориб Ўзункулоқ пириминг мазорини бузасиз.

— Бузасиз?!

— Ҳа, текислаб ташлайсиз. Ўрнига пионерлар учун ёзги кинотеатр солинади.

— Нима, қабрни бошқа ёққа кўчирамизми?

— Кўчирсак ҳам бўлади. Қани орқага қайтинг,— деб кўлидаги хассани тортиб олиб ўша билан секин туртиб кўйдим қори амакимни,— бўлмаса жонингизни оламан.

Қори амаки қанақа воқеа юз бераётганига ақли етмай, ўнгими-тушими, хатто шуни ҳам аниқлай олмай, кўркаписа дуолар ўкиб мазорга қараб йўл олди. Нима қилиш кераклигини, ишни аввало нимадан бошлаш зарурлигини уқдириб боряпман. Йўлда боряпти-ю, ароқни кўп ичиб кўйган одамдек гандиракляб-гандиракляб кетади, икки марта шаталоқ отиб қочмоқчи ҳам бўлган эди, тўсиб кўлимдаги таёқ билан сизил-ели тўртиб кўйдим.

Зиёратгоҳга етгач, қабрни кучоқлаб:

— Эй, Узунқулоқ пирим, ўзингиз паноҳингизда асранг,— дея илтижо қила бошлади,— қабрингизни бошқа жойга кўчирмоқчилар... инсу жишлар елкамга таёқ тираб турибди... Эй пирим!

Қори амаким мен нима деб тайинлаган бўлсам, худди шундай қилди. Зиёратчиларни, тиланчиларни, кассобу чойхоначини, лагерь қурилишида ишлаётган ишчиларнинг ҳаммасини қабр атрофига тўплаб:

— Пиримнинг хокларини бошқа жойга оламан,— деди қалтироқ овоз билан.

Зиёратчилардан етти киши хўнграб йиглаб юборди, беш киши юзини тесқари ўгирди. Уч киши бу даргоҳдан дарров жўнаб қолди. Ишчиларнинг кўпчилиги, назаримда, қарсақ чалиб юборгандек бўлди. Қурилиш директори, эрталаб қори амаким томонидан ўлимга маққум этилган Абдушукуров амаки:

— Қори почча, сиз ўзи ажойиб одам экансиз! — деди севиниб.

— Ажойиб бўлмай ўлай! — деб қори амаким қабрга кетмон урди. Кейини кўплашиб кетишди. Ҳаш-паш дегунча Узунқулоқ пиримнинг суякларини ҳам чиқиб қолди.

— Ие, бу эшакнинг суяги-ку! — деди қабрдан суякларини олаётган киши.

Тўпланганлар анграйиб қолишди. Бир хили худди «апшу» деб аксирмоқчи бўлгандек оғзини очиб, кўзини юмганча; бир хили ҳам кўзини, ҳам оғзини очганча; олдинги қаторда турганлар бошини орқага ташлаб, орқада турганлар хиёл олдинга эгилганча қотиб туришарди. Нарироқда Бодом қори амаким билан Данақ қори поччам худди жини чалиб кетгандек тилдан қолиб, ёқаларини ушлашиб, галмагал елка қисншяпти.

— Йўк, отининг суяги,— деди одамлардан бири ниҳоят тилга кириб.

— Кечирасиз, бу хачирининг суяги,— деди иккинчиси. Зиёратгоҳининг мўйловдор қассоби суякларни кўлига олиб, кўзини қисиб у ёк-бу ёғига назар ташлади-да:

— Эшакники,— деди ишонч билан,— ургочи эшакнинг суяги...

Одамлар аста-секин ўзига келиб қабри яна ҳам чуқурроқ ковлаб кўриш керак, пиримнинг суяклари эҳтимол пастроқдадир, деб илтимос қилишди. Қабр яна ковланди. Тошдан бошка ҳеч нарса чиқмади. Йигирма чокли одам ўша атрофни илма-тешик қилиб юборди ҳамки — ҳеч нарса йўк.

— Хўш, таксир, бу қанақаси бўлди?— деб сўради зиёратчилардан бири Бодом қори амакимдан.

— Мен... йўғ-е, яхшиси, мулло Данак гапирсинлар,— орқага тисарилди қори амаким,— бу киши Узунқулок пиримнинг авлоди бўладилар...

— Йўк, ўзларидан бўлсин,— шундай деб Данак қори Бодом қорининг орқасига ўтиб, бекиниб олди.

Одамлар ўртасида аввал пичир-пичир, кейин ғала-говур бошланди. Қорилар бизни лақиллатиб юришган экан, деган гаплар ҳам бўлди. «Пиримнинг суякларини қофирлар ўғирлаб, ўрнига ургочи эшакнинг суягини кўмиб кетишган экан...», мазмунидаги мулоҳазалар ҳам ўртага ташланди. Ниҳоят, лагерь қурилишида ишлаётган соколсиз бир чол ўртага чиқиб: «Тоғнинг ичкарасида бир юз ўттиз тўрт ёшга кирган Қобилбобо исмли бир чол яшайди. Ҳар гал кўргани борганимда: «Ҳа, эшакка сизгинувчилар», деб сўрашади. Эҳтимол, ўша кишидан бир гап чиқар...» — деган эди, кўпчилик чувиллаб:

— Ўша чолни олиб келиш керак!

— Дарров машина юбориш керак! — деб қолди.

Ҳазил-ҳазил билан халиги соколсиз чолни қурилишда ишлаётган бир машинага ўтказиб тоққа жўнатиб юборишди.

Пиримнинг қабридан ургочи эшакнинг суяги чиққани тўғрисидаги шум хабар бирпасда яқин ўртадаги кишлоқларга ҳам тарқаб, то бир юз ўттиз тўрт ёшга кирган чолни олиб келгунларича зиёратгоҳни одам демагани чумолидек босиб кетди. Эски паранжини ёппииб, хатто бувижоним ҳам келиб қолди.

— Сен нима қилиб юрибсан, Ҳошим?— деб сўради менадан.

— Ўзим, шундай... Ўйнаб юрибман,— тушутирдим бувижонимга.

Қобилбобонин машинанинг кабинасида олиб келишди. Қўлтигидан олиб Енгоқ қори поччам ваъз айтадиган тепаликка олиб чиқишди:

— Энди болаларим...— энтикиб деди Қобилбобо,— қарлик курсини, чарчаб қолдим. Бир оз нафасимни ростлаб олай... зап тўпланибсизлар-да, ҳаммасини гапириб бераман...

Бу воқеага бир юзу йнгирма етти йил бўлди. Ушанда мен етти ёшли бола эдим. Пастки қишлоқда Раҳим ўтинкаш деган бир чол яшарди. Бечоранинг битта ургочи эшагидан бошқа ҳеч нарсаи йўқ эди. Токқа чиқиб ўтин кесиб, ўша эшагига юклаб бозорга борар эди. Бир кунн тоғдан арча ортиб келаётганда, эшак мана шу мен турган тепаликдан пастга тушаётиб, оёғи тийгониб, йиқилди-ю, бели чўрт узлиб кетади... Чол йнглайди, сиктайди, йнгирма йил рўзгорини тебратишига ёрдам қилган бу қари эшакни кўп ҳурмату эъзоз билан мана шу ерга кўмади. Чарчаб, қабрга суяниб дам олаётганида тоғдан бегона ўтинчилар тушиб келишиб:

— Э, бобо, бу қанақа қабр?— деб сўрашади.

Чол йнглаб:

— Валишевматимни кўмдим,— дейди ярим ҳазил, ярим чин қилиб,— мени йнгирма йилдан буён боқиб келган... Узунқулоқ пиримни кўмдим...

Ўтинчилар бечора чолга ачиниш, бир таиға, ярим таиғадан бериб ўтиб кетишади.

Чол уч-тўрт йил мана шу ерда тиланчилик қилиб ўтирди...

Раҳимқул ўлгандан кейин Азизхон эшон бу ерга келиб даҳма солдирди, тол, чинорлар эктирди, булоқларининг атрофига кўриб турганларнингдек, харсанг тошлар ётқиздирди. Қабрининг устига мармар тошдан сағана қилдириб:

— Узунқулоқ пирим катта авлиё эдилар. Қофирлар билан жанг қила-қила мана шу тепалик ёнида шаҳид бўлдилар...— деб бошлаб маъруза қилди.

Шу-шу бўлди-ю, Узунқулоқ пиримнинг овозаси етти музофотга тарқалиб зиёратчилар бу ерга селдек оқиб кела бошлашди. Қимки, бу гаплар ёлғон деса, уни тошбўрон қилишга буюрдилар... Эҳ-хе, бу ерда не-не эшон, эшонваччалар бойиб даври даврои сурмади... кўрбоши замонида не-не йнгитларининг қони тўқилмади, босмачиларга қарши чикқани учун қофир деб аталиб, бу қабр атрофида не-не азаматлар кўйдек бўғизланиб кетди...

Бир кун мен ҳам бу ерга эшак кўмилган, деб балойин азиямга қолдим, токқа қочиб, араиғ кутулдим...

Бундоқ қарасам, одамлар худди гишоз қилингандек

котиб қолишибди. Аммо ҳаммаларни ҳам қўлларини мушт қилиб, тишларини гижирлатиб турибди. Бувижоним бўлса нима қиларини, шунча йил алданиб келгани учун аламни кимдан оларини билмай, безгак тутгандек дағ-дағ қалти-раяпти.

— Энди сўз қориларга, қорилар гапирсин! — деди Абдушукуров амаки.

Қорн поччалар Қобил бобо гапириб одамларни оғзига қаратиб турган пайтда хайр-маъзурни насия қилиб секингина жуфтанин ростлаб қолишган экан, ҳеч жойдан топиб бўлмади.

Одамлардан бири ажойиб бир таклиф киритиб қолди. Ўша ақлли одамнинг таклифи билан эшакнинг суяқларини йиғиб, сим билан боғлаб, чинорга, энг новча одамларнинг ҳам қўли етмайдиган жойга осиб қўйишди. Тагидаги бир парча тахтачада эса биринчи синф ўқувчилари ҳам бемалол ўқий оладиган катта-катта ҳарфлар билан мана бундай ёзув ёзилган эди:

«Бир юз йигирма етти йилдан буён диндорлар сиғиниб келган, бели сиғиб ўлган ургочи эшак — ҳазрати Ўзунқулоқ пиримнинг суяқлари мана шу бўлади... Қўл теккизилмасин, штраф ўн сўм».

XV боб

ЯПРОҚЛАР ҚАРСАК ЧАЛАДИ

Шундай қилиб десағиз, ишларим яна юришгандан юришиб кетди. Бувижоним мени боғлаб тарбиялайман деб, ўртоқларимдан ажратиб олиб, уйга қамаб, Мухаммад пайгамбарнинг шеърларини ўргатиб, эшон поччамга шогирдликка бериб жонгишамни қийнаётган эди. Энди у бу фикридан бутунлай қайтганга ўхшайди. Нега десағиз, бугун эрталаб намозга мени уйготмади. Кўзимни очиб:

— Бувижон, мен ҳам турайми? — деб сўрадим.

— Ухлайвер, болам, — деди бувижоним қўл силтаб, — менинг алданганим ҳам етар.

Бунинг устига худди ўша кунни эрталаб участкаво амаким ваъдасининг устидан чиқиб юк ташийдиган машинага эскирок бўлса ҳам битта китоб соладиган жавон юклаб келиб қолди. Машинанинг орқасини тўппа-тўғри Орифларнинг кўча эшигига тўғриладик. Ўзимизнинг уйга туширсак ҳам бўлар эди-ю, лекин гап-сўз кўпайишидан кўрқдим. Бувижонимнинг одатини биласиз-ку, ахир ҳар хил саволларни калаштириб ташлашда алгебра ўқитувчимиздан кейини кишлоқда некинчи ўринда туради. «Нега милиционер

сенга шкаф келтириб берди, нега бошқага бермайди, ё яширинча алоқанг борми?..» деган саволларга кўмилиб кетишим турган ган. Шунинг учун тўппа-тўғри Орифларникига туширавердик.

Участковой амаки шкафини чертиб:

— Тараклашини кара,— деб кўйди,— эски бўлса ҳам, янгисидан яхши!

— Тўғри,— дедим мен ҳам севиниб,— бўяб, кўчган тахталарини қайтадан қокса — яп-янги бўлади.

Ориф шунақанги хурсанд бўлдики, шунақанги хурсанд бўлдики, шкафининг бир чеккасидан кўтариш ўринга, меннинг елкамдан кучоклаб:

— Шерик, шериквой! — дейди нукул иргишлаб,— китобларимнинг ҳаммаси сизгади энди, бемалол сизгади. Минг махмат сенга!..

т — Ҳатто ўзинг ҳам сизгасан,— деб яна ҳам хурсанд қилиб юбордим дўстимни,— ойнинг билан аразлашиб қолган кунларингда ичига кириб бемалол ухлайверасан...

Шкафни кўплашиб жойинга кўйиб китобларни тартиби билан териб бўлган ҳам эдикки, қовоғини айрон халтадек силтирганча Миробиддинхўжа келиб қолди. «Сенга айтадиган яширинча гапим бор», деб мени кўймасдан ташқарига олиб чиқиб кетди:

— Шерик, маслаҳат сўраб келдим,— деди у шивирлаб.

Хайрият, мендан ҳам маслаҳат сўрайдиган одам бор экан бу дунёда деб, нишонсангиз, шу пайтда бошим осмонга етди:

— Қанақа маслаҳат?

— Ҳеч кимга айтмайман, деб сўз бергин аввал.

— Бировга айтсам, калламни шартта кесиб ташлайман.

— Мен, шерик, бугун кечаси қочиб кетмоқчиман... Сен менга йўл-йўригини ўргатиб қўй. Ахир сен бунақа ишларга устасан-ку.

— Нима, сен ҳам қалпоқча топиб олдингми? — деб юборганимни билмай қолибман. Айтишга айтдимму қўлтигимда турган қалпоқчамни пайпаслаб кўрдим, йўқ, жойида турган экан.

— Қалпоқ топанганим йўқ,— деди Миробиддинхўжа,— мен, биласанми, янги дўшганимни кийиб қочмоқчиман.

— Нега энди қочмоқчи бўлдинг?

— Ишлар чағоқ, мен расво бўлдим,— йингламасираб деди Миробиддинхўжа,— ҳеч кимга айтмайсан-а? Хўн, очигини айтаман. Мен ўтган йили Азронд бобони кўрганман. Хўмга қамаб олиб, мени роса савалаган. Яна тағни ёлғон гапириб, одамларни алдасанг, жонингни оламан деган.

— Ростдан-а? — деб кўйдим жўрттага.

— Рост. Ойим, мана, қорилар расвоси чиқиб қочди, энди қишлоқ ўзимизга қолди. Тагин хумга тушасан, болам, деяпти. Мен энди тушмайман десам, ойим бошимга муштлаб «тушмасанг терингга сомон тикаман» дейди. Бу ёқда Азронл бободан кўркаман, қорн поччалариниям, ойиминиям — ҳаммасини ёмон кўриб қолдим. Йўқ, ойим ўзлари яхши-ку, мана шу ёлғон гапиртиргани ёмон-да. Бу ёқда ўқишим ҳам расво бўлган, хумда ўтириб ўйинга тушавериб ҳаммаёқни «2»га бостириб юборган эканман. Кўчмай қолдим, олтин-чида қолиб кетганман.

Бир хил вақтда, нима сабабданлигини билмайман-у, аммо гапга жуда чечан бўлиб кетаман. Ўзимдан катта одамларни ҳам оғзимга қаратиб ўтирган пайтларим кўп бўлган. Шу топда ҳам гапдонлигим жуда тутиб кетди! Миробиддинхўжани ҳам хаш-паш дегунча уйдан қочиш тўрисидаги фикрдан бутунлай қайтардим-кўйдим.

— Ўқиш масаласида эса ташвишланма, — дедим, — икковимиз бирга ўқиймиз. Хўп десанг, деразанинг ёнидаги катта партада бирга ўтираемиз. Мен бу йил албатта синфком бўлсам керак. Сени тозалик комиссиясига раис қилиб кўяман. Қара, кўлларинг оппоқкина, тирноқларинг олинган... Ойингни, хали айтганимдек, шу бугундан қолдирма! Ўзим кўндираман. Лекин менинг боришимни аввалдан айтма хўпми?

— Хўп, — деди Миробиддинхўжа хурсанд бўлиб.

— Демак, келишдик. Қани, оппоқ кўлингни бир қисиб кўяй-чи, тозалик комиссиясининг бўлажак раиси, — деб кўлларини каттик қисиб, пешонасидан ўпиб, қикирлатиб қулдириб дўстимни кузатиб кўйдим.

Уйга кириб Сора холамнинг одамларни алдайдиган катта хумини қандай қилиб сиздирсам экан, деб ҳар хил режалар тузаётган эдим, кўчадан аввал машинанинг сигнали, кетидан болаларнинг қийқириги, Хошим деб чақиргани эшитилди. Ташқарига чиқиб келган бувижоним:

— Хошимжон, чик, ўғлим, ўртоқларинг келди, — деб қистади, — лагерь қурилаётган жойга бориб, тош терармиш-сизлар.

— Чикмайман, бувижон, — дедим жўрттага.

— Нега энди чикмайсан, болам?

— Мен сиз билан ўтириб бу ерда намозлик ўрганаман. Нариги дунёнинг пайидаи бўламан... Нима қиламан, эси йўқ болаларга кўшилиб.

— Нариги дунёни қуриб кетсин! — шундай деб бувижоним менга яқинлашиб аста мени тиззасига олди. Эркалаб пешонамдан ўпди. — Оббо ўзимнинг эзлик ўғлим-ей, буви-

жонингининг олтинш йил эшакка сиғингани ҳам стар... Сени беҳуда қийнаб қўйибман. Майли, ёмон ўқисанг ҳам ўртоқларингининг ичида бўл. Тур энди, караб қолишди.

Шартта ўрнимдан турдим-да:

— Бувижон, мана шу гапингиз учун сизга, албатта, кўзойнак олиб бераман,— деб ташқарига чиқа бошладим.

— Умрингдан барака топ, болам.

— Йўк, бувижон, қўшқаватлигидан олиб бераман, қўшқаватлигидан! — Югуриб кўчага чиқиб кетдим.

Беш тонналик катта машина лик тўла бола экан. Мени кўришлари билан қийқиришиб, дарров қўлимдан тортишди. Қанча вақтлардан буён бунақанги кўпчилик бўлиб тўплаймаган эдик. Севинишиб, қарсақлар чалиб, ашула бошлаб юборганимизни ўзимиз ҳам билмай қолибмиз. Шерикларим менинг ўйинларимни соғиниб қолишган экан, мен ҳам тараф қилиб ўтирмай дарров кабинанинг томига тесқари қўтириб, ўйнашга тушиб кетдим:

— Бўш бола, бўш бола,
Ўйинлари беш бола,
беш бола,—

дейишиб қарсақ чалишганда эгилиб ҳаммаларига салом қўяман.

Ўйин-қулги билан зиёратгоҳга етиб борганимизни сезмай қолибмиз. Машинадан тушиб биринчи қилган ишимиз чинорга осиб қўйилган эшакнинг суягини томоша қилишу остидаги ёзувини ўқиш бўлди. Орифнинг фикрича, «эшак» деганда иккита «ш» ёзилар экан. Мен дарров эътироз билдириб нега энди, иккита «ш» ёзилар экан, қари эшакка битта «ш» ёзишса ҳам бўлаверади, деб зўрга кўндирдим.

Шу атрофда бир йўла бешта бульдозер ишлаб, ўнқир-чўнқирларни текислаётган экан. Текисланган ерлардаги туپроқдан чиқиб қолган катта-кичик тошларни тезроқ териб олишда ёрдамлашишимиз керак экан. Ўнг-терсини суриштириб ўтирмай, кўйлақларни ечиб ҳар томонга улоқтирдик-да, ишлаш мана бунақа бўлади деб, ишга тушиб кетдик. Мен дарров йиғирма чоғли болани ажратиб, алоҳида бригада тузиб, нариги бригадани социалистик мусобакага чақирдим. Биласиз-ку, кишлоғимизнинг пионерлари шўхлик қилиб, доим ойиларидан гап эшитиб юрса ҳам, аммо ишга келганда катта одамларни ҳам қочиради.

Икки соат ўтар-ўтмас, уч пайкал ернинг тошини териб, чинорнинг тагига уюб ташладик.

— Тагин иш борми, кўрсатинг?— деб сўради ўқитувчимиз Абдушукуров амакидан.

— Бир оз дам олиб туришлар, хозир бульдозер нариги ерга ўтиб кетади.

Эндигина зиёратчилар ҳар куни маза қилиб дам оладиган салқин бўлоқлар бўйига, сой устидаги баҳаво сўриларга ўтириб, бирпас дам олсак олайлик, деб турган эдик, кишлоқ томондан ҳаллослаганча Зокир келиб қолди:

— Мени чақирмабсенлар-а! — деди у хафа бўлиб.

— Чақирини ҳам гапми,— деб кўйди тош ташишда хозирча иккинчи ўринни эгаллаб турган Миробиддинхўжа,— машинанинг сигнални чалавериб, кишлоқни кўчириб юборай дедик-ку!

— Мен бўлсам боғда ўхлаб ётувдим,— ўзини оқлади Зокир,— сигнални эшитувдиму туш кўраётган бўлсам керак, деб ётавердим. Қани, менга ҳам иш борми?

— Бор,— деди ўқитувчимиз,— қани, бир «Кичкинажон» га ўйнаб юбор-чи.

Сизга айтаман деб, эсимдан чиқиб қолган экан, Зокир жиндак уйқучирок-ку, аммо кизикчилик ўйинларига тушишда ундан ўтадигани йўқ. Айниқса, «Кичкинажон»ни кийиб ташлайди.

Ҳаммамиз катта чинор тагига тўпланиб, давра олиб, Зокирни ўртага чиқардик. Аввал уялиб турди-да, кейин кўлларини ёнига қисиб санъатни кўрсата бошлади Зокир:

Кичкинажон, кичкина,
Товуқдан ҳам кичкина,
Тарвудан ҳам кичкина,
Кичкинажон, кичкина,
Тарикдан ҳам кичкина,
Кичкинажон, кичкина,
Қўноқдан ҳам кичкина,
Кичкина, кичкина...

Еру кўкни қарсак, кийкирик овози тутиб кетди. Ишонасизми, худди шу пайтда хурсанд бўлганидан тепамиздаги чинорнинг япроқлари ҳам бизга кўшилиб қарсак чалар эди. Уша куни лагерь қурилишидан қош қорайганда қайтдик. Дўстларим билан хайрлашиб, уйимизга томон жадал келаётган эдим, тўсатдан калпоқчам:

— Шерикларнинг билан учрашганингдан хурсандми-сан?— деб сўраб қолди.

— Бўлмасам-чи?! — деб кўйдим.

— Бугун-эрта ўқишлар ҳам бошланади, хабаринг борми?

— Хабарим бор. Мен бу йил енг шимариб ўқимокчиман.

— Унда мени ўз уйимга элтиб кўй,— деди калпоқчам.

качон ёрдамим керак бўлса, тортинмай боравер, сен учун ҳамнша хизматга тайёрман...

Шундай қилиб десагиниз, мен ўша кунни кадрдон қалпоқчам билан иккинчи бор хайрлашдим

— Хайр, қалпоқчам! — дедим кўзимга ёш олиб, — биз яна кўришамиз...

— Хайр, қувноқ дўстим, — деди қалпоқчам ҳам йиғлаб, — албатта, кўришамиз...

МЕНИНГ ҲАМ ДЎСТЛАРИМ БОР

1 боб

БИР ТОВОҚ ШИРГУРУЧ

Йиғирма олтинчи август кунни, йўқ, кечирасиз, йиғирма еттинчи август экан... Йиғирма еттинчи августмикан-а? Ҳар қалай, ўша кунни ҳаво жуда ҳам нисик эди-да, кишлоқ кўчалари жимжит, зог ҳам учмайди. Тирик жон борки, ҳаммаси ўзини салқинга урган. Орифнинг кучуги ҳам муздеккина ариққа бағрини бериб тилни чиқариб, хаёслаб ётибди. Дарахтлар ҳам қилт этмайди, бутун нарсалар турган жойида қотиб қолгандек. Тол шохига беркинган чумчуқлар ҳам чирқиллашмай қолнган, атроф дим, жуда ҳам дим.

Биз бўлсак, яъни Ориф, Зокир, Икромиддин олакўз, Миробиддин илжиқ — ҳаммамиз тутдан чумчуқ бола олиб, Мирзабуваннинг боғидан шафтоли ўғирлаб, гумининг этагида чўмилишиб, маза қилиб ўйнаётган эдик. Узоқдан Доно чақириб қолди.

— Берирок келсанг-чи! — дедим ўрнимдан тургим келмай.

— Яланғочсизлар, уяламан.

— Бўлмаса ганингни қаттиқроқ айт.

— Сизни янги муаллим сўраяпти.

Сувдан чиққим келмаса ҳам янги келган муаллим билан танишсам танишиб қўя қолай, деб шошилиб кийиндим-да, уйга жўнадим.

Борсам, чиндан ҳам ховлимизда бегона йиғит ўтирибди. Еши йиғирма икки-йиғирма учларда, бўйи новча, ўзи орқ, коп-қора сочини силлик қилиб тараб олган, яқинига бориб тикланган эдим, юзи чузиқ, кўзлари катта-катта, пешонаси дўнг бир киши экан. Менга ер остидан разм солган эди, беихтиёр юришдан тўхтаб:

— Ассалому алайкум! — деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолибман.

Хошимжоимсиз? — янги муаллим бир бош узумни чўкилаб еб ўтирган экан, уни лаганга қўйиб, секин ўришдан турди-да, икки кўлини менга узатди. Маълум бўлиши-

ча янги муаллимнинг исми шарифлари Воҳид Солиевич Солиев экан. Институтни бу йил битириб, тўппа-тўғри бизнинг кичлоқка ишга келибди. Ўзи алгебрадан, математикадан дарс берармиш. Бундан уч кун аввал, мен ўқишим керак бўлган б «Б» синфига куратор этиб тайинланибди. У, бу гапларни менга эмас, бувижонимга қараб гапирарди. Бувижонимга қараб яна давом этди:

— Синф ўқувчиларининг шахсий делоси билан танишиб чиқдим, бир хиллари билан алоҳида-алоҳида гаплашиб кўришга қарор қилдим,— деди у яна узум ейишга тушиб.

— Яхши килибсиз-да, айланай,— деб қўйди бувижоним ҳам.

— Энди опоки, ўз синфингдаги ўқувчиларнинг ота-онаси, уй шаронти билан эртароқ танишиб қўйган яхши-да... Елғиз ўзим тураман. Қиладиган ишнинг тайини ҳам йўқ.

— Ота-оналарингиз касрда, айланай?— деб сўради бувижоним.

— Шаҳарда... Лекин узумларингиз ширин экан, опоки.

— Ош бўлсин, еяверинг, кокиндик. Уйланганмисиз?

— Пўг-е, хали ёшимиз-у, опоки.

— Кийим-бошларингиз кир бўлса, тортинмай олиб келавering. Вакти бемаҳал исингиздан ҳам, айланай, ўзим хабар олиб тураман... Ишқилиб, мана шу шумшукни сал эпаккага келтириб берсангиз бўлгани. Дадаси ишдан бошқасини билмайди. Ойисен кунбўйи фермада. Менга бўйин эгмай қўйди бу бола. Қаранг, оркангизга ўтиб олиб, елкасини учуриб менга муқом қилянпти...

— Қани муқом қилганим, оркам қилянпти, ўшани қашияпман,— дедим бувижоним бегона одамга менни ёмонлагани учун сал жаҳлим чиқиб.

Янги ўқитувчи дадамга ўхшаб хотин кишиларнинг гапига қўнам кулок солавермайлиган бир киши экан. Бувижоним гапирянти-ю, у бўлса, нуқул узум ейди. Ниҳоят, узум кўнганга урди шекилли, лаганини чори билан нарироқ сурди-да, лабдаги ширани оппоқ сочик билан артаётди:

— Қани, Хошимжон, берироқ келинг-чи,— деб қўйди. Сўрининг бир чеккасига омонатгина ўтирдим. Бувижоним нима иш биландир бокка кириб кетди.

— Қаникулин яхши ўтказдингизми?— сўради муаллим

— Яхши ўтказдим.

— Қанақа китоблар ўқидингиз?

— Китоб ўқимадим, домла.

— Нега ўқимадингиз?

— Китоб ўқисам, шу денг, уйкум келиб, юрагим қисиллаверарди.

-- Юрагим киеглаверади? — муаллим хайрон бўлгандек менга тикилди, — нега энди юрагингиз киеглар экан?

-- Мен ўзи нервинийман-да, домла, — дедим жўрттага хазилга олиб.

-- Нервинийман? Халитдан-а, қандай қилиб нервиний ўла қолдингиз?

-- Домлалар уй вазибаларини жуда кўп беришадди-да, ўшаларини ишлайман деб, нервиний бўлиб қолганман.

Муаллим тиззасига шапшалаб, кулиб юборди. Қотиб-қотиб қулди. Қулганда оғзини катта-катта очиб, осмонга қараб қулар экан. Қахқаҳа овозидан толдаги чумчуқлар хурқиб хар томонга учиб кетишди. Янги муаллимнинг бунчалик хурсанд бўлганини кўриб, мен ҳам гапимни давом эттиравердим:

-- Ундан кейин, сизглим Ойша ҳам нервиний, менам кўркқанидан шунақа бўлиб қолган. Энг кичкина сизглим Доно бор-ку, ҳу, ана қараг — сўрининг тагида мушук болани ўйнатиб ўтирибди, ўша ҳам нервиний.

-- Зигирдай қизча-я?

-- Зигирдак эмас, иккичида ўқийди... у ҳам нервиний, боғчада кўгирчоқ талашавериб шунақа бўлиб қолган... биз ҳаммамиз нервиниймиз.

Муаллим яна кулиб юборди. Бу гал ҳам чин юракдан қулган бўлса керак, нега десагиз кўзларидан ёш чиқиб кетди.

-- Оббо Хошимбой-ей, Сиз жа қизикчи экансиз. Менга маъқул бўлиб қолдингиз.

-- Мана шу қизикчилигим учун бувижоним мени тириклайини кўммоқчи бўлиб юрибди, — арз қилдим янги муаллимга.

-- Нега кўмар эканлар?

-- Билмасам. Ишқилиб, тириклайини кўммасам муродимга етмайман, дейдилар.

Муаллим менга тикилиб, кулимсраганча жим бўлиб қолди. Нималарнидир ўйлаб кетди. Пешоналари тиритиб, кўзлари киегганини шундоққина кўриб турибман.

-- Бувижонингизни ҳафа қилманг. Менинг ҳам ана шундай бувижоним бўлганда бошимга кўтарардим. Қараг, қийимларингизни ювиб, дазмоллаб берибдилар. Ховлиларинг озода, ҳаммаёқ супурилган, саранжом-саришта... Хўш, дареликларинг ҳаммаси бутми?

-- Ҳаммаси тайёр-да, домлажон.

-- Қани, олиб чиқинг-чи.

Гизилиб кириб уйдан катта папкамни олиб чиқдим. Бир хил фанлардан хали дареликларим етишмас экан, буни мен папкамни олиб чиқаётганимда эслаб қолдим...

Ўша кунин муаллим мени бошлаб бориб, мактабдан дарсликлар олишиб берди. Кейин менга ўхшаш колоқрок бўлган яна уч ўқувчининг уйига биргалашиб бордик. Соф бўйидаги Акромлариникига ҳам бирров кириб чиқдик. Ховлиларида хайвону қушлар шунақанги кўпки, аввалига хайвонот боғига кириб қолдикми, деб икковимиз ҳам хайрон бўлиб қолдик.

— Домла, бошка болалариникига ҳам кирамизми? — деб сўрадим қайтаётганда.

— Йўқ, энди бўлди, — деб қўйди муаллим.

— Нега бошқалариникига кирмаймиз?

— Биз уйларига кирган болалар бешинчи сифда яхши ўқимаган. Ўшалар билан алохида-алохида шугулланишга тўғри келади.

— Демак, мен билан ҳам алохида шугулланасизми?

— Сиз ҳам ўтган йили сифда қолгансиз. Демак, сиз билан ҳам алохида шугулланишга тўғри келади...

Гап билан бўлиб мактабимиз ховлисидаги муаллимларга ажратиб берилган уйга етиб борганимизни ҳам сезмай қоллибмиз. Ўтган йили бу уйда эр-хотин Рябовлар туришар эди. Эри исми тилидан, малла сочли хотини рус тилидан дарс берарди. Иккала фандан ҳам баҳом сал чатокрок бўлгани учун бу уйнинг яқинига ҳам йўламасдим. Хатто, ўша атрофдан ўтганда жўрттага тескари қараб ўтардим. Воҳид Солиевич кутилмаганда мени мана шу уйга таклиф қилиб қолса бўладими. Ичкарига сал кўркиброк кириб бордим, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, хангу манг бўлиб қолдим. Бу ерни китобхонанинг ўзгираси дейсиз. Токчаларга ҳам, жавонларга ҳам ориқ-семиз китобларни шунақанги кўп териб ташлашибдик, асти қўяверасиз.

— Ҳаммаси ўзингизиникими? — биринчи саволим шу бўлди.

— Йўқ, Рябовлариники ҳам бор, — тушунтирди муаллим.

У, негадир, ўзи жуда кам гаширадио нуқул мени гапга солади. Қуибўйи мендан, сўрамаган нарсаси қолмади. Нега алгебрани ёмон кўраман, қочиб кетишимнинг сабаби нима, қайси болалар билан муштлашганман, Ёнгок қорига шогирд тушишга бувижоним нега мажбур қилди, қишлоқда намоз ўқийдиган нечта бола бор, қизлар ҳам намоз ўқийдими — хуллас, мана шунақа нарсаларни роса сўради-да.

— Журналлар ҳам Рябовлариникими? — деб сўрадим жўрттага гаши чалгитиш учун.

— Йўқ, булар меники. Ўқимокчи бўлсангиз, ола қолинг. Кейин келтириб берарсиз.

— Шахмат-чи, шахмат ҳам улариникими?

— Йўқ, шахмат меники. Ўйнайсизми?

— Мен шашкани билмаман-да.

— Қани олинг, бир куч синашиб кўрайлик-чи! Лекин билиб кўйинг. Мен қаттиқ ўйнаймаман.

— Мен ҳам бўли келмайман, домла.

Шашкани ўйнаётганимиз-у, лекин меннинг хаёлим бутунлай бошқа ёқда. Шу кунгача биронта ўқитувчим менга ўзини яқин олиб муомала қилган эмас. Ҳаммаси безоридан олиб, безорига солади, сендан одам чиқмайди, деб камситгани-камситган. Воҳид Солневич бўлса, мана мени одам қаторига кўшиб, мен билан гаплашгани уйимизга борибди, ёнма-ён ўтириб шашка ўйнапти.

— Домла, мендан тузукрок одам чиқмайдими-а? — деб сўраганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

— Нега ундай дейсиз?

— Ҳамма шунақа дейди-да.

— Бўлмаган гап,— деди Воҳид Солневич кетма-кет иккита тошимни олиб,— шошмай турсангиз... ҳаммаси уялиб қолади.

Ўша кунни ҳар қанча урисам ҳам, бари бир шашкадан омадим келмади: кетма-кет тўрт марта ютқизиб кўйдим. Лекин шундай бўлса ҳам яна тўрт марта ютқизиб, Воҳид Солневични хурсанд қилишга тайёр эдим. Нега десаиғиз, хали айтганимдай, бу кишини астойдил яхши кўриб қолдим.

— Ховлиғизга сув секиб берайми? — дедим шартта ўрнимдан туриб.

Воҳид Солневич бош чайкади:

— Ўзим сепаман. Сиз меннинг ишимни қилиб бераиғиз, бора-бора мен даиғаса бўлиб қоламан-ку, Хошимжон.

— Бўлмаса нича қатик олиб берайми? Жудаям ширинда. Худди қаймоқнинг ўзи дейсиз.

— Раҳмат, ука, қатикни унча хушламайман.

— Бўлмаса, домла, мен Сизга хали еган узумиғиздан бир чалак келтириб бераман.

— Раҳмат, узум керак бўлса ўзим бораман. Баҳонада бувижонингиз билан бирпас гаплашиб ўтириб келаман. Ажойиб кампир эканлар...

Воҳид Солневич ўқиб, расминин томоша қилинг деб, менга бир даста суратли журналлар берди. Ўзимда йўқ севишиб кетдим. Нега десаиғиз, сурат томоша қилиб тагидаги хатларни ўқинини жонни дилимдан яхши кўраман.

Қўлтигимдаги журнални кўриб, хайрият, сенинг қўлинг-да ҳам китоб кўрадиган замонлар келар экан, деб бувижоним ҳам севишиб кетди.

Энди мени тириклайини кўрмайсизми? — деб сўрадим бувижонимдан.

— Вой тентагим-эй, шу гапларни халиям эслаб юрибсанми-а? Қани, берирок кел, бир ачомлашиб кўйяйлик.

Бувижоним билан ачомлашиб бўлганимиздан кейин сўрига чордана куриб ўтириб олиб, сингиллариму бувижоним, дадажониму ойижонимга журналлардаги суратлардан кўрсатдим. Тагидаги хатларни шариллатиб ўкиб бердим. Хаммалари ўзларида йўқ хурсанд бўлиб кетишди. Ҳатто назаримда шу пайтда Ойша ҳам ич-ичидан севиниб ўтирибди. Акам ўқишга ҳавас кўйса, уй вазифаларини ўзи пшлаб мени жоним ҳам тиңчир экан, деб севинаётган бўлса керак.

Кечкурун сўрида ширгуруч еб ўтириб мени яна Воҳид Солиевични эслаб кетдим... бечора бир ўзи мактабнинг катта ховлисида зеркиб ўтиргандир. Эҳтимол, зерикканидан хуштак чалиб у ёқ-бу ёқка юраётгандир, ё овкат пиширмоқчи бўлиб, примусга ўт қалайолмай кийналаётганмикин-а?

— Ойи, овқатингиздан яна борми?— дедим.

— Дадаиңга олиб кўйганим қолди. Ейсанми?

— Муаллимга олиб бормоқчи эдим.

— Келин, устига сарниёдан кўпроқ солиб беринг,— деб гапга аралашиб қолди шу пайтда бувижоним ҳам,— бир паришталик йигит экан, Хошимжон, айтгин, тез-тез келиб турсин.

Бир минутдан сўнг товоқдаги ширгуручни катта сочикка ўраб, мактаб томонга қараб ўқдек учиб борардим. Айтганимдек, Воҳид Солиевич кастрюлга шўрва солиб, ўзи катталиги хонтахтадек келадиган бир китобни варақлаб ўтирган экан. Мени кўриб, ростини айтсам, унча хафа ҳам, хурсанд ҳам бўлмади:

— Не, ўзим ҳам овқат қилувдим-ку,— деб қулимсераб кўйди, ҳолос.

Қайтаётганимда домламинз яшаб турган уйиниң ховлисига кўзим тушди-ю, юрагим «шув» этиб кетди: Рябовлар кўчиб кетгандан буён бу атрофга сув келмапти. Гуллар қуриган, райҳонлар сўлиган, марзадаги ажриқлар саргайган, олма-лариниң пастки шохи сувсизликдан қурий-қурий деб турибди.

Кечаси Воҳид Солиевичга сездирмасдан сугориб кўйишга, у кишини тўсатдан жуда-жуда ҳам хурсанд қилишга каттик аҳд қилдим. Бувижоним уйкуга кетиши билан катта кетмоини олиб, мактабниң ховлисига жўнадим. Ховлига сув қирадиган кулоқ, ариқларни очиб, аста-секин катта анҳорга чиқиб бордим-да, ярим тегирмон келадиган сувни очиб юбордим. Уша ерда, анҳориниң шундоққина лабида жиндаққина мизғиб олмақчи бўлиб, уйкум қуриб кетсин,

тоиғ отгунча доиғ қотиб ухлаб қолибман. Уйғондим у оёқли қўлга олиб мактабиниғ ҳовлисиға югурдим. Андақ кечиккан эканман. Ҳаммаёқни сув босиб кетибди. Воҳид Соллевиҷ тизасидан сув кечиб, нишабини қаяққа олишни билмай, гараиғ бўлиб турган экан:

— Кетмон керакми?— деб сўрадим ниша дейишни билмай.

— Тезроқ келтириниғ, тезроқ!— деди муаллимимиз энтиқиб.

Эрталабгача сув билан олишиб чиқдик.

II боб

ЖАРАНГЛА, ҚҰНФИРОҒИМ

Эртага ўқиш бошланади, деган қуни кечаси, ростини айтиб қўя қолай, ухлай олмадим. Ҳар хил ширин хаёлар суриб, бир маҳал ухлаб қолибману хаёлимнинг бир томони секингина тушга улашиб кетганини ўзим ҳам пайкамай қолибман. Бир вақт бундай қарасам, Отажон Азизовиҷ жаминки ўқувчиларни тўплаб, менга мактов қогози топширмоқчи бўлаётган эмишлару мен хомкалла бўлсам, уни олмаймай деб, қочиб юрган эмишман. Ниҳоят, мени ушлаб қўлимга мактов қогозини зўрлаб беришди. Қарсақ демагани, ҳаммаёқни қоплаб кетди. Ўзим ҳам қўшилшиб қарсақ чалиб юборибман дег.

— Ҳошим, тек ётасанми, йўқми?— деб бувижоним секингина биқинимга туртиб қўйди.

— Мактов қогозим қани?— сўрадим уйқусираб.

— Қанақа мактов қогоз?

— Ҳозир қўлимда турувди-ку?

— Уйқусирама. Уни томонингни босиб ёт.

Уни томонинми босиб ётган эдим, чиндан ҳам доиғ қотиб ухлаб қолибман. Қаттиқ заиғ овозидан уйғониб кетдим. Мактабимизиниғ ҳовлисидағи қари тутиниғ шохига катта темир осиб қўйишган эди. Кимдир ана ўшани жаранглатиб уряпти. Хиёл ўтмай гори ҳам чала бошланди, яна хиёл ўтмай ёнига чилдирма овози қўшилди кетди.

— Салом, мактаб, салом, сентябрь!— дедим-да, сакраб ўринидан турдим. Понушта ҳам қилмай папқани қўлтиққа олиб, ўзимни кўчага урмоқчи бўлган эдим, бувижоним:

— Сигиллариниғ билан кетасан!— деб йўлимни тўсди.

Бундай қарасам... Оббо, сочларига ленталар тақиб, оппоқкина қўйлақларини кийиб, бир даста гулни бағрига босиб бир чеккада Донохон турибдилар!

— Ҳохладимга боряптиларми?— деб секингина биқиннидан чимдиб кўйдим.

Нарирокда Ойшахон ҳам ясан-тусанни жойинга кўйиб, тайёргарлик кўряптилар.

— Қани, мактаб томон шагом-арш!— дедим-да, икковини олдимга солиб кўчага чиқдим.

Хай-хай, бугун кўчада чиндан ҳам байрам бўляпти, ҳамма ясанган-тусанган, кўлларига гул, лабларига кулги, мактабга шошишяпти. Мактаб томонда ҳамон горн янграйдди, чилдирма гумбурлайди:

| | |
|---------------|----------------|
| Гумбура гум, | Рус тили |
| Гумбура гум, | Ҳаммаси ҳам |
| Чал тезроқ! | Беш бўлар, |
| Мулла Ҳошим | Беш бўлар. |
| Мактаб борар, | Чал тезроқ. |
| Алло ўкиш | Чал тезроқ |
| Нияти, нияти, | Гумбура гум, |
| Алгебра, | Гумбура гум!.. |

Мактаб ховлисига ўйинга тушиб, мукомлар қилиб кириб бордим. Горини Асад деган болаю чилдирмани Султон йиғлоки чалаётган экан. Шартта кўлидан олдим-да, енгини шимариб, бармоқларимни хўллаб, чилдирма чалиш мана бунака бўлади, деб савалаб кетдим.

Така тум-тум, тум така тум,
Ҳар ёнларини кезиб юрдим,
Яхши-ёмон барини кўрдим,
Алло ўқийман деб келдим.

Ана шунақанги гапларини хаёлимдан ўтказиб, чилдирман завк билан ураётган эдим, кимдир оркамдан келиб билангаимдан маҳкам қисди. Қарасам, Воҳид Солиевич экан:

— Баракалла, чилдирмани яхши чалар экансиз!

— Боплаб ташлаймиз-да, домлажон!

— Чалаверинг, каттикрок чалинг!— деб Воҳид Солиевич яна каёкқадир кетди. Аксига юриб худди шу пайтда кўлларим чарчаб қолган эди. Чилдирмани ёнгинамда кўзини мўлтиллайтиб турган Султон йиғлокига узатдим-да, дўстларим билан кучоклашиб кўришиб кетдим. Мактаб ховлисига бирини-кетин еттинчи синфга бир амаллаб кўчиб олган Зокирвой, кутубхона ташкил қилдим, деб керилиб юрган Орифбой, менидан кўркканидан донм охирги соатдан қочиб кетадиган Ҳакимжон, Миробиддинхўжалар кириб кела бошлашди. Болалар тўп-тўп бўлиб гаплашшар, пионер лагер-

лариди, саёхатларда кўрган-билганларини бир-бирига сўзлаб мактаишар, кулишар эди. Икром кемага тушиб, дарёда сузибди, Шоолим дадаси билан чўлда ковуи экишган экан, битта ковуини сўйишса, ичидан тарвузининг уруғи чикиб келибди.

— Елгон! — деди Зокир ишонмай.

— Бас бойлашаман,— деди Шоолим гапига ҳеч ким ишонмаганига йнглагудек бўлиб.

Еттинчи синфда ўқийдиган бир оёғи чўлок Рафиқ шаҳарда Африкадан келган негрларни ўз кўзи билан кўриб, ўшалар билан битта столда ёнма-ён ўтириб овқат ебди. Қораси кийимига юкармикан, йўкмикан, деб синчиклаб қараган экан, кўйлагининг ёқаси оипок эмиш. Бу йил биз билан ўқийдиган Шоҳида менинг ойим ишлайдиган фермада бузок боққан экан, ферма мудир: «Ўшнчнни битирсанг, сени снгир согувчи қилиб оламан, расмингни газетада чикартираман», деб ваъда берибди.

Худди шу пайтда турникка чиқа олмайдиган физругимиз Одилжон ака баланд овоз билан, ҳамма бўй-бўйи билан, синф-синфи билан сафга тизилсин, деб буйрук бериб қолди. Бир-биримизни итаришиб, туртишиб, эндигина сафга тизилиб бўлган эдикки, ичкаридан менинг жонажон муаллимларим — Воҳид Солневич, алгебра ўқитувчиси Қобилов, кадрдон директоримиз Отажон Азизовичлар бирин-кетин чиқиб келишди. Отажон Азизович мени кўрсин, деб оёғимнинг учида туриб шунча бўйинимни чўзаман, қани энди бир қилё бокса!

Директоримиз ўқув йили бошлангани билан бизни табриклаб, ҳаммамиз аъло ўқишда, аъло хулқли бўлишда бир-биримизга намуна бўлишимиз кераклиги тўғрисида роппароса 21 минут гапиргандан кейин ўқимаган киши у дунёю бу дунё одам бўлмайди, деган мазмунда ҳам етти минутча гапириб, охирида:

— Тўғрими, Хошим? — деб сўраб қўйди мандан.

— Жуда тўғри,— дедим мен ҳам шошиб-инишиб.

— Аъло ўқиш бу сенга чилдирма чалиш эмас! — деди бир чеккада турган Қобилов домла.

— Бу йил алгебрани ҳам чилдирма қилиб юбораман, домлажон,— дедим мен ҳам гандан қолмай.

Мажлис тугаб кий-чув, тўнолон билан синф раҳбарларимиз бошчилигида ўз синфимизга қараб йўл олдик. Миробиддинхўжа билан келишиб, дераза олдидаги нартани тапладик. Нега десангиз, бу ердан кўчадан ўтган-кетганларни бемалол кўриб ўтирса бўлади. Жой-жойимизга ўтиришимиз билан Воҳид Солневич:

— Қани, галстукларни бир тўғрилаб олинглар-чи! — деб буюрди.

Галстукларни тўғрилаб олди.

— Аббосов, нега сен кир галстук тақиб келдинг? — сўради муаллим.

— Янгисини таксам кир бўлиб қолади-да, — хазилга олиб деди Ақром.

Болалар шарақлаб кулиб юборишди. Муаллим кулмади. Ақромга қараб шундай бир тикилдики, болаларнинг кулгисини бўғзида қотиб қолгандек бўлди.

— Пионернинг интизоми галстукни қандай таққанга қараб билинади. Тушунарлими?

— Эртага янгисини тақиб келаман, — секингина деди Ақром.

Худди шу лойиқда синфнинг эшиги овозсиз очилиб, остонада Ақромнинг бу йил биринчи синфга келган синглиси Хожар кўринди.

— Ака, менинг фамилиям нима бўлади? — деб сўради у кўрка-ниса. Болалар яна кулмокчи бўлиб чоғланишди-ю, аммо муаллимнинг ҳалиги қараш эсларига тушиб кетди шекилли, ҳеч бирлари ботина олмади.

— Фамилиянг Аббосова бўлади, — тушунтирди Ақром синглисига.

Шундан сўнг муаллим йўқлама бўйича ўқувчилар билан бирма-бир таниша бошлади. Охирида ўзини ҳам танитди:

— Мени Воҳид Солиевич, деб чақирайсизлар!

— Хўн бўлади, домла, — деди Миробиддинхўжа!

— Домла деган сўз, бугундан эътиборан ишлатилмасин! — таъкидлади Воҳид Солиевич, — қимки мени домла деб чақирса, жавоб бермайман. Қани, синфком қилиб қимни сайлаймиз?

Бўйим ювчароқ бўлгани учун омадим келиб мени сайлаб юборишармикан, деган яширин бир умидда негадир ўзимдан-ўзим ҳам хурсанд бўлиб, ҳам уялиб қизариб-бўзариб ўтирибман. Бордию сайлаймиз, дейишса, шовиш қилиб йўқ, деб қўймай деб ўзимни ҳушёр тутишга тиришиб турган эдим:

— Ҳамроқулнинг ўзи бўла қолсин! — деб қолди қимдир орадан. Шундан кейин бутун синф:

— Ҳамроқул бўлсин!

— Ўзи аъло ўқийди.

— Интизоми ҳам яхши, — деб ҳар томондан чувиллаб юборди. Болалар чувиллашган сари мен ўзимдан-ўзим баттар уялиб, бўйимни ичимга тортаман дедим.

— Тозалик комиссиясига раисликка қимни кўрсата-

миз?— сўради Воҳид Солневич. Ҳамма жим Назаримда кимни сайласак экан, деб ҳар бири ўзича ўйлаётганга ўхшайди. Шартта ўринидан турдим:

— Миробиддинхўжани сайлаймиз. Қаранглар, бўйни ҳам оппоқ, кийимлари ҳам ювилган, дазмолланган. Ойиси дазмол босишни билмайди, ўзи дазмоллаган. Тўғрими? Ундан кейин, битта-яримталарининг тугмаларини узиллиб кетса дарров кадаб ҳам бераверади, дўпписининг ичига доим игна кадаб юради, тўғрими?— шундай деб дўстгинамнинг дўпписини олиб, ич томонини ўқувчиларга кўрсатган эдим чиндан ҳам кизагида иккита кўрпа кавийдиган игна турган экан — болалар кулиб юборишди. Ҳазил-ҳазил билан Миробиддинхўжа тозалик комиссиясига ране бўлиб кўтарилди.

Ана шундан кейин синф раҳбаримиз ўқувчилар бир-бирлари билан мусобакалашиб ўқишлари керак, аълочи ўқувчилар қолоқ ўқувчиларни мусобакага чақирсин, бир-бирига кўлидан келганча кўмаклашишсин, деб қолди. Ҳамроқул биринчи бўлиб Ақромни мусобакага чақирди. Ўқитувчи:

— Кўндингми? — деб сўраган эди, Ақром ўриндан туриб кафти билан оғзини бекитди-да:

— Им... — деб қуйди.

— Хўпми, йўқми? — яна сўради муаллим.

— Имм,— деди яна Ақром. Хўдди шў пайтда унинг кўзлари олайлиб, лаблари кийшайиб кетди. Ҳаммамиз кўрқиб кетдик. Ёнида ўтирган бола:

Воҳид Солневич томоғига нон тикилиб қолди.— деди шошилиб. Кейин зарб билан елкасига бир мушт туширган эди, йўқ, дўстимнинг томоққинасига қуриб кетмагур қолбаса тикилиб қолган экан, оғзидан бир парча гўшт учиб чиқди. Ҳамма кулиб юборди. Бу гал Воҳид Солневич ҳам ўзини тутиб тура олмади. Халидан буён жиддий турганини кўриб, роса сикиб сувимизни ичадиган синф раҳбарига учраб қолдик шекилли, деб ҳаммамиз ҳам кўрқиб, юрагимизни ховучлаб турган эдик. Қулганини кўриб, ўзимизни сал эркинроқ тута бошладик.

— Мен у билан мусобақа ўйнамайман,— деди Ақром синфда говур босилгач.

— Нега ўйнамайсан?

— Ўтган йили варрагимни олиб, пулни бермаган.

— Ҳечам-да, ўриндан туриб кетди Ҳамроқул, мен сенга унинг ўринга авторучка берган эдим-ку!

— Авторучканиг ёзмас экан, варрагимни тўлаб қўй. Воҳид Солневич шартта ўриндан туриб:

— Уят эмасми!— деди-да, икковини ҳам ўринга ўтказиб

кўйди. Кейин мусобака ўйнаган бошқа болаларнинг фамилиясини дафтарига ёза бошлади. Бир маҳал навбат менга етиб қолди-ку.

— Рўзиевин ким мусобакага чақиради? сўради муаллим. Хозир болалар мени таллашиб қолганга керак, деб ўйладиму, ўзимдан-ўзим хурсанд бўлиб кетдим. Аммо бир минут, икки минут... мана ўн минут ўтди ҳамки, ҳеч кимдан садо чиқмайди. Шунақанги ўсая бўлдимки, асти қўяверасиз. Ўтиришимни ҳам, тикка туришимни ҳам билмай, нуқул бармоқларимни гижимлайман дегм.— Нахотки, Рўзиевга ҳеч ким дўстларча ёрдам беришни истамаса,— ҳайрон бўлди муаллим. Шундан кейин ҳам биттаси гинг демаса-я, кизариб-бўзариб энди ўрнимга ўтираётган эдим:

— Мен мусобакага чақираман!— деб қолди олдинги партада ўтирган Саддиниса. Аввалига, ўлай агар, бутунлай ишонмадим, лекин мазах қиланти, деб ўйладим. Нега десагиз, анови қуни Саддиниса бошига ўт қўйиб даладан қайтаётганида ариқинг ичига беркиниб олиб, ит бўлиб вовиллаб, паналаб орқасидан қувиб роса ўтақасини ёрган эдим. Уша қуни Саддиниса дадаишга айтиб бир қалтаклатмасамми, деган эди. Эсидан чиқиб кетди шекилли, дадамга айтиб қалтаклатмади. Қалтаклатиш ўрнига, бугун, ҳеч ким мени менеммай, одам каторига қўнмай турган бир пайтда, хижолатдан кутқариб жонимга ора кириб ўтирса-я, буниси неча пулдан тушди энди. Муллахошим!

— Ҳазиллашаётганинг йўқми?— сўрадим кўрка-писа.

— Рост айтянман,— менга эмас, муаллимга қараб деди Саддиниса.

Сал вақт ўтмасдан қўнгирак чалиниб дарслар ҳам бошланиб кетди. Даре бошлангандан кейин, ўзингиз ҳам биласизки, ўқитувчилар ишнинг дарров савол-жавобдан бошланыди. Уша қуни тўртта фан кирди. Лекин тўртовиди ҳам бермаган бола қолмади. Мен камтарлик қилиб деразадан ўтган-кетганларни томоша қилиб, жимгина ўтиравердим. Нега десагиз, ўтган йилли сафарда бўлганим учун ҳаммаси эсимдан чиқиб кетган экан. География муаллимимиз менга кўзи тушиши билан:

— Йй-е, Хошим, сен ҳам шу ердансан?— деб негадир қулимсираб кўйди.

Хуллас, олтинчи «Б» синфида мен яна ўқишларимни бошлаб юбордим. Дардан қайтаётганимизда Саддиниса ёнимга келиб:

— Хошим ака, дарсин бизникида тайёрлаймизми ёки сизларникига борамизми?— деб сўради.

Бугун мен янги-янги дўстлар орттирганим, ҳеч қайси фандан икки олмаганим, биронта ҳам ўқитувчимдан дакки эшитмаганим учун ўзимда йўқ хурсанд эдим. Шунинг учун ҳам:

— Йўқ, дарсени эртага тайёрлаймиз,— деб қўя қолдим

— Ўзингиз биласиз. Лекин ойингиз анови кунни бизникига бориб, ойим билан гаплашиб ўтирганларидан йиғлади-лар...

— Нима деб йиғлади?

Хошим мени куйдиргани-куйдирган, деб йиғладилар.

— Ҳечқиси йўқ, ҳозир бориб бир кулдираман, ҳаммаси эсидан чиқиб кетади,— дедим-да, тезроқ юриб илгариларга кетдим. Мени Ақром кутиб турган эди-да.

III боб

САДДИНИСА

Энди бу кизнинг кимлигини сизга айтиб берсам, кўзларини катта-катта, юзлари чўзиқкина, сочини майдалаб ўриб, унга ўзимизнинг нахтадан жамалак кийиб, орқасига ташлаб юради. Ўзи жуда нозик, каттикроқ йўталиб юборсангиз шабадасига учиб кетадигандек. Еган овқати ақл бўлиб, тўнна-тўғри миясига борадими, қалласи шунақанги тез ишлайдими, унинг олдига ҳозир еттичи синфда ўқиётган Ориф ни эшолмайди. Арифметикаю геометрия дейсизми, рус тилию немис тили дейсизми — ҳаммасидан беш. Фақат бўлар-бўлмамага уф тортиб буришни жийираверишни менга ёқмай қолди. Унинг тиришқоқлигини айтиб берсам, ёқангизни ушлайсиз. Кунбўйи тишим йўқ — гимир-гимир. Митти қўллари чарчамаганига хайронома. Бунинг устига ҳаддан ташқари ёпишқоқ, халиги, баҳорда ёмғир ёққанда ўриклардан елим чикадику, худди ана ўшанинг ўзи дейсиз.

-- Хошим ака, қачон дарс тайёрлаймиз?

-- Хошим ака, бугун ўйчагани бормайсиз, деб бир минут бўлени ҳоли-жонимга кўймайди.

— Кўп кийинанверма, нучук,— деб қўяман баъзан

-- Нега унақа дейсиз? -- хафа бўлгандек сўрайди Саддиниса.

Ахир бурунги нучук-да.

-- Нучук бўлса сизга нима,— деб Саддиниса аразлаган кини бўлиб баъзан тесқари ўгирилиб олади.

Шу пайғда биз Саддинисаларнинг уйда офтобга қара тушган торғина бир хонада дарс тайёрлаб ўтирибмиз. Ховлида Саддинисанинг боғбон бобосидан бошқа ҳеч ким кўринмайди. Даясен ҳисобчи бўлиб ишлайди, ҳозир идорада

чик-чик қилиб чўт қоқиб ўтирган бўлса керак. Ойиси боғчада тарбиячи, у ҳам ишда. Ховли юзида тухумдан колган товуклар тимирскиланиб юришибди. Терага баланд қилиб кўтарилган тоқнинг узуми ҳали узилмаганилиги учун зағчалар чағ-чағлашиб узум талашишади.

— Эй, Хошим ака, мунча анграясиз?— жерқиб берди Саддинса.

— Қани анграйганим?

— Мени ўқитиб қўйиб, ўзингиз бутунлай бошқа томонларга қараб ўтирибсиз... рус тилидан печанчи машқни берган эди?

— Эсимда йўқ.

— Уч юзу эллик биринчи машқ. Билиб турибсизу, ўзингизни билмаганга соласиз-а, қундалигингизга ёзиб олган эдингиз-ку.

— Ёзишга ёзувдиму, Нина Тимофеевна шартини тушунтираётганда яхши англамай қолувдим,— деб ўзимни оқлай бошладим. Саддинса менинг китобимдан 351- машқни қандай бажариш кераклигини русчалаб дона-дона қилиб ўқиб берди.

— Энди тушундингизми?— қошларини чимириб сўради у.

— Йўқ, бутунлай тушунмадим.

— Қани айтинг-чи, рус тилида нечта род бор?

— Олтита... йўқ, учта.

— Қани, бирма-бир айтинг-чи?

— Мужской, женский, средний.

— Қайси сўзлар мужской родга қиради?

— Мужский сўзлар,— дедим шоша-пиша.

— Йўқ, қандай товуш билан якулланишини сўраяпман.

— Женский рoди айтайми? Женский рoдининг охириги товуши а, я... Толдимми?

— Толдингиз.

— Энди средний рoди айтиб кўринг-чи?

— Ҳозир... йўқ, эсимдан чиқиб қолибди.

— Перo қанақа рoд?

— Толдим,— севинганимдан ўрнимдан туриб кетаёзим,— о, е билан тамом бўлган сўзлар средний рoд бўлади. Перo, поле, метро...

— Хошим ака, ҳаммасини билар экансиз-ку,— хурсанд бўлиб деди менинг кичкина муаллимчам,— факат ўзингиздангасасиз-да.

Мана шу мактовлардан кейин ўзим ҳам жиндаққина талтайиб кетдим-да:

— Пучуквой, биз ҳам чакана эмасмиз!— деб ўрнимдан

туриб ўйинга тушиб юбордим. Ана шундан сўнг менинг талабчан муаллимачам кошларини чимриб, киприкларини пирпиратиб, 351-машкнинг шартларини тушунтира кетди. Уч хил роддаги сўзлар иштирокида сўз бирикмалари тузишимиз керак экан. Дарров дафтаримнинг бир варагини қалам билан учга бўлиб, ҳар бир бўлак устига родларни ёзиб кўйдиму, икковлашиб, ишга киришиб кетдик.

— Товариш қанака род?— деб сўрайди Саддиниса.

— Мужский род-да, товариш Саддиҳон,— деб қўяман.

— Енига битта сўз қўшинг-чи.

— Мой товариш Акрам хороший,— дедим яна.

— Молодец, Хошим ака,— яна мактаб юборди Саддиниса,— энди шу сўзларни дафтарга ёзамиз.

Шундай қилиб десангиз, бирпасда бир варақ дафтарини лик тўлдириб ташлабмиз. Ақлим кўпайиб, бунинг устига чидамли ҳам бўлиб бораётганимдан Саддиниса ўзида йўқ хурсанд, ўзимни эса асти қўяверасиз, ҳар битта сўзни ёзиб бўлганимдан сўнг қўлимни кўксимга қўйиб дафтаримга салом бериб қўяман.

— Войбўй,— деди бир маҳал Саддиниса дафтаримга кўз ташлаб,— виж-виж хато-ку!

— Нимаси хато? Ҳаммаси тўғри,— дедим жаҳлим чиқиб.

— Зелёний сўзи «е» билан ёзилади. Сиз бўлсангиз «и» билан «зилёний» деб ёзибсиз.— Саддиниса дафтарини кўлига олиб, худди Нина Тимофеевнага ўхшаб кизил қалам билан ҳамма хатоларини кўрсатиб берди. Нариги бетга қайта бошдан ёзишим кераклигини айтди. Гапни кўнайтирсам, Саддиниса сен билан энди даре тайёрламайман, эзма экансан, қани энди жўнаб қол, дейиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам айтганига дарров кўна қолдим. Иродамини ишга солиб, қийналиб, терлаб-нишиб бўлса ҳам бир бет ёзуви қайта кўчириб чиқдим. Умрим бини бўлиб бир ўтиришда мана шунчалик кўн хат ёзмаган эдим. Мана шу бугун, куёш чарақлаб ер-кўкка мўлу қўл нур сочаётган бир паллада, Саддинисанинг елчқовининг хиди аниқиб турган торгина дархонасида бу ишни бажардим.

— Саддиниса!— дедим бошимни кўтариб,— ховлигини супуришга ёрдамлашиб юборайми?

— Нега энди, бошқа ишингиз йўқми?

— Сенга ёрдамлашгим келяпти-да,— дедим секин ховлига чиқиб,— очигини айтсам, сенга бирон яхшилик қилгим келяпти.

Аммо Саддиниса жуда қайсар киз эмасми, ўз ганида туриб олди. Ҳеч ишга қўл урдиргани кўймади.

— Агар менга яхшилик қилмоқчи бўлсангиз,— деди у

ингичка кошларини чимириб,— физикани такрорлаймиз.

— Физикадан топширик бергани йўқ-ку?

— Аълочи бўламан десангиз, ўқитувчи топширик бермаса ҳам ўтган дарсларни такрорлаб бориш керак.

Бошқа биров шундай деганда ишонмаган бўлардим. Аммо Саддинисанинг ҳамма гапларига ҳеч иккиланмай ишонадиган бўлиб қолганман. Шунинг учун ҳам дарров физика китобини очиб:

— Ўтган дарда «Торози» темасини ўтганмиз,— дедим.

— Қани айтинг-чи, торози деб нимага айтилади?

Эсимдан чиқиб қолган экан, китобдан ўқиб бердим.

— Энди эсингизда қолганини айтинг,— кистаб туриб олди Саддиниса.

— Жисмларни тортиш учун ишлатиладиган асбоб торози дейилади.

— Торози неча турли бўлади?

— Лабораторияларда аналитик торози, магазинларда стол торози ишлатилади,— дедим-да,— у ёнига ўзимдан ҳам жиндай қўшиб қўйдим,— чайковчилар ўғри торози ишлатишади...

Саддиниса кулиб юборди. Унинг кулганини илгари ҳеч эшитмаган эканман. Овози жуда тишиқ, жаранглаб чиқар экан. Юзларида қулдирғич кўришиб, кўзлари бутунлай юмилб кетди.

— Китобда ўғри торози ҳақида ёзилмаган-ку?— деди у кула-кула.

— Китобда ёзилмаган бўлса, бизнинг китобда ёзилган-да, Саддинисахоним...

Физиканинг кетидан она тилини ҳам тайёрлаб бўлгач, Саддиниса, бас энди, деб китобларини йиғиштира бошлади.

— Тўхта, яна бирпас тайёрлайлик,— дедим қизишиб.

— Далага ўт тергани бораман,— гапимга қулоқ солмай деди Саддиниса.

— Унда далага мен ҳам бораман. Сенга ўт теришиб юбораман. Фақат йўқ дема, йўқ десанг, эртага дарс тайёрлагани келмайман...

Уша қуни қуёш чараклаб турган бўлса-да, ҳаво унча салқин ҳам, унча иссинк ҳам эмас эди. Ариқлар бўйидаги ўтлар сарғайиб қолган, дарахтларининг барги тўқиллиб, оёқлар остида шилдирайди, осмон шишадай тишиқ, оқис-оқисларда қушлар тўп-тўп бўлиб учиб, оқноқ булутларни чўкилаб ўйнашади. Суви озайиб қолган анҳор бўйлаб далага бор-япмиз, анҳорнинг суви шунақанги тишиқ, шунақанги мусаффоки, остидаги қумлар, шиша синиқлари, ялтироқ тошлар бемалол кўришиб турибди.

— Саддиниса, ке, қувлашамиз!— дедим шу пайтда негадир завқим ошиб...

Эртасига ойим кундалигимдаги иккита тўрт бахоши кўриб секингина нешонамдан ўнди-да:

— Дадаси, Хошимжонга шим-костюм олиб берсангиз бўларкан, каранг, шими титилиб кетибди, болам бечоранинг,— деб кўйди.

Шундай қилиб, мен ҳам ниҳоят яхши ўқувчилар қаторига кўшила бошлаган эдим, аммо... куриб кетмагур мана шу «аммо» туфайли доим ишларим чаппасига айланиб кетаверади... аммо бир воқеа бўлди-ю... ха, майли, қолганини эртага айтиб берарман.

IV боб

АКРОМ БҮРИ УШЛАБДИ

Папкамни елкамга осиб, Саддинисалариникига даре тайёрлагани кетаётган эдим. Тўйиб катикли гўжа ош ичганим учун кайфим чоғ, она тилидан ўтган кишилик олмошларини ўзимча куйга солиб, «мен, сен, у; биз, сиз, улар», деб ашула қилиб бораётган эдим, чорраҳада йиғирма чоғли бола тўпланганини кўриб қолдим. Болалар киминдир ўртага олиб, бир-бирларига гал бермай, шима тўғрисидадир чугурлашиб ётишибди. Бориб қарасам, ўртага олганлари Ақром экан. Бечоранинг ҳаммаёғи қон, кўйлақлари узилиб кетган, кийим-боши жикка хўл. Симёғочга тизза баробар келадиган, тумшуклари узун, ориккина бир кучук болани боғлаб кўйишибди.

— Кучук киминики?— сўрадим Зокирдан.

— Ййе, шерик, сенмисан?— деди у негадир севиниб,— бу кучук эмас, бўрининг боласи.

— Пўғ-е.

— Рост, катта одамлар ҳам кўриб хайрон қолшияпти.

— Ким ушлабди уни?

— Ақром ушлабди.

— Пўғ-е,— дедим яна ишонмай.

— Нега ишонмайсан, бир соатча бўпти ушлаганига.

— Тезроқ гапирсанг-чи, қанака қилиб ушладинг ўзи?— деб сўраб қолди шу пайтда еттичи синфда ўқийдиган бир кўзи гилай Олим. Ақром икки кўлини биқинига кўйиб тўпланганларга бир-бир қараб чиқди-да:

— Мактабдан қайтиб келсам,— дея ишонмасдан гап бошлади, ойим, «жон ўғлим, даштга бориб пиёзга сув

тузаб келгин, якшанба кунн юламинз, йўк демагин, бир дўн-пи ёнгок бераман»,— деб колди. Майли, деб кетмонни кўтариб даштга жўнадим. Бориб анхордан энди сув очаман деб энгашганимни биламан, чапгалзор биллиар-биллимас шитирлагандек бўлди. Бошимни кўтараман десам, мана шу махлук белимга ташланиб колса бўладими.

— Жуда бўлади-да,— деб кўйди Олим.

— Сен ганга аралашмай тургин-да, адашиб кетаман,— жеркиб берди Акром,— ташланди-ю, ременим аралаш оркамни тишлагандек бўлди... мана кўринглар, белимдаги тишининг изини...

Акром сўзлашдан тўхтаб кўйлагини кўтарди. Чиндан ҳам белининг пастрогидан кои томчилаб сизиб турарди. Буни кўриб бир хил болалар хангу манг бўлиб колишди. Бир хиллари худди бўрига ёлғиз ўзи дуч келиб колгандек, кўркиб, бир-икки одим оркага тисарилиб ҳам олишди. Акром мактанчоклик билан сўзида давом этди:

— Олим, қани айт-чи, сен бўлганимда шу пайтда нима килар эдинг?

— Менми, мен,— деб дудукланиб колди Олим.

— Ана, сен иккиланияпсан, мен бўлсам, ҳеч иккиланмай, ўзимни анхорга ташладим. Бўри оғзинга, кулогига сув кириб, қочмоқчи бўлган эди, орка оёгидан тортиб йиқитдим... биласизлар-ку, ўлардек итбозман. Уйдаги итларим билан сувда олишавериб уста бўлиб кетганиман... Йиқитдим, қалласини сувга тикиб, тек туравердим. Оёқлари билан тепиниб, мана кўринглар, кўкракларимни қонатиб юборди. Ушанда ҳам бўш келмадим. Охири хушидан кета бошлаган эди, шартта мана бу қопга солдим-да, Чўтвой аканинг уйига қараб югурдим. Чўтвой ака аввалига:

— Кўйиб юбор, онаси ҳаммамизни гажиб ташлайди!— деб туриб олди.

— Йўк, гажимайди,— деб мен ҳам туриб олдим.

Охири қопдан чиқариб, оғзинга мана шу сиз тўрши тутиб, энди тезроқ жўнаб кол бу ердан, деди. Ҳозир ўша ёқдан келяпман.

Акром сўзлашдан тўхтаб, тўпланганларга бирма-бир қараб чиқди. Очигини айтсам, Акром анови кунн чакимчилик қилгани учун уни жинимдан баттар ёмон кўриб қолган эдим. Дардан кеч қолиб билдирмасдан синфга кириб ўринимга ўтираётган эдим, Акром:

— Воҳид Солневич, домла поччани қаранг! — деб чакимчилик қилди. Энг орқадаги партада арифметикадан берилган уй вазифаларини текшираётган синф раҳбаримиз бошини кўтариб:

— Домла поччанг ким?— деб сўради.

— Ким бўларди, Хошим-да.

— Хошимжон, нега кечга қолдингиз?— сўради Воҳид Солтевич.

— Сув ичгани ўтувдим,— деб баҳона қилдим.

— Нега рухсатсиз кирдингиз?

— Сизни бутунлай кўрмай қолибман,— деб яна баҳона қилдим. Баҳона қилиб, жазодан қутулдим, аммо чакимчилик қилгани учун ва мени «домла почча» деб чакириб жигимга теккани учун Ақромни жинимдан баттар ёмон кўриб қолдим. Танаффузда ҳисоб-китобни тўғрилаб олмоқчи эдим, ёнгинамда турган Садиннеса:

— Кўйинг, директор эшитиб қолса, бешинчи синфга тушириб юборади,— деб қўлимдан тортиб коридорга олиб чиқиб кетди.

Шу пайтда бир ўзи бўрининг боласи билан яккама-якка олишган бу болани, ишонсангиз, жону дилимдан яхши кўриб қолдим. Югуриб бориб пешонасидан ўйиб олмоқчи ҳам бўлдим, аммо ёнига ўтишинг ҳеч иложи бўлмади...

Шундай қилиб, Ақром сўзлашдан тўхтаб, кўрдиларингми, мен қанақа бола эканман, дегандек атрофга алаңлай бошладим.

— Қўрмадингми-а?— сўради Зокир кўзларини катта-катта очиб.

— Нимасидан кўркади уни,— бўри боласини менем-гаддек қўл сўлтаб қўйди Ақром,— мен катта бўрини алдаб кетганман, бу нима бўпти унинг олдидан...

— Хечам-да, катта бўрини алдаб бўларканми,— деди Зокир Ақромни кўпроқ гапга солиш, ваҳимали гаплардан яна ҳам кўпроқ эшитиш мақсадида.

— Алдаганман, ишонмасанг, ана, Олимдан сўра. Тўғрим, Олим?

— Тўғри, ўтган йили кишида алдаган...

— Қанақа қилиб алдадинг-а? — сал орқасига тисарилиб сўради Зокир. Шу пайтда ҳар қандай ишнинг баҳридан ўтиб Ақромнинг ҳикоясини тинглашга, гапини очиб, менинг ўзим ҳам тайёр эдим. Ақром ҳам тараф қилиб ўтирмади-да, кўк бўрини қандай қилиб алдаб кетганини гапирга бошладим.

— Майли, айтсам-айта қолай... Инсэга сувни очиб қўйганман. Ўзи қошиб ичаверади... Ўзларинг биласизлар, биз сойнинг бўйида турамиз, атрофимизда қўни-қўшиллар йўқ... Бир куни кечаси холамникидан қайтаётган эдим. Холам ўша куни қўй сўйиб қаллашўрва қилган эди. Мурч сенилган қалла гўштига роса тўйиб, адам билан ойимга ҳам пича

олиб кайтаётган эдим. Атроф коп-коронги. Бунинг устига сийрак туман ҳам тушган. Кўлимда фонус, гингиллаб ашула айтиб келяпман. Бир маҳал йиғирма метрча олдинда бир нарсга чўнкайиб менга каттик тикилиб турганини кўриб колдим, кўзлари чўгдек ёняпти, тумшуклари узун, калта кулоклари чимирилган... «Бўри» деб ўйладиму, юрагим шиг этиб кетди. Нима қилиш керак? Олим, қани айт-чи, ўшанда сен бўлганигда нима қилган бўлар эдинг?

— Мен, мен... — дудукланиб колди Олим.

— Ана, сен аллақачон кўркиб кетдинг... мен бўлсам, ўзимни йўқотмадим. Чунки, кўлида чироғи бор одамга бўри яқинлай олмайди. Додлаганим билан бари бир бекфойда. Атрофда ҳеч ким йўқ. Олдинга қараб юришга юрагим дов бермади. Икки кўзим бўрида-ю, оркам билан юриб, секин-аста тисарила бошладим. Аммо, бўрининг ҳам роса очига учраган эканман, юрсам юради, тўхтасам тўхтаб тишларини мана бундай қилиб тақиллатади... Тисарилиб-тисарилиб, бир вақт йўлни кесиб ўтган ариқка бориб қолибман, оркам билан йиқилишимга оз колди. Ариқка тушдим-да, фонусни унинг четига ўриятиб ёнига бошимдаги чарм телпагимни ҳам кўйдим. Секин мўралаб карасам, бўрининг икки кўзи телпак билан фонусда. «Сени алдаб кетмасам, Акром отимни бошқа қўяман», дедим-да, секин ариқнинг ичидан эмаклаб жўнаб колдим. Уйга борсам, дадам билан ойним менга илҳак бўлиб, ухлай олмай ўтиришган экан. Бўлган воқеани айтган эдим, дадам ичкари уйдан қўшотарини олиб чиқди-да:

— Қани, юр-чи! — деб колди. Ойнимнинг дод-войнга ҳам карамай, мен келган ариқнинг ичи билан паналаб борган эдик, бўри йўқ, фонус ҳам ўчиб, эғанаб ётибди. Телпагимнинг устки қисми қора хромдан эди. Бўри тишлари билан титқилаб ташлабди. Назаримда алдангани учун ўчинин телпақдан олганга ўхшайди.

Акром сўзлашдан тўхтаб, яна қимда савол бор дегандек, тўпланганларнинг оғзини пойлай бошлади. Аммо бу гал унга ҳеч қим савол бермади. Нега десаңиз, ҳамманинг диккати бўрининг боласида бўлиб қолган эди. У бўлса, арконини узиш учун бор қучи билан итилар, оғздан кўпиклар оқизиб, бошини ерга урар, тишларини кўрсатиб, ириллар эди.

— Концерт тамом... бўричам сизлардан беконасира-япти, — деди-да, бориб бўрининг боласини ечиб, уйига жўуришиб берди: — Агар бигтаңг оркамдан эргашадиган бўлсанг, бўрини кўйиб юбораман! — деб кўрkitиб ҳам кўйди. Мен бўлсам, худди сеҳрлангандек, унинг оркасидаң изма-

из боравердим.— Сен нега келянсан, домла почча? — сўради Акром юришдан тўхтаб. Ё муштлашмоқчимсан-а?

— Бўрини сизган бола билан муштлашиб бўлармикан,— деб эътироз билдирдим,— бари бир сен зўрсан-да.

— Пўк, менга кара, ке, бир куч синашиб кўрайлик. Еттинчи синфнинг болалари Хошим бало, унга яқинлаша кўрма, таъзирингни бериб кўяди, дейишади. Ўзинизнинг болалар бўлса сен Хошимдан зўрсан, дейишади. Ке, бир куч синашайлик.

— Хеч кўнглим бўлмапти-да.

— Нега энди?

— Нега десанг, мен сени hozir жон-дилимдан яхши кўриб қолдим. Ўзинг айт-чи, қандай қилиб мен нягингга муштлай оламан.

— Бўлмаса, кураш туша қолайлик,— тақриф қилди Акром.

— Бу бошка гап,— деб мен ҳам дарров кўна қолдим.

Худди шу пайтда биз Акромларининг сой бўйидаги катта боғига етиб қолган эдик. Ховлига кириб, уришаверганидан оғзидан оппоқ кўпиклар оқаётган бўри боласини ўрикка боғладик-да, курашга тушиб кетдик. Курашга тушаётганимизда бўрини сизган шу болага йиқилиб бериб, бир хурсанд қилай, деган ниятим бор эди. Аммо, қизишиб кетиб, ерга чалнак қилиб урганганимиз ўзим ҳам билмай қолибман.

— Дарров йикитмагин-да,— деб қўйди Акром ўридан тураётиб.

Бошқатдан тушамизми?

— Бўлмасам-чи.

Яна олиша бошладик. Акром белимни бука олмагач, аста қўлини олди-да:

— Бўри билан олишавериб, кучим тамом бўлиб қолганга ўхшайди,— деб қўйди,— сен билан эртага кураш тушаман.

V боб

БҮРИНИНГ БОЛАСИНИ АРВАЧАГА ҚУШМОҚЧИ БЎЛГАНИМИЗ

— Энди бунини нима қиласан?— деб сўрадим бир оз дам олгач.

— Ростини айтаман, ўзим ҳам билмай турибман.

Сен хеч циркда бўлганмисан?

— Ҳалиги... от ўйинини айтасанми?

Пўк, цирк бошқачароқ бўлади.

— Театрми?

— Йўк, бутунлай бошқача.

— Бўлмаса мен унака кимони кўрмаган эканман... нима эди?— деб сўраб қолди Ақром.

— Биласанми, мен саёхатда юрганымда,— дедим-да, шу пайтда ишонсангиз орзуларга шунақанги берилиб кетдимки, асти кўяверасиз. Агар биз мана шу бўри болани кучук бола билан ёнма-ён аравачага кўшишни машқ қилсак, аравачанинг устига кўёнга ўхшаш бирор беозор хайвонни ўтказиб, унга аравакашликни ўргатсак ва бу циркни биз «Хайвонлар дўстлиги» номли цирк деб атасак, қани айтгани-чи, қайси бола буни хавас қилмайди, кўрганда қайси боланинг оғзи очилиб қолмайди. Аввал мактабимизда томошалар кўрсатамиз, қаниқулда кишлоқма-кишлоқ юриб санъатимизни бошқаларга ҳам намойиш қиламиз... охири бора-бора цирк артистлари бўлиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Бу ёқда мен қизиқчилик қилиб одамларни қулдириб тураман, у ёқда Ақром полвон бўрини ўйнатиб туради. Аммо ўқишни ҳечам ташламаймиз.

Бир маҳал бундай қарасам, Ақром оғзи очилиб анграйиб қолибди.

— Қалай?— деб сўрадим гапни тугатиб.

— Жуда мазаку-а! — деди Ақром қафтларини бир-бирига ишкаб.

— Мазаликка маза-ю, аммо қийинчилиги ҳам бор-да.

— Мен қийинчиликдан кўркмайман.

— Бўлмаса, ишни бошлаймиз.

— Нимадан бошлаймиз?

— Аввалю аравача ясашимиз керак... бир ёнида ит, бир ёнида бўри бўлади. Араванинг устига кўёхонини ўтказиб кўямиз.

Ақромнинг дадаси мол доктори бўлиб ишлагани учунми, ховлиларида катта-кичик итлар, оқ-кўк рангдаги кўёилар, кафасларга солиниб дарахтларга илиб қўйилган сайроқи кушлар жуда кўп эди. Дадаси шаҳардаги катта институтда сиртдан ўқир экан. Иمتихон топшириш учун бундан уч кун аввал ўша ёқка кетибди. Ойиси — Инобат опам ҳозир ишда. Бўрини ўргатиш учун бунақанги қулай шароит ҳеч жойда бўлмайди. Дадасининг эски велосипеди бор экан. Ўшани бузиб, гилдираklarини олдиқ-да, кўпол, хунук бўлса ҳам пккита от кўшиладиған биргон аравага ўхшатиб, аравача ясай бошладик.

Аравачани судрайдиған шотисигача тайёрлаб қўйдигу, аммо уни қандай қилиб бирлаштиришни, очигини айтсам, икковимиз ҳам билмас эканмиз.

— Хўш, эди нима қилдик?— сўради Ақром.

— Аввал гилдиракка ўқни ўтказамиз,— дедим мен би-

лагонлик қилиб. Ғилдиракка ўқни ўтказган эдик, у айланмай, ғилдирақни судрай бошлади. Ақром менга қаради, мен унга қарадим. Икковимиз ҳам елкамизни қисганимизча бир нафас жим қолдик.

— Топдим,— деди ниҳоят Ақром севиниб,— ўқнинг ғилдирак айланадиган жойини йўниб, ниғичқароқ қиламиз-да, афтол билан мойлаб кўямиз.

— Ақлингга қойил! Ке, пешонангдан бир ўпиб кўяй,— деб юбордим севинганимдан.

Ақром айтганидек қилган эдик, ғилдирақлар ўқ атрофида равонгина айлана бошлади. Ўша куни Ақромнинг ойиси ишдан қайтгунга қадар арава деб аташ мумкин бўлмаса ҳам, хар қалай, шотисидан тортса ғилдирайдиган бир нарса ясадик-да, аравачанинг шоти билан туташадиган жойига эса кичикроқ бир яшиқни миҳлаб кўя қолдик — бу аравакаш қуёнбой ўтирадиган жой эди. Худди шу пайтда, яъни биз ўзимиз ясаган аравачани синовдан ўтказиш учун ҳовлида у ёқдан-бу ёққа судраб кўраётган бир пайтимизда Ақромларнинг кўча эшиги тақиллаб қолди.

— Ойим! — деди Ақром ранги кути ўчиб,— дарров аравачани оғнахонага олиб кир. Тез бўл! Ундан кейин айвонга бориб, китобларни очиб ўтир. Тез-тез қимирласанг-чи! Шу пайтда эшик яна тақиллаб қолди.

— Ҳозир...— шундай деб дўстим кўча эшик томон югурди. У то эшикни имналаб очиб, ойиси билан бошлашиб киргунча мен ўзинг топширигини бажариб, китобларни очишга улгурган эдим. Ниобат опам Ақром бўғрининг боласини ушлаганини эшитиб, юраги ваҳм олиб, ишдан эртароқ қайтибди.

— Хайрпаят, ўзинг саломат экансан,— деди Ниобат опа кўнгли жойига тушиб,— қани, бўғрингни менга кўрсат-чи... Вой, жуда кичкина-ку?

— Ҳечқисн йўк, ўзим катта қилиб оламан.

— Яхшиси, уни дарров кўйиб юбор, опасн излаб келиб ҳаммамизни нобуд қилади,— деди Ниобат опам ташвишланиб.

— Кўркманг,— деди Ақром керилиб,— мен бор эканман, бу уйга бўғри яқин келолмайди.

Худди шу пайтда Ниобат опам айвонга кўз ташлаб, мени кўриб қолди. Мен бўлсам жўрттага овозимни чиқариб астойдилроқ ўқни бошладим.

— Бу йиғитча ким?

— Ҳошим, Рўзивоёй ақанинг ўгли, бирга ўқиймиз,— тушутирдди дўстим. Мен аста ўринмдан туриб, одоб билан салом бердим.

— Ассалому алайкум, келинойн, хорманг!

— Бор бўлинг, баракалла.

— Келинойн, биз Акромжон билан дарс тайёрлаб ўтирибмиз.— дедим оғилхона томонга кўз киримми ташлаб. Нега десангиз, оғилхонанинг эшигидан аравача бемалол кўриниб турган эди-да.

— Ойи, эди Хошимжон билан хар куни бирга дарс тайёрламокчимиз, майлими?— эркаланиб сўради Акром.

— Лекин ўйинга берилиб кетмайсизларми?

— Йўқ,— дедик Акром иккимиз бараварига,— биз ўйинни ёмон кўрамиз, ўйнасак, дарсимиз қолиб кетади-ку!

Шундан сўнг бўрининг боласини оғилхонага олиб кириб, каттарок кафас бор экан, ана ўшанга киритдик-да, олдига бир парча хом гўшт ташлаб, эшигининг устидан занжириини солиб қўйдик.

Эртасига, яширмай кўя қолай, икковимиз ҳам дарсда ўтиролмай охириги соатдан кўён бўлишига қарор қилдик. Келсак, бўрининг боласи кафасдан чикиб кетиш учун уринавериб, чарчаб ухлаб қолган экан. Бизни сезиб уйғонди-ю, курак тишларини кўрсатиб, прилаб қўйди.

— Шошман тур, тойчоғим, ҳозир сени аравачага кўшамиз! — секин думидан тортиб қўйди Акром.

У ҳадеб тишлашга уринавергани учун оғизга кеча Чўтивой аканинг уйидан тутиб келган сим тўртин яна тутиб, арава шотисининг бир томонига боғладик-да, иккинчи томонига Акромнинг лайчасини боғлашга ҳаракат қилдик. Аммо хар қанча уринсак ҳам бари бир фойдаси бўлмади — бўрига кўзи тушиши билан лайча думини қисиб, орқага тисарилаверди.

— Кўзини бойлаймиз,— таклиф қилдим мен,— кўзини бойласак бўрини кўрмайди.

— Бари бир хидини билиб туради-ку,— эътироз билдирди Акром,— ит бўрининг хидини етти чақиримдан ҳам билади, дейишади.

— Борди-ю, бўрига пахта тикиб қўйсак-чи?

— Унда дами қайтиб ўлиб қолади.

Худди шу пайтда жуда кизик бир воқеа юз берди, аравачанинг шотисига омонатгина боғланган бўри бир ҳамла билан чилвирини узди-да, Акромнинг кўлида кўрканидан жунларини хурпайтириб, дир-дир қалтираб турган лайчага жахл билан ташланиб қолди.

— Қўйиб юбор, бир уришиб олсин,— дедим.

Бўрининг боласи бир нафасда лайчани пийпаалаб ташлади. Лайча ушинг тагидан чиқишга ҳаракат қилиб, оёқларини типирлатар, инграр, худди бизни ёрдамга чакираёт-

гандай бۇлар эди. Бўри бўлса, бутун гавдаси билан уни босиб сиз тўр тутилган тумшугини бўгзига кўйиб олган. Лайча бир амаллаб унинг остидан чиқди-да, қочинга тушди. Бўри негадир уни қувламади. Аксинча, ўзи ҳам ховлининг бошқа томонига қараб югура кетди..

Икковини ушлаб аравачага кўшгунимизча нақ ярим соат овора бўлдик. Ниҳоят, уларнинг бошини эски тўи билан ўраб:

— Қани энди бир стакла-чи,— дедим Акромга. Аммо, бари бир яна натижа чиқмади. Иккови ҳам оёгини тираб тургандан туриб олди. Уларни ёнма-ён юргизиш, аравачани судрашга ўргатиш учун нима қилиш кераклиги хақида яна бош қотира бошладик.

— Ёлғиз-ёлғиз кўшиб кўрайлик-чи,— дедим охири нима дейишимни билмай.

Ақллроқ деб ҳисоблаганимиз учун, аввал лайчанинг бир ўзини аравачага кўшдик. Аммо, у ожизлик қилиб аравачани ҳатто жойндан ҳам кўзгата олмади. Шунда яна бир ақлли тadbир хаёлимга келди-ю, севиниб кетдим. Яъни Акромни ҳам аравачадаги кучуқининг ёнига кўшишга тўғри келарди. Бу фикрни унга айтган эдим, дарров кўна қолди. Лайча икковлари аравачани ховлининг у бошидан-бу бошига судрай бошлашди. Фақат тезроқ хайдашнинг ҳеч иложи йўқ эди, нега десангиз, Акром эмаклаб борарди.

— Бўлди, тиззаларимнинг кўзи оғриб кетди...— деди у икки марта бориб келгандан кейин.

Икковларини аравачадан чиқариб, ўрнига бўри билан мен тушдим. Аммо бўрининг боласидан аҳмоқ хайвон бўлмас экан: ё чапга қараб ташлаб қолади, ё қутилмаганда орқага тисарилади, баъзан олдинга шунақанги тезлик билан югурадики, ҳеч столмайман. Икки марта аравачани ағдариб юбордик.

— Сен чик энди, икковини яна кўшиб кўрайлик-чи,— тоқати тоқ бўлиб деди Акром.

— Тўхта, тумшугига бир тепай! — дедим ўрнимдан туриб. Бўри билан лайчани аравачага кўшиб икковимиз икки ёнидан стаклаб бордик. Икковимизнинг кўлимизда ҳам қалтақ, лайча қочмоқчи бўлиб тинирчиласа, Акром савалаб қолади, бўри ириллагудек бўлса, тумшугига мен тушираман. Кечга томон иккала хайвон ҳам чарчаб, холдан тойиб йиқилгудек бўлиб қолди-ю, аммо бари бир, аравачада юришга қўнмади.

— Мен энди эртага келмайман,— дедим ниҳоят хафсалам шир бўлиб.

— Нега энди? — кўркиб кетди дўстим.

— Зеркиб кетдим.

— Хечам-да, ишнинг кизиги энди чиқади. Биз хали «Хайвонлар дўстлиги» циркining мактабга ҳам олиб бориб кўрсатамиз. Бир болаларнинг хавасини келтирмасакми...

Эрталаб энди мактабга жўнаймиз деб Доно, Ойша учовимиз тараддул кўраётган эдик, кутилмаганда Акром кириб келди.

— Қулогингга бир гап айтмоқчиман,— деди шивирлаб.

— Айт-чи?

— Биринчи соатга бормаимиз... Немис тилига борднинг нима-ю, бормадинг нима, бари бир эмасми?!

Акромнинг ганида ҳам жон бор — янги келган немис тили ўқитувчимиз хеч йўклама ўқимайди, ким келди, ким келмади, суринтирмайди ҳам. Бунинг устига хеч кимга ёмон баҳо қўймайдиган ажойиб бир одати бор экан. Фақат уй вазифасини бажариб келган ўқувчилардан сўрайди, холос. Шундай бўлгандан кейин, бир соат-ярим соат прогул қилсак хеч нарса қилмас, деб ўйладим-да:

— Тўғри айтсан,— деб дўстим билан етаклашиб кўчага чиқдик. Уша куни кечаси билан яхши ухламай, ажойиб бир режа тузган эдим. Акромга айтсам, севинганидан кичкириб:

— Аклингга қойил!— деб елкамга уриб қўйди.

Уша соатдан бошлаб ит билан бўрига оз-оздан гўшт бериб, шу овқат баҳонасида уларни ишга ўргатмоқчи бўлдим. Лайчани аравачага қўшиб ховлининг нариги бурчагига етаклаб борамиз-да, олдига бир парча гўшт ташлаймиз. Буни оч-наҳор ётган бўри боласининг кўз ўнгига қиламиз, иштаҳасини қўзғаб, оғзидан сўлакайлариини оқизиб юборамиз. «Кўрдингми, ишласанг овқат ейсан, ишламасаңг тумшугингга тенки ейсан...» дегандек бўламиз. Бу ишни тўрт-беш бор таврорлаган эдик, бўрининг боласи кулранг кўзларини мўлтилатиб, узун тишларини такилатиб, тинирчилаб қолди. Ана шундан сўнг уни ҳам аравага қўшдик. Ниҳоят, бир оз муросага кўнгандек бўлди. Мен билан ёнма-ён юриб, уч марта аравачани судраб борди.

— Энди икковини тенг қўшамиз,— таклиф қилди Акром.

Уша куни икки хайвон бизнинг кўмагимизда аравачани судраб ховлини тўрт-беш марта айланиб чиқинди. Ох, ўшанда бизни, яъни бўлажак циркнинг артистлари бўлмиш Акром билан менинг қувонганимизин айтсангиз. Худди росмана сахнада ўйин кўрсатаётгандек, бир-бирларимизни қучоклаб, елкаларимизни силашиб табриклашдик.

...Мактабга бориш бутунлай ёдимиздан кўтарилиб кетибди. Эртасига ҳам, иккинчисига ҳам негадир мактабга бор-

гимнз келмади. Хайвонларга ҳар хил ўйинларни ўргатишга жуда берилиб кетдик. Бир ҳафта деганда лайча билан бўрининг боласи аравачани мустақил ўзлари судраб юрадиган бўлишди...

Ақром иккимиз цирк артистлариникига ўхшатиб пахта қоплайдиган қанор қопдан қўйлақ, кенг иштон тикдик-да, артистлариникига ўхшаб олачиפור бўлгани учун снѐх билан ҳар жойини бўяб ҳам қўйдик. Мен кизиқчилик ролини бажаришим керак эди. Қогоздан куббали қалпоқ ясаб, уни ҳам олачиפור қилиб бўяб олдим. Юзимнинг бир томонига уш, бир томонига снѐх суртдим.

— Қалай? — сўрадим дўстимдан.

— Ростини айтсам, сени ҳеч таниб бўлмайди, — деди Ақром.

— Ташимаганинг яҳши бўпти. Ташисанг, менинг артистлигим қаёқда қоларди... Ҳеч ким танимаса, ўшанда кизиқ бўлади.

Ана шундан сўнг икки хайвонни афту ангоримизга, усти-миздаги ола-була кийимларга қўништириш учун машқларни қайтадан бошлаб юбормоқчи бўлдик.

— Ийе, бўри қани? — деб қолди Ақром тўсатдан хушёр тортиб. Бўрининг боласини ховлидаги ўрикка боғлаб қўйган эдик. Арқонни узиб, хайр-маъзурни насия қилиб жуфтақни ростлаб қолибди. Боғининг эшиги очик, ўша томонга қочган бўлса керак, деб бокка чикдик, қарамаган жойимиз қолмади. Ҳеч жойда йўқ!

— Тамом! — йиғлагудек бўлиб деди Ақром, — мана, изни кўргини, деворга сапчиб чиқа олмагандан сўнг мана бу арик билан юриб обчиндан ўтиб кетибди.

Девордан ўтиб пахтазорларнинг ичинини-ю, сой бўйидаги чангалзорларни бирма-бир титқиладик — бари бир изини ҳам тона олмадик.

— Хафа бўлма, қуён гўшти егисен келса, ўзи қайтиб келади, — қўнглини кўтардим Ақромнинг.

Ҳеч нарсага қўлимиз бормай қолди. Ит билан қуёни аравачага қўйишининг эса ҳеч кизиги йўқ эди, секунггина уйга жўнадим.

Кўча эшигимиздан шундоқ қадам босишимни биламан, ховлидаги катта сўрида дадам, снѐф раҳбаримиз Воҳид Солиевич, мени жинидан баттар ёмон кўрадиган вожатийимиз Зокиржон ака учовлари чойхўрлик қилиб ўтиришганини кўриб қолдим. Орқага қайтишимни ҳам, тўйна-тўғри бостириб боравершимни ҳам билмасдим. Орқага қайтай десам, мени аллақачон кўриб бўлишган, бораверай десам, бир ҳафтадан буён мактабга бормай, мактабга бордим

дарсдан сўнг Акромларникида дарс тайёрлаб роса чарчадим, деб уйнимиздагиларни ишонтириб юрган эдим.

Оддларига дадил бораверишга қарор қилдим. Яқинлашган сари уювлари ҳам барабар ўринларидан туриб, бир-бирларига караб елка қисниб, орқаларига тисариллаверишди. Негадир, уювларининг ҳам кайфи учганрок кўринадди...

— Ассалому алайкум, Воҳид Солиевич,— деб салом бердим одоб билан.

— Не, Хошим, бу сенмисан? деб сўради дадам.

— Менман, нима? Овозим ўхшамаяптими, дада?

— Овозинг-ку ўхшаяпти-ку, лекин афтинг худди алвастининг ўзи.

Турган жойимда котиб қолдим. Алвасти деган сўзни эшитганим учун эмас, йўқ, йўқ, ундай деб ўйламам. Шарманда бўлганим учун котиб қолдим. Хали Акромларнинг уйида цирк кизикчиларига ўхшаб ўзимга пардоз берганимни бўрнин ахтариш баҳонасида паққос эсимдан чиқариб юборган эканман. Хатто бошимдаги куббали коғоз қалпоғимни олишни ҳам унутибман...

— Бор, ювениб чик,— деди дадам, кейин гаплашамиз дегандек бир оҳангда.

VI боб

МЕНИНГ ХАМ ДУСТЛАРИМ БОР

Ювинаман деб кўйлагимни ечган эдим, унқ қўлим култигимнинг таги аралаш тирсиллаб шишиб кетганини кўрдим. Анови кунни бўрининг боласини овқатлантираётганимда уч-тўрт бор каттик-каттик тишлаган эди. Машгулотга берилиб кетиб, қўлим газак олиб шишиб кетганини ҳам сезмай қолибман. Шу пайтда каттик оғриётганини, баданимда иситмам ҳам борлигини пайкаб қолдим. Шундай бўлса ҳам меҳмонларнинг олдига чиқдим.

— Ха, баракалла, мана энди ўзингизга келдингиз,— деди Воҳид Солиевич,— қани, беринок ўтиринг-чи, шу келишда қаёқдан келяпсиз?

— Менми?— дедиму, у ёғига дудукланиб қолдим.

— Кейинги кунларда мактабга кадамранжида қилмай кўйдилар?— кесатиб сўради вожатийимиз.

— Мактабгами?— деб сўрадим мен ҳам.

— Ха, мактабга!— ўшкириб берди дадам.

Қарасам, иш сал чатокрокка ўхшайди. Уювлари бекорга тўпланишмаган, нима қилиш кераклигини аввалдан келишиб олишган бўлса ҳам ажаб эмас

— Касалман, — дедим йигламасираб, — мана, ишонмасаларинг кўлимни кўришлар, ишииб кетган, мана!

Кўйлагимни ечиб биллагимни кўрсатган эдим, учовлари бир-бирларига караб қолди.

— Нимадан ишиди? — меҳрибонлик билан сўради Воҳид Солиевич. Унинг чиндан ҳам ачиниш сўраётганлиги шундоқкина гап оҳангидан сезилиб турарди. Шундай бир одамни, муаллимлар ичида биринчи бўлиб «сендан яхши йигит чиқади», деб кўнглимни кўтарган, кунора дарсларимни суриштириб турган, мана бугун қимматли вақтини сарфлаб, мендан хабар олгани келган бир кимсани ҳеч алдагим келмасди.

— Бўришинг боласи тишлаб олди... — дедим секин бошимни кўтариб. Кейин бўлган воқеани ишдан-ишгагинача гапириб бердим.

— Эсингизна, қочмаганда биз ундан бирор гап чиқарардик, — деб афеусланди Воҳид Солиевич, — менда хайвонларни кўлга ўргатишда ном чиқарган машҳур бир одамнинг китоби бор, ана ўша ерда ҳамма нарса ёзилган.

Шу пайтда ишни яширишча олиб борганимиз, бошидаёқ ҳамма гапни Воҳид Солиевичга айтганимиз учун афеусландим, аламиндан сочларимни юлгудек бўлдим.

— Тентак, — деди дадам аччиги чиқиб, — мана шунака бемаъни ишларини кетидан қувиб, бўйнинг теракдек бўлса ҳам ўқишни битира олмай юрасан... Нега мактабга бормаддинг?

Нима дейишимни билмасдим.

Хуфтон махалигача учовлари гаплашиб ўтиришди. Бувижоним дарров паловга ушлаб кетди. Мен чой-пой ташиб хизмат қилиб турдим. Ойша билан Доно бўлса бизни одобли болалар деб аташсин, деб жўрттага деразанинг рўпарасига ўтириб дарс тайёрланарди. Вазифа ишлашянтими ёки яхши гаплардан бенасиб қолмайлик, деб қулоқларини диккайтириб гап пойлашянтими, биллиб бўлмасди. Меҳмонлар директоримизнинг уч яшар поввоеси кунжарага бўкиб ўлиб қолгани, синфимиздаги Саддиниса, Ҳамроқул энг аълочи болалар эканлиги, бу йилги пахта ҳар йилгидан ҳам мўл бўлганлиги тўғрисида сўзлашиб ўтиришарди. Гап аълочи болалар ҳақида кетганда дадам мени эшитсин деб, жўрттага баланд овоз билан қайта-қайта сўради:

— Бу Саддиниса яхши ўқийдими-а?

— Бугун ўтиладиган дарсини бир ҳафта аввал ўқиб кўйган бўлади, — тушутирди Воҳид Солиевич.

— Қиз бола-я?

Қиз бўлса ҳам бало!

— Ану кинначининг ўгли-чи?

Миробиддинхўжа баҳона бўлди-ю, эски урф-одатлар, кинна солиш одамини алдаш эканлиги, шихоят, мени «Енгок қорн»га шогирдликка бериб кўп хато иш қилишганлиги тўғрисида гапга тушиб кетишди.

— Хошим, меҳмонларнинг қўлига сув қуй,— деб колди шу пайтда бувижоним.

Ошдан сўнг меҳмонлар ўрниларидан туришди. Улар ўзи нега келишди, ахир фақат овқат еб кетгани келмагандир, мени мактабга бормаётганлигим учун нега савол-жавобга тутишмади... Жимгина қайтиб кетганларидан кўра икки оғиз уришиб қўйишганда анча енгил тортган бўлардим-ку!

— Воҳид Солневич, нега мени уришмайсиз?— деб сўрадим охири тоқат қилолмай.

— Нима деб уришай?

— Ахир прогул қилдим-ку?

— Прогул қилганингиз учун афеусланаётганингизни биллиб турибман... ё афеусланмаяпсизми?

— Энди ҳечам прогул қилмайман.

— Мана бу гапингиз унча тўғри эмас, бундан кейини қўлингиздан келмаган ишга ҳечам ваъда берманг.

— Прогулсиз ўқиш қўлимдан келмайдими?

— Эҳтимол келар. Лекин Сиз, бари бир, ваъдангизни нутиб кўясиз.

— Хўп бўлмаса, мана дадам, ойим, бувижоним, ҳаммаларининг олдида тантанали ваъда бериб айтаманки...

— Қўйинг, бунақанги тантанали ваъдаларингизни...— Воҳид Солневич биз билан хайрлашиб чиқиб кетди. Алам қилганидан йиглаб юборай дедим. Энди, мактабимизда менга ишонадиган бирдан-бир одам ҳам қўлини ювиб қўлтиги-га артадиган бўлса... йўқ, бунга тоқат қилолмайман.

— Нега сизгача котиб колдингиз? Ке энди бу ёкка!— деб чакириб колди ойим.

— Мазам бўлмай кетяпти,— дедим негадир ўқчигим келиб. Ойим пешонамга қўлини қўйиб:

— Дадаси, Хошимингизнинг иситмаси бор!— деди ваҳимали бир оҳангда. Қўлтигимнинг тагига муздеккина термометр қўйишган эди, ҳароратим 39 экан. Иситмам жуда тезлик билан кўтарилиб бораётганини, суяқларим зиркираб, бошим айланаётганини сезиб турардим. Дадам эри армияга кетган ҳамшира Собира опани айтиб келганини, кастрюлькага ўхшаш идишда ҳар биттаси мол боғланадиган қозикдек-қозикдек келадиган шприцларни шарақа-шуруқ қилиб қайнатаётганларини сал-нал биламан. Кейин иситмам 40 дан ошиб, бутунлай ҳушдан кетиб қолибман.

Бир маҳал кўзимни очсам, уйда ёлғиз ўзим ётибман. Хурматимни жойига қўйиб ошпоқ чойшабу атлас кўрпаларга ўраб қўйишибди. Ташқарида кутурган бўридек увиллаб шамол эсяпти. Шамол деразаларнинг ойнасига чўп-хасларни, қумтунроқларни келтириб зарб билан уради, дарахтларнинг бошини ерга теккудек-теккудек қилиб эгиб қочади. Хў наридаги толлар фарёд қилиб тўлғанади, шохларини бир-бирига ишқаб, ғийт-ғийт қилиб йиғлайди... Бош томонимда, кўздан милтиллаб ёш оқиб ойим ўтирибди.

— Сув!— дедим секингина.

— Вой, тойлоғим, кўзингни очдингми?— шундай деб ойим энгашиб пешонамдан ўпди-да,— хой дадаси,— деб чакра бошлади,— Хошимжон кўзини очди.

Хонага дадам, кетидан хў бирда синглим Додохоннинг қорини ёриб, кўричагини олиб ташлаган ориқ доктор амаки кириб келишди.

— Айтмадимми, иситмаси тушса кўзини очади, деб. Оббо азамат-эй,— деди-да, доктор амаки пешонамга қўлини қўйди,— қалай, бош огримаянтими?

— Сал-пал...

— Ҳечқиси йўқ, кечга бориб, бош огриқ ҳам қолади. Эртага ўрнингиздан ҳам туриб кетасиз... индишсенга бемалол бўри овига боришингиз мумкин.

— Дадаси, Хошимжоннинг ўзига келганини сиф раҳбарига хабар қилайлик. Бечора кечадан буён адоин тамом бўлди,— деб гапга аралашди ойим.

— Воҳид Солневич ҳам билдиларми, ойн?

— Уч марта келди-я... мунча энди сени яхши кўрмаса!

— Мен ўзи яхши боламан-да, ойнжон,— деб қўйдим хазиллашгим келиб.

Доктор амаки дадам билан ойимга ҳар уч соатда биланганимни счиб, тиш ботган жойини аввал марганцовка билан ювиб, кетидан мана бу доридан суртиб қўясизлар, деб тайинлади-да, хайрлашиб чиқиб кетди.

Шамол зўрайгандан зўрайиб, хиёл ўтмай, қор ҳам учқунлай бошлади.

Ҳозиргина мактабдан қайтган Ойша:

— Ака, акажон! — деб оёғимдан тортқилай бошлади.

— Нима дейсан?

— Ухлоқмисиз, уйгоқмисиз?

— Ухлоқман.

— Ҳо, алдаянсиз. Кўзингизни биттаси очиқ-ку.

— Туш кўряман-да, ўшанинг учун биттасини очиб ётибман,— деб қўйдим.

— Ака, Сизни кўргани синфингиздаги ўртоқларингиз келишар экан.

— Менинг нимамни кўришар экан?

— Тузалиб қолганингизни сўрашса керак-да...

Ойша гапини тугатолмади. Нега десангиз, худди шу пайтда эшик томондан дапир-дупур оёқ товуши, болаларнинг сен кир, сен кир, деб пичирлашаётгани эшитилиб қолди. Мен ётган хонанинг эшигини очишди-ю, аммо ўшандан кейин ҳам, сен бошла, сен бошла, деб беш минутча тарағ қилиб туришди. Инхоят, остонада кулимсираганча Хамроқул кўринди.

— Тузуқмисан, шерик?— деди у негадир кулиб юборгудек бўлиб.

— Хайрият, тузалиб қолибсан,— деб орқасидан Миробиддинхўжа мўралади. Шундан кейин болалар уйга ёпирилиб киришди. Бир даста совук урган гул, попуқли қанд, ўн дона олма олиб келишибди. Уни тоқчага қўйиб, бири кўлимни, бири пешонамни ушлаб ҳар томондан ҳар хил саволлар ёғдира кетишди. Воҳид Солневич шошилиб кириб келди-да, «йўқ, йўқ, касал кўриш бупақа бўлмайди», деб хаммаларини ўтиришга таклиф қилди.

Негадир юрагим хапқириб, ич-ичимдан йиғи кела бошлади. Яширмай кўя қолай, шу кунгача бу синфга тушиб қолганим учун киши билмас ҳафа эдим. Назаримда болаларнинг хаммаси ҳам менга бегонадек, бири мактанчок, бири маҳмадона, бири кўрқокдек бўлиб кўринган эди. Синфга кирсам, худди қафасга тушгандек бетоқат бўлиб қолардим... Улар бўлса мен дард билан олишаётганда аҳвол сўрагани, кўнглимни кўтаргани келишибди. Демак, ёмон болалар эмас экан-да, демак, ўзим ёмон эканман-да. «Раҳмат, хаммаларингга раҳмат...» деб ўйлардим ўзимча.

— Иситманг қолдими?— сўради орқа партада ўтириб, қизларнинг сочини бир-бирига боғлаб кўядиган Абдусамат.

— Раҳмат, тузалиб қолдим.

— Қори почча, ўзингга ўзинг бир дам солиб олмабсан-да,— деди Ғиёс. Болалар гур этиб кулиб юборишди.

Орқамдаги партада ўтирадиган Шохида хижолат бўлганимни сезиб қолди шекилли:

— Хўкиз мишман деб, бошини ёриб олган одамнинг гапини қаранг,— деб қўйди. Болалар яна шарақлаб кулиб юборишган эди, Ғиёс ўрнидан туриб, ўзини оқлай бошлади:

— Ўша хўкиз жуда балад экан, устига шоти қўйиб чиқаман десам, юриб кетди. Шоти билан шалолаб ерга йиқилдим-да...

Хаммадан ҳам ойим бечора ўзида йўк хурсанд эди, ўзини кўярга жой тополмай:

— Вой худойим-ей, менинг ўглимни ҳам оркасида йўк-лаб келадиган ўртоқлари бор экан,— деб гоҳ уйга кирар, гоҳ эшикка чиқар, шма килаётганини ўзи ҳам билмай чой-кутини кўлига ушлаб олиб, Ойшадан, «қуриб кетмагур, чой кутини кўрмаднингми», деб сўрар эди. Болалар турамиз, деб кўзгаллишган эди, ойим «бир пиёладан кайноқ-кайноқ чой ичирмагунча ҳеч ёкка кўймайман», деб йўлларини тўсиб туриб олди. Кейин хаммаларини меҳмон кила бошлади. Олдиларига шкафта қулфлоглиқ турадиган шоколадлардан, мевалардан уйиб ташлади. Болалар қоронги тушай дегандагина ўрниларидан туришди.

— Хошимжон, тезроқ тузалнинг, синфимиз сизсиз хувиллаб қолди,— деди Воҳид Солневич.

— Йўк, ҳечам тузалмайман,— дедим бетимга кўрпани тортиб.

— Ие, нега тузалмайсиз?

— Хаммаси мени доим «домла почча» деб чақиринишади. Ана шу одатларини ташламагунча тузалмайман, чўзилиб ётавермаман.

Болалар ҳазиллашаётганимни пайкаб, кулиб юборишди.

— Бугундан эътиборан ҳеч ким Хошимжонни «домла почча» деб чақирмасин. Келишдикми, болалар? — сўради Воҳид Солневич.

— Келишдик,— умумий хор бўлиб такрорлашди ўртоқларим.

— Мен ҳам бугундан эътиборан тузалдим бўлмаса,— деб секин бетимни очдим.

Хаммалари чиқиб кетишгач, анча маҳалгача ойим пешонамни силаб ўтирди. Энтикди, кейин йиғламсирагандек:

— Бирам ажойиб болалар эканки,— деб кўйди,— бири биридан қувноқ-а.

— Шулар билан ўқийман деб атайлаб синфда қолган эдим-да, ойимжон.

— Анови, ўртоғинг бор эди-ку, оти шма эди, бўрининг боласини ушлаган-чи?

— Ақромми?

— Ҳа, ўша. Ушанинг ҳам кеча деразанинг ёнидан кетмади Ичкари кир десам, уяламаи, деб шаталоқ отиб қочади... Бечора сенга бирам ташвишландики. Хаммалари ҳам яхши болалар экан... Шулардан ажрамагини, этакларини маҳкам ушла...

«ИЯ, МЕННИГ ҚАЛЛАМ ҚАНИ?»

Биласиз-ку, мен унча-мунча касални парвойимга ҳам келтирмаймай. Агар хушимдан кетиб қолмаганимда, ўлай агар, чўзилиб ётмаган бўлардим. Уч кун деганда оёкка туриб, гижишлаган тойчокдек бўлиб кетдим. Ойим билан бувижонимнинг хайхайлашига ҳам карамай, мактабга, кадрдон синфимга жўнадим. Майли, икки олсам ҳам ўша ерда бўлганим яхши.

Аmmo синфга киришим билан таълим жуда тиррик бўлди, бундан кўра касал бўлиб ётаверганим минг марта яхши эди. Синфимизда «Аълочилар» деган деворий газета чиқарди. Ана ўшанга Ақром иккимизни бошлаб ўриб чиқишти. Танқид қилишгани озлик қилиб, ёнига расмимизни ҳам чизиб қўйишибди: Ақром бўрининг боласини миниб турибди, мен паканагина лайчани миниб олганман. Иккимизнинг ҳам қалламиз йўқ, қалламнинг ўрнида допра-ю, допранинг ичига фамилияларимиз ёзилган. Остига:

— Нега буларнинг қалласи йўқ?

— Қалласи бўлса ўкишдан қолармиди!— деб бир чиройли қилиб ёзиб ҳам қўйишибди. Аввалига, яширмай кўя қолэй, роса маза қилиб кулдим. Нега десангиз расм ўзимга ҳам жуда маъқул бўлган эди-да. Кейин бошқалар ҳам бизнинг устимиздан мана шунақанги қилиб кулишган бўлса керак, хатто уйларига ҳам бориб кулишгандир, деб ўйладиму, алам қилганидан тишларим гижираб кетганини ўзим ҳам билмай қолдим.

— Ким чизди буни?— Худди раҳмат айтмоқчидек кулимсираб сўрадим. Тоштемир деган чапақай бола газетага редактор эди. Мен газета кўраётганимда ёнгинамда турган эди. Сал тисарилиб, мактавгандек:

— Мен чиздим,— деб қўйди,— ашш-у, парирок тур, тумовман.

Мен бу ёқда уятдан ўлай деяпман-у, у бўлса мактаниб, икки қўли биқинида, илжайиб турибди. Шартта ёқасидан олдим.

— Нега чиздинг?

— Чиздим, ашш-у...

— Нега деяпман?

— Ашш-у, ашш-у...

— Тоза кўриб ол-чи, меннинг қаллам борми-йўқми?— деб бошимни Тоштемирнинг қорнига шиқаб қўйдим.

— Ҳозир бор, ашш-у.

— Хей, «апшу», нега бўлмаса менинг расминни калласиз қилиб чиздинг?

— Нега бўлмаса, апшу... ўзинг бўлар-бўлмасга прогул қилиб давоматни оркага судрайсан, апшу... хозир еттинчи ўринга тушиб қолдик, билдингми!

— Хозир расмин олиб ташлайсан!

— Апшу, олмайман.

— Мана бўлмаса,— Тоштемирни иткитиб юбордим-да, деворий газетанинг худди ўша калласиз расм солинган бурчагини йиртиб ташладим. Синф тўс-тўполон бўлиб кетди: биров менинг қўлимга ёпишган, биров Тоштемирни ўридан тургазиб елкасидан чапгини коккан, биров чақимчилик қилиб яхши кўришни умидида директорнинг кабинетига қараб югурган. Кабқандир вожатийимиз Зокиржон ака пайдо бўлиб қолди.

— Уят эмасми! — деди у менга яқинлашаётиб,— қани, жой-жойларингга ўтиринглар-чи... нега йиртдинг?

— Билмай қолбман,— дедим бошимни секин эгиб.

— Дардан кейин ҳеч ким кетмасин... Отряд мажлисини ўтказамиз.

Зокиржон ака чиқиб кетди. Мен қани, хафа бўлдимикан-йўқмикан, деб секин Тоштемирга қараган эдим, у юзини тесқари ўгириб олди. Бир хаёлим дармоним қуриб кетяпти, деб мажлисдан олдинроқ жуфтани ростлаб ҳам қолай дедиму, ҳамма мени кўрқок деб аташидан чўчиб, нима бўлса ҳам нешонамдан кўрдим, дея қолишга қарор қилдим. Ақром:

— Айб ўзидан ўтди,— деб кўнглимни кўтарди,— мен сенга гувоҳ бўламан, кўрқма.

Шундай қилиб синф мажлиси ҳам бошланди. Аввал Зокиржон ака, кетидан Отажон Азизович кириб келди. Воҳид Солиевич юқори синф болалари билан районга аллақандай кенгашга кетган экан, мажлисга қатнашмади. Мажлисини отряд советининг раиси ориқликда менам ҳам ориқ, новчаликда менам ҳам новча Маматжон олиб борадиган бўлди. Унинг ўнг томонига кадрдон директоримиз, чап томонига ундан ҳам кадрдонроқ бўлган вожатийимиз ўтириб олишди.

— Олтинчи «Б» синфи... пионерларининг давомат масаласига бағишланган...— деб Маматжон муштирага бир йўталиб олиб, столнинг киррасини маҳкам ушлаганча, биллиар-биллимас қалтираб сўзида давом этди,— бағишланган мажлисини очик.

Болалар эшитилар-эшитилмас қарсақ чалишди. Мен чалмай бошимни эгиб, жуда уялган кишидек, ҳар замонда

буринини тортиб жимгина ўтирардим. Отажон Азизович ўридан туриб, аввал хиёл кулимсеради, кейин ковогини солиб ҳаммага бир-бир кўз ташлаб чикди-да:

— Хўш, болалар, қани айтинглар-чи, ҳозир синфларнинг даволат масаласида нечанчи ўрида турибди?— деб сўради.

— Еттинчи ўрида,— ҳар томондан чуғурлашди болалар.

— Нега биринчи ўринни ололмадиларинг?

— Чунки бизда проғулчилар кўн-да.

— Хўш, энг кўп проғул қилганлар қимлар экан?

— Ҳошим.

— Ақром.

— Умринисо.

— Шерқўзи,— чувиллаб қолишди болалар. Мен бўлсам, хайрият, проғулчи бир мен эмас экан, кўпчилиқ эканмиз, биргалашиб жавоб берсак осонроқ бўлади, деб ўйладиму, қаддимни ростлаброк ўтириб олдим. Отажон Азизович сўрашда даволат этди:

— Демак, синфнинг даволатини орқага суриб қора доскага тушиб қолишларингга сабабчи бўлганлар шулар эканда?

— Худди шуларнинг ўзи!

— Қани, бу ёкка чиқинглар-чи, тортинмасдан чиқавринглар, баракалла! Қаранглар-а, бир-бирдан чиройли болалар-а... Қандай қилиб проғулчи бўлиб қолганларингга ҳеч ақлим етмайди... Маматжон, энди сўз яна ўзингизга. Мажлисни даволат эттиравеинг, мен бир чеккада ўтираман. Қани, олтинчи «Б» синфининг пионерлари ҳақиқий пионерларми, ўртокларининг қамчилиқларини очиб ташлаш кўлларида келадими, бир синаб кўрай-чи.

Маматжон ўридан туриб нима дейишини билмай кўлларида кесирлатиб, анграйиб турди-да, кейин:

— Отажон Азизович, Ақромнинг кўлатиғида қирни бор, қаранг, питирлаяпти,— деб кўйди. Вожатийимиз Ақромнинг кўлатиғидаги халтачага солинган қирнинг боласини олиб, доскадаги латта илинадиган миҳга осмоқчи бўлган эди, директоримиз «партаининг остига кўйинг, партаининг остига!» деб жеркиб берди. Синф яна сув куйгандек жим бўлди. Маматжон сўради:

— Қим гапирди?

Тоштемир кўл ҳам кўтармасдан ўридан туриб гапирмоқчи бўлган эди, Маматжон «аввал кўл кўтар, руҳсат берсам, кейин гапирсан», деб ўринга ўткизиб кўйди. Тоштемир партага ўтирди-ю, араблаб энди гапирмайман, деб туриб олди.

Синфимизнинг болалари мана шунақанги мажлиси анчадан буён соғиниб юришган экан. Ёнг шимариб прогулчиларни муҳокама қилнишга, нега прогул қилдинг, нега уй вазифасини бажармайсан, нега синфимизни шарманда қиласан, деб ҳар хил саволлар бернишга тушиб кетишди. Охири прогулчилар энди қилмаймиз, тавба қилдик, агар яна такрорласак, майли, билганларингизни қилдинглар, деб аранг қутулишди.

— Энди навбат Хошимжон Рўзиевга,— деб қолса бўладими бир маҳал Маматжон,— ҳўш, Хошимжон ҳақида қим биринчи бўлиб гапирмоқчи?

Ҳамма жим эди. «Минг марта раҳмат сизларга, дўстларим», деб эндигина ёнбошимга қарайман, десам худди шу пайтда Тоштемир кўлини кўтарганча ўрнидан турди-да, шу ҳолида, кўлини туширмасдан бидиллаб гапирга бошлади:

— Давомат масаласига бағишлаб, аяшу... кечирасизлар. тумовман, деворий газета чиқарган эдик. Воҳид Солиевни айтган эдилар. Домла пучча, йўқ, Хошим Рўзиев безорилик қилиб уни йиртиб ташлади, аяшу... Совет ҳукуматида безорилик қилиш мана этилган. Жавоб берени! Аяшу...

— Хали деворий газетани ҳам йиртдимми?— ўзини билмаганга солиб сўради директоримиз,— нега йиртдинг?

— Нега бўлмаса менинг расминини бошсиз қилиб чизадми?— деб сўрадим мен ҳам.

Йўқ, иш бутунлай чаппасига айланиб кетди. Мажлиснага ранслик қилишни Отажон Азизович ўз кўлига олди. Ақромни ҳам менинг ёнимга тургазиб қўйишди. Мен энди ҳам прогулчи, ҳам безори сифатида муҳокама қила бошлашди. Мен синфдан хайдаб юборишларидан кўрқардим. Ойим айтганидек, бунақанги синфини, бунақанги яхши болаларни ҳеч жойдан топиб бўлмайди.

— Қани, айтишлар-чи, пионернинг биринчи бурчи нимадан иборат?— синфга савол ташлади Отажон Азизович

— Аяло ўқнишдан.

— Яна?

— Интизомли бўлиш.

— Яна?

— Прогулсиз ўқиш!

— Баракалла! Демак, пионер Хошимжон Рўзиев ўз бурчинини адо эта олмапти. Шундайми?

— Шундай.

— Ўз бурчинини адо эталмаган бола пионернинг қип-қизил алетугинини тақиб юришга лойиқми?

— Йўқ, лойиқ эмас.

«Тамом, — деб ўйладим ничимда, — ҳаммаси тамом бўл-

ди... нега энди Воҳид Солиевич тезроқ кела қолмайдиган экан?
Ўша бўлганда мени олиб қолармиди...»

— Ҳўш, кимда қандай таклиф бор?

— Менда,— сакраб ўрнидан туриб кетди Миробиддин-хўжа,— мен айтмоқчиманки, мен... умуман айтмоқчиманки...

— Нима демоқчисан ўзи?

— Мен ҳеч нарса демоқчи эмасман... мен айтмоқчиманки, Ҳошим яхши бола, ўзи сал даңгасароқ, холос. Агар уни пионердан чиқарсаларинг мен ҳам ўқимайман. Гапим тамом.

— Яна ким гапирмоқчи?

Саддиниса ўридан туриб сочининг жамалагини ўйнаганча бирпас деразага тикилиб турди-да:

— Ҳошимни пионердан хайдасак, ойини ўзини осиб қўяди,— деб ҳаммани кўрkitиб юборди,— ойинининг ўзи айтган. «Агар Ҳошим бу йил ҳам тузук ўқимаса, ўзимни-ўзим осаман, ё устимга керосин куйиб, ўт қўяман» деган...

Саддинисадан кейин Тоштемур яна гапириб, проғул қилгани учун кечирим сўрасин, деворий газетани эса қайта бошдан ёзиб берсин, мени туртгани учун кейинчалик ҳисоб-китобни ўзимиз тўғрилаб оламиз, деди. Сифкомимиз Ҳамроқул: «Ҳошим сифдан ташқари ишларга ҳеч қатнашмайди, уни редколлегияга аъзо қилиб олиш керак, хати чиройли»,— деб қўйди. Маматжон ҳам муштирага йўталиб анча гапирди: «Пионердан хайдамайлиг-у, вақтинча бўйиндаги гаястугини счиб олайлик», деди. Кимдир биттаси, бошига тўн ёпиб, бир савалаш керак, деб таклиф киритди. Ҳар хил гаплар шунақанги кўпайиб кетдики, охири қулоғимга ҳеч нарса қирмай, буринини жийириб, анграйганимча ўтиравердим. Эсноқ тутиб, уйқум кела бошлаган эди, директор шартта ўридан турди:

— Пионерлик бурчини адо эта олмагани учун, Ҳошимжон Рўзиевни кимда-ким пионердан ўчсин деса, қўлини кўтарсин.

Директоримизнинг мана шу «илик» гапидан кейин кўзларим ярк этиб очилди-ю, уйқум ҳам ўчиб кетди... ҳеч ким қўл кўтармапти. Бир минут, икки минут, уч минут... йўқ, ҳеч ким қўл кўтармади.

— Яхши!— деди Отажон Азизович, негадир хурсанд бўлиб,— ўзим ҳам шундай бўлишини кутган эдим, баракалла! Энди бошқа бир таклифини ўртага қўймоқчиман. Пионер аъзоси Ҳошимжон Рўзиевни тарбияланиб, яхши ўқувчи, интизомли пионер бўлиб етишинига қўлимдан келган ёрдани аямайман, деган пионер қўлини кўтарсин.

Бу гал ўттиз олти бола бараварига қўлини кўтарди. Назаримда, бир хил болалар шққала қўлини ҳам кўтарган-

га ўхшади. Санашиганда иккита кўл ортик бўлиб чиқди. Севиниб кетганимдан ўша пайтда ўзим ҳам кўлимни кўтариб юборган эканман.

— Хўш, Хошимжон, ўзинг нима дейсан?— сўради кадрдон директоримиз.

— Ўзимми, ўзим бутун синфдан кечирим сўрайман, бунақанги ишларини энди қилмайман!

— Демак, таитанали ваъда берасанми?

— Йўқ, ваъда беролмайман.

— Нега?— ўттиз олти бола бараварига сўради.

— Чунки, илгари ваъдалар беравериб, ваъдамнинг тутуруги кетиб қолган,— деб тушуптирдим дўстларимга,— шунинг учун бу ишни ваъдасиз бажармоқчиман...

Мажлис ёпилади.

Мактабнинг буфетидан бир товок мастава олиб ичдим да, Тоштемирнинг ёнгинасига ўтириб олиб деворий газетани бошдан-оёқ кўчириб чиқдим.

— Қалай?— деб сўрадим редактордан.

— Хатинг чиройли-ку, лекин хатоси кўпроқ экан,— деб кўйдди Тоштемир,— тайёрланиб юр, янаги чоршанба куни газетанинг янги сонини чиқарамиз.

— Нимага тайёрланиб юрай?

— Прогулячиларини, ёмон баҳо олганларини, безориларини ҳисобга олиб юр. Ўшалар ҳақида бошлаб мақола ёзасан.

Мактабдан хурсанд қайтдим. Ахир мен редколлегия аъзоси бўлган эдим-да. Умрим бино бўлиб биринчи марта амал тегди-ю, хурсанд бўлмайманми!

VIII БОБ

ОДАМ БУЛЛИ ДЕБ ҚОЛДИМ

Очигини айтсам, мен шу кунларда жуда продали бўлиб кетганман, йўқ, қулманг. Рост айтяман. Ишонмасангиз — ойимдан сўранг. Бечора мен даредан бошимни кўтармаганим учун раҳми келиб:

— Хошимжон, ўглим, бор, бирпас ўйнаб келгин!— деб кўяди.

— Ҳечам-да,— дейман бош чайқаб,— мен энди чарчамайдиган бўлиб кетганман. Чарчасам, болалардан орқада қолиб кетаман, ҳаммага қулги бўламан.

Бундай дейишимга бир жихатдан хў бирдаги деворий газетага ёзган мақолам сабабчи бўлди. Эсингизда бўлса керак, Тоштемир, болаларни кузатиб юр, камчилиги бўлса

деворий газетага уриб чиқамиз, деган эди. Мен кузатиб юравердим. Охири бир куни каттагина мақола ёзиб хатосини ҳеч кимга сездирмасдан Саддинисага тузаттириб олдим-да, газетада бостириб чиқардим. Ўша катта жапжалга сабаб бўлган мақолада тахминан мана бундай сўзлар бор эди: «Ақром ёввойи хайвонларни яхши кўради, шунинг учун ёмон ўқийди. Ўзининса дарсада нон еб ўтиради. Миробидиниҳўжа ўқитувчи бир нарсга сўраса аввал ичиди дуо ўқиб олади. Саддиниса жуда кўп ух тортади. Ҳамроқулнинг овозини гичка, болалар мендан хайиксини деб, атайлаб овозини дўриллатиб гапирди. Икром ёғочоёқ дарсадан қайтаётганда бўр билан бировларининг эшигига ёмон сўзларини ёзиб кетади. Орифжон — чакимчи. Зариф дарсада ухлаб ўтиради. Шарифанин араси нос чекади. Шоҳида бўлар-бўлмасга кикирлаб кулаверади. Адхам арифметикадан берилган уй вазифаларини дадасига ишлатиб келади...» Хуллас, ўша мақолада ўттиз олти ўқувчининг ҳамма камчилигини кўрсатиб ўтган эдим-да.

— Ўзинг-чи, ўзинг?— деб ҳаммалари мени қуршаб олишди.

— Менда камчилик йўқ. Борини ҳам Сизлар тугатдиларинг,— дедим бўш келмай.

— Сенда камчилик йўқми?

— Йўқ, энгирча ҳам қолмади.

— Мактабдаги энг катта ёлгончи, иродасиз бола сен эмасмисан?.. Ироданг бўлганда, ёмон баҳо олиб сенифни орқага судрамас эдинг... Болалар, келинлар, ўзини ҳам газетага уриб чиқамиз, бир бошлаб ёзайликки...

Ўша куни бизнинг тортишувимиз ҳазил-ҳазил билан сениф мажлисига айланиб кетди. Воҳид Солневич:

— Ўртоқлар, Хошимжон Рўзиев Сизларни жуда тўғри танқид қилган,— деб менинг тарафимни олди,— кимда-ким шунақанги камчилигим йўқ деса, ўрнидан туриб ўзини окласин. Қани, ким биринчи бўлиб чиқади?

Воҳид Солневич икковимиз ўн минут чамаси кутиб турдик ҳамки, ҳеч ким ўрнидан кўзгалмади.

— Демак, айбларингга иккорсизлар?— сўради сениф раҳбаримиз,— ўртоқлар, бу катта гап. Киши ўз камчилигини тап олса, ундан яхши одам чиқади.

— Ўзи-чи, ўзи? Ёлгончилигини бўйнига олармикан?— деб чувиллашиб ҳар томондан саволлар бера бошлашди болалар.

— Йўқ, бўйнимга олмайман,— дедим ўримдан туриб.— Мен сизларга ёлгончи эмаслигимни, иродам ҳам чақана эмаслигини кўрсатиб қўяман.

Бугун сиф билан бас бойлашиб колдим. Воҳид Солневич менинг тарафимда эдимми ёки у ҳам болалар томониданди, буни ўша пайтда аниқлай олмадим. Аммо ҳаммалари бир бўлиб менга иккинчи чоракнинг охиригача муҳлат берадиган бўлишди. Ана шу пайтда мен ким эканлигимни, ўша прода деган нарсадан бизда ҳам оз-моз борлигини кўрсатиб кўймоқчи эдим-да...

Мана бугун иккинчи чорак якуни ўкиб эшиттирилади. Сиф мажлисига ҳар ким ўз отасини ёки онасини бирга олиб бориши керак. Воҳид Солневич шундай деб тайинлаганлар. Кимни олиб борсам экан, ойимнинг ёки дадажонимнинг? Бечора дадам ҳеч хурсандчиликини кўрган эмас. Е ойимдан, ё бувижонимдан гап эшитгани-эшитган. Бунинг устига, ўтган йил худди мана шунақа иккинчи чорак якунини эшитгани борганида мен у кишини алдаган эдим. Ўшанда бир йўла тўрт фандан икки баҳом бор эди-да. Чорак якунига негандир дадам борадиган бўлувди.

— Адаси, Сиз ҳам бошқа эркакларга ўхшаб, болаларингизнинг ўқишига бундай бир кизиксангиз-чи,— деб хафа бўлди ойим.

— Кизикмай нима кияпман, кизикиш шунчалик бўлади-да,— деб кўйди дадам ҳам бўш келмай.

— Кизиксангиз, бугун сиф мажлиси бўлар экан, бориб келинг,— деди ойим,— суюкли ўғлингизнинг баҳоларини эшитиб келасиз.

Дадам билан мактабга боряпмизу, қандай қилиб уни йўлдан кайтариш ҳақида ўйлайман. Нега десангиз, дадани жон-дилимдан яхши кўраман. Мен туфайли унинг ўсал бўлишини, одамлар олдида изза тортишини ҳечам истамайман. Мактабга кадам кўйгунимизча ҳам бирор қарорга келолмадим. Борсак, мажлис бошланиб қолган экан.

— Қайси сифга кираман?— деб сўради дадам.

— Тўғрингиздаги сифга,— дедим-да, ҳатто қайси сифда ҳам ўқишимни билмайдиган дадани учинчи сифга киритиб юбордим. Уйга қайтиб келгач, ойим:

— Хуш, нима гаплар бўлди, гапирсангиз-чи,— деб сўради.

— Ҳеч қандай гап бўлмади.

— Атайлаб айтқизиб юборадими-ю, ҳеч нарсга демайдингиз? Қанақа сиф раҳбари экан у?

— Биров нега келингиз деб сўрамади ҳам!— аччиғи чиқиб деди дадам. Кейин болтани олиб ўтни майдалаш учун ташқарига чиқиб кетди. Ўшандан буён ўзимдан-ўзим хафа бўлиб юрган эдим.

Мана бугун яна сиф мажлиси, яна худди ўша кунги-

дек чорак якуни эшиттирилади. Аммо, ишонаманки, дада-жоним бугун, албатта хурсанд кайтади.

— Бугун бизда сифф мажлиси бўлади,— дедим ховлида кор кураётган ойимга.

— Хабарим бор.

— Воҳид Солиевич, даданг, албатта келсин, дедилар.

— Эҳтимол, ойинг келсин дегандир?

— Ишқилиб, битталаринг борар экансизлар-да..

Дадам борадиган бўлди.

— Ишқилиб, баҳоларинг тузукми?— сўради у йўлга чикканимизда.

— Борганда биласиз.

Ўша куни эрталаб кор ёккан эди. Ойпок кор дарахтларининг новдасида, электр симларида, томларининг бўғотида осилиб қолгандек. Кўёш чарақлаб, нур тўқаётгандан ҳаммаёқ товланиб, кўзини камаштиради. Кўнглимда шодлик уйғотади. Дадажонимнинг қўлидан ушлаб югуриб кетгим, кичкиргим келади. Дадам бўлса жим, нималариндир ўйлаб кетяпти.

— Дада, лагерь битдими?— сўрадим гаплашиб кетиш учун.

— Лагерь-ку, битиб қолди-я, лекин мен ҳозир бошка нарсага ҳаёл қилиб кетяман... назаримда сендан ўқимишли одам чикмайдиганга ўхшайди. Сен тенги болалар еттинчи, саккизинчи сиффларда ўқийяпти. Сен бўлсанг, ҳалиям олтинчида юрибсан... ўқиндан чикариб олсам нима дейсан?

Дадам ҳеч қачон бировга ҳазиллашиб гапирмайди. Шунини ўйладиму, юрагим «шув» этиб кетди. Энди ўқишга ҳавас қўйиб, яйраб ўқиймай деганимда-я...

— Дод дейман!— дедим юришдан тўхтаб.

— Ахир, ўзингда ҳам ўқишга ҳавас йўкка ўхшайди-ку?

— Илгари шунақа эди. Ҳозир бошқача. Мажлисга борганингизда биласиз.

Мақтабга етгушимизча бир-биримизга гап қотмадик.

Сиффга кирсак, Ҳамроқулнинг дадаси, Саддинисанингни ойисини, Таштемирнинг тракторчи акасин — хуллас, анча-мушча одам тўплашиб, ўзаро ҳар нарсалар тўғрисида суҳбатлашиб ўтиришган экан. Деворий газетанингни энг кейинги сонинда Саддиниса менга бағишлаб бир мақола ёзган эди.

— Деворий газетанингни кўрмайсизми?— деб сўрадим.

— Газетанингни қўя тур ҳозир,— дадам Таштемирнинг акасин Ақром тоғанингни ёнига ўтириб олди-да, кор босган ерни шуағор қилиш фойдалими ёки зарарми — шу тўғрида баҳоланиш бошлади. Мен қандай бўлса ҳам, мақолани дадамга ўқитишни жуда ҳам истар эдим.

— Дада, газетамизнинг расмлари жуда чиройли чизилган-да,— дедим яна.

— Майли, газетада расм бўлгани маъқул,— кўлини слтаб кўйди Ақром тога.

— Лекин Тоштемир икковимизни бошлаб уриб чиқишган...

— Нима?! Уриб чиқишган?— дадам билан Ақром тога ўринларидан туриб кетишди,— нега энди уриб чиқишар экан, ёмон ўқигандирсенлар-да?

Икковлари оркама-кетин бориб газетани бир бошдан ўқий бошлашди. Уларнинг ишониб борганини кўриб, бирон кизикрок гап борга ўхшайди деб бошқалар ҳам ёпирилишди. Кимдир баланд овоз билан «Хошим тиришқок бола чиқиш қолди» сарлавхали мақолани ўқий бошлади. Кўнглим жойига тушган, одам деган сал камтар бўлини керак, деб ўйладим-да, ташқарига чиқиб эшикнинг тирқишидан мўра-лаб турдим.

— Рўзивой ака, ўглингиз чаканага ўхшамайди-ку!— деб кўйди Тоштемирнинг акаси.

— Бўлмаса-чи, кечасио кундузи ўқийди-ю.. —мақтаниб деди дадам,— Саддиниса одам қилди уни..

Ўн минутлардан сўнг синф мажлиси бошланди. Воҳид Солневич журнални очмасдан аввал олтинчи «Б» синфи қанақа синф экалиги, кимлар ўқиши, қандай ўқиётганлари тўғрисида гапирди:

— Умуман, бу синфга раҳбар бўлганимдан хурсандман. Ўттиз олти ўқувчининг ҳаммаси ҳам қобилиятли, тиришқок, бир сўзли болалар десам ҳато бўлмас.. Бу болалар билан ҳар қанча ишласанг, меҳнатниг зое кетмайди.. Мана, Хошимжон Рўзиевни олайлик. Олти йиллик табеллини кўриб чиқдим. Кўнчилиқ фаилардан ҳамиша уч ёки икки баҳо олиб келган. Аммо, бу чоракда у деярли барча фаилардан ўзлаштирди. Физика билан географиядан тўрт, она тилининг оғзақисидан беш баҳо олди.

Кимдир, секингина қарсақ чалди, кейин бошқалар ҳам жўр бўлишди. Яширмай қўя қолай, ўзим ҳам кўлимни юкори кўтариб қарсақ чалиб юбордим..

Қарсақ баҳона бўлди-ю, Воҳид Солневич сўзлашдан тўхтаб баҳоларни эшиттиришга киришди. Фақат Саддинисагина ҳамма фаилардан беш олибди. Ҳамроқулда олтига беш, Тоштемирда тўртта, қолганларида эса иккита ёки учтадан эди. «Ҳали шошмай тураларинг, мулла Хошим ўзини ким экалигини кўрсатиб қўяди. Учинчи чоракда учта фаилдан, тўртинчи чоракда энг камда бешта фаилдан аъло баҳо олмасам отимни бошқа қўяман..» деб ўйлар эдим. Аммо, хур-

сандчилигим узокка бормади. Энг яқини дўстим Акромни бир йўла тўртта фандан ёмон баҳо олганини эшитиб, дилим хуфтон бўлиб кетди. Қани энди мажлис тезроқ тугаса-ю, тезроқ бориб дўстганимнинг ахволидан хабар олсам, деб бетокатланганлигим учун нима тўғрисида гап бўлганлигини яхши англаш олмадим. Фақат қайтаётганимизда, дадам.

— Ҳошимжон, нималарни ўйлаб кетяпсан, ўғлим?— дегандагина ўзимга келдим.

— Ўқини ташлаб, Сизнинг ёнингизга бориб тракторчи бўлсаммикан, деб ўйлаяпман, — дедим хазилга олиб.

— Эси йўқ, бунақанги гапни иккинчи оғзингга олмагин, сендан туппа-тузук одам чиқадиганга ўхшаб қолади.

ХОТИМА

Тоғ бағрига жойлашган пионер лагери. Тепасига қарасанг, дўпнинг тушиб кетадиган азим чинорлар, кишининг қулочни ҳам етмайдиган сершоҳ тоғлар соя ташлаб туради. Ғир-ғир шаббода эсяпти. Лагернинг шундоқ биқинидан ўйноқлаб ўтадиган сой бўйида ўн беш чоғли бола кумларга думалаб, елкасини офтобга тоблаб ётибди. Ҳеч бирининг атрофдаги гўзаллик билан иши йўқ. Ҳаммалари бутун вужудини қўлоққа айлантириб, хикоя тинглашяпти. Қотмадан келган, ёшига қараганда бўйи новчароқ, тимқора кўзлари чакнаб турган бола хикоя сўзлашдан тўхтаб, ўрнидан туриб керишди.

— Кейин-чи, кейин нима бўлди? — бетокат бўлиб сўрашди тинглаётганлар.

— Энди чарчадим, қолганини эртага айтаман.

— Йўқ, бугун айта қол!

— Ҳадеб чўзаверасанми, бугун тугатиб қўя қол.

— Қалпоқча нима бўлди, ўшандан гапир, — деб болалар ҳар томондан саволлар ёғдира кетишди.

Хикоя сўзлаётган бола Ҳошимжон Рўзиев эди. У яна бир марта керишиб, ўрнига ўтирди-да, яланғоч оёғини кумга қўмиб, хикоясини давом эттирди:

— Хуллас, оғайинлар, дўстим Акромга жуда ачиндим. Эрталаб барвақт турдим-да, шошрилиб уларникига жўнадим. Борсам, аллақачон чангалзорга чиқиб тулки тутиши учун қопкон қўяётган экан.

— Нега кеча синф мажлисига бормадинг? — Биринчи саволим шу бўлди.

— Энди ўқимайман... — қўл силтаб қўйди Акром, — катта бўлганимда ўқирман... Дадам ҳам 30 ёшга киргандан кейин ўқиган экан. — Акром бир оз жим турди-да, кейин

тулки мугамбир хайвон эканлиги, конконининг устини чўп-хас билан бекитиб бизинмайдиغان қилиб қўйилмаса, дарров сезиб қолгани мумкинлиги тўғрисида гапира бошлади.

Дўстимнинг тенасида тик турганимча ўйлашиб кетдим. Фикри хато эканлигини унга қандай тушутирсам экан. Ўзи ўлардек қайсар бола, унга гап тушутиргандан кўра хўкизининг қулогига тапбур чалган минг марта яхши.

Охири, ўйлай-ўйлай сеҳрли қалпоқчани унга совға қилишга қарор қилдим. Ақром аввалига анграйиб, хангу манг бўлиб қолди. Эртасига сеҳрли қалпоқчани қўлига олиб, бошига кийиб, сеҳрлини синаб кўргач:

— Раҳмат, яхшилигининг ўла-ўлгунча унутмайман! деди-да, шу захотиёқ кўздан ғойиб бўлди.

Ўзим бўлсам, ўқшга бошим билан шўнгиб кетдим. Учинчи чоракда учта фандан беш олдим. Пил охирида эса бир йўла беш фандан аъло баҳолар олганимни, ўлай агар, ўзим ҳам билмай қолибман. Ўқшлар тамом бўлаётган кун бутун мактаб хайрлашув мажлисига тўпландик. Ана ўша катта йиғинда менинг кадрдон директорим:

— Энг аъло ўқиган ўқувчилар қаторида Хошимжон Рўзиев «Аълочи» пионер лагерига бориш учун текни путёвка билан мукофотланади,— деб эълон қилиб юборса бўладими. Мен ўзимнинг «Узунқулоқ ота»даги қўлбола лагеримизда дам олмоқчиман, десам ҳам меҳрибон ўқитувчиларим ҳеч кўнншмади. Одам деган ўз обрўйига яраша иш қилиши керак, деб туриб олишди...

Шундай қилиб, яланғоч дўстларим, мана бугун мен сизлар билан маза қилиб бу ерда дам оляман. Бошимдан ўтган воқеалар мана шулар. Ганимнинг охирида сизлардан бир нарсани илтимос қилмоқчиман: қизишиб кетиб унча-мунча ёлгон ишлатиб юборган бўлсам, кечира-сизлар.

— Ақром нима бўлди, Ақром?— деб сўрашди болалар.

— Ақромнинг бошидан ўтганларини кейин гапириб бераман, оғзим чарчаб кетди ахир...— деб қўйди Хошимжон.

Худди шу пайт лагерда гори овози янграб қолди. Болаларни пешини овқатга чорлар эди у. Ҳаммалари ўринларидан туриб, бир-бирларини қувлашиб, шаталоқ отишиб ўша томонга қараб югуришди.

Ҳаммадан олдида Хошимжон борарди.

САРИҚ ДЕВНИНГ ҲЛИМИ

ҲРТОҚ ПОЛКОВНИК

ЯНГИ КАСБ ТАМЛАДИМ

Шундай қилиб десаиғиз, ишларим юришгандан юришиб кетаверди, ўзи мен шунақа боламан-да, қайси ишни ихтиёр қилсам, албатта мақсадимга етаман. Еттинчидин битираётганимда, энди нима қилсам экан, қайси мактабга бориб ўқийману, яна қайси муаллимларининг бошини қотираман, деб ўйлаиб юрган эдим. Бахтим қулиб бокканини қарангки, қимматли директорим Отажон Азизович мактабин битириш кечамизда бир соату ўн минут нутқ сўзлаб, охирида:

— Шундай қилиб,— деб бир пиёла чой ичиб олди,— азиз ўртоқлар, энди ихтиёр ўзларингизда. Ўқишни давом эттирмоқчи бўлганлар, мана, Макаренко мактабига ўтиб ўқишаверади. Уларининг шахсий делосини бугуноқ ўша мактабга ўтказиб беришимиз мумкин. Хунар ўрганиш пайидан бўлганлар бўлса, нима кўп, шаҳарларда хунар мактаблари кўп, ўша мактабларга кириб ўқишларига биз қўлимиздан келганча ёрдам берамиз. Хўш, Хошим, сен нима қилмоқчисан?

— Мен сартарош бўлмоқчиман,— дедим ҳеч иккиланмай.

— А?.. Сартарош дедингми?!

— Ҳа, сартарош бўлмоқчиман. Бувижоним, ўқийвериб мияиғ суюлиб кетди, бурининг оқадиган бўлиб қолди, деяпти.

— Шу қарорининг қатлийми?

— Қасам ич десаиғиз, қасам ичмаман.

— Йўқ, қасам ичмай қўя қол,— деди ҳурматли директорим,— шундоқ ҳам гапининга ишондим. Бу ниятининг табриклайман, майли, биринингиз сартарош, биринингиз дурадгор бўлинг, яна биттаиғиз электрга қарайдиган монёр бўлинг. Ишқилиб ё нилми, ё хунарли бўлиш пайидан бўлинглар.

Қим нима деса деяверсин. Лекин дунёда сартарошлиқдан яхши қасб йўқ. Уша ҳар хил ўйлар қуриб, одамларини хурсанд қиладиган инженерлар ҳам, маза қилиб шеърлар ўқийдиган шоирлар ҳам, қизиқчилик қилиб ҳаммаини қикпир-

латиб кулдирадиган артистлар ҳам бари бир эгилиб сартарошга салом беришадн.

Хў бирда айтувдим-ку, мактабимизнинг шундоқкина каршисида сартарошхона бор деб. Товуқнинг катагидан сал каттарок ўша сартарошхонада уста бува деган чол ишлайди. Уста бувам бошқаларга қараганда мен жону дилдан яхши кўради. Даредан кечга қолсам ёки даредан кочиб, пана жой ахтарсам тўппа-тўғри буважонимнинг олдига кираман.

— Ассалому алайкум, уста бува! — дейман қўлимни кўксимга қўйиб.

— Эй-ҳа, Хошиммисан? — дейди уста бувам.

— Ҳа, менман.

— Яна журнал ўғирлагани келдингми?

— Йўқ, бугун ҳеч нарса ўғирламайман, ўзим шундай...

— Сенлар ҳамманг шунақа, фотогазета чиқармоқчи бўлсаларнинг уста бувани соғиниб қоласизлар... Мен, навбат кутаётганлар зерикмай варақлаб ўтиришени, деб журнал топиб келаман, сенлар суратини қирқиб деворга ёпиштирасанлар... Ўтир, сочингни олиб кўяй.

— Сочим ўсгани йўқ.

— Ўтир деяман. Сочинг қурқ товуқнинг патидек хурпайиб кетибди-ю, яна ўсгани йўқ дейсан-а.

— Пулим йўқ-да, уста бува.

— Сенларда қачон пул бўлган ўзи. Ҳозирги замоннинг болаларига хайронсан. Дадасидан, соч олдираман, деб пул олиб, танаффусда морожиний олиб ёйишадн...

Уста бувам гаплашиб туриб сочингизни олиб кўяди. Лекин, кўпинча атир ўринга бошингизга сув селиб:

— Ох, ох, ох! Хидини кара-я буни! — дейди сочинк билан юзингизни елиб.

Шундай қилиб, мен сартарош бўлишга қарор қилдим. Биласиз-ку, бирор ишга аҳд қилсам уни охирига етказмагунча қўймайдиган одатим бор. Жонимни кийнаб бўлса ҳам мақсадимга эришаман.

Бу ниятим меҳрибон бувижонимга, дадажониму ойнажонимга, ҳатто жондан азиз сингилларим Ойшахону Додохонларга— ҳамма-хаммаларига маъқул бўлди. Фақат дадам сал иккиланиб:

— Ишқилиб, одамларнинг бошини кесиб олиб, бир балога йўлиқмасанг бўлгани!— деб қўйди. Ўша кунгек уста бувамнинг ҳузурларига кириб бордим.

— Ассалому алайкум! — дедим икки қўлимни баравар кўксимга қўйиб.

— Ваалайкум, э ха, Хошиммисан, тинчликми, буича энгикмасанг?

— Тинчлик, тинчлик, буважон.

— Е оркангдан бувижонинг қувлаб келяптими?

— Хеч ким қувлагани йўк. Буважон, сизга бир илтимос билан келдим.

— Қани эшитайлик-чи?

— Фақат, «хўп» десаңгиз айтаман.

— Сен кўнгли очик боласан. Илтимосингни рад қилолмайман.

— Уста бува, мен сизга шогирд тушмоқчиман. Сартарош бўлмоқчиман...

Уста бувам менинг гапимни ё эшитмади, ё жуда хурсанд бўлиб кетганидан нафаси ичига тушиб кетди. Нега десаңгиз, ўн минут чамаси менга тикилганча жим қолди.

— Хошимжон, бу сенмисан? — деди ниҳоят ўзинга келиб.

— Ўзимман, буважон.

— Бери кел, ўғлим, пешонаңгдан бир ўпай.

Уста бувам ҳозир роппа-роса 73 ёшга кирибди. Олтиш йилдан буён сартарошлик қилар экан. Шу йиллар давомида тахминан 250 миң бошининг сочини олиб, 250 миң маротаба раҳмат эшитибди. Тахминан 400 миң бор сокол-мўйловга кўл уриб, йўк деганда 350 миң бора раҳмат эшитибди. Уста бувамнинг айтишларича, бу дунёда сартарошчалик ҳурматли одам йўк экан. Негаки ўликка ҳам, тирикка ҳам сартарош бирдек зарур экан. Бу шунақанги улуг қасб эканки, ҳатто Арабистон деган мамлакатнинг Маккаю Малина деган шаҳарларида ҳам одамлар сартарош-сиз кун кечирнша олмас экан.

— Африка ўрмонларида ҳамми? — жиндек хазилга олиб сўрадим.

— Ҳамма жойда, ўғлим. Кел, пешонаңгдан яна бир ўпай. Баракалла! Қариб қолдим, дўконни кимга қолдириб кетаман энди, деб ташвишда эдим. Раҳмат, раҳмат, ўғлим.

Ўша кунин уста бувам шогирд бола нималар қилиши кераклиги хақида кўп нарсалар ўргатди. Иш бошлашдан аввал, ишдан сўнг, албатта, совулаб ювинишим керак экан. Бу — бир, иш бошлашдан аввал, ишдан сўнг асбобларни артиб тозалашим керак экан, бу — икки, иш бошлашдан аввал, ишдан сўнг, албатта дўконни сунуриш керак экан, бу — уч. Устахонага кадам кўйишим билан, бугун одамларга ҳалол хизмат қиламан, деб уч бор тақрорлашим керак экан, бу — тўрт. Уста бувам мана шунақанги қондаларни санаб ҳисобни ўн олтига стқазган эди, шу пайт дўконга

кўшни кишлоклик бўлса керак, ўрта ёшли бир одам кириб келди. Уста бувам меҳмон билан ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач:

— Хошимжон, — деб буюриб қолди менга, — қани, кўлингги бир кўрайлик-чи, амакингги бошларига кўпик суртиб, сочларини бир юмшатиб ташла-чи.

— Хўн бўлади, буважон! — енг шимариб ишга киришиб кетдим. Ўзим ҳалиги одамнинг боши етилиб пишган кўзивой тарвўзча келар экан. Қатик ивитадиган товоқдек келадиган кўпикдонда кўпик тайёрлаб аста суртган эдим, сал суяқроқ қилиб қўйган эканман, бетларидан оқиб туша бошлади. Кўзларига ҳам жиндек кириб кетган бўлса керак, меҳмон сапчиб ўрнидан турди-да:

— Қанақа боласан ўзинг, — деб кўзини ишқалай бошлади. — Нима, челақлаб қўйясанми?

— Ўзи бошингиз силлик экан, кўпик турмаяпти, — дедим нима дейишимни билмай.

Сувга чиқиб кетган уста бувам қайтиб кириб ишни дарров ўз қўлига олди... Миждоз чиқиб кета туриб менга, негадир, бир хўмрайиб қўйди.

— Парво қилма, аста-секин ўрганиб кетасан, — кўнглимни кўтарди уста бувам.

Аввал қайчи билан ишлашни, кейин машина қайчи тутишни ўргандим. Уч ой дегаида устара билан ишлай бошладим. Хушёргина бола бўлганим учунми, роппа-роса тўрт ой дегаида, жуда зўр бўлмасам ҳам, ҳар қалай, ўртачароқ уста бўлиб етишдим. Одамлар Хошимжоннинг қўли енгил экан деб, орқаворатдан унча-мунча мактай ҳам бошлашди. Ҳаммадан ҳам бувижоним ўзида йўқ хурсанд, қўни-қўшинлариникига чиқиб мактагани мактагани. Фақат дўконимизнинг мазаси йўқроқ эди. Девоқларига шунча расм ёпиштирганимиз билан, бари бир, кирган одам диккинафас бўлиб узок ўтира олмайдди. Бир кун унинг ҳам иложини қилдим.

Уста бувам қўшни кишлоққа тўйга кетиб, дўконда ёлғиз эдим. Қолхозимизнинг ранси ховлиқиб кириб келди.

— Уста қанилар? — деди у остонада туриб.

— Тўйга кетганлар, — деб тушуитирдим.

— Сочини эплаб олиб қўяласанми?

— Апави кун «рахмат» деб чиқиб кетдингиз-ку?

— Қани тез бўл, районга мажлисга кетяман.

— Марҳамат, ўтирсинлар, — деб ишга шунақанги тез киришдикми, ранс амакимнинг ўзи ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Сочини устара билан олишим керак экан, ярмин олгач, ишни тўхтатдим.

— Нега ўтириб олдинг, тез-тез бўлсанг-чи, — деб кистади ранс амаким.

— Иш ташлаш эълон килдим,— дедим беларвогина.
— Иш ташлаш? Нега энди?
— Чунки устахонамиз зах, коронги, тор. Бунаканги жойда энди ишламайман.

— Тугри, мазаси йўқрок экан. Кел ука, тезрок бўл, мажлисдан кечга қоляпман.

— Кечга қолсангиз шундай кетавering.

— Эсинг жойидами?

— Билмадим.

— Сочни ол деяпман!

— Олмайман!

Раис амаким мени урмоқчи бўлиб секин ўрнидан тураётган эди, лип этиб эшикка чиқдим-да, деразадан бошимни сукиб:

— Янги устахона солдириб беришга сўз берсангиз, кейин оламан,— дедим.

— Хўп, ана, сўз бердим.

— Уста бувамга ҳам ўн йилдан буён сўз берасиз-у, лекин бажармайсиз.

— Сени алдамайман, ке ука, энди...

— Йўк. Тилхат ёзиб берасиз, кейин оламан.

— Сен эси настин эртагаёк ишдан хайдайман!

— Иложи бўлса бугун хайданг. Бунаканги зах жойда ишлагандан бекор юрганам минг марта яхши.

— Хўп, нима деб ёзай?

— Эртадан бошлаб янги сартарошхона курдириб бермасам раис отимни бошига кўяман деб ёзсангиз ҳам бўлаверди.

Раис амаким, мен у кишига худди ўз тенгимдек муомала килганим учун аввалига жуда тутакиб кетди. Жаҳл билан столи тегиб, чикиб кетмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин бу ахволда кўчага чиқса одамларга кулги бўлишини ўйлаб, яна ўрнига ўтирди. Шошилиб тилхат ёзиб, дераза орқали менга узатди.

— Мана, кўнглинг жойинга тушдим, тирмизак!

— Йўк. Кўнглим жойинга тушмади,— дедим тилхатни ўзига қайтариб,— печать босмабсиз-ку.

Раис амаким яна кизариб кетди.

— Агар ўзимнинг ўғлим бўлганимда бўғиб ташлардим хозир,— шундай деб шимининг соат чўнтагидан дамканинг тошига ўхшаш печатини олиб, коғозга бир урди.

— Ма, тез бўл энди!

— Хўп бўлади, амакижон.

Раис амакимнинг бошидаги кўпик куриб қолган экан, сочинни қайтадан юмшатдим. Икковимиз ҳам жим, хар за-

монда кўзларимиз учрашиб қолади. Мен, ишқилиб, уста бувам билан мени ишдан ҳайдаб юбормасайди, деб сал кўркиброқ турибман. Сочни олиб, атирларнинг ҳам энг тозасидан сениб бўлдим. Раис амаким ўрнидан тураётиб, тўсатдан шунақанги қаттиқ кулиб юбордики, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, кулги зарбидан эшиклар ҳам шарақлаб очилиб кетгандек бўлди.

— Лекин жуда бошладинг-да, ука, — деди у бошига дўп-нисини кия туриб. — Шунча ёшга кириб ҳеч ким мени бунақанги бошламаган эди... Отинг нима?

— Хошимжон.

— Кимнинг ўғлисан?

— Рўзивой тракторчининг ўғлиман.

— Э, ўша сенмисан? Лекин, ёшинг сал каттароқ бўлганида колхозга экспедитор қилиб олардим-да! Бировдан нарсаси ундиришга жуда уста экансан. Ма, манави пулни олгини-да, янги устара, кўникдон билан атир-уна ҳам сотиб олгин. Йўқ десанг, устахонани қурдириб бермайман.

Йўқ, раис амаким ўша кун и алдамаган экан. Эртасига колхознинг бош устаси келиб, янги тушадиган сартарошхонанинг ўрнини лента билан ўлчаб, қанақа қурилиш материаллари кераклигини дафтарчасига ёзиб кетди.

Ўн беш кун деганда икки деразали, таги полли устахонамиз битди. Ўн олтинчи кун устам икковимиз кун бўйи кўч ташдик, ўн еттинчи кун эди иш бошламоқчи бўлиб турган эдик, тўсатдан уста бувамнинг мазаси қочиб қолди.

Уч-тўрт кун ўзим ишлаб турдим. Бир кун эрталаб Хайри холам келиб, «уста буванг сени йўқлаяптилар» деди-ю, негадир йиғлаб юборди.

— Ўзлари тузукмилар? — дедим бўшашиб.

Борасак уста бувам анча ўсал бўлиб қолибди. Мен тенги, мендан кичик набиралари оёқларини укалаб, кўзлари мўлтиллашиб, атрофида парвона бўлиб туришибди. Уста бувам бир маҳал кўзини хиёл очиб:

— Қелдингни, ўғлим? — деб сўради.

— Қелдим, буважон.

— Ўғлим, устачиликни ташламагни. Дўкон беркилиб қолмасни.

— Хўи, ташламайман.

— Ҳамшиша покиза бўлгин.

— Айтганингизни қиламан, буважон.

— Ҳеч тамагир бўлмагни, ўғлим... Ўғилларим... — Уста бувам бир сиккинди-ю, жим бўлди, боши бир томонга қий-шайиб, кўзлари олайиб кетди.

Буважон!

— Буважон-эй!!!

Уйни дод-фарёд коплади. Ҳеч қачон шу пайтдагидек ич-ичимдан йиғламаган бўлсам керак. Додлагим, бошларимни ерга уриб додлагим келарди. Ичим куйиб, бошим айланиб, тишларим гижирлар, кўксимдан эса: «Буважоним!» деган фарёд отилиб чиқар эди.

Бир ҳафта тинмай йиғладим. Лекин, ўзиниғиз ҳам билсангиз керакки, гам-гуссаларни тезроқ унутишда кишлогимизда менга тенг келадигани йўқ. Бир кўзим йиғласа, бошка кўзим билан кулиб тураверадиган одатим бор. Уста бувамнинг арвоқларини шод қилиш мақсадида тездан иш бошлаб юбордим. Темир тахтачага: «Марҳум усто Ақром бобо номдаги сартарошхона» деб ёздириб, дўконнинг шуидоққина пешанасига осиб қўйдим. Прейскурант ўрнига куйидагиларни ёздим.

1. Аълочи ўқувчиларнинг сочи бепул олинадн.
2. Емон баҳо олувчилар икки хисса ҳақ тўлашадн.
3. Чоллар бенавбат киритиладн.
4. Йиғлаган болалар чиқариб юбориладн.

Бобожонимга мотам тутиб юрган қулларим дўкон берк бўлиб, соч-соқоли ўсганлар кўпайиб кетган экан. Қўл-оёғи чакконгина бола эмасманми, хаш-паш дегунча ҳаммаларини тозалаб қўйдим. Лекин, бир кўпол хатога йўл қўйибманки, андак бўлмаса мени тириклайини кўмиб юбораёзишди.

Уста бувам тирик эканлигида стаканга пашша ўлдирадиган захарли сув қўйиб қўйган экан. Мен каллаварам, уни устарани чайқаб оладиган хлорли сув деб ўйлаб, соч ёки соқол олиш олдидан устарани ўшанга чайқаб олаверибман.

Катта-кичикнинг боши дейсизми, бетню бўйини дейсизми — қасергаки устара ёки қайчи теккан бўлса, яра босиб кетди. Унисига у дедим, бунисига бу дедим, охири баҳона тополмай, дўконни қулфлаб уйга қараб қочиб қолдим.

БУВИЖОНИМ БИЛАН ЙИҒЛАБ-ЙИҒЛАБ ХАЙРЛАШДИМ

Иссиккина кўрпада ўрнимдан турайма-турмайми, деб иккиланиб, ўзимча ширин-ширин ҳасёллар суриб ётган эдим. Бир маҳал кўча эшигимизни кимдир худди дўмбира чалгандек тапира-тупурига олиб уриб қолди.

— Ким у? — деб сўрадим бошимни кўтариб.

— Шерик, оч. Бу менман, — деди Зоқир. Ростини айтсам бу дунёда Зоқирчалик меҳрибон, садоқатли дўстим йўқ. Хамиша жонимга ора қиради у. Уриб бошини ёриб ташлаб-

санг ҳам ўрнидан туриб, «шерик, кўлинг огримадими?» деб яна кўнгил сўрайверади.

Югуриб бориб эшикни очдим.

— Уйларингда ҳеч ким йўқми? — биринчи саволи шу бўлди Зокирининг.

— Ишга, ўқишга кетишган.

— Сен-чи?

— Қасалман.

— Қасал бўлганинг яхши бўлибди. Иложи бўлса яна уч-тўрт кун қасал бўлиб ёт.

— Нега?

— Ҳозир аптекага дорига борувдим. Менга ўхшаб бошига, бетига яра тошиб кетганлар тўпланишиб, уста Ҳошимнинг кир устарасини кўлидан тортиб олиб, ўзини роса тешкилаймиз, дейишяпти.

— Энди нима қилсам экан-а?

— Айтдим-ку, уч-тўрт кун қасал бўлиб ёт, деб.

Дўстганимнинг чин юракдан берган маслаҳатига амал қилиб, бир ҳафтача уйдан чиқмай «қасал» бўлиб ётдим. Бошига, бетига яра тошганларининг ахvoli ҳақида садокатли дўстим ҳар кун ахборот бериб турди. Ана шу садокатли дўстим бир кун яна ҳовлиқиб келиб қолди:

— Шерик, устахонага янги сартарош келди! Бор, чаққириб кел, деб мени юборди.

— Янги сартарош?! — шундай деганча кўчага отладим. Рост. Сартарошхонамиз олдда бегона одам ўтирибди. Кўлида кичкинагина, бир чеккасини сичқон кемирган қора чамадончаси ҳам бор. «Лайлум, лайлум» оҳангида хуштак чалаяпти.

— Ассалому алайкум! — деб одоб билан салом бердим.

— Сиз Ҳошимжон бўласизми? — сўради халиги одам саломимга аяк олмай.

— Худди шундай.

— Марҳамат қилиб, қулфни очсалар.

— Хўш бўлади.

Янги сартарош ичкари кириб, икки кўлини шимининг чўнтагига солганча хуштак чала-чала, хонанинг у ёк-бу ёғига назар ташлаб чиқди.

— Хўш, йиғитча, аввал эшик тепасидаги бемаъни вивескангизни кўчириб ташланг! — деди ниҳоят хуштак чалишдан тўхтаб. Уста Акронинг ўзи ким? Давлат сартарошхонаси нега энди унинг номига кўйилар экан!

— У менинг устозим бўлади, билдингизми!

— Сартарошхонага унинг номини кўйиш учун махсус рухсатнома олдингизми?

— Пўк.

— Бўлмаса, вивескани тезроқ кўчириб ташласинлар.

— Кўчирмайман,— дедим негадир шу пайтда йиглагим келиб.

Янги сартарош ташқарига чиқиб, ўзининг бўйи ҳам иккита нарвонини улагандан балиндрок экан, вивескани юлиб, магазиннинг томига отди. Ичкари кириб, прейскурантнинг олдида тўхтади:

Бу нима майнавозчилик?!

Бир нарсга демокчи бўлиб шунча уришсам ҳам, овозим чикмади. Йағим учиб, лабларим тортишиб, гапиролмай турарвердим. Янги сартарош, хонанинг бурчагида ётган бўш яшикка уста бувамдан қолган жаминки асбобларни жойлади-да, яна икки кўлини чўнтагига солди. Кейин, район сартарошхоналар идораси уни бу ерга сартарош этиб тайинлагани, мен бугундан қолмай ўша ерга бориб учрашим зарурлигини, агар бундан сўнг сартарош бўлиб ишлашни хоҳласам, маълум комиссиянинг имтиҳонидан ўттишим шарт эканлиги хақида ахборот бериб:

— Энди секин жўнаб қолсинлар,— деди.

Яшикни аста қўлтигимга олдим.

— Соғинтириб кўймай тез-тез қадамранжида қилиб турсинлар.— деди у захархандалик билан кулиб.

— Ўзларни... ўзларни...— Пўк, бари бир гапирга олмадим. Яшикни кўтариб, югурганча ташқарига чиқиб кетдим. Жаҳлданми, хўрлигим келганиданми, бунисени аниқ билмайманку, ишқилиб, шу югурганимча тўппа-тўғри уйга бориб тўхтадим. Кечгача кўксимни ерга бериб қоронги уйда ётдим. Кечга томон каттик ухлаб қолган эканман. Сизглим Донохон оёғимдан тортиб уйғота бошлади. Кўзимни ишқалаб ховлига чиқсам, айвондаги сўрида бувижоним, дадам, яна битта бегона одам ҳам ўтирибди. Ким экан, деб кўзимни каттароқ очган эдим,— ишқилиб, ишнинг буёғи пачава бўлмаса эди-да,— участковой амаки келибди! Демак, масала равшан. Мени камашмоқчи. Ифлос устара билан соч-сокол олиб ярани кўпайтириб юборганим учун мени камашга жазм қилганга ўхшайди. Қочаман, ҳозир бет-кўлимни ювмоқчи бўлиб чорвокка ўтаман-у, Ақромдан зўрга қайтарволиб қунданнинг ўрнига кўмиб қўйган кадрдон қалпоқчамни олиб бошимга қияман-да, жуфтани ростлаб қоламан. Пўк, Хошимжон анойи болалардан эмас. Уни осонликча қамаб бўлмайди!

— Хошим, меҳмон билан кўрнатишсанми? — деб қолди дадам.

— Ҳозир, чорвокка ўтиб келай,— дедим чайналиб.

— Аввал кўриш, одобсиз!

Шу пайт участкавой амаки ўридан туриб, икки қўлни чўзганча, кўришиш учун мен томонга юра бошлади:

— Ҳх-ҳў, катта йиғит бўлиб қолибсиз-ку!

— Ха, ақлнинг ўрнига ҳам худо унга бўйдан беряпти,— деб қўйди бувижоним.

— Йиғит киши мапа шунақа бўйдор бўлгани яхши,— деди участкавой амаким мен билан кўришиб бўлгач.

«Қочайми, қочмайми, афтидан мени қамокқа оладиганга ўхшамайди, жуда хурсанд кўринади, кани бир азмойиш олай-чи, қочишга ҳаммавакт улгураман». Шу ўй билан сўрининг четига омонатгина ўтирдим. Дадам участкавой амакимга, участкавой амаки дадамга зимдан қараб қўйишяпти.

— Гапирсанг-чи, Рўзи, ё ўзининг болаиждан ҳам уяла-санми! — урилиб берди бувижоним. Бечора дадам-ей. Гапга шунақанги нўпоки, асти қўяверасиз. У кишига фақат иш бўлса-ю, гапини менга қўйиб беришса-да. Дадам дўпписини олиб, бошини қашиди. Пўталди, жойлашиброк ўтириб олди-да, дўпписини кафтига уриб, яна кийди.

— Энди, ўғлим... Чой ичасанми?

— Йўк.

— Ҳўш, мен йиғитлигимда ким бўлишни орзу қилганимни сенга айтганиман-а?

— Милиционер бўлмоқчи бўлгансиз.

— Нима учун мени ишга олишмаган?

— Қулогингиз қар бўлгани учун.

— Қар эмас, огиррок эди. Хозир, мапа очилиб ҳам кетди. Ҳўш, нима учун милиционер бўлишни орзу қилган эдим?

— Бир милиционер сизни ўлимдан қутқариб, ўзи ўлгани учун.

— Ўлган эмас, қаҳрамонларча ҳалок бўлган,— деб тузатиб қўйди участкавой амаки.

— Уйинг тўрига кимнинг суратини осиб қўйганмиз? — сўрашда давом этди дадам.

— Марҳум капитан Ақромовнинг,— жавоб беришда давом этдим мен ҳам.

Дадамининг пешонасида йилтираб тер кўринди. Чўнтагини пайнаслаб рўмолчани тополмагач, энгашиб, дастурхонга артмоқчи бўлган эди, бувижоним жеркиб берди:

— Соқолингга оқ кирса ҳам ақлнинг кирмас экан-да, Рўзи!

— Ҳадеб соқол-соқол дейсиз,— дадам ҳам бўш келмади,— бу Ҳошимингизга гап тушунтириш осон бўлса экан. Йўк деб қолмасини, деб бу ёқда ўзим жонимни ҳовучлаб турибман.

Дадам бундан йиғирма икки йил олдин, кеч кузда ша-
харга узум сотгани борибди. Яхши пул килиб келса, ойим
иқковларининг тўйлари бўлиши керак экан. Узумни сотиб
бўлгунча коронги тушиб қолибди. Дадам кўрка-писа қайта-
ётган экан, жар ёқасида ўғриллар йўлини тўсиб:

— Қани, пулни чиқар! — дейишибди. Дадам шунақанги
каттик додлабдики, ер-кўк ларзага келибди. Нарирокдан
бир милиционер велосипедга қизчасини миндириб ўтиб бо-
раётган экан. Дам олиш кунини бўлгани учун ёнида тўппон-
часи ҳам йўқ экан. Шундай бўлса ҳам, бир зумда етиб
келиб, ўғриларга ташланибди. Дадам унга кўмаклашиш
ўрнига, эсон-омон қутулганига шукр килиб, қопни қўлати-
шига уриб, соатига 50 километр чамаси тезликда қочишга
тушибди. Пулни олдириб қўйишдан кўрққанми ёки ўғриллар
билан муштлашиб қўйлагимни йиртиб борсам, бувижоним
уришади деб ўйлаганми, ишқилиб, қочиб қолган-да.

Орадан олти кун ўтгач, дадам газетада бир милицио-
нернинг сурати билан таъзияномани кўриб қолган. Таъзия-
ни ўкиб, бу ўша уни ўлимдан қутқарган милиционер эка-
нини билган ва яна додлаб юборган. Эртасига мархумнинг
уйига бориб, ўртоқ Ақромов мени қутқарган эди, уни оила-
си олдида гуноҳқорман, деб роса йиғлаган. Шу ҳолда
яъни йиғлаганча милиция идорасига бориб, бўлган воқеани
очикчасига айтган ва унинг ўрнига мени ишга олишларини
ғизини сўрайман, деган. Лекин, ўша кунини тайинли жавоб
ололмаган. Тайинли жавоб олгунча роппа-роса бир ой кат-
наган. Ниҳоят, энди ниятига етай деганда кулоғи ишнинг
белига тепган.

— Майли, кулоғим оғир бўлса ҳам ишлайвераман, —
деб оёғини тираб туриб олган дадам.

— Йўқ, аввал кулоғини даволатнинг, — деб маслаҳат бер-
ган милиция бошлиғи.

Бу воқеани дадам бизга бир печа марталаб айтиб бер-
ган. Участковой амакига ҳам айтиб, иложи бўлса, ўғлим
Хошимжонни милиционер қилмоқчиман, деган экан.

Яқинда шаҳарда ёш милиционерлар тайёрлайдиган ўрта
мактаб очилибди, бизнинг томонлардан ҳам бир болаши
танлаб юборишларини сўраб, печать босилган хат юбори-
шибди. Участковой амаки менинг ҳақимда, менинг Ёнгок
қори поччанин фош қилганим, ашаддий жиноятчи Султонов-
ни қўлга туширишга ёрдамлашганимгача ҳаммасини ёзиб
юборган экан. Ўша мактабнинг директори: «Хошимжон Рў-
зиевини тезда бизга олиб келинг», деб тайинлабди. Участко-
вой амаким бугун эрталаб далага — дадамнинг ёнига бориб,
шундай-шундай дебди. Дадам, «мен рози, кечкурун уйга

келинг. Биргалашиб бувижониси билан ойнесини хам кўн-дирамиз», дебди.

Участковой амаки мен ухлаб ётганда келган экан. Бу масалани онламининг хамма аъзолари обдаи муҳокама қилишибди. Бувижоним: «Яккаю ягона ўглимини ўлимдан олиб қолган ўша раҳматли милиционернинг арвоҳини шод қилиб Хошимжонгинам милицияга кириб, ҳалол хизмат қилса, мен мингдан-миг рози. Лекин, бировни ўғри тўсса яқинига бормай, узокдан хуштак чалиб, тўппонча отаверсин...», дебди. Ойим: «Ўзим хам билмай қолдим, болагиниам миғ хунарга қўл уряпти-ю, бари бир ташлаб кетяпти. Ишқилиб, кечаси навбатда турганда ухлаб қолиб хаммамизни уятга қўйма-са бўлгани...» дебди. Ойшахон: «Акам милиционер бўлса Ортик ола кўзини қаматаман, сочимдан тортиб ҳеч дарс тинглатгани қўймайди», дебди. Донохон бўлса: «Урра! Акам милиционер бўлса, кечаси ухлаганда хуштагини ўғирлайман-да, мактабга борганимда маза қилиб чалиб юраман», деган гапларни айтибди. Хуллас, суюқли ўғилларига, яъни мулла Хошимга, унинг руҳсатисиз, аллақачон милиция формасини кийгизиб, хуштагигача ўғирлаб бўлишибди.

— Мана шунака гаплар... — деди участковой амаки, сухбатимизнинг охида. — Ўзингиз нима дейсиз?

Қизик... Нималар бўляпти ўзи, ўпгимми, тушимми? Мен ўзи қанақа боламан? Шу пайтда хурсанд бўлишим керакми, ёки хафа бўлиб йиғлайми? Ҳозиргина қочинга, яна дарбадар бўлишга тайёр эдим. Энди бўлса... Тавба! Милиционерлик! Тўғри, дадам бу ҳақда кўп гапирди, гапирганда хам шавк-завк билан гапирди. Йигитнинг хўрози милицияга кирди, деб мактагани-мактаган. Борди-ю, милицияга кириб кетсам, унда сартарошликни қим қилади? Ахир мен уста бобомга бу касбни ҳеч ташламайман деб сўз берганман-ку. Еки... кечаси милиционерлигу, қундузи сартарошлик қилса хам бўлармикан?

— Гапир, нега жим бўлиб қолдинг? — қистади дадам.

— Сартарошлик нима бўлади? — сўрадим участковой амакидан.

— Йигит қинига етмини хунар оз, — деди участковой амаки. — Сартарошликни ўша ерда хам давом эттираве-расиз.

-- Қачон жўнаймиз?

— Демак, розимисиз? — бу саволни участковой амаки берди-ю, аммо жавобини бутун онламиниз аъзолари қутарди. Саволни қаранг: «Розимисиз» эмиш. Хошимжон янги касб таплаган олдда ҳеч иккиланганми ўзи? Пўк, ҳеч қачон! Аста ўрнимдан турдим-да, кафтимни қўлогим устига қўйиб:

— Полковник Хошимжон Рўзиев буйруғингизга тайёр! —
деб хаммаларини кулдириб юбордим.

Ош сузилди, кетидан тарвуз сўйилди, э борнигки, совиб
колган чойлар ҳам ичиб бўлинди. Эртага соат 9 да жўнашга
келишиб, дастурхонга фотиҳа ўкидик. Шу окшом уйдагилар
менга бирам меҳрибон бўлиб қолишдики, асти қўяверасиз.
Катта синглим Ойшахон пайпоқларимни ювган, кичик
синглим Дониҳон шимимга дазмол босган! Ойим патирга
униаб кетди, дадам пул олиб келгани кассирнинг хузурига
отланди.

Кечаси бувижоним анча маҳалгача ухламай бош томо-
нимда ўтириб, сочларимдан силади, пешанамдан қайта-
қайта ўнди.

— Оббў тентагим-эй, шундай қилиб бизни яна ташлаб
кетар экансан-да? — деди у негадир йиғламоғираб.

— Ташлаб кетаман, бувижон.

— Тез-тез хат ёзиб тургин.

— Хўп бўлади, бувижон.

— Бемаҳалда кўчага чиқмагин.

— Яхши.

— Астойдил ўкиб, одам бўлиш пайидан бўлгин.

— Айтганингизни қиламан, бувижон.

— Бемаъни болалар билан юрмагин.

— Хўп.

— Ўзингдан катта ниш буюрса йўқ демагин.

— Хеч йўқ демайман.

— Қўйлагинг кир бўлса окшом ювиб қўйсанг, эрталаб-
гача қурийд. Кир қўйлак билан кўчага чиқмагин.

— Хўп бўлади.

— Ейиш-ичишдан ўзингни қисма, шукр, дадангни топи-
ши ёмон эмас. Пул жўнатиб турамин.

— Мева-чевадан послатка ҳам қилиб туришлар.

— Бўлмасам-чи, болам, топангиз сеники. Ишқилиб,
ўлим бўлмасин...

Бувижоним тўсатдан йиглаб юборди. Ўрнимдан туриб,
юпатаман деб шунча уринсам ҳам, хеч иложи бўлмади.
Кўз ёшлари ҳам тўпланиб колган эканми, қуйилиб кела-
верди.

— Бувижон, сиз хали ўлмайсиз! — шундай деб меҳри-
бон бувижонимнинг ажини босган бетларидан, кўзларидан
ўпа бошладим.

— Ўлиб қолсам-чи?

— Йўқ, ўлмайсиз?

— Ўламан.

— Ҳлмайсиэ!

— Борди-ю... иссиқ жон-да... Эшитсанг, дарров келиб хасса ушлагини.

— Бувижон!

— Болагинам! Тентагим!

Тўсатдан ич-ичимдан бир хўрсениш келди-ю, хўйграб йиглаб юбордим. Назаримда бувижонимдан айрилиб қолаётгандек, онамдан ҳам азиз бўлган, мени деб ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам урган меҳрибонимдан ажралиб қолаётгандек бўлиб кетдим.

— Йиглама, болам! — энди бувижоним мени юпата бошлади.

— Йўқ, бормайман, ўлиб қоласиз.

— Ҳлмайман!

— Борди-ю... иссиқ жон-да...

— Ундай дема. Худо хоҳласа, хали сени болагини ҳам катта қилиб бераман.

— Лекин унинг қулогидан чўзмайсиз.

— Чўзаман...

Шу йўсин бувижоним иккимиз гоҳ йиглашиб, гоҳ қулишиб, чакчақлашиб тонг оттирдик.

Эрталаб участкавой амаки билан шаҳарга жўнаб кетдим. Одамлар мени милиционер олиб кетаётганини кўриб: «Ҳошимни камагани олиб кетишяпти. Эссизгина, яхши ўқимаса ҳам, ҳар қалай, яхши бола эди. Қасқдан ҳам шу сартарошликка қўл урди-ю, балога қолди...», дейишибди.

СЕРЖАНТ РУЗИЕВ ИШ БОШЛАДИ

Қасам ич десагиз, қасам ичиб айтаманки, уч йилнинг қандай ўтганини мутлоқо сезмай қолибман. Бу орада бувижоним бир неча маротаба шаҳарга келиб, мени кўриб кетди. Мен ҳам бир неча маротаба қишлоққа бориб, уларнинг ҳолаҳволини билиб қайтдим. Мен асли милиционерлар ўрта мактабининг ўқувчисиимдим ёки ўзим очган «марҳум уста Ақром бобо номидаги» бепул ишлайдиган сартарошхонанинг сартарошиимдим, ишонсангиз, кейинчалик ўзим ҳам унутиб юбордим. Айтгандек, сизга айтаман деб, эсимдан чиқиб қолибди. Мен мактабга эсон-омон кириб олгач, ётоқхонамизнинг шушудоккини биқинига ҳурматли устозим номида устахона очдим. Аввал ўзимга ўхшаш камҳарж курсант болаларининг соч-соқолини олиб юрдим. Кейинчалик муаллимларимиз

хам, лейтенантдан тортиб, то полковникларгача кириб турадиган бўлишди. Бир кунни, ишонсангиз, битта генералнинг хам соқоллини олиб кўйдим. Комиссия бўлиб келган экан, ётоқхоналарнинг ахволини текшириб юриб, тўсатдан менинг сарторошхонамга хам кириб қолди. Дарров икки оёғимни жуфтлаб честь бердим:

— Курсант Хошимжон Рўзиев!

— Яхши,— деди генерал, — «уста Ақром» деганингиз ким?

— Устозим бўлади, ўртоқ генерал.

— Милиционерми?

— Йўқ, ўртоқ генерал, сарторош бўлган.

— Текинга ишлайди, деганингиз нимаси?

— Устозим шундай деб васият қилган, ўртоқ генерал.

— Соқолни яхши оласизми?

— Синаб кўришингиз мумкин, ўртоқ генерал.

— Қани, синаб кўрсак, кўрайлик-чи.

Ўзиям ўша кунни бошқача бўлиб кетдим-да. Сочингу чойшабларнинг энг тозасидан ишлатдим. Устаранинг хам шунақанги ўткиридан танладимки, халигача ўзим ўзимга хайрон қоламан. Хушбўй атир-упалардан сениб, беозоргина массаж хам қилиб кўйганимдан сўнг генерал ўрнидан туриб...

— Баракалла. Сендан қанақа милиционер чиқишини айтолмайман-ку, лекин яхши сарторош чиқиши аниқ,— деб елкамга уриб қўйди.

Хуллас, ўқишни тугатиб, хар ким хар ёққа йўлланма ола бошлади. Мени шаҳарнинг Каттасой район милицияси ихтиёрига жўнатишди.

— Қайси бўлимга лозим топилса, ўша бўлимда ишлай-верасиз, хоҳласангиз милиционерларнинг соч-соқоллини олиб юраверасиз,— деб жиндақ ҳазил хам қилиб кўйишди.

Аввал ишга жойлашай, кейин кишлоққа бориб, беш-ўн кун ўйнаб, ёру дўстларимни кўриб келарман, деб ҳаёл қилдим у милиция бўлимига жўнадим. Бўлим бошлиғи Али Усмоновнинг қабулхонасига кириб, шанақдек келадиган ойнага тикилганча лабиши бўяб ўтирган секретарь қизга нима мақсада келганимни айтдим. Қиз ичкари кириб, дарров ораксига қайтди:

— Киришингиз мумкин экан.

Ичкари кириб, қондага қаттиқ рюя қилган ҳолда товоқларимни бир-бирига уриштириб, балад овоз билан честь бердим.

— Сарторош Хошимжон Рўзиев хузурингизга келди! Полковник хиёл ўрнидан туриб:

— Иима? — деб сўради.

— Кечирасиз, ўртоқ полковник, янглишиб кетибман Сержант Хошимжон Рўзиев хузурингизга келди.

— Бу бошқа гап. Хўш, хизмат?

Полковник мен узатган йўлланмага кўз югуртириб чиқ-кач, шошмасдан ўринга ўтирди. Курсда калака ўкиганлигим, кимлар дарс берганлиги, каерлик эканлигим, ота-онам нима иш билан машғуллиги тўғрисида ярим соатча суриштирди. Кейин катталлиги кичикроқ хонтахтачадек келадиган, сургучланган конвертни очиб, менинг шахсий делом билан ҳам шошмасдан танишиб чиқди. Ниҳоят, маъқул бўлди шекилли, бошнинг кўтариб:

— Чакки эмас, — деб қўйди. — Хўш, қайси бўлимда ишламоқчисиз?

Хўш, қайси бўлимда ишласам экан? Хабарингиз борми, йўқми, милицияда бўлимлар жуда кўп бўлади: жиноят қилдирув бўлими, жамоат мулкнинг талон-тарож қилувчиларга қарши курашиш бўлими, айбига иқроқ қилдириш бўлими, хизмат бўлими, автотенсекция бўлими, коровуллар бўлими, ўт ўчириш бўлими, э бориники... шунақанги бўлимлар-да, Бир хаёлим ўт ўчириш бўлимига кириб олиб, ошхўрлик қилиб электр чойнакда аччиқ-аччиқ чой дамлаб ичиб, маза қилиб юраверайини ҳам дедим-у, негадир, бу фикримдан дарров қайтдим. Хўш, қайси бўлимда ишласам қимматли дадажонимнинг орзуларини тезроқ рўёбга чиқарар эканман, қахрамонликлар кўрсатиб, Ориф, Зокир, Миробиддинхўжаларини хайратда қолдираар эканман?

— Нега ўйлашиб қолдингиз? — сўради бошлик.

— Ўртоқ полковник, бувижоним етти ўлчаб бир кес, деб айтарди.

— Демак, ўлчаянман денг?

— Ха, ўртоқ полковник, ўлчаянман.

— Лекин, ўртоқ сержант, жуда узок ўлчар экансиз.

— Йўқ, жавобим тайёр. Қайси бўлимни лозим топсангиз, ўша бўлимга ўтиб ишлайвераман.

— Раҳмат, ўртоқ сержант. Мана бу чинакам милиционернинг жавоби. Милиционер, яъни давлат канцеляриясининг ходими эгарланган отдек хаминша шай туриши керак. Қайси ишга юборсак бўйин товламай, уни койиллатиш пайндан бўлиши керак. Мен ҳозир сизни полковник Салимжон Отажоновга тошираман. У кишидан иш ўрганасиз. Республикамининг энг атоқли милиция ходимларидан бири у. Халол, садоқатли, халқ, давлат ишга жонини тиккан тенги йўқ одам. Ундан иш ўрганишга ҳаракат қилинг. Кейин қайси бўлимда ишлашингизни яна ўйлашиб кўрармиз.

Бошлик кнопкани босган эди, остонада секретарь киз кўриди:

— Ўртоқ Отажоновни чакиринг.

Хиёл ўтмай хонага новча бўйли, кўкракларини кенг 55—60 ёшлардаги бир одам бош яланг кириб келди. Али Усмонов билан сўрашиб, менга бир кўз ташлаб қўйди. Юзи чўзинчокдан келган, ўнг бетиди чандиги бор, пешанаси кенг, тепа сочи тушиб кетибди. Кўзлари, негадир сал галатирок бокади. Бир қарашда кишини эркалатаётгандек, яна бир қарашда: «Тўхтаб тур, сен ўзинг ким бўласан?» — деб сўраётгандек туюлади. Иккала кўзи билан барабар тикилса, худди биров кўкрагингга тўппонча қадагандек, кўрқиб, беихтиёр ўрнингдан туриб кетасан. Лаблари кулиб турибди-ю ammo юрагининг қаърида сенга инсбатан яширини газабни борга ўхшайди. Мен негадир қалтирай бошладим. Али Усмонов қискагина тушунтириб:

— Ўртоқ Рўзиев сизнинг қўлингизда ишлайди, — деди.

Полковник Отажонов:

«Менинг бўлимимни бола боғча қилиб юбординглар-ку», деб кулиб қўйди. Ўртоқ Усмонов ҳам кулиб: «Чунки сиз меҳрибон мураббийсиз-да», дея жавоб қайтарди.

Мен жимгина янги бошлигимнинг орқасидан эргашдим. Бай-бай-бай, бўйдан ҳам берган экан-да, худди девга ўхшайди-я. Гурчиллатиб қадам ташлаганда-чи, ишонсангиз, поллар лапанглаб кетяпти-я. Эшикларнинг ҳаммасидан энгашиб ўтди. Хонага киргач, диванга ўтириб, мени ҳам ёнига таклиф қилди.

— Хўш, отинг нима, ўғлим? — деб тўсатдан сенлаб гапир бошлади.

— Хошимжон!

— Ие, менинг амаким билан адаш экансан-да. Милиционерлар тайёрлайдиган ўрта мактабнинг биринчи битирувчилариданман дегин? Яхши. Хўш, милиционерликни ташладингми ёки бировнинг тавсияси билан келдингми?

— Дадам тавсия қилди.

— Ўзинг бу ишни яхши кўрасанми?

— Яхши кўраман.

— Унда ишимиз соз экан. Бир хиллар милиционерликка формаси билан хуштагига шикибоз бўлиб киради. Бунақалар узокка бормайди. Икки-уч йилда постни ташлаб қочиб кетади. Турадиган жойнинг борми?

— Ҳозирча, ўртоқ полковник, курсантларнинг ётоқхонасида турибман.

— Мени Салимжон ака деб чакиравер, расмийчиликни ёмон кўраман. Лекин, рапорт бораётганинда, ўртоқ пол-

ковник деб мурожаат қилмасанг, нақ тилингни сугуриб оламан... Ҳозир ўша ерда тура тур. Кейин бир иложини қилармиз. Эҳтимол уйимга олиб кетарман... Бизнинг бўлим канака бўлим эканлигини биласанми?

— Пўк, билмайман.

— ОБХСС бўлими дейилади. Жуда оғир бўлим. Нима кўп десанг, ҳозир жамоат, давлат мулкига кўз олайтирувчилар кўп. Улар шунақанги устаки, хушёр бўлмасак, сен билан менинг бошимизга қалпоқ кийгизиб кетишади. Мен уларга инсбатан қаттиқроқ туриш тарафдориман. Лекин Али Ҳасанович тарбиялаш керак, деб кўпинча қўнғилчанлик қилади... Ха майли, булар ҳақида кейин яна бафуржа гаплашамиз... Нима бўлганда ҳам милиция қаттиққўл бўлиши керак.

Менинг Салимжон ака ҳақидаги фикрим ўша кунин тез-тез ўзгариб турди. Ҳали бошлиқнинг ҳузурнда бўлганимда, очигини айтсам, ундан кўркиб кетган эдим. Ҳозир эса, дилкашлик қилгани учун сал-пал яхши кўриб қолгандек бўлдим. Қечга томон менинг кўз олдимда ёш бир лейтенантнинг каттиқ уришганини, лейтенантнинг даг-даг қалтираётганини кўриб, бу одамни яхши кўришни ҳам, ёмон кўришни ҳам билолмай, ланж бир тушунча билан ётоқхонамга қайтиб кетдим.

Орадан ўн уч кун ўтгач, мени полковник Отажонов ўз ҳузурига чакиртирди.

— Ҳўш, ўртоқ Рўзиев, энди ишин бошласак ҳам бўлар дейман?

— Бўлади, ўртоқ полковник.

— Мана бу шикоятни ўкиб чиқинг-да, тезда чора кўришга киришинг.

— Ҳўш бўлади, ўртоқ полковник.

Меҳнатқашлар ёзган шикоят хатин олиб, ўз хонамга чиқиб кетдим. Иш бошланди! Сержант Ҳонимжон Рўзиев иш бошлади! Мана энди, жамоат мулкига кўз олайтирадиганлар бўлса навбати билан тазйирини еяверади!

ОШХОНАНИНГ БАХТИ ҚАРО ДИРЕКТОРИ

Биринчи топшириқ жуда галати бўларкан. Бир томондан, қувончим ичимга сиғмай, сакраб, ўйини тушворай-ўйини тушворай дейман. Иккинчи томондан, бордию ишин бузиб қўйсам-чи, деб ўзимдан-ўзим андак кўркиб ҳам турибман. Юрагимни ховучлаб, шикоятни қайта-қайта ўқийман.

«Каттасой район милиция бўлимининг бошлиғи полковник ўртоқ Усмоновга. «Роҳат» ошхонасида овқатланиб, ҳамиша жони азобда юрувчи бир группа хўрандалардан

Ш и к о я т

Биз, сиз ҳурматли бошлиққа шуни езио маълум қиламизки, 12-сонли ошхонада институт студентлари, поликлиника ва дорихона хизматчилари, маҳалла аҳлининг катта-кичик меҳнаткашлари овқатланиб келамиз. Бу ошхона эмас, азобхона! Овқатлари шунақанги бемазаки, таърифини ҳеч келтириб бўлмайди. Бунинг устига чўмичдан ҳам қоқиб қолишади. Шу ойнинг бошида шаҳар савдо инспекциясига шикоят қилган эдик, у ердан келиб текшириш ўтказишувди, хўрандаларнинг ҳақидан 30—35 фоизини уриб қолинаётгани маълум бўлди. Биз, мана энди қўли эгри ошпазлар таъзирини ейди, деб турган эдик, йўқ, бунақанги воқеа юз бермади. Хаммаларига биттадан ҳайфсан улашиб чиқишди. Агар шунақанги ҳайфсандан мингтасини илга тизиб, бўйнига осиб қўйганингизда ҳам бу товламачиларга зигирдек таъсир қилмайди. Негаки, булар учун ҳайфсан билан ташаккурнинг фарқи йўқ.

Биз, бир группа ўқитувчилар, врачлар, студентлар ва бошқа кўнгли тўлмай юрган хўрандалар, сиз бошлиқдан ошхонада тартиб ўрнатишга ёрдам беришингизни сўраймиз. Камбаров, Косимов, Қодиров ва бошқалар».

Бу шикоятни кечаси билан қайта-қайта ўқийвериб, ишонсангиз, паккос ёдлаб олдим. Ёдлаб олдим-у, эртасига кундуз соат биргача ишни нимадан бошлашни билмай гаранг бўлиб ўтиравердим. Ниҳоят: «Аввал бориб, шу ошхонада овқатланаман, мазали-мазасизлигини ўзим синаб кўраман. Сўнгра таомларнинг ҳамма хилдан оз-оздан олиб, шаҳарнинг бош лабораториясида текширтириб кўраман»,— деган қарорга келдим.

Ошхона «Ғалаба» хиёбонининг шундоққина ёнгинасида, кўп каватли уйнинг остида экан. Одам шунақанги кўпки, худди вокзалнинг чиптахонасига ўхшайди. Аввал таомлар кўйилган витриналарни кўздан кечирдим. Котлет — 42 тиён, лагмон — 38 тиён, палов — 63 тиён — ҳаммаси жойидага ўхшайди. Буфетга ўтдим. Бошига ок сурпдан халтача кийиб олган, бурни, пешанаси терлаб турган бақалок бир йиғит қўли-қўлига тегмай хизмат қилапти: бировга арок, бировга перашка, яна биттасига конфет узатяпти — порозилик йўқ, ҳаммаси сизу биз. Кассани ҳам кўздан кечирмок-

чи бўлдим. Ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги битта кизча ўтирибди. Шунақанги озгин, шунақанги нимжонки, худди шу ошхонага киргандан буён овқат беришмаганга ўхшайди. Аммо нозик бармоқчалари шунақанги тез, шунақанги аниқ ишлаптики, худди сеҳргарга ўхшайди.

— Эшнтаман,— деб сўради мендан яқинига борганимда.

— Бир порция лагмон,— дедим шошилиб.

— Нон ҳам оласизми?

— Йўқ.

— Ўттиз саккиз тийин,— деди киз чек узатиб.

— Қирқ тийин ола қолинг,— деб илтимос қилдим кўлга туширмоқчи бўлиб.

— Раҳмат, йиғиб юрсангиз мороженое олиб ойсиз!— шундай деб кизча иккита бир тийинлик узатди.

Лагмонни олиб, чеккароқ бир ерга ўтирдим. Энди ея бошлаган эдим, 55—60 ёшлардаги бир одам бир кўлида котлет, бошқасида шавла келтириб ёнимга ўтирди. Юрагим «шув» этиб кетгандек бўлди, бу одамнинг нимасидир Ёнғок қори поччамга, велосипед миниб қочган ўша устозимга жуда ўхшаб кетарди. Йўғ-эй, қори поччамнинг мошгуруч соқоллари кўксиларига тушиб турарди, кўлларида тасбех, бошларида саватдек салла бўларди. Бу одамда бўлса, соқол деган нарса йўқ — кин-қизил кўса. Бошида шляпа, кўксиди тугунин муштумдек келадиган гулли галстук. Йўқ, йўқ. Бу бутунлай бошқа одам.

— Тфуу! — деди ёнимда ўтирган одам, қошиқ билан тарелкани бир уриб.— Шу ҳам овқат бўлди-ю!

— Ростини айтсам мен ҳам ея олмай ўтирибман,— дедим бошимни кўтариб,— лагмон эмас, мағзава.

— Мен котлет деб олсам, билмадим нимани солиб беришибди,— деб ёмонлади яна ёнимдаги хўранда.

— Қайласизга гўшт ўринга бақлажон солишибди,— дедим мен уни кўпроқ гапга солиш учун.

— Ўғри бўл, инсофли бўл-да, номард! — деди бегона одам баттар тутакиб.

Таомларнинг бемазалиги хусусида иккимизнинг фикримиз бир жойдан чиқиб қолди. Ўн минут чамаси ошназу, кассиру, директоригача аралашинга ёмонлаб, гўрига гишт каладик.

— Манз, сиз милиция ходимсиз,— деди суҳбатдошим кизишиб,— нега шунақанги юлғичларга чора кўрмайсизлар?

— Эҳтимол кўрармиз.

— Йўқ, сизлар чора кўрмайсизлар, шикоятни эшитиб, чаканларни қашиб, тесқари қариб кетаверасизлар.

— Аксинча, мен чора кўргани келдим.

— Ишонмайман.

— Ишонинг. Мана, чўнтагимда меҳнаткашларнинг шикоятлари ҳам турибди.

— Демак, чора кўрасизми?

— Кўрамиз.

— Бўлмаса, юринг, ичкарироққа кирамиз. Алоҳида хона бор. Ўша ерда бафуржа гаплашамиз.

Мен ишимга ёрдами тегадиган шерик топилганидан ўзимда йўқ сезиниб кетдим. Ўзи омади бор йиғитман-да, бирор ишга қўл ургудек бўлсам мана шунақа ўз-ўзидан юришиб кетаверади!

Залнинг тўрида кичкинагина хона бор экан. Ўша ерга кириб, эшикнинг ичидан беркитиб олдик.

— Аввало танишиб олайлик: исмим — Одил, фамилиям — Аббосов. Ўзларининг исм-шарифлари?

— Хошимжон Рўзиев.

— Хошимжон, мен бу ошхонанинг бахти каро директори бўламан.

— А? — беҳтиёр ўрнимдан туриб кетдим.

— Кўркманг, — секингина елкамдан босиб қўйди бахти каро директор, — мен сизнинг ишингизга халақит бермоқчи эмасман. Аксинча, ёрдам бермоқчиман... Мен, укагиниам, бу ерда яққаланиб қолдим. Менга ёрдам керак, ёрдам беринг! Директор бўлиб келганимга олти ой бўлди, олти ойдан буён овқатларини лаззатли қилиш учун курашаман. Аммо бу ерда иккита пихини ёрган, гирром ошпаз бор. Бир миллий таомлар бўйича, иккинчиси европача таомлар бўйича бош ошпаз бўлиб олишган. Хар бирининг бештадан шогирди бор. Ўнта шайтон бирлашиб олса, директорнинг қўлидан ҳеч иш келмас экан. Мен чндай олмаганимдан яқинда хўрандаларга айтиб, шаҳар савдо инспекциясига шикоят ёздирдим... Афсуски, ундан ҳам наф чиқмади — биттадан хайфсан билан кутулиб кетишди... Ўртоқ сержант, сизга тўлиқ ишонсам бўладими?

— Милицияга ишонмасангиз, унда кимга ишонасиз? — дедим сал аччигим чиқиб.

— Раҳмат. Минг раҳмат сизга, укам. Сизга айтадиган сирим шуки, халиги ошпазлар хар куни 100 сўмдан пул ишлаб кетишади, шогирдлари 25 дан олишади.

— Йўғ-эй! — дедим ишонмай.

— Рост айтяпман. Бу балохўрлар хар қандай одамни дарров сотиб олишади. Лекин... сиздан ҳам кўркиб турибман.

— Хошимжон Рўзиев сотиладиганлар хилидан эмас! — столи муштлаб ўрнимдан туриб кетдим.

— Бари бир, сизни ҳам тузлаб жўнатишадн. Хар эҳти-
молга қарини огохлантириб кўйяпман.

— Кўрамиз, ким кимни тузлар экан!

— Сиз хушёр йиғитга ўхшайсиз. Кўзларингиз чакнаб
турибди. Ёшсиз-да, оловсиз, олов! Яқинда енг шимариб иш-
га астойдил киришдим. Меҳнаткашларга айтиб, яна шикоят
ёздирдим. Милицияга жўнатишлар, халқ, давлат манфа-
атини ўша ерда химоя қилишадн дедим... Шикоят ҳалигача
бормабди-да?

Чўнтагимдан шартта шикоятни чиқариб, бахти каро
директорга узатдим. У шикоятномани ўқияпти-ю, мен бўл-
сам: «Бечора Одил ака-еи, битта ўзингиз ўнта шайтонга
қарини нима ҳам қила олардингиз, оғир аҳволга тушиб
қолган экансиз, нега дарров меннинг бошлиғимга уч-
рашмадингиз. Ҳа, майли, ҳали ҳам кеч эмас. Таъзирини
бериб кўямиз...», деб ўйлайман. Унга раҳмим келади. Кўн-
гини тоғдек кўтарадиган бирор гап айтмоқчи бўламан.

— Бу врачларни танийман,— деди Одил ака шикоятни
менга узатиб.— Мана бу Қамбаров дегани тиш доктори
бўлиб ишлайди. Қўли жуда енгил, хар қандай бақувват
тишни ҳам бир силтаганда сугуриб олади. Қодиров бўлса —
хирург. Худди сизга ўхшаш адолатпарвар, хушёр йиғит!
Бўлмаса энди амалий ишга ўтсак.

— Мен тайёрман.

— Текширтириб кўриш учун таомлардан қачон оласиз?

— Эртага олсамми деб турибман.

— Йўқ, ё шамба, ё якшамба қуни оласиз. Негаки, шамба
ва якшамба назорат қилувчи жамини идоралар берк бў-
лади, Сулаймон ўлди, девлар қутулади, деб бу шайтонлар
ўғирлиқни уч-тўрт баравар кўнайитириб юборишади. Кейин,
ўртоқ сержант, бунчалик соддадиллик қилманг.

— Нима қилибман?

— Ошхонага кириб витринадаги таомларнинг нарҳини
текшириб юрибсиз. Сизнинг нима мақсадда келганингизни
мен дарров сездим. Ошпазлар менадан олдинроқ сезишган
бўлса керак. Тезроқ бормасам, ичкарига тортиб кетишади,
деб дарров олдингизга келдим... Ўртоқ сержант, иложи бўл-
са, ўзингиздан олдин ошхонага бегона одамларни киритиб,
таомларни ўшаларга олдириш-да, кейин таппа босинг.

— Бу маслаҳатнингиз ҳам маъқул,— дедим ич-ичимдан
севиниб.

— Кейин, ўртоқ сержант, яна бир нарсани айтмоқчиман.
Бу ерда шикоят дафтари иккита юритилади. Биттасига
фақат мактовларини ёздиршиб, мукофот олишади, иккин-
чисига фақат шикоятни ёздиршиб, уни ҳеч кимга кўрсатиш-

майди. Иккови ҳам буфетчида туради. Ўртоқ сержант, яна бир илтимосим бор. Лекин, йўқ демасангиз айтаман.

— Йўқ демайман.

— Буфетчини ҳам кўшиб текширсангиз,— деди Одил ака. Гарчи хонада иккимиздан бошқа одам бўлмаса ҳам, гапимизни биров эшитмаяптими, дегандек у ёқ-бу ёгига қараб олди, кейин шивирлаб давом этди:— Аслида ўғрибоши шу! Меҳнаткашларнинг ёнини олганим учун мени ишдан олдириб ташламоқчи. Бирорта тўғри иши йўқ. Ароғу коньяк — ҳаммаси ясама. 20 грамм арокка 80 грамм сув кўшмаса, кечаси ухлай олмай чиқади.

— Жуда очкўз экан-ку!

— Очкўз ҳам гапми? Ҳозир синаб кўришимиз ҳам мумкин. Чикиб икки стакан арок келтиринг, мен чиқсам тозасидан беради, хумпар!

— Қалай бўларкин?

— Яна соддалик қиляпсиз-а! — уришиб бергандек бўлди бахти каро директор. «Содда» деган гапни эшитиб, жуда ҳам унчалик эмаслигини исботлаш учун шартта чикиб, буриги терлаб турган бакалок буфетчидан икки стаканини тўлдириб арок келтирдим.

— Баракалла, мард йиғит экансиз! — хурсанд бўлиб деди директор.— Энди бир стаканини ичиб кўринг-а, зиғирча маза топсангиз, бетимга тупуриб юборинг.

— Мен умримда арок ичган эмасман,— эътироз билдирдим.

Одил ака кўл силтади:

— Бу арок эмас-ку!

— Бари бир, ичолмайман.

Одил ака хафсаласи пир бўлгандек ўрнидан туриб, тез-тез юриб чикиб кета бошлади:

— Мен сизни мард йиғит деб, сирларимни ошкор қилиб ўтирибман-а...

Иш бошлаш олдидан ишончли ёрдамчидан ажралиб қолишдан кўркиб бир стакан арокни шартта ичиб юбордим.

— Қалай? — Орқасига қайтиб сўради директор.

— Жуда бемаза нарса экан,— дедим афтимни бужмайтириб.

— Офарин! Хушёр йиғитсиз-да, дарров сездингиз. Бошқа жойда арок ичсангиз хузур қиласиз, кайф қиласиз. Бу бўлса одамнинг кўнглини айнитади. Номард, ўғри бўл, инсофли бўл-да! Манг, бунисени ҳам ичиб юборинг, ошқозон тўлса, кўнгил айнашингиз босилади, бўлмаса кечгача ўкчийсиз.

— Бошим айланиб кетяпти.

— Шунинг учун ҳам ичинг деяпман-да, мард йиғит! Кўнгил босилади. Баракалла, офарин! Лекин азамат йиғит экансиз! Сиз билан ҳар қандай ишни бажарса бўларкан. Қани, энди милиционерларининг ҳаммаси сиздақа бўлса.

Бир нафасдан сўнг чиндан ҳам бошимнинг айланishi тўхтади-ю, кўнгилим тоғдек кўтарилиб, ашула айтгим кела бошлади. Одил аканинг пешанасидан ўпиб:

— Сизнинг бу хизматларингизни милиция ҳеч қачон унутмайди,— деб хитоб қилдим.— Ашула айтиб берайми?

— Шошмай турсангиз ҳали ўйинга ҳам тушиб бера-сиз, ука! — дегандек бўлди Одил ака. Кейин нима бўлганини билмайман.

ТУШИММИ, ЎНГИММИ

Кўзимни очиб, ўзимни бошлигимиз ўртоқ Отажоновнинг хонасида кўрдим, диванда чўзилиб ётибман. Бошимдан сув куйишган бўлса керак, кийимларим хўл. Хонада бошлигим, мени болакай деб чақирадиган — бўлимимизнинг энг кекса хизматчиси — лейтенант Ортиқов, тергов бўлимида капитан Қорабоевлар ўтиришибди. Ҳаммалари ковоқларини солиб олишган... Тушимми, ўнгимми, нега мен бу ерга келиб қолдим. «Роҳат» ошхонасининг бахти қаро директори қаерда қолди. «Ассалому алайкум!» деб секин ўрнимдан турмоқчи бўлган эдим, бошим тегирмон тоши осилгандек оғир, чайқалиб кетдим. Ҳеч қим жавоб қайтармади. Демак, туш кўраётган эканман, деб ўйлаб яна диванга чўзилмоқчи бўлган эдим, Салимжон ака:

— Тирилингми? — деб сўради.

— Тирилдим-у, лекин...

— Тур ўрнингдан! — буюрди бошлигим.— Ташқарига чиқиб бет-қўлингни муздек сувга ювиб кел.

Бет-қўлимни ювиб келдим, бошимнинг гувиллаши босилгандек бўлди, кўзларим ҳам яраклаб очилиб кетди.

— Қани, бир бошдан гапириб бер-чи! — яна буюрди бошлигим.

— Нимани гапирай? — хайрон бўлиб сўрадим.

— Ошхонада қилган безорилигингни гапир.

— Безорилик, қавақа безорилик?

— Гапини чўзма! — Салимжон акам бу сўзини шундай бир оҳангда айтдики, беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим. Ошхонада бўлган воқеани ўзимдан ҳеч нарса қўшмай, ҳеч нарса олиб ташламай, қандай юз берган бўлса шундайлигича сўзлаб бердим. Ўтирганлар, тавба дегандек, елкаларини қисиб.

бир-бирларига маъноли караб олишди. Ўртоқ Отажонов Ортиқовга сўз берди.

— Соат бешларда, — ўрнидан тургани эриниб, секин гап бошлади Ортиқов, — ошхонадан телефон қилиб, бизга ўртоқ Отажонов керак, дейишди. Мен у киши йўқ дедим. Унда ўзингиз келинг, ходимларнинг сержант Рўзиев тўполон қилиб, ҳаммамизни қийнаб юборди, деди. Дарров етиб бордим. Ўртоқ Рўзиев диванда учиб ётибди, директор кўлимга мана бу актни берди.

— Актни ўқинг! — буюрди Отажонов. Лейтенант актни худди мени осиб ўлдирши ҳақидаги ҳукмини ўқиётгандек, гапгин бир овозда дона-дона қилиб ўқиб берди:

«Бизларким, тубанда қўл кўйиб, акт тузувчилар: «Роҳат» ошхонасининг директори Одил Аббосов, ошпазлар Ўроз Хайдаров, Карим Турсунов, буфетчи Зокир Зариповлар тузамиз ушбу актни шу мазмундаким, милиция сержанти Хошимжон Рўзиев ошхонага кириб, алоҳида хонада зиёфат қилишимизни сўради, ярим литр ароқ келтирилсин деб буюрди. Ароқни паккос ичиб олиб, чўнтагидан шикоят чиқариб, ҳаммангнинг жонинг мана шу коғозда, гижимласам ўласан, деди. Сўнгра, агар 300 сўм нақд пул берсаларнинг ишни бости-бости қилиб кетаман, деди. Маслаҳатлашиб, сўраган пулни беришга ва тегишли органларни хабардор қилиб қўйишга қарор қилдик. Сержант пулни олгач, шикоятни бизга берди (ушбу актга шикоятни ҳам қўшиб топширяпмиз) ва «эсизгина, шикоятнинг баҳоси 500 сўм турарди, мен уни жуда арзон пуллаб юбордим. Яна ҳеч бўлмаса 100 сўм топиб берасизлар», деб тўполон кўтарди.

Ушбу актни тўғри деб...»

— Елгон, тухмат!! — ич-ичимдан бир хайкирик отилиб чикдики, хайкирик зарбидан, ишонсангиз, деразалар зиркираб кетгандек бўлди.

— Ўзингни бос, — гўё ҳеч нарса бўлмагандек, бир оҳангда деди Салимжон ака. — Ўртоқ Ортиқов, ўша пайтда Рўзиевнинг чўнтагини караб кўрдингизми?

— Йўқ.

— Ҳозир қаранг-чи, пул бормикан.

— Хўн бўлади.

Ортиқов чўнтақларимни титкилаб гимнастёркамнинг кўкрак чўнтагидан бир даста пул олди.

Кўзимдан ўт чиқиб кетди.

— Сананг! — буюрди полковник.

Ортиқов бармоқларини хўллаб, пулни негадир ишонмасдан санай бошлади. Ўзим ҳам, тагин адашиб кетмасин, дедим шекилли, кўзимни лўқ қилиб тикилиб турдим.

— Роппа-роса уч юз сўм экан,— деди лейтенант бошини кўтариб.

Мен, тухмат, деб яна бақирмоқчи бўлган эдим, негадир овозим чиқмади. Тишларим-тишларимга киришиб кетибди. Қўлларим мушт бўлганча қотиб қолибди. Оғзимдан оппоқ кўшик чиқаётганини сезган полковник:

— Сув беришлар! — дегандек бўлди. Сув ичгач, сал ўзимга келдим.

— Эҳтимол махсус уюштирилган тухматдир,— худди ўзига-ўзи гапиргандек, бир оҳангда деди полковник,— эҳтимол ростдир. Нима бўлганда ҳам бугун Ҳошимжонга дам берайлик.

Лейтенант Ортиков кўлтikleб ётоқхонамгача элтиб кўйди. У кўпни кўрган кекса хизматчи эди. Ҳар хил гаплар айтиб, кўнглимни кўтармоқчи бўлди. Бизнинг ишимизда мана шунақа тухматлар ҳам тез-тез бўлиб туради, қай-гурма, ҳаммаси жойинга тушиб кетади, деган гапларни айтди.

Нималар бўлди ўзи, ўнгимни-тушимни, бу? Қанақа тухматларга қолдим. Одил Аббосов бахти қаро эмас, ичи қора экан-ку. Мени шунақанги боладикки, шунақанги усталлик билан қўлга туширдикки, нима дейишимни ҳам билмайман. Менга ҳеч ким ишонмайдиган эди!

Бир ҳаёлим шартта ишхонасига бориб, кўпчиликнинг олдида оғзидан кўпик келгунча савалай дедим. Унда чинакам жиноятчи бўлиб қоламан-ку, йўқ, буниси кетмайди. Ё панада пойлаб туриб бошига тош билан уриб, асфалософияга жўнатиб қўя қолсаммикан? Йўқ, буниси ҳам кетмайди.

Оҳ, менинг маслаҳатчим, сеҳрли қалпоқчам, қасрларда ётибсан, ахир сен ёнимда бўлсанг бунчалик маломатларга қолмас эдим-ку!

Ўн кунгача бўлимга келиб-кетиб беши юрдим, ҳеч қандай топширик беришмади. Ўн биринчи кун бўлим бошлиги Али Усмонов ҳузурига тўпландик. Менинг масалам кўрилди экан. Маълум бўлишича, бахти қаро директор ОБХСС устидан министрликка «Жиноятчи, порахўр милиционерга нега чора кўрилмайди» деган мазмунда шикоят ёзибди.

Комиссия келибди.

Мажлис қисқа бўлди.

Аввал менидан эшиттиди. Бўлган воқеани қандай юз берган бўлса, шундайлигига сўзлаб бердим. Лекин, назаримда, менинг гапларимга ҳеч ким ишонмади. Комиссия бошлиги эсаб ўтиргандек бўлди. Сўнгра Одил Аббосов билан икки ошназга сўз берибди. Вой-бўй, шунақанги гапга

чечан эканки улар, оғзим очилиб қолди-я! Бахти қаро директор гапира туриб, икки марта йиғлаб юборса бўладими...

Икки хил таклиф тушди: бири — мени ўз вазифамни сунистеъмом қилганим ва пора олганим учун Ўзбекистон жиноят кодексининг бир юзу қирк тўртинчи моддасига бинан жиноий жавобгарликка тортиш, иккинчиси — мен ҳали ёш бўлганлигим ва бундай ишни биринчи бор қилаётганим сабабли милициядан ҳайдаш билан чекланиш.

— Овозга қўяман,— деди полковник Али Усмонов ўрнидан туриб.

— Тўхтанг,— шундай деб менинг бошлиғим ҳам ўрнидан турди.— Жиноятчилар билан олишамиз, тартиббузарлар билан олишамиз, ишимиз қалтис. Биз кўпинча туҳмату иғвони дарров англаб етолмаймиз. Менимча, бу ишда ҳам гоят уста, тажрибакор туҳматчининг қўли борга ўхшайди. Мен шу кунлар давомида баъзи бир нарсаларни ўрганишга ҳаракат қилиб кўрдим. Икки йил ичида «Роҳат» ошхонаси устидан юқори идораларга йиғирмата шикоят ёзилган, бу шикоятлар йиғирма хил йўл билан йўққа чиқарилган. Йиғирма биринчи шикоят ҳам, мана кўриб турибсизлар, йўққа чиқиб турибди. Ўртоқлар, мен махсус комиссия тuzилишини талаб қиламан, токи бу иш синчиклаб ўрганилсин.

Кўпчилик овоз билан сўнги таклиф қабул қилиниб, шу ернинг ўзида дарҳол комиссия ҳам тuzилди. Ўртоқ Отажонов унга бошлик этиб тайинланди.

Мажлисдан кўнглим тоғдек кўтарилиб чиқди. «Хайрият,— дейман ўзимга-ўзим,— яхши одамлар ҳам бор экан. Энди кўлимдан келганча яхши хизмат қилганим бўлсин».

Коридорда бакалок буфетчи билан бахти қаро директорга дуч келиб қолдим, мажлисининг натижасини кутиб ўтиришган бўлса керак. Икковларининг орасидан ўта туриб, гўё кокилиб кетгандек бўлдим-у, тирсагим билан директорнинг бикинига туртдим, бечоранинг кўзлари олайиб кетди.

— Эй, тўхта! — деди инграб.

— Шикоят дафтариининг иккови ҳам буфетчида, биттасига мактов, биттасига шикоят ёзилади,— шундай деб бакалокнинг қорнига ҳам бир туртдим. Кейин рапорт бергани бораётган милиционерга ўхшаб, тап-туп қадам ташлаганча ташқарига чиқиб кетдим.

Етоқхонамга бордим-у, бари бир, юрагим сикилиб ўтира олмадим. Бувижоним шафтоли қокни сотиб, йиғиб юрган пулига мактабни битиришим муносабати билан костюм-шим олиб берган эди, ўшани кийдим-да, ташқарига чиқдим. Негадир овқат ҳам егим йўқ, кинога жўнадим. Қизик, бу ерда ҳам гашлигим тарқамеди. Ўзи мен жуда галатиман. Бир

хил пайтларда дунёга сизмай кетаман, тўхтамай юргим ёки ашула айтгим келаверади. Шахарда, ўзингиздан колар гап йўк, ашула айтиб бўлмайди. Қишлоқда бўлса, бошқа гап, кафтингни оғзингга ликопча қилиб бир-икки бақириб юборсанг гашлигинг таркайдн-кетади.

Уйқум келгунча кўчаларда тегираб юрдим. Зокирни эсладим. Фермада молбоқар бўлиб ишляпти у. Ишқилиб, далада ухлаб қолиб молларни йўқотиб қўймаса, деган фикр ўтди бошимдан. Миробиддинхўжа-чи, қаранг-а, шу ҳам ишнини ўнглаб кетди, политехника институтида ўқияпти.

Бир махал қоронги кўчадан ўтиб бораётган эдим, жарлик томондан киз боланинг: «Ёрдам, ёрдам беринг!» деган кичкириши эшитилгандек бўлди. Бенихтиёр ўша томонга югурдим, лекин овоз қаердан чиқди экан?

— Вой, войдод! — бу гал овоз чинорнинг орқасидан чиқди, тўрт хатлаб етиб бордим. Об-бў, номардлар-эй! Тўрт барзанги йигит позиккина бир кизни ўртага олиб туришибди. Мана энди, мулла Хошим, ўзингни кўрсатишниг керак. Қўрқма, чекирма! Бутун айбларингни ювадиган пайт келди. Ха, сенинг ҳам қимлигингни билиб қўйингени. Сен порахўр эмас, балки жасоратли миллионерсан. Бугун сен дадажонингни ҳам ўчини оласан. Ўша камсуқум, камгап, ойнингдан хамиша гап эшитиб юрадиган даданг ҳам хурсанд бўлади. Дадил бўл:

— Нима гап? — дедим уларга яқинлашиб.

— Мана буларни қаранг, — йнглади киз.

— Қўйворинглар уни, — шундай деб кизнинг биллагидан тортмоқчи бўлган эдим, киз аксинча менинг қўлимдан тортиб даврага олиб кирди-да, ўзини бир чеккага олиб:

— Костюмни еч! — деб буюрди.

— Ие, ха! Ахир ўзинг додладнинг-ку?!

Ғазабдан қалтираб кетдим. Билмадим, бу ғазабмиди, кўрқувмиди, ҳар қалай қалтираб тиззаларим букилиб кетаётганини сездим.

— Додласам чопиб келаверасанми, лакма! Костюмни еч! — яна буюрди киз. Бундай атрофимга қарасам, тўрт барзанги ҳар биттаси ярим метрдан келадиган пичок ўқталиб, даврани қисиб келяпти. Демак, киз ўзларининг одами экан, найранг ишлатишган экан. Муштлашсаммикан? Нарн борса иккитасига кучини етади, қолгани-чи? Ҳаммасида яланғочланган пичок! Йўк, нима бўлганда ҳам муштлашман, осонликча таслим бўлмайман! Улдириб кетишса, яна яхши. анови тухматчилардан ҳам бир йўла қутулиб қўя қоламан... Костюмни ечмоқчи бўлиб хиёл орқага ташландим-да, қаршимдаги барзангининг қоринга тепдим... Йўк,

бўлмади, ҳар қалай, беш киши беш киши экан-да! Ерга босиб, оғзимга кир латта тикиб, ечинтириб кетишди, бир оёғимдаги пайпоғим қолибди, холос.

Ҳа, майли, бувижоним омон бўлса, шафтоли қоқи сотиб яна бир костюм олиб берар... Аммо обрў-чи! Шафтоли қоқи сотиб, пулига обрў олиб бўлмайди-ку!..

ЖИНИХОНАГА ТУШИБ ҚОЛДИМ

Ўрнимдан туриб чанг-чунгларимни қокдим-у, кетишимни ҳам, кетмаслигимни ҳам билмай серрайганимча туриб қолдим. «Ётоқхонага қандай етиб олдим-а?» — деб ўйлардим. Юрагимни ваҳима боса бошлади. Битта турникда шаҳар кўчаларда юриб бўлмайди. Эс-хушли одам шундай юрса ҳамма кулади, жинни юрса ҳамма ачинади. Одамларнинг кулгисига қолгандан кўра ўзимни жиншиликка солиб, уларда ўзимга нисбатан раҳм-шафқат уйғотганим яхши эмасми. Еки додлаб ўтган-кетганларни ёрдамга чақирайми? Милиционер учун бу уят. Ўзинг милиционер бўла туриб, бировларга ёрдам бериш ўрнига шу аҳволда таланиб ўтирсанг. Милициянинг шаънига иснод келтирасан. Борди-ю, паналаб чопиб қолсам-чи? Ўўк, унда ҳамма сени ўғри деб ўйлайди. Ушлаб, эрталабгача зах уйга қамаб қўйишлари ҳеч гап эмас. Яхшиси, халиги йўлим йўл. Ўзимни жиншиликка солиб кетавераман!

Ўрта кўчга тушиб, худди кизил майдондан тантанали парад билан ўтаётган аскар боладек оёқларимни кўтариб-кўтариб ташлаб, қўлларимни кулогимгача силкитиб жадал кетавердим. Машиналар сигнал берса ҳам парво қилмайман, кўзларимни чирт юмиб олганман. Бир хил машиналар мени четлаб ўтишади. Шофёрлар:

— Кармисан! — деб қўяди баъзан. Бир хиллари:

— Бечора жинни бўи қопти! — деб ачинади. Учинчи бири бўлса:

— Бўш келма, йигитча! — деб кулиб қўяди.

Бир маҳал, оркамдан келган машина чўзиб-чўзиб кетма-кет сигнал берди-да, буферини шундоққина тақимимга қадаб тўхтатди. «Уваз» машинаси экан. Бикинидаги эшиги очилиб, икки милиционер кетма-кет тушиб келди. Бири ҳаддан ташқари повча, орик. Иккинчиси ҳаддан ташқари пакана, семиз. Худди кизиқчилик учун бирга юришганга ўхшайди.

— Йўл бўлсин, гражданин? — деб сўради повчаси.

— Қовун сайлига, — дедим оркамга карамасликка ҳаракат қилиб.

— А?! — деди паканаси.

— Душман кўшилари пароканда бўлиб қочмоқда олга! — деб йўлимда давом этдим.

— Тўхтаи! — новчаси билангидан ушлади.

— Тегманг, портлаб кетаман, бомбаман! — деб кўйдим

Паканаси шеригининг этагидан тортиб «қий-қизил жинишкуну, нима қиласан, кўйсанг-чи», деди. Новчаси: «Сенда ўзи раҳм-шафқат деган нарса борми, бечорани машина уриб кетса нима бўлади. Қара, ёшгина йиғитча экан, худди менинг укамга ўхшайди... Эҳтимол дўхтири ахтариб юрган-дир», деди. Паканаси: «Хизматдан кечикянимиз ахир», деди. Новчаси: «Йўк, мен бу шўрликни шундай ташлаб кетолмайман, виждоним йўл кўймайди», деб, оёғи ҳам узун эмасми, икки қадам ташлаб менга етиб олди.

— Ука, отингиз нима? — Шундай бир меҳрибон оҳангда сўрадики, Хошим деб юборишимга сал қолди. Дарров ўзимни қўлга олдим-у, яна пала-партиш жавоб қайтара бошладим:

— Отим — Наполён!

— Яхши, яхши! Фамилиянгиз?

— Бонопарт.

— Яхши, яхши! Ана, танишиб ҳам олдик, шу кетишда жаноби олийлари қаёққа кетяптилар?

— Европани забт этгани.

— Офарин, офарин!

Йўк, ортик чидай олмадим. Ўзимни қанча жинишликка солиб алжисам, милиционер шунча раҳмдиллик кўрсатяпти. Оккўнгиз одамни аядан кўлимдан келмас экан. Юришдан тўхтаб новча милиционерга ўғирилдим. Кейин икковимизнинг ўртамизда мана бундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Кечирасиз, ўрток сержант, мен жиниш эмасман.

— Мен ҳам сизни жиниш деяётганим йўк, гражданин.

— Унда сиздан бир натимосим бор.

— Бажонидил.

— Агар малол келмаса, машинангизда мени ётоқхонамга элтиб кўйсангиз. Шу ахволда юриш уят.

— Тўғри айтасиз. Жуда уят. Қани, машинага марҳамат.

Новча милиционер, негадир, машинага чиқишимга ёрдамлашиб ҳам юборди. Сўнгра ўртоғи иккови икки ёшимга жинсрок ўтириб олишди.

— Қани ҳайда, — буйруқ берди пакана милиционер шофёрга.

— Қаёққа ҳайдай? — сўради шофёр.

— Рухий касаллар шифохонасига, — тушунтирди новча милиционер.

— Жиннихонагами?! — сапчиб ўрнимдан турмоқчи бўлган эдим, милиционерлар кучли кўллари билан пастга бошшди, худди михлаб кўйилгандек, ўрнимдан кўзгалолмай колдим.

— Ташвишланманг, ука, — меҳрибон, шу билан бирга юпатувчи оҳангда деди новча милиционер, — ўз уйингизга элтиб кўямиз. Хўш, уйлари қайси томонда?

— Милиционерлар ётоқхонасида тураман, — деб тушунтирмоқчи бўлдим.

— Яна бошланди... — Гапимни бўлиб деди пакана милиционер.

— Ишонмаяпсизлар-а? Очигини айтсам, мен ҳам милицияда хизмат қиламан. Старший сержант Хошимжон Рўзиев бўламан.

— Эхтимол полковникдирсиз? — кулиб деди пакана милиционер. Мен ҳам ҳазилга-ҳазил билан жавоб қайтардим:

— Чиндан ҳам яқинда полковник бўлмоқчиман.

Шундан сўнг жинни эмаслигимни исботлаш учун кўп ҳаракат қилдим. Бирга ишлайдиган милиция ходимлари, бошлиғим ўрток Отажоновнинг номини тилга олдим. Лекин, нима сабабдан кўчада битта тўрсиқда кетаётганлигимни айтмадим. Кўрқок деган ном олишдан ор қилдим.

— Бугун чиққанмидингиз? — яна ҳалигидек юмшоқ бир оҳангда сўради новчаси.

— Қасдан?

— Шу касалхонадан-да.

— Мен, кечирасиз, соппа-соғман деяман. Факат...

— Нима факат?

— Факат ўғриларга учраб колдим: хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, гапнинг очиги шу: улар мени ечиштириб кетишди.

— Қўркманг. Мен даволовчи врачингизга ётти билан тушунтираман. Ахир сиз безорилик қилганингиз йўк, тўполок кўтариб, бировларнинг ойнасини синдирганингиз йўк. Шунчаки шаҳарни айлангани, томоша қилгани чиққансиз. Шундай эмасми?

— Аслида шундай эди, шаҳарни айлангани чиқувдим.

— Ана энди ўзингизга келдингиз, ука.

— Лекин мен жинни эмасман.

— Мен ҳам сизни жинни деяётганим йўк. Соппа-соғсиз.

— Соғ бўлсам кўйворинглар, ахир!

— Бақирма! — жеркиб берди чап томонимда мудраб кетаётган пакана милиционер.

Иш расво бўлди. Ўзимга-ўзим қладим. Уйи куйган ёлғончининг ўзгинаси бўлиб колдим. Сиз ўкигансизми йўкми, лекин мен тўртинчи синфдагилигимда бир шеър ўкиган эдим.

Сўзлари эсимда йўғ-у, лекин мазмунини тахминан мана бундай. Бир одам кўни-кўшниларининг ўзига бўлган садоқатини синаб кўрмоқчи бўлиб, уйига ўт тушмаган бўлса ҳам, «ўт тушди, ёрдам беришлар», деб додлабди. Кўни-кўшнилар тўпланиб келишса, ўт йўқ. Нега додладинг, деб сўрашса, уй эгаси «хазиллашдим», дебди. Кўни-кўшнилар хафа бўлиб тарқалишибди. Эртасига халиги одамнинг уйига чиндан ҳам ўт тушибди. Томга чиқиб шу додлармиш, шу додлармиш, кани энди биров ёрдамга келса. «Яна алдаяпти бизни», деб ҳеч ким лоқал уйдан ҳам чиқмабди. Ёлғончининг уйи кўйиб кул бўлибди.

Мен ҳам ҳозир ўша ёлғончининг аҳволига тушиб қолдим. Ўзимни минг кўйга солмай, бари бир ишонимшмайди энди. Хошимжон Рўзиев — жинни тамом-вассалом! Бўлар иш бўлди. Хўш, яна бир-икки соат жинни бўлсак нима бўпти дедим-да, яна ҳар хил килликлар кўрсата бошладим. Мақсадим уларни гафлатда қолдириб, дарвоза олдида машинадан тушаётганда кўлларидан чиқиб кочиш.

— Ўйинга тушиб берайми? — деб сўрадим.

— Ие, хали ўйинга тушишни ҳам биласизми?

— Андижон полкасини кийиб юбораман.

— Ҳозирча кўя туринг. Кейин ўзимиз алоҳида келамиз.

Мана, уйингизга ҳам келиб қолдик.

Машина дарвоза олдида тўхтади. Дарвозанинг тепасига катта-катта ҳарфлар билан: «Шаҳар рухий касаллар шифохонаси» деб ёзиб, икки томонига лампочка осиб ёритиб ҳам қўйишибди. Дарвозанинг қанотлари овозсиз очилиб, машина ичкари кирди.

Новча милиционер анча маҳал йўқ бўлиб кетди. Ниҳоят, пастаккина уйдан оқ халат кийган бир аёл билан чиқиб келишди. Машинадан туширишаётганда:

— Вой оёғим! — деб кичкирдим.

— Нима бўлди?

— Босиб олдингиз? — нақана милиционер беихтиёр ерга энгашди. Бир силтаниб кўлидан чиқдим-у, ўзимни қоронғиликка урдим. Бир соат чамаси беркинмачоқ ўйнадик. Касалхонанинг ичи бир гектарча келадиган боғ экан, дарахтзор орасида роса қувлашдик. Учовларига-ку, тутқич бермасдим-а, аммо кўнчилик бўлиб кетишди-да. Яна иккита врач, иккита қоровул, бешта ўзимга ўхшаган жинни қўшилди. Айниқса, жинниларининг биғтаси — мен билан тенгқури худди този итдек чопоғон экан. Чопганда ҳам улоқни ёппа қилган чавапдоздек «Ҳе-хе-хее!» деб кийкириб чопади денг. Ана шунишдан ҳеч қутулолмай, охири кўлга тушдим. Икки кўлимни орқамга қайириб, қабулхонага олиб киришди. Тўрт

киши кўл-оёғимдан босиб турди. Катта синглим Ойша-хондек келадиган, икки бети таранг олмадек кип-кизил бир кизча юмшоқ жойимга укол қилганди, бутун вужудим жи-мирлашиб кетди-ю, тўсатдан ухлаб қолдим.

КАНОТЛИ ОДАМЛАР

Эртасига уйғондимми, индинисига уйғондимми, эхтимол бир хафтадан сўнг уйғонгандирман, бунисини аниқ айтол-майман-у, хар қалай, тонг палласида уйғондим, йиғи-сиғи, додвой, шовкин-сурондан уйғониб кетдим. Уйғондим-у, даст-лаб қаерда ётганимни билиб олиш мақсадида атрофимга назар ташладим: хонани худди тонг гира-ширасига ўхшаб кетадиган кўкимтир нур ёритиб турибди. Менки билан тўрт каравот бор, шерикларим ухлаб ётишибди. Бир киши хона ўртасида осмонга тикилганча котиб қолибди. Хонанинг деворларига чиройли суратлар солинган, биттасида денгиз сохили тасвирланган. Денгиз сувни тўлқинланиб қирғокка уряпти. Қирғок бўйида ям-яшил арчалар гуркираб ўсиб турибди, кўм-кўк осмонда қушлар чарх уриб учади... Бошка бир расмда икки тоғ орасидаги кенг водий тасвирланган, йўк, водий эмас, поёнсиз лолазор! Лолалар кийгос очилган, тоғ ортидан эндигина кўтарилиб келаётган қуёш лолаларга кизил нур тўкяпти, бутун водий алвон нур ичида, ял-ял ёнаётгандек. Ўн-ўн бир ёшлардаги бир кизча лола териб юрибди. Негадир шу пайта юрагимга шодлик, қувонч тўл-гандек бўлди. Ўша кизчага ўхшаб лолазор оралаб чопқил-лаб кетгим келиб қолди. «Бу ер ўзи жиннихонами ёки ку-рортми?» деган фикр ўтди бошимдан.

Халиги одам хона ўртасида ҳамон котиб турибди, назаримда хуррак ҳам отаётганга ўхшайди.

Ташқарида шовкин-сурон яна кучайди. Оппоқ чойшабга ўралиб ўша ёкка ошқидим. Катта чинор дарахти остида беш-олти киши чўзилиб ётибди, чинорнинг баланд-паст шох-ларида ҳам тўрт-беш киши — бирови кўйлагидан, бирови иштонидан осилиб қолган. Дўхтирлар хар томонга югурган, хамширалар шошган, кимдир чинорга нарвон тираяпти.

— Вой, сиз уйғондингизми? — деди оркамдан кимдир. Уғирлиб қарадим, — менга укол қилган хамшира киз кулиб турибди.

- Уйғондим, — дедим мен ҳам кулишга ҳаракат қилиб.
- Ўзингизни яхши сезяпсизми?
- Отдекман. Кўп ухладимми?
- Икки сутка, холос.

— Роса маза қилибман-да... Бу ерда нима бўляпти ўзи?

— Сўраманг, фожиа юз берди,— йнғламсираб деди киз.— Юринг, палатага кирамиз. Катта дўхтирлар кўрса икковимизни ҳам уришиб беришади.

— Йўқ, аввал билайлик, нима бўляпти ўзи?

— Ўзим ҳам билмайман ҳали, қани, юринг тезроқ.

Бу воқеанинг тафсилотини эртасига билдим. Мен ётган палатадан тўрт хона нарида ўн кишилик яна бир палата бор экан, режими бизникига қараганда қаттиқроқ экан. У ердаги кишиларнинг бир хиллари икки йил, бир хиллари уч йилдан буён шу ерда даволанишар экан. Охири қочиб кетмоқчи бўлишибди. Толиб ака деган одам қочиб режасини пухталаб тузиб чиқибди. Қанот чиқариб учиб кетамиз, тўппа-тўғри ойга бориб қўниб, у ерда магазин очиб, фақат тешиккулча билан савдо қиламиз, дебди. Ҳар ким ўзига оқ чойшабдан қанот, аёдан киркиб узун-қиска дум ясабди. Етти оладан Толиб ака тайёргарликни текшириб, осмонда ёруғ юлдуз кўриниши билан, уни мўлажалга олиб парвоз қиламиз, деб тайинлабди. Навбатчи врач ухлагач, шарпасиз дарахтга чиқиб, ёруғ юлдуз кўринишини пойлаб ўтиришибди. Ниҳоят юлдуз ҳам кўринибди.

— Парвоз! — деб қичқириб команда берибди Толиб ака.

Еттитааси шалонлаб ерга тушибди, учтааси дарахт шоҳига илиниб қолибди. Хайриятки, чинор ости, водопроводнинг суви тошиб, уч-тўрт кундан буён лой бўлиб ётган экан, ҳеч бири ўлмабди.

Ҳали шима дётган эдим, ҳа, ҳамшира палатага кириб деб кистади, дётган эдим, шекилли. Шундай қилиб, ҳамшира мени палатага қайтариб олиб кириб кетди. Хонага кираётганимизда қулонибга шичирлаб:

— Бу одам тикка туриб ухлайди,— деб қўйди.

— Нега? — дедим мени ҳам шивирлаб.

— Ётса оғзига илон кириб кетармиш... Қоринингиз ҳам очгандир?

— Очганда қандок.

— Менда оғзига натира бор, ейсизми?

— Агар бир иёла чой ҳам бўлса...— дедим тортишиброқ.

Қиз ҳозир деди-ю, чиқиб кетди. Хиёл ўтмай менига кийим-бош келтирди-да, «кийиниб, орқадан юринг», деб буюрди. Ҳамширалар хонасига ўгдик. Йон, бошбармоқдан сал каттароқ термосда чой келтирди. Битта кичикроқ иёлачадек келадиган апельсин билан иккита қуртлаб қолган шоколад ҳам узатди. Ўзим очкаб қолган эканман, кўз юмиб

очгунча берганларини тушириб бўлдим. Қиз нарирокда зимдан мени кузатиб ўтирарди. Мен бирпас гаплашмоқчи эдим, аммо у кўнмай, хали турадиган вақтингиз бўлгани йўқ, ўрингизга кириб ётинг, деб илтимос қилди.

Ўринимга кириб ётдим. Халиги одам ҳамон хайкалдек котиб турибди, оёғи толмадимикан? Бечорага жуда қийин экан, борди-ю, йиқилиб тушса унда нима бўлади?..

Ўхлаб қолибман. Тушимга аввал Зокир кирди. Хўкиз миниб мол боқиб юрган эмши. Хўкизнинг усти шунақанги кенг эмшики, мен бир чеккасига сартарошхона қурмоқчи эмшман. Кейин Миробиддинхўжани ҳам кўрдим. Бошига ўттиз челақ сув кетадиган хум кийиб олибди. Нега бундай қилдинг десам, болалар бошимга уравериб роса қийнаб юборишди, хум кийсам уришолмайди дейди. Ойишонимни ҳам кўрибман. У мени роса кутибди-да, охири, мен бора-вермагач, шу мен ётган касалхонага врач бўлиб ишга кирибди, сочларимни силармиш, оёқларимни укалармиш...

— Ойи, ойишоним! — деб бақриб юбордим.

Ўзимнинг овозимдан ўзим уйғониб кетдим. Йўқ, тушим эмас экан, ўнгим. Оёқ томонимда елкасига оқ халат ташлаб, бошига чучвара нусха халта кийиб олган, афт-ангори ойишонимга жуда, жуда ҳам ўхшаб кетадиган бир аёл ўтирибди.

— Ойишон! — дедим уни кучоқлаб олмақчи бўлиб талпиниб. Аёл сапчиб ўрнidan туриб кетди. Йўқ, ойим эмасга ўхшайди. Ойим бўлганда бунақа қилиб қочмаган бўларди.

— Уйғондингизми, янги меҳмон? — эшик олдида турганча кўрка-писа сўради аёл.

Мен анграйиб қолдим.

— Кириб ювининг, понушта махали бўлиб қолди, — деди яна аёл.

Кейин билсам бу аёл — менинг даволовчи врачим Фоти-ма Салоҳиддиновна экан, понуштадан сўнг кабинетига кирганимда билдим. Онам деб янглишмаган эканман, негаки онамдан ҳам меҳрибонроқ муомала қилди у. Бир соат чамаси гаплашиб ўтирдик. Бошига дўхтирларга ўхшаб касаллик варақасига бўлар-бўлмас нарсаларни ёзиб, савол устига савол ёғдириб, бошимни ҳам котириб ўтирмади. Қаерлик эканлигим, оиламизда қимлар борлиги, ойим билан дада-жоним қанақа касал билан оғриганлиги, кўпроқ нимадан кўрққаним, нимани яхши кўришим — тамом, вассалом. Охирида анализ учун кўрсаткич бармоғимдан уч томчи қон, озгина тупуқ олиб, миямни суратга туширди.

— Лекин, онажон, мени тезроқ чиқазиб юборинг. Кўриб турибсиз-ку, соппа-согман! — деб ёлвордим.

— Мен ҳам шу фикрдаман. Сизда ҳеч қандай касаллик йўқка ўхшайди,— кўнганини кўтарди Фотима Салоҳиддинова.— Бугун-эрта чиқариб юбораман.

Палатага қайтиб кириб, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ажойиб бир воқеанинг гувоҳи бўлдим — ҳамхоналарим концерт кўйишмоқда эди. Кечаси тикка туриб ухлайдиган амаки, асли чилдирмачи бўлганми дейман, бошидаги маргилон пуеха дўнисиини кўлига олиб, «Воҳай, бола»га уриб турибди. Эшик тагидаги каравотда ухлайдиган қари амаки кўллариини кисирлатиб, елкаларини учуриб, мукомлар қилиб ўйинга тушяпти. Бир кўзи сал кисирок, ўттизлар атрофидаги йигит алюмин қошиқ билан каравотнинг поясига уриб, бакириб ашула айтяпти:

Магазинчига киз берманг, воҳай бола!

Растрати бор экан, воҳай бола!

Очинини айтсам, уч-тўрт кундан буён дили сиёҳлик устига дили сиёҳлик бўлавериб, юрагим қон бўлиб кетган эди, беихтиёр ўйинга кўшилди кетдим. Полларни дўпиллатиб, ўйинини энди авжга чиқармоқчи бўлиб турган эдим, кечаси тикка туриб ухлайдиган амаки:

— Қоч, илон келди! — деб бакириб юборди-да, бир сакраб коридорга чиқиб кетди. Қари амаки каравотга ётиб, бошини аёл билан ўраб олди. Кўзи кисик йигит ўтирган ўрнида бир нуқтага тикилиб, худди сеҳрлангандек қотиб қолди. Шу кўйи ярим соатча ўтиргач, инҳоят менга юзланди:

— Отинг нима? — деб сўради.

— Ҳошимжон.

— Кўришинингдан касал эмасга ўхшайсан.

— Тўғри, касалим йўқ.

— Унда нега ётдинг?

— Янглишини олиб келишди.

— Олма сўсанми?

— Майли.

Йигит иккита олма олиб меннинг каравотимга ташлади-да, энгашиб қулогимга шивирлай бошлади:

— Сенга ишонсам бўладими?

— Бўлади.

— Соткичилик қилмайсанми?

— Йўқ.

— Қулоқ соя бўлмаса,— йигит гапимизни ҳеч ким эшитмаяптимикан дегандек, атрофга бир назар ташлаб олди,— Маана шу касалхонани меннинг отам қурган. Уйлардан бири-

нинг шипига, папернинг остига бир халта олтин беркитган. Улаётганда бу сирни менга айтиб кетган эди. Ана шу олтинни олиш учун ётибман бу ерда.

— Шу уйдалигини қаердан биласиз?

— Бошқаларини қараб кўрдим.

— Тошмадимми?

— Йўқ.

— Демак, шу уйда экан-да?

— Шу уйда.

— Олтинни топсангиз нима қиласиз?

— Сотқинлик қилмайсанми?

— Йўқ, дедим-ку.

— Икковимиз кочиб Афғонистонга ўтиб кетамиз.

— У ерда нима қиламиз?

— Енгил машина ишлаб чиқарадиган завод курамиз.

— Йўқ, мен боролмайман,— дедим узил-кесил қилиб.

— Борасан.

— Бормайман!

— Хали шунақами!!!

Йигит шартта ўридан туриб, ёкамга ёпишиб, маҳкам сика бошлади. Нафасим чикмай хириллаб қолдим. Жон аччиғида бир силқинган эдим, ёкам йиртилиб, бир парча латта йигитнинг қўлида қолди. Яна хезланиб келаётган эди, юрагини мўлжаллаб қалла урдим, шилқ этиб қаравотига йиқилди. Ётган жойида хонани бошига кўтариб кулиб юборди.

— Хавиллашган эдим, жинни.

— Ўзинг жинни экансан.

— Лекин, Хошим, мени сотмайсан-а.

— Сотмайман.

— Олтинни олишга ёрдамлашасанми?

— Ёрдамлашаман.

— Олма ейсанми?

— Олмаи бошингдан қолсин! — деб халатимни елкамга солдим-да, коридорга чиқиб кетдим.

Аммо сарик олтин жинниси ниятига етолмади. Кечкурун область милициясининг жиноят-қидирув бўлиmindан иккита хушбичимгина лейтенант келиб, уни кийинтириб, олиб чиқиб кетишди. Уни минутлардан сўнг эшик ёнидаги қаравотда ётадиган қари амаки ҳам мен билан қўл бериб хайрлашиб, жўнаб кетди.

Мен кечаси билан ўйлаб ўйимга етолмадим. Кўзи қисик йигитни милиционерлар нега олиб кетишди, нега анови амаки ҳам тўсатдан йўқ бўлиб қолди, шу ҳақда роса ўйладим-у, лекин, бари бир, жавоб топа олмадим. Бу савол-

ларга эртасига ҳамшира киз Фаридадан жавоб олдим. Фарида негадир менга уйларидан овқат олиб келибди.

— Ие, нега бундай қилдингиз? — деб сўрадим ўзимни жиндек ноқулай сезиб.

— Ўзим, шундай... — деди киз ерга қараб.

— Чучварани яхши кўришимни каёқдан биласиз?

— Вой, ростдан ҳам чучварани яхши кўрасизми?

— Жон-дилим чучвара. Ойим чучвара қиладиган куни эрталабдан ашула бошлайман.

— Меннинг дадам ҳам чучварани яхши кўрадилар.

— Бўлмаса қайнатам ҳам ўзимга ўхшар экан-да! — деб хонани бошимга кўтариб хўзур қилиб кулдим.

Фарида кулмай:

— Сиз шу ерликмисиз? — деб сўради.

— Йўқ. Фарғона томонданман.

— Бу ерда ўқийсизми?

— Милицияда ишлайман.

— Палатанглар ўзи милиционерлар палатаси бўлиб қопти.

— Нега ундай дейсиз?

— Анави эшикнинг ёнидаги каравотда ётадиган Ориф ака ҳам милиционер экан, — шундай деб Фарида менга ҳамма гапни айтиб берди.

Бир кўзи қисик йиғитнинг оти Олим бўлиб, ўзи машҳур жиноятчи, ашаддий товламачи экан. Уч бор қамалиб, ҳар гал қамокдан чиққанда меҳнат дафтарчасини янгилаб, худди қамалмагандек иш бошлайверар экан. Охири у райондаги каттакон вино заводига омбулчи бўлиб олибди-ю, шайкалари билан бирлашиб, вино дейсизми, спирту ароқлар дейсизми, ҳаммасини ташқарига пуллайверибди. Жуда уста бўлгани учун бетайинроқ бир врач билан тил топишиб, ўзини руҳий хаста сифатида унга кўрсатиб борибди. Касаллик тарихига, фалон йилдан буён шу касал билан оғрийди, деб қайд қилдириб қўйибди. Омборда ўғирланган ичимликнинг қиммати саксон минг сўмга етганда ҳалиги врачнинг ёрдами билан шу касалхонага жойлашибди. Бу пайрагдан милиция хабардор экан. Гилай чиндан ҳам руҳий касалга чалинган эмасми, у кимлар билан муомалада бўлади, шериклари қанақа одамлар ўзи, ана шуларни аниқлаш учун область милиция бошқармасининг ходими Ориф ака Асомов ҳам ўзини руҳий касал қилиб кўрсатиб, шу касалхонага жойлашибди ва олти ой давомида ҳалиги кўзи гилай жиноятчининг роса ўрганишибди, шерикларини аниқлабди. Бир кўзи гилайнинг олтин ҳақидаги гаплари шунчаки бир алдов экан.

— Бунн кимдан эшитдингиз? — шошилиб сўрадим Фаридадан.

— Фотима Салохиддиновна айтдилар, — шундай деб Фарида у ёк-бу ёғига караб олди. — Сизни ҳам шунақанги бир иш билан келганга ўхшайди деяптилар.

— Эхтимол... — деб кўйдим мен ҳам мужмалрок қилиб.

— Милицционерлар шунақанги продали бўлишар экан-а! Бечора Ориф ака жипинлиги тўғрисида шубҳа туғдирмаслик учун, мен отман, деб олти ой давомида хонама-хона тўрт оёқлаб чопиб юрдилар, баъзан кечалари кишнаб, ер тепиниб, ҳаммани уйготиб юборадилар... Сизнинг ҳам шунақанги продали бўлишингизни истардим.

— Бунинг учун ҳар кунн бир тоғора чучвара еб туриш керак! — деб хазиллашдим Фаридага. Лекин унинг жавобини эшитолмадим. Нега десангиз, худди шу пайтда палатага Фотима Салохиддиновна кириб келди, кўлида тугун. «Ўрток Рўзиев, кийиниб бош врачнинг хонасига кирар экансиз» деди-ю, яна оркасига қайтиб чикиб кетди у.

Шошилиб тугунни ечдим, кизик! Янги костюм-шим, янги кўйлак, янги туфли, янги ботинка, янги дўппи, янги майка, янги пайпоқ — ҳаммаси янги.

— Вой, Хошим ака, тинчликми? — ҳайрон бўлиб сўради Фарида.

— Сиз ҳам тез кийининг, ҳозир ЗАГСга борамиз, — дедим жўрттага ковогимни солиб.

— Ҳазилингиз курсин! — Фарида уялди шекилли, чопкиллаб ташқарига чикиб кетди.

Апил-тапил кийиниб, бош врачнинг кабинетига югурдим. Хойнахой ё ойм, ё бувижоним келган. Бечора бувижоним-эй! Мехрибон ойижоним, бекорга тушимга кирмаган экансиз, ҳозир бориб бағрингизга отиламан, юзингиздап, кўзларингиздан ўпаман, тўйиб-тўйиб хидлайман; хидингизни яхши кўраман!

Бош врачнинг хонасига кириб, тўсатдан ўти ўчган мотордек такка тўхтадим. Қайноқ бир хаяжон вужудимга ёйилди-ю, томирларим ловиллаб ёниб кетгандек бўлди. Юрагим уриб кетди, томогимга нимадир тикилиб, кўзимга ёш келди. Инглаб юбордим. Қаршимда кулочини кенг ёзиб, кулимсиратганча Салимжон ака Отажонов турарди!

— Йиғлама, тентак! — деди у мен томон юриб, — ке бир ачомлашайлик. Ў, баракалла! Энди Суръат аканг билан кўриш. У сендан кечирим сўрагани келди. Бориб айтмаганида, мен сени кочиб кетдига чиқариб юраверар эканман.

Ўзимга келиб карасам, бош врачнинг шундоқкини ёнгинасида илжайганча тулов кунги новча милицционер ўтириб-

ди. Кўришиб хол-аҳвол сўрашдик, биргалашиб кулишдик. Бир пиёладан иссиқ-иссиқ кўк чой ҳам ичдик.

Ниҳоят, Суръат ака ўрнидан турди:

— Кетдикми?

Юрагим шув этиб кетди:

— Қаёққа?!

— Европани забт этгани! — деди кулиб Суръат ака.

Мен ҳам ўримдан турдим:

— Йўқ, мен энди бормайман!

— Нега? — кулимсиради Суръат ака.

— Жиннихонани забт этганим ҳам етар!

Яна кулишдик.

МЕҲМОНГА БОРДИМ

Шундай қилиб, мана, ўзингиз ҳам кўриб турибсизки, ишларим яна юришди-кетди. Омадимни қарангки, Суръат ака виждонли ва мен таърифини ҳеч келтира олмайдиган даражада раҳмдил бир киши экан. Мени жиннихонага элтиб қўйгач, эҳтимол, чиндан ҳам ўғри талагандир, эҳтимол чиндан ҳам милиция хизматчисидир деб ўйлаб, роса уч кун ўзи билан ўзи мунозара қилибди. Ва, ниҳоят, бугун эрта-лаб менинг бошлигим ҳузурига кириб: «Шундай-шундай йигит сизда ишлайдимми», деб сўрабди.

— Ишлайди, — деган жавоб бўлибди.

— Ўзи соғмиди? — деб сўрабди яна.

— Соғликка-ю, соғ эди-я, тинчликми? — деган жавоб бўлибди яна. Э, борингки, ишим ўз-ўзидан ўнглиниб кетибди-да.

Осма кўприк олдига етганимизда Суръат ака, ўғлимни боғчадан олмоқчиман, деб машинадан тушиб қолди.

— Ўртоқ Рўзиев, яна бир марта узр сўрайман, — деди у кўлимни сиқиб хайрлашаркан.

— Мен эса сизга яна бир марта раҳмат айтаман, — деди Салимжон ака менинг ўримга жавоб қайтариб. — Сиз чинакам милиционер экансиз!

Салимжон ака билан анча маҳалгача жим кетдик. «Волга» машиналарни қувиб ўтиб, силлиқ йўлдан учиб бор-япти. «Ростдан ҳам ўғриларга учраб қолдингми?» — худди ўзи билан ўзи гаплашгандек оҳангда сўради бошлигим.

— Учраб қолдим.

— Ечин деса счинавердингми?

— Йўқ, аввал муштлашдим.

— Муштлашиб яхши иш қилибсан. Ҳақиқий милиционер осонликча таслим бўлмайди.

— Улар беш киши эди-да.

— Беш киши дедингми? — хушёр тортиб қайта сўради бошлигим. — Ораларида аёл киши ҳам бормиди?

— Ҳа аёлни қутқарамади деб шу балоларга қолдим-да.

— Шу ҳафта ичида сен билан икки кишини талашди. Улар ҳар қалай бизнинг шаҳардан эмас — гастролга келишганга ўхшайди... Ҳа, майли қўлга тушиб қолишар. Шофёр бола, тўппа-тўғри бизникига ҳайдайвер.

Салимжон ака бошқа гапирмади, ўриндиқнинг орқа суянигига бошини қўйиб, кўзларини юмиб олди. Ким билди, нималар ҳақида ўйлаб кетдикми? Халиги ўғрилари ушлаш режасини туза бошладими ёки мен билмаган бошқа нарсалар ҳусусида ўйлаётими, билиб бўлмасди.

Машина шўғал тўкилган торгина кўчага бурилиб, кўримсизгина, ранг ўчган қўқ дарвоза олдида силкиниб тўхтади. Бошлигим кўзини очиб, қани туш, деди менга. Сўнг шофёрга, ерталаб соат еттида келгин, яна ухлаб қолдим деб баҳона қилсанг талонингни тешиб бераман, деб ҳазил қилди.

Кўнгирак тугмасини галма-гал олиб узоқ босдик. Ниҳоят дарвозанинг бир табақаси очилиб, 45 ёшлардаги, ок лўппи юзли бир аёл кўринди. «Сигир соғиб ўтирувдим, эшитмабман», деди-да, салом бериб, кўришни учун елкамга икки қўлни барабар ташлади.

Ичкари кирдик. Саккиз сўтихча келадиган ҳовли, ҳовлида бир туп ҳам дарахт кўринмайди. Аммо икки минг десамку, лоф бўлиб кетар, ҳар қалай бир ярим минг туп келадиган ранг-баранг атиргуллар гуркираб ўсиб ётибди.

— Полковник ўртоқ Отажоповнинг қулбаи олий макоми шу бўлади, — деди Салимжон ака қулиб.

— Лекин, гулларни роса хиллабсиз!

— Юр, аввал ечиниб чиқайлик, гул ҳақида бафуржа гаплашамиз.

Шу пайт кўшни ховлидан ўртадаги кичкинагина эшикчаши шарақлатиб очиб, бир-бирини итаришиб, бир йўла беш бола югуриб чиқди. Каттаси, етти ёшлардаги малла соч бола олдида, энг кичиги, икки ёшлардаги, худди елим кўгирчокка ўхшаб кетадиган кизча орқада чопиб келарди. Полковник хаммаларини галма-гал ачомлаб, шоколад улашиб чиқди.

— Баҳром, сен нега келмаяпсан? — деб чақирди сўнгра.

Гулзорнинг орасидан ёш боланинг овози эшитилди.

— Менинг иштоним йўқ-ку.

— Сен ҳеч иштонга ёлчимадинг-да, — қулди Салимжон ака. — Аввалги қуни шим олиб берувдим-ку?

— Унингизни ҳўл қилиб қўйдим.

Салимжон ака унга ҳам битта шоколад бериб юборди.

— Қўшимизнинг болалари,— деб тушунтирди Салимжон ака менга.— Бечоранинг ўн битта боласи бор. Ўзи магазинчи, аммо жуда ҳалол, пок йигит! Бошқалар бирикки ёил магазинда ишласа, данғиллама участка қурган, машина олган, босар-тусарини билмай қолади. Бу бўлса, йигирма йилдан буён магазинда-ю, болаларига иштон олиб берамайди!

Полковник ўрток Отажоновнинг кулбаи олий макоми тўрт хонали уй ва бир ойнаванд равондан иборат. Ун метрча келадиган, трамвайнинг вагонига ўхшаш равоннинг кунга бетгай томонига ҳам ҳар хил тувакларда гуллар қўйилибди. «Гул жинниси экан» деб ўйладим ичимда. Лекин, менга ўхшаб болаларини ҳам яхши кўрар экан, деган фикр ҳам ўтди бошимдан. Бувижоним, болажон одамнинг юраги тоза бўлади, шунанга кишини учратсанг этагидан маҳкам ушла, дер эди. «Этагидан маҳкам ушлайман», деб ўйладим яна.

Салимжон ака ичкаридан ола-була шалвор кийиб, худди Африка ўрмонларида яшайдиган зебра киёфасига кириб чиқди-ю:

— Бошлигим нега мени уйга олиб келди, деб ўйлаётгандирсан? — деб сўради.

— Тўғри, худди шундай деб ўйлаб турувдим,— дедим шошилиб.

— Ёлғиз тураман. Сўкка бошман. Уй олгунигча мен билан тура тур. Сенга ўхшаган ўғлим, жуда меҳрибон хотиним бор эди... Юр, уларни сенга кўрсатаман.

Ичкари уйда, ялтироқ стол-стуллар, ялтироқ шкафлар, ранг-баранг вазалар қўйилган хонада икки сурат ёнмаён осилган турарди.

— Келишнинг,— деди Салимжон ака овози қалтираб,— кара, худди ўлмагандек! Нега кечга қолдингиз, қорингиз ҳам очгандир, деб сўраётгандек. Буниши ўғлим — Каримжон! Хозир камокда.

Бошлигимнинг кўзларида милтиллаб ёш томчилари кўринди, овози бўғилиб гапиролмай қолди. Шошилиб ташқарига юрди. Мен ҳам орқасидан эргашдим.

Токқайчи билан гулларнинг энг чиройли очилганларидан қиркиб катталиги нон кутчадек келадиган дастали саватини тўлдирди-ю, нидамасдан кўчага чиқиб кетди. Ҳалиги оқ лўппи юзани аёл катта қора патинида ҳар хил қанд, таңдирдан янгигина узилган нон, буги кўтарилиб турган чой олиб чиқиб, равонга қўйди-да:

— Ичиб ўтиринг, тортинманг. Салимжон акам қаб-ристонга кетдилар чоғимда. Ораси яқин... Бечорага жуда жабр бўлди-да, ҳар куни боради...— деб яна изига қайтди.

Хотини нега ўлди? Хўш, у-ку қариб қолган бўлса, ўз ажали билан ўлгандир, ўғли-чи, нега қамалди экан? Тавба, милиция полковнигининг ўғли ҳам қамаладими? Бутун ша-ҳарда уни танимайдиган милиционер йўқ, ҳамма уни устоз деб қақиради. Ҳаммалари бирлашиб, ўглини қамокдан чи-қариб юборишса бўлмайдими?.. Ўглини қамоган одам мени ҳам қамаш ҳеч гап эмас-ку! Анави ошхонанинг бахти қаро директори ёзган шикоят тасдиқланиб қолган бўлса-я.

— Хошимжон, зеркиб қолмадингми? — деган овоз эши-тилди ҳовлидан. Салимжон ака қайтиб келибди, ҳалиги гамгинлигидан асар йўқ, юз-кўзи чарақлаб қулиб турибди. Йўл-йўлакай магазинга ҳам кириб чиққанга ўхшайди — са-ват тўла майда-чуйда.

— Палов қилишни биласанми?

— Биламан.

— Ечини бўлмаса. Бир қўлбола ош дамлайлик.

Икковлашиб ошга уйнаб кетдик. Зирвакни пиширгач, бошлиғим, тарелкада озгина гўштдан олиб кел, деб буюрди. Ўзи ҳалиги саватчадан битта қоньяк чиқарди.

— Ичасанми?

— Йўқ, оғзимга ҳам олган эмасман.

— Яхши киласан, оғзингга олма бу захарни! Мен ҳам элик ёшимгача оғзимга олмадим. Кейин танитали қушлар-да дилхушлик учун унча-мунча татиб кўрадиган бўлдим... Хўп майли, ўлим бўлмасин! Бай-бай-бай, бунча бадхўр-а, бу! Шуни пулга олиб ичамиз-а... Раҳматли келиннингнинг менга қилган яхшиликларидан биттаси шу бўлдики, мени ичкиликдан саклади. Мана энди, мени етимча қилиб ташлаб кетди. Гўринг тўла нур бўлгур, ажойиб аёл эди!.. Ке, тагин бир ичай, буниси сен учун, милицияда ушиб-ўсишинг, пол-ковник бўлишинг учун ичаман.

— Келиннинг вафот этганларига анча бўлдими?

— Бир йилча бўлди, ўғлим.

— Қарим акам нега қамалдилар?

Айтаман, ҳаммасини айтаман. Айтсам дардим енгил-лашади. Об-бў, Хошимжон-эй, нечага кирдинг?

— Ўн саккизга.

— Қарим йигирмага кирди ҳозир. Ўзимга ўхшаган паҳ-лавон, забардаст йигит бўлувди. Елкалари кенг, кўкраги ирғиб чиққан, хишча бел... бор, қозоннинг ўтини тортиб қўй. Барақалла! Ичасанми?

— Йўқ.

— Ичма бу захарни! Мен ҳам, хали айтдим-ку, эллик ёшимгача якнига йўламадим... Каримни ўзим қамадим. Келинойинг уни деб ўлиб кетди. Демак, у бечоранинг ўлимига ҳам мен сабабчи бўлдим. Фарнштадек бсозор аёл эди-я! Табнатимдаги юмшоқлик, раҳмдиллик ўшандан юккан. Каттиққўллим, назаримда отамдан юкканга ўхшайди... Бечора, ёш кетди! У мени одам қилувди, бузилнишдан, адолатсиз бўлишдан сақлаб, ўттиз йил тарбиялади. Мен энди одам бўлдим деганимда у мени ташлаб кетди... Майли, сенга гапириб бераман, ҳаммасини гапириб бераман. Гапирсам енгил тортаман.

ПОЛКОВНИК ЎЗ ЎГЛИНИ НЕГА ҚАМАДИ?

— У пайтларда тоғли районда яшардик, тергов бўлимида ишлардик. Район марказидаги пилла қабул қиладиган бир пунктда катта жиноятлар бўлаётганини сезиб қолдик. Уни фош қилишни менга топширишди, сездирмасдан иш олиб бориш керак эди. Кўп овора бўлдим. Ниҳоят, бир кун жиноятчиларнинг изига ҳам тушдим. Шаҳардаги шойин тўқийдиган кичкина артеллар билан алоқалари бор экан. Артеллар, ўз навбатида, магазинлар билан муомалада бўлиб, яширича тўқилган атласларни ўша магазинларга чиқариб пуллашар экан. Ўнгирмага яқин одам қамалиши керак эди. Мен милиция хизматига кирганимдан буён бунақанги катта жиноятни очишга ҳеч қўл урмаган эдим, палҳом билан жуда берилиб ишлардик. Бир кун почтадан хат келиб қолди. «Салим, бизни тинч қўй, бўлмаса авлодинг билан қириб юборамиз. Ахир, ҳаммамизни қамай олмайсан-ку!» деб ёзилибди унда. Бошлигимиз Макаров деган чол эди, уни Макар бува деб чакирардик... Қозоннинг ўтини ўчириб қўйганмисан?

— Ўчириб қўйганман.

— Хатни Макар бувага кўрсатдим. Ўқиб, кўзларини юмганча, бармоқлари билан столини чертиб, узоқ мулоҳаза қилди:

— Кўрқяпсанми? — деди ниҳоят кўзини очиб.

— Кўрқяпман,— дедим очик иқроф бўлиб.

— Кўрқма, сен билан мени бутун халқ, қудратли ҳукумат химоя қилиб турибди,— деб Макар бува қўнглимни тинчитган бўлди.

Ўша кечаси шаҳар милициясидан ёрдам чакириб, жиноятчиларининг ҳаммасини қўлга олдик. Энди мени ишим асосан тугаган эди. Терговни область милициясига ўтказдик. Келинойинг ўша пайтларда ҳам ҳамшира бўлиб ишлар,

уйимиз медпунктининг шундоқкина биқинида эди. Иккита кизимиз бор эди. Бирн учда, иккинчиси — бешда, бирам чиройли, бирам дўмбок эдики, тилларининг бийроқлигини айтмайсанми! Илга борма, кун бўйи гаплашиб ўтирсам дердим.

Хуфтон маҳалида бегона бир одам хаккалаб уйга кириб келибди, афт-башараси, тиззалари қон-қора қон эмиш.

— Сиз ҳамширамисиз? — сўрабди у энтикиб.

— Ҳамшираман, — дебди келинонинг.

— Тез бўлинг, булок бошида машина авария бўлди, ҳаммаёқ қон, одамлар ўляпти.

— Вой, тўхтаинг! Қизларимни кўшимникига олиб кириб кўяй! — дебди бечора келинонинг. Бегона одам: «Оёғим синганга ўхшайди, юролмаيمان. Сиз келгунча уйни пойлаб тураман, кейин менга ҳам дори-дармон қиласиз», дебди. Келинонинг кўп оқ кўнгил аёл эди, лакка тушибди! Бечорага ўша пайтда лиггина велосипед олиб берган эдим. Ўшани миниб булок бошига жўнаб кетибди. Ҳалиги ёвуз қизчаларимни уйга киритиб, устидан кулфлаб, керосин куйиб, ўт кўйиб қочибди... Ўша кунни мен навбатчи эдим. Қимдир менга телефон қилиб, «канака одамсиз, уйингизга ўт кўйишди-ю, ялғизиб ўтиришингизни қаранг-а», деди. Машинамиз йўқ эди. Отга миниб учиб бордим.

Қишлоққа етгунча йўл анҳор ёқалаб боради, ўнг томон кир, ўривор. Бир маҳал остимдаги от муникиб кетди-ю, нимагадир осилиб қолдим. Чилвир! Мени йиқитиш учун йўлни чилвир билан тўсишган экан. Хали ўзимга келмасимдан туриб, одамлар устимга ёпирилиб, бошимга ҳўл чакмон ёпишди. Айни етилган пайтим, ўзимниям ҳўкиздеқ кучим бор эди. Бошимдагини олиб ташлаш учун кўп ҳаракат қилдим, бўлмади! Қўл-оёғимни чилвир билан боғлаб ташлашди. Чуқурга яргитишганини, устимдан шалдираб сув туша бошлаганини ҳам эс-эс биламан... Қизик, ўзим ўлиб борявман-у, бечора қизларим ўт нчида қолмадикини, она-сига нима бўладийкин, деб ташвишланаман... Кейин ўзимдан кетиб қолибман.

Бир маҳал кўзимни очсам, тевамда энтикиб, ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамасидаги бир бола турибди.

— Ўзингизга келдингизми? — деди у шивираб.

— Кимсан? — деб сўрадим.

— Ўрингиздан тура оласизми? — деди бола яна. Турмоқчи бўлган эдим, гандирақлаб юзим билан ерга йиқилдим. Йиқилдим-у, қизик, негадир дарров ўрнимдан туриб кетдим.

Ўрикзор оралаб қишлоқ томонга югурдик. Бола кўшни қишлоқдан, Одилжон муаллимнинг ўғли экан, тегирмонга юк ташлаб қайтаётган экан. Мен унинг олдидан от чоптириб ўтибман. Мен дарров таниб, от уриб кетмасин деб ўзини четга олибди. Икки юз метрча нарида мен тўсатдан йиқилибман, бориб ёрдамлашмоқчи бўлган экан, одамлар мени ҳар томондан қуршаб, қўл-оёғимни боғлашаётганини кўриб, кўрқиб ўзини четга олибди. Чуқурга ташлашганини, устимга сув очиб юборишганини ҳам кўриб турибди. Кейин халиги одамлар отга миниб, ўрикзор оралаб тоққа қараб кетишибди. Бола бир амаллаб мени чуқурдан чиқариб, ёнидаги пичоқ билан чилвирин қирқиб, юрагимга кулоқ солса, тирик эмшман. Оёғимдан судраб ўрикзорга олиб ўтибди.

— Ўша бола ҳозир ҳаётми? — деб гапни бўлдим.

— Ҳаёт. Ҳозир қишлоқ Советининг раиси.— Шундай деб, хикоясини яна давом эттирди Салимжон ака.— Дарахтзор оралаб уйга етиб борсак, атрофга одам дегани сизмай кетибди... Бечора кизчаларим бутунлай куйиб кетибди... Келиннинг... кўшимизнинг уйида беҳуш ётарди... Эрталабгача сочим оппоқ оқариб кетди.

— Уйга ўт қўйган одамни топдингларми?

— Афсуски, топилмади.

— Йўлтўсарларин-чи? Уларни ҳам топишолмадимми?

— У пайтда милиция ҳозиргидек кучли эмасди.

— Кейин-чи, кейин нима бўлди?

— Кейинми, кейин келиннинг касал бўлиб ётиб қолди. Уни даволатаман деб шаҳарга келдим-у, ўзим ҳам шу ерда қолиб кетдим. Милициядан кетмоқчи бўлувдим, раҳматли келиннинг кўнмади. Ички душманлар билан олишсин ўрнига улардан кўрқиб, ишни ташлаб кетини йиғитнинг иши эмас, деди бечора. Жиноятчиларни фош қилиб, бевақт ўлиб кетган кизчаларимизнинг руҳини шод қиласиз деб туриб олди... Шунинг учун ҳам мен жиноятчиларга нисбатан шафқатсизман, қаттиққўлман! Мендан зириллашларининг босин ҳам мана шунда. Мени бераҳм дейишади, ёлгон! Юрагим раҳм-шафқат билан лиммо-лим тўла!.. Аммо жиноятчини кўрганимда, у отам бўлса ҳам, аямайман, зарур бўлса ўғлимни ҳам қамайман!

Салимжон ака қатта мушти билан столга бир урди-ю, ўрнидан туриб кетди. Водопроводга шланга улаб, гулзорга сув очди, ўчоқ бошига бориб, кезонга ўт ёқди.

— Тур, гуручин юв! -- деди негадир менга зарда билан.

Феълан айшаб қолганини кўриб, хикоянинг давомини сўрагани ботина олмадим.

Салимжон ака ошни дамлаб, кайтиб ўрнига ўтирди-да, ярим бўлган бутилкани кўлига олиб, негадир, чайкатиб кўрди.

— Қолганини ичиб қўйганим маъқулми ёки энди бас қилайми? — деб сўради мендан.

— Энди ичмай кўя қолинг.

— Ҳар кун ичадиган одатим йўқ, — деб бошлигим ичимликнинг қолганини стаканга қулқуллашиб қуя бошлади. — Баъзан бир ойда, баъзан икки ойда кўнгил кургур мана шунақа тортиб қолади. Ичсам йиғлайман, йиғласам, кўнглим бўшайди. Лекин, ҳамманинг олдида ҳам кўз ёши тўкиб бўлмайди. Чайковчининг олдида йиғлаб кўр-чи, эшак қилиб елканга миниб олади. Сен ўғлимни эслатиб юбординг. У ҳам сенга ўхшаб сал ёлгончирок эди. Қўлидан келмайдиган ишни буюрсанг ҳам «хўп бўлади» деяверарди. Ош қилишни билмас экансан-у, кийиб юбораман дейсан. Назаримда, гуруччи ҳам ювмасдан солдинг.

— Челақда сув тугаб қолган экан, — деб ўзимни окламокчи бўлдим.

— Ҳа, майли, лекин оккўнгил бола экансан... Ҳикоямиз нимага келиб тўхтаган эди? Ҳа, шаҳарга кўчиб келдик деяётгандим, шекилли... Халққа, ҳукуматга содиқ ўғил бўлишга ҳаракат қилдим. Область милиция бўлимида аввал терговчи, кейин бўлим бошлиғи бўлиб ишладим. Бошқармага бошлиқ этиб тайинламокчи бўлиб турншган эди, кимдир устимдан тўхмат ёзиб қолса бўладими. Ҳақ жойида қарор топгунча бир йилча фурсат ўтиб кетди, ўғлим.

Бу орада Қаримжон туғилиб, онаси икковимизга овунчоқ бўлиб қолди. Яққа ўғил эмасми, уни шунақанги эъзозлаб, шунақанги папалаб катта қилдикки, охири бола расво бўлди. Инжик, сирқаси сув кўтармайдиган, ишёқмас, хали айтганимдек, жиндек ёлгончирок бўлиб ўсди. Шундай бўлса ҳам уни онаси икковимиз еру кўкка ишонмас эдик, ҳадеб эркалатардик. Саккизинчи синфни тугатгач, ўқишни бутунлай ташлаб юборди. Уч йилча саланглаб бекор юрди. Шу бекор юрган пайтларида бола тамом бўлган экан, спорт тўғарагига қатнашиб боксни ўрганяпман деб, бизни лақиллатиб юрган экан.

Бир кун эрталаб турсам, ётоқхонамдаги ёзув столнинг тортмаси очилиб қолди. Бу ерда меъиниғ шахсий тўппончам сақланар эди, уни менга марҳум министримиш ўша пилла пунктидаги жиноятчи очган йилим мукофот сифатида тақдим этган эди. Қалит менда-ку, тортмани ким очди экан, деб ўйладим. Лекин тўппонча ўрнида-ю, битта ўк етиш-

майдн. Юрагим уриб кетди. Ховлиқиб Каримнинг хонасига кирдим.

Ухлаб ётибди. Шимига кўзим тушди! Почасига лой ёпишган, лой хали қуримаган. Демак, у яқинда қайтибди. Тўппончани шу олган! Ўқни кимга отди экан?!

Ютиниб, орқамга қайтдим. Нонушта маҳалида ўзимни ҳеч нарса билмаганга солиб ўтирдим. Қарим, негадир нонушта қилмади, мазам бўлмаяпти деб ётоқхонасига кириб яна ётиб олди... Ишхонада тилла магазини қоровулнинг магазинининг ёнида эмас, Эгарчи маҳалласида, жарликка тушаверишда отиб кетишганини эшитдим. Кечга томон қоровул тўппонча ўқидан ўлганлиги ҳам маълум бўлиб қолди. Бутун шаҳар милицияси қотилни ахтаришга тушди.

Кечкурун Каримни ётоқхонамга чакириб, тортмамдан тўппончани олдим-у, олдига ташладим.

— Ма, қолган ўқ билан аввал мени, сўнгра онагни ҳам от!

Карим бошини эгиб олди.

— Яхшиямки, қоровул ўлмабди,— дедим секин гап олиш учун. Карим ялт этиб менга қаради. Кўзида таърифга сизмас бир дахшат бор эди.

— Қоровул сени таниб қолибди...— дедим яна.

— Мен отганим йўқ! — кичкириб юборди Карим.

— Ким отди?

— Толиб!

— Нега отди?

— Чўнтагида йиғирмата олтин танга бор эди.

— Олдиларингми?

— Олишди.

— Қани олтилар?

— Толибда.

— Тўппонча нега унинг қўлига тушиб қолди?

— Карта ўйновдик. Агар ютқизсам бир кечага сизнинг тўппончангизни ўғирлаб олиб бориб беришим керак эди.

— Ютсанг-чи!

— Менга транзисторини берарди.

— Ҳозирча бу ҳақда онамга ҳеч нарса дема!

— Яхши!

Кечаси билан ухлаёлмай, илон чакқан кишидек тўлганиб чикдим. Онасининг юраги касал, эшитса, чидай олмай бир гап бўлиб қолиши мумкин. Бу сирни беркитиб юбориш ҳам мумкин эмас, виждошим йўл кўймайди бунга... Эҳтимол қотилни топишга олмас, ахир ундан ҳеч бир нишона қолмаган-ку? Сирни ошқор қилсам, Карим қамалади. Унинг аламига

чидаётмай онаси бечора хам... фарзанд доғини энди кўтаролмайди у.

Эрталаб вокзани онасига айтдим. Бечора жим ўтириб тинглади-ю, оқариб кетди. Дори ичирдим, ўзига келиб:

— Кўпга камашмайдими? — деб шивирлади...

Яна икки кун азобда ўтди. Охири бўлмади, виждон кўймади, ўғлим!

Каримни стаклаб, министримиэнинг хузурига чиқдим.

Озод Азимович хам худди сенга ўхшаб менинг кўлимда тарбия топган, раҳматли келиноининг хам яхши биларди. Олдига ишдан бўшатишларини сўраб ёзган аризамни, тўп-пончамни кўйдим, бўлган вокзани оғзаки сўзлаб бердим.

— Жуда хунук иш бўпти! — деди Озод Азимович бошини чайқаб. — Ҳозирча Карим очикда юра турсин. Лекин сиз ишдан кетмайсиз.

— Кетаман, энди ишлай олмайман.

— Ишдан кетиш-кетмаслигингизни сиз эмас, министрлик хал қилади.

— Йўқ, мен виждоним буюрганни қиламан! — Шундай деб хайрлашмасдан хам чиқиб кетдим, узок ўтиришга юзим чидамади.

Лекин, Каримни судгача камашмади, миэстрининг буйруғи шундай бўлган экан. Бечора ўғлим остона ҳатлаб кўчага чиқмай, уч ой бемор онасининг ёнида ўтирди. Бирор марта бўлса хам бетимга қарай олмади шўрлик. Қилган ишга минг бор пушаймон бўлган эди у. Аммо жазоланиши керак эди! Хар қандай жиноят қайси асосда юз беришидан қатъи назар, жиноятчи жазоланиши керак! Эшитясанми, жазоланиши шарт!

Суд белгиланган кун келиноининг аҳволи анча оғир эди, боролмади. Ўзим бордим, беш йил беришди. Қайтиб келсам, бечора келиноининг, менинг маслаҳатчим, хамдардим, ётган ўрнида ўлиб қолибди!.. Хайрлашолмай қолдим, эшитясанми, Ҳошимжон, қирк йиллик кадрдонимнинг охири сўзини эшитолмай қолдим-а!

— Кўйинг, йиғламавнг! — деб, негадир ўзим хам йиглаб юбордим.

— Кўй, ўғлим, бир йиглаб олай, тўйиб-тўйиб йигласам ёзиламан. Ешанкдаги қуч-гайратим яна қайтгандек бўлади. Эртага яна чайковчи, товламачи, юлғучлар билан жангга киришиб кетаверамаи, хақиқат учун курашаверамаи. Хақиқатни биласанми, ўғлим?

— Биламан.

— Билсанг, хақиқат битта бўлади. Аммо уни чайковчи ўзинча тушунади. Юлғуч хам биронинг чўнтагини мўлжалга

олиб туради-ю, ammo мен ҳакман, ҳақиқат мен томонда деб ўйлайди. Қўлга тушиб қолса, милиция билан тиккама-тикка олишадди! Биз ҳақиқатнинг юзига доғ туширувчиларга қарши уришамиз, тўғрими?

— Тўғри.

— Озгина кўйиб берайми?

— Мен ичмайман.

— Баракалла, ичма! Қел, ўғлим, бир ачомлашайлик. Хидинг ҳам, тавба қилдим-эй, худди Каримнинг хидига ўхшайди! Карим келгунча мен билан бирга турасан, энди сен ҳам ўғлимсан. Икковнингги бир кунда уйлантираман, уйла-насанми?

— Бувижонимдан сўрашим керак!

Салимжон акам кулиб ўридан турди-да, ошини сузиш учун ўчоқ бошига қараб кетди.

ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ 197-МОДДАСИ

Юрагим гаши, кўнгил ташвишида. Бугун-эрта қамаб кўйишлари ҳам мумкин. Ахир, ўртоқ Ортиқовнинг айтишича, баъзан тўхмат билан қамалиб кетганлар ҳам бўлган-ку! Полковник ўз ўғлини қамаган, керак бўлса отамни ҳам қамайман деяпти. Эҳтимол, мени чуқурроқ ўрганиш учун ўз уйига олиб боргандир? Менга кўрсатилган меҳрибончиликларнинг ҳаммаси ясама бўлса-я?!

Комиссия уч кундан буён роса текшир-текшир қилляпти. Ўша бахти қаро директору, ошпаз Турсунову, бақалок буфетчигача роса сўроқ қилишди, ўша-ўша гап — ўртоқ Рўзиев пул сўради, бердик, тамом-вассалом!

Бугун комиссиянинг икки аъзоси келмади, қарап, иккови ҳам грини бўлиб қолибди. Полковник бўғилиб, гарчи кабинетининг бўйи билан эни қанча эканлиги ўзига аввалдан маълум бўлса ҳам, оёғини метр қилиб, яна ўлчашига тушиб кетди. Назаримда эллик мартача ўлчаб чиқдиёв! Ниҳоят, бу машғулот жонига тегиб кетди шекилли, юришдан тўхтаб:

— Қани кетдик! — деди шошилиб.

— Қайёққа?

— Ошхонага борамиз. Кўнглимга бир гап келиб қолди, — деди бошлигим кўтаринки бир кайфиятда. — Умуман сен, мен қандай иш олиб борганимни кўрганинг яхши. Бу сенга бир мактаб бўлади. Керак бўлса, мен кўйдек ювош бўламан, керак бўлса, тулкидек айёр бўламан, шаронт тақозо қилса, шердек ҳамла қиламан... Ораларида биттаси сал оккўнгилроқ... Ўшандан иш чиқиши мумкин.

Ошхонага соат ўн бирларда етиб бордик. Негадир хў-

рандалар жуда оз. Озгини кассир иш йўқлигидан бўлса керек, каламтарош билан тирноғини тозалаб ўтирибди. Директорнинг хонасига ўтдик, йўқ экан. Буфетчи орқали ошпаз Ҳроз Хайдаровни чакиртирдик. Ҳроз худди Зокирга ўхшаб ок лўппи юзли, кўй кўзлари доим кулиб турадиган, йиғирма икки-йиғирма уч ёшлардаги йиғит бўлиб, киши билан гаплашганда уйнинг шифтига караб турар экан.

— Хўш, Ҳрозбой, хали ҳам кечаги гапингда турибсанми? — сўради полковник.

— Мен ҳақиқатни айтдим, — деди Ҳроз.

— Кўзларинг эса «ёлғон!» деб турибди.

— Ёлғон бўлса текшириб кўринг.

— Шундай қилиб, юз сўм берганмисан?

— Ха.

— Маошинг қанча?

— Саксон сўм.

— Маошинг саксон сўм бўлса, юз сўм чўнтагингга қаёқдан келиб қолди.

— Мен уни йиғиб юрувдим.

— Бирор нарса олмоқчимидинг?

— Телевизор олмоқчи эдик.

— Анчадан буён йиғаетганмидинг?

— Уч ойдан буён.

— Ўша порага берган юз сўминг қанақа пуллар эди, уч сўмликми, беш сўмликми, ё ўн сўмликмиди?

— Қанақа дейсизми?

— Ха, қанақа пуллар эди деяпман.

— Қанақалиги... ҳозир эсимда йўқ.

— Уч ой ёнингда сақлайсан-у, қанақа пуллар эканлигини билмайсанми? Ҳрозбой, кўриб турибманки, ҳалол, ростгўй йиғитсан, ёлғон гапириб ўрганмагансан. Шунинг учун ҳам кўзингни олиб қочяпсан. Кўзларинг эса, ҳамма гапни айтиб турибди. Қани, кўзингни олиб қочмай тур-чи, ҳа, баракалла!

— Болаларинг борми?

— Фотима-Зухра кизларим бор.

— Ота-онанг ҳаётми?

— Ха.

— Қамалсанг, шуларга жабр бўлади! Очиқ иқроп бўлсанг, камқдан сақлаиб қолишинг мумкин. Шерикларингдан биттаси ҳамма гапни ёзиб берди. Ма, ўкиб кўр. Фақат имзосини мен беркитиб тураман, сир сақлашга ваъда берганман.

Ошпаз хатин бир эмас, икки марта ўқиб чиқди. Ўқиб чиқди-ю, бу гал кўзини шифтга эмас, ерга қадаб:

— Билиб қолса, директор мени тириклайин кўмади!— деб пичирлади.

— Сен директорни эмас, қизларингни, хотинингни, қари ота-онангини ўйла!

— Сир сақлашга сўз берасизми?

— Сўз бераман.

— Ошхонадан эсон-омон бўшаб кетишимга ёрдамлашасизми?

— Ердამлашаман.

— Менга қоғоз беринг бўлмаса.

Ўрозвой икки йилдан буён ошхонада юз бериб келаётган барча кирдикорларини, менга қиллинган тухматни, директор нима деб тайинлаганигача — ҳамма-ҳаммасини батафсил ёзиб берди. Чиқиб кетгач, мен бошлигимдан:

— Унинг шериги чиндан ҳам бирор нарса ёзиб берганимиди? — деб сўрадим.

— Йўқ, бу қалбаки хат эди, ўзим ёзувдим, — кулиб деди Салимжон ака. — Сенга ҳали айтдим-ку, шу бола кўнглимга сал маъқул тушиб қолди деб... Сўроқ бошлаш олдидан аввал одамнинг психологиясини ўрганиш керак. Буфетчи бўлса, тажрибали, уни алдаб бўлмайди. Унга темир қопкон тайёрлаб келдим. Бошқасига илинмайди у.

Бақалок буфетчи икки кўлин кўксига қўйиб, хиёл эгилиб, одоб-назокат билан кириб келди. Қирди-ю, кўллари кўксига қўйганича, ўтирмай тик тураверди. Хона унча иссиқ бўлмаса ҳам, аввал бурни ва пешанасида, сўнгра семиз, сергўшт юзида тер кўришиб, бора-бора худди ҳаммомга тушгандек шишиллаб кетди. У гоҳ менга қараб қўяди, гоҳ бошини кўтармай, ҳамон бир нарсаларни ёзиб ўтирган полковникнинг елкасига салом беради.

— Ўтиринг! — буюрди полковник.

— Раҳмат. Мен ҳурматли бошлиқлар ҳузурида тик туришга ўрганганман.

— Исмингиз?

— Кеча айтувдим-ку, ҳурматли бошлиққа зарур бўлса, яна айтишим мумкин.

— Исмингиз деяпман?!

Буфетчи бир сакраб тушди:

— Зокир Зарипов, худди шундай.

— Гражданин Зарипов, сиз камоққа олиндингиз!

Буфетчи бир чайкалиб кетди. Уч минут чамаси оғзи очилганча, кошларини кериб, анграйиб турди. Сўнгра «камоққа» деб пичирлади ўзига-ўзи. Унинг бугунлай довдираб

колганини кўриб, полковник ўз хужумини яна ҳам шиддат-лироқ давом эттирди. Кеча мен Салимжон акани жуда дилбар, раҳмдил бир кнёфада кўргандим. Хозир у шундай бир важохат ва ваҳшат билан боқардики, ишонсангиз, бу боқишлардан ўзим ҳам довдираб қолаётгандек бўлдим.

— Кечирадилар, — деди ниҳоят буфетчи тилга кириб, — камалишимнинг сабабини билсам бўладими?

— Шу йилнинг 22 мартда шаҳар савдо инспекцияси буфетингиздан ўн тўрт бутилка қалбаки коньяк топган, шундайми? — метиндек оғир бир оҳангда сўради полковник.

— Йўк, йўк, бир англашилмовчилик бўлган эди!

— Мана акти! — Салимжон ака актни узатмоқчи бўлувди, буфетчи яна довдираб қолди шекилли, негадир, оркасига тисарилиб, елкасини деворга уриб олди.

— Ха, айтгандай, шундай бўлувди, лекин чора кўришган. Хайфсан олганман.

— Сиз Ўзбекистон жиноят кодексининг бир юзу тўқсон еттинчи моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилишингиз керак.

— Лекин, мен ҳалол меҳнатим билан ўз айбимни ювганман.

— Ўнинчи февраль куни дўжиначилар томонидан текширув ўтказилганда, бир харидорин бир сўм йиғирма икки тийинга алдагансиз.

— Йўк, йўк, ўрток полковник, мен янглишиб кетганман. Ўша куни касал эдим, иситмам бор эди!

— Мана, ўзингиз қўл қўйган акт.

— Лекин, мен ўртоклик судида узр сўраганман, хайфсан беришган.

— Сиз Ўзбекистон жиноят кодексининг бир юзу етмиш еттинчи моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилишингиз керак. Гражданин Зарипов, сиз камокка олиндингиз!

Бакалок буфетчи назаримда, шу пайтда жуда, жуда ҳам илгичка тортиб кетгандек бўлди. Дадасидан кўрққан ёш боладек бурчакка тикилиб, тиззалари дағ-дағ қалтирай бошлади. Халиги тер босган сергўшт юзи энди совуқ урган помидордек гезариб кетди. «Ке-ке-ке...» деди-ю, тили тутилиб, яна жим бўлди. Ингламсираганча, худди ёрдам кутгандек бир менга, бир деразага қараб кўзларини мўлтиратиб тураверди. Ниҳоят, костюми ичида йўк бўлиб кетган бўйинини сал чўзиб:

— Кечирасиз, бир нарса сўрасам майлими? — деб сўради.

— Сўранг! — жеркиб бергандек бўлди полковник.

— Шу актларни қаердан олганлигингизни билсам бўладимми?

— Кеча кечкурун директорнингиз Одил Аббосов олиб бориб берди.

— Номард!

— Гап тамом. Буфетни қулфланг! — шундай деб, Салим-жон ака ўрнидан туриб, стол устидаги қоғозларини йиғиштириб, портфелига жойлай бошлади.

— Тўхтаг! Бир нарса айтмоқчиман! — шошилиб деди буфетчи.

— Кераги йўқ. Кеча ҳамма гапни айтгансиз,— эшикка томон юра бошлади менинг бошлигим.

— Йўқ, йўқ, кеча мен сизни ва бутун комиссия аъзоларини алдаган эдим, ёлгон сўзлагандим. У мени сотганда, мен қараб тураманми? Мен ўрток Рўзиевга тухмат уюштирилганидан хабардорман. Одил эмас, каззоб, муттаҳам у, учига чиққан порахўр у. Шаҳар савдо инспекциясига ҳам, дружиначиларга ҳам тухмат қилган. Бечоралар текширгани келгани безиллашади...

Э, ха, ҳамма гап бу ёқда экан-ку, деб ўйладим.

Бақалок буфетчининг айтишича, бахти каро директор учига чиққан тухматчи, учига чиққан порахўр экан. Шаҳарнинг икки мавзенида иккита дангилама участкаси, бировнинг номига олинган қора «Волга»си бор экан. Ҳар куни бош ошпазлардан эллик сўмдан, шу кўксига муштлаб сўзлаётган буфетчидан 60 сўм олар экан. Сўралган пулни бермаса ошпазларни кечаси олиб қолиб, перашка пиширтириб, вокзалга олиб чиқиб соттираркан. Район ошхоналар трестининг бошлиғи бахти каро директордан шунаканги қўрқар эканки, бошқа ошхоналарга директор тайинланаётганда шу билан маслаҳатлашар экан.

Бахти каро директордан буфетчи ҳам қўрқар экан, ўғриликка ўргатган ҳам, қалбаки коньяк тайёрлашга мажбур қилган ҳам шу ебтўймас директор бўпти. Агар буфетчи унинг кўлидан эсон-омон чиқиб кетса, аввал электромонтёр бўлган экан, яна ўз касбига жон-жон деб қайтишга тайёр экан...

— Болаларнинг борми? — тўсатдан гапни бўлди полковник.

— Олтита қизим бор, ўрток бошлиқ.

— Хотининг ишлайдими?

— Ишламайди, ўрток бошлиқ. Касал, нафаси қисади.

— Айтган гапларингни ёзиб бера оласанми?

— Ёзиб бераман. У номард мени сотибди: энди мен ҳам очиб ташлайман ҳаммасини! Қўлингиздаги актларни бости-

бости киламан, деб мендан пул олган. Хотинимни курортга жўнатаман, деб бир амаллаб путёвка топувдим, номард, дружиначиларга берамиз, деб ўшани ҳам олиб кўйдим. Мен... мен...

— Пиглама! — деди Салимжон ака ҳамон аввалги ваҳшатидан тушмай.

— Пўк, мен...

Буфетчи Салимжон аканинг ўрнига ўтириб, тушунтириш хати ёза бошлади. Аввал кўллари калтираб, ишни юришмади, ёзганининг устидан ўчираверди. Кейин бир стакан сув ичиб олгач, калтироғи босилиб, равон ёза кетди. Ниҳоят, ўрнидан туриб:

— Ўрток бошлик, агар, рухсат берсангиз, кизларим билан хайрлашиб келсам,— деб илтимос қилди.

— Хозирча сени очикда қолдираман,— деб Салимжон ака чиқиб кетиш учун унга рухсат берди.

— Ростдан камамайсиэми?

— Фақат ҳалол ишлагани, қаллоблик қилмагани.

— Ҳалол ишлайман, қаллоблик қилмайман!

— Лекин, ўртамизда бўлган бу гапларни директорингга айтма.

— Айтмайман, пешанамга тўппонча қадашса ҳам айтмайман.

Бақалок буфетчи оёғи ечиб юборилган паррандадек сакраб-сакраб чиқиб кетди. Салимжон акадан ўша актларни чиндан ҳам директор элтиб берганидди, деб сўраган эдим, у кулиб: «Сен директорни ўзингга ўхшаган лакма деб ўйла-япсан шекилли», деб мени андак койиб ҳам берди. Актларни у шаҳар савдо инспекцияси билан милиция идорасидан олган экан, буфетчидан гап олиш учун атайлаб, директоринг айтиб берди, деган гапларни айтган экан.

Директордан ҳамон дарак йўқ. Ошпазлардан бири кириб, у киши келмас эканлар, грипп билан оғриб қолибдилар, деб чиқиб кетди. Иккинчи ошпаз Карим Турсунов тунги сменада ишларкан, уни кутмай бугунги ишни тугатиб кўя қолдик.

Кўнглим бир оз таскин топгандек бўлди. Хайрият, ҳақ жойида қарор топадиган бўлди, бу галвадан ҳам эсон-омон кутулиб кетадиган бўлдим, деб ўйладим. Бошлигимга, сизга мингдан-минг раҳмат, сизга, милицияга ўла-ўлгунча содик бўламан, дедим.

— Раҳмат дейишингга ҳали эрта,— деди Салимжон ака ўйга толиб.

— Нега энди, ҳаммаси беш кўлдек аён бўлди-ку?

— Одил Аббосов қари тулки, уни осонликча кўлга тушириб бўлсан. Сен билан мен тўплаган фактларини, бир ҳамла билан йўққа чиқариб қўйиши мумкин! Биламан, у бугун касал эмас, уйда ҳам ётгани йўқ. Шаҳар прокуратурасида огайиши бор, ўша билан маслаҳат қилгани кетган. Қани энди сеҳргар бўлсаму, кўзга кўринмайдиган бўлиб олиб, овоз ёзадиган апаратимни кўлтиқлаб уларнинг хузурига кириб, ҳамма гапларини оқизмай-томизмай ёзиб олсам... Афсуски, сеҳргарлик қўлимдан келмайди-да. Аммо бу сариқ шайтонлар билан охиригача олиниши қўлимдан келади! Нима дединг, Хошимжон, олишамизми?

Мен индамадим. Негаки, шу пайтда сеҳрли қалпоқчам ҳақида ўйлардим. Борди-ю, Салимжон акамга очигини айтсам-чи... Йўқ, яхшиен, айтмасдан бориб олиб келаман. Бу ғалвалар тинчисин, уч-тўрт кунга жавоб оламану, бориб албатта олиб келаман. Ана ундан сўнг сариқ шайтонлару, сариқ девларнинг таъзирини бераверамиз.

— Қорин қалай? — сўради бошлигим.

— Жуда оч!

— Юр, бир кабобхўрлик қилайлик.

ПОЛКОВНИКНИНГ УН БИР НАБИРАСИ

Эртасига Салимжон акам ҳам грипп билан оғриб қолди. Магазинчининг хотини — ўн бир болаининг онаси Лутфи хола унга қараб турадиган, мен идорага бориб, ёзув-чизув ишлари билан машғул бўладиган бўлдим.

Кечкурун қайтсам, қўшимизининг Ботир, Бобур, Собир, Баҳодир, Баҳром, Бахтиёр, Севар, Саври исмли болалари менинг устозимни ҳар томондан ўраб, чуғурчикдек чуғурлашиб бошини қотиришяпти.

— Амаки, оёғингизни укалаб қўйсам менга рогатка олиб берайсизми? — дейди иштонсиз юрадиган Баҳром.

— Олиб бераман, — дейди Салимжон акам ҳам кўзини очмай.

— Амаки, бўлаканинг юмшоқ жойидан чайнаб, қафтимда думалатиб, қурт ясаб берайми? — дейди тўрт ёшли Бахтиёр.

— Майли, ясаб бер, — деган жавоб қайтарди унга ҳам.

— Амаки, пешанангизга латта ҳўллаб босайми? — деб сўрайди Баҳодир.

— Ҳозир босдинг-ку?

— Тагин босгим келяпти-да.

— Ҳа, майли, боссанг-боса қол.

Саккиз ёшли Севар билан тўккиз ёшли Саври енгларини шимаришиб олиб, ҳаммаёқларини хўл қилиб, пишиллашиб пол ювишяпти. Ботир ховлига шланкада сув сепиш билан машғул.

Сувни ховлига сепаётими, бошидан қуаяётими, билиб бўлмайди, нега десангиз, худди сувга тушган мушукдек ҳаммаёғи шалаббо.

— Амаки, менга шима олиб берасиз? — деб сўрайди Саври.

— Сочингга лента олиб бераман.

— Менга-чи? — эркаланади Севар.

— Сен кимсан ўзинг?

— Мен Севарман-ку.

— Э, анови дадаси магазиндан сотиб олган қизми?

— Йўқ, мени ойим тўккан.

— Ха, майли, сенга елим қўғирчок олиб бераман.

Салимжон ака шу ётишда касалга эмас, кишлоғимиздаги боғчанинг энагасига ўхшарди, катта-кичик болалар чуғурлашиб, у ёқ-бу ёғидан тортқилашиб, унга ҳеч тинчлик беришмасди. Аччигим чиқиб: «Қани, уйларингга жўнаб қолигаар,— деб уришдим уларни,— бўлмаса грипп юкиб қолади». «Биз грипп бўлиб ўтганмиз, энди юкмайди», деб чуғурлашди болалар. Кўлимга супурги олиб, худди урмоқчи бўлгандек ўдагайлаб ҳаммаларини хайдаб солмоқчи бўлудим, Салимжон акам: «Кўй, хайдама, ўзим чакиртириб чикдим, шуларни кўрсам касалим енгиллашади», деб кўнмади. Ҳамшира уқол қилгани келган эди, унга кўзимни қисиб: «Аввал болаларга шина тикаркансиз, Салимжон акам айтиптилар», дедим.

Болалар шаталоқ отиб қочиб қолишди, ховли сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Иккита чинни косада мастава кўтариб, магазинчи Неъмат ака чикди.

— Тузукмисиз? — деди у Салимжон аканинг оёқ томони-га ўтираётиб.

— Иситмам тушди шекилли, ўзингнинг ишларинг қалай?

— Бугун яна муштлашиб кетишимга оз қолди.

— Бўлар-бўлмасга муштлашаверар экансан-да.

— Бўлар-бўлмасга эмас. Хошимжон, бор, иккита қошиқ олиб чиқкин... Салимжон ака, шу маставани ичинг, терлайсиз. Тўхтаг, мана бу дорини аввал ичиб юборинг, буям терлатади шекилли, менам шундан тузалдим... Бўлар-бўлмасга муштлашма дейсиз. Шу баттоллар билан муштлашмай бўларканми. Эрталаб юз коп ун келиб қолди. Экспедитор урни туширмай, коפיга бир сўмдан берасан, деб туриб олди. Бир тийин ҳам бермайман десам, бўлмаса бир

кол ҳам уни ололмайсан, деди. Оламан дедим, ололмайсан деди. Оз колди мушглашиб кетишимизга.

— Унни ташлаб кетдим, ахир? — гижиниб сўради полковник.

— Бермади. Сизга юз марта айтдим, шуларнинг попугини бир силаб қўйинг деб.

— Улгурмаялмиз-да.

Салимжон акам маставани қайноқ-қайноқ ичиб, ўралиб ётиб олди. Магазинчи бўшаган косаларни олиб чиқиб кетди. Мен бўлсам бошлиғим ҳақида ўйлай бошладим. Бечорага жуда қийин, ҳатто касал ётганида ҳам порахўрлар ҳақида шикоят қилишиб, тинчлик беришмайди. Жиноятчилар бўлса, кучайгандан-кучайиб боряпти. Уч кунда ўн тўртта шикоят тушди, ҳали биттасига ҳам қўл урганимиз йўқ. Бирини тугатсанг, иккинчисини чиқади. Қим билади, ҳозир анови бахти каро директор мени жавобгарликка тортиш учун қапака тадбирлар кўраётган экан. Ишқилиб, Салимжон акам тезроқ тузалсинлар-да, бўлмаса, улар мени нақ асфаласофилнинг жўнатишлари ҳеч гап эмас.

Салимжон акамнинг эски, шалоги чиққан, узоқдан қарсангиз ўрмалаб кетаётган қўнғизга ўхшаб кўринадиган «Москвич»и бор экан. Райсобеснинг шофёри икковимиз уч кун унлаб, уни оёққа тургаздик. Шанба кунни эди. Салимжон акам касалдан бутунлай соғайиб, яна аввалгидек қувлоқ, аввалгидек ҳазилкаш бўлиб колди. Неъмат акамнинг болаларини циркка олиб борадиган бўлди.

— Узимиз бораверсак бўлмайдимиз? — деб сўрадим. Салимжон акам, сен нимани тушунасан, дегандек бир оҳанг-да қулиб қўйди.

— Дадасига ачинмайсанми? — деб сўради охирида.

— Нега ачинар эканман, соппа-соғ-ку!

— Соғлиқкаю соғ-а, лекин унга жуда қийин. Уни битта болани катта қиламан деб, ҳар кун икки сменада ишлайди бечора,— шошмасдан тушунтира бошлади бошлиғим. Уларни сен билан мен ўйнатмасак, стадионга бориб, бутилка йигишади, безориларга қўшилиб кетишади. Қарим акамга ўхшаб, расво бўлади... Ундан кейин, ҳали сенга айтдимку, шу болалар билан бирга бўлсам, ўзим ҳам яйрайман. Қаримнинг қамалганини, келиннингнинг вафот этганини бир оз бўлса ҳам унутаман... Неъмат акам яхши одам... Раҳматли келиннинг ҳам бу чуғурчиқларни жон-дилидан яхши кўради. Ҳаммасини ўзи туғдирган, киндигини ҳам ўзи кесган. Раҳматли, хўп ажойиб аёл эди. Сен болаларнинг сочинини олиб тур.

— Сиз-чи?

— Магазинга бораман. Болаларга қўйлак олиб бермоқчиман. Бу пулларни сақлаб, қабристонга олиб кетармидим? Тўғрими, ўртоқ сержаит?

— Тўғри айтасиз, ўртоқ полковник. Иложи бўлса менга ҳам битта қўйлак олиб беринг,— деб қўйдим.

Болалар менинг сартарош эканлигимни билишмас экан. Аввалига бошимизни кесиб оласиз деб, кўнишмади. Мен ким сочини олдирмаса Салимжон акам циркка олиб бормас экан, деган эдим, кизик томошадан маҳрум бўлишдан кўркишди шекилли, олдин мен олдираман, олдин меникини оласиз, деб навбат талашиб қолишди.

— Амаки, сиз милицияда сартарош бўлиб ишлайсизми? — деб сўради Ботир.

— Тўғри, сартарош бўлиб ишлайман.

— Амаки, сиз соч бўяшни ҳам биласизми? — деб сўради Бобур.

— Биламан.

— Менинг сочимни қорага бўяб беринг.

— Нега энди қорага бўяр эканман?

— Ҳаммаси мени маллавоё деб чақиради.

— Сени ким маллавоё деса, ўткир устара бор, ўша билан шартта қулоғини кесиб ташлайман.

— Иккала қулоғини ҳам кесасизми?

— Икковини ҳам кесаман.

Бу гапдан Бобур жуда хурсанд бўлиб кетди шекилли, ишлатилмаганидан занглаб, тишлари ўтмаслашиб қолган машина қайчи сочларини юлиб олса ҳам, бўйинини ичига торганча, жим ўтираверди.

Бир соат ўтар-ўтмас чугурчиқларнинг бошини тарашлаб ташладим. Бу орада Салимжон акам ҳам оладиганини олиб қайтиб келди. Янги қўйлақларни кўриб, болалар шунақанги севиниб кетишдики, бу чексиз қувончларни мен ҳеч таърифлай олмасам керак. Ҳамиша иштонсиз юрадиган Баҳром ўзига аталган янги шимни қўлтиғига қисганича ирғишлай бошлади. «Нега киймайсан?» десам: «Керак бўлганда тугмасини ечолмасам, шимини ҳўл килиб қўяман», деб циркка иштонсиз жўнаш пайдидан бўлди.

Йўлга чиқдик. Мен рулда, полковник олдинги ўриндикда, чуғурчиқлардан еттитасини орқа ўринга ўтказиб, битта сал каттароғини багажникка ётқиздик; багажникда у ўтган йили икки марта лола сайлига ҳам бориб келган экан. Йўлга чиқишимиз билан мен негадир жуда, жуда ҳам хурсанд бўлиб кетдим. Бутун шаҳар милиционерлари устоз деб ҳурмат қиладиган эътиборли бир одам билан мана шундай ёнма-ён ўтириб, томошага кетаётганимданми ёки

ўзим ҳам билмаган бошка бирор сабабданми, ҳар қалай ўзимда йўқ хурсанд, қалбим гурур, ифтихор ҳислари билан лиммо-лим тўлган эди.

— Болалар, ашула айтишни биласизларми? — деб сўрадим орқамга ўгирилиб.

— Йўқ, шеър ўқишни биламиз, — дейишди чугурчиқлар.

— Қани бошланглар бўлмаса!

— Ўқинг аъло.

Бўлинг доно,—

Деган бизга,

Леши бобо,—

дея бир-бирига гал бермай шеър ўқиб юборишди болалар. Машина йўлнинг қок ўртасида пат-пат қилиб тутун чиқарди-ю, такка тўхтаб қолди. Стартёрни шунча боссам ҳам ўт олмади. Бензини келмаяптимикан деб, карбюраторни қараган эдим — ҳаммаси жойида. Эҳтимол, ток узилгандир, деб бабинани пайнасладим — ток ҳам бор.

Салимжон ака ҳам тушиб, машинанинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечирган бўлди-ю, «ҳаммаси жойида-ку» дея елкасини қисиб кўйдди.

— Аккумулятор кучсизлашибди, итариш керак, — деб таклиф қилдим. Маслаҳатим полковникка ҳам маъқул бўлди. Болалар тушиб худди ширали бир нарсага ёпишган пашшадек ҳар томондан машинага ёпирилишиб, уни чоптириб кетишди. Беш метр, ўн метр... Мана, икки юз метрча юриб кўйдик ҳамки, қани эди зорманда ўт олса! Бошлигим болаларни олиб йўловчи машинада циркка жўнайдиган, мен машинани тузатиб, орқаларидан етиб борадиган бўлдим.

Яна кўп унлаб кўрдим. Ўткинчи машиналарнинг менга қараганда хийла тажрибалироқ шофёрлари ҳам бир иш чиқаришолмай, «бу шалоқ аравани темир-терсаклар дўконига топшириб, ўринга ов милтиғи олса яхши бўларди...» деб маслаҳат бериб, ўтиб кетишаверди. Охири кўмир ташийдиган аравага судратиб, уйга қайтиб кетдим. Гулларга сув куйган бўлдим, чўлтоқ супурги билан ховлини супуриб чиқдим. Лутфи холам бир лаган мошқични олиб чиққан эди, уни пок-покиза тушириб олгач, кайфиятим яна ўз-ўзидан кўтарилиб кетди. Ўзи мен доим шунақаман, бирор нарсадан хафа бўлиб турганимда тўйиб овқатланиб олсам, хафагарчилигим таркайди-кетди. Хуштак чалиб, хонани айланишга тушдим. Бирор нарса ўқиш ишятида жавонини очган эдим, Салимжон акамнинг ёзувларига кўзим тушиб қолди. Бировнинг хатини ўқиш аслида одобдан эмаску-я... лекин мен бегона эмас, Салимжон акамнинг тутинган ўгли-

ман-ку, нега энди ўз дадамнинг ёзганларини ўқишга ҳақ-қим бўлмас экан!

Бошлигим ёш милиционерлар учун китоб ёзаётганини эшитган эдим. Бу ёзувлар ўша китобнинг қўлёмаси экан. Тозароқ ёзилган бир жойини топиб ўқий бошладим:

«Сен милицияга ишга келдингми, демак халққа, ҳукуматга хизмат қилишга бел боғлабсан.

Энди, мулоҳазанг чуқур, ўзинг совуққон бўл. Мехрли, шафқатли, қалби қайнок бўл. Соф бўл, эгри қўл бўлма! Сен, ҳукумат номидан гапирасан, энди шунга лойиқ бўл. Одамларга ишон, одамлардан ёрдам кут.

Адашганлар кўп, ёрдам қўлингни тут.

Мақсаднинг камаш эмас, камокдан олиб қолиш.

Одамларга баҳо беришга шошма, баҳо бердингми, сўзингдан қайтма.

Сенинг обрўйинг — милициянинг обрўйи. Милициянинг обрўйи — ҳукуматнинг обрўйи. Обрўйингга эҳтиёт бўл.

Ўзинг тартибли бўлмасанг, ўзгадан тартиб кутма.

Қаттиққўллик қилу, одил бўл. Шунда хурматли бўласан».

Биласиз-ку, кўн ўқисам уйқум келадиган одатим бор, қўлёманинг у ёғини ўқий олмадим. Фақат бу менга бағишлаб ёзилганга ўхшайди, деб пичирлашга улгурдим, холос. Пешанамни қўлёмаларга қўйганимча донг қотиб ухлаб қолдим.

БАХТИ ҚАРО ДИРЕКТОР ЯНА ҲУЖУМГА УТДИ

Жанг қизиб кетди. Бир томонда бахти қаро директор бошлиқ тўхматчилар енгларини шимариб, тиним билмай ишлаб туришибди. Бир томонда полковник ўртоқ Отажонов бошлиқ адолат комиссияси иш кўряпти. Адолат комиссияси ўртоқ Рўзиевга, яъни менга тўхмат қилган ошхона директори ва унинг қора қилмишлари хусусида икки папка ҳеч рад қилиб бўлмайдиган ҳужжат йиғди. Меҳнатқашлар томонидан юқори идораларга ёзилган йиғирма бир шикоятнинг асл нусхаси сўраб олинди, ошхонадаги қаллобликни қайд қилувчи шаҳар савдо инспекцияси, милиция ва халқ контролидан олинган актлар, бир ошпаз, бакалоқ буфетчининг тилхати ва яна мен беҳабар бўлган канчадан-қанча актлару, фактлар жамуаҷам қилиниб, папкаларга жойланди.

Буларнинг ҳаммасини рад қилиш учун бахти қаро директор ҳам бир папка материал тўплаб, куйидаги даъволарни ўртага ташлади.

Биринчидан, милиция бўлими каттик туриб ҳимоя қилаётган сержант Рўзиев аслида рухий касал, яқинда беш сутка жиннихонада ётиб чиқди. (Справкага қаралсин.)

Иккинчидан, адолат комиссиясига бошчилик қилаётган полковник Отажоновнинг ўзи ҳам пок эмас, ўгли ашаддий жиноятчи бўлган. Қамокхонада ётибди. (Справкага қаралсин.)

Учинчидан, порахўр сержант Рўзиев полковникнинг туғишган жияни бўлади. Уни ўз уйига олиб бориб олган. (Маҳалла комиссияси берган справкага қаралсин.)

Тўртинчидан, полковник ўрток Отажонов комиссия аъзоларининг касал бўлиб қолганидан фойдаланиб, ошхонага бориб, ўз хизматиши ҳалоллик билан ўтаб турган буфетчи Зокир Зариповнинг пешанасига тўпюнча кадаб: «Ўрток Рўзиевга тухмат қилган эдим, директор ёмон одам, тухматни ўша уюштирди...» деб ёзиб берасан, бўлмаса отиб ташлайман, деб дўк урган. (Буфетчи Зокировнинг райисполком раиси муовини номига ёзган шикоятини нлова қиламиз.)

Хуллас, ана шундай даъволардан яна еттитаси келтирилиб, охирида, биз бу адолат комиссиясига энди ишонмаймиз, бошқа, чинакам адолатли комиссия тузилишини сўраймиз, деб ёзишибди.

Мана бугун адолат комиссияси ўзининг энг охирига мажлисига тўпланди. Яна бир неча соатдан сўнг мулла Ҳошимнинг иши ё у ёқли, ё бу ёқли бўлади. Бу ёқли бўлса, нур устига нур, яна ўйнаб-қулиб, шерикларини ҳам қулдириб, милицияда шинини давом эттираверади. Борди-ю, у ёқли бўлса-чи, тамом. Мехрибон бувижон камокхонага совғасалом ташийвериб, оёқдан қолди деяверинг.

Салимжон ака бугун ҳар кунгидек қувноқ эмас, ғамгин ўтирибди. Кўзлари ўйчан, серташвиш боқади. Афтидан, бакалок буфетчининг иккиюзламачилиги уни ўйлантириб қўйганга ўхшайди. Адолат комиссиясининг иккинчи аъзоси капитан Каромат Ҳошимова аввал қандай бўлса бугун ҳам шундай, ковоғидан чакиллаб захар томиб турибди. Уни жуда каттикқўл дейишади, ўзи милиция бўлимидаги жаминки коммунистларнинг бошлиғи. Шунча вақт ишлаб бир марта ҳам қулганини кўрган эмасман. Ишга янги келган маҳалимда унга «келинойн» деб мурожаат қилиб, нақ балога қолганман.

Адолат комиссиясининг учинчи аъзоси Жамол Қорабоев худди кечаси яхши ухламаган кишидек мудраб, ахён-ахёнда эснаб қўяпти. Унинг галкин одати бор — ҳеч қачон, ҳеч кимга эътироз билдирмас экан. Салимжон акам бирор фикрни ўртага ташласа:

— Тўғри, ажойиб фикр,— деб қўяди у.

Капитан Хошимова Салимжон акамга эътироз билдириб, бошқа фикрни баён қилса:

— Тўғри, буниси ҳам ажойиб фикр,— деб қўяди Қорабоев. Гоҳо менинг бошлигим бўғилиб:

— Сизда тайинли бир фикр борми ўзи? — деб сўрайди.

Жамол Қорабоев беозоргина кулиб:

— Адолатга озор етмасин дейман,— дейди.

Шундай қилиб, уювлари жамулжам бўлиб ўтиришибди. Капитан Хошимова бахти қаро директорнинг напқасини узок варақлади, ниҳоят бошини кўтариб:

— Етиб қолгунча отиб қол, қабилда иш тўтишяпти. Хўш, Салимжон ака, энди нима қилдик? — деб сўради.

— Менимча, буфетчини чақирин керак.

— Тўғри,— деди Хошимова. Сўнг Қорабоевга мурожаат қилди.— Сиз қандай фикрдасиз?

— Мен ҳам чақирин тарафдориман,— деб сенинггина эснаб қўйди Қорабоев.

Бакалок буфетчини телефонда чақиринган эди, қанот боғлаб учиб келдими, ўн беш минутдан сўнг остонада ҳозир бўлиб, икки қўли кўксига эгилиб салом берди.

— Сен нега ўз фикрингдан қайтдинг? — сўради полковник.— Менга директорнинг кирдикорларини ёзиб берган эдинг-ку. Мана бу хат сениким?

— Меники, ҳурматли бошлиқ.

— Нега фикрингдан қайтдинг?

— Сиз ўша кунни мени кўрқитдингиз.

— Нима деб кўрқитдим?

— Отаман дедингиз.

— Мен умуман тўппонча такмайман-ку?

— Ўша кунни қўлингизда ўқланган тўппонча бор эди.

Полковник қалтираб кетди. Хаяжонланса оқ оралаган қалин қошлари паст-баланд бўлиб, бир кўзи хиёл қисилиб, бошқаси олайиб кетарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Салимжон ака бошини кескин кўтариб:

— Қани, менинг кўзимга тўғри қара-чи, баракалла! Ана шундай туриб жавоб берасан. Ўша кунни менинг қўлимда тўппонча бормиди? — деди.

— Бор эди! — бақрайиб туриб деди буфетчи.

— Қанақа тўппонча эди? Кўзингни олиб қочма, қанақа тўппонча эди, деяпман?

— Қанақалиги... эсимда йўқ.

— Ранги оқмиди, сарикмиди?

— Эсимда йўқ.

— Эхтимол оқдир?

— Ҳа, оқ эди, шекилли.

— Елгон! Мен доим сариқ тўппонча такаман.

— Ҳа, ҳа, сариқ эди!

— Елгон! Ҳамма тўппончаларнинг ранги қора бўлади!

— Ко-ко, ко-ко... — буфетчи Салимжон аканинг юзига қараганча даг-даг қалтираб, худди тухум қилншга кетаётган она товукка ўхшаб, «ко-ко»лай бошлади. Унга сув ичирмоқчи бўлишган эди, тишлари стакани тараклатиб, сувни тўкиб юборди. Ўтказиб қўйишувди, қалтироғи босилиш ўрнига баттар қучайиб кетди, столларни ҳам қисирлата бошлади. Ниҳоят, ўзига келиб:

— Мени отмоқчи бўлиб кўрқитгансиз, бошка ғаним йўк, — деди-да, шартта ўрнидан туриб, худди биров орқасидан қувлаётгандек, югуриб чиқиб кетди. Ўтирганлар шарақлаб кулиб юборишди.

— Бечорага жуда кийини! — деди капитан Хошимова чиндан ҳам раҳми келиб. — У ёққа борса, бошлиғи қўймайди, бу ёқда сизнинг кўзингиздан кўрқадим... Лекин Салимжон ака, хафа бўлманг-ку, кўзингизда аллақандай бир куч бор. Очигини айтсам, астойдил тикилиб қарасангиз, мен ҳам кўрқиб кетаман.

— Мен ҳам кўрқаман, — деб яна эснадди Қорабосв.

— Бу кўзларимда яхшилар учун шафқат, ёмонлар учун дахшат бор, — кулиб қўйди полковник. — Астойдил тикилсам, иродаси бўшироқ одамни ухлатиб қўяман... Лекин буфетчи бошлаб қочиб қолди... Бари бир ҳақиқатни айтишга мажбур қиламан уни.

Маслаҳатлашиб, ошпаз Ўрозни ҳам чақирадиган бўлишди. Ўроз кабинетга кирини билан дарров уйнинг шифтига қараб, ўша ердан кўзини узмай:

— Сиз борган кунни кечаси директорнинг уйида ҳаммамиз тўпландик. Мен ўртоқ полковникка ҳеч нарса ёзиб берганим йўк, дедим.

— Директорнинг уйида яна кимлар бор эди? — шошилиб сўради Хошимова.

— Иккита бегона одам ҳам бор эди.

— Сиз уларни танимайсизми?

— Йўк. Ҳар қалай обрўли кишилар бўлса керак. Яхши кийинишган эди. Яна бир нарса айтмоқчиман.

— Хўш?

— Богот кўчасидаги қирқинчи уйда директорнинг юз қон ўғирланган уни бор.

— Шунча уни нима қилади у?

— Кечаси перашка пиширтириб, вокзалга чиқариб соттиradi.

Полковник хурсанд бўлиб кетди шекилли, ўрнидан туриб, ҳамон шифтга тикилиб турган ошпазга яқинлашиб, унинг елкасига қўлини ташлади.

— Сенинг виждонли йиғит эканлигингни биринчи учрашувдаёқ сезган эдим. Сен бу ифлос одамлар орасига тасодифан тушиб қолгансан. Ҳалол йиғит бўлганинг учун мукофот тарикасида бошқа ошхонага ўтишингга ёрдамлашман. Ошхонага бош ошпаз бўлиб ўтасан.

— Мен кетсам майлими? — сўради ошпаз.

— Сизларда бошқа савол йўқми? — комиссиянинг бошқа аъзоларидан сўради полковник. Маълум бўлишича, икковларида ҳам ҳеч қандай савол йўқ экан.

Ўроздан сўнг бахти қаро директорни чақиртиришди.

Қизик, мен бу одамга илгари синчиклаб қарамаган эканман. У доим кўзларини қисиб, кишига худди мазах қилаётгандек боқар экан. Лаблари бир-бирга маҳкам ёпишиб, олдига хиёл чўччайиб турганидан, хоҳ кўринг, хоҳ кўрманг, худди оёқ остида қолиб эзилган анжир шафтолининг ўзгинаси дейсиз. Дўнг пешанасининг йилтираб турши, юзининг сергўштлиги, бурнининг бақага ўхшаб ялпоқлиги афтини худди довучча чайнаб олгандек бужмайиб турши, бир қарашда, одамнинг раҳмини келтириб юборади. Яна бир қарашда эса, аччиғини чиқаради. Савол-жавоб узокка чўзилмади. Бахти қаро директор «мен бу комиссияга жавоб бермайман, адолатлироқ комиссия тузилишини талаб қиламан», дея хайр-маъзурни нася қилиб чиқиб кетди.

— Сизнинг фикрингиз? — Хошимовадан сўради полковник.

— Бу осонликча таслим бўладиган хилдан эмас, — деди Хошимова.

— Сиз нима дейсиз? — Қорабосвга мурожаат қилди менинг бошлигим.

— Мен ҳам шу фикрга қўшилман, — деган жавоб қайтди капитандан.

Ўзок маслахатлашишгандан сўнг ниҳоят ошпаз берган маълумотга асосан, учта оператив группа тузиб, ошхонани, вокзалдаги перашка сотувчи гилдиракли аравачаларни, Богот кўчасидаги қирқинчи номерли уйни текширишдан ўтказадиган бўлишди. Текшириш кеч соат ўнга белгиланди.

Дружиначи йиғит-қизлардан, кекса пенсионерлардан кўпроқ олишди-ю, негадир, мени ҳеч қайси группага қўшишмади.

— Мен-чи? Мен ким билан бораман? — сўрадим бошлигимдап.

— Сен шу ерда штаб бошлиғи бўлиб қоласан, — деди

Салимжон акам. Ҳазиллашиб айтдим, чиндан айтдим, бунисини сурштириб ўтирмай, ўша кунни тунги соат ўн иккиларгача идорада қокилган қозикдек кимирламай ўтирдим. Биринчи бўлиб, Салимжон акамнинг оператив группаси қайтди.

— Телефон қилишмадими? — ҳовлиқиб сўради полковник.

— Йўқ, — дедим уйкусираб.

— Ҳошим, мени табрикласанг бўлади. Жуда катта ишни очиб келдим. Ун, ёғ, шакар, коп-коп майнзлар дейсанми! Бу ҳазилакам гап эмас, ўғлим!

Иккинчи бўлиб Қаромат келиноийимнинг группаси қайтди.

— Ишлар зўр! — деди у ўзини диванга ташлаб. — Мингтача перашка, олти юзтача коржик, ҳаммаси фактурасиз! Вой номардлар-эй! Вой номардлар-эй! — Салимжон ака, энди мен борай, эмизикли болам бор. Йинглайвериб, дадаси шўрликни қийнаб юборгандир. Мана актлар, сотувчилардан фақат биттаси қўл қўймади... Мен кетдим.

Энг охирида капитан Қорабоев бошлиқ группа қайтди. У иккита ишбилармон, тажрибали пенсионер чол билан ошхонадан ошналарнинг тугун кўтариб чиқилиши поёлашган экан. Ошназ бунни сезиб қолиб, орқа эшикдан чиқиб, жуфтакни ростлаб қолишибди.

— Ишни расво қилибсиз! — деди полковник бўғилиб.

— Ўзим ҳам шу фикрдаман, — афсусланиб, бош чайқаб қўйди капитан.

ЮРАККА ХАНЖАР УРИШДИ

Мана энди, қимматли дўстларим, ҳамма нарса кундек равшан бўлди ҳисоб. Мулла Ҳошимжоннинг бўйнига қўйилган айбларни олиб ташлаш соатлари ҳам яқинлашди. Бахти каро директорнинг ўзи ўғрибони экан, яширинча пиширилган таомларнинг пулини паққос чўнтагига ураркан. Бугун адолат комиссияси доклад ёзиб, икки нуسخада кўчиртириб, бирини бошлиғимиз ўрток Усмоновга, иккинчисини министрликка жўнатиб юборса ҳам бўларди-ю, аммо ўртага бир хайрли иш тушиб қолди-да.

Нуъмонжон Насимов деган лейтенант-уйланадиган бўлиб қолибди, тўй комиссияси тузилиб, капитан Ҳошимова унга раис бўлибди. Мен илгари милиционерларнинг тўйини ҳеч кўрмаган эдим, ҳаммаёқини погондилар босиб кетиб, бир-бирларига честь беришавериб, тўй ҳам тўйдек бўлмас, деб кўрққан эдим, йўқ, унака бўлмади. Меҳмонларнинг ҳаммаси пафтали билан атирининг аралаш хиди анқиб турган чиройли костюмлар, йилтирок туфлилар кийиб келишибди.

Мен Салимжон акамнинг топширигига кўра, тўйхонада югуриб-елиб хизмат қилар эдим. Қўл-оёғи чакконгина йиғит эмасманми, гоҳ ошхонага югураман, гоҳ ўчоқ бошида пайдо бўлиб қоламан, гоҳ самоварга ўт қалаб кетаман. Урганлиб қолган эканман, унвоши ўзиникидан каттароқларга ҳадсб гоз туриб честь бераверган эдим, тўйбоши капитан Хошимова:

— Тўйда честь берилмайди, Ҳошимжон! — деб шивирлади кулогимга.

— Ҳўп бўлади, келинойин! — деб унга ҳам честь бериб кўйдим.

Аmmo-лекин, тўйхонани ҳам қойилмаком қилиб безаб юбордик-да! Бувижоним ишлатадиган ангишвонадек келадиган лампочкалардан ранг-баранг гуллар ясаб, чор томонга осиб қўйганмиз. Салимжон акамнинг ховлисидан келтирилган кучоқ-кучоқ анвойи гуллар ноз-неъматлар тўла столларга ҳуси бериб турибди. Бир милиционер йиғит ола-була тарвузлардан чиройли саватчалар ясаркан, ўша саватчаларнинг ёнларига ҳам атиргуллардан санчиб, столларга териб қўйганмиз. Бизнинг кишлоқларда тўппа-тўғри ковуриб ёки пишириб ейлаверадиган қўй гўштларини ҳам тарелкаларга юлдузсимон қилиб теришиб, ўртасига аллақандай нарсалар қўйишаркан бу ерда.

Ноз-неъматлар мўллигидан узун столларнинг бели нақ эғилай деб турибди.

Ниҳоят, меҳмонлар келиб бўлгач, тўйбоши Қаромат опа базмин очиб, қуёв-келиндар бахтига қадах кўтаришларингизни сўрайман, деди. Мен қадах деган сўзни эшитиб, бир қадах арок туфайли бошимга қандай ташвишлар тушганини эсладим-у, югурганимча ташқарига чиқиб кетдим. Эшик олдида бир кишига қорин билан урилиб кетдим. Бундай бошимни кўтариб қарасам, ёспирай, ўнгимни-тушимни, қаршимда қулимсираганча, ўша жиннихонада танишганим — кечаси билан от бўлиб кишнаб чиқадиган Ориф ака турибди.

— Ассалому алайкум! — дедим кўришиш учун қўлимни затиб. — Қани, ичкарига марҳамат.

— Йиғитча, сизни қасрдадир кўрганга ўхшайман? — сўради амаким. — Тағин Наполеон Бонапартнинг ўзи бўлманг!

— Йўк, мен қирчанги отман, бир кишнаб берайми? — деб кулиб юбордим. Қулиша-қулиша, Ориф акани ичкари олиб кириб, ўз обрўини, ўз мавқеинга мос бир жой танилаб ўтказдим.

Уни тинчитганимча бўлмай, ҳурматли меҳмонлар келиш-

япти, деб ҳамма гур этиб ўрнидан турди. Ўғирлиб карасам, Салимжон акам билан шаҳар милиция бўлимининг бошлиғи, хў бирда мен соқолини ҳафсала билан олиб кўйганимда «сендан қанақа милиционер чиқисини айтолмайман-ку, аммо яхши сартарош чиқади», деган генерал кириб келяпти. Шошмасдан бошларини кимирлатишиб, гоҳ ўннга, гоҳ чапга салом беришиб, куёв-келинини ўнг томонига ўтиб ўтиришди.

Шошиб қолдим. Ўзимнинг сартарошхонада эмас, балки милицияда ишлаётганлигимни ҳурматли генералга бир кўрсатиб кўйгим келиб кетди. Олдиларига қандай борсам экан? Ҳа, тондим, ошхонага кирман-да, ковурилган, қайнатилган, димланган гўштлардан бир лаган босиб чиқаман...

Лаганин олдиларига кўяётиб, одоб билан салом берганим, генерал бошини кўтарди.

— Соқолингизни олиб кўйганим, эсингизда борми?

— Бу, ҳалиги курсант бола-ку! — деб генерал кутилмаганда менга қўл узатиб қолди. — Қалай, ўқишларни тугатдингми?

— Тугатдим, ўртоқ генерал.

— Сартарошхонада ишляяпсанми?

— Йўқ, менда ишляяпти, — гапга аралашди Салимжон акам, — бирга ишляяпмиз.

— Жуда гўр-ку, — деди генерал.

— Гўрликка гўр-а, лекин ўзим ишириб оламан.

— Адаш, сенинг шу одатинг яхши, ҳаммага умид билан қарайсан.

Худди шу пайтда тўй кечасига раислик қилаётган Қаромат келиноним микрофонга йўталиб, ширин суҳбатимизни бўлиб кўйди.

— Навбат созандаларга!!

Шаҳар милицияси бошқармаси қошидаги йиғирма икки кишидан иборат бадний хаваскорлик тўғараги аъзолари ташриф буюришиб, икки қаравотини диққат қўлириб, созларини созлашиб, томоқларини ҳам оз-оздан мойлашиб ўтиришган эди. Ашула бошлаб юборишди, ашула кетидан ашула, машқ кетидан машқ улашиб кетаверди. Ҳамманинг кўз-қулоғи, бутун диққат-эътибори қаравотларда бўлиб қолди.

Бир маҳал, сўрида ўтирган созандалардан бири шеринининг тиззасига қўлини тираб ўрнидан турди-да, меҳмонларга қараб негандир, бир қулиб кўйди:

— Рухсатингиз билан, навбат сержант Суръат Ориповга! Суръатжон ажойиб истеъдод эгаси, ҳам шеър ёзади, ҳам куй яратади, ҳам ашула айтади. Суръатжон, меҳмонлар сизни кўтиб қолишди!

Э-ҳа, ҳамма гап бу ёқда экан-ку, деб ўйладим ичимда. Шу пайтда негадир жуда хурсанд бўлиб кетдим. Суръат ака фақат кечаси йўлдан адашганларни жиннихонага элтиб қўйиши билангина шуғулланмас экан, шеър ёзаркан, куй яратаркан, қани бир эшитайлик-чи!

Эл учун, халқим учун, туну кун хизматдаман,
Шул сабаб кадрим ошиб, эъзоздаман, шухратдаман.
Енги чикса сув бўлиб, сув тошса гаввос бўлиб,
Эда тартиб ўрнатиб, ҳар кун хурматдаман.
Ниятим шу, интизом ҳар ерда барқарор бўлса,
Катта-кичик, сизу биз — хурматда баробар бўлса,
Соқин ўтса постимиз ҳам галвасиз ўтса тунлар,
Қўнғиллар ҳам мисли тонг — бегарду бегубор бўлса.

Суръат ака танбур чертиб, шунақанги бир завк билан куйлардики, ёқимли тўлкинлар ҳатто ўчок бошидаги ошпазларни ҳам сеҳрлаб қўйди. Улар қўлларидаги капгиру човлиларни қозонга ташлаб, бўйинларини чўзишиб, ўртага тикилганларича шамдек қотиб қолишди. Куй ҳаммадан ҳам генерални маҳлиё қилиб қўйганди. У ўзи ҳам сезмаган ҳолда, ашула баландласа секин ўрнидан туради, пасайса яна секин ўрнига ўтиради. Ашула тўхташи билан шунақанги бир қарсақ янградик, назаримда, тепамиздаги лампочкалар-у, дарахтларнинг яланғоч новдалари ҳам одамларга қўшилиб қарсақ чалиб юборгандек бўлди.

— Офарин, ука, минг офарин! — Генерал ўрнидан туриб, Суръат акани чақириб ёнидан жой берди. Халиги Суръат акага номер берган созанда яна ўрнидан туриб:

— Қимматли меҳмонлар! — дея одамларни ўзига қартиб олди. — Тўйда ўйин-кулги, хурсандчилик ярашади дейишадди. Ўйнагани, кулгани тўпланганмиз бу ерга. Мана, даврамизда хурматли акахонимиз Жамол Қорабоев ўтирибдилар. Навбатни шу кишига берсак.

Жамол аканинг созандалар билан ўтирганини кўрувдим, аммо у ҳам шуларнинг группасидан эканини билмаган эканман. Мен шунчаки чой-ной қуйиб бериб, уларга хизмат қилиб ўтирган бўлса керак, деб ўйловдим.

Капитан ўрнидан туриб, қўллари билан икки сонини шаналаб:

— Ку-ку-ку! — дея кичкириб юборди. Одамлар аввалига овоз қаёқдан келганини пайкамай, бир хиллари томга, яна бир хиллари дарахтларнинг шоҳига кўз ташлаб олишди. Капитан иккинчи марта кичкирган эди, даврада гур этиб кулги кўтарилди.

Кулги босилгунча капитан ўртага чиқиб олди ва:

— Онам товукбоқар бўлиб ишларди, болалигим товуклар орасида ўтган,— дея меҳмонларга мурожаат қилди.— Товукларнинг овозига тақлид қилишни ўшанда ўрганганман... Мана, даканг хўроз дон топиб, макёнларни чақиряпти...

Назаримда, шу пайтда Жамол ака чинакам хўрозга айланиб колгандек бўлди. Унинг овози ва ҳаракатлари одамларнинг кўз ўнгига ҳақиқий хўрознинг ўзгинасини келтириб қўйди.

Қарсак янгради.

— Ферма мудирини товук шўрва ичгиси келиб, она товукни ушламоқчи бўляпти, она товук лапанглаб, мана бундай қилиб қочяпти...

Даврада аввал кулги, кийкирик, сўнг яна қарсак янграб кетди.

— Фермада иккита қаллик ҳам бўлар эди, бир кунини ёнларидан ўтиб кета турсам, мана бундай қилиб сайрашаётган экан...

Яна кулги, яна қарсак, яна офаринлар ёғилди! Жамол ака чинакам санъаткор экан. Назаримда, унинг қорнига ҳар хил паррандалар жойлашиб олиб, галма-галдан сайрашаётганга ўхшайди. Гоҳ булбул нолиш қияпти, гоҳ беданалар «битбилдик» отиб кетишяпти... Йўқ, сиз нима десаңиз денг-у, лекин мен бунақасини ҳеч кўрмаганман. Меҳмонлар қотиб-қотиб, тиззаларига уриб-уриб кулишарди. Кулиб бўлишгач, ранслик қилувчи:

— Куёв-келинини табриклаш учун ҳурматли меҳмонимиз Салимжон ака Отажоновга сўз берилади! — деб эълон қилди.

Салимжон ака икки қўлини столга тираб кулимсираганча ўрнидан тураётган эди, кўча эшик ёнидаги узун скамейкада маҳалла аёллари даврасида ўтирган ёшгина бир жувон, қўлидаги чақалогини чинқиратиб ўртага чиқди-да, Салимжон акани мўлжалга олиб келаверди.

Ҳаммаининг кўзи чақалоқ кўтарган жувонда бўлиб қолди.

— Тўхта, гапирма! — деди жувон бошлиғимга дўқ уриб.— Тўйларда гапиргунча аввал болангини боқиб олсанг, бўлмайдими?

Шундай деб, номаълум аёл ингалаб йиғлаётган чақалоқни Салимжон аканинг олдига ташлади. Сўнг одамларга ўгирилиб, кўкенга муштлаб, дард-алам билан гапирди кетди...

— Одамлар, нега қараб турибсиз, нега бу золим хотин-бозини тартибга чақириб қўймайсизлар?! Бола шуники! Али-

мент бермаса, кийим-бош олиб бермаса, бу кандай бедодлик ахир! Хотиним ўлса, уйимга олиб бориб оламан деган эди, мана, хотинининг ўлганига ҳам бир йилдан ошди... Хамон тутқич бермай қочиб юрибди... Ол энди, бола керак бўлса ўзинг бокиб ол!

— Сиз кимга гапиряпсиз?! — хайрон бўлиб сўради Салимжон ака.

— Хали тонарсиз ҳам! — Салимжон аканинг юзига бақрайиб туриб деди жувон.

— Жининми бу! — Елкасини қисиб атрофига қаради Салимжон ака. — Мен сени умримда кўрган эмасман-ку.

— Ол, болаини ўзинг катта қилиб ол!

Аёл икки кўли билан юзини беркитиб, йиғлаганча кўчага югурди.

Ана тўю яна томоша! Одамлар хангу манг, тўйхонада факат чакалоқнинг йиғисигина эшитилади. Ҳалиги аёл бамисоли ҳаммани сеҳрлаб қўйгандек. Барчанинг боши ҳам, каттаю кичик сукутда!

Биринчи бўлиб тўйбоши Каромат Ҳошимова ўзига келди. У, гўё тез юрса, одамларни уйготиб юборишдан кўркандек, битта-битта босиб, чиқкириб йиғлаётган чакалоққа яқинлашди. Қўлига олиб, «боринглар, опасини қайтариб желлинглар», деб буюрди.

Беш азамат бир-бирини қувлашиб, кўчага чиқиб кетишди. Йўқ, аёл аллақачон гоийиб бўлган экан, азаматлар шалвираб қайтиб келишди.

Тўй азага айланди. Одамлар, негадир, бир-бирини қовушолмай қолди. Бир хиллар ачингандек ер остидан Салимжон акага қараб-қараб қўйишади, бир хиллар бўйинини чўзиб, ўчок бошида ақиллаётган чакалоқ томонга назар ташлашади, бошка бир хилларни пичирлашиб, ўзларича ҳар хил тахминларни айтишади:

— Полковник ҳам қариганда айнибди-да!

— Мен бу одамни жуда покиза деб юрардим.

— Одамнинг оласи ичида, деб шуни айтишса керак-да.

— Бе, бу қил-қизил тухмат-ку!

— Тухматлягини қаёқдан билди қолдинг?!

— Мен бу шаллақни аёлни таниймай. Чорсудаги ошхонада официантка бўлиб ишларди.

— Менимча, жуда ўйлаб қилинган тухмат бу.

— Лекин, шма бўлганда ҳам бечора Салимжон аканинг юрагига ханжар уришди-да!

— Мен ҳам ачишяпман.

— Ҳаммага ёрдам қиларди у.

— Лекин, ўзининг боласига алимент бермагани чакки

бўлибди-да!— шундай деб меҳмонлардан иккитаси, овоз чиқармаслик учун оғзини юмиб, қоринини силжитиб кула бошлади.

— Валерьянка борми? — деб кичқирди кимдир. Қарасам, Салимжон акам ўнг қўли билан юрагини чангаллаганича, ўтирган стулнинг суйанчигига бошини қўйиб, ўзидан кетиб қолибди.

ЗАРБА УСТИГА ЗАРБА

Бошлигим туни билан ухламади.

Ўйлаяпти, тинмай ўйлаяпти. Нималар ҳақида ўйлаётган экан? Ҳойнаҳой тухматчилар ҳақида ўйлаётгандир...

Қизик, оқшомги аёл ким ўзи, нега бунақа қилди?

Салимжон акам тўйда нега ўзидан кетиб қолди?

Жумбок, ҳаммаси жумбок...

Ухлаб қолибман. Бир маҳал кўзини очсам, ташқарида тонг ёришай деб қолибди. Салимжон акам ўрнида йўқ. Шошилиб ҳовлига чикдим — бу ерда ҳам кўринмади. Қизик, бу маҳалда қаерга кетди экан? Ё магазинчи олиб чиқиб кетдимикан?.. Эшикчадан Неъмат аканикига ўтдим. Деразадан аста мўралаб қарасам, катта-кичик болалари бирининг оёғига бири бошини қўйиб, пишллаб, куён болаларидек беозоргина ухлаб ётишибди...

Неъмат акани турткилаб уйготдим. Аввалига уйқусираб, мени катта ўғли деб ўйлади шекилли, ухлатасанми, йўқми, деб бир пой ботиқани қўлига олиб урмоқчи бўлди, кейин мен эканлигимни билгач, қулиб, елкасини қашиди.

— Тинчликми?

Салимжон акам йўқ бўлиб қолганларини айтдим.

— Қабристонга кетгандир,— деди Неъмат ака оғзига қафтини тутиб эснаб.— Баъзан шунақа одати бор. Кечасини, кундузини, хотинининг олдига боради... Юр-чи...

Кетма-кет қабристонга югурдик. Шиннамгина ишланган шийпонга узокдан сим тортиб келиб лампочка туширилган экан. Салимжон ака ана шу шийпон остида ўтирарди. Гулзорга қўйилган мраммар курсичада бошини икки қўли билан чангаллаб, бутун борлиқни унутиб ўйга толиб ўтирарди у. Бизни кўриб, гуноҳкор одамдек қулмсираб ўрнидан турди:

— Сизларни ташвишга қўйибман-да?

— Ташвишга-ку қўйганингиз йўг-а, лекин мана шунақа пайтда бир оғиз айтиб кетсангиз яхши бўлади,— таъна оҳангида деди Неъмат ака.

— Бу ерга қандай келиб қолганимни ўзим ҳам сезмай қолибман... Келишнинг билан бир ишни маслаҳатлашгани келувдим. Бошимга қанақа мушкул тушса, ҳаминша менга

хамдард бўларди, ақли маслаҳатлар берарди. Рухингиз тушмасин, дадил бўлинг, дерди!

— Канака мушкул иш тушди яна?— ташвишланиб сўради магазинчи.

— Хошим айтиб бермадими?

— Хеч нарса дегани йўқ.

— Айтмаган бўлса кейинроқ билиб оларсан, кўшни, лекин бошлашди мени! Бу ҳаммаси Одил Аббосовнинг иши, офарин, тан бердим унга! Олишсанг, мана шунақаси билан олишсанг-да! «Пус» десанг товукка ўхшаб пусаверадиган жиноятчини унча хушламайман. Бунақанги жиноятчилар милицияни дангаса қилиб қўяди... Пистафуруш ҳам жиноятчи бўлибди-ю! Тўғрими, ўртоқ сержант?

— Тўғри айтасиз, ўртоқ полковник,— дедим шоша-пиша,— қуртфурушлар ҳам жиноятчи эмас.

Гап билан бўлиб уйга етиб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Нонуштага Лутфи холам жиззали нон ёпди, янги олинган қаймоқлар келтирди, кулиша-кулиша нонушта қилдик. Салимжон акам бирор қарорга келиб олгандан сўнг, мана шунақанги дилбар, кизикчи, ҳаракатлари кескин, жиддийроқ бўлиб қолади. Шошилиб ишхонага жўнадик. Бошлигим шундай тез ва катта кадам ташлардики, мен унинг ортидан деярли югуриб борардим. Йўловчилар, «тинчликми» дегандек орқамиздан қараб қолишарди.

Кабинетга киргач, бошлигим пўлат сандиқни оча туриб, худди тоқ уриб олгандек сапчиб ўрнидан туриб кетди:

— Сейф очилиб қолибди-ку, Хошим!

— А! — мен ҳам бир сапчиб тушдим.

— Тўхта, тўхта, ҳужжатлар ҳам йўқ!

— Канака ҳужжатлар?

— «Роҳат» ошхонасига тегишли жами ҳужжатлар сарик папкада эди. Сарик папка йўқ! Югур, одамларни чақир!!!

Ҳовлиқиб коридорга чикдим. Аввал катта бошлигимиз полковник ўртоқ Усмоновга хабар бердим. У ҳам, назаримда, худди тоқ ургандек бир сакраб тушди. Кейин ўзимни парткомимиз Каромат Хошимованинг кабинетига урдим. Қизик, бу шум хабарни ким эшитса, бир сапчиб тушаверди.

Кабинетимизга қайтсам аллақачон беш-олти чоғли одам тўпланиб қолибди. Салимжон акамни, негадир, диванга чўзилтириб ётқизиб қўйишибди. Ранги докадек оқарган, қўллари икки томонда шалвираб осилиб ётибди... Нима бўлди ўзи? Наҳотки... наҳотки дадамдан ҳам меҳрибон бир кишимдан айрилиб қолган бўлсам!

— Салимжон ака! — дедим-у, хўнграб йиғлаб юбордим.

САРИҚ ДЕВНИ ҚУВИБ

БАХТИ ҚАРО ДИРЕКТОРНИНГ ХАЗИНАСИ

Қишлоқдан қайтяпман. Чамадонимда икки банка қаймоқ, олти бош хусайни узум, саккизта катлама, бир ховуч жийда, бир ховуч шафтоли коки, бир ховуч туршак — буларнинг ҳаммасини бувижоним бериб юборди, бошлигинга бергин, касалхонадан тузалиб чиккунча ёнидан жилмагин, яхши киши экан, одам бўлганингча этагини маҳкам ушлагин, деб тайинлади.

Хурсанд қайтяпман. Ойижоним, дадажоним, жондан азиз сингилларим билан маза қилиб дам олдим. Ўзлариям роса соғинишган экан, юз-кўзларимдан ўпавериб, нак ҳамма ёгимни шилиб юборишди-я! Аммо қимматли дўстим Зокирни кўролмаганим чакки бўлди. Областга, илғор бузоқбоқарлар кенгашига кетган экан. Қайтаётганда автобусда ухлаб қолиб, яна ўша автобус билан областга қайтиб кетиб қолибди бечора.

Шаҳарга тушишим билан қимматли қалпоқчамни бошимга кийиб, ўзимни бир синаб кўрмоқчи бўлдим. Мана, кийдим... мана, кўздан ғойиб ҳам бўлдим.

— Салом, қалпоқчам! — дедим қувониб.

— Салом, Хошимжон, — деди дўстгинам.

— Мени роса кутдингми-а?

— Бетоқат кутдим, Хошимжон.

— Менга яна ёрдамнинг керак.

— Ниятинг яхши бўлса ҳеч нарсани аямайман.

— Мен жамики жиноятчиларни тугатмоқчиман, азиз қалпоқчам!

— Мен ҳамиша ёрдамчингман, қувноқ Хошимжон!

— Ишни нимадан бошлай, доно маслаҳатчим?

— Бахти каро директорнинг орқасидан бор, қизиқчи дўстим.

— Раҳмат, қалпоқчам.

— Арзитайди, Хошимжон.

Ҳа, ҳа, деб снгларимни шимариб, кафтимга туфуриб,

гайратим жўшиб, ўзим ҳам рухланиб Салимжон акамнинг уйига қараб югурдим. Совга-саломини уйга кўйиб чиққанимни Лутфи холамга маълум қилдим-у, тўппа-тўғри «Роҳат» ошхонасини мўлжалга олдим. Кеч кириб қолгани учун ошхонада ҳам ишлар тугаб, бош ошпазлар ҳисоб-китоб қилиш учун бахти каро директорнинг хузурига йиғилишган экан.

— Ҳеч ким шикоят қилдими?— сўради директор.

— Шикоят қилганининг тишини қоқиб, қўлига беряпмиз-ку!— деди ошпазлардан бири.

— Барақалла, бундан кейин ҳам худди шундай қилинглар!— кўнгиллари кўтарди директор.— Мажлис ёпиқ.

Одил Аббосов ҳаммага жавоб бериб, хонанинг ичидан беркитди. Пўлат сандикни очиб, бир даста ўн сўмлик, бир даста беш сўмлик, бир даста уч сўмлик олиб, портфелига жойлади-да, кейин шошмасдан ташқарига чиқди.

Унинг ҳам, кишлоғимиздаги Бодом Қорн амакига ўхшаб, йўл юрганда ўзи билан ўзи гаплашиб юрадиган одати бор экан. Мана ҳозир ҳам хиловат кўчалардан кетяпти-ю, худди тушида алжиган одамга ўхшаб жавраб боряпти:

«...Ҳа, Салим, аҳволнинг қалай энди? Полковник эмиш! Менинг кўлимда ўйинчоқсан-ку. Истаган куйимга ўйнатишим мумкин сени, йўқ, ўйнатмайман, тириклай кўмаман сени. Йўқ, кўммайман, аввал роса жонингни қийнайман! Сен оққўнғилсан, соддасан. Мен тулкиман, айёр тулкиман! Бундан ўттиз беш йил олдин мен пилла заводида тарозибон бўлиб юрганимда менинг икки акамни, отамни қамадинг! Уч тонна пилла ўғирлаганимиз учун бутун оилани вайрон қилдинг. Ўшанда биз сени огоҳлантирган эдик, ўч оламиз деб қасамёд қилган эдик. Аммо сен, ҳукуматнинг эрка ўғли, бизнинг йўлимизга юрмадинг, уйингга ўт кўйдириб, икки қизингни қўйдирган мен бўламан! Қамокда ўлган акам, ўлган жаназасиз кўмилган марҳум отам ҳақи, сенга тинчлик йўқ, ҳеч қачон...

Сен оққўнғилсан, соддасан. Мени танймайсан. Мен бўлсам сени ўттиз беш йилдан буён қуваман, оромингни ўғирлаб, бахтингга қанг соламан. Ўглинг Қаримни жинойтчиларга қўшган, уйингдан тўппонча ўғирлатиб, ўша тўппонча ўки билан қоровулни оттирган ҳам мен бўламан!

Сен ҳукуматга содиқсан, мен жинойтчиларга содиқман. Сен жинойтчиларни тугатиш пайидансан, мен уларни парваришлаб, бошини силаб, кўпайтириш пайиданман. Тўғри, жинойтчилар оз қолди. Оз-у, лекин сози қолди!.. Тўйда кўлингга чақалок тутказиб, эл ўртасида шармандангни чи-

карган ҳам, пўлат сандигингдаги хужжатларни ўгирлатган ҳам мен бўламан!.. Йўк, мен сени хали-вери ўлдирмайман, жонингни азоблайверамаман! Ўлиги жапазасиз кўмилган отам хаки, сендан ўч олаверамаман!..

Умрбўйи кўлимда жарак-жарак пул ўйнади; кўша-кўша участкалар курдим, кўша-кўша машиналар олдим, бир сандик олтин йиғдим. Қани, кўлга тушира олмадинг-ку! Чунки, мен ёвузман. Мен жамини саркитлар йиғиндисидан ташкил тошган Одил баттол бўламан...»

Йўк, азиз дўстим, ортинг чидай олмадим. Вужудини қалтироқ босиб, ихтиёримни йўқотдим, ажиб бораётган Одил баттолнинг белнга қараб тегиб юбордим. Тўғри, хато қилдим, жуда катта хато қилдим. Миллиция ходими учун бировни уриш қатъиян ман этилган. Лекин, бошқа иложим йўк эди... Қўлтигидан олиб, ўридан туришига кўмаклашиб юбордим. Одил баттол, «тавба» дегандек, у ёқ-бу ёнига қараб елкасини бир қисди-ю, этагини қоқиб йўлида давом этди. Аммо қалтирогим ҳамон босилгани йўк, ишқилиб, яна тегиб юбормасам гўрга эди, дея ўзимдан-ўзим кўркиброк боряпман.

Одил баттол кўшқанотли темир дарвоза олдида тўхтаб, тенадаги сарик тугмачани босган эди, дарвозанинг эшикчаси очилиб, йиғирма беш ёшлардаги хушрўйгина, кийим-бошидан муаттар атир-упалар хиди уфуриб турган бир жувон кўринди.

— Ассалому алайкум!— деди у боши ерга етгунча таъзим қилиб.

— Ҳеч ким йўқлаб келдимиз?— сўради бахти қаро директор.

— Йўк, ҳеч ким келмади,— деди жувон дарвозанинг ичидан беркитаётиб.— Дарагингиз бўлмади, жуда хавотир олдим.

— Катта кундошингизкида эдим,— жеркиб деди директор.

Пўлакда мен аёлга бошдан-оёқ разм солиб чиқдим. Ўттиз иккита тишини омбур билан сугуриб олиб, ўрига тилла тиш қўйишибди. Қулогига, хар биттаси чақалокнинг шапалогидек келадиган олтин сиргалар, ўн бармоғида ўн узук — ўнтови ҳам тилладан, кўзлари ёқут бўлса керак, ял-ял ёниб турибди. Оппоқ билакларидаги тилла биллакузукларининг санаб саноғига етолмадим. Бундай эгилиб қарасам, ёспирай, оёқларидаги хушбичим кавушчалари ҳам тилла суви юритилган зардан тикилган экан... Йўк, кечирасиз, мен бахти қаро директорнинг кичик хотини турадиган уйга эмас,

бувижоним айтиб берган эртактардаги подшоларнинг қас-
рига келиб қолганга ўхшайман. Ха, ха, худди қасрнинг ўзи!
Саккиз хонали уйга саккиз рангда бўёқ берилган, уйларнинг
шифтига олтин суви юритиб, ранго-ранг расмлар солин-
ган. Шифтларнинг тўрт бурчига, мен номни билмайдиган,
лекни биллурга жуда ҳам ўхшаб кетадиган ялтироқ ойна-
лар қўйилган. Қандилларни айтмайсиёми! Саккиз уйга сак-
киз рангли биллур қандиллар осилган. Қора-қизғиш шкаф-
лар, қимматбаҳо вазалар, тўрт уйда тўрт хил телевизор,
қизил-сарик гиламларнинг саноғи йўқ, шкафларда қиммат-
баҳо, олтин суви югуртирилган чойнак-пиёлалар, лагану
таксимчалар — бамисоли енгил саноат буюмлари кўргазма-
си ташкил этилганга ўхшайди.

— Оёғини укалаб қўй! — деди директор атлас кўрпача-
га ўтираётиб.

Аёл унинг оёғини укалаётган бошлади.

— Белимга ёстик қўй, — буйрук бўлди яна.

Аёл белига ёстик қўйди.

— Овқатингни олиб кел!

Шошилинч овқат келтирилди.

— Бир пиёла коньяк қўй.

Коньяк қўйилди.

Жимгина овқатланишга тушди. Мен ҳам, очқаб қолган
эканман, товоқдаги буғи чиқиб турган мантини кўриб, ўзим-
ни тутолмай, чўккалаб бир бошдан тушира бошладим.

— Сал секинроқ есанг ўласанми?! — ўшқирди директор.
Хотини бир чўчиб тушди.

— Вой, мен еганим йўқ-ку!

— Яна ёлгон гапирди-я. Бор, яна сузиб кел, — кўзининг
пахтаси чиқиб деди директор. Хотини гизиллаб бориб, яна
бир товоқ манти келтирди, уни ҳам биргалашиб едик.

— Дарвозани қулфлаб кел, — буюрди директор.

Дарвозага қулф солинди.

— Итни қўйиб юбор! — буйрук бўлди яна.

Ит ҳам қўйиб юборилгач, ховлидаги чирок ўчирилди,
атроф гўристондек қоп-қоронғи бўлди-қолди...

Одил баттол кўмирхонага қараб йўл олган эди, ҳар қа-
лай бир шум ияяти бор-ку, дея секин унинг орқасидан эр-
гашдим. Қўл фонарь билан йўлини ёритаб, кўмирхонадаги
латта-лутталар босилган охурни узок пайпасладим. Ниҳоят,
бир тугмачани топиб босган эди, уй ўртасидаги кўмир бир
томонга сурилиб, юз килограммли чой яшигидек келадиган,
тўрт бурчакли чуқурча пайдо бўлди. Чуқурчага тушиб каф-
ти билан деворнинг бир четини каттик босган эди, ичкари-
га эшик очилиб, яна тўрт бурчакли бир эшикча пайдо

бўлди. Қўл фонари ёруғида Одил баттол тепадан осилиб турган аркончани арағ топди. Аркончани ечиб, чап томондаги ишни уч бор тортган эди, назаримда, қаршимиздаги девор ичкарига қараб қулаб тушгандек бўлди. Унг томондаги ишни уч бор тортган эди, лампочка ёниб, ичкари ёришиб кетди. Зах хиди келиб турган ертўлага кирдик. Ертўла унча катта эмас, нари борса ўқувчи болаларининг дарехонасича келади, холос. Яшиқларда қоньяк, ароқлар. Битта яшиқда лик тўла шойин-атлас, яна бир яшиқда юз метрча қора бахмал. Ертўланинг деворлари цемент сувоқ қилинган. Таги негадир цементланмаган, тупрок. Одил баттол эшик олтидан йиғирма пой ўлчади-да, энгашиб, қўлларни билан тупроқни бир томонга сура бошлади. Яна йилтираб турган кнопка очилди, кнопкани ўрнидан суғуриб, тешикчага сим тикиб бураган эди, ертўланинг чап томондаги девори аста-секин ерга ёта бошлади. Ичкарида катта-кичик ўнчача тоқча бор экан. Бир тоқчадаги қамадонни олиб очган эди, анграйиб қолдим: ичи тўла 50 сўмлик, 100 сўмлик пуллар! Умрим бини бўлиб, бунақани кўн пулни кўрган эмасман. Одил баттол ҳали ниҳонасида сумкасига солиб олган пуллардан тахминан ярминини қамадонга жойлади-да, уни ўрнига қўйиб, бошқасини очди. Буниси лик тўла олтин экан. Беш сўмлик, ўн сўмлик сўлкавойлар, ҳар хил тақинчоқлар, яхлит олтин парчасидан ясалган, оғирлиги икки қилоча келадиган гулдор лаган ҳам турибди... Уч дона олтин танга олиб, қамадонни яна ўрнига қўйди.

Учинчи қамадон очилганда, ниҳонсангиз, мен қаддан ташқари кўркиб кетдим. Қамадонда худди Салимжон ақамникига ўхшаб кетадиган учта тўппонча совуқ ялтираб турарди... Юрагим уриб кетди. Қўрқяпманми, унисини аниқ билмайман-ку, лекин дағ-дағ қалтирай бошлаганимни сезиб турибман. Бир хаёлим баттолнинг белига яна бир тениб, қўлоғини боғлаб, тўғри милицияга олиб бораётгани ҳам дедим-у, аммо катта бир жиғоят очилгани олтида ишнинг пачавасини чиқариб қўйишдан кўрдим.

Баттол тўппончалардан бирини олиб, чўнгагига солди. Салимжон ақам айтгандек, оғир бўлишга ҳаракат қилдим, тишимни-тишимга босиб, изма-из унинг орақасидан чиқдим. Ярим соатлардан сўнг иккимиз таксига ўтириб, номаълум томонга жўнадик.

— Раҳмат, қалпоқчам! — деб шивирлайман.

— Раҳматга ҳали эрта, — дейди қалпоқчам ҳам шивирлаб, — ишнинг каттаси мана энди очилади...

ЕРТҮЛАДАГИ МАХФИЙ КЕНГАШ

Таксида шаҳар чеккасига қараб учиб борардик. Қишғир-кийшиқ, пасткам кўчалардан, ўғри топмас тор йўллардан юриб, ниҳоят, жарлиқ ёқасига бориб тўхтадик. Бахти каро директор машинадан тушиб шофёрга битта ўн сўмлик узатди:

— Соат бирда, худди шу ерда мени кутасиз.

Шофёр мен тенги йиғитча экан, ўн сўмликни кўриб, сурати бор томонидан ўпди-ю, чўнтагига солди:

— Айтган вақтингизда келаман!

Атроф шунақанги қоронғи, шунақанги ваҳималики, ким билади, бошимда сеҳрли қалпоқчам бўлмаганда, додлаб қочиб қолармидим. Ахлат тўкилган тепаликдан ўтиб, суви қуриб қолган анҳор ичидан ярим километрча юриб бориб, ўнг кирғокка чиқдик. Катта жарлиқнинг тубида атрофи пахса девор билан ўралган кичкинагина қўрғонча бор экан, ўшанга кирдик. Уй эшигини, ёши етмишда десамми, тўксонда десамми, ишқилиб, нечага кирганини ҳеч аниқлаб бўлмайдиغان бир кампир очди. Кампир қадди букилиб, ҳассага суялиб қолибди. Юрғанда худди эмаклаётганга ўхшайди. Оғзида битта ҳам тиши бўлмагани учун гапирганда хуштак чалиб юборди. Хоҳ кўринг, хоҳ кўрманг, эртақлардаги ялмоғиз кампирнинг ўзгинаси дейсиз.

— Кечга қолдинг, бўталоғим?

— Такси топиб бўлмади,— деди Одил баттол,— ҳаммалари келишганми?

— Сени кутиб ўтиришибди, бўталоғим.

Ялмоғиз кампир бизни даҳлизга олиб кириб, умивальникни бир томонга секин сурган эди, пастга йўл очилди. Зинадан гиламлар билан безатилган катта ертўлага тушдик. Хона иссиқ бўлгани учунми, меҳмонлар кўйлақларини ечиб, майкачан атлас кўрпачалару парестикларда ёнбошлашиб ётишибди. Бу шубҳали одамларни биринчи бор кўраётганим учун, кейинчалик яна учратсам янглишиб ўтирмай деб, милицияга ҳос зийраклик билан ҳаммаларини кўздан кечириб, асосий белгиларини, юз тузилишларини ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилдим.

Тўрда бармоғи билан бодом чақиб еб ўтиргани, ёши қирқларда, ўзи худди Иван Поддубнийга... эли пахлавон, бўйнидаги гўшлари ирғиб чиққан, тиббакалари осилиб кетган, қошлари худди жундан тўкилган, арқонга ўхшаб, ҳаддан ташқари қуюқ; гапирганида пишиллаб кўяяпти у. Пахлавоннинг ўнг томонида бети худди ёғочдан йўнилгандек сип-силлик, сочи ҳам киртишлаб олинган, узокдан қа-

*Нодан бу китобди келим ўзисиз
Кўриш билан...*

расангиз ҳам худди елим кўғирчокка ўхшаб кўринадиган бир одам ўтирибди. Юз-кўзларига мой суртган бўлса керак, пешанасининг икки чаккаси худди хирагина лампочка осиб кўйгандек йилтираб кўрнннати. Пахлавоннинг чап томонида ўтирган ўттиз ёшлардаги йиғит боксчини дейман, билагидоги мускуллари диккиллаб ўйнаб турибди. Бетида узун чандиғи бор, боши худди отининг калласидек чўзинчок, бадаида бўш жой қолмаган, ҳаммаёғига тушь билан ҳар хил расмлар солинган: бўғма илон дейсизми, пичок ўқталиб турган йиғит дейсизми...

Ўнг елкасига эса бир аёлнинг сурати чизилиб, остига «Не забуду мать родную», деб ёзиб кўйилибди. Бу йиғитдан куйроқда бир семиз одам ўтирибдики, бай-бай-бай, халиги биз тушган тешикка қандай сиккашига ўзим ҳам хайронман. Қорин шунақанги каттаки, бир аравага бемалол юк бўлади. Бечора нафас ололмай, бурнидан хуштак чалипти.

Энг пойгакда чўкка тушиб, яна бир йиғит ўтирибди. Шу даражада озғинки, бечоранинги ўн икки ковургасти ўтирганларга бемалол кўришиб турибди. Олманинги савоғидек ингичка бўйини катта калласини кўтаролмайпти шекилли, у худди кўғирчок ўйнаётгандек бошини силжитиб ўтирибди.

— Ана, устоз ҳам келдилар!— деб ҳаммалари «дув» этиб ўрниларидан туриб, кўллариини кўкселарига кўйиб, бошларини эгиб, таъзим бажо келтиришди. Одил баттол ҳаммадан юқорига, бахмал кўрпачалар тўшалган ўрнидикка ўтиргач, бошқалар ҳам ўтириб, халиги орнқ одам фотиҳа учун кўл кўтарди:

— Милиция ҳаминша гафлатда қолсин!

— Облоху акбар!— дейишди ҳаммалари.

Шундан сўнг улар бир-бирларидан хол-аҳвол сўрашга, бола-чақаларининг соғлигини сурштиришга тушиб кетишди. Гап айланиб бориб, шаҳардаги янгиликлар, одамлар ўртасидаги мишмишларга такалди. Семиз киши бурнидан хуштак чалиб, ҳозир милиция кучайиб, ёшига дружиначилару, халқ контроли ва илларини тўплаб, жаминки жишоятчининг йўқ қилишга астойдил бел боғлаганлиги, кетма-кет тадбирий чоралар кўраётганлигини айтиб зорланди. «Бизга жуда кийин бўлиб қолди» деб уф тортди.

— Кўрқоклик ўйнайверма!— урншиб берди Одил баттол. Сўнг ёнидаги йиғитни буюрди:

— Мутал, тур ўйинингдан!

— Кўн бўлади!— савчиб ўрнидан турди Мутал.

— Мен айтган ишни битирдингми?

— Битирдим, сарқор.

— Хужжатлар кани?

— Портфелимда, саркор.

Мутал дераза ёнидаги катталиги лўлаболишдек келади-ган кизил портфелни олиб, ичидан «Рохат» ошхонасига тегишли жамки хужжатларни чиқарган эди, ўзимни йўқотиб кўяй дедим. Бу ўша Салимжон акамнинг пўлат сандигидан ўғирланган хужжатларнинг айнан ўзгинаси эди. Нима қилай, папкани қўлидан тортиб олиб, физиллаганимча Салимжон акам ётган касалхонага бориб, бошлиғимдан суюнчи олсаммикан? Йўқ, сабр қилишим керак. Бизнинг ишимизда сабр-тоқат ҳамма нарсани хал қилиб беради.

— Гапир!— буюрди баттол.

— Нимани гапирай, устоз?— шошилиб сўради Мутал.

— Хужжат ўғирлаш операциясини қандай бажарганингни гапир, дўстларнинг эшитсини.

— Худди сиз ўргатгандек бўлди, саркор. Кечаси милиция майори формасини кийиб милиция бўлимига бордим. Кексагина бир сержант навбатчилик қилаётган экан, ўзимни область милиция бошқармасидан деб танитиб, гувоҳномамни кўрсатган эдим, сержант:

— Хизматингизга тайёрман, ўрток майор!— деб честь берди. Мен навбатчилик қандай ўтаётганлигини сурштирган бўлдим. Худди шу пайтда шеригим — у ҳам милиция формасида эди, қўлида бир кучок гул, олдимизга кириб келди-да:

— Кечирасизлар, шу атрофда бир милиционер уйланаётган эди, тўйхонани тополмай турибман, кўрсатиб кўя олмайсизларми?— деб сўради. Сержант:

«Мен постдаман, боролмайман»,— деган эди. Мен:

— Дарров бирга бориб, тўйхонани кўрсатиб кўйинг, бир-бирларингга ёрдам беришни ўрганинглар, тоқайгача сизларга ўргатиш керак, деб уришиб бердим. Кейин, сержант қайтиб келгунча, полковникнинг пўлат сандигини очиб, хужжатларни олиб кўйдим.

— Офарин!— секингина қарсак чапиб кўйди Одил баттол.— Энди полковникнинг қўлига чақалокни қандай топширганингни гапир.

— Уни Шарифа бажарди.

— Шарифа, қайси Шарифа?

— Сиз уни танийсиз, менинг группамда ишлайди. Илгари ошхонада официантка эди, ҳозир идорама-идора юриб, пальто ўғирлайди. Эрсиз туғиб кўйиб, иснодга қолиб, боши котиб юрган эди. «Шахар марказидан икки хонали уй олиб берамиз, уч миң сўм пул ҳам берамиз», деб сиз айтганингиздек таклиф қилган эдим, дарров қўнди.

— Шарифа хозир беркиндими?— сўради бахти каро директор.

— Ха, беркинди.

— Айт, очикка чиқсин. Бўлмаса иш расво бўлади. Хар кун милицияга бориб, алимент талаб қилаверсин,— топширикберди Одил баттол.— Биз хали полковникдан пул ҳам ундирамиз, уни хонавайрон қиламиз!.. Мана бу, Шарифага ваъда қилгани пул. Мана бу олтилар — сеники. Тилла тиш кўйдирасанми, хотинингга узук ясашиб берасанми, ихтиёр ўзингда. Мен ўз дўстларимни ҳеч қачон алдамайман, ваъда қилдимми — бажараман... Саллабодрок, тур ўрнингдан!

Саллабодрок деганлари ҳалиги паҳлавон экан, шошмасдан, ниқиллаб ўридан турди.

— Араванг гилдираб турибдими?

— Юриб турибди, саркор.

— Уларни элтиб бердингми?

— Айтганингиздек бўлди, саркор.

— Шакарни-чи?

— Олиб чиқишнинг иложи бўлмади.

— Шу кечаси тишчит.

— Хўп бўлади, саркор.

— Шойи артелига бордингми?

— Бордим.

— Олдингми?

— Сиз айтган жойга элтиб ташладим.

— Ма, мукофотингни ол!— Шундай деб бахти каро директор сумкасида бир даста пул чиқариб, Саллабодрокка узатди.

«Қанақа жойга келиб қолдим ўзи, булар кимлар?— деб ўйлашиб қолдим.— Наҳотки, хозир ҳам шунақанги одамлар яшаб келаётган бўлса. Бирни ўғри, бири порахўр, бири тухматчи, жаминки саркитлар макони экан-да, бу ер. Демак, мен одамларнинг ҳаловатини ўғирлаб, милицияга туну-кун тишчилик бермайдиган сарик девлар хузурига келиб қолдиман-да!»

— Чайковчилар бошлиги, Ориф, тур ўрнингдан!

Озгин йиғит кўлини ерга тираб, араиғ ўришдан турди, тураётиб бир мункиб ҳам кетди.

— Ганир!

— Ишлар чатоқ, саркор.

— Ишмаси чатоқ?

— Чайковчилар камайиб кетяпти.

— Нега?

— Милиция, чайковчи уруги борки, ушлаб қамаяпти.

— Сен ўз кадрларингни сақлаб қолди чораларини кўрмайсанми?

— Кўряпман. Маҳсифуруш хотинлар номидан тухмат уюштириб, участкавий милиционерни ишдан олдиртирдим.

— Яхши, шунга ўхшаш ишларни яна давом эттир. Кадрларни эҳтиёт қил. Хўш, бозорда нарх-наво қалай?

— Кўнгилдагидек, сарқор. Пигирма бир сўмлик атлас элликка кетяпти!

— Эшитдингми, семиз?— сўради Одил баттол. Семиз киши ўтирган ўрнида «ним» деб қўйди.

— Бир юз эллик сўмлик гилам икки юз элликдан пулланыпти,— ахборот беришда давом этди чайковчилар бошлиғи.

— Буни ҳам эшит, семиз!— яна буюрди Одил баттол. Семиз киши яна «ним» деб қўйди.

— Андатра қалпоғининг баҳоси ҳозир олтмишга...— Чайковчилар бошлиғининг сўзи оғзида қолди; бахти қаро директор биров оёғини босиб олгандек сапчиб ўрнидан туриб кетди. Бориб, хўппа семиз амакининг ёқасидан тортиб, ўрнидан турғизда-да, бўғиб:

— Сен семизга қачон ақл қиради? Қалпоқнинг баҳоси юз сўмга чиққунча оғборда сақлаб тур, деган эдим-ку, нега магазинларга чиқариб юбординг, мен у молларни осонлик билан топиб келганимидим...— деб унинг бетига тарсаки тортиб юборди..

— Ахир, магазинчилар тўполон кўтаришди-да,— ўзини оқламоқчи бўлиб деди хўппа семиз амаки.

— Нима деб тўполон кўтаришди?

— Молни бер, бўлмаса ОБХССга борамиз дейишди.

— ОБХССдан энди кўркмасанг ҳам бўлади!— тутаклиб деди бахти қаро директор.— Унинг бошлиғи ҳозир ўлим тўшағида ётибди. Худо хоҳласа, яқинда ҳаммамиз жанозасига борамиз... Ваъда қилинган пулни олиб келдингми?

— Ярмини.— Шундай деб, яна тарсаки тушиб қолишидан чўчиб, икки кўли билан икки бетини беркитиб олди хўппа семиз амаки.

— Қолгани-чи?

— Айтдим-ку, пора олиш қийинлашиб кетяпти деб.

— Елгон айтяпсан, итвачча! Пора олишни икки баробар кучайтирганингдан хабарим бор. Тушган пулларни шаҳар ташқарисидаги уйингга беркитиб қўйганингни ҳам билмаман... Мутал!

— Лаббай, сарқор?

— Бугун кечаси тинтув ўтказасан.

— Хўп бўлади, сарқор.

— Кечирасиз, устоз,— хўппа семиз амаки оёғи куйган товукдек питиллаб келди,— пулларнинг ҳаммасини олиб келган эканман, энди эсимга тушди. Чап чўнтагимда эди, ҳа, ҳа, чап чўнтагимда...

Семиз амаки шоша-пиша чўнтагидан белига эсимизгина оқ коғоз ёпиштирилган икки даста пул олиб саркорнинг олдига қўйди.

— Лахтак магазинининг тadbиркор директори Қаюм, тур, дўстларингга ҳисоб бер.

Пешанаси йилтироқ амаки дик этиб ўрнидан туриб, буйруғингизга тайёрман, дегандек қўл ковуштирди.

— Фирмалардан келган молларни сотдингми?

— Ярмини сотдим.

— Ярми-чи?

— Филлааларимга чиқариб юбордим.

— Қўлга тушиб қолишса-чи?

— Чорасини кўрдим. Аввал лахтакка бўлиб, сўнг чиқардим.

— Офарин!— қарсақ чалиб қўйди саркор. — Бизга тегишли пулни олиб келдингми?

— Олиб келдим, устоз...

Худди шу пайт ертўланинг қопқоғи очилиб, иккилаганича ялмоғиз кампир тушиб кела бошлади. Ун бештача билкиллаб пишган товукни катта тоғорада аранг кўтариб келарди у.

— Чик биттанг, коньякни олиб туш!— деди Одил баттол тамшаниб. Пешанаси йилтироқ амаки гизиллаганича тепага чиқиб, ўн бутилка коньяк олиб тушди.

Зиёфат бошланди. Худди қароқчиларга ўхшаб, ҳар биттаси биттадан товукни бутунича қўлига олиб, чинни косаларга тўлдириб коньяклардан кулқиллатиб қуйиб, лабларини чапиллатишиб, пишиллатиб, бир-бирларига ҳазил-мутойна сўзлар айтишиб, овқатлана бошлашди.

Ора-чора дастурхонга мен ҳам қўл узатиб турдим.

Бора-бора ўтган-кетган гаплардан, кийинчиликлардан ҳам гапирга бошлашди. Гапларидан шу нарса маълум бўлдики, шаҳарда жинойтчилар камайиб кетавергач, милиция таъқибидан бир амаллаб жон сақлаб қолган мана шу жинойтчилар бир-бирини химоя қилиш, бир-бирига суяниш, бир-бирига кўмаклашиш, бир-бирига фойдали, фойдасиз маслаҳатлар бериш мақсадида бир неча ой мукаддам бирлашиб олишибди. Одил баттол ҳаммасининг бошлиғи бўлиб, унинг ҳар бир сўзи мана шу чапиллатиб товук гўшти саятгаплар учун қонуи экан. Тарсаки еган хўппа семиз амаки

район матлубот жамиятининг омборчиси, орик йиғит — Ориф бозорда паттачи, Мутал йиғирма иккинчи базада шофёр, пешанаси йилтироқ Қаюм лахтак дўкониниң директори экан.

Бошлик милициядан эҳтиёт бўлиш, дружиначиларга қандай қилиб чап бериш ҳақида фойдали маслаҳатлар берди. Шубҳали туюлган ҳар бир кишини иложи борича қўлга олиш, қўлга олиб бўлмаса ундан қандай қилиб қутулиш йўллариини ўргатди: «Тўхмат қилиш, мишмишлар тарқатиш энг яхши қуролимиз бўлсин», деган гапларини айтди.

— Навбатдаги учрашувимиз шу ойнинг йиғирма еттинчи числосида соат ўнда бўлади, — деб гапини тугатди Одил баттол. — Энг муҳими ҳушёр ва дадил бўлайлик, ҳушёрлик ва дадиллик шпоримиз бўлсин. Орифжон, қани ука, шу ердан ўтган-кетганларнинг арвоҳига бир тиловат қилиб юбор.

Чайқовчилар бошлиғи чўкка тушиб, худди боласини йўқотиб қўйган она эчкининг маърашига ўхшаш овозлар чиқариб, тиловат қила бошлади. Охирида:

— Илоё омин! — деб икки қўлини чирокка етгудек қилиб баланд кўтарди. — Гапимлар гафлатда бўлсин, ишимизга ривож берсин, тadbиркор бошлиғимиз Одилжон акамлар хамина саломат бўлсинлар!

— Облоху акбар! — деб ҳаммалари ўриндан туришди.

Хужжатларни қаерга беркитишини кўриш мақсадида, мен Одил баттолнинг орқасидан эргашдим. Бояғи тасеи кутиб турган экан. Ўтиришимиз билан машина кушдек учиб кетди.

Бахти каро директор орқа ўриндикда ёнбошлаб, ҳаддан ташқари хурсанд бўлса керак, ўзича хиргойи қилиб боряпти. Мен бўлсам Салимжон акамнинг сўзларини эслайман. «Биласанми, Хошимжон, — дерди баъзан у, — юз минглаб виждонли, ҳалол яшаётган кишилар ичида баъзан битта-иккита турки совуғи ҳам учраб қолади-ю, ҳамманинг дилини сиёх қилади, оромини ўгирлайди. Сен билан меннинг вазифамиз ана шу турки совуқларни топиб, яхши йўлга солиш, йўлимизга юрмаса, бошлаб таъзирини беришдан иборат...» «Хайрият, деб ўйлайман яна ўзимча, — районимизда турки совуқлар унча кўп эмас, бор-йўғи олтига экан. Мана, мен уларнинг изига тушиб ҳам олдим. Навбати билан ҳаммасини қўлга оламиз...»

Бахти каро директор ошхонага тегишли хужжатларни ер остидаги хазинасига беркитганини ўз кўзим билан кўргач, кўнглим тинчиб, ярим тунда уйимизга жўнаб кетдим.

Қўнгироқни ҳар қанча жириинглатганим билан Лутфи холам бари бир уйғонмаса керак, деб ўйлаб, Салимжон акамнинг ховлисига девордан ошиб тушдим. Ховлига тушгач, бошимдан калпоқчамни олиб, кўзга кўринадиган бўлиб олдим. Қизик, тушимми, ўнгимми?! Салимжон акам гулзор оралаб, тоққайчи билан гул қирқиб юрибди. Ахир, у мен кетаётганда шаҳар касалхонасида ётувди-ку, дўхтирлар аҳ-воли анча оғир, деб айтишаётган эди-ку!

— Ассалому алайкум!— дедим яқинига бориб.

— Не, Хошимжонмисан?— деди бошлигим қаддини рост-лаб.— Осмондан тушдингми, ердан чиқдингми?

— Девордан ошиб тушдим,— дедим,— ўзингиз-чи? Ўзингиз қайқдан пайдо бўлиб қолдингиз? Оқшоқ йўқ эдингиз.

— Қасалхонадан қочдим,— деб Салимжон акам негадир ўзини-ўзи оқлай бошлади.— Биласанми, ўғлим, мен умрим-да касалхонада ётган эмасман. У ерда касалим оғирлашса оғирлашадикки, лекин тузалмайди. Дўхтирларга бу гапни ҳеч тушунтиролмадим. Бу ёқда, кўриб турибсан-ку, ишлар чалқашиб ётибди... Бунақа пайтда касалхонада ётиб бўлар-канми... Ҳаммасини ухлатиб, секин қочиб қолдим. Биласан-ми, Хошимжон, мен қандай ҳулосага келдим?

— Йўқ, билмайман.

— Менинг пўлат сандигимдаги ҳужжатларни ўғирлашни Одил Аббосов ташкил қилган.

— Тўғри айтасиз.

— Чунки, бу ҳужжатларни йўқотишдан фақат шу одам-гина манфаатдор. Лекин ўғирликни ўзи қилмаган.

— Тўғри айтасиз. Ўғирликни ўзи қилмаган.

— Бу одам сен билан мен ўйлаганчакан содда эмас. Тузалмайдиган хилдан экан... Яхши йўлга тушиб олар, деб мен унга қанча яхшиликлар қилдим. У бўлса доим мени алдан пайнда.

— Сиз Одил Аббосовни кўпдан танийсанми?

— Ўн йилча бўлди таниганимга.

— Пилла заводидаги жиноятчилар орасида у ҳам бормиди? Эслай оласанми?

— Эсимда йўқ, ўғлим. Сал кам қирқ йиллик гап ёдим-да туради дейсанми. Нега буларни сўраясан?

— Ўзим... Шундай...

Йўқ, бахти қаро директордан эшитган гапларимни ҳозир айтишининг мавриди эмас. Бошлигимнинг юраги касал, яна ётиб қолиши мумкин. Унга фақат ҳурсанд қиладиган гапларининга айтишим керак. Ҳужжат қаердалигини айтсам,

хойнахой, севинганидан касали ҳам тузалиб кетиши мумкин.

— Салимжон ака, диванга ўтирайлик, — дедим мумкин қадар жиддий бўлишга ҳаракат қилиб.

— Бирон муҳимроқ гапинг борми?

— Мухимдан ҳам муҳим!

Кетма-кет айвонга чикиб, диванга ўтирдик. Сехрли қалпоқчам хақида ҳеч нарса демай, кишлоқдан қайтиб ошхонага бордим директорнинг кетидан тушдим, деб секин гап бошладим. Сўнгра шу кечаси нимани кўрган бўлсам, нимани эшитган бўлсам, оқизмай-томизмай сўзлаб бердим.

— Наҳотки, сени сезишмаган бўлса? — гапимга ишонкирамай сўради полковник.

— Мен кўздан гойиб бўлиш йўлини биламан.

— Йўғ-е! — яна ишонмади бошлиғим.

— Рост айтялман. Ишонмасангиз синаб кўришингиз мумкин. Кўзингизни юминг-а...

Полковник истар-истамай кўзини юмди. Бошимга қалпоқчамни кийиб, гойиб бўлдим. Ўрнидан туриб:

— Энди мени кўряпсизми? — деб сўрадим.

— Ростдан ҳам кўринмай қолдинг! Овозингни эшитялман.. Тавба... Бу қанақаси бўлди? Тағни сен сеҳргар бўлмагни?

— Йўқ, мен сеҳргар эмас, сержант Хошимжон Рўзиев бўламан.

— Тавба, тавба! Қани, яна кўзга кўрин-чи!

— Бўлмаса кўзингизни юминг.

— Мана юмдим.

— Энди очинг.

— Эй, тавба, эй, тавба! Хошим, бу ўзингмисан! Ё мен туш кўрялманми! Эй, тавба! Сен кип-қизил фокусчи экансан-ку. Қанақа қилиб, кўздан гойиб бўлдинг-а?

— Дорисини ичдим.

— Қани, ўша доридан бир қап менга ҳам бер-чи.

— Бу дорини бошқа одам ичса, тил тортмай ўлади.

— Йўғ-е!

— Рост. Кейин бу сирни учинчи бир киши эшитса, эшитган захоти учови ҳам ўлади.

— Тавба, мен туш кўраётганим йўқми?

— Йўқ, ўзингиз, Салимжон ака.

— Бўлмаса фокусингни яна бир такрорла-чи.

— Кўзингизни юминг.

Ўн-ўн беш минут чамаси айвонда беркинамчоқ ўйнадик, овозим чиккан жойга бориб, мени топа олмагач, Салимжон акам хонани бошига кўтариб, кулиб юборарди.

Нихоят яна диванга ўтирдик.

— Бу дорини сен каердан топдинг?— ҳамон хайрати ошиб борарди бошлигимнинг.

— Бувижоним берди.

— Бувижонинг алхимикми дейман?

— Нима дедингиз?

— Катта олимми деяпман.

— Шунакарок.

— Бувижонингни бу кашфиёти учун, менимча, давлат мукофотига тақдим этиш керак.

— Мумкин эмас.

— Нега энди мумкин бўлмас экан?— бир оз ранжигандек бўлди бошлигим.— Ахир бир хил одамлар оташкурак ясаसा ҳам, мукофот берасан, деб тўполок кўтаради-ку, сен бўлсанг..

— Бу сир ошкор бўлган кун бувижоним ҳам ўлади

— Йўг-е!

— Рост айтяпман.

— Демак, бу сирни бировга айтиб бўлмайди дегин?

— Ха

— Қизиқ...— Бошлигим ўрнидан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.— Халқ орасида қадим замонлардан буён сеҳргарлик илми яшаб келади, дейишади. Мен бўлсам, ишонмас эдим. Бундан уч йил олдин Ленинградга семинарга бордик. Бир кизчани кўрсатиб, кўзи шунақанги ўткирки, етти қават нўлат сандиқ ичидаги парсаларни ҳам бемалол кўра олади дейишди. Мен ишонмадим. Қизча ёнимга келиб: «Синаб кўришингиз мумкин, амаки», деди. Чўнтагимда паспортиму, келишнинг билан Қарим бирга тушган расм бор эди. «Қани, чўнтагимда нима бор, топ-чи», дедим. Қизча кўксимга тикилиб туриб: «Паспорт билан икки кишининг бирга тушган расми турибди», деса бўладими!.. Қим билди, сенинг бувижонингда ҳам хали фанга маълум бўлмаган бирор илм бордир...

— Салимжон ака!— мурожаат қилдим бошлигимга.

— Нима дейсан?— ҳам сўзлашдан, ҳам юришдан тўхтади бошлигим.

— Сиз мени яхши кўрасизми?

— Ўғлимдан ҳам аъло кўраман.

— Мен ўлиб қолсам оғир аҳволга тушиб қоласизми?

— Ундай дема, тентак! Шу гапингни эшитибок, юрагим ўйнаб кетди.

— Унда бу сирни бировга айта кўрманг. Сир ошкор бўлган кун аввал мен ўламан...

— Сир сақлашда менга тенг келадигани йўқ, ўғлим

Кирк йилдан буён милицияда ишлаб, кирк йилдан буён одамларнинг сирини сақлаб келаман. Лекин, ўғлим, сендаги бу сехр билан мендаги тажриба кўшилса, жиноятчиларга кирон келарди-да!

— Шушнинг учун ҳам кишлокка бориб келдим-да.

— Баракалла, ўғлим! Энди ишга киришайлик. Ҳозир мен ҳужжатлар қаерда турганини полковник Али Усмоновга хабар қилай. Лекин кўркма, сирингни очмайман, бу сир энди мен билан бирга қабрга кетади.

Соат учдан ошиб қолган эди. Салимжон акам телефон қоқиб, Али Усмоновнинг хотинидан, эрингни уйғотиб бер, деб илтимос қилди. Бир оз вақт ўтгач, телефонга Али Усмоновичнинг ўзи келди шекилли. Салимжон акам: «Қасалхонадан эмас, уйдан гапирялман. Қочиб келганим йўқ, дўхтирлар руҳсат берди. Сенга муҳим бир гап айтмоқчиман, ўғирланган ҳужжатлар қаердалиги аниқланди. Ҳозир бораман дейсанми, яхши бўларди...» деб гаплашди.

Ярим соатлардан сўнг, полковник Усмонов ўзи билан бирга жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи, ҳали ёш бўлишига қарамай сочлари оппок оқариб кетган майор Холиқовни бошлаб, ховликканча кириб келди.

Равонга думалок стол кўйиб, тўртовимиз унинг атрофига ўтирдик.

— Сўз сизга, ўртоқ Рўзиев!— деди полковник Усмонов.

Ўрнимдан туриб, нима кўрган бўлсам, нима эшитган бўлсам — ҳалиги жиноятчиларнинг нем-фамилиясигача ҳамма-хаммасини сўзлаб бердим.

— Ақлнинг бовар қилмайдиган гаплар-а...— ўйга толиб деди полковник Али Усмонов.

— Мен ўртоқ Рўзиевнинг гапларини тўлиқ тасдиқлайман,— қутилмаганда менинг фойдага гапириб қолди майор Холиқов.— Жарликда шубҳали одамлар онда-сонда йиғилиб туриши ҳақида бизла маълумот бор... Лахтак магазини эса, ҳозир бизнинг назоратимизда. Шойи артели билан алоқада бўлгани учун ишини очмай турибмиз. Мен ўртоқ Рўзиевнинг маълумотларини тўлиқ тасдиқлайман ва бу ёш йиғитчани жасорат кўрсатгани учун табриқлайман!

Шу гапдан сўнг жиноятчиларни қандай қўлга олиш планини тузишга киришдик. Мен, бу кечасиёқ бахти қаро директорнинг уйига бориб, ҳужжатларни олиш керак деган эдим, бу режам ҳеч бирларига маъқул бўлмади. Шерикларини хуркитиб қўямиз, дейишди. Жиноятчини жиноят устида қўлга тушириш зарурлигини айтишди. Қолган беш жиноятчининг низига тушиш, уларнинг қора қилмишларини

пукталаб ўрганиш, яна шериклари бўлса, уларни ҳам аниқлаш ва навбатдаги йиғинларида ҳаммаларини ўша жарлик даги ертўланинг ўзида қўлга олишга қарор қилдик.

— Хўш, бу операцияга раҳбарлик қилишни кимга топширсак экан?— сўради Али Усмонов.

— Сержант Рўзиевнинг ўзига топширамиз,— деди тўсатдан менинг бошлигим.

— Сержант ёшлик қилиб қолмасмиканлар?— иккиланиб қолди Али Усмонов.

— Сени ўз ўринига район милициясига бошлиқ қилиб тайинлашларини сўраганимда,— қолларини кериб, ҳар бир сўзини таъкидлаб гашира бошлади Салимжон акам,— бошқалар ҳам, «бу ош сутти оғзидан кетмаган йиғитча нима каромат кўрсатаркан...» деб қулишган эди. Лекин мен сенига ишонган эдим, янглишмаган эканман. Мана, лейтенантликдан полковник даражасига кўтарилдинг. Районда тартиб ўрнатдинг. Одамларга ишонин керак, полковник! Мен Хошимжонга худди ўзимга ишонгандек ишонаман.

— Салимжон ака, сиз менинг устозим бўласиз,— қулиб кўйдди Али Усмонов,— милициянинг алифбесини сиздан ўрганганман. Ҳар бир сўзингиз мен учун қонуи! Ўртоқ Рўзиев, сизни биринчи масъулиятли топшириқ билан табриқлайман.

— Хизматга тайёрман, ўртоқ полковник!— дик этиб ўринидан туриб, ҳеч бердим.

— Лекин,— сўзида давом этди полковник,— ҳар бир қадамингизни мен ва Салимжон акангиз билан маслаҳатлашиб ташлайсиз.

— Хўш бўлади, ўртоқ полковник.

Тонг отиб қолган эди, самоварга тараша ташлаб, стол устига бувижоним бериб юборган нозу-неъматларни келтириб кўйдим.

Чакчақлашиб ўтириб понушта қилдик.

Ишнинг бу ёғи жуда тез юришиб кетди, ҳа, ҳа, жуда тезлашиб кетди. Салимжон акам билан икковлашиб, операцияни қандай амалга ошириш режасини тузиб, унга шартли равишда «Сарик девини қувиб» деб ном бердик.

— Ўртоқ сержант,— деди бошлигим ўриндан туриб,— энди хўппа семиз порахўрининг изидан тушасан.

— Бахти қаро директор-чи, ўртоқ полковник?

— Уни назорат қилиш учун ҳам ишхонасига, ҳам уйига қоровулни ўзим қўяман.

— Жуда соз, ўртоқ полковник.

— Оқ йўл, сержант болам!

Фотоаппаратни елкамга осдим, милиция ходимлари учун махсус ишланган ихчамгина магнитофонни қўлтигимга қис-

диму, каердасан хўппа семиз порахўр, деб район матлубот жамиятининг омборхонасига жўнаб кетдим.

Ана бойлигу, мана бойлик! Узунлиги икки юз метр, баландлиги 20 метр келадиган катта омборхона хар хил моллар билан лиммо-лим тўла! Ипак гиламлару деворга кокиладиган гиламчалар, гулли шойилару ранг-баранг товланиб турган — «Кизи кийиб, келини куйиб ўлсин» деб номланган атласлар, бувижоним ҳеч ёқтирмайдиган холодилнинг ойижоним излаб тополмай юрган ялтироқ жавонлар.. Йўк, йўк, биласиз-ку, мен сўзга унча чечан эмасман, барчасини номма-ном айтиб беролмайман, ёш болаларнинг бежирим кийим-бошларини айтсам, жерси пальтолар қолиб кетади. Пахта гулли чойнак, пилалардан гап очсам, уюлиб ётган андатра калпоқларню той-той қилиб боғланган жун рўмолларга навбат келмайди.

Омборга шундоқкина кираверишда юк ташийдиган машинанинг кабинасидек келадиган кичкинагина бир хона бор экан, очик эшигидан бундай қарасам, хўппа семиз амаки шу ерда ўтирибди. Бошида шляпа, бўйнида тугуни муштдек келадиган гулли галстук. Қовоғи айрои халтадек осилган. Иягини кўкрагига тираб, кирган одамни сузиб олмоқчидек, пешанасини эшикка ўхталиб, чўт коқяпти. Ташқарида ўн-ўн беш чоғли магазин мудирлари, ичкари киргани юраклари бетламай, сен бошла, сен бошла, деб бир-бирини итаришиб турибди.

Магнитофонни овоз ёзишга шай қилиб, фотоаппаратини ҳам тайёрлаб турдим.

— Ассалом алайкум!— деди ниҳоят биттаси ичкари кириб.

Жавоб бўлмади.

— Қалай, кайфиятингиз яхшими?— яна сўради кирган киши.

Хўппа семиз амаки ниҳоят бошини кўтарди. Унинг шу пайтдаги вазоҳатини кўриб, магазинчи у ёқда турсин, менинг ўзим ҳам қўриқиб кетдим, бай-бай-бай, бир одамнинг вахшати ҳам шундай бўладими!

— Мен, мен...— деб магазинчи дудуқланиб қолди.

— Нима «мен», «мен»?— жерқиб берди хўппа семиз амаки.

— Молга келувдим

— Мол йўк.

— Ўтган сафар ҳам ололмовдим.

— Худо хоҳласа бу сафар ҳам ололмайсан.

— Жон хўжайини, беш-ўн минг сўмлик бериб туринг. Планини ҳеч бажариб бўлмаяпти

- Нима керак ўзи?
- Кеча атлас, гилам келибди деб эшитдим
- Уларнинг харажати бор.
- Харажатига биз ҳам шерик, хўжайини.
- Қанча берасан?
- Юз сўм.
- Юз элик, чўз, ўнта гилам бераман.
- Юз ўн берайини, хўжайини.
- Ҳа, майли, юз қирк бера қол, сен ўзининг укамсан
- Юз йигирма берай, ахир акамдек бўлиб қолгансиз.

Ака-укалар бозордаги зикна чайковчи билан пули оз-у, лекин молини ёктириб қолган харидорга ўхшаб роса талашиб-тортишишди. Охири бир юз йигирма беш сўмга келишиб, магазинчи пулни узатди, хўппа семиз амаки кўлини чўзди. Худди шу пайтда мулла Хошимжон уларни эсдалик учун суратга ҳам тушириб қўйди.

Олоб, назокат билан салом бериб, яна бир магазинчи кирди. Хали пора олаётганда хўппа семиз амакининг чехраси гул-гул яшнаб, лабида илжайини деса илжайишга, табассум деса табассумга ўхшамайдиган аллақандай ифодалар пайдо бўлган эди. Улар ҳозир қасқадир йўк бўлди-ю, ўрнини довучча чайнаб олганда пайдо бўладиган бужмайишга ўхшаш бир ифода қоплади.

- Ассалому алайкум!— деди магазинчи йигит.
- Нима?— бошини кўтармай сўради амаки.
- Салом деяман.
- Гапингни айтавер.
- Биз ҳам молга келдик.
- Шакар бераман.
- Шакар магазинда тикилиб ётибди.
- Юз қоп туз ол бўлмаса.
- Тузни бошимга ураманми?
- Бошқа ҳеч нарса йўк.
- Кеча апельсин, ҳинд чойи келибди, деб эшитдим. Ўшалардан беринг. Харидорларни бир хурсанд қилтай.
- Мени-чи? Мени қим хурсанд қиллади?
- Келивойи хурсанд қилсинлар.
- Сен айтган нарсалар йўк.
- Бор. Кеча келган.
- Уларнинг чикими бор.
- Бўлмаган гап.
- Йўқол!
- Устингиздан арз қиламан, ОБХССга бораман!!!
- Йўқол деяман! Сен халқ душмани, совет савдосига доғ тушириб юрган провакаторсан!-- Шундай деб хўппа се-

миз амаки столни муштлаб, ўрнидан туриб кетди. Икки қўлини икки томонга ёзиб, худди жўжасини химоя қилган она товукдек хурпайиб, магазинчининг устига бостириб бо-ра бошлади.— Сен тайёр молларни олиб бориб сотмасдан давлат планининг бажарилишига зарба беряпсан. Сен ёт ун-сур, ички душмансан. Сени жавобгарликка тортиш керак, камаш керак! Сен харидорлар хакига хиёнат қилувчи ашад-дий юлгичсан!

— Бақирма, сенга пора берадиган аҳмок йўк,— деди йи-гит ҳам, муштлашсам муштлашай деди шекилли, қўлини мушт қилиб.

— Йўкол деяпман!

— Менинг йигитларим ҳалол ишлашади, улардан бир тийин сўрашга ор қиламан. Мол берасанми, йўкми?

Йигит азамат экан, хўппа семиз амакиннинг дўкидан қўркмай, қўлига стол устида турган чўтти олди.

— Ҳозир бошингни ёраман.

Омборчи амаки оркасига тисарилди-да, ўрнига ўтириб қолди. Кейин қутилмаганда хахолаб кулиб юборди.

— Ҳазиллашдим, тентак. Қанча чой керак?

— Тўрт яшик.

— Апельсиндан-чи?

— Берганингизча.

— Об-бо тентак-ей, ҳазилни ҳам билмайсан-а? Болалар-нинг яхшими?

— Яхши.

— Келин бола ўқияптими?

— Ўқияпти.

— Лекин, ука, ҳеч бўлмаса йиғирма сўм берасан. Ири-ми шунақа, бўлмаса касал бўлиб қоламан.

— Бир тийиним ҳам йўк.

— Ҳеч бўлмаса бир сўм бер, тушлик овқатим чиқсин.

— Енимда автобуснинг абонементидан бошқа ҳеч вако йўк.

— Ха, майли, ўшани бера қол.

Йигит икки дона абонемент узатиб, мол ёзилган факту-раши олиб чиқиб кетди. Омборчи амаки: «Бўшман, латта-ман!»— деб негадир ўз биқинини чимдиб-чимдиб ола бош-лади...

Кейинги қирган магазинчилар унча савдолашмай, омбор-чи сўраган пулни узатиб, айтган молларини, олиб чиқиб кетаверишди. Омборчи ҳам хурсанд, магазинчилар ҳам хур-санд, магнитофону фотоаппарати яхши ишлаб тургани учун Ҳошимжон ҳам хурсанд, хайрли ишга ёрдами тегиб, милли-

ция олдидаги ўз бурчини ўтаётгани учун сеҳрли калпоқча ҳам хурсанд.

Хаммаёқ хурсандчилик!

Хўппа семиз амаки кимдан калча пора олгани, қанақа мол берганини дафтарига қайд қилиб бораркан. У ёзиб боряпти-ю, мен бўлсам дафтарни суратга тушириш билан овораман. Омборчи пулни санаётиб, хиргойи ҳам қила бошладди. Сўнг пул солинган сумкани бағрига босиб, бир-икки ўпди. Пўлат сандиғини очиб учун энгашган эди, секингина сумкасини олиб қўйдим. Бу пуллар порага тушган, олишга ҳаққи йўқ унинг. Шу билан бирга, уларни олиб кетиш учун менга ҳам руҳсат берилмаган. Салимжон акам билан маслаҳатлашаман, унғача омборхонанинг томига беркитиб қўйганим яхши.

Пулни томга беркитиб тушсам, хўппа семиз амаки омборхонада оёғи куйган товуждек, ҳар томонга зир югуриб юрибди. Мол тақсимлаётган йиғитчани ёқасидан бўғиб, оёғини ерга теккизмай, энигиллатганча ўз хонасига олиб кирди.

— Пулни бер!— деди сўнг негадир кулиб.

— Қанақа пул?— елкасини қисди йиғитча.

— Ҳозир олдинг-ку!

— Тавба!

— Елкаини қисма, кўриб турувдим.

— Худо урсин, агар пулнигини олган бўлсам,— деб йиғитча йиглаб юборди.

Хўппа семиз амаки кечгача ўзининг хонаси-ю, омборнинг ичкариларини титқилайвериш, гаранг бўлиб кетди. Бошларига муштлаб, биқинларини чимчилаб, «энди хотинимга нима дейман?»— дея, нишонсангиз, жиндек кўз ёши ҳам қилиб олди.

Салимжон акам жиноятнинг изига тушдигини, уни охирига етказ, деб таълим берган. Бошлиғимнинг ана шу сўзига амал қилиб, хўппа семиз амакининг унғача кузатиб боришга аҳд қилдим. Бахти каро директорнинг ер остидаги хазинасига ўхшаш, эҳтимол, бунинг ҳам беркитиб қўйган хазинаси бордир.

Хотини Оди баттолдан кўркарди, хўппа семиз амаки хотинидан кўркар экан.

— Бўриши, тулки?— деб сўради хотини омборчи унғача кадам босиши билан.

— Тулки...— чайналиб деди хўппа семиз амаки.

— А, тулки?! Бекорларни айғибсиз!— енглариши шимариб эрига қараб ўдагайлаб кела бошмади хотини.— Кеча

мол келмади, деб баҳона қилдингиз, бугун тулки дейсиз. Йўқ, бунақаси кетмайди...

— Ўғирлатиб кўйдим, ахир, ишонсанг-чи.

— Сиз бўласизу, пул ўғирлатасизми?! Йўқ, уйга кўй-майман. Овқат ҳам емайсиз. Бу ёқда ковокларим бўшаб ётибди-ю, толган баҳоналарини қаранг-а.

Ковок, нега ковок бўш қоларкан? Чиндан ҳам бу хов-лида бедана ковоклар шунақанги кўпки, олмаларга, сўри-ларга қаторлаштириб илиб ташланган. Йиғирма чоғли бе-дана бир-бирига гал бермай, «воволагу битбилиқ»ни авжи-га чиқаришяпти. Қизик, наҳотки, бедана пул еса! Йўқ, шима бўлганда ҳам бир текшириб кўриш керак. Милиция ходи-мининг вазифаси — шубҳали туюлган ҳар бир нарсани тек-шириб кўришдан иборат. Айвонга йиғирма бештача гулли тўрқовок осилган, иккитасида бедана борлиги аниқ. Негаки, тўрқовоклар билинар-билимас силкиниб турибди. Қолган-лари-чи? Нарвонини кўйиб, биттасининг ёпқичини кўтариб, секин мўралаган эдим, ана холос, ана ҳангома-ю, мана хан-гома! Яшаворсинлар-ей! Кетма-кет бошқаларини ҳам кўз-дан кечирдим. Олмаларга, қари тутининг устига ҳам чиқиб тушдим. Эллик тўрқовокнинг йиғирматасида сайроқи беда-на-ю, қолганда лик тўла пул, олтин тақинчоқлар, танга-лар!

Бахти каро директор бойлигини ер остида сақласа, бе-данавоз келиноғим осмонда, тўрқовокларда сақларканлар! Яшаворсинлар-ей!

Жамки тўрқовокларни шошилич суратга тушириб, ит қувган соқовлек, кечирайсиз, жуда шошилиб демокчи эдим, ҳаллослаганимча идорага қараб югурдим.

Лабораторияга кириб, кун бўйи олган суратларимни чи-қардим. Кейин ўттизта сурат, ҳар хил суҳбатлар ёзилган 18 метр плёнкаши кўтариб, бошлигимнинг ҳузурига кириб бордим.

— Ишлар қалай, сержант?— ўриндан туриб сўради Салимжон акам.

— Кўнгилағидек, ўрток полковник.

Келтирган совга-саломимни бошлигимга узатдим. Уларни кўриб, аввал Салимжон акам, ўн беш минутлардан сўнг полковник Усмонов сезинганларидан андак бўямаса кички-риб юбораёзиди. Магнитофонни кўйиб, полковник Али Ус-монов бир нафас ёқиман музика тинглаётгандек чайқалиб ўтирди-ю, охиригача чидай олмади шекилли, ўриндан туриб:

— Офарин, ўрток сержант!— деб хитоб қилди.— Салим-жон ака, сиз, тўрқовокли уйни дарров назоратга олинг

— Хўп бўлади!— Ўридан туриб деди меннинг бошлигим.

— Ўртоқ Рўзиев, омордаги энг кўп молни ўн олтинчи магазин директори олди дедингизми?— сўради Али Усмонов.

— Ўзиям поранинг кўпини ўша берди-да.

— Магазинни кузатиб! Лекин, ўртоқ Рўзиев, яна бир марта раҳмат. Сиз факултода талант эгаси экансиз. Сизга район милиция бўлими номидан ташаккур эълон қиламан ва уивонингизни оширишларини сўраб, бугуноқ министрликка тавсиянома ёзмаман.

МАҲСУМ ПОЧЧА, ҚАЛАЙСИЗ?

Мен сал уйқучироқ бўлганим учун ўриндан ҳамиша кеч тураман. Бошимни кўтарсам, Салимжон акам йўк — аллақачон ишга кетиб бўлибди. Бошлигим доим шунақа. Икки соат олдин бормаса, кўнгли жойинга тушмайди.

Апня-танил нонушта қилиб, идорага жўнадим. Коридордан ўтаётганимда партия ташкилотининг секретари капитан Хошимованинг хонасидан Салимжон акам икковларининг каттик-каттик гапирешиётгани эшитилиб қолди, нима гап экан, деб секин мўралаган эдим, Хошимова:

— Кираверинг,— деб таклиф қилди.

Кириб, бир чеккага ўтирдим. Капитан сўзида давом этди:

— Шундай қилиб ўша сизга чақалок топширган жувонинг изига тушдим. Оти Шарифа экан. Бундан уч йил олдин Чорсудаги ошхонада официантка бўлиб ишлаб юрган пайтида камомад келтириб у ердан қочган. Бир йилча поездда проводник бўлиб ишлаган. Кейин бетайини одамларга кўшилиб, саёк юра бошлаган.

— Сиз у билан юзма-юз учрашдингизми?— бетокат бўлиб сўради Салимжон акам.

— Учрашдим, икки марта учрашдим,— давом этди капитан.— Кейинги учрашганимизда, сизгилем, чақалокнинг қони билан полковникнинг қонини солиштириб кўрдик, ҳеч қандай ўхшашлик йўк, демак, чақалокнинг отаси бошқа одам. Менга өчигини айт, мен ҳам онаман, сенга ёрдам берай, ахир,— дедим.

— У нима деди?— яна сўради полковник.

— Йиглади, узоқ йиглади. Мана қогоз, мана қалам, ҳаммасини ёзиб бер, дедим. У жувон, уйда ёзиб келаман, ҳаммасини ёзиб бераман, деди.

— Хўш, нима деб ёзибди.

— Афсуски, у кочиб кетди.

— Кочди?!

— Ха!

— Иш яна чалкашибди, капитан. Чакалок каерда?

— Болалар уйида.

Сухбат худди шу ерга етганда, мен кўлим билан «хазир келаман» дегандек ишора қилиб, ташқарига чиқиб кетдим. Чунки, менинг зиммамга бундан ҳам муҳимроқ вазифа юклатилган. Уни тезроқ бажарсам, эҳтимол Шарифанинг туҳмати ўз-ўзидан очилиб қолар.

Бошимга қалпоқчамни кийиб, ашқол-дашқолларимни кўтариб, аралаш моллар магазинига йўл олдим. Бориб биринчи қилган ишим омборхонага ўтиб, кеча катта пора эвазига келтирилган моллар бутми, бут эмасми, шунинг текшириб кўриш бўлди. Хайрият, ҳаммаси жойида экан.

Директорнинг хонасига кирдим. Директор эллик ёшлардаги кош-кўзи коп-қора, юзи ҳам қора тўрдан келган, ўзи ёққа пиширилган бўғирсоқдек дум-думалоқкина бир киши экан. Сочини тарашлаб устарада олдириб, бошига қора духоба дўппи кийиб олибди. Қичкинагина мўйловчасига йилтироқ мой суртган бўлса керак, узокдан қарасангиз, устки лабида иккита қора кўнгиз ўрмалаб кетаётганга ўхшайди. Кеча хўппа семиз амаки унга «Маҳсум почча» деб мурожаат қилган эди, иш ҳам номга муносиб экан, пичирлаб, ҳар хил дуолардан ўкиб ўтирибди.

— Илоё омин,— деди бир маҳал Маҳсум почча кўл кўтариб,— эл-юртга қуту барақа ато қилгинки, юқи бизга ҳам тегиб турсин. ОБХССга исоф бергинки, уч-тўрт кун магазинни босмай турсин. Қайтим олмайдиганлар кўпайиб, шикоятчининг кўли қалта бўлсин, облоху акбар!

— Облоху акбар!— деб юборибман мен ҳам беихтиёр.

Маҳсум почча чўт қоклиб, бир нарсаларни ҳисоблашга тушди. Мен магазинга ўтдим. Ўттизта сотувчининг ҳаммаси хотин-қизлар, савдо шунақанги авжига чиқибдики, кўл-кўлга тегмайди. Битта қозоғга: «Дугонажон, хушёр бўлинг, бугун ОБХССдан текширув бор», деб ёздим-да, икки бети нақш олмадек кип-қизил бир сотувчининг олдига ташладим. Сотувчи, хатини ўкиб, ранги сал оқаришқирагандек бўлди. Шеригига бир нарса деб пичирлаган эди, шериги ўнг томонидаги аёлининг қулоғига шивирлади. Кўз очиб-юмгунча ўттиз сотувчи бир-бирига нималариндир шивирлаб чиқибди. Шу пайтда деиғ, сотувчиларнинг ҳаммаси таърифлаб бўлмайдиган даражада самимий, сертакаллуф, сержилва бўлиб қолса бўладими! Бир хиллари ичкаридан ҳалат кийиб чиққан, бир хиллари сочини тузатган, биттаси негадир, лаби-

га чаплаб кизил бўёк ҳам суртиб олди. Эшик олдида харидор кўринса, ҳаммалари бирдан эгилиб, салом беришадиган денг. Харидорлар чикиб кетаётганда қўлларини кўксига қўйиб:

— Хуш кўрдик!

— Келиб турсинлар!

— Шулли бегона қилмасинлар!— деб кузатиб қўйишади.

Маҳсум почча магазинга кириб, секция мудирлари навбати билан менинг хонамга кирсин, деб қолди. Директорнинг хузурига биринчи бўлиб, трикотаж секциясининг мудирин, ўзи аёл бўлса ҳам, муштлашиб колгудек бўлса, иккита эркакини бемалол юмалок ёстиқ қилиб ташлайдиган пахлавоннамо Анвара она кирди.

Магнитофонини ўрнатиб, фотоаппаратини шай қилиб турдим.

— Савдо қалай, Анварахоним?

— Емон эмас, Маҳсум почча.

— Қовоғингиз осилгаврок кўришадиган?

— Ўзим шундай...

— Сизни бир хурсанд қилайми?

— Ихтиёрингиз.

— Бўлимнингизга беш минг сўмлик мол чиқариб берман.

— Раҳмат.

— Уч юз сўм чиқими бор.

— Қўйинг шунақа гапларини, жовимга тегди!— Пахлавон Анвара она ўридан турди.— У ёқда ОБХСС, бу ёқда сиз. Уртада қолиб, қайтага юрак ўйноқ бўлиб қолдим. Тўғрима-тўғри ишлатсангиз ишлайман, бўлмаса йўқ. Худога шукр, эрим фах кандидати, топиш-тутиши ёмон эмас, давлатимиз тўрт хоналик уй бериб қўйган... Тўғр, энди чиқимли ишга ҳеч юрмайман.

— Эсингиз жойидами?— хайрон бўлди Маҳсум почча.

— Жойида.

— Қуруқ оёлик билан ишлаб бўларканми?

— Бошқалар ишлайпти-ку!

— Бор, чикиб кет!— бакириб берди Маҳсум почча. Пахлавон Анвара она чикиб кетгач, ўйинга тушаётгандек, бармоқларини қирсиллатиб бошқа жувон кирди.

— Қе, кизим,— юмшоқкина қилиб деди Маҳсум почча.

— Келдим, дадажон.— Эшик ёнидаги стулга омонатгина ўтирди жувон.

— Савдо қалай?

— Расво, дадажон.

— Нега расво бўларкан, опоқ кизим?

— Харидорбон молларни омборга кулфлаб ўтирибсиз-ку, опок дада.

— Шаддодсан-да, Шоҳиста, шаддодсан! Лекин, бугун сени хурсанд қиламан. Жерси пальтолар келтирдим...

— Жерси!— хурсанд бўлиб ўрнидан туриб кетди Шоҳиста.

— Андатра қалпоғидан беш юзта.

— Вой дадажоним-ей!— Шоҳиста югуриб келиб, Маҳсум поччанинг пешанасидан икки марта чўпиллатиб ўпиб олди, кўлларини кирсиллатиб ўйинга тушди.

— Беш юз сўм чикими бор, она кизим.

— Йўк, йўк, йўк!— Шоҳиста қайтиб бориб, ўрнига ўтирди.— Жиноятдан кўркаман, камалиб кетсам, эримга Нигора тегиб олади. Мени тинч қўйинг, дадажон.

— Валдирама!

— Йўк, йўк, дадажон, ОБХССдан кўркаман. Қамалсам эргинам шимига дазмол босолмай йиғлаб юради.

— ОБХСС, ОБХСС!— директор жаҳл билан ўрнидан туриб кетди.— Ҳаммангнинг оғзингдан шу гап тушмай қолди. ОБХССнинг бошлиғи менинг чўнтагимда!

— Қани, дадажон, кўрсатинг-чи?— қизикиб қолди Шоҳиста.

Директор чўнтағидан бир даста пул олиб, «тап» эткизиб стол устига ташлади.

— Мана, ОБХССнинг бошлиғи!

— Шу пулларнигизни еб, маза қилиб юраверинг, дадажон.

Шоҳиста ўрнидан туриб чиқиб кета бошлади. Ажойиб киз экан у. Бу ёқда директор аламидан сочини битталаб юлгудек бўлиб ўтирибди-ю, у бўлса кўлларини кирсиллатиб:

«Магазинга мол келди,

Бир дунё галва келди,

Тарам-тарарам...» деб, ашула айтиб чиқиб кетди.

Кувнок киз экан.

Директор учинчи аёлни чакриб:

— Эҳтимол, сен ҳам поз қиларсан?— деб ичинг қилди.

— Чикими бўлса, керак эмас!— Гапнинг охирини ҳам қутмай чиқиб кетди аёл.

Директор тутакиб, кутурган шернинг ўзгинаси бўлди-қўйди. Печка олдигаги кўмир тўла челакни шунақанги бир зарб билан тепдики, челак тараклаганича эшикларни очиб, ховлига чиқиб кетди. «Ўзим аҳмоқман,— деб Маҳсум почча хона ўртасида тик туриб, артистларга ўхшаб, монолог ўқий бошлади.— бўш қўйдим, талтайтириб юбордим ҳаммасини. Таълим-тарбия ишлари сусайиб кетди... Ҳалол ишлармиш,

халол ишлаб бўлсан. Чикимсиз ишлармиш. Чикимсиз мол бор эканми бу дунёда...»

Маҳсум почча ярим соатча монолог ўқиғач, инҳоят, чарчади шекилли, эшикни кия очиб:

— Холтўраева!— деб чақирди.

— Лаббай,— деган овоз эшитилди нариги хонадан.

— Бу ёкка кириш.

Остонада кексагина бир аёл кўринди.

— Тушки овқат маҳалида ҳамма сотувчиларни меннинг хонамга тўплайсиз. Анвара Одиловани шидан бўшатиш ҳақида буйруқ тайёрланг. Планларни бажармай келаётганлигини кўрсатиб ўтинг.

Тушки овқат маҳалигача директор ғазабдан тушиб, яна аввалгидек мўмин-қобил, кўёи боласидек безоргина бўлиб қолди. Кабинетига тўпланган аёлларнинг ҳар бири билан кўл беришиб, алоҳида-алоҳида сўрашиб чиқди. Кейин шошмасдан жуда узокдан гап бошлади: — Савдода ишлаш ҳозир жуда оғир бўлиб кетганимиш, базада шунақанги катта аждарҳо ўтирган эмишкни, отзи гордек келармиш... Унга бир нарсга бермасдан мол олиш жуда мушқул эмиш... Бир магазин мудирни ишга янги келган сотувчисига: «Акаси, менга икки килограмм гўшт тортиб бергин», дебди. Ёш сотувчи гўштни олиб келган экан, мудир уни тортиб кўрса, роппироса икки килограмм эмиш. «Пўк, акаси, менаданки юз грамм уриб қололмадингми, сендан сотувчи чикмас экан», деб шидан бўшатиб юборибди.

— Мана шунақа гаплар,— деди Маҳсум почча, таълим-тарбияга бағишланган путқининг биринчи қисмини тугатиб.

Аёллардан ҳеч қандай садо чиқмади, бошларини эгиб олишган, ухлаб қолишганга ўхшайди. Маҳсум почча чиройли путқининг иккинчи қисмини бошлаб юборди. Масалан, бир сотувчи қунига, ўрта ҳисобда, икки юз харидор билан муомала қилади. Ҳар биридан молнинг бўйи ва энидан чегириб, қайтимини бермай, ўртача ҳисобда, беш тийиндан олганда ҳам, қунига ўн сўм бемалол ишлайди. Буни на ОБХСС сезади, на халқ контроли. Ишларини билмиш керак, муомалангиз ёқимли, сўзларингиз ширин, ҳаракатларингиз назокатли бўлса, харидор сизга маҳлиё бўлиб, бир-икки сўм ортқик тавлаб кетганини ўзи ҳам сезмай қолади...

— Тўғрими, қизим?

— Нотўғри!— деди Маҳсум поччанинг қизи.

— Нима, нима, нима?!— сенин ўридан тура бошлади директор.

— Ха, потўгри!— умумий хор бўлиб такрорлашди кизлар. Директор ўрнидан туриб кетди, кизлар ҳам кўзгалишди. Сиз бир ёнда, биз бир ёнда дегандек, директор бир тараф, жамки сотувчилар бир тараф, ўрталарида тортишув бошланди.

Директор. Нима, нима?

Кизлар. Хеч қайси магазинда юлгичлик йўқ, фақат сиз ўргатясииз?

Директор. Бўлмаган гап.

Кизлар. Қаршимиздаги магазин-чи? Улар хеч қандай чикименз ишлашадми-ку?

Директор. Шунинг учун ҳам хеч иланлари тўлмайдми.

Кизлар. Елгон! Ўтган ойда кўчма кизил байроқ олишди.

Директор. Жим бўлинглар, захчалар! Мен айтганини киласанлар.

Кизлар. Қилмаймиз! Ҳалол ишлаймиз!

Директор. Ҳали шунақами? Холтўрасва, буйрукни ўкинг.

Холтўрасва. Ўқимайман.

Тортишув худди шу ерга етганда, кизлар директорни хар томондан қуриаб кела бошлашди. Бештаси кўлидан, бештаси оёғидан, бештаси белидан кўтариб, ховлига олиб чиқишди-да, тузланган балик солинадиган каттакон бочкани аввалдан тайёрлаб қўйишган экан, директорнинг дод-войига ҳам қарамай, қўл-оёғини боғлаб, бочкага солишди.

— Бизни юлгичликка ўргатадиган хали сизмииз?— дейишди кизлар.

— Ҳаммангини ишдан бўшатаман!— бакирди директор.

Кизлар чугурлашиб, кикирлашиб кулишиб, бир-бирини итаришиб бечора Маҳсум поччанинг устидан челақлаб сув куя бошлашди. Директор додлаган эди, халиги шаддод киз, Шохиста югурганича ичкаридан терисен буришган бир чилдирмани олиб чиқди-да, дўпиллатиб чала кетди. Кизлар бочкани ўртага олиб, сакрашиб, ўйнашиб, ашула айтиб, директорнинг овозини йўқ қилиб юборишди:

Маҳсум почча қалайиз?

Қаймоқ берса ялайиз!

Чикименз мол бер, десак,

Бобов бўлиб талайиз!..

— Кизлар,— буйрук берди биттаси,— кечгача тегманглар! Бир таъзирини есин. Энди юринглар, магазинни очайлик, танаффус ҳам тугади.

Кизлар килган ишларидан мамнуи бўлишиб, кулишиб, бир-бирларини чимчилашиб, магазинга кириб кетишди. Маҳсум почча, томоғигача сув ичида, дағ-дағ қалтираб, бочканинг ичида қолаверди. Аста олдига бориб:

— Илоё омин,— деб ўзига ўхшатиб фотиҳа ўқидим,— мана шунақа шаддот кизлар кўпайиб, сизга ўхшаган таъмагирларнинг таъзирини бераверсин, ОБХССнинг иши енгиллашаверсин, облоху акбар!

Очкаб қолган эканман. Кўчанинг нариги юзидаги ошхонага қараб югурдим.

ЎҒРИ БИЛАН ЧАЙҚОВЧИ МИЛИЦИЯГА ЧАП БЕРДИ

Ошхонада ўтириб, чўзма лағмон еяману, назаримда, мен лағмонни эмас, лағмон мени саятганга ўхшайди. Хаёлим Маҳсум поччада. Ҳаво аёз, изгирин шамол эсиб турибди. Бечора музлаб қолса нима бўлади, деб ўйлайман. Хуллас, овқат егандай бўлмадим.

Магазиннинг ҳовлисига чиқсам кимдир Маҳсум поччани бочкадан олиб, куруқ кийим-бош ҳам келтириб берибди. Идорасида ўтириб, тишлари тараклаб, «ме-ме-ме», «се-се-се», «ке-ке-ке» дейди-ю, қалтироқ зўрлигидан гапини эплаб гапиролмайди. Назаримда: «Мен сенларга кўрсатиб кўяман», демокчи бўляпти шекилли. Бочкадан чиқариб олган одам косада кайноқкина шўрва билан бир стакан ароқ келтириб:

— Тезроқ ичиб олинг,— дея маслаҳат берди. Лекин, жуда бошлашибди-да!

— Ку-ку-кулма!— ўшқириб берди Маҳсум почча.

Ароқни бир кўтаришда ичиб, шўрвани ҳам пок-покиза тушириб олган Маҳсум поччанинг рангига қон югурди.

— Сенларга бир сўмлик ҳам мол бермайман! Магазин томонга қўлнинг мушт қилиб, ўдагайлади у. Кейин иўлат сандиқларини қулфлаб, магазиннинг орқа эшиги билан кўчага чиқди. Бир шум нияти бор-ку, деб ўйладиму, секин орқасидан эргашдим.

Директор чайқов бозорига бориб, қўлда тўкилган жуи пайпоқ сотиб юрган семиз камширдан: «Паттачилар бошлиги Орифин қандай топсам бўларкан», деб сўраган эди, кампир кулиб: «Орқангизда турибди-ку, болам», деди.

Паттачи билан сувга пишилган магазинчи кучоклашиб узок сўрашишди, негандир бир-бирларини ердан кўтариб ҳам кўйишди.

— Сенга хеч эт битмади-да, новча терак!— деб коринни силкилатиб кулди Махсум почча.

— Гўштини ўзларинг еб, суюгини менга ташлайсизлар, қандай қилиб эт битени. Вах-вах-вах!— Осмонга қараб оғзини катта очиб кулди Ориф.

— Худо хохласа, бугун хурсанд бўласан.

— Хушхабар олиб келдим деиғ?

— Бир чеккага чиқайлик...

Холирок жойга бориб олгач, Махсум почча кўзини бакрайтириб туриб, ёлгон гапирга бошладди. «Кеча базадан 20 минг сўмлик камёб, харидоргир мол келтирдим. Сотувчиларим, тезроқ бизга бериинг, икки-уч минг сўм чиқариб берамиз, деб холи-жонимга қўймай, оркамдан қувлаб юришибди... Лекин, ука, сенга бир яхшилик қилай дедим. Бу дунёда бир-биримизга қилган оқибатимиз қолади...»

— Мен ўғил боламан, бировнинг яхшилигини унутмайман,— деб қасам ичиб юборди Ориф чайковчи. Кейин, «бировнинг яхшилигини унутмайдиган ўғил бола» билан хозиргина сувга пишилган магазинчи ўртасида савдолашиш бошланди. Махсум почча ҳар ўн сўмлик молга бир сўмдан фойда берасан деди, чайковчи унча эмас, бунча бераман, деди. Магазинчи йўқ, мени жуда ерга уриб юбординг, деб жўнаб кетаётган эди, чайковчи унинг этагидан тортиб:

— Олтмиш беш тийиндан!— деди.

— Йўлдан қўйма мени,— этагини силтаб тортиб деди магазинчи.

— Олтмиш етти тийиндан.

— Жерси пальтолар, андатра калпоқлари!.. Хайр, саломат бўл!

— Етмиш!

— Об-бў сен-эй, қўймадинг-да. Бор, барака.

Магазиннинг омборида турган моллар шу йўсин чайков бозорида пулланадиган бўлди. Паттачи Ориф соат бешларда, магазинда савдо айни авжга чиққан бир паллада орка дарвозадан машина олиб келадиган бўлди.

Лекин, ўзи айтгандек, бир сўзлик йиғит экан у. Ваъда қилган вақтида устига брезент қопланган юк машинасини дарвозадан олиб кирди. Рулда... йўғ-е, эҳтимол янглишаётгандирман, йўқ, ўша, худди ўшанинг ўзгинаси! Қуни кеча кўргандим, слякисига «Не забуду мать родную» деб ёздириб олган Мутал! Шапқасини пешанасигача бостириб кийиб олибди, ҳамма нарсага бепарво, локайд қараб, бир келиб кетинг кишлоғимизга оҳангида хуштак чалапти.

Хозир буларни қўлга олиб бўлмайди, ишини бузиб қўяман. Поляковник Али Усмонов айтгандек, хозир менинг ва-

зифам эсдалик учун суратга тушириш, овозларини ёзиб олиш, кузатиш, кузатиш ва фақат кузатишдан иборат. Қани, молни қайқа олиб боришаркин, шунча газмол, шунча кийимликни бу чайковчилар бошлиғи қасрга жойлар экан. Лекин, юракдан ҳам бор экан-да, зигирча тап тортмайдия, қойил-эй!

Машинага чиқиб, Мутал билан Орифининг гапларини эшитиб кетиш ниятида кабинкага яқинроқ ўтирдим. Омадимни қарагки, машинанинг орқа ойнаси синган экан, уларни бемалол кўриш, овозларини ҳам барала эшитиш мумкин. Бир километрча юрган эдик. Мутал:

— Изимиздан бир мотоцикл йўлга чиқди!— деб қўйди.

Ориф чайковчи эшикни қия очиб, орқага мўралади:

— Миллиционер!— деди у кабинетининг эшигини қарсиллатиб ёпиб.

— Граждан қийимида-ку?

— У кўпинча формасиз юради,— тушунтирди чайковчилар бошлиғи.

Мен, қани қим қелаётган экан деб, орқарокка бориб брезентни сал кўтарган эдим... нималар бўляпти ўзи, нима бало, бугун барча огайинларим билан кўришадиган кунми дейман! ...Мотоциклда бошини эгиб, пешанаси билан ҳавони сузиб қелаётган менинг танишим, яқинда унвоин ёширилиб, шу атрофга участкавой этиб тайинланган Суръат ака эди.

«Демак, у ҳам чайковчининг изига тушибди-да. Хайрият, ёлғиз эмас эканман, зарур бўлса, икковлашиб ҳаракат қиламиз», деб ўйладиму, ўзимдан-ўзим севишиб кетдим.

— Уйга бур!— қичқирди чайковчи.

— Қўчаниннг боши берк!— Ўша оҳангда жавоб қайтарди шофёр.

— Чапга ол бўлмаса.

— Йўл тор, машина сизмайди.

— Газ бер, газ!

— Ўзингни бос, ўнка!— парвосига ҳам келтирмай деди ўғри.

Текис, равоин йўлга чиққач, машинаниннг спидометри юзни кўрсата бошлади. Чайковчи кўрққанидан дастмолковокдек буришиб боряпти, Мутал бўлса пинагини ҳам бузмай, хуштак чалиб кетяпти.

— Ҳозир миясини анжирдек эзаман!— деди хуштак чалишдан тўхтаб у.

— Урмоқчимсан?

— Йўк, мотоциклнинг яқинроқ келтираман-да, тўсатдан тормоз бераман.

— Тадбиркор йингитсан, Мутал.

— Бунака ишни биринчи бор қилаётганим йўқ.

Шошиб қолдим. Нима қилсам экан? Яқинлашиб келаётган хавфдан, мен учун жуда қимматли бўлган Суръат акани қандай оғоҳ қилсам бўларкан? Бошимдан қалпоғимни олиб, ўзимни танитиб, эҳтиёт бўлинг, деб бақирайми, ҳа, ҳа, шундай қиламан, шундай!

— Ғиййййкк!— тескари ағдарилиб тушдим.— Демак, тормоз берилди. Кеч қолдим, кеч! Бечора Суръат ака-ей! Жонҳолатда брезентни кўтардим, қизик. Суръат ака йўқ. Сакраб пастга тушдим. Участковой икки юз метрча олдинда мотоциклининг ўқдек учириб боряпти. Бехуда тахликага тушган эканман. Суръат ака мен ўйлаганчалик содда эмас экан. Тўсатдан тормоз бериб қолишларини ҳисобга олиб мотоциклининг сал чапроқдан хайдаб келаётган экан. Қойил! Суръат ака! Бекорга участкавой қилиб кўтаришмаган экан.

— Орқага!— энтикиб деди Ориф чайковчи.

— Бақирма. Сен айтмасанг ҳам биламан.

Машина кўз очиб-юмгунча орқаенга бурилди. Мен ҳам кўз юмиб-очгунча устига чикиб олдим. Юз метрча юргач, ўннга бурилиб, сертупрок йўлдан кета бошладик. Орқадан бурксаб шунақанги чанг кўтарилдики, ҳеч нарса ни кўриб бўлмай қолди. Суръат ака биз томонга бурилди-ю, назаримда юролмай, турган жойида тўхтаб қолди. Ярим соат чамаси қинғир-қийшиқ кўчалардан юргач, қутилмаганда шаҳар чеккасидаги асфальт йўлга чикиб олдик. Илон изи бўлиб, буралиб-буралиб чанг анча жойгача бизни қувиб келгандек бўлди. Бир маҳал Суръат акамга кўзим тушиб қолса бўладими! Мотоцикли йўқ. Пиёда. Ҳаллослаганча асфальт йўл томон интилари у. Аслида унга мотоциклининг кераги ҳам йўқ экан. Нега десангиз, бечора мотоциклдан тезроқ, соатига тахминан 100 километрга тенг келадиган тезлик билан югурипти... Ана, асфальтга ҳам чикиб олди. Устига тахта юқланган прицепли машинага қўл кўтарди! Э, аттанг, машина тўхтамади. Суръат ака тахтанинг учини ушлаб, бир оз югуриб борди-да, сакраб, машинанинг устига чикиб олди. Қорни билан сурилиб, кабинага яқинлашиб келяпти, ана, кабинанинг томига кафти билан урди. Машина тўхтади. Суръат ака кабинага тушиб олди. «Хайрият, хайрият!»— деб қичкириб юбордим. Прицепли машина шердек ўкириб бизни қувиб кела бошлади.

— Газ бер,— ёлворди чайковчи.

— Мотор эски, бундан ортиқ тортмайди!— тишларини фижирлатиб деди Мутал.

— Қўлга тушдик!

— Тирик кўлга тушадиган ахмоқ йўқ.

— Расво бўлдиқ, тамом бўлдиқ!

— Йиғлама, хажикиз!— шундай деб Мутал чайковчининг кўкрагига тирсаги билан бир туртган эди, унинг юрагига тегди шекилли, кўзлари олайиб, овози ичига тушиб кетди.

Принцепли машина ёнимиздан пишкириб ўтди-ю, йўлнинг ўртасига тушиб, орка чирокларини баробар ёқиб, «тўхта» дегандек, кетма-кет сигнал бера бошлади.

— Енидан бориб ураман!— кора терга ботиб деди ўғри.

— Ло илоҳу иллоб-лоҳу...— калима келтира бошлади чайковчи.

— Е Жамшид!— деган хайкирик эшитилди. Мўъжиза юз берди, ха, ха, мўъжиза! Каттик тормоз қилинган машина чирпирак бўлиб бир айланди-ю, оркасига ўгирилиб қолди. Чайковчи кўзини очиб:

— Хазрати Баҳовуддинга етти танга атадим!— деб кўйди.

— Менга-чи?— сўради ўғри.

— Сенинг кира ҳақингга яна эллик бола кўшдим... Фақат номерини биллиб олгани чакки бўлди-да.

— Бўлмаса, яна эллик сўм кўш.

— Нега?

— Мен машинанинг номерини ўзгартириб олганман.

— Рост айтсанми, акаси бўйиндан?

— Орка ва олдинги номерлар қалбаки, бошқа область машинасининг номери.

— Бўйиндан ўргулай, тadbиркор укам! Яна юз сўм кўшдим.

Оркага қайтиб, яна бир соатча елиб-югурдик. Ниҳоят, машина тўхтади. Шофёр кабинкадан сакраб тушиб, номерларини ўзгартириб олди. Кузов устига ёзилган брезентни суриб, молларнинг устига ёнди-да, дала йўлидан шаҳарга қараб кириб борди.

Молларни чайков бозори ёнидаги чакалоқларга бешик ясаб сотадиган кўрмесизгина бир дўкончага туширишди.

ПОЛКОВНИК АЛИ УСМОНОВНИНГ РЕЖАСИ

— Ўртоқ Рўзиев, қани суратларни кўрсатинг-чи?

— Марҳамат.

— Қани, магнитофонни кўйинг-чи.

— Марҳамат, эшитишларингиз мумкин.

Икки полковник билан майор Холиков Махсум поччани сувга пишаётганларида ёзиб олинган йўғон-нигичка овозларни эшитиб, аввалига жим туришди-ю, кейини учовлари баравар кулиб юборишди.

— Оббо, шайтонлар-ей, сувга пишшидимми-а?— завқи ошиб сўради Али Усмонов.

— Худди шундай, сувга пишшиди.

— Лекин болашибди, офарин!

— Азамат кизлар экан!— деб кўйди Салимжон акам ҳам. Тап айланиб бориб, бешик ясаладиган дўконга беркитилган молга такалди. Маълум бўлишича, менадан бир соатча олдин участкавой Суръат ака жинойт кидирув бўлимига телефон қилиб, аралаш моллар билан савдо қилувчи магазиндан олинган кийим-бош ва газламалар кўшини областага ўтиб кетди, рухсат берсангиз орқасидан бормокчиман, деган экан. Менинг гапларимни эшитиб, майор хангу манг бўлиб қолди. Бу гапларга ишонишни ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай, бир оз иккиланди-да, ниҳоят, ишонишга қарор қилди шекилли, секин ўрнидан туриб:

— Баракалло, ўртоқ Рўзиев!— деб яна ўрнига ўтириб олди.

Бешик ясаладиган дўконга беркитилган молни шу кечасиёқ таппа босиб, чайковчи билан ўғрини қўлга олиш керакми ёки сазр қилиш тўғрироқ бўладими, шу хусусда баҳс бошланиб кетди. Агар мол бугун қўлга олинса, биз изига тушган бошка жинойтчилар хушёр тортиб, яширин кўйган тузokka илинмай қолишлари мумкин. Борди-ю, унга тегилмаса, бир машина харидоргир, ноёб атласу шойилар, пальтою кийимликлар чайковчилар қўлига ўтиб кетиши мумкин.

— Мен бу чайковчиларга бир метрини ҳам бермайман!— кизишиб деди менинг бошлигим.

— Тўғри, чайковчига шаронт яратиб бериб, томошанин бўлиб ўтираверишимиз ўриини эмас,— шошмасдан гапира бошлади Али Усмонов.— Лекин шу бир машина молни деб, катта бир ишни барбод қилиб қўймасмикамиз, мен шундан кўрқяпман.

— Баъзан меҳнаткашларнинг кайфиятини ҳам ҳисобга олишимиз керак, полковник!

— Бирон гап эшитдингизми, устоз?

— Жинойтчилар ялло қилиб юришади-ю, милиция кўриб кўрмасликка олади, дейишяпти...

— Салимжон ака, сиз мени ҳамниша совуққон бўлишга ўргатиб келардингиз, шундайми?— кулиб сўради Али Усмонов.— Лекин бу гап ўзингиз кизишяпсиз.

— Тўғри айтдинг.

— Чунки, — деб давом этди Али Усмонов, — сизга тухмат қилишган. Тезроқ уни фош қилиб, эл олдига юзим ёруф бўлса дейсиз.

— Бу гапинг ҳам тўғри. Очиги, шу кунларда кўчага чиқолмай қолдим.

— Лекин, сабр қилишдан ўзга чорамиз йўқ. Кейин, ҳурматли Салимжон ака, — бир оз ўйланиб қолди район милиция бўлимининг бошлиғи, — очик айтганим учун хафа бўлманг, кузатувчиларингиз ландовур экан. Одил Аббосов уч кундан буён шаҳарда йўқ, қаердалигини ҳеч ким билмайд.

— Командировка қозони бўйича айтадиган бўлсак, — гапга аралашди майор, — директор ошхонага гўшт олиш учун область марказига кетган.

— Шаҳарда гўшт тикилиб ётибди-ку, — эътироз билдирди Али Усмонов.

— Гўшт бир баҳона, — ўз фикрини баён қилди Салимжон акам, — аслида ўғрилиқ мол ахтариб кетган.

— Тўғри айтасиз, — тасдиқлади Али Усмонов, — афтидан унинг ҳамма шаҳарлар билан алоқаси борга ўхшайди.

— Мен ҳам шунини айтмоқчи эдим, — тасдиқлади майор Холиқов.

Хуллас, бешик ясайдиган дўконга беркитилган молларга қоровул кўйилмайдиган бўлди. Яъни, дўконнинг яқинида бир милиция ходими ҳеч ёққа жилмай, шу билан бирга дўконда мол борлигидан мутлақо беҳабар бир кишидек, ҳар хил нарсаларини баҳона қилиб, шу атрофда ўраланиб юриши керак, деган ҳулосага келдик. Хўш, бундай вазифани ким уддалай олиши мумкин?

— Шу кечаси ўша дўконнинг қаршисига автотранспортнинг пости ташкил этилса қандай бўларкин?

— Шу соатда, шу соатнинг ўзида! — деб севинганидан ўридан туриб кетди Салимжон акам. — Лекин, Али Усмонович, топкир йиғитсан-да! Режаларнинг ҳаминша қутилмаган, фавақулда режалар бўлади.

Ўша кунги кенгашишимизда яна бир нарсани муҳокама қилиб чиқдик. Капитан ўртоқ Ҳошимованинг айтишича, чакалоқнинг опаси Шарифа тўсатдан йўқ бўлиб қолган. Уни сир очилишдан кўриб, ўлдириб бирон чуқурга кўмиб юборишган бўлишлари ҳам мумкин... Лекин, ошхона директори ҳам уч-тўрт кундан буён йўқ. Борди-ю, қаёққа бўлса ҳам, бирга кетишган бўлишса-чи... Бирга кетди, деб фараз ҳам қилайлик, унда икковлари бирлашиб қанака иш бажаришлари мумкин? Нима бўлганда ҳам, ошхона директори

устидан назорат олиб бораётган киши ишни расво қилган, энди унга бунақанги масъул вазифани ишониб топшириб бўлмайди.

— Ўртоқ Рўзиев! — менга мурожаат қилди Али Усмонов.

— Эшитаман, ўртоқ полковник!

— Сиз...

— Бу ишнинг ҳам уддасидан сиз чиқасиз, демокчимсиз?

— Хушёр йиғитсиз-да, Хошимжон!

— Салимжон акамнинг тарбиясини олганман-да.

— Раҳмат, ука, ишонаманки...

— У сарик дев хозир қайси тоғда макон курганини эртагаёқ билдиб бераман, кетсам майлими?

— Коридорга чиқиб туриш, лекин кетиб қолманг.

Коридорга чиқдим, ўйлаиб қолдим. Нега энди мени чиқариб юборишди ёки мендан яширадиган бирон гап чиқиб қолдимкан? Эшикка яқин келиб, калитнинг ўрнига кулоғимни тутдим. Али Усмонович: — Бу йиғит келтираётган қимматли ҳужжатлар мени доводиратиб қўйди. Эсини таниганимдан бўди бирон милиция ходими ишни бунақанги койиллатганини билмайман. Ўзингиз ўйлаш. Жиноятчининг ҳар бир одимини суратга тушириш, ҳар бир сўзини ёзиб олиш, бу осон иш эмас! Ахир улар ҳам анойин одамлар эмаски, расмини олдириб қараб тураверса! Ўўк, бу йиғит ё сеҳргар, ё фавкуллодда талант эгаси... — деган эди, Салимжон акам:

— Гапнинг тўғри, Хошимжон катта истеъдод эгаси. Эсингда борми, аввалги йилги Ленинградда бир кизни кўрдим, кўзи шунақанги ўткирки, етти кават пўлат сандиқ ичидаги ҳужжатларини ҳам бемалол кўра олади, деган эдим. Хошимжонда ҳам шунақанги, сен билан менинг ақлим етмайдиган бир қобилнат бор. Яхшиси, унга ишониб, ундан фойдаланиб қолайлик, — деди.

Шу пайт бир кизикчилик қилгим келиб қолди. «Қун бўйи пешаналарини тириштириб, тартиббузарлару жиноятчилар хақида ўйлаб, юраклари қон бўлиб кетади, тушларида ҳам жиноятчилар билан олишиб чиқинади. Бир қулдириб чарчокларини таркатай», дедим-да, бошимга қалпоқчамни кийиб, ҳузурларига кириб бордим. Учовлари кўкселарини бериб суҳбатлашаётган стол остига кириб, бошимдан қалпоғимни олиб, чақиринларини кутиб турдим.

Салимжон акам эшикни кия очиб:

— Хошимжон! — деб чақириб қолди.

— Мен бу ерламан! — деб стол остидан чиқиб келдим. — Овозларингизни ёзиб ўтирувдим...

Аввал ҳайқалдек қотиб қолишди, кейин бир-бирларига

караб елка кисишди, охирида, хахолаб, бараварига кулиб юборишди.

Майор Холков жуда каттиқ куларкан, ўзиям тугилганидан буён мана шунақанги тиззаларига шаппалаб уриб, кўзларидан ёш чиқиб, хузур қилиб кулиши биринчи марта бўлса керак.

ШАРИФА УЛИМГА ҲУҚМ ЭТИЛДИ

Бугун, негадир, барвақт уйғондим. Уйғонишга уйғондим, ўрнимдан тургим келмай, ширин-ширин хаёлар суриб, қиладиган ишларимнинг режаларини тузиб, жимгина ётавердим. Сиз қанақалигингизни билмайман-ку, лекин менинг миям юраётганимдагига инсбатан, оёғимни узатиб ётганимда яхшироқ ишлайди. Мана ҳозир ҳам ажойиб бир фикр бошимга келиб қолди. Борди-ю... ха, ха, худди шундай қиламан. Лутфи холам столга кўйиб кетган сутни, ўзиям қайноққина экан, банкаси билан кўтариб ичдим-да, йўл-йўлакай лаб-лунжимни артиб, телефонга югурдим.

Район матлубот жамиятининг омборчиси, хўнна семиз амакининг номерини топиб, кўнгироқ қилдим.

— Эшитаман!— худди бурнидан чиққанга ўхшаш манка бир овоз билан деди амаки.

— Ассалому алайкум!— дедим чўзиб.

— Гапингни айтавер, кимсан?

— Ана шунақа овозимизни ҳам танимай қоласиз-да,— деб ўпқаладим.

— Ҳар қуни мингтаг телефон қиласан, қайси бирингни овозингни эслаб қоламан.

— «Роҳат» ошхонасининг сояи давлатингизда ўйнаб юрган буфетчиенман.

— Зокир бақалоқман дегин? Лекин овозинг жуда ингичка-ку!

— Хо-хо-хо-хо!— қотиб-қотиб кулган бўлдим жўрттага.— Аскияларингизни яхши кўраман-да, акахон!

— Ҳа, нима гап?

— Оди акам мен келгунча бирон муҳим гап чиқса, шу акахонинг билан маслахатлаш деган эдилар...

— Ўзи бугун қайтади-ку!— Хўнна семиз амакининг ёшига биров келиб қолди шекилли, паст овоз билан «бирпас чиқиб тур, аҳмоқ», деб уришди-да, сўнг яна менга гашира бошлади:— Кечаси телефонда гаплашдик... Ошини қачон еймиз?

— Қанақа ош?— дедим ҳеч нарса тушунмай.

— ОБХССдан эсон-омон кутилганингга ош килиб бермайсанми, хасис!

— Ош ҳам гапми,— деб хахолаб кулдим яна,— шоҳона зиёфат килиб бераман!

Шундай деб, хайр-маъзурни ҳам пасня килиб, трубкани ўрнига кўйдим.

Тушдан сўнг олис сафардан қайтаётган бахти каро директорни иззат-хурматини жойига кўйиб кутиб олиш учун аэропортга йўл олдим. Андак бўлмаса, кечикиб қолаёзимман. Одил баттол таксига ўтирмоқчи бўлиб турган экан, биргалашиб ошхонага қайтдик. Ходимлари билан кўл учинда сўрашди-да, чарчадим, бирпас мизғиб олай, деб эшикнинг ичидан беркитиб, аллакимга телефон қила бошладим. Сўраган кишиси йўқ экан, жаҳли чиқиб:

— Итвачча!— деб кўйди.

Кейин хона ўртасида тик турганича, бир кўзини хиёл кисиб, остки лабларини тишлаб, ўйга толиб кетди.

Телефон жиринглади.

— Ким керак?— сўради Одил баттол овозини тишларининг орасидан чиқазиб.

— Эсон-омон қайтдингизми?— қувноқ овоз эшитилди трубкадан.

— Эҳ, омборчи, сенмисан? Қалай, ишларинг яхшими? Молларни таркатиб олдингми?— Баҳри-дили очилиб кетди директорнинг.— Шаҳар тинчликми?

— Жуда тинчлик ҳам эмас, жуда бетинч ҳам эмас.

— Тушунарли.

— Қалай бўлди ишларингиз?

— Бизини ошигимиз хамиша олчи-да!— кўзларини кисиб, енгилгина кулиб кўйди директор.— Ун беш кундан сўнг омборниг молга тўлиб кетади. Суюнчининг тайёрлайвер...

Хўппа семиз амакидан сўнг Мутал ўғри телефон килиб, «жуда муҳим маслаҳат бор, телефонда айтиб бўлмайди, уйингизга борсам майлими», деган эди, Одил баттол бир оз ўйланиб турди-да: «Бўлмаса кеч соат тўққизда Муқимий паркиннинг орка эшиги олдида учрашамиз, ўзинг билан Саллабодроқни ҳам олиб кел», деб тайинлади. Шундан сўнг уч-тўрт жойга кўнгирак килиб, аллакимлар билан ҳеч тушуниб бўлмайдиган килиб гаплаша бошлади. «Сомонхонага хашак ташлайман», деди, «хамма жойда шамол», «кўз очиб бўлмайди» деди, «қуруқ қошиқ огиз йиртади» деган-дек ҳам бўлди...

Мен сабрсизлик билан коронги тушинини, Саллабодроқ, Мутал ўғрилар билан бўладиган учрашувни кутардим. Ҳар қалай, муҳим бир гап бўлса керак. Одил баттол анча-

мунча жойга борадиган бекорчилардан эмас, у ҳар бир кадаминини ўлчаб босади, фойдаси тегмайдиган жойга отиб юборсангиз ҳам бормайди.

Кеч кира бошлади. Майдалаб ёғаётган ёмғир корга айла-ниб, дарахтларнинг ялангоч повдаси, томлар оппоқ оқариб қолди. Биргалашиб чиқиб такси кута бошладик. Шамол туриб, дарахтларнинг шохини бир-бирига ишкаб, қорларни тўкиб, кўз очиртирмай кўйди. Электр симлари узилди ше-килли, кўчада лампочкалар ўчиб, аτροφга шунақанги бир қоронгиланк тушдики, тагини йўқотиб кўймай, деб кўрққанш-дан бахти қаро директорини ўнгиридан ушлаб олишга мажбур бўлдим. Ҳаво совук, иккимиз ҳам даг-даг қалти-раб турибмиз.

Паркнинг орқа дарвозаси олдида таксидан тушдик. Одил баттол сумкасидан тўппонча олиб, ўки бор-йўқлигини тек-шириб кўрди-да, отишга шай қилиб, қўлтигига солиб кўйди. Ана, хув нарида иккита қора кўрнингди. Девдек баҳайбатли-си, хойнаҳой, Саллабодрок бўлса керак. Ёнидагисен, совук қотганидан бўйинини ичига тортиб келаётгани Мутал, ал-батта.

Совуккина кўришиб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўраш-ган бўлишди.

— Саллабодрок, — мурожаат қилди Одил баттол.

— Эшитаман, устоз.

— Бугун кечаси сомонхонага ем-хашак келиб тушади, — директор у ёк-бу ёғига назар ташлаб олди, — эртага ярми-ни катта сигирингга олиб бориб берасан.

— Хўп бўлади, устоз.

— Қолган ярминини иккига бўлиб, бир қисминини бузоқ-чангга элтиб ташла.

— Қолганини-чи? — шошилиб сўради Саллабодрок.

— Қолганини хўкизингга бер.

Қизик, нега булар бунақа қилиб гаплашишади. Ахир, бахти қаро директор бузоқчалар боқиладиган ферманинг мудирини эмас, бошқа шахарларга ҳам хашак тайёрлагани боргани йўқ-ку. Ахир, мана бу қора дев ҳам ҳеч молбоқар-га ўхшамайди!

— Хизмат ҳақини қачон оламан? — сал тортиниброк сў-ради Саллабодрок.

— Ўнгирма еттинчида, — деб директор яна у ёк-бу ёғига қараб олди. — Энди нарироққа бориб тур. Мутал билан ганимиз бор, шарна сезсанг, хуштак чал.

Одил баттол Мутал ўғрини қўлтиклаб паркка кириб кет-ди. Устини қор босган темир скамейкага ўтириб, портфели-ни тиззасига кўйди-да, совуққотган қўлларини бир-бирига

ишкалаб, андак иситган бўлди. Шамол кучайгандан кучайиб қор учқунларини юз-кўзларимизга уриб турибди. Дарахтларнинг шохи бир-бирига тегиб, аллақандай ваҳимали овозлар чиқаради, сиз ёғочларга таранг тортилган электр сымлари, назаримда хуштак чалаётганга ўхшайди. Бутун борлиқ ваҳима ичида қолгандек.

Магнитофонни пик тумшукларининг остига келтириб турдим. Қани энди овозларини радиога улаб, бутун областга эшиттирсанг, деган фикр ўтди бошимдан.

— Тинчликми?— пальтосининг ёқасини кўтараётиб сўради Одил баттол.

— Шарифани қамаб қўйдим,— ахборот берди Мутал.

— Қаерга?

— Тошбулоқ кўчасидаги йигирма иккинчи уйга, иккинчи каватнинг олтинчи хонасида турибди ҳозир.

— Нега қамадинг?

— Феълни айнаган.

— Сотмоқчимми?

— Шунга ўхшаш...

— Нега айнаб қолди, сабабини сурштирмадингми?

— Назаримда, капитан Хошимова йўлдан урганга ўхшайди. Айтишларича, капитан бировларнинг кўнглига қўл солишга жуда уста эмиш. Шарифа билан икки-уч бор учрашди-ю, ишнинг расвосини чиқарди. Шарифани ишга киритишга, ҳамма айбларини бўйнидан олиб ташлашга, келаси йил бир хонали уй ҳам олиб беришга ваъда қилибди. Ҳатто, болангни боғчага жойлаб, ўзинини кечки мактабга ўқишга киритаман, деган гапларини ҳам айтибди.

— Нияти бузилганини қаердан билдинг?

— Кечаси уйига кириб, мана бу хатни топиб олдим.

— Кўп нарса ёзибдими?

— Ҳа.

— Агарда у икром бўлса, ҳаммамиз расво бўламиз!

— Шунинг учун қамаб қўйдим.

— Уни... тинчитиш керак!— ўрнидан туриб кетди Одил баттол.— Хонининг жазоси — ўлим!

Мутал ўғри ҳам ўрнидан турди:

— Мен ҳам шу фикрдаман, устоз!

Икковлари бир-бирларига тикилишиб жим қолди. Энткиб, чуқур-чуқур нафас олишяпти. Қани энди, уларнинг сирини очмоқчи бўлган Шарифа шу ерда бўлса-ю, гўштини тириклайини ейишса!

— Ўлдирish керак,— худди ўзига-ўзи гапиргандек гўлдирай бошлади бахти қаро директор,— шу кечасидан қолдирмай гум қиласан. Иложи бўлса, бўғиб ўлдириб, сўнг

анҳорга ташлайсан. Лекин, шошмай тур... Борди-ю, унинг ўлимидан фойдаланиб қолсак-чи, ҳа, фойдаланамиз! Унинг номидан полковникка хат ёзиб қолдирамиз.

— Хат ёзишга қўнмаса-чи?— ташвишланиб сўради ўғри.

— Хатни сен ёзасан, икки нусха ёзасан. Бир нусхасини чўнтагига солиб қўясан. Иккинчи нусхасини министрлик номига битиб, шу кечасидан қолдирмай, почта қутисига ташлайсан.

— Нима деб ёзаман?

— Нима деб ёзса бўлар экан-а... Нима бўлганда ҳам ишонарли қилиб ёзиш керак. Ҳамма айбини полковникка тўнкаб: «Мана, номард эр, муроднингга етдинг! Боланинг бокмасанг, менга карамасанг, эл ўртасида шармандан-шармисор бўлдинг! Бундай беномус бўлиб яшагандан ўлганим минг марта яхши! Хайр, эй яхши одамлар. Ҳамма умидим сизлардан, мен учун, ўн гулидан бир гули очилмай иснодга қолиб ўлган етимча қиз Шарифа учун полковник Салим Отажоновдан ўч олдинглар! Унинг гапларига ишонманглар, менга ўхшаб сизларни ҳам алдаб қўяди... Хайр, эй бевафо дунё!» деб ёзасан.

— Бу гапларингиз эсимдан чиқиб қолади.

— Ишқилиб, шунга ўхшатиб ёзасан-да.

— Яхши.

Магнитофоним лентаси узилиб, ҳуштак чалганга ўхшаш галати овоз чиқарган эди, бу ҳуштакни Саллабодрок чалаяпти, деб ўйлашди шекилли, баттол билан Мутал ўғри кўз юмиб-очгунча скамейканинг остига кириб кетишди. Ўша ерда ётиб, бир-бирига пешанасини тираб, гаплаша бошлашди:

— Министрликка ёзган хатни ишни битирганингдан кейин почта қутисига ташла.

— Хўп.

— Лекин, хатни шу кечаси, албатта ташла.

— Яхши.

— Хатни қасрда ёзасан?

— Уйда.

— Демак, Шарифанинг олдига соат ўн бирларда борар экансан-да?

— Ҳа.

— Анҳор бўйига олиб чиқ.

— Яхши.

— Анҳор бўйига етгунча ниятигини сездирма. Базмга борамиз, ўйинатиб келаман, де.

— Хўп.

— Ҳушёр бўл!

— Үргатманг.

Энгашиб, ўғрининг чўнтақларини қовлаган эдим, ўнтача қалит топиб олдим. Бирортаси Шарифа беркинган хонага тўғри келиб қолар деб ўйладиму, паркнинг дарвозасига қараб югурдим.

«ЁДГОРБЕГИМ ТИРИКМИ?»

Нима қилиш керак, нима қилсам, Шарифани ўлимдан қутқариб қолишим мумкин? Аввал идорага бориб, бу шум хабарни Али Ҳасанов билан ҳурматли бошлиғим Салимжон акамга етказайми ёки аввал Шарифа қамалган уйга югурайми? Тавба қилдим-эй. Бунча шошиб, энтикмасам!

— Хўш, қалпоқчам, сен қандай фикрдасан?— деб сўрадим кадрдонимдан.

— Тошбулоқ кўчасига қараб югур!— маслаҳат берди қалпоқчам.

— Бемаслаҳат иш тутиб, бошлиқларимни ранжитиб қўймайманми?

— Аксинча, хурсанд бўлишадди сендан.

— Раҳмат, қалпоқчам!

— Тезроқ, тезроқ югур, Хошимжон!

Такси тўхтайдиган бекатга югурдим. Ана ҳолос, буниси неча пулдан тушди энди! Ўғри Мутал мендан олдин етиб келибди-ку! Нима бало, у ҳам менга ўхшаб сеҳргарми, дейман. Шартта бошимдан қалпогимни олиб, ўғрига яқинлашдим:

— Гражданин, соат неча бўлди?

Мутал ўнг қўлини чўнтағига солди. Назаримда, тўппончаси борга ўхшайди, ўшани пайпаслаб:

— Ҳуртоқ сержант, кечирасиз, соат тақмайман,— деб ўрнин бўлмасам ҳам, хи-хилаб қулиб қўйди.

— Такси кутяносизми?— сўрадим яна.

— Ҳа, аэропортга чиқишим керак эди.

Устида оппок қорни билан «Волга» келиб тўхтади. Икковимиз баравар эшикка ниҳилган эдик, Мутал:

— Ўзингиз милиция ходимисизу, тартибни бузасиз-а,— деб ўқрайди менга.— Аввал мен кетаман!

— Кечирасиз, мен ҳам аэропортга бормоқчиман.

— Унда бемалол, мен бошқасида кетсам ҳам бўлади,— деб Мутал менга йўл берди.

Қор ёғиб, шамол эсиб тургани учун Тошбулоқ кўчасидаги йиғирма иккинчи уйни топгувча шаклида она сутим оғзимга келди. Сўрай десам, кўчада зор йўқ, ўзим топай

десам, бу атрофдаги уйлар янги тушгани учун хали помер осилмаган экан. Бу ёқда эса, вақт яқинлашиб қоляпти...

Ҳамма уйларда чирок бор, иккинчи каватдаги бир хоша коп-коронги. Таваккал қилиб, ўша хонанинг эшигини коқдим. Жавоб бўлмагач, мени ўғри деб милицияга ушлаб беришса бериша қолсин, дедим-да, халиги калитлардан бири билан эшикни очдим. Ичкари ҳам гўристондек коп-коронги, пайнаслаб чирокни араиғ тондим.

— Вой!— бир аёл диванда ётган экан, кўркиб чойшабни тортиб олди бошига.

— Кечирасиз, Шарифа Усмонова эмасмиёиз?— яқинига бориб сўрадим.

— Танимайман уни,— баттаррок ўралиб олди аёл.

— Эй аттанг,— дедим гўё тарвузим кўятганимдан тушгандек бўлиб, сўнг оркага қайта бошладим.— Бечоранинг ўғилчаси милициянинг боғчасида эди. Ўлиб қолди! Шунинг хабар қилгани келувдим...

— Едгорбегим ўлдими?!— Аёл бир қалқиб, бошини кўтарди. Оқ чойшабга ўралиб олгани учунми, шу туришида, у худди тобутдан бошини кўтарган мурдага ўхшаб кўринарди. «Ҳа, қўлга тушмай кўр-чи!» деб ўйладиму:

— Мен келаётганда тирик эди,— деб яна оркамга қайтдим.

— Тирик эди, нима қилди унга?

— Бир милиционернинг тўппончасини ўйнаб ўтирган экан, ўзини-ўзи отиб қўйибди.

— Вой шўрим!

— Кўркаманг, тўппонча ўйинчоқ тўппонча экан, ҳеч нарса қилмабди...

Бориб эшикни ичидан қулфлаб келдим. Диванининг бир чеккасида ўтириб, Мутал ўғри билан Одил баттоя уни ўлдиришга қарор қилганларини айтган эдим, аёл мен унақа одамларни танимайман, бахтсиз бир ожизаман, мени тинч қўйиб, марҳамат қилиб чиқиб кетинг, деб туриб олди.

— Ишонмаяёизми?— андак бўлмаса бақириб юбораёиздим.

— Илтимос, мени тинч қўйинг.

— Овозларини магнитофонга ёзиб олганман. Марҳамат, эшитинг.

Магнитофонини қўйиб берган эдим, аёл жим ётиб эшитди. Тугагач, нозик қўлларини билан бошига муштлаб: «Мунча бахтсиз бўлмаёсам!»— деб нигради. Ишонсангиз, бу овоздан ўзимнинг ҳам юрак-бағрим эзилиб кетгандек бўлди, ўлим олдида айтилган сўз жуда ҳам аянчли эшитилар экан.

— Туринг ўрнингиздан!— буюрдим.

Аёл бошидаги чойшабини олиб, нари иргитди... Пўк, хали тўғри айтган эканман, аёлнинг афтига чинданам мурданинг нуسخи уриб қолибди: ҳаддан ташқари озиб, юзлари сарғайиб кетган, сочлари тўзгиган, ич-ичига ботиб кетган кўзларини айтмайсизми, шу туршида тирик одамга ҳеч ўхшамайди у.

— Очик айтинг, Ёдгорбек тирикми?— ғалати бир оҳангда сўради Шарифа.

— Мен сизга ҳазил қилувдим...

— Ўртоқ сержант, менинг бу дунёда шу боладан бошқа ҳеч овунчоғим йўқ.

— Тезроқ кийининг бўлмаса.

— Олиб кетмоқчимисиз?

— Бўлмаса ўлдириб кетишади.

— Номардлар, номардлар-эй! Ҳамма қора ишларини бировларнинг қўли билан қилиб, ўзлари оппоқ бўлиб юриша-верадил... Ёдгорбегим тирикми?

— Маза қилиб ўхлаб ётибди.

— Ҳозир бориб кўрсам бўладими?

— Бўлади, фақат тезроқ кийининг.

Нима бўлганда ҳам она экан-да, Шарифа шошиб, энтикиб қолди. Аёл киши ўзи жуда ғалати бўлар экан, бир нафас кечиксак, бирор қори ҳол бўлиши аниқ бўлиб турибди-ю, у бўлса, тошойна олдидан туриб олиб, гоҳ у кўйлагини кийиб кўради, гоҳ буинисини... Тавба қилдим-эй, ҳатто шу пайтда лабига қизил суртиб ўтирибди-я!

— Мен тайёрман,— деди ниҳоят, қора сумкасини қўлга олиб.

Мутал билан Одил баттол қалбаки хат ёзиб, милицияни, одамларни чалғитмоқчи бўлишди, борди-ю, биз ҳам Шарифа номидан қалбаки хат ёзиб кетсак-чи?

— Қоғозингиз борми?!— сўради Шарифадан.

— Нима қиласиз?

— Хат қолдириб кетамиз.

— Қимга?

— Қотилларга!

— Ҳозир менинг миямга ҳеч нарса келмайди.

— Мен айтиб тураман. Ёзинг: «Қимматли М. Бу хатни сенга қолдиряпман. Ўғлимдан айрилдим. Сенинг ишончингдан маҳрум бўлдим, энди яшадим нима-ю, яшамадим нима! Сир очиладиган бўлса, ҳаммамиз нобуд бўламиз! Сенга ва бошқа дўстларимга бўлган садақатини исботлаш учун ўзимни ўлдирishга қарор қилдим. Ҳаммаларингга хайр энди! Улимим олдидан сендан бир нарсани илтимос қилмоқ-

чиман, ўзимни анҳорга ташлайман, ўлигим топилса, ҳурмат билан кўминглар! Хайр, эй бевафо дунё! Шарифа».

Хатнинг остига бугунги числони кўйиб, стол устига ташладик-да, эшикни кулфлаб, кетма-кет кўчага отилдик. Чунки соат роппа-роса ўн бир бўлган эди. Бу атрофларга автобус келмас экан, марказгача пиёда кетишга тўғри келди. Шарифа менинг олдимда жимгина боряпти. Негадир, нидмайди. Мен бўлсам унинг ҳақида ўйлайман. Бечорага кийин, жуда кийин. Ҳеч ким мана шунақа йўлдан адашмасин, адашгани тамом, ёмон одамлар кўлида ўйинчоқ бўлиб қолади. Қабих ишларга буюришади, ўлимга маҳкум этишади...

— Мени кўпга қамашадими? — тўсатдан ўғирилиб сўради Шарифа.

— Салимжон акам ўз айбини бўйинга олган кишини қамашга руҳсат бермайди.

— Капитан Хошимова ҳам шундай деганди.

— Нима деганди?

— Ўртоқ Отажонов сенга ўхшаб йўлдан адашганларнинг кўпига ёрдамлашди, бир хиллари яхши одам бўлиб кетишди, баъзилари билан ҳалигача борди-келди қилади. Бағри кенг, саховатли одам. Айбнингга иқрор бўлсанг, бошингни силайдн, деганди.

— Ота-онангиз борми?

— Ўлиб кетишган, — хўрсиниб кўйди Шарифа, — болалар уйида катта бўлганман. Ота меҳрига ҳам, она меҳрига ҳам қонмадим...

— Бўлмаса. Салимжон акам сизга чинакам ота бўлишга арзийдиган одам. Қаромат опани эса онам деявернинг.

— Кечирасиз, сизни қўлтиқлаб олсам майлими, юрөлмаяпман. Раҳмат... Тўғри айтдингиз, меҳрибон аёл экан, ишга киритиб кўймоқчи эди.

— Ҳалиям ўз фикрида турибди.

— Энди фойдаси йўқ.

— Нега?

— Бари бир, мени ўлдирншади, — яна хўрсинди Шарифа, — Мутал билан Одил аканинг қамоқхонада ҳам одамлари бор. Қамоқдалигимни эшитмайди дейсизми, эртагаёк эшитишади.

— Милиция сизни эҳтиёт қилади.

— Милиция олдида юзим қора-ку! Тухмат қилдим-ку!

— Шунн билангки, милиция кек сақламайди, одамлардан ўч олмайди, балки тарбиялайди. Бизнинг уставимизда шундай деб ёзилган.

— Сиз ҳам кек сақламайсизми?

— Нега энди кек сақлар эканман?

— Биз сизни, эсингизда бўлса керак, кечаси ечинтириб кетгандик.

— Эсимда йўқ.

— Фамилиянгиз Рўзиевми?

— Ха.

— Ўша кечаси граждан кийиминда эдингиз.

— Кўйинг, шуларни эсламайлик... — Ўғриларга таланган кунимни кўз олдимга келтириб, ишонсангиз, шу пайтда эларим жимирлашиб кетди. Демак, ёрдам беринг, деб додлаб мени алдаган шу аёл экан-да...

— Ўша ишни ҳам мана шу котил Мутал топширган эди. Сизни икки кун изма-из юриб, пойлаган эдик, обрўйингизни тўкишмоқчи экан...

— Шерикларингиз шу ерликмиди?!

— Бошқа шахардан келишган эди...

— Мен аллақачон унутиб юбордим, энди сиз ҳам унутинг.

— Йўқ, ҳеч унутолмайман, ҳаммасини очик айтаман энди. Жонимга тегди! Мен ҳам бошқаларга ўхшаб яшасам дейман. На уйқунгда ҳаловат бор, на еган-ичганингда... Ўртоқ Рўзиев, эзмалик қилмаяпманми?

— Йўқ, гапираверинг.

— Раҳмат... — Ниманидир ўйлаб Шарифа бир оз жим колди. — Мен уларга хизмат қилдим, улар бўлса, мана, мени ўлимга маҳкум этишди. Милицияга тўхмат қилдим, милиция бўлса мени ўлимдан қутқаряпти... Бунинг учун кимга раҳмат айтишимни ҳам билолмай колдим.

— Ҳукуматга раҳмат деи.

Идорага етгач, Шарифа ўғлимни бир кўрсатинг, деб талаб қила бошлади. Мен кечаси болалар уйига бориш ноқулай бўлади деган эдим, у хикиллаб йиглашга тушди. Капитан Хошимованинг уйига телефон қилиб, шундок-шундок деган эдим, «навбатчи машинадан фойдаланинг, дархол муштилар онага ўз ўғлини кўрсатинг», деб топшириқ берди. Хизматчилик экан, йўқ деёлмай, кечаси бориб, тарбиячиларининг ширин уйкусини бузиб бўлса ҳам, чақалокни олиб келишга мажбур бўлдим.

Шарифа йиглаб турган ўғилчасини кўлига олди-ю, хўнграб «онагинанг ўргилсин!» дея юз-кўзларидан ўпа бошлади. Бутун вужуди тўлкилланиб кетгандек бўлди. У тишларини гижирлатиб, болани бағрига маҳкам босар, тўйиб-тўйиб ҳидлар, ўпар «онагинанг ўргилсин, тирикмисан! Энди сени ҳеч кимга бермайман, бермайман!» дея энтикар, йиғлар эди...

Шу пайтда негандир меҳрибон ойнажонимни эсладим-у, мен ҳам ўзимни тутолмай йиглаб юбордим.

— Болам, болагиннам! — деб йиглайди Шарифа.

— Ойим, ойижоним! — деб йиглайман мен ҳам.

Конун бўйича болали аёлли қамаб бўлмайди. Шунн хисобга олиб, эрталабгача Шарифа иккимиз бошлигимнинг хонасида ўтириб чиқдик.

САЛЛАБОДРОҚ АМАКИ

— Ошхона директори сомонхонага хашак келади дедими?

— Ҳа, шундай деди.

— Сомонхонаси қаерда экан?

— Билолмай қолдим.

— Саллабодроқни илгари билармидинг?

— Йўқ.

— Уйи милиция идорасининг орқасида-ку!

— Билмас эканман.

— Аммо, буни ҳам қўлга туширганингда антиқа иш бўларди-да, ўғлим.

— Албатта тушираман.

Салимжон акам икковимиз шу йўсини гаплашиб ўтирибмиз. Кечаги шомол тинган, ховлилар, томлар, деворларнинг усти оппоқ қор. Аста-секин кўтарилиб келаётган куёш нурлари қор устида ўйнаб, кўзини камаштиради, диллар қувонади. Ташқарига чиқиб, қорбўрон ўйнагинг, югургинг, чопгинг келади.

Кўнглим тоғдек кўтарилган, кайфим чоғ. Ишларим яхши кетаётгани учун каттаю кичик менга хавас билан қарайди, қўлимни ксиб, раҳмат айтади. Полковник Али Усмоновнинг нўлат сандигини яширича олинган суратлари, магнитофон ленталари билан тўлдириб юбораётганим учун, энди менга катта ишонч ва умид билан қараб: «Ўртоқ Рўзиев келажакда катта қахрамонликлар кўрсатади...» дея шерикларига икки-уч бор мақтаб ҳам қўйди.

Саллабодроқ, Салимжон акамнинг айтишича, илгари кўмир олиб-сотиб, чайқовчилик устида бир қўлга ҳам тушган экан. Ҳозир богчада аравакашлик қилиб, бўш вақтларида кўчама-кўча юриб, саллабодроқ сотаркан.

— Лекин... сомонхона деганларида бир сир бор-ку, тўғрими, Ҳошимжон? — деб секин ўрнидан турди бошлигим

— Тўғри айтасиз, — деб мен ҳам ўрнимдан турдим.

Саллабодроқни тезроқ тониб, жумбоқни тезроқ ечиш учун шошилиб унинг уйига жўнадим. Чиндан ҳам ховлиси милиция идораси билан туташ экан. Қирсам иссиқкина танчага багрини бериб, нонушта қилиб ўтирибди. Олдида бир

тогора тухум, хотини бир бошдан арчиб беряпти, у оғзига солиб, худди дон тикилиб колган хўроздек, бўйинини бир чўзиб, тухумни бутунича ютиб турибди. Элликтача тухумни эсон-омон ютиб олгач, хотини тоғорада элликтача сомса келтирди. Сомсадан сўнг яна ўша тоғорада лиммо-лим қилиб илтим мошхўрда олиб чиқди — ҳаммаси катта қорнига тушиб кетди. «Пўк, бу одам эмас, дев! Бувижоним айтган эртақлардаги қора девнинг ўзгинаси,— деб ўйладим.— бўлмаса одам боласи ҳам овқатни шунака кўп ейдими?»

Девкоматли паҳлавон ўрнидан туриб, қўлларини кериб, уч марта керишди, бузоқчанинг маърашига ўхшатиб, чўзиб-чўзиб жекирди, сўнг тикка турганча, ярим челақ сувни ичиб, аравасини кўшиб, йўлга тушди.

Мол эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади, деганлари паққос рост экан. Саллабодроқнинг оти ҳам худди девларнинг отидек баҳайбат, оёқлари шунақанги йўғонки, нақ Африка ўрмонларида дайдиб юрадиган филларнинг хартумидек келади. Филдирак ўрнига машинанинг балоини кўйдириб олган усти очик аравасининг ичи шунақанги каттаки, бир маҳалланинг кўч-кўрони бемалол жойлашиб кетади, десам ишонаверинг.

— Чу, тойчоғим!— деб камчи урди отига девкоматли паҳлавон.

Аравада уч сават саллабодроқ, ярим қоп пуфак, ярим қоп лойдан хўрозга, қушчага ўхшатиб ясалган, ичига сув қуйиб чалсангиз булбул бўлиб сайрайдиган ҳар хил хуштақлар, ярим қоп катта-кичик елим қўғирчоқлар, бир қоп ўйинчоқ чилдирма, хуллас, ойиси ховлига қамаб, ўзи бозорга тушиб кетганда болаларга эрмак бўладиган ҳар балолар бор эди.

Арава шаҳар марказидан чиқиб, шағал тўкилган тор йўлга бурилгач, девкоматли паҳлавон кўлига дўпиндек келадиган чилдирмачани олиб, чалиб, унинг оҳангига мослаб, ашула ҳам айта бошлади.

— Кеп қолинг, саллабодроқ,
Тугади, қолди озроқ.
Маккани қовурганман,
Қиёмга йўғирганман.

Ширин-шакар оқ бодроқ,
Тугаб қолди, қон тезроқ.
Шиншалардан олиб чиқ,
Пулдан қўпроқ солиб чиқ...

Кўз юмиб-очгунча кўчани бола демагани босиб кетди: бирининг кўлида шиша, бошқасининг чапгалида танга. Бирини ялангоёк югуриб келяпти, бошқаси ойнаси билан дадасининг ковушини пойма-пой кийиб, чап кўли билан иштонини ушлаб чопяпти, учинчи бир хиллари акасининг оркасидан додлаб келяпти.

Савдо авжига чикиб кетди, шиша билан тангалар тенага-ю, бодроклар пастга тушиб кетаверди.

— Ширин-шакар оқ бодрок,

— Тугаб колди, чоп тезрок!— дея чилдирмасини чалиб кўяди девкоматли паҳлавон.

— Амаки, менга ҳам битта беринг!— деб ёлворди охирида бир бола.

— Бор, шиша олиб чиқ,— деди девкоматли паҳлавон

— Шиша йўқ экан...— йиглаб юборди бола.

— Пул олиб чиқ, пул!

— Уйда ҳеч ким йўқ.

— Бекорга берилмайди.

— Тўхтаиғ бўлмаса,— бола гизиллаганча уйига кириб, бир товоқ тузланган гўшт кўтариб чиқди. Девкоматли паҳлавон энгашиб, гўштин товоқ-повоғи билан олди-ю, болага иккита саллабодрок узатди. Сўнг:

— Чу, тойчоғим!— деб отига яна камчи урди.

От йўртиб кетди, болалар оркада колди, чилдирма яна ишга тушиб, ашула ҳам бошланди:

Кушларим бор сайроки,

Кўғирчоқлар ўйнаки.

Мана бундай ўйнайди,

Мана бундай ўйнайди —

деганча девкоматли паҳлавон елкаларини учириб, белларини бураб, хуштаклар чалиб, ўйинига ҳам туша бошлади. Бирпасда оркамиздан кўғирчоқ оламан деб дадасидан пул олган кизчалар, рогатка ясаб, чумчуқ овлайман, деб бугун мактабга бормаи муюлишда беркиниб ўтирган болалар эр-гашиб қоллишди.

— Сурнайча-ю, сурнайча,

Кўпроқ олгин, хой кизча!

Ғу-ғу сурнайим,

Ваг-ваг сурнайим...

Девкоматли амаким маҳалладаги жамки болаларининг юрагига ўт ёкиб, сотганига сотиб, сотмаганига кошнини қокиб, муқомлар қилиб кетаверди.

Бир маҳал бундай қарасам, шаҳар ташқарисига чиқиб колибмиз. Қолхозлараро бўрдоқичилик фермасининг катта девор кўргонни олдида турибмиз. Молларга ем тарқатадиган кўш дарвозали омбор ёнида эчки соқолли бир одам ўралашиб юрган экан, бизни кўриши билан:

— Паҳлавон, хў полвон!— деб чакирди.

Девқоматли паҳлавон отининг бошини ўша ёкка бурди. Яқинига боргач, аравадан тушиб, эчкисоқол билан бир нарсалар тўғрисида гаплаша бошлади. Мен гапларини яхши эшитолмай қолдим. Нега десангиз, худди шу пайтда уларни суратга тушириш билан овора эдим-да. Девқоматли паҳлавон аравани катта дарвозали кенг омборхонага ҳайдади. Мен сезмаган эканман, араванинг ичи икки қаватли бўлиб, ўйинчоқлар тепасида-ю, ости бўм-бўш экан. Тўрт томонни текис қирқилиб, симлар билан маҳкам ўраб боғланган, оғирлиги тахминан юз килоча келадиган бир той сомонни девқоматли паҳлавон даст кўтариб, араванинг таг қаватига жойлади, устки қисмига эса яна ҳалигидек қилиб ўйинчоқларини териб кўйди.

— Бугун яна келадиларми?— сўради эчкисоқол.

— Соат учларда,— жавоб қайтарди девқоматли паҳлавон.

— Худо ёр бўлсин.

— Айтганингиз келсин!

Биз яна йўлга тушдик. Лекин, мен бир нарсага жуда хайрон бўлиб қолдим. Тўғриси, шубҳага тушиб, ўзимни ўзим алдаганим учун андак хафа ҳам бўлдим. Сомонхона деганлари ҳам тўғри экан, хашак деганлари ҳам тўғри экан, мана, олиб кетяпмиз-ку, ахир! Бекорга Салимжон акамнинг ҳам кўнглига шубҳа солган эканман... «Йўк, йўк, тўхта, мулла Ҳошим,— деб ўйлай бошладим яна,— нега энди той қилиб боғланган сомонни яширинча олиб кетяпти, очик олиб кетаверса бўлмайди?! Йўк, бунда бир сир бор Нима бўлганда ҳам бораверай-чи, тайини чиқиб қолар ахир. Ҳеч бўлмаса бахти қаро директор тилга олган катта сигирни кўриб келарман. Яширинча сомон ейдиган сигир қанақа бўлар экан, эҳтимол қисир ёки бўғоздир, эҳтимол челақлаб сут бераётган говмишдир!

Қушларим бор сайроқи,
Кўғирчоқлар ўйнади,
Мана бундай ўйнайди,
Мана бундай ўйнайди!—

деб девкоматли пахлавон яна чилдирмасини чалиб, ўйинга тушиб, мукомлар қилиб, орқасидан болаларни эргаштириб кета бошлади.

Соат роппа-роса бир ярим бўлганда эски шаҳардаги лахтак магазинининг олдига етиб келди. Пешанаси йилтирок амаки шу ерда директор эканлигини билардим. Шу ҳақда ўйладиму, негадир, юрагим шиг этиб кетди. Ахир, бу магазинни сиз кузатманг, жишоят қидирув бўлими назорат олиб боряпти, деб менга минг марта тайинлашган эди-ку. Интизомсиз деб, хайфсан эълон қилиб қолнмса-я! Ҳа, майли, бўлганча бўлди, энди орқага қайтиш йўқ. Шунча раҳматлар эшитганда, битта хайфсан ҳам олсак, олибмиз-да...

Магазин директори тушликка ўтирган экан, кўлида сомса, лунжи тўла овқат, югуриб чиқди-да:

— О-о... — деб кўзлари олайиб, бир ютиниб олди. — Орқага! Орқага олиб ўтинг.

— Яхши, — деб кўйди девкоматли пахлавон сомсага қараб ютиниб. Аравани орқага олиб ўтиб, ҳалиги той қилиб боғланган сомонни эҳтиётлик билан магазинининг омборига туширди.

— Қорин қалай, полвон? — сўради пешанаси йилтирок амаки.

— Очман!

— Шухрат, югур, элликта кабоб буюриб кел

Ўн минутлардан сўнг, кабоб тайёр бўлди шекилли, мен тенги бир йигит келиб, девкоматли пахлавонни бошлаб чиқиб кетди. Шу пайтда жуда очқаб, қориним қулдираб турган бўлса ҳам, сомонни пойлаб, омборхонада ўтиравердим.

Пешанаси йилтирок амаки эшикни ичкаридан қулфлаб сомон ўралган сымларни жон-жаҳди билан бўшата бошладди. Симлар ечилгач, сомон ҳар томонга тўкилиб, ўртасидан қора чойшабга ўралган сандикдек бир тугун чиқди. Директор қора чойшабга ничоқ солди-ю:

— Хайрият! — деб, назаримда, кулиб юборгандек бўлди. Мен бўлсам «Ўўг-е!» деб ўрнимдан туриб кетдим, ха-ха, ўрнимдан туриб, ханг-манг бўлганимдан беш минут чамаси анграйиб қолдим. Кўз ўнгимда минг метрча намозшом гулли атлас ял-ял ёниб турарди... Бошқа шаҳарларда қанақалигини билмайман-ку, лекин бизнинг шаҳарда намозшом гулли атлас ҳозир шунақа расм бўлганки, баъзи бир аёллар шу атласни деб, эри билан кўйди-чиқди бўлиб юришибди...

Ана хийлакорлигу, мана хийлакорлик! Ўғирлик молларни олиб келишининг мана бунақа йўллари ҳам бўлар экан-у! Катта сизир бўлмай кетенилар-ей, сганлари намозшом гул-

ли атлас бўлса, каймоқлари ҳам хўп ёғли бўлса керак! Шундай деб, камоли газабим ошганидан, ўзимни йўқотиб қўйдим шекилли, пешанаси йилтироқ амакнинг ёқасидан бўғиб олдим. Бўғдим, лекин начора, хизматчилик экан, ковун тушириб қўймай деб қўриб, дарров қўйиб юбордим. Қетма-кет бешта сурат олиб, югуриб ташкарига чиқиб кетдим.

Ўша кунни кечгача девкоматли пахлавон билан аравада каттайса қилдим. Ўзиям, чилдирма овозидан нақ кулоқларим батанг бўлиб кетди-да. Шундай бўлса ҳам, бузоқча билан хўкиз деганлари кимлигини аниқлаб, ўғирлик моллар ёнида уларнинг ҳам суратини олмаганимча аравадан тушмай юрaverдим.

БУВИЖОНИМ МЕНИ МИЛИЦИЯДАН БУШАТМОҚЧИ

Бугун ойнинг йиғирма еттиси! Шунча кундан буён аппарат қўлатиб югуриб-елганим, уйқусиз ўтказган тушларимга каттақон яқун ясалади. Бу кунни, аввало, сабрсизлик билан бахти каро директор кутяпти. Жарликдаги ертўлага ўзининг жинойтчиларини тўплаб, яхши ишлаганларига мукофот беради, ёмон ишлаганларининг ёқасидан бўғиб, юзига тарсаки туширади, жинойтлар қилиш учун яна янги-янги режалар тузади, ха-ха, бу кунни у сабрсизлик билан кутяпти. Милицияга тухмат тошини отиш учун у ҳамтовоклари билан маслаҳат қилиб олиши, уларга иш тақсимлаши керак. Бу кунни хўппа семиз амаки ҳам кутяпти, пулимни ўғирлатиб қўйдим, рост айтяпман, худо урсин, деб қасам ичмоқчи. Дев коматли пахлавон бугун, жуда эҳтиётлик билан ишлагани учун саркорнинг мактовини эшитади, энг муҳими, ялмоғиз каминир пиширган товуклардан беш-олти-тасини маза қилиб ёб, уч-тўрт коса коньяк ҳам ичади.

Чайковчи Ориф билан ўғри Мутал милицияни қандай алдаб кетганларини айтиб, мактанишмоқчи: «Иш деган мана бундай бўпти!»— деб шерикларига дашном беришмоқчи. Пешанаси йилтироқ амаки бугун атайлаб ўнг томонини босиб турди, шунча кун ишим ўнгидан келди, бугун ҳам ўнгидан келиб, саркор яна минг метр атлас хадя қилсин, деб орзу қилди.

Ха, бугун сариқ девларнинг байрами. Қадим-қадим замонларда девлар Қўхикоф тоғида байрам қилишаркан, энди бўлса жарликдаги ертўлада байрам қилишадди.

Бугунги кун Янгибоғ милициясининг ҳам байрами, йўқ, кечирасиз, шошқалоқлигим курсин, жиндек олдинга кетиб

колибман. Бугун байрамга тайёргарлик, чинакам байрам эртага — жинойтчилар қўлга олингандан кейин бўлади. Бугунги кун қандай якунлашишини, шиносангиз, шаҳар милиция бошқармасида, министрликда ҳам сабрсизлик билан кутиб туришибди. Бугун, протоколларда номи Ўғирлик, Тухматчилик, Порахўрлик, Чайковчилик, Таъмагирлик деб қайд қилинган иллатлар билан милиция ўртасида сўнгги жанг бўлади. Жанггоҳ жарликдаги ертўла. Қим биледи, қурбонлар ҳам бўлар, эҳтимол Хошимжонга дайди ўк тегиб, у бувижони билан хайрлашолмай побуд ҳам бўлиб кетар..

Биз охири мажлисга тўнланганмиз. «Сариқ девни кувиб» операциясига иштирок этаётганлар: мен, яъни сержант Хошимжон Рўзиев, ҳурматли бошлигим, яъни полковник ўртоқ Отажонов, район милициясининг бошлиғи, яъни полковник ўртоқ Али Усмонов ва шиҳоят жинойт қидирув бўлимининг гоят тадбиркор раҳбари ўртоқ Холликов — ҳамма миз бутун диққат-эътиборимизни тўплаб, жинойтчиларни безарар қўлга олиш режаси устида бош қотириб ўтирибмиз. Режани гоят пухта тузишимиз ва шаҳар милиция бўлиминини бу ҳақда қундуз соат ўн биргача, албатта, хабардор ҳам қилиб қўйишимиз керак.

Шошилини, фақат шошилини керак!

— Хошим, Хошим-у-у-у-у! — деган овоз эшитилиб қолди тўсатдан қулогимга.

Бир саячиб тушдим, юрагим уриб кетди, ахир бу бувижонимнинг овози-ку! Ҳа, бувижонимники!!! У ёқ-бу ёққа ўйнагани кетсам, томга чиқиб, кафтини оғзига кўвача қилиб, ана шундай овоз билан чақирарди у... Лекин ҳозир мен қаёқда-ю, бувижоним қаёқда. Эҳтимол, менга шундай туюлгандир. Ахир, баъзан соғинганимда меҳрибон кишининг овози қулогимга эшитилади, дейишадик-ку.

— Хошим-у-у-уу! — деган овоз келди яна.

— Бувижоним! — деб ўршимдан туриб, югуриб коридорга чиқсам, ха-ха, бувижоним, беллини оқ дока билан маҳкам боғлаб, бошига лаккисини ўраб олибди. Қўлида сафарга чиққанда олиб юрадиган иргай хассаси! Пўлкадаги скамейканинг устига чиқиб, қўлини оғзига кўвача қилиб, тишмай чақиряпти. Бир милиционер «Холажон, бу ер унақа шовқин соладиган жой эмас», деса ҳам, «нари тур, ҳамма жой худонинг жойи», деб сийлаб ташлаб яна чақирди:

— Хошим-у-у-уу!

— Бувижон! — деб бақриб юбордим.

— Хошим, тойлогим!

Емон соғинишиб қолган эканмиз, ачомлашиб кўришиб кетдик. Энтикамиз, ўиншамиз, яна ачомлашамиз.

— Тирикмисан, тойлогим?

— Тирикман, бувижон!

— Ке, тагин бир ачомлашайлик, болагинам, кўзимнинг нури, нега хат ёзмайсан?

— Хизматчилик, бувижон.

— Хизматнинг бошингдан қолсин! Юрагимни эзиб юбординг-ку! Бор, даданг билан кўриш эди.

Қарамаган эканман, дадам нарирокда турган экан. Эгида кундузли пальто, оёгида катта керзи этик, бошида кулоқчини. Пальтоси шунақанги узундан олибдики, этаги полга тегай-тегай деб турибди, елкасида икки кўзи лик тўла хуржун.

— Дадажон!

Дадам елкасидаги хуржунни эҳтиётлик билан ерга қўйди-ю, кўришаётиб, негадир, пиқиллаб йиглаб юборди. «Дада, аздажон!» дедим-ку, мен ҳам ўзимни тутолмадим. Бечорага жуда кийини, ойим билан бувижоним кўз очиргани кўймайди. Кунбўйи далада. Бошқаларга ўхшаб бундай бир дам олса-чи, қаёқда, дам олганда ҳам сават тўкиб ўтиради.

— Йигламанг, дада!— дедим ниҳоят ўзимни қўлга олиб.

— Қара-я, катта йиғит бўлиб кетибсан,— деди дадам қадок кафти билан кўз ёшларини артиб.

— Ойим яхшимилар?

— Жин урармиди уни?!

— Ойша, Донолар-чи?

— Чокиллашиб юришибди.

— Зокир-чи? Ишлари яхшими?

— Яхши. Сенга резинка таёк бериб юборди.

— Уни нима қилар эканман?

— Ўғрилар билан муштлашганда керак бўлади, деди.

— Ўб-бо, Зокир-эй!

— Медаль олди, пальтосининг устидан тақиб юрибди.

Худди шу пайт бувижоним бизга яқинлашиб:

— Рўзи, кўтар хуржунни, шунча ялашганинг ҳам стар,— деб буйруқ бериб қолди.

— Урток Рўзиев!— деб чакирди коридорнинг нариги бошида туриб Али Усмонов. Овоз чиққан томонга бораётган эдим, бувижоним:

— Хошим!— деб тўхтатди. Бувижонимга ўғирилган эдим, оркамга қайтаётганимни кўриб, Али Усмонович:

— Урток Рўзиев!— деди зарда билан. Бир сакраб тушиб, беихтиёр ўша ёкка юра бошладим.

— Қайт бу ёкка!— бувижоним қўлндаги иргай хасса билан полни бир уриб қўйди.

Шундан кейин, коридорда гоҳ ўннга, гоҳ чапга бурила вериб нақ гаранг бўлиб кетаёздим. Раҳбарим олдига бораёй десам, бувижоним қолиб кетяпти, бувижонимга бораёй десам, кўриб турибсизки, у ёқдан кўйишмаяпти.

Али Усмонов кириб кетди-ю, Салимжон акам чиқиб кела бошлади. «Э, ха, меҳмонлар келиб қолипти-ку!» деб, дадам билан кўл бериб кўришди, сўнгра бувижоним билан кўришмоқчи бўлиб яқинлашаётган эди, «сеҳргарлик илмидан хабарин бор» деганим ёдига тушиб қолди шекилли, қутилмаганда орқасига тисарилди.

— Тутинган дадамг шу бўлмасин тағин!— деб бувижоним кўришиш учун кўлини худди оташкуракка ўхшатиб чўзиб, Салимжон акамнинг елкасини мўлжалга олиб, унга яқинлаша бошлади. Салимжон акам шошилиб:

— Ассалому алайкум, холажон!— деб негадир, орқасига тисарилди яна.

— Хайрият, мусулмон одамнинг боласи экансиз,— бувижоним бошлигимнинг елкасига уриб кўришган бўлди, қискагина ҳол-аҳвол сўрашди, ҳол-аҳвол сўрашяпти-ю, бошликим, негадир кўркиброк турганга ўхшайди, гоҳ бувижонимга, гоҳ менга назар ташлаб кўяди. «Ҳошимжон билан икковимизнинг маслаҳатимиз бор» деган эди, бувижоним: «Шунча йил мажлис қилганларнинг ҳам етар, Ҳошимни олиб кетаман, ўзимизнинг кишлоқда ҳам сартарошлигини қилаверади...» деб туриб олди.

— Холажон, ахир...— деди бошлигим.

— Ҳошим, бор, қизил, шапкасини топириб чиқ!— деб бувижоним ҳассасини ерга бир уриб кўйди. Тамом, энди бувижонимга гап уқтириб бўлсан, полковник эмас, генерал келганда ҳам ҳассасини дўқиллатиб тураверади.

— Шунча ишлатиб лоақал битта тўппонча бермабсизлар-а, боламга! Соч-соколларининг олдиргани бошка одам қуриб кетганмиди?

— Нималар деяпсиз, холажон?— елкасини киеиб сўради бошлигим.

— Бутун кишлоқда гап, нима дейсан, Бибиробиянинг набираси шаҳарда иш тополмай, милиционерларнинг соқолини олиб юрганмиш, дейишадн. Уят-эй!

— Елгон!— деди бошлигим.

— Галвирманг!— худди дадамни уришгандек уришиб берди бувижоним.— Нега бўлмаса, лоақал битта тўппонча бермадиларинг? Болам шўрлик кишлоққа икки кўлини буринга тикиб борди-я! Хотинларининг ичига киролмай қолдим: «Вой, кўшини, Ҳошим сизни яна алдаб кетибди, милицияда

бўлса тўппонча такиб келмасмиди!» деб кўз очиртиришмаяпти.

Биласиз-ку, Салимжон акам кулганда жуда каттиқ кулади, hozир ҳам дераза ойналарини зиркиратиб юборди. У куляпти-ку, бувижонимнинг жаги очилиб, кўзлари олайиб боряпти. Энди бутунлай тамом бўлдим, кенгашни менсиз ўтказишаверса ҳам бўлади. Агар бувижонимнинг айтганини қилмай ичкарига кириб кетсам, оркамдан кириб «ҳали сен меннинг гапимни икки қиладиган бўлдингми» деб, кўпчиликнинг олдида хассаси билан савалаб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Эҳ, бувижон, бувижон-ей! Ешлигимда-ку, «сен одам бўлмайсан» деб, кулогимдан чўзавериб шалпанг кулок қилиб қўйган эдингиз, мана энди одам бўлиб, қўлимдан иш келиб қолганда хасса қўтариб келишингизга бало борми!

Салимжон акам ҳам ҳушёр одам эмасми, гап нимада эканини, бувижоним кампирларининг иғвосига учиб, газабнок бўлиб келганлигини дарров пайқайди. Кулимсираганча ичкари кириб, мажлисини тўхтатиб чиқди.

— Қани бўлмаса, мехмонлар, уйга борамиз,— деб таклиф қилди.— Машина чақирдим. Хуржунини менга беринг, отингиз Рўзивоймиди?

— Ҳа,— деди ниҳоят дадам тилга кириб, аммо хуржунини бермади. Ташқарига чиқсак, идорамизнинг қора «Волга»-си хизматга тайёрман деб, шай бўлиб турган экан, ўтириб уйга жўнадик. Бувижоним ўкиб юрганнимда ҳам кўп келганди-ю, лекин бугундаканги дўк қилмаганди: бутун бошли кенгашни тўхтатиб қўйди-я! Борди-ю, ишинини йиғиштир, деб туриб олса нима қиламан...

— Лекин, Рўзивой, ажойиб ўглингиз бор экан!— секин гап бошлади Салимжон акам.

— Ҳа энди...— муштига йўталиб, гапирсам майлими дегандек, бувижонимга қараб қўйди дадам.

— Ажойиб бўлмай кетсин,— гапини илаб кетди бувижоним,— гап сотиб ҳаммаши ишдан қўйиб юргандир-да... Гапига ишонманг буни, кўпинча ёлгон гапирарди...

— Ҳошимжонга ҳамманинг хаваси келяпти hozир!— шундай деб Салимжон акам мени мақташга тушиб кетди. Шунақанги мактаб юбордики, эшитиб, ҳузур қилганимдан, андак бўлмаса, бувижонимнинг тиззасига бошимни қўйиб, ухлаб қолаёзиман. Мен бувижонимнинг насихатларини кулогимга олиб шунақанги хайрли ишлар қилаётган эканманки, шу кунларда обрўйим шунақанги зўр эканки, ҳатто бутун бошли бир мажлис мен бўлмаганлигим учун тўхтаб қолган эмиш...

— Ана, айтмадимми, Рўзи!— деди бувижоним тўсатдан ўзгариб,— шу Хожар манқанинг гапига кирмайлик деб...

— Бутун галвани ўзингиз бошладингиз-ку,— деб кўйди дадам кўрка-писа.

— Нима қилай ахир, тентагимни кўргим келди-да,— деб бувижоним мени бағрига босиб, пешанамдан ўниб кўйди. Кара, суксурдек йиғит бўлибди! Ниним, отингиз Салимжон-миди? Очигини айтнинг, ростдан ҳам сартарошлик қилаёт-гани йўқми?

— Хошимжон ҳозир давлат аҳамиятига эга бўлган иш-ларини бажаряпти,— тушутирди Салимжон акам.

— Хайрият, Хошим ҳақида ҳам яхши гаплар эшитар-канмиз.

— Сиз нима деб ўйловдингиз бўлмаса?— деб қаддини сал ростлаброк олди дадам.

— Сен жим кет, анқов!— уришиб берди бувижо-ним.— Сеннинг гапингга кириб-ку, кеча кунбўйи сарсон бўлдим.

Кеча эрталаб йўлга чиқиб, станцияга келишса, бўш ав-тобус турган экан, дадам бечора суриштирмай-нетмай, дар-ров иккита билет олиб чиқибди. Автобус уларни бутунлай бошқа шаҳарга олиб бориб ташлабди. Йўлда бувижоним: «Рўзи, бошқа томонга кетаётганга ўхшаймизми?» деб сўра-ган экан, дадам, «бошингиз айлашиб, кўзингиз тинаётгандир, жиндек мизгиб олинг» дебди. Хуллас, кеча кунбўйи сарсон бўлишибди. Бечора дадам шунинг учун кўркиб гапиролмай ўтирган экан.

Бора-бора бувижоним жаҳлдан тушиб, менинг ҳам сар-тарошлик қилмаётганлигимга астойдил ишониб, «эсон-омон қишлоққа борсам, Хожар манқанинг тилини сугуриб ола-ман», деб қасамёд қилди.

— Лекин, ниним, бундан кейин Хошим қишлоққа борса тўппончасиз жўнатманг,— деб илтимос қилди охири.

— Хўп бўлади, холажон,— ваъда берди бошлигим,— иложи бўлса, иккита тўппонча тақиб жўнатаман.

— Худоё умрингиз узок бўлсин!— дуо қилди бувижоним.

Уйга боргач, Салимжон акам чой кўймоқчи бўлган эди, бувижоним кўймади. Битта чой бўлса, бир амаллаб қайна-тиб ичармиз, хизматдан кечга қолманглар, Хошимимга гап тегиб қолмасин тагин, деди. Чиқиб кетаётганимизда, қуло-гимга шивирлаб:

— Хошим, шу машина ўзингизникими?— деб сўради.

— Ўзимники!— дедим мен ҳам мактангим келиб.

— Қишлоққа миниб боргин. Хожар манқа бир кўрсин!

— Хўп бўлади, бувижон!

БАХТИ ҚАРО ДИРЕКТОРНИНГ МАСЛАХАТЧИСИ

Ишмизнинг баъзи бир томонлари мутлақо махфий бўлганлиги учун бугунги мажлисимизда қанақа масалалар кўрилаганлигини, қўлга олиш, тинтув ўтказиш бўйича қимлардан иборат оператив группалар тузганлигимизни, кечирасиз, мен ҳам сир тутмоқчиман. Фақат бутун операцияга полковник Али Усмонов бошчилик қилишни ўз зиммасига олганлигини кулагингизга шилштиб қўйишим мумкин. Агар жуда, жуда ҳам қизиқаётган бўлсангиз, шунинг ҳам аста шивирлашим мумкин: қўлга олиш группасига бошлиқ этиб мени тайинлашди. Жамоатчилик вакиллари, дружиначилар ва милиция ходимларидан иборат йиғирма кишилик отряд тузиш ҳақида кўрсатма ҳам олдим. Қуируз соат учларгача отрядни тузиб бўлдим. Пенсионерлардан Муслим бобо билан босмачиларга қарши курашда ном чиқарган Мерган ота, дружиначилардан ака-ука боксчилар Хасан билан Хусан, милиционерлардан участкавий Суръат ака, хуллас, танлаган кишиларимизнинг ҳаммаси азамат, бос деса босадиган хилдан. Ҳаммасини тўплаб, операция планини гоят махфий саклашга сўз берганим учун, соат ўнда шу ерда тўплаганимиз, область марказига концерт кўргани борамиз, деб кўя қолдим.

Ихтиёримда ҳали етти соат вақт бор. Уйга бориб, буви-жониму дадажоним билан, няғимизни няғимизга тираб олиб, гаплашиб, оқ жўхоридан туёб келишган бўлса, серкатик гўжа ош қилиб ичиб, маза қилиб ётишим ҳам мумкин эди. Аммо аллақандай бир гашлик пайдо бўлиб юрагимга гўлгула сола бошлади. Борди-ю, ҳамма иш тайёр бўлиб, катта-кичик оёққа турган бир маҳалда Одил баттол қочиб қолса-я! Шарифа, унинг ҳамма жойда одами бор, деганди, милициянинг режасидан хабар топиши ҳам ҳеч гап эмаску, ахир! Йўқ, нима бўлганда ҳам уни кўздан қочирмаслигим, орқасидан соядек эргашишим керак.

— Нима дединг, қалпоқчам? — маслахат сўрадим доно маслахатчимдан.

— Яхши ўйладинг, Хошимжон, — кўнглимни кўтарди қалпоқчам.

«Рохат» ошхонасига жўнадим. Ҳар қунигидек бугун ҳам одам гавжум, навбатнинг охири чўзилиб, нақ кўчагача чиқиб кетибди. Утиргани жой йўқ, бир хил хўрандалар тикка туриб овкатланишяпти...

Ошпазларнинг олдига ўтдим. Кўли-кўлига тегмайди, энтиқишиб, пешаналаридан чакиллаб тер оқиб, гоҳ чўмичини, гоҳ қапирини ишга солиб, овкат тақсимлашяпти. Ҳузур ош-

паз кўринмайди. Салимжон ака ўз ваъдасининг устидан чиқиб, уни ишчилар ошхонасига ўтказиб жамики ошпазларига бошлиқ қилиб қўйганга ўхшайди. Буфетчининг ишларини кўриб, очигини айтсам, унга ҳавасим келиб кетди: бирам чаккон, бирам тез ишлаяптики, асти қўяверасиз. Арок деганга сув, коньяк деганга памил чой узатиб:

— Тез бўлинг, стаканини кутиб қолишди,— деб кистаб ҳам қўяди.

Бахти қаро директор кўксини столга бериб, чўт қоқиб, пул санаб ўтирибди. Иригини портфелига-ю, майдасини столнинг тортмасига жойлаяпти. Худди шу пайт эшикни кимдир кўрка-писа чертгандек бўлди.

— Эшик очик-ку!— ўшқирди директор.

Хиёл ўтмай останада ўттиз беш ёшлардаги озгингина бир аёл кўринди. Орқасидан, магазинчи кўшимиз Насмат аканинг ўғилларига ўхшаган болалар, ёши тахминан олти, етти, саккизларда бўлган, совуккотингандан дилдирашиб турган уч бола кўринди. Мен бу аёлни дарров танидим. Вокзалда перашка сотарди. Хув бирда капитан Хошимова уни жиноят устида қўлга ҳам туширган.

Бахти қаро директор ковогини осялтириб, гўё аёлни кўрмагандек, ўз ишини давом эттираверди.

— Мен яна келувдим...— деди аёл худди «ух» тортгандек бир оҳангда.

— Келган бўлсанг нима қилай, ашула айтиб берайми?

— Ахир, раҳмингиз келсин!

— Менга кимнинг раҳми келади? Трестга бор.

— Бордим, сизнинг руҳсатингизсиз ҳеч нарса қилишмас экан,— аёл ишқиллаб йиглаб юборди.— Ҳеч бўлмаса, мана бу етимларнинг раҳмининг енг.

Одил баттол бошини кўтариб, захарханда билан «хе-хе» лаб қулди. «Болаларимни олиб борсам, раҳми келади, деб ўйлагандирсан-да, ишемик!» деб яна ишини давом эттираверди.

Икки томон ҳам ўн минутлар чамаси жим қолди.

— Эшикни тополмаясанми?— сўради инҳоят директор.

— Жон Одил ака, бола-чақаларингизнинг ҳавасини кўринг.

— Ўрнингга харидор чиқди, сотиб юбордим.

— Ахир ўша пулни мен ҳам берардим-ку?

— Хўш, қанча олиб келдинг? — тўсатдан бошини кўтариб табассум қилди Одил баттол. Аёл:

— Уч ойдан буён ишсизман, менда пул нима қилсин, эсон-омон ишмин бошлаб юборсам тонганим сизники,—

деган эди, бахти каро директор халигидаи ҳам аччиғрок бир табассум билан:

— Билагинида олтин билагузук, бармоғинида тилла узук, пул йўк дегани уялмайсанми?— деди. Аёл аввал билагузугини, сўнгра бир оз иккиланиб тургач, «ха, майли, бошкўзимдан садака», деб ўйлади шекилли, бармоғидаги ёкут кўзли узугини ҳам чиқариб берди.

— Эртага ишга тушсам бўладими?— сўради охирида.

— Ишгами?— узукнинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечириб деди бахти каро директор.— Ишга дейсанми? Ишга ҳали эрта.

— Вой нега?— кўркиб кетди аёл.

— ОБХСС босгани эсингдами? Ўша материаллар судга оширилган. Бир ёкли бўлсин, кейини тушасан...

«Ёлгон! Мутлақо ёлгон!— бақириб юборишимга оз колди.— Материаллар сенинг ўзинида — ер остидаги хазинанига беркитиб қўйгансан! Шошмай турсанг, бугун-эрта суд ҳам бошланиб қолар...» Ўзини қўлга олиб, тишимни тишимга босиб, овозларини ёзиб олишда давом этдим. Чиккилатиб суратларини ҳам олавердим.

— Бу ишларини тиңчитдим, девдингиз-ку?— бутунлай ўзини йўқотиб деди аёл.

— Ха, тиңчитмоқчи бўлувдим... Лекин жуда катта пул сўрашяпти...

Аёл гоҳ директорга, гоҳ кўзлари мўлтиллаб йиғлаворай-йиғлаворай деб туришган ўғилларига қараб, «кошки эди, пулим бўлса!» дея тиззалари букилиб даг-даг калтирай бошлади.

— Уят, уят-эй,— деб бошини чайкаб қўйди Одил Аббосов,— оғзинг тўла тилла тиш-у, пулим йўқ дейсан-а!..

Аёл яна болаларига қаради, камалиб кетсам, бу шўртумшукларнинг ахvoli нима кечади, деб ўйларди шекилли, тиши ҳам омонатгина қўйилган экан, настки тёмондагиларини шартта олиб, столнинг устига қўйди.

— Шу билан бости-бости бўладими?

Бахти каро директор худди нордон бир нарса чайнаб олгандек, афтини буриштириб:

— Ўнта тиш билан юристини қўлга олиб бўларканми?— деб чала қолган ишнини давом эттиришга тутинди.

Аёл тепа тишларини ҳам суғуриб, стол устига ташлади,

— Энди битадими?

Одил Аббосов хиё қулимсираб:

— Қачон ишга тушасан?— деб сўради.

— Ҳозир десангиз ҳам тайёрман,— севинганидан энтиқиб кетди аёл.

— Эртага тушарсан.— Шундай деб Одил Аббосов ўрнидан туриб, пўлат сандигидан котиб, пўпанак бойлаб кетган бир пагирин олиб аёлга узатди.— Ма, қасамёд қил!

Аёл чўкка тушиб, пешанасини нонга тегизиб, тайёр бўлиб турди.

— Бу ерда бўлиб ўтган гапларни бировга айтсам нон урсин, де!— буйруқ берди бахти каро директор.

— Бу ерда бўлиб ўтган гапларни бировга айтсам нон урсин!

— Тушган фойданинг ярмини бермасам нон урсин, де!

— Тушган фойданинг ярмини бермасам нон урсин!

— Ваъдаларимни бажармасам бошим кетса майли, де!

— Ваъдаларимни бажармасам бошим кетса майли!

Шунча ёшга кириб, бунақанги воқеани ҳеч кўрмаган, хатто эшитмаган эдим. Порахўрнинг бунақанги қасамёдлари бўлар экан-ку! Пўк, бу чинакам баттол. Таърифлаб бўлмайдиган даражада баттол экан! Ердам сўраб келган бир аёлнинг оғзидаги тишларини қоқиб олди-я. Бу воқеани бировга айтсам, ўлиб қолса ҳам ишонмайди. Хайриятки, бу гамгин овозларни ёзиб, ҳаяжонли юзларни суратга тушириб турибман. Бўлмаса, бир нафасдан сўнг ўзим ҳам ишонмай қолардим. Камоли газабим ошганидан, қалтираб, ташқарига чиқиб кетдим. Сув ичиб, ўзимни босишга ҳаракат қилдим.

Соат олтиларда директор иккимиз номаълум томонга қараб йўл олдик. Қаёққа борянимиз, билмайман. Аслида, бунинг менга аҳамияти ҳам йўқ. Фақат унинг ортидан қолмай, ҳар бир одимини суратга тушириб, ҳар бир сўзини ёзиб олсам бас.

Эшигининг тепасига «Юридик консультация» деб ёзиб қўйилган кўримензгина бир идорага кирдик. Худди Одил баттолнинг ўзига ўхшаш оғзи қалдан ташқари катта, ялпोक юзли, сиражин пешанаси эски маҳсидек тиришиб кетган, эллик беш-олтминчи ёшлардаги бир одам и-ийлаб, секин ўрнидан турди:

— Қандай шамол учирди, Одилжон?

— Дўстларимни тез-тез соғиниб тураман,— кўришиш учун қўл узатди бахти каро директор.— Кеча ун элтиб ташлашибдим?

— Бир йўла уч қоп! Сахийсиз-да, Одилжон.

— Дўстларимдан жонимни ҳам аямайман.

— Умрингиз зиёда бўлени. Хўш, хизмат, дўстим?

Икковларининг суҳбатларидан шу нарсани биллиб олдимки, бу одамнинг оти Шокир бўлиб. Одил баттолнинг қонуни-

дан ташкари жамики хатти-харакатларига йўл-йўриқ кўрсатиб турувчи қонушунос экан. Салимжон акам Одил Аббосовнинг шаҳар прокуратурасида маслаҳатчиси бор, деб нотўғри тахмин қилиб юрган экан. Баттолнинг маслаҳатчиси мана шу хонада, эгаси кўчиб кетгандек хувиллаб қолган кўримсизгина идорада ўтирар экан.

— Мана бу келинга, биздан совга...— деди Одил Аббосов ҳалиги уч болали аёлнинг бармоғидан суғуриб олган ёкут кўзли узукни узатиб.

Маслаҳатчи севинганидан кўзлари чакнаб, ўрнидан туриб кетди. «Кўйинг, мени уялтириб қўйяпсиз» деди-ю, тағин қайтиб олиб қўймасин деб кўрқди шекилли:

— Хотамтойсиз-да, хотамтой!— дея шошрилиб узукни чўнтагига солди. Бу орада бахти қаро директор портфелини аста очиб, Шарифанинг ўлими олдидан ёзиб қолдирган васиятномасини кўрсатди.

— Мана бу хушхабарини кўринг!

Маслаҳатчи васиятномани кошларини чимириб, овоз чиқармасдан ўқиб чиқди-ю, худди биров бўгаётгандек, хириллаб қолди:

— Табриклайман, табриклайман! Ўлгани аниқми?

— Аниқ.

— Демак, полковникнинг қуши битибди энди!

— Кошки эди-я...

— Уни ишдан олиб, жавобгарликка ҳам тортишадн,— севинганидан ўрнидан туриб кетди маслаҳатчи.— Мана, менинг маслаҳатимга юриб кам бўлмадингиз. Васиятномани ўз кўли билан ёзганми?

— Ўз кўли билан ёзган.

— Энди бу ёғини менга қўйиб берсинлар. Шу кечасиёқ министрлик номига имзосиз ариза ёзамиз. Ун гулдан бир гули очилмаган Шарифани ишодга қўйиб ўлдирган, порахўр Салим Отажонов қачонгача ялло қилиб юраверади, деб ёзамиз. Меҳнаткашлар номидан ёзамиз!

— Ёзган шикоятингизни менга ҳам, албатта, кўрсатинг

— Бўлмаса-чи, дўстим.

— Гўшт-пўшт керак эмасми?

— Қўйинг, одам уялади.

— Эрталаб бердириб юбораман. Хайр, мен кетдим.

— Омон бўлинг, хотамтой дўстим,— деганча, кўчагача кузатиб чиқди маслаҳатчи.

Соат ўиларда бахти қаро директорни жарлик тубидаги паҳса деворли кўрғончага киритиб юбордим, ўз группамни тезроқ бошлаб келиш учун идорага югурдим.

ҚЎРҚИНЧЛИ ТУН

— Қўрқяпсанми, Хошимжон?

— Қўрқяпман.

— Қўркма ўғлим, сенинг оракагда бутун халқ, ҳукумат турибди.

— Шундайку-я...

— Нашани олдинги?

— Олдим.

— Энг муҳими, шошма, ўзингни йўқотма.

— Хўп.

— Ҳамма ишни мен айтгандек қил.

— Яхши.

— Ок йўл, ўғлим!— деб Салимжон акам мени йўлга кузатиб қолди. Ўзи ҳам бирга бормокчи эди-ю, лекин пачора, хизматчилик экан, боралмади. Унинг зиммасида ҳам меникидан огирроқ вазифалар турибди. У ҳам туни билан ухламай югуриб-сшиб чиқади.

Йигирма киши усти берк машинада йўлга тушдик. Шундан сўнггина мен ҳамроҳларимга қасққа бораётганлигимиз, бизни қандай хавф-хатарлар кутаётганлиги, бажаришимиз керак бўлган иш ғоят масъулиятли эканлигини тушутирдим.

— У очонатларни аллақачон қўлга олиш керак эди,— гижиниб қўйди пенсионер Муслим бобо.

— Хайрият, балохўрларнинг илдизига болта уриладиган кунларни ҳам кўрар эканмиз,— хурсанд бўлиб деди Мерган ота.

— Ҳаммаси саккиз киши дедингизми?— ташвишланиб-роқ сўради Суръат ака.— Лича огир бўларкан...

— Қўркманг,— деб қўйди дўжипачи Ҳасан боксёр. У ўз кучига ишонди шекилли.

— Иккитасини ўзим тиңчиtib бераман,— деди укаси Хусан ҳам.

Ахлатхона ёнида машинадан тушдик. Бошқа жойларда эҳтимол бундай эмасдир-у, аммо, бизнинг шаҳарда киши тушиши билан ирдалаб шамол эгани асан. Бутун ҳам каттик шамол туриб, кўклага қора бўлутларин тоқ ушга, тоқ чапга ҳайдаб тушни яна ҳам ваҳималандирок, яна ҳам вурғинч-лироқ қилиб кўрсатапти. Атроф шунданки қоронғи, бурнингдан нарини кўриб бўлмайди. Аксинча очиб, суви кўриб қолган анхорга шу оқшом суви очиб қоборинчибли. Пенсионер Муслим бобо билан Мерган ота шаловлаб суфта тушиб кетишди.

— Зарари йўк,— шивирлади Мерган ота,— босмачилар билан олишганимизда бундан оғирроқ қуиларни кўрганмиз.

— Тўхтагилар, менинг келишим оқиб кетибди,— деб каттиқ гапириб юборди Муслим бобо.

— Жим!— шивирлади Суръат ака.

— Кампиримдан балога қолдим энди!— Муслим бобо кутилмаганда хаҳолаб қулиб юборса бўладими, ҳаммамиз кўрқиб кетдик. Бир хилларимиз ерга ётиб олдик.

Гоҳ эмақлаб, гоҳ паналаб чолиб, жар тубидаги паҳса кўргонга етиб, аввал келишиб олганимиздек, уни ҳар томондан қуршаб олдик. Мен ичкари кириб, ҳамма иш жойида бўлса гугурт чакиб, бостириб киришга сигнал берадиган бўлдим.

Бир сакраб девордан ошиб ўтдим. Ховли худди гўристондек қоронғи, жимлик, тик этган овоз эшитилмайдди. Фақат уйнинг мўрисида аҳён-аҳёнда жонсиз учқунлар отилиб чиқиб, қоронғилик қаърида йўк бўлиб кетяпти. Уйнинг эшиги берк, деразага парда тутилганга ўхшайди — тирқишдан нурсиз ёруғлик кўришиб турибди. Уйга қандай кирдим энди? Эшикни қим очиб беради? Салгина овоз чикса, ҳаммалари хушёр тортиб, режамизни чиппақка чиқариши мумкин! Шу пайтда кўғирчоқ театрида артист бўлиб ишлаганлигим жуда қўл келиб қолди-да. Бошимга қалпоқчамни кийиб кўздан гойиб бўлдим, эшикка яқинлашиб, худди совукқотиб қолган мушук болага ўхшатиб зорланиб, миёвлай бошладим, қўлларим билан тахтаани таталаб тирнадим. Хайрият, ялмоғиз кампир қулоғини динг қилиб ўтирган экан, дарров эшита қолди.

Эшикни қия очиб:

— Хмм, совук баданимдан ўтиб кетдим,— деди. Бу пайтда мен лип этиб уйга кириб олдим.— Қир, қира қол тезроқ... Қўрқаясанми, ҳа, майли, совукқотсанг яна келарсан,— деб, кампир эшикни ичидан беркитди.

Дош қозонда биқирлаб шўрва қайнаётди. Ўзиям нақ йиғирматача товукнинг боши узилганга ўхшайди. Нега десаңгиз, қозон шунчалик катта бўлишига қарамай, гўштлар бир-бирига тикилиб қолибди. Хушбўй хид хонани тутиб кетибди. Иштаҳам кўзгаб, тамшаниб, бир-икки бор «култ-култ» этиб ютиндим, «бор-эй, бирпас кутишса кутишар», деб чала пишган бир товукни кўлимга олиб, тикка турганимча, пуф-пуфлаб, пок-покиза туширдим.

Салимжон акам кўп тadbиркор одам-да. «Бораётган жойнинг жуда хавфли, гапингга қараганда, ҳаммаси қуролланганга ўхшайди. Ортиқ уринишнинг нима хожати бор, иложини топсанг, таомларига наша кўшиб бер, гаранг бўлиб

колишадн, қўлга олини осонлашадн», деб ўргатган эди. Хатто чўнтагимдаги чакалоқнинг муштидек келадиган на-шани ҳам ўзи топиб берди. «Банниятн шифо бўлсин», деб уни қозонга ташладиму ассалому алайкум дея секин ертў-лага тушиб бордим.

Ана томоша-ю, мана томоша! Хаммалари аввалгидек шпракайф, кўзлари биё-биё. Майкачан бўлиб олишибди. Тағларида атлас кўрпачалар, шишалар очилган, майлар қадахларда гул-гул яшнаб турибди. Девкоматли паҳлавон ўртада, елкаларини учуриб, бақувват билакларидаги му-шакларини ўйнатиб, гоҳ ўннга, гоҳ чапга шох ташлаб ўйин-га тушяпти, қолганлари қарсақ чалиб, ашула айтишяпти:

Беш кун экан бу дунё
Кўрарингни кўриб қол.
Ешлигингда хўб ўйнаб
Даври-даврон суриб қол...

Хўппа семиз амаки қарсақни негадир, эриниброқ чал-япти, ашулага ҳам қўшилмаяпти. Фақат аҳён-аҳёнда, худди омонатини тоншираётган беморга ўхшаб, няк қокиб қўя-япти, холос. Ўғри Мутал бўлса, гўё биров унга қарсақни каттикроқ чалиб, ашулани ҳам бақириброқ айтсанг муко-фот оласан, деб шилштиб қўйгандек, шерикларидан ўзиб кетяпти. Пешанаси йилтироқ амакининг жазаваси тутиб қолибди: ҳамма нарсани унутиб, қора терга ботиб, оғзини қаппа-қаппа очиб, қарсақни ҳам бошқалардан кўпроқ ур-япти. Ориф чайқовчи ашула боши экан. Кўзларини чирт юмиб, бўйинни чўзиб, хузур қилаётгандек бошини чайқаб, ашулани тобора авжига чиқаряпти:

Даврон келди сур, бегим!
Қандингни ҳам ур, бегим!
Омад келди от чопгани,
Савлати зўр, зўр бегим!..

— Яшавор, Бодрок!— Бесуяк бўлиб кетибсан-ку!

— Қийиб ташладинг, ука!— деб ора-чора қийқиришиб ҳам туришибди. Саллабодроқ амаки чарчаб, боши айланди шекилли, чайқалиб кетди-ю, ўйинни тўхтатиб, бахти қаро директорнинг қўлидан торта бошлади.

— Туринг, устоз!

— Ха-ха, қани-қани!

— Қўймайсан, Бодрок!— деб ҳар томондан қийқириб қолишди. Пўк, Одил Аббосов унча таранг қилиб ўтирмади.

лабини чўччайтириб, кўзларини кисиб ўрнидан турди-да, икки кўлини лайлакнинг қанотидек кенг ёзиб: «Қорасочим» га чалинлар бўлмаса», деб илтимос қилди.

— Қорасочим ўсиб қошимга тушди.
На савдолар мени бошимга тушди-ей!—

деб Орпф чайковчи ашулани бошлаб юборди. Тавба қилдим-эй, нахотки бу ўша бутун шаҳарга жиноят уругини сепиб, мевасидан шерикларини ҳам бахраманд этиб юрган бахти каро директор бўлса! Ахир у туппа-тузук ўйинчи экан-ку. Кўлларини чиройли ўйнатишини каранг, оёқларининг ашула оҳангига мос тушаётганини айтмайсизми. Нима бало, ёшлигида эстрада театрининг ўйинчиси бўлганими дейман!

— Қойил!

— Офарин, устоз!

— Бекорга сизин саркорим демаганман, ахир!— деб олқишлай бошлашди шериклари.

Ўйин тўхтади. Чарчаб қолишганга ўхшайди, чуқур-чуқур нафас ола бошлашди.

— Мутал!— хитоб қилди бахти каро директор.

— Лаббай, устоз!

— Қадаҳларни тўлдир, укам, бугун менинг энг бахтли куним. Душманимнинг оёғига яна бир болта урдим...

Бирини стаканда, бошқаси косада, бирини оқидан, бошқаси кизилдан отиб олишгач, кўзларини сузишиб, чала-чулпа сўзлар айтишиб, ҳар хил нарсалар тўғрисида гаплаша бошлашди. Ўтган сафаргидек, бу гал ҳам саркор тобеларидан пул йиғиб, ўғри Мутал билан Саллабодрокка оз-оз бериб, қолганини портфелига жойлади. Чайковчинини тайёргина молларини ҳалигача бозорга чиқариб сота олмаганлиги учун койинди. Бешик ясайдиган дўконча олдидаги автоинспекция ходимларини чапгитиш учун уч юз метр нарида авария уюштириш керак эди, деб маслаҳат берди.

— Бу фикрингиз жуда маъқул, устоз,— кўлини кўксига кўйиб куллуқ қилди чайковчи.

— Машинани ўзим топиб бераман!— ваъда бериб юборди ўғри Мутал. Пешанаси йилтироқ амаки билан хўпна семиз амаки, бизга яна ҳам кўпроқ хашак беринг, бозор жуда авжида, деб илтимос қилишди.

— Овқат пишди!— эълон қилиб қолди шу пайт ялмоғиз кампир. Чайковчи билан Мутал юқорига чиқиб, билкиллаб турган товукларни катта тоғорага босиб тушишди. Бир оздан сўнг товук суякларининг кирсиллаб сипиши, лаблар-

нинг чапиллаш, пасти-баланд пишиллаш овозлари, ора-чора кекиришлар ҳам кулоқка чалина бошлади.

— Мутал!

— Буюринг, устоз!

— Қуй, тўлдириб қуй! Бугун мен бахтлиман!

— Сизнинг бахтингиз бизнинг бахтимиз,— чайналиб гапга кўшилди чайковчи.

— Сиз бўлмасангиз биз аллақачон қўлга тушган бўлардик!— деб миннатдорчилик билдирди пешанаси йилтирок амаки.

— Мен борман, ҳеч қайсинг кўркма,— кимдир отиб ташламоқчи бўлгандек кўрсаткич бармогини ўқталиб гап-ра бошлади бахти қаро директор,— чунки мен айёрман, тулкиман! Ҳаммасига чап бераман... ОБХССни, у мендан кўради! Юрагини олиб кўйдим, худо хоҳласа, яқинда ҳаммаси ишдан кетади. Ҳали кўп даври-даврон сурамиз. Тўғримн, Мутал?

— Ҳақ гапини айтдингиз, устоз. Уларни ҳали кўп ўйнатамиз.

— Менинг тушимга ҳар кун ОБХССнинг бошлиғи киряпти,— ютиниб кўйди чайковчи.

— Мен ҳам шунақа тушлар кўряпман,— аста бошини кўтарди ҳўниа семиз амаки.— Ҳозир ҳам туш кўраётганга ўхшайман, бошим айланиб кетяпти...

Пешанаси йилтирок амаки:

— Айланш...— деди-ю, гапини йўқотиб кўйди шекилли, бир оз жим қолди.— Ҳаммамиз айланяпмиз, товоқлар, шишалар, шишалар айланяпти, ертўла айланяпти...

Наша аста-секин ўз кучини кўрсата бошладими, бир-бирларига қараб илжайишиб, тиллари қалимага келмай қолди.

— Хи-хи-хи!— қулди биттаси.

— Ҳа-ха-ха!— жўр бўлди бошқаси.

— Хе-хе-хе!— дея давом эттирди учинчиси.

Вактин қўлдан боғ бермаслик учун шошилди уларни қуролсизлантира бошладим. Бахти қаро директор билан ўғрида ўқланган тўппонча, чайковчи билан девкоматли паҳлавонда ханжар бор экан. Қолганларида ё ҳеч нарса йўқ, ёки тополмадим.

— Наша! Товуқдан нашанинг хиди келяпти!!— бақириб ўрнидан туриб кетди девкоматли паҳлавон.

— Наша!

— Ҳа, ҳа, нашанинг хиди бор!— деб юмилиб бораётган кўзини каттароқ очмоқчи бўлди бахти қаро директор.— Мутал, сен қилдингми бу ишни?

— Худо урсин!— касам ичди ўғри.

— Чайковчи, сендан шубхам бор.

— Тил тортмай ўлай, устоз!

— Хозир тил тортмай ўласан!— бахти каро директор костюмининг чўнтагини пайпаслаб кўрди, таталаб портфелини очди, охири шимининг чўнтагига кўл сукиб «тўппочам!» деб бакириб юборди. Турмоқчи бўлувди, мукиб кетди.

— Бодрок, ушла ўғрини!— деди ётган ўрнида хириллаб.

Бир нафасдан сўнг ертўлада, томоша қилсанг арзийдиган муштлашиш бошланди. Девкоматли пахлавон ўғрини, бахти каро директор чайковчини, пешанаси йилтирок амаки, негадир омборчини бўғиб олди. Ҳаммаси ҳам гаранг, тузукрок муштлашай деса, боши айланаётганидан кўлни кўтаргани мадори келмайди. Ун минутлардан сўнг бир-бирларини бўғишганча чўзилиб қолишди.

Бахти каро директор бошлиқ жинойтчиларнинг энг сўнги базми шу йўсини бир-бирларини бўғиш, някларига мушт тушириш билан якувланди.

— Лекин ўғлим, довюрак йиғит экансан!— деди Муслим бобо жинойтчиларни машинага юклаб қайтаётганимизда.— Мана бу пахлавоннинг ётишини кара, лоакал шундан ҳам кўркмадингми-а?

— Сал-пал кўрдим ҳам,— дедим камтарлик қилиб.

Эртасига эрталаб Одил баттолнинг ер ости хазинасидagi беҳисоб бойликлар-у, ўгирланган хужжатларни ҳам келтириб бергач, ўзим бошчилик қилган «Сариқ девни қувиб» операциясини шу билан тугатган бўлдим. Икки минг тўрт юз дона ҳар хил сурат, суҳбатлар ёзиб олинган тўрт минг икки юз метр лентани бошлиқларимга топширдим. Тергов ишларини мендан кўра ўн баробар тажрибалироқ бўлган майор Холиков олиб борадиган бўлди. Ўша куни кечга томон идорамизнинг қора «Волга»сида қишлоққа жўнаб кетдик.

САРИҚ ДЕВНИНГ ҲЛИМИ ЕКИ ОЛАМ ГУЛИСТОН БЎЛГАНИ

ҚИШЛОҚДА ҲТГАН ҚУНЛАРИМ

Шундай қилиб... нима деяётган эдим, бувижоним билан қишлоққа жўнаб кетдик деяётган эдим шекилли, ҳа, худди шундай деяётган эдим... Ҳзиям қишлоғимизни жуда соғиниб қолган эканман. Зоқир, Ориф, Миробиддинхўжалар ҳам мени интизор бўлиб кутишаётган экан. Агар яна бир ҳафта келмасам, Зоқир мени кўрганни бормоқчи, қайтаётганда тўйга таклиф қилиб келмоқчи ҳам экан.

Пўк, яхшиси бир бошдан гапирай. Ориф, семиз жиноятчилару, уларнинг қора қилмишларини исбот қилувчи ашён далилларини топширган қушим эртасига район милиция бошқармасида полковник Али Усмонов раҳбарлигида мени, яъни сариқ девларини қўлга туширишида қатта жасорат кўрсатган сержант Ҳошимжон Рўзиевни қандай рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилибди. Қимдир, ўртоқ Рўзиевга пул мукофоти берсак яхши бўлар эди деган экан, устозим: «Менимча, Ҳошимжонга пулнинг ҳожати йўқ, негаки пулни ёмон кўради. Сарфлашни ҳам билмайди, олган маошнинг бир қуйда харжлаб, эртасига яна қарз сўрашга тушадиган одати бор...» деб эътироз билдирибди. Шундан сўнг Али Усмонович: «Агар қаршилик бўлмаса Ҳошимжонни Қримга, милиционерларнинг дам олиш уйига жўнатиб, бориш-келиш, ейиш-ичиш харажатларини ўз бўйинимизга олсак», деган экан, бу таклиф қамоли маъқул бўлганидан ўтирганлар қарсак чалиб юборишди.

Шундай қилиб мен Қримга жўнайдиган бўлиб қолдим.

— Нима-нима?!— деди бувижоним қонларини пастки-баланд қилиб.— Қанақа Қарим чиқди яна?

— Қариммас, Қрим!

— У ерда нима қиласан?

— Дам оламан.

— Ҳўкиздедек йиғит қаравотининг ноясига оёғинини ташлаб ётгани уялмайсанми?

— Пўк, уялмайман.

— Ҳеч ёққа бормайсан. Қишлоққа олиб кетаман, таппи думалатасан.

— Таппи?!

— Бўлмаса, тўнка ёрасан.

— Тўнка?!

— Ҳтган йили отпусмага бормадинг, аввалги йили алдаб қочдинг. Уйда бир чўп ўтин йўқ, болам. Даданга ақинмайсанми? Бир ўзи қайси бирига уларгани?

— Бари бир таппингизни думалатмайман, обрўйимга тўғри келмайди энди... Ойша билан Доно қилишсин. Улар қошига ўсма, қўлига хинз қўйиб маза қилиб юришаркану, биз таппи думалатарканмиз-да!

— Гап қайтарма!— ўшкириб қўйди бувижоним.

— Бари бир начальнигимиз кўнмайди,— деб оёғимни тираб туриб олдим мен ҳам. Ўзингиз биласиз-ку, бувижоним билан тортишиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Бари бир айтганини қилдиради. «Хозирча мен тирик эканман, начальнигинг ўзим бўламан, менидан кейин ихтиёринг ўзингда!» деб ўрнидан туриб менинг кийим-бошларимни йиғиштириб, чамадонга жойлай бошлади. Парадга кийиб чиқадиган шапкам бор эди, уни дадамнинг хуржунига солди. Бахтимдан ўргилайки, сухбатимизни Салимжон акам айвонда эшитиб ўтирган экан. Чикишим билан кулиб, бош чайкаб:— Қампир зўр-а!— деб қўйди.

— Қўриб турибсиз-ку!— дедим йиғлагудай бўлиб.

Биргалашиб бориб, Али Усмоновичга Қримга бора олмаслигини ётиғи билан тушунтирдим. Лекин, ким нима деса деяверсин-ку, мен шу ёшга кириб Али Усмоновичдек мард, хотамтой бошлиқни ҳеч кўрган эмасман. Менинг гапимга кирмадинг, деб хафа бўлиш ўринга кўнглимни тоғдек кўтариб юборди. «Хали ёшсиз, дам олишга уягуарсиз» деб, бошқарма фондидан икки юз сўм пул мукофоти ажратди, ўзи миниб юрган кора «Волга»ни ихтиёримга бериб:

— Юзимизни бутун миинистрлик олдида ёруғ қилган йиғитдан жонимни ҳам аямайман,— деди.

Қундуз соат учларда қишлоққа жўнаб кетдик.

Рулда ўзим, ёнимда далам мудраб кетяпти, орқа ўриндикда яйраб кетаётган бувижоним жавраб, мени одам бўлмайди деб бутун қишлоққа гап таркатган Хожар келин-ойимнинг гўрига гишт калаяпти.

Далаларда баҳор бошланиб қолибди: ариқлар бўйидаги ўтлар кўқарган, дарахтлар новдаси бўртиб, куртак чиқаришга мойил бўлиб турибди. Тракторлар гуриллаб ер ҳайдайди, ер текислаётган, ариқ очаётган эркагу хотинлар бизга тикилиб, бир хиллари қўл силтаб қолишади. Қушлар эсон-омон баҳорга чиқиб олганларига севиниб, осмону фалакда гужгон ўйнашади... Тўсатдан, қутилмаганда, қалбимга қувонч, шодлик тўлиб, ашула айтиб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Бувижоним дагал қўллари билан сочимни силаб: «Оббо, тентагим-эй, ашула айтишни қачон ўргана қолдинг?» деб эркалаб қўйди.

— Милиция ходими ҳамма нарсани билиши керак, бувижон!

— Худоё сени одам қилган милиция у дунёю бу дунё кам бўлмасин,— қўлини очиб фотиҳа ўқиди бувижоним.— Зокир ўртоғинг уйланаяпти, эшитдингми?

— Кимга?

— Овсар тегирмончининг набираси бор-ку, Ҳакима.

— Э, турникдан йиқилиб, оёғи чўлоқ бўлиб қолган қизгами?

— Ўшанга. Фермада сут соғувчи бўлиб ишлаётган эди.

Зокир андак бўлмаса шарманда бўлаёзди. Ҳакимага иш-ки тушиб қолган экан. Нукул ферманинг томига чиқиб ашула айтармиш, бир-икки марта Ҳакимани пойлаб бориб, кўча эшикларни олдида ухлаб қолибди...

Қишлоққа намозгар маҳалида кириб бордик. Худди ширк томошаси келгандек, болалар орқамиздан қувиб уйғача эргашиб боришди. Бечора ойижоним-ей, гоҳ йиғлайди, гоҳ кулади. Мени ўтказгани жой тополмай, нукул машина сигналини эшитиб, бир чўчиб тушганини гапирди. Сингилларим Ойшахон билан Донохон бўлса севинганларидан иргинлашиб, негадир, мен бу ёқда қолиб, бир-бирларини ачомлашишди, бетларимдан ўпишди.

Кўз юмиб-очгунча ховлимизга одам сигмай кетди. Бир хиллари мен билан омонатгина сўрашиб, кўпроқ мен миниб келган машина билан қизикча бошлашди. Хатто биттаси: «Ўғирлаб келганга ўхшайди, қараи, Хошимнинг кўзи бе-жо!» деган гапни ҳам айтибди. Дадам Умурзоқ қассобни чақириб келиб қўй сўйдирди, катта қозонда шўрва пиширишди. Кечкурун, негадир, қолхозимизнинг раиси, бухгалтер, агроном Анорбой тоғалар ҳам келишди. Участковой амакига бола юбориб, уни ҳам чақиртириб келдик. Бу ёқда мактабдош дўстларим Зокир, қаникулга келган Миробиддинхўжа, олтинчи синфдан ўқишни ташлаб кетиб, ҳозир тракторчи бўлиб ишлаётган Ақром, Тошкентда қайси бир институтда сиртдан ўқиш, қолхозда бош табелчилик қилаётган Тошпўлат, тин докторлиги техникумининг битириб келиб, ҳеч кимга гап бермай юрган хумқалла Ориф... э бориники, ҳамма оғайнилари ҳам тўпланиб қолишди. Гарчи ҳаммалари мени кўриш, ҳол-аҳвол сўраш учун келишган бўлса ҳам, гап бутунлай бошқа ёққа бурилиб кетди. Эрақлар бу йил қиш чўзилиб, ҳашақ тамом бўлиб қолгани, бозорда қўй-молнинг баҳоси тушиб, бир бог бедага битта кўзи бераётгани хақида гаплани бошлашди. Аёллар магазин мудирини гардинини ҳалланган чинини коса билан пахта гулли ишлани чайковга чиқараётгани, худо хоҳласа, тоғани ўлимлигига буюришни тўғрисида баҳслашганига тушишди. Ойинса кампир келишини кўз очирмасмиш, Тўпонса кампир куёвини ўзинга

иситиб олиш учун домлага катнаётган эмиш, Холниса кампирнинг эри, қариганда бузилмай ўлгур, хотинининг ўлимликка йиғиб қўйган пулини белига тугиб, курортга кетиб қолган эмиш... Хуллас, хотинлар бир-бирига гап бермай, бир-бирлари билан мана шунақанги шивир-шивир қилдишарди. Биз, яъни синфдошлар, ўзингиздан қолар гап йўқ, ким қаерда ўқиётгани, ким қанақа ишга киргани, ким ишни удалай олмай қочиб кетгани, ким уйлангани-ю, қайси киз эрга теккани ҳақида суҳбатлашдик. Донга тўймай қолган хўрозлар қичкира бошлаганда ҳамма уй-уйига тарқалди, Дадам ният қилиб қўйган экан, участкавой амакига бошдан-оёқ сарпо кийгизди, ўғлимни яхши йўлга бошлаганингиз учун ўла-ўлгунча хизматингизда бўламан, деб ёлгондан бўлса ҳам қасам ичиб қўйди.

Охири кўчада Зокир икковимиз қолдик.

— Ке, яна бир кўришайлик,— деди у тўсатдан қўлларини ёзиб.

— Ҳали кўришдик-ку!

— Бир қучоқлаб ўпмасам тўймайдиганга ўхшайман, шерик. Ке, бир ўпишайлик...

Ачомлашиб, бир-биримизни ўпишиб, ялашиб, охири кураш ҳам тушиб, айиқ болалардек роса пуйпалашиб олдик. Чарчаб эшигимиз олдидаги супачага ўтирдик.

— Шерик, сендан бир нарсани сўрасам очиқ жавоб берасанми?— Шундай деб, Зокир, негадир, у ёқ-бу ёғига кўз ташлаб олди. Нимани сўрашини юрагим сезиб турибди. Уйланмоқчи бўлганини айтиб, шу ишми тўғримни ёки нотўғримни, деб мендан албатта маслаҳат сўрайди.

— Менга кара, очиқ айт, сен ҳеч кимни севасанми?— деди Зокир бирон ножўя гап айтиб қўйгандек кўрқиб.

— Йўқ, севмайман,— деб жавоб қайтардим.

— Мен расво бўлдим...

— Йўғ-э!

— Рост, овсар тегирмончининг набираси бор-ку...

— Ҳакимами?

— Ҳа, ўша. Фермамизда сут соғувчи бўлиб ишлайди.

— У чўлок-ку!

— Ўша чўлок оёгини яхши кўриб қолдим-да... Биласанми, Ҳакима соғадиган сигирларни ҳам яхши кўраман. Сут қуядиган челақлари-ю, юрадиган кўчаларини, кўча эшиклари олдидаги теракларгача — ҳаммасини яхши кўраман...

— Йўғ-э!

— Рост, шерик. Кечалари, агар ишоисанг, йиғлагим келади. Қуиндузлари бўлса, ҳадеб ашула айтсам дейман... Ўзини кўрсам оёгим қалтираб, тилим айланмай қолади...

— Чаток бўпти-ку!

— Охири чидолмай хат ёзишга қарор қилдим.

— Нима деб ёздим?

— Нима деб ёзганимни кўяверу, шерик, бу ёғи жуда расво бўлди-да. Биласанми, мен Ҳакиманинг фамилиясини Шокирова деб юрар эканман. Хатни ёзиб, почта кутисига ташлаб юбордим. Беш кун кутдим, ўн кун кутдим, бор тавқал, деб яна ёзим. Тегирмон бошида қаҳрамон она Ҳакима она бор-ку, биласан-а, хатларим бориб ўшанинг эрига тегаверибди. Бир кун эрталаб молларни энди далага хайдайман деб турсам, молхонага Турон тоға кириб келди. Ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, камчи билан савалаб кетса бўладими. «Нега урасиз?» десам, «аҳмоқ, бу хатни сен ёздимми?» дейди. Бундай қарасам, мен ёзган хатлар. «Ишқингда куйиб ёнган молбоқар Зоқир», деб имзо қўйганман. Тек туравердим. Чарчагунча савалаб охири: «Нега ёздим, — деб сўради, — ўз тегиинг қуриб кетганими, ўнта боласи бор хотинини бошингга урасанми?»

— Сизнинг хотинингизга ёзганим йўқ уни! — дедим.

— Қимга ёздим бўлмаса?

— Овсар буванинг набирасига ёзгандим, — деб очик ик-
рор бўлиб кўя қолдим.

— Аҳмоқ! — деди сал жаҳлдан тушиб Турон тоға. — Дадаишга ўхшамай ўл! Она-сингилларининг қайси бирига очик бўлганини билдирмай даданг ҳам совчиларни бир йил кийнаган эди. Анковнинг боласи ҳам анков бўларкан-да.

Турон тоға жаҳл билан хатларини йиртиб, коғоз парчаларини бетимга отди-да, «бобонг ҳам шунақа эди», деб жавраганча чиқиб кетди. Бу гап икки-уч кун ичида бутун кишлоққа овоза бўлди. Бечора Ҳакима касал бўлиб ётиб қолди... Охири ўзлари совчи юборишди.

— Сенгами?

— Менга.

— Тескариси бўпти-да?

— Шунақа, тесқари бўлди. Сен бўлганда бунақа бўл-
масди, маслаҳат берардинг...

— Ҳўш, кейини ўзи билан гаплашдингми?

— Гаплашдим, йиғладим... Кейини менам йиғладим, роса йиғлашдик... Расмини ҳам берди... Шерик, сендан бир илти-
мосим бор, лекин йўқ демайсан.

— Ҳўп, йўқ демайман.

— Тўйдан сўнг Ҳакимани шаҳардаги катта дўхтирларга олиб борамиз, ёрдам берасан. Битта оёғи сал калта, менинг этимдан олиб, уласа бўларкан. Аптекачи айтди. Икковимизни битта каравотга ёнбошлаб ётқизиш, оёғимизни оёғимизга улаб қўйишса, уч ойда сонна-соғ бўлиб кетар экан...

— Хакима кўнармикан?

— Кўнади.

— Тўй қачон?

— Май байрамига қиламиз, ўйинчини шаҳардан ўзинг олиб келасан.

Тонг отиб, бирини-кетин юлдузлар сўна бошлагунича гаплашиб ўтирдик. Лекин, шунда ҳам бир-биримизга тўймадик. Хали айтдим-ку, оккўнгил дўстимни жуда, жуда ҳам соғинган эдим.

Шу йўсини кишлоқда маза қилиб юравердим. Бугун Зокир билан дардлашган бўлсак, эртасига хумқалла Ориф билан хасратлашдик. Тиш доктори бўлмай кетгур, тиш кўйиб бериш бир баҳона бўлибди-ю, хув бирда, олтинчи синфда ўқиб юрганамизда менга дарслардан ёрдам берган Саддинисо бор эди-ку, ўшанинг бошини айлантириб кўйибди. Ёзда, отпусқа пулини олса Саддинисонинг ойисига ҳам тилла тиш кўйиб берармиш.

Хаммадан ҳам кишлоқда бўлган кунларимда бувижоним маза қилди. Эртадан-кечгача машинадан тушмай катайса қилгани-қилган. Кўпинча машина ойнасида бошнинг чиқариб юради дег. Хожар келиноийининг уйи нари борса 400 метр келадди холос, ишонсангиз, ўшаникига элак ёки хамиртуруш сўрагани чиқса машинада боради. «Нега бундай қиласиз, бувижон» десам, «ининг бўлмасин, манқани кўзнини куйдирмокчиман», дейди.

Қари ўрикни кесиб гўла қилдик. Таппи думалатиб, томларни тўлдириб ташладик. Сандикдаги туршагу шафтоли кокиларни текин машинада бозорга олиб бориб сотиб ҳам келдик. Дадам икковимиз бокка чиқиб эртанги помидор экиш учун ер чопаётган эдик, бувижоним тарелкада туршак, кориндор чойнакда чой кўтариб келиб қолди. Дадам чой ичгани ўтирди. Мен жон-жаҳдим билан кетмоп уришда давом этдим.

— Хошим, чой ичмайсанми, тайлогим?— жуда меҳрибон бир оҳангда сўради бувижоним.

— Ҳозир сув ичиб олдим,— деб кўйдим.

— Нима қилай, Хожариникига совчиларни чиқараверайми?— халигидан ҳам майширок, меҳрибонроқ бир оҳангда сўради бувижоним.

— Керак эмас,— дедим негадир худди китингим келгандек бир кайфиятга тушиб.— Ўзиям манқа, кизи ҳам манқа.

— Халча бувининг кизи-чи?

— Ўрдакка ўхшаб лапанглаб юради-ку?!

— Рашидани келин қилайлик бўлмаса?

— Мен ашулачини олмайман.

— Кимни танлайсан бўлмаса?

— Фаридани!

— А, қанақа Фарида?

— Менга чучвара қилиб берган Фарида...

Бувнижоним қошларини чимриб, кўлига кесак олиб, сени ўрнидан тураётган эди, шу пайт боққа қишлоқ советининг секретари ҳовликканча кириб келди.

— Ўртоқ Рўзиев, шаҳардан телефон қилишди, зудлик билан етиб борар эмишсиз...— деди у энтикиб.

«Салимжон акамга бир гап бўлиб қолган бўлса-я», деб ўйладим-у, алланечук бўшашиб кетдим.

ВОЙ ОТАМЛАБ ЙИГЛАДИМ

Шаҳарга ўчиб келяпман. «Волга» қанча тезлик билан юра олса, шунча тезлик билан хайдаяпман. Назаримда йўлим ҳеч уймаётгандек, шаҳар мендан қочаётгандек туюлади. Эҳтимол ўлмагандир... Ё Оди баттол қамокхонадан қочдимкан, борди-ю... баттол пичоқ урган бўлса-чи!.. Устозимнинг кўчасига бурилганимча бир-биридан кўркнчли ўйлар, поёнсиз хаёллар менга тишчлик бермади...

Салимжон акамнинг кўча эшиклари олди тозалаб супурилган, сувлар сенилган, катта-кичик одамлар узун-қисқа бўлиб кириб чиқиб туришибди... Юрагим уриб кетди. Наҳотки, наҳотки мен учун дунёда энг қимматли бўлган, бағри кенг, саховатли бир одам омонатини топширган бўлса, наҳотки мен унинг охириги сўзини эшитмай қолган бўлсам! Йўқ!!! Э, лаънати ўлим, дедим-у, додлаб юбордим... Қишлоқли эмасманми, ўзимизнинг одатимизга риоя қилиб, «отамма, отамма!» деб ўкириб, остонага яқинлашавердим. Қўйиб кетган кўксемдан:

— Охиратга сафар қилган отамма! Бизни етим қилиб ташлаб кетган вой отам!— деган фарёдлар отилиб чиқаверди. Остона яқинида ранг-рўйи ўчиб кетган магазинчи кўшимиз йўлимни тўсди:

— Хошимжон, ўзингизни босинг!— деб ёлворди.

— Юрак-бағрим адо бўлди, отамма!— деб яна авжига чиқдим.

— Ўзингизни босинг деяпман,— деб Неймат ака мени тўсмоқчи бўлувди, уни нари итардим-да: «Меҳрибоним вой отам»лаб ичкари кириб бордим ва остона остида ўти ўчган мотордек такқа тўхтаб қолдим... Ҳовли тўла одам. Қўни-қўшинилар, маҳалланинг текин зиёфат дарагини эшитса тойдан ташлашга тайёр турган бекорчилари, Салимжон акамнинг узок-яқиндаги орик семиз ошна-оғайнилари... Халиги

трамвайнинг вагонига ўхшаш чўзинчоқ равон бор эди-ку, ана ўша ерда погонларини йилтиратибди, савлат тўкишиб милиция ходимлари ўтиришибди. Қаравотда ўзимизнинг со- задалар машқ чалишяпти... «Нима қилдим энди, роса шар- манда бўлдим-ку... Йўқ, шарманда бўладиган анойи йўқ! Хозир ўзимни мастликка соламан, ҳамма бемаъни ишлар мастликда қилинади. Ҳамма маст бўлганда милиционер ҳам бир марта бўлса нима қилибди!» Қўлларимни ёзиб, дир- дир калтираб турган оёқларим билан ерни гурс-гурс тепиб ўйинга тушиб кетдим.

— Не, Рўзиев кепти.

— Қил-кизил маст-ку!

— Қаранг-а, мастлик Хошимжонга жуда ярашаркан—

— Ўйна, йигитча, ўйнаб қол!

— Ўзлари ичиб олиб, кўчаларда «отамлаб» юришади-ю, сен билан мен юз грамм ичсак, ўн беш сутка беришади...— деган гаплар қулоғимга эшитилиб турибди. Мен бўлсам парвойимга ҳам келтирмай, нуқул ўйинга бериламан. Ав- вал шаҳар милицияси паспорт бўлимида ишлайдиган икки- та кизни, кетидан иккита бегона йигитни ўйинга тортиб, бошқаларни ҳам қарсак чалишга деъват этдим. Бир нафасда бутун меҳмонлар қарсак чалишиб, чайқалишиб, бир жо- ну бир тан бўлиб кетишди. Сенин бир чеккага ўтириб олдим.

— Хошим, ўғлим!— деган овоз эшитилиб қолди оркам- дан. Бундай қарасам, одамларни оралаб, мени мўлжалга олиб кучоғини кенг ёзганча Салимжон акам келяпти.

Мени ердан даст кўтариб, негадир пешанамдан ўпди:

— Қарим келди, акам келди, ўғлим!

Қарим ака, илгари устозим айтиб бергандек, чиннакам пахлавон йигит экан, бай-бай-бай, қомати келишганини қар- ранг! Худди одамларга кўз-кўз қилиш учун қўл билан ясал- ганга ўхшайди.

— Янглишимасам, Хошимжон бўлсангиз керак, шундай- ми?— деди Қарим ака менга яқинлашиб.

— Худди шундай,— деб қўйдим. Ўзи мен жуда галати- ман. Бир хил вақтларда булбулигўё бўлиб гапирaverиб, одамларнинг миясини қоқиб кўлига бераман. Хозир бўлса, тавба, оғзимга «алиф» ҳам келмаса бўладими! Қарим ака- нинг афтига қараб, илжайганимча жим туравердим. Хайри- ят, ўзи гап бошлаб қолди.

— Дадамнинг ёлғизлигини билдирмай жуда яхши иш қилибсиз, Хошимжон!

— Ҳа, ҳа, шунақа бўлди.

— Дадам икковларинг ёзган хатин олиб турдим, раҳмат!

— Арзимайдн.

— Хазилни ҳам бошлар экансиз.

Тавба, нималар бўляпти ўзи. Нега бундай бўлиб қолдим? Йўқ, оғзимга талқон солгандек жим ўтираверсам, Карим акам учун ноқулай бўлади, ё туриб кетишим керак, ё гапиришим керак! Ахир, у менниг илжайишимни томоша қилиш учун ёнимга келгани йўқ-ку.

— Карим ака, хали сиз билан тўйиб-тўйиб гаплашамиз,— дедим ниҳоят ўзимни қўлга олиб,— руҳсат берсангиз, меҳмонларга хизмат қилсам...

Ичкари уйдан кийимини алмаштириб чиқдим, енгимни тирсагимгача шимариб, хизмат қилишга тушиб кетдим: кабоб ташидим, чой келтирдим, бўш тарелкаларни йигиб олдим, беш-ўнтасини сиңдириб ҳам қўйдим, хуллас, тувғи соат биргача меҳмонлар кетиб, ҳаммабқин йиғиштириб олгуни-мизча ҳеч тинмадим. Салимжон полковникнинг чинакам садокатли ўғли эканлигини меҳмонларга ҳам, Карим акамга ҳам бир кўрсатиб қўяй дедим-да.

«ЙЎҚ, МЕНГА ОТАЛИК ҚИЛМАДИНГИЗ!»

Эртасига мен бир йўла учта, йўқ, кечирасиз, тўртта хушxabар эшитиб, андак бўлмасе кувончдан гаңғиб қолаёздим. Соат ўнда Али Усмоновичнинг кабинетига йиғилдик. Мана шу ерда мен кетма-кет янгиликлар эшитдим ва хали айтганимдек, охири жиндек гаңғиб ҳам қолдим. Биринчидан менга, яъни Хошимжон Рўзиевга кичик лейтенант увоин берилибди. Иккинчидан, полковник Али Усмонов область милицияенга бошликликка тайинланиб, министрликнинг тасдиғидан ҳам ўтиб келибди. Учинчидан, менниг устозим район милиция бошқармасига бошлик бўлиб ўтиб, ронна-роса бир хафта ишлаб ҳам қўйибди. Тўртинчидан... Кечирасиз, очигини айтсам Хошим мактаянги, баъзан жуда ошириб юборди-да, дейсиз, очигини айтмасам, ҳақиқатин беркитган бўламан... Тўртинчидан, кичик лейтенант ўртоқ Рўзиевин ОБХСС бўлимига бошлик қилиб тайинлашибди.

Али Усмонов биз билан хайрлаша туриб, йиглаб юборди. Ростдан йиғладими ёки жўрттага йиғладими, бунинини аниқ айтмайман-ку, аммо кўзларидан дув-дув ёш тўкилганини ҳаммағиз кўрдик.

— Мен сизлар туфайли одам бўлиб обрў топдим, оддий ишчи эдим, Салимжон акамнинг тавсияси билан милицияга келдим. Бу киши мен учун чинакам мураббий, чинакам устоз бўлди. Мен парткомғиз Қаромат Хошимова, маҳал-

лий комитетимизнинг раиси ўртоқ Холиков ва бутун коллектив олдида бир умр қарздорман. Иш пайтида кўп камчиликларга йўл қўйдим, хатолар қилдим, мени тўғри йўлга солишди, тарбиялашди. Мен Суръат Орипов, Одил Шарипов, Ходимжон Рўзиев сизгари ёш ходимларимизга таъзим қиламан. Шуларнинг садоқатли меҳнатлари туфайли менинг режаларим амалга ошди. Мен... мен... бу ердан кетти мен учун жуда оғир...— худди шу ерга келганда, хали айтганимдек, Али Усмонов кўзларидан дув-дув ёш тўкиб йиглаб юборди.

Шу кунни гарчи мен учун ҳар томонлама қувончли бўлса ҳам, бу хушxabарларнинг қайси бирига қувоншни билмай гангиганимдан ёки одамлар ичиди: «Э ўл, ўзинг ҳам зўрга турган экансан, бунча талтайиб, бунча аталадек суюлмасанг!» деб айтишмасин дея кўрканимдан жўрттага қовоғимни солиб, бирон муҳимрок нарса ҳақида ўйлаётган кишидек пешанамни тиршитириб хонада жим ўтиравердим. Қунинг иккинчи ярмида эса, одамлар: «Оббо, амал тегмай ўлсин, қовоғини солиб, ҳода ютгандек кеккайиб ўтиришини қаранг, амалдорлик қурсенини бунча яхши кўрмаса-я!» дейишларидан чўчиб, хонама-хона юриб, латифалар айтиб, ҳамкасбларимни роса қулдирдим.

Кечқурун уйга қайтсам Салимжон акам ўгли билан равонда ўтирибди. Ораларидан гап қочганга ўхшайди, икковлари ҳам бошларини эгиб олган, бир-бирларига қарамаслик пайида. Хона ўртасида чамадон билан Қарим акамнинг камокхонадан кийиб келган плаши ҳам турибди. Ичкариги уйга кириб ечиниб чиқдим. Тараша майдалаб, самоварга ўт солдим, сўнг ёнларига келиб ўтирдим.

— Ўғлим, ўйламай иш қиляпсан,— деди Салимжон акам уф тортгандек.

— Бошқа иложим йўқ,— деди ўгли тесқари қараб.

— Ҳар ҳолда қари отангга ҳам жипдек ачинсанг бўларди, бир оёғим гўрда бўлиб қолди...

— Сиз-чи?— Қарим ака ўридан туриб кетди.— Мени каматаётганингизда мен ҳам сизнинг ўглингиз эканимни ўйлаганимдигиз? Бошқалар ўглининг бошига ташвиш тушса, югуриб-елиб ёрдам беришади, кутқариб қолшига ҳаракат қилишади. Сиз-чи? Сиз кўл-оёғини боғлаб ушлаб бердингиз.

— Мен ўз бурчимни адо этдим, ўғлим!

— Халқ олдида, ҳукумат олдида юзим ёруғ бўлсин, виждонимга доғ тушмасин деб ўйлагансиз, шундайми?

— Шундай, ўғлим.

— Демак, сиз ўз обрўйингизни ўйлагансиз-у, меннинг келажакимни, ўлим тўшагида ётган онам бечоранинг ҳаётини ўйламагансиз. Онамининг ҳаёти билан меннинг келажакимни ўз обрўйингизга қурбон қилгансиз!

— Лекин, сен жиноят қилган эдинг-ку!— Столни муштлаб, Салимжон акам ҳам ўридан туриб кетди.— Сен қилмишинингга яраша жазо олишининг керак эди. Ҳар қандай жиноятчи жазоланиши керак!

— Елгон гапирявсиз.

— Тилингни тий!

— Мен сиз билан охириги марта гаплашяпман,— деб Қарим ака сени ўрига ўтирди,— шунинг учун ҳамма гапини очик айтиб кетишим керак. Сиз ҳар қандай жиноятчи жазоланиши керак деяпсиз. Мен ёлгон деяпман. Чунки сиз ўзингизга тухмат қилган, ўғриларга шерик бўлган Шарифа Усмоновани камокдан чиқариб юборгансиз.

— Чунки у айбига икром бўлган.

— Мен-чи, мен ҳам икром бўлувдим-ку.

— Сен жиноятингни мен, яъни милиция ходими фотосурат қилгандан кейин икром бўлгансан.

— Бари бир эмасми?

— Йўқ, бари бир эмас, ўғлим. Қонунчиликда мажбур бўлганда икром бўлиш билан, мажбур бўлмаган бир шартда виждон амри билан икром бўлиш ўртасида ер билан осмонча фарқ бор... Кейин Шарифанинг эмизликли боласи ҳам бор эди.

— Тўғри, укам борлигини билмаган эканман!..

— Тилингни тий!— Салимжон акам ўглига яқинлашиб, бир хамла билан ёқасидан бўғиб олди. Ота-бола тиккаматикка бўлиб кетишди.— Бу гапларни кимдан эшитдинг?

— Екамни кўйиб юборинг!

— Гапир!..

— Кўйиб юборинг деяпман!— Қарим ака ҳам бақувват йигит эмасми, бир елқиниб, дадасининг кўлидан чиқиб кетди, аммо устозим уни яна бўғиб олди.

— Кимдан эшитдинг деяпман?

— Камокхонада хат олдим.

— Кимдан?

— Имзо кўймабди.

— Қачон олдинг?

— Чикаётган куним.

— Нима деб ёзибди?

— Отанг сени қаматган эди. Аммо ўйнашини сақлаб қолишдан уялмади, деб ёзибди.

— Қани ўша хат?

— Пиртиб ташладим.

— Аҳмоқ!

— Екамни қўйиб юборинг.

— Сен бари бир одам бўлмабсан.— Салимжон акам ўғлининг ёқасидан қўлини олди-ю, бўшашиб диванга ўтирди. Бошини икки кафти орасига олганча жим қолди. У жим бўлиши билан ўғли кучайиб кетди. Хона ўртасида тик турганча, икки қўлини шоп қилиб гапира бошлади:

— Мени одам бўлмабсан дейишга ҳақкингиз йўқ! Мен камокхонада ўтириб, ўзинчи синфни аъло баҳолар билан битиришга ҳаракат қилдим, кеча аттестатимни кўриб, ўзингиз пешанамдан ўпдингиз. Мен камокхонада, бошқаларга ўхшаб бекор ётмадим. Қилган гуноҳимни ҳеч бўлмаса меҳнатим билан ювай деб, ромсозлик комбинатида икки-уч нормадан иш бажардим. Кеча мактов қоғозларимни кўриб ўзингиз раҳмат айтдингиз. Одам бўлмабсан дейишга ҳақкингиз йўқ... Дада, мени тўғри тушунинг, бари бир, сизни кечира олмайман. Онам ўлмаганда ҳам эҳтимол кечириб юборган бўлармидим... Бечора онам мени деб ўлди, мени эса сиз қамадингиз...

— Инглама!— ўшқириб берди Салимжон акам.

— Дада, мени кечиринг. Баъзан сизга раҳмим келади, дадам бечорага ҳам қийин деб ўйлайман. Баъзан тишларимни гижирлатиб, ахир у менга яхши тарбия бера олмади-ку, шу туфайли оғир аҳволга тушиб қолганимда ёрдам қўлини чўзиш ўрнига обрўйимга путур етмасин, деб мени қаматди-ку, деб ўйлайману сиздан нафратланаман... Яхшиси мен кетай, бирга яшай олмаймиз...

— Инглама деяпман!

— Дада!

— Қайёққа кетмоқчисан?

— Чўлда ромсозлик комбинати очилибди. Ўша ерга ишга кирмоқчиман.

— Йўлқираиғ борми?

— Йўқ.

— Пул берсам оласанми?

— Йўқ.

Қарим ака ичкари уйдан марҳум онасининг рамкага солинган суратини олиб чиқди-да, бағрига босганча юм-юм йиғлаб, жўнаб кетди.

Тавкарига чиқсам, самовар қайнаган экан, аччиққина чой дамлаб келдим. Салимжон акам бошини икки қўли орасига олиб, диваннинг бир чеккасида жимгина ўтирар эди.

Овоз чиқармасдан, кўз ёши тўкмасдан йиғлар эди у.

«МУСТАҚИЛ БҮЛ, УҒЛИМ»

Эрталаб идорамизда жиндак дилсеҳлик бўлиб ўтди. Қасаба союз комитетининг ранси майор ўртоқ Холиқов менинг ОБХСС бўлимига бошлиқ бўлиб ўтишимга жуда каттик порозилик билдирибди. Салимжон акам билан гижиллашиб олибди у: «Ҳошимжон ҳар қанча жасорат кўрсатгани билан, хали ёш, бошқармада ишлаётганига кўп ҳам бўлгани йўқ. Бу ерда ўн беш йиллаб ишлаётган тажрибали ходимлар бор. Бўлимга ўшалардан бирини ўтказамиз, деган экан Салимжон акам: «Ақл ёшда эмас, бошда, деган ҳикматни унутманг, ўша ўн беш йиллаб ишлаб, бироқ жиноятни очолмаган ходимларингизнинг хатосини Ҳошимжон тузатди» дебди. Ўртоқ Холиқов «мен райкомга арз қиламан» деса, Салимжон акам «мен райком билан маслаҳатлашиб, иш тутганман» дебди. Ўртоқ Холиқов «райкомдагилар ҳақиқий аҳволдан беҳабар бўлишса керак» дебди. Салимжон акам «бўлмаса бориб, уларнинг хатосини тузатиб келинг» дебди. Ўртоқ Холиқов «барини бир мен ўз фикримда қоламан» деган экан, Салимжон акам: «Мен ҳам ўз фикримни ўзгартирмоқчи эмасман» дебди. Ўртоқ Холиқов «кўрамиз» деса, Салимжон акам «кўрсак, кўраверамиз» дебди.

Бир маҳал ўртоқ Холиқов хонамга қовоғидан қор ёғиб, мени бўғиб ташлагудек бир алфозда кириб келди. Устозим билан ўрталарида бўлиб ўтган гандан хабардор эдим. Шунинг учун мен ҳам қовоғимни ундан баттарроқ солиштириб, столни «Олмача анорингга балли» оҳангида чертиб, жим ўтиравердим.

— Шу ишингиз яхшими? — деди ниҳоят ўртоқ Холиқов тугақиб.

— Яхши, — деб қўйдим бепарвогина.

— Уялмайсизми?

— Йўқ, уялмайман.

— Виждон борми ўзи сизда?

— Ўзингизда-чи?

— Майнавозчилик қилманг.

— Қилавераман, — деб яна бўни келмадим.

Шундан сўнг ўртоқ Холиқов графиндан сув қуйиб ичди. Диванга ўтириб:

— Бу ерда хизмат кўрсатган майорлар, капитанлар оддий вазифада ўтирса-ю, кечагина келиб сиз бўлим бошлиғи лавозимини эгаллаб олесангиз, уят! Мен сизнинг ўриниңизда бўлганимда виждон азобида қолган бўлардим, деди. У босиқ гапиргани учун мен ҳам босиқлик билан:

— Шу лавозим сизга керак бўлса, ола қолинг. Ростдан айтсам, ўзимга ҳам ёқмайроқ турибди. Сиз билан амал та-

лашгандан кўра, кишлокка бориб, таппи думалатганим мннг марта яхши,— дедим.

— Рост айтяпензми? — ховликиб сўради ўртоқ Холиқов.

— Рост айтялман.

— Езинг бўлмаса!

— Нима деб ёзай?

— Маҳаллий комитет ранси ўртоқ Холиқовга, мен ўзимни бу вазифага қолойик билман, деб ёзинг.

Худди шу пайт, яъни мен ариза ёзиш учун ручкага эндигина қўл чўзгани пайтимда секретарь киз кириб, «сизни партком чакирянти» деб қолди. Ўртоқ Холиқовни кабинетимда ёлғиз қолдириб, Қаромат келинойимнинг хузурига шошилдим. Келинойим, кизчаси бугун боғчага бормаيمان, деб йўлда хархаша қилмаганга ўхшайди, ўзинча кулиб мамлун ўтирибди.

— Хўш, ўртоқ бўлим бошлиғи, ишлар қалай? — деб сўради ўтиришим учун қўли билан жой кўрсатиб.

— Чакки эмас.

— Ишни нимадан бошламоқчисиз?

— Ариза ёзишдан.

— Ариза, қанақа ариза?

— Шу... ишдан бўшаш ҳақида.

— Сизнинг ҳам ҳеч жиддий гапирган вақтингиз бўладими?

— Ҳозир жиддий гапирялман... Ўртоқ Холиқов: «Сенда виждон борми ўзи» деяпти.

— Демак, сизнинг олдингизга ҳам кирибди-да. — Қаромат келинойим ўриндан туриб, секин менинг ёнимга ўтди. — Парво қилманг. Кеча шу ҳақда менга ҳам айтувди, уришиб бердим... Ўзи аламзада, Салимжон ака ўрнига бошлиқ бўлмоқчи эди. Райком тасдиқдан ўтказмади. Аламнинг қимдан олишини билмай юрибди... Бугун-эрта ўзига келиб қолди. Аслида ўзи ёмон одам эмас, тажрибаси зўр... Хўш, план туздингизми?

— Бугун тузмоқчиман.

— Эътиборингизни кўпроқ жиноятнинг олдини олишга, кишиларни тарбиялашга қаратинг. Қонунчилик асосларини тушунтиришга ҳаракат қилинг. Ҳозир партиянинг талаби ана шундай.

— Айтганингиздек қиламан.

— Эртага менга тасдиққа олиб кирасиз.

— Энди кетсам майлими?

— Майли...

Хонага қайтиб кирсам, ўртоқ Холиқов ҳамон мени кутиб ўтирган экан.

— Цимага чакиртирибди? — кизиқениб сўради у.

— Виждонимни текшириб кўргани, — пичинг билан жавоб кайтардим.

— Хўш, бормикан?

— Жавобини кеча олган экансиз!

Шу гапимдан сўнг кулимсираганча бир-биримизга тикилишиб қолдик. Ўртоқ Холиқов секин ўрнидан турди. «Бир ой ўтар-ўтмас ишни расво қилиб, муҳокамага тушмасанг, отимни бошқа қўяман» деди-ю, жавоб беринимни ҳам қутмай, полни тешиб юборгудек гуреллатиб тешиб, чиқиб кетди. Айнагача хомуш ўтирдим. Гоҳ қулгим қистайди, гоҳ жаҳлим чикади. Ўйлаётгану, лекин шима ҳақида ўйлаётганимни ўзим ҳам билмайман. Хаёлга берилиб, Салимжон акамнинг хонасига кириб борганимни сезмай қолибман. «Хўш, кичик лейтенант, эшитаман» дегандан кейингина ўзимга келдим. Бўлган воқеани окизмай-томизмай сўзлаб бердим. Устозим кўпини кўрган, оғир, босиқ одам-да. Бу гапларни парвосига ҳам келтирмади. Аксинча, киши ҳар қандай шаронда ҳам мустақил бўлишга иштилоши зарурлиги, агар ўзининг ҳақ деб билсанг, бутун дунё қарши турганда ҳам билганингдан қолмаслигинг кераклиги ҳақида гапирди ва охирида бир хикоя ҳам айтиб берди...

Бир бор экан, бир йўк экан, ўтган замондаги ёки шу қулардами, ишқилиб, бизнинг Фарғона томонида бир чол билан набираси бўлган экан. Набираси: «Вобожон, бир хил одамлар уни қил дейди, бир хил одамлар буни қил дейди, нима қилишимни билмай гаранг бўлиб қолдим, маслаҳат беринг», дебди. Чол: «Ўғлим, эшакни тўқимлаб чиқ бўлмасан», дебди. Чол эшакка ўзи миниб, набираси ниёда, гузардан ўтиб бораётган экан, ўтирганлар:

— Оббо, бераҳм чол-эй, ўзи эшакка миниб, ёш болани ниёда олиб кетяпти-я, миндириб оlesa асакаси кетармикан! — дейишибди. Чол нариги гузарга етганда набирасини эшакка миндириб, ўзи ниёда кетаверибди. Ўтирганлар:

— Ўз қадрини билмаган тентак чол-эй, ҳўкиздай йиғитни эшакка миндириб, ўзи ниёда кетяпти-я. Мингашиб олесанг, эшагинг ўлиб қолмайди-ку! — дейишибди. Чол набираси билан йўл юришда давом этибди. Йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди. Ниҳоят яна бир гузарга етишганда эшакка икковлари баробар мингашиб олишибди. Чойхўрлар бўйишларини чўзиб:

— Мушук боладек эшакка икки киши миниб олибди-я, бири миниб, бири ниёда кетса бечора эшакка бунча жабр бўлмасли, — дейишибди.

— Мана ўғлим, — дебди чол уйга қайтганда, — одамлар-

га ундай қилсанг ҳам ёкмайсан, бундай қилсанг ҳам ёкмайсан. Яхшиен, ёмон бўлса ҳам ўз билганингдан қолмагин...

Салимжон акам хикоясини тугатиб, гўё бу хикоя менга қанчалик таъсир қилганини кўзларимдан биллиб олмоқчи бўлгандек, тикилганча, жим қолди. Шу пайт қабулхона секретари, ҳамшига уетки лабига қизил суртиб, остки лабига суртишини эздан чиқариб юрадиган Лилияхон кириб:

— Ўртоқ Рўзиев, сизни бир қиз анчадан буён кутиб ўтирибди, — деб негадир аччиқ қилгандек, эшикни тарсизлаатиб ёпиб чиқиб кетди.

— Қиз, қанақа қиз?! — «ўху, ишлар катта-ку!» деган оҳангда сўради устозим.

— Келиниңгиз келгандир... — деб хазилга олиб, ўринимдан турдим.

ЮРАГИМНИ УЙНАТГАН ҚИЗ

Қабулхонада... ёпирай, бу ўнгимни ё тушимни! Қўпинча кўлида бир тоғора чучвара билан тушларимга кириб чиқадиган, бувижоним шу эздан қолдирмай сени уйлантираман, деб кийин-кистовга олганда кўз олдимдан нари кетмай юрагимни ўйнатган... Фарида ўтирибди, Фарида! У мени йўқлаб келибди!..

Қўл-оёғим қалтираб, юзимни тер босди. Энтикиб кетдим. Тўлишиб, юзлари тарам олмадек қип-қизариб, ўзи ҳам гулгул яшаб кетибди... Гапир, Хошим! Фарида келибди! Тезроқ гапир ахир, ўртоқ кичик лейтенант!

— Хошим ака, мени танимадиңгиз-а? — деди қиз.

«Овозлари ҳам бир майини, юмшок, эркаловчи», деган фикр ўтди бошимдан.

— Танидим, факат нега чучвара олиб келмаганиңгизга хайрон бўлиб турибман! — дедим ниҳоят ўзимни қўлга олиб.

— Вой, халиям хазилкашлиғиңгиз қолмабди-я, — деди Фарида негадир кўзини мендан олиб кочиб.

Менинг кабиетимга кириб, диванга ёнма-ён ўтирдик. Қизик, нега мен тўсатдан бунақанги уятчан бўлиб қолдим, умрим бино бўлиб, бировдан уялган бола эмасдим-ку! Қўлим, оёғим, бурним — бутун борлигимдан уялиб кетяпман. Қўлим кургур тинмай қалтираяпти, қалтираган қўлни кизлар ёқтирмайдан дейишарди. Хаяжонлансам бурним терлайдиган одатим бор. Қани энди ўткир ишчок бўлса-ю, шу зорманда бурнимни ҳам шартта кесиб ташласам... Қўнғир сочлари бирам майини, хушбўй хид аниқ турибди. Қўйлагги, жемперлари ўзига бирам ярашган. Йўқ, гўзал.

жуда гўзал у. Кишлогимиздаги ҳеч бир киз унга ўхшамайди... Гавириним керак... Нима деб гапирсам бўлар экан-а?..

— Мен, бир илтимос билан келган эдим,— хайрият, сени гап бошлаб қолди Фариданинг ўзи.

— Жоним билан,— дедим-ку, йўтал аралаш чиққан овозим ўзимга ёқмай, баттар уялиб кетдим.

— Деворий газета чиқараётувдик... Битта шеър ёзиб берсангиз. Шеър ёзишни билман деган эдингиз-ку...

— Шеър, ҳалиги ўқиладиган шеърми?— дедим яна гўлдираб. Чиндан ҳам жиннихонада ётган маҳалимда Фаридага бағишлаб ҳазилнамо бир нарсалар ёзган эдим. Бир хилларини ўзига ўқиб бериб роса қулдирганман. Яна биттаси бор, ўшани ҳозир оқ қоғозга кўчириб берсам-чи.

Жиннихона ходими,
Жуда катта одими,
Қалақа қилманг уни,
Оркасида йўқ думи,—

деб ўқиган эдим, Фарида кулиб юборди. Қотиб-қотиб қулди. Шеърим маъқул бўлганига севиниб, ўзим ҳам қулгига кўшилган бўлдим. Фарида «оббо Хошим ака-ей, сиз аслида циркда ишласангиз бўларкан» деб хазил қилган эди, мен ҳам «тўйдан кейин ишлаймам» деб хазилга хазил билан жавоб қайтардим. Шундай дейганим билан Фарида ялт этиб менга қараган эди, кўзларимиз учрашди-ю ва тамом... Мен яна ўзимни йўқотиб қўйдим. У ер остидан менга қараб, шахло кўзларини сузиб, тимқора қонларини чиройли чимириб қўяди. Мен бўлсам оғзимнинг таъоби қочиб, нимадан-дир севиниб, нимадан-дир андак кўркиб, бўлар-бўлмагга илжайман. Ниҳоят, Фарида ўрнидан туриб:

— Мен бораёй эди...— деди билинар-билимас энтикиб. Шу пайтда унинг бутун вужуди енгил қалтираганини, шахло кўзлари намланганини кўриб қолдим. Мен ҳам шонилиб ўрнимдан турдим:

— Қузатиб қўяман.

Оркама-орка кўчага чиқдик. Пўлакда ёнма-ён бораётирмиз. Қуриб кетмагур тилим яна танглайимга ёпишиб қолса бўладими. Аксига олиб, одамларининг ҳам икки кўзи бизда.

— Ха, ха, яхши киз, ахир қўлга тушибсан-ку!

— Ўрток милиционер, мапа шу киз ўғри бўлади, кеча бизнинг ховлимиздан ўсма ўғирлаган!

— Хафа бўлманг, оппоқ киз, ўзим уйларингга хабар қилиб қўяман!

— Хой киз, калта кўйлак киймагин, милиция камаб кўяди, дечабмидим!.. — деб ўтган-кетганлар хазил-мутойиба ҳам келиб кетишяпти... Мен баттар уяламан. Ўзимдан, Фаридадан, дарахтлардан, машиналардан уяламан. Нукул чаккамни кашлаб, биров келиб «вах» деб кўрkitиб юбораётгандек ўтирилиб оркамга қарайман...

Лекин нима бўлганда ҳам Фаридаларнинг уйига яқинлашиб қолдик. Бахтимдан ўргилайки, худди шу биз яшайдиган кучанинг охирида туришар экан, دادаси ун тортадиган комбинатнинг директори бўлиб ишлар экан.

Қузатиб қайтаётиману, негадир, қувончимни кўксимга сиғдиролмай, бақириб ашула айтгим, йўловчиларни қучоқлаб, пешанасидан ўпгим, югуриб, ариқлардан сакраб ўтгим келади. Ширин-ширин эитикаман. Охири бўлмади, кўчада онасининг олдида пилдираб келаятган бир гўдакни даст кўтариб, пешанасидан ўндим-да:

— Фарида мени йўлаб келди, укажон! — деб кичкирдим.

Идорага келсам, ҳаммаёк ола-тасир бўлиб кетибди. Ходимлар у ёк-бу ёкка чоғган, телефонлар жириглаган, кабулхона секретари Лилляхон йўлимни тўсиб:

— Ўртоқ Рўзиев, Одил Аббосов кочибди! — деб хабар қилди.

— Яхши, — дедим ҳеч нарсанинг фахмига бормай.

— Эсингиз жойдами, жинойтчиларнинг бошлиғи кочибди деяпман.

— Мени табриклаг, — дедим Лилляхонга қўлимни узатиб.

— Ушладингизми? — ховликиб сўради киз.

— Халиги келган киз Фарида эди! — дедим севинчимни беркитолмай.

Лилляхон менга қараб анграйиб турди-да, «бекорга жинниҳонага тушмаган экансиз», деб оркасига бурилиб чикиб кетди.

Мен бўлсам наша чеккан бангидек ҳамон гаранг, таърифлаб бўлмайдиган даражада маст эдим...

ОДИЛ БАТТОЛНИНГ ҚОЧИШИ ЁКИ ХАЁЛПАРАСТЛАР МАЖЛИСИ

Бахти каро директор бошлиқ жинойтчилар устидан терговни ўртоқ Холиқов раҳбарлигида икки лейтенант олиб бораётган эди. Ўртоқ Холиқов бундан олдин ҳам мана шу нақанги катта жинойтчиларнинг устидан тергов ишларини олиб бориб, энг ашаддийларининг ҳам айбини бўйнига кўйиб тавбасига таянтирган, одил ва каттиққўллиги билан

шаҳарда ном чиқарган эди. Шунинг учун ҳам одамлар: «Ишинг ушинг қўлига тушса ё ўлиб кутуласан, ё бўйинингга олиб кутуласан!» — деб юришар эди. Оди баттол бўлса, мана эшитиб турибсиз, кочиб кутулибди.

...Тергов бўлимининг бошлиғи баттолга бурама саволлар ташлаб, унинг бутун сир-асрорларини билиб олаётганда кўшини хонадан бир киши чиқиб: «Ўртоқ майор, сизни райинжрокомдан сўрашяпти», дебди. Холиков, ўзимга телефон қилини деган экан, халиги одам: «Шундай деган эдим, уришиб берди», дебди. Терговчи Оди баттолни хонага қамаб, устидан кулфлаб чиқиб кетибди. Бетайини бир одам ўртоқ Холиковни ўн беш минут чамаси гапга тутиб, охири, «жуи тайёрлаш плани бажарилмаса, сиз бошингиз билан жавоб берасиз» деган гапини айтибди. Трубкани қўйгач, Холиков райинжрокомнинг секретарига телефон қилиб, «Равшанов сизларда ким бўлиб ишлайди» деб сўраган экан, секретарь, бунча одам бизда ишламайди, дебди. Терговчининг юраги ир парсани сезиб, югуриб хонасига чиқса... Юраги сезган нарса аллақачон юз бериб бўлган экан. Деразалар ланг очик эмиш, стол устида, «худо хоҳласа, Отажонов икковларининг жанозангизни бир қида ўқиймиз!» деган ёзув турганмиш.

Район ва шаҳар милицияси оёкка турди, ҳамма елиб-югурди. Кечаси бутун республикага кидирув эълон қилиниб, баттолнинг суратидан нусхалар жўнатилди.

Бугун соат ўнга район милиция бошқармасининг ойлик, квартал планларини тасдиқлашга бағишланган мажлиси бўлини керак. Бу ҳақдаги эълон уч кундан буён осиглик турибди. Мажлисга, гўё ҳаммамизнинг отамиз ўлгану, у билан охириги марта видолашиш учун тўпланаётгандек гамгини бир кайфиятда йиғилдик. Оди баттолнинг қочини ҳаммамизни ташвишга солиб қўйган. Ҳаммамиз ўзимизни гуноҳкордек билиб, бошимизни ҳам қилиб ўтирибмиз. Бошқармамизда йиғирма олти милиция ходими бор экан, бироқ киши ҳам ташқарида қолмади. Хали мажлис бошлангани йўқ, пичирлашиб, Оди баттолнинг қочини тафенлотлари хақида ҳар хил фикрлар баён қилиб ўтирибмиз:

- Баттол деганларича бор экан.
- Мен унинг қочинини олдиндан сезган эдим.
- Ташқарида одамлари бор экан-да?
- Эҳтимол орамизда ҳам бордир.
- Оғзингга қараб гапир!
- Лекин, қойил! Қочини планини жуда пухталаб тузишган экан.
- Бари бир қўлга тушади.

- Ўрток Рўзнев ўзини яна бир кўрсатар экан-да!
- Рўзневдан устароклари ҳам бор.
- Хар калай, шаънимизга ёмон бўлди.
- Юзимизга қора доғ тушди десанг-чи!
- Эҳтимол, Холиқовнинг ўзи уюштиргандир?
- Бе...
- Хар калай, шубҳам бор.
- Холиқов садокатли одам. Пешанасига тўппонча тира-санг ҳам бу ишни қилмайди у.
- Тўғри, жуда ачинаман унга.
- Ишкилиб, ишдан олишмасин-да...

Ўтирганлар ана шунақанги гаплардан гаплашишяпти, бирови Холиқовга ачинади, бошқаси «ажаб бўлсин, жуда кеккайиб кетган эди!» дейди. Холиқовнинг ўзи бўлса, бо-шини икки кафти орасига олиб, ўй суряпти, одамлардан кўзини олиб қочяпти. Аввалига унга жуда ачиниб кетдим, ёнига бориб:

«Хафа бўлманг, мана мен ёрдам бераман, истасангиз бугуноқ топиб беришим мумкин...» дегим ҳам келди-ю, лекин анови кун, сенда виждон борми, дегани эсимга тушиб, юзимни тескари ўгириб олдим.

Мажлисни капитан Каромат Ҳошимова очиб, президиум сайлашларингизни сўрайман, кимда қанақа таклиф бор, деб сўради. Мен шоша-пиша қўл кўтарган эдим, парво ҳам қил-мади. Олдиндан тайёрлаб қўйган одами бор экан, ўша ўр-нидан туриб, Салимжон акамнинг, Каромат келин ойимнинг, ўзини ва участкавой Суръат аканинг номзодини кўрсатиб юборди. Мен ўт ўчириш командасининг бошлиғи, қизикчи, ҳаммага бирдай меҳрибон, ўтган-кетганининг йўлини тўсиб, ёнгишининг олдини олиш ҳақида ҳеч эринмасдан гапиравера-диган майор Самад ака Қодировни президиумга кўрсатмоқ-чи эдим, қўлимни кўтарганимча қолавердим.

Суръат ака мажлисга раислик қиладиган бўлди. У, кун тартибининг тасдиқлатиб олгач, биришчи сўзини капитан Ҳо-шимовага берди. Капитан мана шунақанги кўпчилик ишти-рок этадиган мажлисни соғиниб қолган эканми, шошмасдан, гапни жуда узокдан, хали мен ва менинг дадам ҳам тугил-маган даврлардан бошлади. Шу районда ишлаб, аллақачон омонатини топшириб кетган милиционер боболаримизнинг номини бирма-бир санаб ўтди. Бизнинг бошкармамизнинг эса, шу кеча-қундузда партия ва ҳукуматнинг юксак талаб-лари даражасида ишламаётганлигидан афсусланди. Пиро-вардида:

— Халқка, кенг жамоатчиликка таяниш ўрнига биз улардан қочамиз, жамоатчилиени аралаштирсак, ишни бу-

зиб кўяди, деб кўркиб, ишни аслида ўзимиз бузямиз,— деди.— Ойлик, квартал иш планлари жуда бўш тузилган, омма ўртасида тарбиявий иш олиб боришга эътибор бермай-миз, ишларимизда конунчилик асосларини тушунтиришга, шу йўл билан юз бериши эҳтимол бўлган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар деярли кўринмайди. Хуллас, ўртоқлар, ўзимизга ортиқча баҳо бериб ва ортиқча ишониб, жамоатчиликдан ажралиб қолганмиз, асосий ёрдамчилардан маҳрум бўлганмиз. Хуллас, ўртоқлар, биз партия ва ҳукуматимизнинг ишни тубдан ўзгартириш кераклиги ҳақидаги кўрсатмаларини ёмон бажаряпмиз,— деган гапларни гашириб туриб, тўсатдан мени танқид қилиб қолса бўладими!

— Мана, ОБХСС бўлими,— деб келиноним бир стакан сувни ичиб олиб, менга эмас, ўтирганларга қараб гапиря бошлади.— Ўртоқ Рўзиевдан умидимиз катта эди. Лекин, унинг тузган плани шахсан мени ўйлантдириб қўйди. Жуда ҳавоий, ҳаётдан узок. Ўзимизнинг районда қилинадиган ишлар бошдан охиб ётибди-ю, у бўлса, қўшни райондаги объектларни назорат қилишни планга киритибди. Кўн заводи, кондитер фабрикаси, трикотаж фирмаси... Ахир, ўртоқлар, бу корхоналар бизнинг район территориясида эмас-ку!

Ўртада «гурр» этиб қулги кўтарилди. Назаримда, ўртоқ Холиқов ҳаммадан каттироқ кулаётганга ўхшади. Ўзим бўлсам, худди шу пайтда, тарракдек қотиб қолдим... Қалла-варамангим, анқовлигимдан уялиб кетдим. Кеча шунча миямин ишлатсам ҳам, бари бир план тузолмади. Устозимдан сўрагани, гапини очини, истиҳола қилдим. Қўшни район ОБХСС бўлимининг бошлиги Машраб ака Назаровнинг планидан фойдаланганим, корхоналарининг номини ўзгартириб қўйиши ҳаёлимдан кўтарилиб кетибди...

— Ўртоқ Рўзиев, нега бунақа план туздигиз?— деди бир маҳал қаниган Хошимова. Секин ўрнимдан турдим. Ҳамманинг кўзи менда, бари мазах қилгандек қулиб турибди, бошқаси, «э, аттанг» дегандек бош чайқаяпти. Нима десам экан? Очик иқрор бўлайми ё бирор баҳона топсаммикан? Бунақа пайтда очик иқрор бўлсанг ҳам бамога қолсан, баҳона топсанг ҳам яна бир гап қилишадди.

— Биз ўзаро текшириш ўтказмоқчи эдик,— дедим ниҳоят сал мужмавроқ қилиб. Яна «гурр» этиб қулги кўтарилди. «Бор-е, нима бўлса бўлар» деб ўзим ҳам қўшилишиб қулвордим. Ўртоқ Холиқов ўридан туриб:

— Шогирдингизга план тузишни ўргатмаган экансизда?— деб пичини қилди устозимга. Салимжон акам жавоб қайтармоқчи бўлиб, бир тараддудланди-ю, негадир индамай

кўя қолди. Орадан хиёл фурсат ўтгач, майор мендан ҳам оғирроқ бир аҳволга тушиб қолдики... Мен планни бировдан кўчирган бўлсам, у ўзидан-ўзи кўчирар экан. Капитан Хошимова унинг беш йиллик планини солиштириб берган эди, шунданки қулги кўтарилдики, асти кўяверасиз. Тергов бўлимининг бошлиғи менга қараганда ўн чандонроқ дангаса экан. План тузаётганда фақат числосини ўзгартириб кўяркан, ҳолос. Мазмун бир, қилинадиган иш бир хил, янгилик йўқ. Холиков изза бўлганидан бошқиси тиззасининг орасига беркитиб олди.

Милиция ишига жамоатчилик вакилларини кўпроқ тортиш ниятида Салимжон акам билан Каромат Хошимова бир анкета тузишган экан. Анкетани мажлис раиси Суръат ака, худди ўзининг шеърини ўқиётгандек, ёқимли бир овоз билан тўяқинланиб ўқиб берди.

АНКЕТА

1. Исм-фамилиянгиз.
2. Касбингиз.
3. Иш жойингиз.
4. Ешингиз.
5. Маълумотингиз.
6. Район милицияси ишидан мамнунимсиз?
7. Сизнингча, қандай тадбирларни амалга оширса милициянинг иши янада яхшиланган бўларди?
8. Жиноятчи ва тартиббузарни тугатишда сиз қандай ёрдам беришни истардингиз?
9. Милиция ишига жамоатчилик асосида қимлар яхши ёрдам бера олади, деб ҳисоблайсиз?
10. Савдо шохобчаларида баъзан учраб турадиган тартибсизликларни тугатиш учун сиз қандай чоралар кўрилишини истар эдингиз?..

Ҳозир чарчаб турганим учун анкетадаги саволларнинг ҳаммасини санаб ўтирмайман, вақти билан қолганларини ҳам айтиб бераман. Фақат шунга айтмоқчиманки, анкета бир баҳона бўлди-ю, ўртоқ Холиков билан Салимжон акам андак бўлмаса ёқалашиб кетаёзиди. Ўртоқ Холиков сўз олиб:

— Милиция ишини муҳокамага ташлаш — бу душманининг иши, бу, албатта, ўртоқ. Отажоновдан чиққан бўлса керак! — деди.

Салимжон акам:

— Бўлмаса ўзимизни ўзимиз мактаб юраверишимиз керак экан-да, — деб қўйди.

Ўртоқ Холиков.

— Сиз ўзи иш қилишдан кўра кўпроқ мақтаннишни яхши кўраркансиз!— деган эди, Салимжон акам:

— Партия ташкилоти билан маслаҳатлашиб қиляпмиз бу ишни,— деди.

Майор Холиков бутунлай қизишиб, ўзини йўқотиб қўйди:

— Сиз ташкилотлар орқасига беркиниб, зарарли фикрларнигизни тарғиб қилиб келяпсиз!

Салимжон акам негадир, қизишиб, столни муштлаб ўрнидан туриб кетиш ўрнига, «оббо сен-эй, тилнинг бунча захарли бўлмаса» деб қўя қолди. Майор Салимжон акам паст келганини кўриб, демак, мен ҳақ эканман, деб ўйлади шекилли, ҳали капитан Хошимова стаканда сув ичиб доклад қилган мишбарга чиқиб, қўли билан ҳавони кесиб, куйиб-пишиб, гапира бошлади:

— Халқ ўртасида ҳар хил тушуничадаги кишилар бўлади. Дўстимиз ҳам, душманимиз ҳам бор. Душманларимиз анкета баҳонасида бизни қоралаб ташлайди. Бир хил бемаънилар бўлса, бизга ёрдамлашни баҳонасида орамизга кириб олиб, ишнинг пачавасини чиқаради. Миллиция идораси — бу муқаддас даргоҳ, ҳар кимнинг бостириб киришига ҳақи йўқ...— деди-да, сув чимокчи бўлиб графинга қўл чўзган эди, сув тугаб қолган экан, бўш графининг бўғзидан маҳкам ушлаганча пастга, одамлар орасига тушиб кетди. Ўрнига ўтираётиб:

— Анкетабозлигу, мажлисбозликка чек қўйиб, амалий ишга ўттишимиз керак!— деб қўйди.

Мишбарга район ўт ўчириши командасининг бошлиғи майор Самад акам Қодиров чиқиб, гапни нимадан бошлагани билмай, чўнтагидан рўмолча олиб, терламаган бўлса ҳам, аввал йўғон, гўштдор бўйинини, кейин олчадек қизариб турган юзларини арғди. Қулиб бош чайқаб қўйди.

— Ўртоқлар, мана мени кўриб турибsenzлар,— деди у ниҳоят,— худди кеча курортдан қайтгандек семриб, тўлашиб турибман. Юзимдан чақиллаб қон томай дейди. Чунки мен ҳаминга яяло қилиб юраман — ўт ўчириши ишларининг ҳаммасини халқнинг зиммасига юклаб қўйганман. Халқ билан бирга бўлган кишининг икки бети менга ўхшаб ҳаминша кип-қизил бўлади... Бирон жойда ёнғин чиқса биз етиб боргунча, оломоннинг ўзи ўчириб бўлади... Халқ катта куч, ўт қўядиган ҳам ўзи, ўчирадиган ҳам ўзи. Халқдан фойдаланиш керак, ўртоқлар! Шунда, Холиков, сенга ҳам сая жир битиб раининга қон югуради. Қара, тувакда ўсган гулдек саргайиб кетибсан. Камрок «ўх» тортиб, пешанангн камрок тириштириб, одамлардан фойдаланишига ҳаракат қил. Ана

ўшанда менга ўхшаб ҳар кунни ошхўрлик қилиб, шахматингни ҳам ўйнаб юраверасан. Ўртоқлар, менинг таклифим шу, анкетани тезроқ тарқатиш керак. Энди, ўртоқлар, ўзининг ҳам мажлис аҳлига айтадиган озгина дардим бор... Районимиздаги кўнгилли ўт ўчирувчилар ўртасида муаллақ нарвонга тез чиқиш бўйича мусобақа ўтказган эдик. Ўртоқ Хошимова, сиз мукофот ваъда қилгандингиз, кани ўша мукофот? Е ўт ўчирувчи машиналарни мукофотга бериб юбораверайми? Республика кўнгилли ўт ўчириш командалари ўртасида бўлган шахмат мусобақасида биринчи ўринни эгалладик. Сиз, ўртоқ Хошимова, командировка харажатларини тўлайман деган эдингиз, қачон ваъдангизнинг устидан чиқасиз?..

Бугунги мажлисда қарсақнинг кўпи Самад акага чалинди. Майор минбардан туша туриб, артистларга ўхшаб қарсақ чалаётганларга қайта-қайта қуллук қилди-да, Холиковга:

— Сал қовоғингни очиброк ўтир, биров арпангни хом ўргани йўк!— деди.

Мажлис кундуз соат учгача давом этди. Нотиклар биринкетин минбарга чиқиб, бири иккинчисини инкор қилиб, роса нутқбозлик қилди. Етти графин сув ичилгач, охири масалани овозга қўйишди. Анкетани тарқатиш тарафдорни бўлиб ўн тўққиз киши овоз берди, етти киши қарши чиқди. Ўртоқ Холиковнинг, негадир ранги-кути ўчиб, лаби совуқ урган помидордек гезариб кетди:

— Йўк, мен министрликка арз қиламан,— деди у муштинни қисиб,— милицияни соддалаштиришга йўл қўймайман.

— Отажоновнинг ўзи шухратпараст одам экан!— деди ёнида ўтирган шериги.

— Қариганда ном чиқармоқчи!— деди қарши овоз берганлардан яна биттаси.

ЎН БИР МИНГ ЁРДАМЧИ

Иш қизиқ кетди, йўк, ҳазил эмас, чиндан ҳам қизиқ кетди. Ўттиз минг анкетага ўн тўрт минг жавоб хати олинди, ҳали кети тугагани йўк. Баъзи кунлари уч юз, баъзи кунлари тўрт юзгача хат келиб турибди. Уларни ўқиш, мазмунига қараб ҳар хил яшиқларга солиш учун мактаб ўқитувчиларидан олти киши ёрдамга келишган. Ҳашарчилар хатларни ўн уч гурпуага бўлиб тахлашяпти. Таклифларга бир жавон, танқидларга бир жавон, мамнуният сўзлари битилган хатларга бир жавон, илтимосларга бир жавон дегандек, ҳаммаси бўлиб, ўн уч жавон ажратиб қўйганмиз. Ўн

бир минг киши, милиция ишига ёрдам беришга тайёрмиз, деб ёзибди. Сотувчиларнинг ҳаммаси, ошпазларнинг тўксон фоизи, милициямиз ишдан мамнунмиз, милиция ходимларига минг офаринлар бўлсин, деб мактуб йўллашибди. Егоч складининг директори милиция начальниги билан ОБХСС бўлимининг бошлиғига бўлган чексиз мухаббатини ҳеч қандай сўз билан изҳор қилолмагач, йиғирма қатордан иборат шеър ёзиб, охирида, тўсатдан бўладиган текширувларни қайтартирсангиз, деб илтимос қилибди. Йиғирма тўртинчи гўшт дўконининг азамат қассоблари ёппасига дружиначи бўлишга қасамёд қилиб, енг шимаришибди. Ўз мактубларининг сўнггида, гўштларни сортларга бўлиб сотишни йўқ қилишга ёрдам беришларингизни ва харидорларга бу йилги гўштлар ҳаддан ташқари серсуяк эканлигини тушунтириб қўйишларингизни ўтиниб илтимос қиламиз, дейишибди. Ўн биринчи боғчанинг тарбиячиси, сурункасига арок ичган эркак зоти борки, битта қолдирмай қамаб юбориш керак, деган фикр билдирибди. Қечки ишчи-ёшлар мактабининг физика ўқитувчиси, агар хотинининг тилини тийишга ёрдам берсаларинг, ўла-ўлгунча сизлардан минпатдор бўлардим, деб ёзибди. Шунақанги ҳазил аралаш ёзилган хатлар орасидан фойдали маслаҳатар ҳам бирин-кетин чиқаверди. «Вагрем» депосининг ишчилари: «Ичкиликбозликка қарши олиб бораётган курашларингиздан мутлақо норозимиз. Ичиб кўчада балчиқка қоришиб ётган кишини хушёрхонага олиб бориб, қув болани эъзозлагандек оппоқ чойшабларга ётқизиб, бошига парестиклар қўйиб бериб, эрталаб ваннада ҳам ювинтириб ҳурматлашнинг нима хожати бор? Бунақа одамларни эшакка тесқари миндириб, бўйнига бўш шишалардан беш-ўнтасини осиб, шаҳарнинг гавжум кўчаларидан олиб ўтиб, сазойи қилиш керак...» деб таклиф киритишибди. Шойи артелининг бир группа тўқувчи аёллари ҳам ҳеч қутилмаган бир таклифни ўртага ташлашибди: «Дружиначиларни милиция тайинламасин, балки халқ ишхонада бўладиган умумий мажлисларда, маҳалла аҳли кенгашларида маълум муддат билан сайлаб, вақти-вақти билан ҳисобини ҳам эшитиб турсин».

Э, боринги, ана шунга ўхшаш хатларнинг кети ҳеч узилмаяпти, бамисоли лайлаққордек ёғилиб турибди. Мен, Салимжон акам кучдан қолиб боряпти, деб беҳуда ташвишланган эканман, бу одам филдан ҳам кучли экан. Ишонсангиз, ўша кунлари у баъзан ўн беш, баъзан ўн олти соатлаб ишладди-я! Қуибўйи хат ўқийди. Бўлимларга тарқатиб чиқади: ходимларнинг фикри, мулоҳазасини сурштиради. Лилия-хошпи таклифларни махсус дафтарга ёзиб боришга мажбур

қилади. Ун кунча уйга келмай, идорада диванда ётиб кечаларни ҳам тинмай ишлади, овқатни ҳам қоровуллар билан бирга еди. Кастрюлда қайнатма шўрва қилиб ичавериб, нақ бўлмаса совуғи ҳам ошиб кетаёзди.

Ўнгирма кун деганда олти бўлим қошида жамоатчилик асосида иш олиб борадиган Ўнгирма тўртта бўлим тузилди, бўлим бошлиқларини раёнжроком мажлисида тасдиқдан ўтказиб ҳам олишди: кўча-кўйда тартиб ўрнатувчилар группаси, ичкиликбозларга қарши қурашувчилар группаси, машина ҳайдовчилар устидан назорат олиб борувчилар группаси, телефон бўдқаларини бузиб, газ сув аппарати ёнидаги стаканни ўнгирлайдиган, сымёғочдаги лампочкаларга панада туриб тош отадиган, машиналар тўхтаб турганда орқасидаги резинкасини кесиб қочадиган безори болаларнинг танобини тортиб қўювчи муаллимлар группаси... Хуллас, мана шунақанги «у қилувчи», «бу қилувчи» группалар, бўлимлар, ангишвонадек кичкина-кичкина бўлимчалари тузилгандан тузлаверди.

Ўртоқ Холиқов бир хонага кириб:

— Мени айтди дерсиз, ҳаммаси қоғозда қолиб кетади, эсингизга қоғозлар!— деса, бошқа бир хонага кириб:

— Ишимиз энди хотинларга қолибди!— деб довучча чайнаб олгандек афтини бужмайтириб чиқиб кетади. Майор Самад ака Қодиров бўлса худди катта ўғлига тўй қилаётгандек севиниб, ўзини қўярга жой тополмай:

— Милициянинг жони кирди. Мана энди Қумлоқдаги чойхонада ошхўрлик қилиб ётаверамиз!— деб дуч келганга мактанади.

Лилияхон Салимжон акам чақиртирганини айтиб қолди. Шошилиб кирсам, бошлиғим бир хатни ўкиб, баъзи сўзларининг остига қизил қалам билан чизиб ўтирган экан.

— Ке, мулла Хошим, ишлар қалай?— деди бошини кўтариб.

— Жуда ёмон!— дедим ўзимни диванга ташлаб.

— Хўш, нимаси ёмон экан?

Кеча мен пенсионер Муслим бобони штатсиз ОБХСС бўлимига бошлиқ этиб тайинлашларини сўраб, варака тўлдириб кирганимда, Салимжон акам, ярамайди, деб қайтарган эди. Шунинг назарда тутиб:

— Чунки менга ўгай кўз билан қараяпсиз,— деб ўпкаландим.

— Нега энди ўгай кўз билан қарар эканман?

— Мен таплаган одамни тасдиқламадингиз-ку.

— Чол, шубҳасиз, милицияга садоқат билан ёрдам бериши мумкин,— ўз одатига кўра қошларини чимириб, бир

кўзини хиёя қисиб гап бошлади устозим,— лекин, ОБХСС бўлимининг штатсиз бошлиғи бўладиган одам аввало юрист бўлиши керак. Муслим бобо юрист эмас-ку. Менга араб қилиб, лаб-лунжининг осилтиргунча, яхшиен мана бу хатни ўқиб чиқ!

Мамарозик Мамараймов деган бир одам биз тарқатган анкетани тўлдириб, ОБХСС бўлимига ёрдам бериш истагини билдирибди. Еши 58 да, Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, икки оёғини Берлин остонасида ташлаб келган, область милиция бўлимида йиғирма саккиз йил ишлаб, яқинда пенсияга чиққан бир киши экан. Салимжон акам уни шунақанги мақтаб кетдики... озғим очилиб қолди. Чўлок бўлишига қарамай, Москвадаги юридик институтни аъло баҳолар билан тугатганмиш. Беш тилда бемалол тергов олиб бора олар эмиш, Москва, Ленинграддаги катта мажлисларда бир неча бор нутқ сўзлаб, икки оёғи бутун полковникларнинг хавасини келтирган эмиш... Агар мен у билан бир-икки йил ҳамкорлик қилсам, кўп нарсага эга бўлишим мумкин эмиш.

— Гараждан машинани олгин-да, уни дарров олиб келгин!— буюрди гагини тугатиб Салимжон акам. Ўрнидан отилиб турдим, сал ижирғаниб:

— Лекин, нима бўлганда ҳам чўлок экан-да,— дедим.— У ёқ-бу ёққа борсак, тўшакка ўраб, кўтариб юрамизми уни?

— Милицияда оёқ эмас, калла ишлайди, жуна тезроқ!— уришиб берди устозим.

Мамарозик ака Мамараймов шаҳар чеккасида, опасининг ташқари ховлисида турар экан, сурштириб аранг топдим. Олдига кириб, шундоқ-шундоқ деган эдим, бетимга тикилиб турди-да:

— Мошхўрда ичасизми?— деб сўради.

— Агар қатиги ҳам бўлса...— дедим лабимни чаншлатиб.

Иштаха кургур ҳам қарнай бўлиб турган экан, кўз очиб-юмгунча икки коса мошхўрдани пок-покиза тушириб олдим. Мамарозик ака ёғоч оёқларини боғлаб, эски аравадек ги-жирлатиб, машинага чиқа бошлади.

— Агар янганимасам, сиз Рўзиев бўласиз, шундайми?— деб сўради машина кўзгалгач.

— Қайқдан билдингиз?

— Овқатдан қайтмаганингиздан,— кулиб кўйдн чўлок ҳамроҳим,— сизни менга шундай таърифлаган эди.

— Тўғри айтишибди, жонидилым овқат.

— Очигини айтсам, ука, сиз билан танишишни орзу қилиб юрган эдим.

— Йўғ-е,— дедим сал-пал уялиб.

— Оди Аббосов группасини кўлга туширгангиздан кейин, ука, сиз билан танишишни орзу қилмаган биронта милиция ходими қолмаган бўлса керак.

— Ростданми?

— Рост. Чиннакам қахрамонлик кўрсатдингиз. Лекин ма-на бу ишларнинг ундан ҳам қолишмайди.

— Қайси ишимиз?

— Жамоатчиликни кўзга ш учун кўрган тadbирларнинг-да.

— Бу Салимжон акамдан чиқди.

— Йўқ, ука, бу ҳукуматнинг талаби.

— Бир хиллар, фойдаси бўлмайди, деяпти.

— Кейин уялиб қолишадими...

«ЮЛГИЧЛАРГА УРУШ ЭЪЛОН БЎЛИБДИ»

Салимжон акам чўлоқ пенсионер билан диванга ўтириб олиб, узок сўхбатлашди. Еру дўстларидан қайси бири тириг-у қайси бири вафот этганлиги, бундан ўттиз беш йил илгари семинарда бирга бўлган Романовский деган бир кўзи кўр оғайнилари ҳозир Тамбов областида ишлаётганлиги, ўзбек тилини сув қилиб ичиб юборган Палмин милициядан кетиб, область прокуратурасида хизмат қилаётганлиги тўғрисида ҳам гаплашиб олишди. Кейин Салимжон акам:

— Розик, сен Хошимга ёрдам берасан, иш ўргатасан, керак бўлса, хонани ичидан беркитиб олиб, ремень билан юмшоқ жойига савалаб ҳам кўясан. Бугундан эътиборан ОБХСС бўлимининг штатсиз бошлиғисан. Ҳозир район иж-роия комитетига бориб, тасдиқдан ўтиб қеласан, сени ўртоқ Умаров кутяпти...— деди.

Мамарозик ака район ижроия комитетида узок ўтирма-ди. Афтидан, соғу чўлоқлар тасдиққа боравериб, Умаров-нинг ҳам жонига теккан бўлса керак, дарров орқасига қай-тариб чиқариб юборибди. Тасдиқлашмаган бўлса-я, деган фикр бошимга келди-ю, тажрибали ёрдамчидан махрум бў-либ қолишдан кўркиб:

— Кўнишмадимми?— деб сўрадим.

Мамарозик ака кулимсираб, «кучоклаб табриклади-ю, муваффақият тилади», деди. Еғоч оёқларини гижирлатиб машинага ўтириб олгач: «Умаров милициядан чиққан. Ме-ни яхши танийди», деб кўшиб кўйди.

Идорага кайтгач, ўзига ажратилган стол ёнидаги стулда, гўё стул уни қанча муддат кўтариб туришини синаб кўр-моқчи бўлгандек узок ўтирди. Бир маҳал жонланиб, расмий, факат идоралардагина гаплашиладиган бир оҳангда:

— Ўртоқ Рўзиев,— дея менга мурожаат қилди,— агар мумкин бўлса, сиздан учта нарсани илтимос қилмоқчиман — Эшитаман, ўртоқ Мамаранмов!— мен ҳам ундан бат тарроқ расмий оҳангда жавоб қайтардим.

— Илтимосининг биринчиси шуки, ўртоқ Рўзиев, ОБХСС бўлимига кўмаклашувчи кўнгилчиларни меннинг ўзим танилаб олсам.

— Лекин, ўртоқ Мамаранмов, мен тасдиқлашим керак.

— Албатта. Бусиз мумкин эмас, ўртоқ Рўзиев.

— Хўш, ўртоқ Мамаранмов, иккинчи илтимосингиз нимадан иборат?

— Иккинчиси шуки, ўртоқ Рўзиев, беш йилдан буён бўлимга тушган шикоятларнинг ҳаммасини менинг қўлимга берсангиз. Уқиб, характери билан танишиб чиқсам.

— Жуда соз!— дедим расмий тил билан гаплашишга тоқатим чидамай.

— Учинчиси шуки, ўртоқ Рўзиев, райондаги жамки давлат корхоналарининг рўйхатини берсангиз.

— Ўртоқ Мамаранмов, бу илтимосингиз ҳам бажо келтирилади.— Сакраб ўрнимдан туриб, иши бошдан ошиб ётса ҳам бир кўзини юмиб, ҳаммаша мудраб ўтирадиган, кўпам жонини куйдиравермаслик ҳақида каттаю кичикка бирдек насиҳат қилишни яхши кўрадиган қўшни хонадаги кекса ходимимиз Қарим акани чакириб чиқдим. «Ўртоқ Мамаранмов нимани сўраса ҳаммасини муҳайё қилинг» деб топширик бериб, икковларини нариги хонага чиқариб юбордим.

«Техучилище»да ҚРУ ревизия ўтказиб, анчагина камомадни аниқлаган экан. Ушанинг ақтларини олиш учун телефон қилмоқчи бўлиб энди қўлимни кўтарган ҳам эдимки, эшик очилиб, ўйинга тушганча, қабулхона секретари Лилляхон кириб келди.

— Ўртоқ Рўзиев, сизга хат бор!— деди-да, конвертни тап этказиб столга ташлаб ўзи ялпайиб диванга ўтириб олди ...Қизик, анови куни Фарида келиб кетгандан буён бу қувноқ киз менга сал ғалатироқ муомала қиладиган бўлиб қолди. Хар бир одимини пойлайди, бўлар-бўлмас нарсаларни баҳона қилиб, олдимга беш-олти марта кириб кетмаса кўнгли жойига тушмайди. Мана ҳозир ҳам, кўриб турганингиздек, диванининг ёстикчасига ёнбошлаб, юзини елпиб, бемалол ўтирибди... Конвертнинг теласига... «Шахсан половник Отажонов ёки кичик лейтенант Рўзиевга тегсин» деб ёзилган экан. Хатни шоша-пиша очиб, энди ўқий бошлаган эдим, Лилляхон бўйинини чўзиб:

— Нима деб ёзишбди?— деб сўради.

— Хозмагга лабга суртадиган помада келибди, шуни хабар қилишибди,— деб қўйдим.

— Ҳазилингиз қурсин,— деди Лилияхон ўзига ҳеч ярашмайдиган бир ноз-истигно билан.— Тагин нима деб ёзишибди?

— Май ойндан бошлаб қош қаламининг нархи ошар экан.

— Вой, ростданми?— бу гал чиппа-чин ишониб сўради Лилияхон.— Тагин нима деб ёзишибди?

— Тагинми, тагин... хўш, қизлар ҳадеб юзига упа-элик суртишаверишмасин, упа-элик суртилган юз...

Хали гапимни тугатмасимданоқ, Лилияхон шартта ўрндан туриб:

— Ўлинг илойим, сиздан ҳеч қачон жиддий гап чиқмас экан,— деб, жаҳли чиқди шеклани, эшикни тарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Тўғри, каминна жиддий гапни камдан-кам гапирарди. Лекин, қимматли дўстим, қўлимдаги мана бу хат чиндан ҳам жиддий, чиндан ҳам самимий эди. Уни қайта-қайта ўқий бошладим.

«Ҳурматли Салимжон ака, қимматли дўстимиз Ҳошимжон! Бизни ҳам одам қаторига қўшиб, уйимизга анкета юборганларингиз учун мингдан-миг раҳмат. Сизлар мендан, милиция ишидан мамнунмисиз, деб сўрабсизлар. Бир мен эмас, қари отам, нуридийда онам ва келингиз Муборак номидан шуни айтаманки, биз ўла-ўлгунча мамнунмиз. Қимматли Салимжон ака, сиз мени даҳшатли аждарҳо оғзидан — Одил Аббосовнинг чангалидан қутқариб олиб, тўғри йўлга солдингиз. Гуноҳимни кечириб, бошимни силадингиз. Онам художўй аёл, ҳар кунни бомдод намозидан сўнг: «Худое худовандо менинг яккаю ягона ўғлимнинг халоскори Салимжон Отажон ўглини балою офатлардан ўзинг асрагин, умрини зиёда қилгин...» деб дуо ўқийдилар. Отам оий, саводсиз бир одам. Жиноятчиларга илашиб юрган пайтларимда илон чаққан кишидек тўлғониб, уҳ тортиб чиқарди. Сиз билан бўлган учрашувларимни айтиб берганимда, бечора кўзига ёш олиб: «Ўғлим, Ҳизр бувамга учрабсан, этагини маҳкам ушлагин» деб ёлвордилар менга...

Биз бутун оиламиз билан сизлардан миннатдоримиз, тунукун дуоларингизни қиламиз.

Милиция ишига қандай ёрдам беришингиз мумкин, деб сўрабсизлар. Маъқул кўрсанглар, вақти-вақт билан ошхонамиздаги воқеалардан хабардор қилиб турсам дейман. Одил Аббосов таъсиридаги ошхоналарга солиштирганда, бу ерда ўғрилик йўқ, десам бўлади. Лекин, умуман олганда

баъзан хўжайиндан яшириб, унча-мунча гўшт, ёғ олиб кетиб туришади. Яқинда директоримиз ҳаммамизни тўплаб, ҳозир бутун шаҳар бўйлаб юлгичиларга қарш уруш эълон қилинди, агар битта-яримтане хўрандаларнинг ҳақиқага кўз олатирсанг, тишингни сугуриб оламан, деди.

Қимматли Салимжон ака, ҳурматли Хошимжон! Мен уяфат кўрган йигитман. Чойхонага тез-тез чиқиб тураман. Ҳозир жамики чойхўрлар, милициянинг отасига балли, илгарироқ шундай қилиши керак эди, лозим бўлса мана, биз чойхўрлар ҳам ёрдам берамиз, дейишяпти. Чойхонада ароқ ичиши тақиқланди. Хусусий конвойлар, чакана қассоблар попиросфидушу ниста сотувчи майда-чуйда чайқовчилар шаҳардаги ваҳмадан қўрқиб ин-инларига кириб кетишди. Мана шунинг учун ҳам эл-юрт сизларга раҳмат айтяпти.

Хуллас, мени ўзларингга агент қилиб олсаларинг ва иложи бўлса, менга ҳам битта қизил книжка берсаларинг.

Сизларга табиатнинг энг гўзал жойидан салом йўллаб, Чорсудаги ишчилар ошхонасининг ошпази Уроз».

Хатни қайта-қайта ўқидиму, бирор хулосага келолмай, Салимжон акам ҳам ўқиб чиқени, агар бизга агент керак бўлса, маслаҳатлашиб чақиртирармиз, деган ўй билан хатни устозимнинг кабинетига қўйиб чиқдим.

Бундай карасам, соат олти бўлиб қолибди. Қарим акам айтгандек, иш бўлса бир гап бўлар дедим-да, Фариданинг йўлини пойлаш учун, зора шунча кундан буён nasib қилмаган учрашув бугун nasib қилиб қолса, деган ишнинг орзулар билан кўчага отилдим.

ВАСЛИНГА ЗОР ЙИГИТНИНГ ҲУРМАТИ ШУНЧАМИДИ?

Бутун кишлоғимизда мендаканги уйкуси каттик, серуйку бола йўқ эди. Бунинг устига уйкум келиб қолса, жой ҳам танлаб ўтирмасдим. Кўпинча овкатлашиб ўтириб, дастурхоннинг устида, кўпинча шундоқкина телевизорнинг қаршиенда ҳам ухлаб қолаверардим. Мана энди бўлса, бир хафтадирки, на кечаси ухлай оламан, на кундузи. Уйлай-вераман, ўйлай-вераман. Қизик, ишмани ўйласам ҳам охири бориб Фаридага такалаверади. Каёқдан ҳам унинг бир тоғора чучварасини еган эканман. Менинг нафсим балодур... деб шун айтишса керак-да... Баъзан, хаёлан, Фарида билан анҳор бўйлаб кечки салкинда есаҳат қилиб қоламиз. Анюви кундандек гаплашгани гап тополмай жим кетавера-

миз, кетазерамиз. Шунда нима фалокат юз беради-ю, Фаридани анхорга йиқилиб тушади. Анхор эса, тўсатдан, дарёдек кенгайиб кетади. Еввойи отдек ўйноқлаб ўтаётган тўлқинлар кизни чирпирак қилиб дарё ўртасига суриб кетади. Мен жуда уста сузувчи бўлганим учун, формамни ҳам ечмай, ўзимни сувга отаман. Фаридани ўнг қўлимда даст кўтариб, чап қўлим билан сузиб кирғокка олиб чиқаман. Шунда Фаридани бўйнимга осилиб:

— Хошим ака, раҳмат, минг раҳмат сизга! Ўла-ўлгунча унутмайман!— деб бетларимдан чўпиллатиб ўпиб олади. Мен бўлсам камтарлик қилиб:

— Раҳмат дейишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Ахир бу ҳар бир милиционернинг бурчи-ку,— деб қўяман...

Баъзан хомхаёллар Фариданинг дадаси олдида ҳам менинг обрўйимни кўтариб юборади... Бир кун Фариданинг дадасини машина босиб кетишига оз қолди. Уни даст кўтариб, йўлдан олдим, ола туриб, ўзим йиқилиб тушдим. Машина оёқларимни чўрт кесиб ўтиб кетди. Бир неча кундан сўнг Фариданинг дадаси мени кўрганни касалхонага бориб:

— Мени деб, ўзингиз чўлок бўлиб қолдингиз-а! Энди истасангиз ҳам, истамасангиз ҳам сизни ўзимга қуёв қиламан!— дейди. Мен бўлсам кизариб-бўзариб:

— Ҳожати йўқ, менинг ўрнимда бўлса ҳар бир милиционер шундай қиларди,— дейману, ширин-ширин энтикаман.

Фаридани учратиш учун (жиниҳонага боришга юрагим дов бермайди), уйлариининг олдида тўрт-беш марта пойлаб бордим. Қўча эшикларни олдида катта чинор бор экан. Ишга кетиш вақтида, қайтётганида, зора кўзи тушиб қолса, дея чинор панасида пойлаб турдим. Ўзини-ку, учратмадим-а, аксига юриб, икки-уч бор дадасига дуч келиб қолдим. Хатто бир марта, у эшикнинг ортида, мен чинорнинг панасида бир-биримизга мўралашиб, ёш болаларга ўхшаб «ажи-ажи» ўйнашиб ҳам олдик.

Бир кун тўсатдан, ҳеч кутмаганимда Фариданинг ўзи қўнғирок қилиб қолса бўлалми! Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, ўрнимдан туриб, камоли севинганимдан, андак бўлма-са бакериб юбораёзимман.

— Фаридани, бу сизмисиз?— дедим энтикиб.

— Ҳа, менман,— деди Фаридани ҳам.

— Хайрият, хайрият!

— Хошим ака, сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим.

— Сўранг. Истаганингизча сўранг.

— Телефонда айтиб бўлмайди.

— Бўламаса олдингизга бораман.

— «Марс» нилг ёнида қутаман.

- Ҳозир учиб бораман.
- Формада келманг.
- Нега?
- Келганингизда айтаман.
- Хўп бўлади.— Трубкани кўйдиму, ўйланиб қолдим.

Не, нега энди Фарида менга формасиз келинг, деди? Бу ўша Фаридами ўзи? Ахир у: «Хошим ака, сизга форма бирам ярашадки, ҳамниша форма кийиб юришингизни истардим» деб, бир эмас, бир неча бор айтган эди-ку! Йўқ, бу ерда бир сир бор... Ахир, анови куни Одил баттолани қочиршиганда ҳам ясама овоз билан кўнғироқ қилишган эди-ку. Формасиз борсам, демак, тўппончасиз ҳам борган бўламан, тўппончасиз борсам... Бутун шаҳар бўйлаб яхшилик билан ёмонлик, тўғрилиқ билан эгрилик, юлғичлик билан ҳалоллик, тартибсизлик билан осойишталик ўртасида охириги жанг кетаётган бир паллада бекордан-бекорга қурбон бўлиб кетиш... Йўқ, мулла Хошим ҳам унчалик содда йиғитлардан эмас, бекорга уни ОБХССнинг бошлиғи қилиб қўйишгани йўқ. Бораман, лекин формада, тўппончамни ҳам тақиб бораман!

Навбатчи машинада «Марс» кинотеатрининг ёнига ўқдек учиб бордим. Фарида билет сотадиган кассанинг ёнида, худди билет олмақчи кишидек, талпиниб турган экан. Ўзи ҳам нимадандир қаттиқ қўрқаётганга ўхшайди, кўзлари аланг-жалаң, ташвишланаётганлиғи шундоққина юзидан ҳам биллиниб турибди...

— Нега формада келдингиз?— биринчи саволи шу бўлди унинг.

— Мен... шундай ўзим...

— Яқинимга келманг,— йиғламсираб деди Фарида,— кўриб қолмади.

— Кўрса нима қилти?

— Мени тириклайини кўмишадди.

Кинотеатрнинг орқаси хилват экан, ўша ёққа ўтди. Фарида нарида, мен берида, аччиқ-тизиқдан иборат савол-жавоблар, ўпкалашу, гинахонликлар бошланди.

— Ўзиникига борганидингиз?— атрофига қўрқа-писа кўз ташлаб сўради Фарида.

— Бориш ҳам галми, чинорнинг тагида кўрпа-тўшак қилиб ётиб олдим-ку.

— Демак, сиз... сиз!

— Ҳа, мен.

Ошиқ бўлмай ўлай мен, ишини расво қилиб қўйибман Эртаю кеч Фаридаларининг уйини пойлаб бораверганимдан дадаси шубҳага тушиб:

— Онаси, сезяпсанми, бир милиционер бизни каттик назорат кияпти!— дебди.

Онаси:

— Кеча эрталаб хам пойлаган эди,— дебди.

Дадаси:

— Устимиздан чақув тушганга ўхшайди,— дебди.

Онаси:

— Бу Ҳаким нонвойнинг иши,— дебди.

Дадаси:

— Тўғри, бу очкўз ҳеч унга тўймади,— дебди.

Онаси:

— Эсингизда борми, аввалги йили Ҳасан магазинчининг уйини хам аввал милиция пойлаб, кейин таппа босган эди,— дебди. Шундай дебди-ю, «вой шўрим», деб йинглаб юборибди. Дадаси:

— Йинглама, бир иложини топармиз,— деб ковоғини солиб олибди. Кечаси билан эр-хотин уйларида кўзга ташланадиган нарса борки, ҳаммасини кўшинларникига ташишибди. Локал тиш чўтка билан совуи кутини хам қолдиришмабди. Ҳозир дадаси машиналарини бировининг номига ўтказиш учун зир югуриб юрган эмиш...

Мен Фаридага:

— Бўлажак кайнотамга ўзимни танитай, машинани менинг ўзимга бера қолсин,— деган эдим, у «мени тириклайин кўмишади» деб баттар йинглашига тушди. Шайтоним қурғур зўр эмасми, у йинглапти-ку, мен бўлсам қотиб-қотиб қуламан. Бир маҳал Фарида:

— Энди менинг номимни тилга олманг, кўчамизга кадам хам босманг!— деди-ю, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ аразлаб жўнаб қолди.

Ана ҳоло, эди бу ёғи веча пулдан тушди! Мен у билан тўйиб-тўйиб гапланмоқчи, мабодо анҳорга қулаб тушса, ўнг кўлимда даст кўтариб чиқмоқчи эдим-ку!.. Вастига зор йингитнинг ҳурмати шуначамиди, деб кишотеатрнинг оркасида қолавердим.

Ишхонага йинглагудек бир алфозда қайтдим. Столга ўтириб, бошимни икки кафтим орасига олиб ўй суриб кетдим. Негадир шу пайтда Зокирни кўз олдимга келтириб, ишк савдосига мубтало бўлган дўстима ич-ичимдан ачиниб хўрсиндим.

— Кўн хўрсинаверманг, тирик қолибди-ку,— деди бир маҳал Қарим ака. Ўй билан бўлиб унинг хонага кирганини хам сезмай қолибман.

— Нималар деяпсиз?— дедим хушёр тортиб.

Шарифани айтяпман.

- Қапака Шарифа?
 - Эшитмадингизми?
 - Йўқ.
 - Сиз ўлимдан қутқарган Шарифа Усмоновани бугун эрталаб пичоклаб кетишибди-ку.
 - А?— ток ўргандек сапчиб ўримдан туриб кетдим
 - Орқасидан пойлаб келиб уришибди...
- Карим ака яна бир нарсалар деди-ю, аммо қулогимга ҳеч нарса кирмади...

ТОБУТХОНАДАГИ СУХБАТ

Одил баттолнинг қочиши идорамизга катта ташвиш келтирди. Шаҳар милиция бошқармаси ўртоқ Холиқовга ишончсизлик билдириб, Одил Аббосов группаси устидан олиб борилаётган терговни ўз қўлига олди. Гўё баттолни Холиқовнинг ўзи қочирган эмиш, Холиқов Отажоновни ёмон кўрармиш, ундан ўч олиш учун шундай қилганмиш, деган тухмат деса тухматга, илво деса илвога ўхшамайдиган миш-мишлар ҳам тарқаб қолди. Мана шунангаки насту баланд гаплар бўлиб турган бир паллада Шарифанинг пичоклашиши, бувижонимнинг ибораси билан айтадиган бўлсак, ўлганинг устига тепган бўлди.

Шарифа Усмонова капитан Хошимованинг меҳрибонлигидан фойдаланиб, найшук тўқув фабрикасига ишга жойлашиб, ётоқхонадан бир хонали жой олиб, суюкли ўгли Ёдгўрбек билан ёшгани яшаб, ошнинг ошаб маза қилиб юрган эди.

Мана энди, у бечорани пичоклаб кетишди. Бир хиллар бу Одил баттолнинг иши дейишди, бир хиллар эски шериклари қилишган дейишди. Учинчи бир хиллар учинчи бир тахминни ҳам ўртага ташлашди... Эрталаб соат бешларда Шарифанига кетаётганда орқасидан билдирмай келиб, елкасига пичок сапчишибди... Шарифа ҳозир чалажон бўлиб ётибди. Бутун шаҳар оёкка турган, дружиначилар, ётоқхонада яшайдиган қизу жувоилар, маҳалла аҳли ҳаммаёқни қовқовлаб юрибди. Лекин қотилни топишнинг ҳеч иложи бўлмагани.

Шарифага ачиниб кетдим. У йиглаб, «энди, бошқаларга ўхшаб яшамокчиман» дегани, ўглини бағрига босиб, фарёд чеккани кўз ўнгимдан ҳеч нари кетмай қолди.

— Ох, қалпоқчам, яна ёрдамнингга мухтожман,— дедим бир кун ишдан қайтаётганимда.

— Мен ҳамиша ихтиёрингдаман,— овоз берди кўлтигим-да турган қалпоқчам.

— Одил баттолни топишим керак.

— Унда мени бошингга кий, Хошимжон.

— Айтганингни қиламан, маслаҳатчим.— Шундай деб қалпоқчамни ўпиб, чиройли попуқларини кўзларимга суртиб, бошимга кийдим-у, кўздан гойиб бўлдим.

— Қани бошла, қалпоқчам.

— Масжидга юр, Хошимжон.

— Намоз ўқиймизми?

— Одил баттол билан кўришамиз.

Эшигининг устига «Мантипазлик» деб ёзиб қўйилган бир ошхонага кириб, қасқоннинг тепасига ўтириб олиб, тўй-гунимча мантихўрлик қилдим. Кўчанинг нариги юзидаги чойхонага ўтиб, шопириб-шопириб кўк чой ичдим. Бу орада қоронги ҳам тушиб, ўн метр наридаги одамни таниб бўлмайдиган бўлиб қолди. Секин ўрнимдан туриб, Хўжа Аҳрору Вали масжидини мўлжалга олиб, йўлга тушдим. Хуфтон намози тугаб, қари-қартаг намозхонлар бир-бирларини суюшиб, Бухородан келган ёш мутаваллининг илми зўрлиги, нафаси ўткирлиги хусусида гаплашиб, аста-секин чиқиб келишаётган экан.

— Мана, масжидга ҳам келдик,— шивирладим қалпоқчамга.

— Энди бир оз сабр қил,— маслаҳат берди қалпоқчам.

Энг охирги намозхон — бечоранинг ичига пистон қадалган яп-янги қалишини кимдир эски қалишга алмаштириб кетган экан, ўша одамни қарғай-қарғай, у ҳам чиқиб кетди. Бир оёғи чўлок, бир қулоғи йўқ, оқ яқтак кийиб бошига кичкинагина саллача ўраб олган 55—60 ёшлардаги барваста киши Хўжа Аҳрору Вали масжиди дарвозасини ичидан кулфлади. Бир оз ташқарига қулок солиб тургач, ҳеч ким пойламаётганлигига ишонч ҳосил қилди шекилли, аста-секин, шарпасиз қадам ташлаб, тобутхонага қараб юра бошлади. Бу одам ҳақида унча-мунча эшитганман. Кишилар уни Гўрков Сўфи деб чақиривади. Гўрков Сўфи бу юртга мен туғилмасдан олдин келиб қолган экан. Аввал гўрковлик, кейин сўфилик қилган. Шу кеча-қундузда эса ҳам гўрков, ҳам сўфи экан... Гўрков тобутхона эшигидаги кулфларни очиб, «Бисмиллоху раҳмону раҳим» деб секин ичкари кирди. Шам ёкиб, тобутхонанинг эшигига қора парда тутди. Тобутхонадан эски қабристоннинг моғор хиди келиб турибди. Хона ўртасида янгигина бир тобут. Нарирокда, девор тагида ҳам икки тобут. Бирини иккинчисининг устига қопқоқ қилиб қўйишибди. Гўрков секин бориб, устидаги

тобутни олди. Пастки тобутдан бир мурда аста бошини кўтарган эди, кўркканимдан бир сапчиб тушдим. Тобутдан мурда эмас, ингилаганча Одил баттол бош кўтарди! Ха, ха, ўша пешанаси кенг, афти сакрашга чоғланиб турган бақани эслатадиган сарик дев бош кўтарди... Юрагим уриб кетди, бенхтиёр оркамга тисариладим.

— Ха, Гўрков, келдингми? — деди баттол огзини катта очиб эснаб.

— Қалай, халоскорим, яхши ухладиларми? — деб кўлида кўтариб кирган тугунчани узатди Гўрков.

— Шамни ўчир! — буюрди баттол.

— Эшикка парда тутдим, худо хоҳласа...

— Ўчир деяпман!

Қаранг-а, баттол мурдадек бўлиб тобутда ётибди-ю, аммо буйруклари ҳамон шоҳона, овози ҳамон аввалгидек салобатли, қиличдек ўткир, худди ўз қулига муомала қилзётган подшога ўхшайдн-я!

Шам ўчирилгач, хона гўристонининг ўзгинаси бўлди-қўйди. Хайриятки, бошимда қалпоқчам бор, бўлмаса ким билади аҳволим не кечган бўларди.

— Тугуида сомса бор,— пичирлади Гўрков.

— Аҳмоқ, топганинг сомса!— ўшқирди баттол. Огзи ҳам аждархонинг оғзидек катта эмасми, лабларининг чапиллагани, ютингани, термоёдан култиллашиб чой ичаётгани бемалол эшитилиб турибди. Баттол ҳар ютинганда кўзини бир юмиб-очаётган бўлса керак, аҳён-аҳёнда хонада иккита нурсиз чўғ ёниб-ўчди...

— Гапир,— деди баттол хўриллашиб чой хўплаб.

— Нимани гапирай, халоскорим? — итоаткорона сўради Гўрков Сўфи.

— Шаҳарда нима гап?

— Худога шукур, тинчлик... Шарифа хали ўлмабди,— афсусланганинамо оҳангда деди Гўрков.

— Бари бир ўлади,— ишонч билан деди баттол.— Унинг юрагини мўлжалга олиб, ханжар урганман. Хўш, яна қанақа гаплар бор?

— Шу ҳар кунги гаплар, халоскорим. Авваламбор сизни ахтаришяпти. Ишибоало, изингизни ҳам топини олмайдн. Қолаверса, шаҳар кўчаларини енгига қизил боғлаганлар босиб кетган... Тартиб ўриатишармиш.

— Тартиб ўриатишиб бўпти! Хўш, анови ишлар-чи?

— Чатоқ, халоскорим, гапиргани ботинолмай турувдим.

— Нимаси чатоқ?

— Аввал катта хотинингизникига бордим.

— Хўш,— чўккалаб ўтириб олди баттол.

— Халоскорим касаллар, дармонга киргунларича беш-ўн кун бошпана берсангиз, дедим. Бу гапни эшитиб, жуфти халолингиз шайтонлаб келди... Кейин, худо тил ато қилиб, шундай деди: «Ўттиз йилдан буён устимга хотин олиб, хотин қўявериб, эл-юрт ичида мени шармандаю шармисор қилди, куйдириб адо қилди... Энди, ҳукуматдан қочок бўлганда мен керак бўлибман-да! Йўқ, хали ҳам ўша арзанда хотинларининг уйига бораверсин...» Халоскорим, хафа бўлманг. Хотин зоти ўзи шунақа бўлади. Машойиҳлар ит вафо, хотин жафо, деб бежиз айтмаганлар. Шунинг учун ҳам, камина кулингиз хотиним билан кизимни сўйганман-да... Худога минг катла шукур, халоскорим, ўша пайтда сиз мени кутқариб қолмаганингизда, аллақачонлар отилиб кетардим... Жуфти халолингиз шунақа понкўр экан, келмасин деди.

— Оббо алвасти-ей, шундай дедимн-а?

Назаримда баттол ўрнидан туриб кетгандек бўлди.

— Шундай деди, халоскорим.

— Сен уни чавоклаб ташламадингми?

— Йўқ, халоскорим, ундай қилмадим. Қўлимга пичок ушламайман, деб қасам ичганман.

— Хўш, кейин-чи?

— Кейин, халоскорим, худди сиз айтгандай қилиб энг кичик жуфти халолингизнинг уйини топдим. Сиз қуриб берган даңгиллама иморатни давлатга топшириб юборибди. Ўрнига богча очилибди. Ўзи шу богчада тарбиячи бўлиб ишлаётган экан. Аввалига, наҳотки халоскоримдан бир йўла қирқта чакалок қолган бўлса деб ёкамни ушладим. Кейин гапнинг тагига етгач, худди сиз айтгандай қилиб:

— Қизим, мен беш юз чақирим йўлдан келдим, умр йўлдошингиз юборди. Келса, беш-ўн кун қараб, парвариш қиласизми? — дедим. Бу гапдан сўнг, жуфти халолингиз қўп безандиша аёл экан, милицияга хабар қилиш учун телефонга ёпишди.

— Номард! — ер тепишиб қўйди баттол.

— Лаббай? — шошилиб сўради Гўрков Сўфи.

— Тезроқ гапир! — тишларини гижирлатиб деди баттол.

— Худога шукур, бир амаллаб қайтардим, шайтонга хай беринг, дедим. Хотин киши-да, йиғлашга тушса бўладими! Бахти қаро эканман, ўн олти ёшимда унинг ошхонасига официантка бўлиб бориб шу балоларга гирифтор бўлдим, ёшлигим қари чолининг қўйида ўтиб кетди, деб йиғлади.

— Аҳмоқ!

— Лаббай?

— Кейин нима деди?

— Кейин, халоскорим, йиғлашдан тўхтаб, шартта ўридан туриб, бу ердан тез кетинг, бўлмаса сизни ҳам милицияга ушлаб бераман, деди.

— Пул сўрамадингми?

— Сўрадим, халоскорим, ўша нонтепки хотинингиз, харом пулларни милицияга топшириб юборганман, деди.

— Елғон!

Одил баттол қоронғи уйда пайнасланиб тобут борми, термос борми — дуч келган нарсани тепа бошлади. Назаримда, янглишиб, Гўрков Сўфнинг қорнига ҳам тепиб юборди шекилли:

— Бу менман, халоскорим! — деган овози эшитилди унинг. Баттол қутурган шердек, ўн минут чамаси қоронғи хонада айлангач, ниҳоят жаҳлдан тушиб, тобутнинг чеккасига ўтирди. Хали чирок ўчганда хона жуда қоронғидек туюлган эди, хозир кўзим қоронғиликка ўрганиб қолдим, ёки дайди тенки тушиб қолишдан кўрқканимдан кўзларим равшанлашиб кетдим, харқалай хонадаги нарсаларни бемалол кўра бошладим. Баттол хонанинг бурчагига тикилиб, бир оз тинч ўтиргач, ерда начок бўлиб ётган термосдан чай қуйиб ичди-да:

— Паширосинг борми? — сўради Сўфидан.

— Мен нос чекаман, халоскорим.

— Бир кафт ол.

Одил баттол носни тилининг тагига танилаб олгач: «Хафа бўлма, гўрков, кизиниб кетдим» деб қўйди. Сўфи:

— Нега хафа бўлар эканман, бир тепки экан-ку, жонимни олганингизда ҳам тинг демайман, ахир сиз туфайли тирик юрибман, сиз бўлмаганингизда ё аллақачон ўлиб кетардим, ё умрим қамокхонада ўтарди, — деб ўрни бўлмаса ҳам ҳиринглаб қулиб қўйди.

— Ўзиям садоқатли дўстим битта сен қолдинг! — илжайди Одил баттол ҳам.

— Ўла-ўли ушимча вафодор итингизман, — деб оғзига нос отди Сўфи ҳам. — Худо хохлаша найғи дуйёда ҳам сиқни дейман.

Икковлари ҳам оғизларидаги носни оёқлари остига туфлаб, енглари билан лаб-лушжларини артиниб, чала қолган суҳбатни давом эттиришди. Гўрков юридик консултация идорасида ишлайдиган, ҳў бирди Одил баттол бир йўла уч қон уи ваъда қилганда, «хотамтойсиз, хотамтойсиз» деб кўчагача таъзим қилиб чиққан Шокир маслаҳатчининг уйига ҳам бориб келибди. Маслаҳатчи кечаси соат иккиларда қабристонда, Шайх Одил сағанасида учрашига сўз бериб,

«ваъда қилган нарсасини олиб келсин, қайта учраша олмаймиз», дебди.

— Майли... олтинларни бугун беролмайман,— ўзига-ўзи гапиргандай деди баттол.— Мени қутқаргани учун олтинларимни олади-ю, эртага милицияга зимдан хабар бериб, у ёқдан ҳам мукофот ундиради. Шокирни яхши биламан... У ҳеч кимга дўст бўлмаган, бундан кейин ҳам дўст бўлмайди.

Одил Аббосовнинг илтимоси билан Сўфи бир қошиқкина аччиқ қайнатма шўрва қилиш учун ўрнидан турди.

— Ичкиликка вино бўлса ҳам майлими? — сўради у эшикнинг пардасини тушираётиб.

— Коньяк тополмасанг, ароқ ол! — буюрди баттол.

ШАҲ ОДИЛ САҒА НАСИДАГИ ТИРИК МУРДАЛАР

Қабристон хиди анқиб турган тобутхонада Одил баттол икковимиз қолдик. У пайпасланиб, тобутлардан бирига чалқанча ётиб олди, кўзларини мўлтиллайтиб, нималар тўғрисидадир ўйлаб кетди... Нима қилсам экан, ҳозир кўл-оёғини боғлаб милиция идорасига ҳайдаб бораймми ёки бир-икки кун сабр қилаймми? Назаримда, кейингиси маъқулга ўхшайди, бир оз сабр қилиб, энг сўнгги жиноятчиларни ҳам кўлга олиб, ҳаммасини ҳайдаб борганим яхши. Шаҳарда жиноятчилар билан энг охири жанг кетяпти, шу олишувнинг ҳам қаҳрамони ўзим бўла қолай... Баттол қамокхонадан бекорга кочмаган, ташқарида анча-мунча ишлари, учрашадиган одамлари бўлиши керак, эҳтимол, беркитиб қўйган бойликлари ҳам бордир... Нима бўлганда ҳам тишини-тишга босиб, сабр қилишим керак.

Гўрков Сўфи кастрюлда шўрва билан яримта сассик ароқ кўтариб кириб келди:

— Бай-бай-бай! — деди у кастрюлни тўнкарилган тобутнинг устига қўйиб,— яримта ароқни битта отнинг пулига олсам-а!

— Қоровуллардан сўрамабсан-да? — деганча Одил баттол шишанинг тикинини тиши билан сугира бошлади.

— Бу дружиначилар қоровулларнинг ҳам юрагини олиб қўйибди,— ух тортди Гўрков,— қайси бирига борсам, сиз айтган замонлар ўтиб кетган, дейди-я... Таксида бутун шаҳарни айланиб чикдим...

— Бу полковникнинг иши, ўзиям ичмайди, бировни ҳам ичирмайди! — тишларини ёжирлатиб деди баттол.— Худо хоҳласа, уни мана шу тобутга тикаман!

— Худоё, айтганингиз келсин, халоскорим.

Бирн ишля, бошқаси термоснинг пачақланган копко-
гида арок ичишди. «Худо хоҳласа ганимлар ер билан яксон
бўлади, ишларимиз яна юришиб кетади, ҳали кўп давр-
давронлар сурамиз», деган гапларни айтишди. Гўрков
эркаланиб: «Халоскорим, агар яна худо сизга омад бериб,
ишларингиз ривожланиб кетса, шу масжиднинг имомлигини
ўзимга олиб берасиз», деб илтимос қилди. Баттол ароқнинг
колганини симириб:

— Иншоолло! Сенга кўп яхшиликлар қиламан,— деган-
ча, кастрюлдан хўриллатиб бир-икки хўплаб шўрва ичиб
олди.— Лекин, Гўрков, сен яна бир ишга ёрдамлашнинг
керак.

Гўрков кўксига кўлини кўйиб:

— Жоним сизга садака! — дея таъзим қилди.

— Полковникни йўқотишимиз керак... Ўшанда шаҳар
яна ўзимизга қолади.

— Худоё шиятингизга етинг! — кўлларини очиб фотиҳа
ўқиди Гўрков Сўфи.

— Лекин, сен ёрдамлашасан.

— Халоскорим, мен кўлимга пичоқ олмайман, деб қасам
ичганман.

— Худо хоҳласа, уни ўзим ўлдираман. Фақат сенинг ёр-
даминг керак. Сен, Гўрков, полковникнинг уйини ўрганасан.
Ертўласи борми, йўқми, уни куннинг қайси вақтида кимса-
сиз бўлади, шуларни билиб берсанг бас. Уни кечаси уйқу-
сида босаман. Етмиш жойинга пичоқ уриб аламимдан чиқ-
масам, бу дунёдан армон билан кетаман!.. Лекин, ҳозирча
вақт бор. Аввал паспортни тўғрилайлик... Ана ундан кейин,
эй худо!

— Яратган эгам, Хўжа Аҳрору Вали,— Сўфи чакқон бир
харакат билан чўкка тушди-ю, кўлини фотиҳага очиб, илти-
жо қила бошлади,— халоскоримнинг ишларинга ривожу ку-
шойиш бериш! Облоҳу акбар!

— Облоҳу акбар! — деб кўлини юзига суртди баттол ҳам.
Сўнг чўнтагидан занжирли соат олиб, учрашув вақти бўл-
ганлигини маълум қилди. Яна бир фотиҳа ўқиб, Хўжа Аҳ-
рору Вали арвоҳидан яна бир мадад сўрашиб, бирин-кетин
қабристонга томон йўл олишди...

Қабристонга, ишонсангиз, кундузи боргани ҳам қўрқа-
ман. Жин, алвасти, арвоҳ бор, деган гапларга унча ишон-
майману, лекин шундай бўлса ҳам бари бир қўрқавераман.
Ҳозир ярим тун, бутун шаҳар аҳли ширин уйқуга кетган.
Қабристон жимжит, тик этган овоз эшитилмайди. Бу жим-
житлик атрофни янада ваҳимадор қилиб юбораётгандек. Ҳар
замонда бойўглининг хунук овози эшитилади. Сутдек ойдин

бўлгани учун дарахтларнинг сояси хар хил шаклда кўзга ташланиб, юракка гўлув солади. Бир маҳал кўзимга қулочга синайдиган катта бир терак остида эллик-олтминч чоғли мурда ерга ўтириб олиб, мажлис қилаётганга ўхшаб кўри-ниб кетди. Мурдаларнинг ҳаммаси кафанда, бир хили бошини силкитади. бошқа бир хили қўлини ҳавода ўйнатиб чапак чалади. Битта новчароғи ўртага тушиб, ўйнаётганга ҳам ўхшайди...

Кўркиб кетдим, ха-ха, хаддан ташқари кўркиб кетдим. Юрагимнинг гурс-гурс урганни бемалол эшитиб турибман. Бенхтиёр Одил баттолнинг елкасига тирмашдим.

— Тавба,— деди баттол юришдан тўхтаб,— Сўфи, гавадам оғирлашиб кетяпти-я?

— Хаёлот, халоскорим, бу хаёлот! — далда берди Сўфи.— Кўпинча менга ҳам шундай бўлиб туюлади.

Халиги мурдалар рақсга тушаётган катта терак остига келиб тўхтадик... Соялар кимирлаб, узокдан менга мурдадек бўлиб туюлган экан, қарсақ чалаётган мурданинг қўли эмас, терак барглари экан...

Уччовимиз ҳам тик турибмиз. Қабристон жим, тупрок остидаги минглаб, балки ўн минглаб кишилар ҳам жимгина ётишибди. Ҳеч уйғонмайдиган уйқуга кетишган. Дунёнинг ҳамма ташвишларини: бировда қолган қарзини, битмай қолган уйини, дадам командировкага кетган, келса бўйнига осиламан, деб кўча эшик олдида кўзини мўлтиллашиб ўтирган ўғилчасини — ҳамма-ҳаммасини унутиб, маза қилиб ух-лашяпти. Ой ипақдек майин, сутдек оқ нурлар тўкиб, бу уйқуга яна ҳам кўпроқ ором бағишляяпти. Бойўғли қайғули бир овозда алла айтяпти. Сукунат бутун борлиқни бағрига олиб, мазини қўллари билан силаб-сийпалаб «ухла, ухла, ухла» деб паст ва гамгин бир овозда куйляяпти...

Уч киши уйғокмиз, уч ният билан бир-биримизни пойлаб турибмиз. Ниҳоят, қабристоннинг этак томонидан ўт ёниб ўчгандек бўлди. Баттол ҳам гугурт чакиб, ёниб турган чўпини боши узра уч марта айлантириб қўйди.

— Гўрков, хар эҳтимолга қарши сен хушёр бўлиб тур,— шивирлади баттол.

— Ташвишланманг, халоскорим,— қасам ичгандек бир оҳангда деди Гўрков.

Баттол қабристоннинг ўртароғидаги кичикрок уйдек келадиган Шайх Одил сағанасига қараб юра бошлади. Йўл-йўлакай чўнтагидан тўппонча олиб, отишга шайлаб, яна солиб қўйди. Қамокдан қочганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўту, тўппончани дарров қасқдан топа қолдйқни, деган фикр ўтди бошимдан. Сағананинг пастаккина эшигидан ав-

вал баттол, кетидан Шокир маслаҳатчи икковимиз кириб бордик. Одил Аббосов чўнтагидан шам олиб ёккап эди, сағаннинг ичи ёришиб кетди. Бурчакка раҳматли Шайх Одилнинг суякларини тўплаб, устига чириб, илвираб қолган кафан парчасини ёпиб қўйишибди. Бу ерда олдин ҳам учрашувлар бўлганга ўхшайди: оёқ остида беломор папиросининг қолдиги, ароқдан бўшаган шиша ётибди.

Шокир маслаҳатчи, бу ерга келгани учун хаддан ташқари кўркаётган бўлса керак, ранги-қути ўчиб, билинар-билимас қалтираб ҳам турибди.

— Оббо, Одилжон-ей, саломат кўришдик-а! — деди ниҳоят у. Оғзини катта очиб, кулмоқчи бўлган эди, негадир кулолмади, илжайиб кўя қолди.

— Бунинг учун сизга раҳмат айтмоқчиман,— деб Одил баттол ҳам базўр жилмайиб қўйди. Илжайишганича, гўё ким кўп илжайишга мусобақа ўйнаётгандек, бир-бирларига тиклиб қолишди.

— Оббо, Одилжон-ей,— деди яна маслаҳатчи.

— Оббо, Шокиржон-ей,— деди баттол ҳам.

Гапларининг мазмунидан шу нарса маълум бўлдики, бундан бир неча йил муқаддам Одил Аббосов, мабодо қамалиб қолсам, кимки мени қамокдан эсон-омон олиб чиқса ёки уддасидан чиқиб қочирса, ўшанга бир килограмм Бухоро олтинини атаб қўйганман, деган экан. Шокир маслаҳатчи ўша олтинларининг умидида жонини жабборга бериб, ҳаётини хавф остида қолдириб, махбусни қамокдан қочришга муваффақ бўлибди.

— Ўша ваъдангизда турибсизми? — сўради охирида маслаҳатчи.

— Турибман,— томоғини кириб қўйди Одил Аббосов.

— Демак, менинг ҳаракатларим бекорга кетмабди.

— Худо хоҳласа бундан кейинги ҳаракатларингиз ҳам бекорга кетмайди.

— Бўлмаса, олтинларини беринг, мен кета қолай.

— Ҳозир беролмайман...— Шундай деб, баттол қиёматли дўстидан узр сўрай бошлади. Ҳаммаси бўлиб уч жойда хазинаси бор экан. Биттаси ҳукумат ихтиёрига ўтиб кетибди. Қолган иккитаси бошқа юртда, авлод-аждодаларининг қабрига беркитилган экан. Қамокхонадан жуда қувватсиз бўлиб чиққани ва бунинг устига ҳамма жойда кидирув кетаётганлиги учун ўша ерларга боролмабди. Қамокхонадан чиққандан бўён Гўрковга қолдириб кетган бир ҳовуч олтинини харжлаб турган эмиш, худо хоҳласа, шу ҳафта ичи хазинанинг биттасини бир амаллаб очмоқчи эмиш. Аммо ўша ёкка бориб келиш учун, албатта паспорт керак экан.

— Мен паспортнинг уддасидан чиқолмайман, — тўсатдан жонланиб қолди маслаҳатчи.

— Паспортсиз мен олтинларни олиб келолмайман, — бўш келмади баттол ҳам, жуда хушёр одам бўлгани учун маслаҳатчининг феъли айнаб қолганини дарров сездю, чўнтагидан бешта бир сўмлик олтин танга чиқариб, унинг олдига қўйди. — Биттасига ҳар қандай паспортни сотиб олса бўлади, — деб кулимсираганча сўзида давом этди яна. — Шокиржон, мен ҳеч қачон дўстларимни алдаган эмасман.

Маслаҳатчи олтинларни қўлга олиб, тагин қалбаки бўлмасин, деб қўрқди шекилли, биттасини тишлаб қўрди. Шундан сўнги мурдадек оқариб кетган рангига сал қон югургандек бўлди... Паспорт масаласини муҳокама қила бошлашди, ҳар хил вариантларини ўйлаб қўришди. Охири Хўжа Аҳрор Вали масжидининг бундан ўн беш йил аввал ўлиб кетган имоми Қудрат Маҳсум номига паспорт тайёрлашга қарор қилишди. Чунки Қудрат Маҳсумнинг афт-башараси Одил баттолга жуда ўхшаб кетаркан. Бунинг устига ундан на бола-чака, на қариндош-уруғ қолган экан. У сўққабошнинг бу дунёда яшаб ўтганлигини Одил баттолдан бошқа кишилар аллақачон унутиб юборган экан. Ҳалиги олтинлар суҳбатга илиқлик киритди. Шокир маслаҳатчи жуда самимий, серҳазил бўлиб қолди. Қиёматли дўстига фойдали, фойдасиз маслаҳатлар бера бошлади.

— Ҳозирча бошқа шаҳардан кўра сиз учун шу ернинг ўзи бежавотирроқ. Америкада қалбаки пул ясовчилар қалбаки пул ясовчиларга қарши курашадиган идоранинг ертўласида ишлашар экан, — деди.

Одил баттол қулиб:

— Тўғри айтасиз, пашша ўлдиргич пашша учун хавфли, аммо пашша унинг ўзига қўниб олса, унча хавфли бўлмай қолади. Мен яқинда доимий яшаш учун полковникнинг ертўласига ўтмоқчиман, — деди.

Икковлари овоз чиқармасдан, қоринларини силкитиб қулишиб, худо хоҳласа, янаги чоршанба куни, тунги соат иккида мана шу ерда учрашишга ваъдалашишди.

Гўрков дарахтнинг панасидан чиқиб:

— Хўш, халосқорим, ишлар битдимми? — деб сўради.

— Худо хоҳласа, ҳаммаси жойида бўлади, — мамнунлик билан деди баттол. Кейин икковлари шивирлашиб, бир нарса ҳақида узоқ маслаҳат қилишди. Маслаҳат тугагач, Сўфи баттолга бир кунлик егулик овқат, пачоқ термосда чой бериб, Шайх Одил кабристонига тириклайин тикиб сағананинг эшигини устидан миҳлаб ташлади.

Кеч ётганим учун ўрнимдан ҳам кеч турдим — соат ўн бирлар бўлиб қолибди. Салимжон акам йўқ, ишга кетиб бўпти. Ҳовлида кўшнимизнинг иштонсиз юрадиган ўғли бир она товукни қакаглашиб қувиб юрибди, товукнинг овозидан уйғониб кетибман.

— Баҳром, нима қиляпсан? — сўрадим эснаб.

Баҳром жавоб қайтармади-ю, товукни ушлаб қанотларини силкитганча меннинг олдимга олиб келди.

— Хошим ака, мана буниинг орқасини пайпаслаб кўрингчи, тухуми бормикан?

— Тухуми бўлса нима қиласан?

— Уйда битта бор, икковини кўшиб, рагаткага чўзма оламан.

Баҳромга чўзмани ўзим олиб келишга ваъда бериб, ёлғиз нонушта қилгим келмай, йўл-йўлакай ичак-чавокдан тайёрланадиган арзон сомсадан тўрттасини олиб еб, ишхонага шошилдим. Тунда кўрганларимни тезроқ устозимга айтишим, бундан сўнг нима қилишим кераклиги ҳақида кўрсатма олишим керак эди. Қабулхонага кириб:

— Салимжон акам ёлғизмилар?— деб сўрадим модалар журиалини варақлаб ўтирган Лилияхондан.

— Партком билан Тошкентга кетдилар,— худди мени кўрмагандек бошини кўтармай деди секретарь.

— Тошкентга? Тошкентда нима қилишар экан?

— Сиздан берухсат кенгаш чакириб қўйинибди.

— Салимжон акамда маслаҳатли ишим бор эди.

— Ҳамма ишни менга топшириб кетдилар.— Лилияхон ниҳоят бошини журналдан кўтариб икки қўлини биқинига тираб, ясама бир жиддийлик билан давом этди: — Ҳўш, ўртоқ Рўзиев, эшитман?

— Никоҳ уйининг очилиш маросими бўлармиш,— ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтардим мен ҳам,— биздан икки киши бориб, никоҳдан ўттиш керак экан.

— Демак, икковимиз борар эканмиш-да?

— Йўқ, йигит ҳам, қиз ҳам милиционер бўлса тўғри келмасмиш.

— Нега энди тўғри келмасмиш?

— Мабодо ўғил тугилса, кин-қизил хуштакбоз бўлиб тугилар экан.

— Мабодо қиз тугилса-чи?

— Мабодо қиз тугилса... модалар журналидан бошини кўтармайдиган бўп қоларкан.

Лилияхон хандон отиб кулиб юборди. Кула-кула: «Хошим ака, аслида сиз кизикчилик учун тугилган экансиз...» деб кўйди.

Кизик бўлди-ку, Одил баттолни нима қилдик энди? Е Холиков билан маслахатлашиб кўя қолсаммикан? Йўк, у алам устида хозир бориб таппа босадик-кўяди... Бунақа пайтда арконни узунроқ ташлаш керак. Ахир Одил баттол тирик тузоқнинг ўзгинаси-ку. Бу тузоққа беркиниб, пана жойларда писиб ётган яна қанчадан-қанча жинойтчилар ялиниши мумкин... Йўк, Одил баттолнинг қочгани бир жиҳатдан яхши ҳам бўлди. Унинг баҳонасида шаҳарда қолган-қутган жинойтчиларни ҳам йиғштириб оламиз. Салимжон акам айтгандек, сабр-тоқат қила билиш — бизнинг ишимизда ярим ғалаба ҳисобланади.

Бўлимда иш бошимдан ошиб ётгани учунми, ёки штатсиз ўринбосарим Мамарозик акамга хаддан ташқари маҳлиё бўлиб қолганим учунми, ўша куни Одил баттол ҳақида қайта ўйламадим. Устозим тўғри айтган экан, милицияда оёқ эмас, кўпроқ калла ишлар экан. Мамарозик ака, очигини айтсам, оёғи билан эмас, калласи билан ишлайдиган, бундан ҳам очикроқ қилиб айтадиган бўлсам, мен орзу қилган ёрдамчининг нақ ўзгинаси экан. Ун беш-йигирма кун ичида бутун бўлимнинг ишларини тартибга солди. Йигирма тўрт азаматни ёнига олиб, шубҳа остига олинган давлат корхоналарини, ошхоналарини магазинларни ёппасига текширувдан ўтказиб чиқди! Ҳа, ҳа, у ОБХСС ишининг чинакам пири, устаи калони экан. Қаранг-а, шундай бир истеъдодли мутахассис, Салимжон акам тавсия қилмаганида, пенсия пулига чойхонада ош дэмлаб еб, арчанинг чўли билан тишини қовлаб ётаверар экан.

«Техучилише» хўжалик бўлими мудирини устидан жиний иш кўзгаб, терговни ўзим олиб бораётган эдим. Гаплашганда хўмрайиб, кўкрагига муштлаб гапирадиган Мирсалимовни бугун биринчи терговга чақирган эдим. У чиқиб кетishi билан хонамга ёғоч оёқларини гижирлатиб, Мамарозик ака кириб келди:

- Хошимжон, бир нарса айтсам хафа бўлмайсизми?
- Йўк, сиздан ҳеч қачон хафа бўлмайман.
- Сиз ҳали терговга тайёр эмасга ўхшайсиз.
- Қаскдан билдингиз?
- Ҳамма гапни эшитиб ўтирибман.
- Эҳтимол, тайёрдирман,— дедим очик икром бўлгил келмай.

— Йўк, тайёр эмассиз,— Мамарозик ака ҳам бўш келмай туриб олди.— Сиз Мирсалимовни тергов қилганингиз

йўқ, у сизни тергов қилди. Демак, сизга караганда у ўн баробар кўпроқ нарсаин биллади...

Мамарозик ака диванга ўтириб, агар малол келмаса, ташқари хонада стул устида совиб қолган чой бор, шундан бир пиёла қуйиб чиқсангиз, деб илтимос қилди. Чойни ич-гач, кафтининг оркаси билан лабини артиб, ўббў, Хошим-жон-ей, деб қўйди.

Тергов иши ҳам ўзинга хос бир санъат эканлиги, тергов-чи ҳам бамисоли ўз аскарларини хужумга бошлаб борадиган командирга ўхшаб иш тутиши зарурлиги ҳақида гапира бошлади. Командир душманининг кайфиятини, кучини, тактикасини, асосий кучлари қаерга жойлашганлигини, ниҳоят, жанг майдонининг шароитини: қаерда настлик, баландлик бор, қаерда анҳор ёки қиялик бор, қаер ботқоғу қаер тақир, текислик — мана шуларни ўрганмасдан жангга кирса, сизга олмаганидек, терговчи ҳам қайси объектда тергов олиб бориши зарур бўлса, ўша объектин терговдан олдин синчиклаб ўрганиши, тергов бериши керак бўлган шахсларни чуқурроқ текшириб чиқиши, жинойт бор деб гумон қилинса, бу жинойт қайси шароитда юз берганлиги ва унинг табиати қапакалигини пухта, жуда пухта ўрганиши зарурлиги ҳақи-да гапирди. Ана шундан сўнггина тергов бошланса, тергов-чи хукмрон бўларкан. Тергов бераётган киши қочгани жой тополмай довдираб қоларкан. Кейин меннинг штатсиз ёрдам-чим ўзининг бошидан кечирган воқеалардан ҳам бир-икки-тасини сўзлаб берди.

— Шундай қилинг, ука, ҳозирча терговни тўхтатинг,— деди охирида ва яна бир пиёла чой келтириб беришимни сўради.

— Тўғри айтдингиз,— дедим чойни келтириб бергач,— ишни ҳали пухтароқ ўрганганимча йўқ эди.

— Камчилигингизни дарров бўйингизга олар экансиз,— бу яхши одат.— Мамарозик ака чойни шонмасдан ичиб сўзида лавом этди.— Дунёда икки тонфа одамлар бор, шу-лардан жуда кўрқаман. Бир тонфаси ҳамма нарсаин мен биламан, бошқалар кин-қизил аҳмоқ деб, бировдан ўрга-нишни истамайди. Иккинчиси, ўзи ҳеч нарса билмайди-ю, эртаю кеч бировларга ақл ўргатиб юради... Хошимжон, сиз ўғлимдек бўлиб қолдингиз. Баъзан шунақани гаплардан гапирсам хафа бўлманг.

— Аксинча, ҳозир сиздан жуда хурсанд бўлдим,— дедим ўрнимдан туриб.— Агар хўп десангиз, уйингизгача ку-затиб борсам.

— Мен тушовланган туяга ўхшаб ҳаққалаб жуда секин юраман, Хошимжон.

— Бари бир борадиган жойим йўқ,— секин Мамарозик акамнинг қўлтигидан олдим. Пўл-йўлакай жинойтнинг табиа-ти ва жинойтчилигининг рухияти ҳақида гаплашиб кетдик. Ма-марозик ака буидан бир неча йил олдин Россиянинг қайси бир шаҳрида практикада бўлибди. Уша ерда бизнинг ша-ҳарга қараганда ўн баробар аҳоли кўп яшар экан. Лекин жинойт ва тартиб бузилиши бир неча баробар кам бўлар экан. Чунки, ўша шаҳарда ҳар қандай жинойтчи жазола-ниши керак, ҳар қандай тартиббузар қилмишига яраша мукофотини ҳам олиши керак, деган бир кайфият ҳукмрон экан. Бу кайфият шаҳар аҳлининг рухига сингиб кетган экан. Уша шаҳарда жинойтчи қонундан кўра кўпроқ халқнинг нафратидан кўрқар экан.

— Бизнинг шаҳарда эса,— деб сўзида давом этди Мамарозик ака,— жинойтчилару тартиббузарлар бир амаллаб қутулиб ўрганишган. Ўтган йили бир мактаб ўқи-тувчиси директорининг жинойтини очган эди. Одамлар жи-нойтчини эмас, балки жинойтни очган йиғитни ўртага олиб, «Хой, аҳмоқ, еса сенкини ебдим, давлатникини ебди-ку! Мана энди камалиб кетса, бечоранинг болаларини ким бокади?» дейишиб, чойхонадан чиқариб юборишибди, тўю маъракага аралаштирмай қўйишибди... Биз ҳам жинойтчию тартиббузарларга халқ нафратини уйғотишимиз керак...

— Салимжон акамнинг ҳам орзулари шу...

— Лекин, Ҳошимжон, менга ишонинг, бизда ҳам ишнинг бориши чакки эмас. Агар шундай олиб борсак, бир йил ўтар-ўтмас... ҳа, майли, пайгамбарлик қилмай кўя қолай...

ИШҚ ПОКИЗА ДИЛГА МЕҲМОН БЎЛИБДИ

Тавба дейман ўзимга-ўзим, нега энди бунчалик оҳ-воҳ қиламану, ўз имкониятимдан фойдаланмайман. Ахир, мана бу газетада ҳар бир киши ўз имкониятидан тўла-тўқис фой-даланганидагина мақсадига эриша олади, деб ёзиб қўйи-шибди-ку... Менда Фаридани кўриб келиш учун имконият йўқми, калпоқчам! Бошимга кийиб, кўздан гойиб бўлиб, маза қилиб кўриб келсам бўлмайдимки! Ёнглаётган бўлса, енгим билан кўзёшларини артиб кўяман, ашула айтиб, ко-шига ўсма кўяётган бўлса, ёнига ўтириб олиб, тўйиб-тўйиб томоша қиламан, ўсма сикилган пиёласини беркитиб қўйиб, роса жаҳлини чиқазаман!

Жўнадим, шошилиб Фаридаларникига жўнадим. Одил баттолни бир кун пойламасам пойламабман. Умуман, бу сарик дсв жонимга тегиб кетди. Магазинчи Насъмат

аканинг ўғилларини елкамга миндириб, тўрт оёқлаб хона-хона югуравериш ҳам жонимга тегди: бири тушиб, бири минадди. Кошки бундай бир елкамдан туша туриб раҳмат деса. Қаёқда! Мени мингдирмаднингиз, деб йнглаб ҳам кўйишадди.

— Кеч бўлганда қаёқка жўнаб қоляпсиз? — ташвишлашиб сўради Лутфи холам.

— Магазиндан эгар олиб келмоқчиман.

— Эгарни нима қиласиз?

— Ўғилларингиз мени минганда эгарлаб минишадди,— деб кулиб кўйдим,— бўлмаса, орқамни ягир қилиб юборишяпти.

Фаридаларининг эшигига етганда қалпоқчамни бошимга кийиб, кўздан гойиб бўлдим, «бисмиллоҳу раҳмону раҳим, илоё шу хонадонга суюкли куёв бўлай, кўшилганим билан кўша қарий» деб секин ичкари кириб бордим. Қайнотамнинг ҳовлиси унча катта эмас кўринадди, Салимжон акам гул жинниси бўлса, қайнотам куш жинниси экан. Дарахтларга булбул, саъва, бедана, каклик, ...эй борингки, ола қарга билан пўпишакдан бошка жамки кушлардан биттадан илб кўйибди. Кушлар ҳам куёв бола келганини сезиб қолишди шекилли, бир-бирларига гал бермай сайрашга тушиб кетишди. Ҳовлининг этак томонида пастаккина айвон бор экан, қайнотам ўша ерда ўтирибди. Аввал шу киши билан танишай, нима бўлганда ҳам хонадоннинг каттаси-ку, деб ўша ёққа юрдим. Тагида эски шолча, кўзида кўш қаватли кўзойнак, чан томонида бир даста идора ҳужжатлари, ўнг томонида хонтахтадек келадиган катта чўт — нималариндир ҳисоблаб ўтирибди. Ишга шундай берилиб кетибдики, ёнидаги жўмраги сиingan чойшакдан лаби учган пиллага чой куйиб ичганимин, бир тарелка попукли кандни паккос тушириб кўйганимин ҳам сезмади. Бир маҳал кўздан кўзойнагини олиб:

— Ойиси! — деб кичкириб юборди.

— Лаббай, дадаси?

— Бери келинг!

Қайнонам шошилиб келиб:

— Чехраиңиз очилиб келтими? — деди.

— Суюнчи бериңг, суюнчи! — секин ўрнидан тура бошладди қайнотам.

— Жоним сизга суюнчи-да, дадаси!

— Комбинатнинг беш йиллик ҳужжатларини текшириб чиқдим.— Шундай деб қайнотам яна ўринга ўтирди.— Бор-йўғи уч сўм камомат чиқди, холос.

— Вой худойим-ей! — севиниб кетди қайнонам ҳам.

— Мана энди, мен ўша бизни безовта қилган милиция билан гаплашиб кўяман.

— Тўғри қиласиз, дадаси. Нақ юрагимизни ёрди-я!

— Мана энди мен ўша устимиздан чақув ёзган Хасан нонвойнинг буринини ерга ишқайман.

— Бир таъзириши беринг, дадаси!

Қайнонамга эргашиб, нариги уйларига ўтдим. Тўрт хонали уй, тўртовни ҳам бўм-бўш, эгаси кўчиб кетгандек хувиллаб ётибди. Шу пайтда Фаридага кўзим тушиб қолса бўладими! Бечора озинб, чўндай бўлиб қопти, юзлари сўлғини, кўзлари ғамгини, чехрасида ифодалаб бўлмайдиган дард, алам... Эски тўшак солинган каравотда тиззасини кучоклаб, алланарсалар хақида ўйланиб ўтирибди... Бечора Фарида... Наҳотки...

Қиз шартта ўрнидан туриб:

— Ойи! — деб қичқирди.

Қайнонам, паловга уннаётган бўлса керак, қўлида кап-гир, қизининг бошига югуриб келди.

— Кўрқдингми, она қизим?

— Йўқ.

— Иситманг тушдимми?

— Мен касал эмасман.

— Ундай дема, она қизим. Ёт. Мазанг йўқ.

— Сизга бир гап айтмоқчиман.

— Айтавер, қизим.

— Мени кечирсангиз айтаман.

— Вой, нега кечирмас эканман, фақат тузалиб қолсанг бўлгани, қизим.

— Дадамдан кўркаман.

— Кўрма.

— Ойи, ойижон! — Фарида ойисининг кўксига бошини қўйиб хўнграб йиглаб юборди. Ойиси ҳам менинг ойимга ўхшаб сал қўнғилчанроқ эканми, қизига қўшилиб йиғлашга тушди. Охири Фариданинг қичқинағига юзини қафтлари орасига олиб, пешанасидан ўпаркан:

— Севиб қолдингми? — деб сўради.

— Ойижон...

— Вой ширин қизим-ей, суюниш ўрнига йиглаб ўтирибсанми!

Оналик меҳри тобланиб кетди шекилли, қайнонамнинг ўзи ҳам юм-юм йиглаб, эптикиб турган қизининг сочларидан, ёш куйилаётган кўзларидан ўпа бошлади.

— Она қизим, севин, хурсанд бўл! Ишқ фақатгина покиза дилга меҳмон бўлади...

— Дадамдан уяламан.

— Уялма, даданг ҳам севган, мен ҳам севганман. Севги билан чиройли бу дунё, кизим. Ким экан у бахтли йигит?

— Айтолмайман, ойижон!

— Менга айтмасанг кимга айтасан?

Фарида онасининг бағридан суғурилиб чиқди-ю, ёстик остидан менинг расминини олиб, секин узатди. Қайнонам расмини кўлига олар экан, гўё беҳосдан чўғни чангаллагандек:

— Вой худойим, бу анови кунги милса-ку! — деб расмини отиб юборди.

Бир чеккада кўзларини мўлтилатиб турган Фарида бошини эгиб, кўзларидан ёш тўкиб, кўрка-писа, жиннихонадаги танишган кунимиздан бошlab «Марс» кинотеатри биноси оркасидаги суҳбатгача — ҳамма-хаммасини сўзлаб берди. Мен, қайнонам қандай жавоб қайтараркан деб, ишонсангиз, кўркқанимдан юрагимни чангаллаб турибман.

— Лекин, ўзи келишган йигит экан, — деб қолди бир маҳал қайнамам, — кара, кўзлари ҳам қулиб турибди.

— Ўзлари жуда кизикчилар, — деди Фарида ҳам сал чехраси очилиб. Шу пайт қайнамам суратининг оркасидаги ёзувга тикилиб қолди. Қани, ўша жиннихонадан чиқиб кетаётганимда шошилинчда нима ёзган эканман, деб бундай қараган эдим, бемаъни бир ёзувга кўзим тушди: «Оғритмасдан уқол қилувчи Фаридахонга. Чучварахўр Хошимжондан эсдалик», деб ёзган эканман.

Қайнамам айвонга чиқиб, «хой дадаси, тез келинг, тезроқ келинг, гапининг каттаси бу ёқда экан», деди ховлиқиб. Қайнатам куш солинган тўрқовоқни кўтариб, шошмасдан келаётган эди, қайнонам:

— Қани, суюнчини чиқаринг! — деб кистади яна.

— Тинчликми? — тўрқовоқдаги қушга чувалчанг бераётиб сўради қайнатам.

— Йўқ, аввал суюнчини беринг! — шундай деб, қайнамам суюнчинини ҳам қутмай, Фаридадан эшитганларини окизмай-томизмай айтиб бериб, охирида эрининг кўлига менинг суратимни тутди. Қайнатам кўшқаватли кўзойнагини тақиб, суратимга узок тикилди. Оркасидаги ёзувини ҳам бир-икки бор ўкиб чиқди.

— Чучварахўр дегани нимаси экан? — деди ниҳоят елкасини киеиб.

— Хазилқаш экан, дадаси, — тушунтирди қайнамам.

— Демак, Рўзнев деганлари шу йигит экан-да, — ҳамон суратимдан кўзини олмай сўради қайнатам, — бу йигитнинг овозаси ҳозир бутун республикага ёнлаган. Ўзлари ОБХСС-

нинг бошлиғи бўлиб ишлайдилар... Лекин, онаси, қизингнинг ҳам деди чакки эмасга ўхшаб қолди.

Шу гандан сўнг қайнанам билан қайнатам кулим-сирашганча, бир нафас бир-бирларига тикилишиб туришди-да, кейин шарақлаб кулиб юборишди. Тиззаларига шаппалаб, қотиб-қотиб кулишар эди. Назаримда, ичкарида Фарида ҳам овоз чиқармасдан кулаётганга ўхшайди. Нега десангиз, ичкаридан каравотнинг бир меъёрда гижирлагани эшитилиб турибди.

— Вой, вой ўлдим, дадаси! — деди қайнанам кўксини чангаллаб.

— Афанди бўлибсиз, афанди! — деди қайнатам кулишга ҳоли келмай.

Уйда хурсандчилик бошланди. Ховлидаги қушлар ҳам севинчларини беркитолмай, наво бошлашди.

Чехраларига кулги, табассум кўнди.

Ўртага қўйилган палов ҳам хурсандчилигу, ҳазил-мутойнаба, сизу биз билан ейила бошланди. Тайёр ошни ташлаб кетиш куёвнинг шаънига тўғри келмас, деган ўйга бориб, секингина Фаридахоннинг ёнига чўккаладим. Очкаб қолган эканман чақалоқнинг калласидек-калласидек қилиб отаётган эдим, биз томоннинг ўпирилиб кетганини кўрган қайнапам:

— Дадаси, қизингизнинг иштаҳаси ҳам очилиб қолди! — деди севиниб. Шу гандан сўнг қайнанамнинг ёнига ўтиб чўккаладим. Бир маҳал қайнатам:

— Лекин, онаси, сеники ҳам чакки эмасга ўхшайди, — деб хазиллашди.

Ердამимдан қайнатамни ҳам бсбаҳра қолдиргим келмай, охирида у кишининг ёнига ўтдим. Товоқдаги ошнинг барақаси учиб бораётганини кўрган қайнатам:

— Ростини айтсам, ҳаммамиз ҳам очкаб қолган эканмиз, — деб кўйди.

Ошдан сўнг тишларини қовлаб ўтириб, чойхўрлик қилишди. Гап орасида қайнапам, бошини ердан кўтаролмай ўтирган Фаридага: «Қизим, худога шукр, даданг бир хил қолоқ эркактардан эмас. Иложи бўлса, Хошимжонни эртага ёки илдинга кечкурун уйга олиб кел, танишайлик, таги-тугини суриштирайлик» деган эди, Фарида боинини баттар-рок эгиб, биллар-билнимас жилмайиб кўйди. Фотиҳадан сўнг қайнапам билан қайнатам қўни-қўшинлариникига беркитиб кўйган кўч-кўронларини олиб чиқиш учун кўзгалашди...

Уйга келсам, Салимжон акам ҳали қайтмабди. Неъмат

аканинг ўғил-қизлари ухламай, Хошим акам эгар олиб келса, аввал мен мишман, сен мендан кейин мишман, деб бир-бирлари билан навбат талашиб ўтиришган экан. Уйга киришим билан Баҳром:

— Эгар қани? — деб сўради.

— Магазин беркилиб қолибди,— деб баҳона қилдим.

— Эгарсиз бўлса ҳам миндирасиз,— деб оркамга тир-машди уч ёшли Даврон.

Қайфим чоғ бўлгани учун болаларни ҳам бир хурсанд қилгим келиб қолди. Ечиниш чикиб, Неъмат аканинг эски тўнани елкамга эгарга ўхшатиб ташладим-да:

— Қани, чавайдозлар, марҳамат,— деб команда бердим.

Болалар кийкиришиб, бир-бирларини итаришиб, елкамга ёпишишди. Шунақанги кўп ўйнатдимки, охири чарчаб, хошанинг ўртасида елкамда эгарим билан ухлаб қолибман.

Тушимда Фаридани кўрдим... у ҳам менн от қилиб мишиб юрган эмиш...

САРҚИТЛАР ХИЁБОНИ ЁКИ МЕНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ СУВГА ПИШГАНЛАРИ

Муқимий кўчасидан ўтиб бораётган эдим. Формасиз, шунчаки томоша қилиш учун чиққан эдим. Бир маҳал оркамдан аввал яхши киздирилмаган чилдирманнинг дўпиллаган овози, кетидан қувончли кийкириклар эшитилиб қолди. Бундай ўғирилиб қарасам, ана томоша-ю, мана томоша! «ДТ» маркали прицепли тракторнинг кузовига олти кишини чиқариб қўйишибди. Бўйинларига, хў бирда ишчилар таклиф қилганидек, арокдан бўшаган ишшлар осилган, ҳар бирининг кўксига шапалокдек келадиган тахтача. Тахтачаларга район милицияси қошида тузилган аракхўрликка қарши курашувчи группанинг ҳукми қароридан кўчирмалар ёзиб, охирига: «Ашаддий ичувчи Расул Ўсаров. Машина ремонт устахонасининг ишчиси», деб адресни ҳам кўрсатиб қўйишибди. Расул Ўсаров шерикларига ўхшаб икки кўли билан бетини беркитиб олган. Прицепнинг ёнида биллагига лента таққан мен тенги йигитлар соқчилик қилиб бориш-япти. Тепада биттаси, уста кўрмаган шогирдлардан бўлса керак, ҳар замонда чилдирмасини дўпиллатиб уриб қўйяпти. Тракторнинг орқасидан беш юз десам-ку, мулла Хошим яна лоф қиляпти деб ишонмасиз, аммо уч юз чоғли болачака, эркагу хотин эрганиб, арокхўрларни яхшироқ кўриб олиш учун бир-бирларини туртишиб, елкаси оша мўралашиб келишяпти.

— Вой, бу Дилбарнинг дадаси-ку!

— Қизининг туфлисини сотиб арок олиб ичган одамми?
— Ҳа, ҳа, ўша.
— Ажаб бўпти!
— Ҳой, Мавлон, югур, буфетдаги бутилкани беркит.
— Бутилка бўш-ку, ойи.
— Бўш бўлса ҳам беркит, даданг кўлга тушиб кол-
масин.

— Вой кўшни, анови боши йилтирагани танидингизми?
— Танимай-чи, куёв чарларда ичиб олиб, куёви билан
кураш тушаман деб шарманда бўлган Қосим-ку!

— Ҳукуматга балл-ей!
— Гитлери енгган ҳукумат ароқхўрни енголмайди дей-
сизми!

— Ўйлаб топганга раҳмат.

— Дружиначилар савобнинг тагида колди деяверинг...—
деган пасту баланд гаплар ҳам бўлиб турибди. Ора-чора
Муқимий номидаги истироҳат боғида ташкил этилган «Сар-
кичлар хиёбони»ни ҳам тилга олишяпти. Кийимидан хан-
далакнинг хиди келиб турган бир чол:

— Дехқонбой, сиз паркда очилган кўрғазмани кўрдин-
гизми? — деб сўради.

Кийимидан райхоннинг хиди келиб турган бошқа бир
чол:

— Ўн беш кундан буён белимга кепак бойлаб ётибман,
Маҳкамбой,— деб кўйди.

— Келиним шунақанги мактайдики,— деди биринчиси
яна.

— Менинг набирам коғозларни ёзиб берибди,— деб
кўйди иккинчиси ҳам.

Икки чол ўша кўрғазмани кўриб келишга, мабодо йўл-
да Дехқонбобонинг бел оғриги тутиб қолса, Маҳкамбобо
уни суяб келишга аҳду паймон қилишиб, инкиллашиб,
хассаларини дўкиллаштишиб йўлга тушишди. Кўрғазма
очилганига бир ойдан ошиб қолган бўлса ҳам гоҳ иш билан,
гоҳ ташвиш билан бўлиб, бориб кўролмаган эдим.

Чолларнинг ортидан мен ҳам йўлга тушдим. Истироҳат
боғининг орқа томонидан ярим гектарча ер ажратиб, текис-
лаб, устини рангдор йилтирок шифер билан ёпиб, ичини
одам бўйи келадиган яхлит ойналар билан катта-кичик хо-
наларга бўлишибди. Ўзи одамларга ҳам хайронсан, циркда
от ўйинлари, масхарабозликлар, театрларда ошиқ-маъшук-
лар ҳаётидан яхши томошалар, ёзги кинотеатрларда шпион-
лар тўғрисидаги фильмлар кўйиляпти-ю, ўша ёкка бормас-
дан ҳаммалари шу ёкка оқиб келишаверибди — навбатда

турганларнинг кети чўзилиб, нақ истироҳат боғининг дарво-
засигача етиб борибди.

Кўрғазма залининг киравершига катталиги елпигичдек-
елпигичдек келадиган думалоқ ҳарфлар билан «Менинг ми-
лициям — менинг кўрикчим» деб ёзиб кўйишибди. Икки
соатча навбатда тургач, ниҳоят чолларнинг орқасидан
эргашиб, мен ҳам кўрғазма залига кириб бордим. Лекин,
азаматлар бошлашибди! Бекорга одамлар бу ёкка оқиб
келмаётган экан. Нима бало, исполком раиси ўрток Умаров-
нинг бошка иши йўқмикан дейман. Катта-кичик усталару,
хонаки рассомларнинг ҳаммасини шу ёкка ташлаганга ўх-
шайди. Зални шунақанги чиройли безашганки, кани энди
Суръат акага ўхшаган тезкор шоир бўлсаму, беш-ўн катор
шеър тўкиб юборсам. Залга киравершида, коридорнинг икки
четига катор суратлар осилиб, суратлар остига тушунтириш
хатлари ёзилган. Ўнг томонга «Милициямиз отахонлари»
бўлимига шу районда ишлаб, катта-кичикнинг ҳурматига
сазовар бўлган милиционерларнинг суратлари кўйилган,
кўрсатган қаҳрамонликлари қайд қилинган.

Дехқонбобо бир сурат олдида тўхтаб, кўзларини қисиб
узок тикилиб қолди:

— Маҳкамбой, мава бу ўзимизнинг Қазлон эмасми?

— Уша,— деб кўйди Маҳкамбобо негадир гурур билан.

— Қовунни яхши кўрарди-а?

— Қишин-ёзни егани қовун эди! — Ҳалиям жўнатиб ту-
рибсанми?

— Ўтган йили посилка қилувдим. Ёўлда приб оқиб ке-
тибди-ю, уруги борибди. Иван: «Маҳкам, юборган уругинг
учун раҳмат. Лекин биласану, тўртинчи каватда қовун
кўкартириб бўлмайди» деб ҳазил қилибди.

— Омон бўлгур, бағри кенг ўрис эди!

— Кўнчинин ёмон кўрар эди...

Икки чолни сурат олдида қолдириб, «Халқ милиция-
си» бўлимига ўтдим. Ўтдим-у, хапгу манг бўлиб қолдим. Ил-
ғор дружиначилар дейсизми, бўлиму бўлимчаларнинг иш
кўрсатган бошлиқлари дейсизми, кўнгилли ўт ўчирувчилару,
...ҳа майли, гапни қисқа қилиб қўя қолай... ўнлаб таниш,
нотаниш суратлар орасида ўзимнинг ўринбосарим, жонги-
намнинг ҳузурли Мамарозиқ акамнинг ҳам хўмрайиб тушган
суратини кўриб севиниб кетдим. Шу кўрғазмани ташқил
этган кишига ичимда офаринлар айтдим.

Шундан кейин, кизик-кизик гаплардан маҳрум бўлиб
қолмайин, деб яна чолларнинг ортидан эргандим. «Текин-
дан келса бойлик, охиридир вой-войлик» деб номланган
залга, Одил Аббосов бошлиқ жишоятчилардан тортиб олин-

ган ашкол-дашколлар кўйилбди: бир хонага Одил Аббосовнинг сурати билан бойликлари, бошқа хонага хўппа семиз амакнинг сурати билан қимматбаҳо нарсалари... э борингки, шу ерда ҳам очкўзлик қилиб ўн тўрт хонани ўзлари эгаллаб олишибди.

— Бай-бай-бай! — деди Дехконбобо ёқасини ушлаб, — шу хонадаги молу дунёнинг ҳаммаси Одилникимиди-а?

— Ёзиб кўйибди-ку.

— Бай-бай-бай! Бу олтинларни қара, Николай пошшо хазинасини қолдириб кетган экан-да!

— Сен билан менинг пешана терим бу.

— Бай-бай-бай! Шунча олтин билан қамашдимми-а?

— Хозир яна қочиб кетган.

— Бай-бай-бай! Йўқ, уни ушлаш керак. Бел оғригим бўлмаганда ўзим ушлаб берардим. Тўхта-тўхта, Махкамбой, мана бу ўзимизнинг Абдурахмон хўппа семиз-ку?

— Ўша, омборчи эди.

— Бай-бай-бай! Худо худолигини кўрсатибди. Ўтган йили қишда келишимга битта пальто сўраб борсам, кўзини лўк қилиб устига ўттиз сўм сўради-я? Ҳукуматга балли, етим-есирни, бева-бечорани олқишини олади энди!

Қарасам, чоллар ҳали «бай-байлашиб» бу залда кўпроқ қолиб кетишадиганга ўхшайди. Кеч кириб қолмасдан, бошқа бўлимларни ҳам кўрай, деб чиқиб кетаётган эдим, эшик олдидаги столчага қўйилган «Мулоҳазалар дафтари»га кўзим тушиб қолди. Ўтириб, секин варақлай бошладим. Ўн олтининг киши ўн олти минг мулоҳаза ёзиб кетибди. Ярни, жиноятчиларни қўлга туширган ўртоқ Рўзиевнинг отасига балли деса, ярни, ўнг-терсига қарамай халқни талаган бу очопатларни замбаракнинг оғзига кўйиб отиш керак, деб ёзибди. Ўзим ҳақимдаги мактовларни ўқиб, кўнглим тоғдек кўтарилиб кетди. Тап-тул қадам ташлаб, эшигининг тепасига «Безоричалар» деб ёзиб қўйилган залга ўтдим... Ҳаддан ташқари хурсанд бўлганим учун, мактаб ёшидаги болаларнинг безориликка бағишланган ажойиб нарсаларни кўрган бўлсам ҳам, кўпини эслаб қололмадим. Фақат бир бола рогаткадан тош отиб, ўн етти кўз ойна синдирганлиги-ю, яна битта бола кўшнисининг пишай-пишай деб турган бодрингини бекитикча узиб, бозорда сотаётганда қўлга тушганлиги ҳақидаги материалларгина эсимда қолди. Аммо, безорилик қилган болаларнинг сурати ёнига дадаси билан ойисининг ҳам суратини осиб, иш жойларигача кўрсатиб қўйишганига, негадир тушуна олмадим. Тавба, деб елкамни қисганимча, «Саркитлар хиёбони»га ошиқдим.

Йўқ, ичимдан тўкиб чиқараётганим йўқ, чиндан ҳам

кўрғазманинг бу залини «Саркитлар хиёбони» деб номлашибди. Чала муллаларни тўплаб, хатми-куръон ўқитган мактаб директорининг сурати, касал хотинига шифо тилаб Қурбон ота мазорига қўй сўйган аптекачининг сурати, ромчи хотинининг гапига кириб, кўшнисини калтаклаган қассобнинг сурати... Хуллас, саркитларга илашган ҳамшаҳарларимизнинг барчаси мана шу ерга таъриф буюришибди.

Соат олтигача кўрғазмадаги бўлимларни айланавериб нақ оёғимда оёк қолмади, тикилавериб кўзларим ҳам чарчаб кетди. Шунинг учун бўлса керак, «Халқ ҳукми» деб номланиб, ўртоқлик судлари ишини намойиш қилишга бағишланган залда нимани кўрганганимни ҳалигача эслай олмаيمان. «Ҳой, ўртоқ, жиноятчини ушла!» дея ваҳимали ном берилган бошқа бўлимда бошим айланиб, кўзим тиниб кетди. Одамлар орасини ёриб, ташқарига чиқаётиб, бир кампирни: «Ҳолажон, набирангизни ўйнатиб, уйингизда жимгина ётсангиз бўлмайдим!» деб жеркиб ҳам бердим. Чарчадимму, аммо калбим тўла қувонч, ифтихор билан чикдим. Бечора Салимжон акамнинг югуриб-слишлари, уйқусиз ўтган туллари бекорга кетмаганлигини кўриб, ич-ичимдан севиндим.

Чапқаб қолган эканман, кўрғазмадан уч юз метрча наридаги анҳор устига омонатгина қурилган, мажнунтоллар соя ташлаб турган пивоҳонага кириб борганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Мен тенги, мендан каттароқ беш-ўн йиғит пивоҳўрлик қилишиб, газлагига қоғоз карнайчадан битта-битта шўрданак олиб ейишиб, чақчақлашиб ўтиришибди. Икки кружка пиво олиб, ёнларига ўтирдим. Секин қулоқ солсам, гап район милициясининг ажойиб ташаббуси, кичик лейтенант Рўзиевнинг жиноятни очинидаги фавқулодда таланти, полковник Отажоновнинг меҳрибонлиги ҳақида боряпти... Тўхтаб тур, сенларни бир лақиллатай дедим-да, бўйинимни чўзиб:

— Менга қаранглар,— дея йиғитларга мурожаат қилдим,— Ўша Рўзиев сизлар мактаганчалик талаптли эмас.

— Бекор айтибсиз,— деди новча бир йиғит менга ўқрайиб.

— Худо урган мактанчок, лақма,— дедим яна.

— Нима, нима?! — бир йўла беш йиғит ўрнидан турди.

— Бунинг устига менга ўхшаб ўлардек пивоҳўр ҳам... — деганимни биламан, ҳалиги новча йиғит бир сакраб тепамга келиб «гапингни қайтиб ол», деди қалтираб.

— Қайтмайман. Анови полковникларнинг ҳам хаёлпараст бир чол... Кунбўйи қоғозбозлик қилади... — гапинининг у ёғи бўғзимда қолди. Бошқа йиғитлар ҳам тепамга келишиб:

— Нега ўртоқ Рўзиев билан Отажоновни ҳақорат қил-
япсан, ҳозир кечирим сўра,— деб кекирдагимдан бўғиб
олишди. Улар шаънига бўлмағур гаплар айтганим учун
менинг таъзимимни бериб қўйишмоқчи бўлишди. Новча
йигит газабдан қалтираб: «Сувга пишиш керак бу тирран-
чани» деган эди, бу таклиф бошқаларга ҳам маъқул туш-
ди шекилли, бештаси қўлимдан, бештаси оёғимдан кўтариб,
анҳор томонга сургаб кетишди. Қарасам, чинга ўхшайди.
Жон талвасасида:

— Кечирасизлар, Рўзиев менинг ўзим бўламан,— деган
эдим, қайтага балога қолдим: «Ҳали бу пивоҳўр ўртоқ Рў-
зиевнинг номини ҳам сотиб юрар экан, товламачи экан» деб
анҳорга отиб юборишди. «Шалоп» этиб сувга тушдим. Кейин
кирғоққа тирмашиб, бир амаллаб чиқиб келаётган эдим,
новча йигит:

— Хўш, йигитча, ОБХСС бошлиғи ҳақидаги фикрингни
ўзгартирасанми? — деб сўради.

— Ўзгартирмайман,— дедим тишларимни тақиллатиб.
Яна сувга итариб юборишди. Яна чиқиб келаётган эдим:

— Энди-чи? — деб сўради бошқа бир йигит.

— Ўз фикримда қоламан,— дедим-у, анҳорнинг нариги
бетига сузиб ўтиб кетдим...

КАФАН КИЯГА ЊЛАР

Салимжон акам кенгашдан қайтган куни уйимизда чина-
кам байрам бўлди. Неъмат акамнинг ўғил-қизлари совға-
саломларни талашиб, унча-мунча араз ҳам қилиб олишди.
Нихоят, хурсандчилигу аразлашлар тугаб, гулзор ўртасида-
ги темир каравотда устозим иккимиз ёлғиз қолдик.

— Хўш, Хошимжон, ишлар қалай? — райҳон билан юзи-
ни елиб сўради устозим.

— Емон эмас... Ўзингиз яхши бориб келдингизми?

— Ишчиларимизнинг овозаси ҳозир бутун республикага
ёйилибди.

— Рост айтяписизми?

— Каромат Хошимова бир соат доклад қилди, зал йи-
гирма минут қарсақ чалди.

— Зўр бўпти-ку!

— Министримиз мени табриклаб, бўш келманг, нимаики
ёрдам керак бўлса, ҳаммасини берамиз, деди.

— Ростдан ҳам шундай дедими?

— Шундай деди, ўғлим. Ишни чала ташлаб кетманг,
районингизни бутун республикамизга намуна қилиб кўрса-
тиб, тажриба районига айлантирамиз, деди, ўғлим!

— Салимжон ака!

— Лаббай, ўғлим?

— Мен ҳам сизга бир хушxabар топиб кўйдим.

— Йўк, ўғлим, мен учун бундан катта хушxabар бўлмайди. Районда тартиб ўрнатишни халқнинг ўзига топшириш... бу катта гап, Хошимжон...

— Мен Одил Аббосовни кўлга туширдим...

— А?! — устозим бир сапчиб тушди, каравот лапанглаб кетди.— Нима дединг??

Қалпоқчам ёрдам берганини яширдиму, қолган гапнинг ҳаммасини сўзлаб бердим.

— Шоқир маслаҳатчи уюштирибди-да? — қошларини паст-баланд қилиб, худди қаршисида мен эмас, Одил баттол ўтиргандек, ғазабидан энтикиб деди устозим.

— Ҳа.

— Шарифани пичоқлаган ҳам баттол экан-да?

— Ҳа.

— Демак, энди мени чавақламокчи экан-да?

— Ҳа.

— Номард!

— Энди паспорт олиш учун тайёргарлик кўришяпти.

— Майли, олсини. Биз ўша паспорт сотган қаллобни ҳам кўлга туширамиз... Хошим, тур ўғлим, пешонапгдан яна бир ўпай...

Салимжон акам худди тревога эълон қилингандек, ҳовлиқиб ўрнидан туриб кетди. Оёғига шиппагини ҳам илмай ичкарига, телефонга югурди. Аввал, мен соқолини олиб кўйган генералга, сўнгра область марказига, полковник Али Усмоновнинг квартирасига телефон қилди. Ярим соатлардан сўнг каравотга қайтиб чиқиб:

— Сенинг планингни маъқуллашяпти,— деди-ю, совиб қолган чойни бир кўтаришда ичиб олди.— Баттолдан бир тузук сифатида фойдаланамиз дейишяпти. Бу гапни ҳеч кимга айтмаганимдими?

— Йўк, айтмагандим.

— Каттиқ сир сақлаени, дейишяпти... Оббо ўғлим-ей, қариганимда юзимни яна ёрут қиладиган бўлдинг-да... ёнингга одам кўшиб берайми?

— Мендан кўнглингниз хотиржам бўлени.

Тўппончамни чўнтагимга солиб, Шайх Одил сағанасига, Одил баттолнинг янги квартирасига жўнадим. Пўл-пўлакай бошимга қалпоқчамни кийиб кўздан гойиб ҳам бўлиб олдим.

Хуфтон намозидан сўнг Гўрков Сўфи масжид ҳовлисида узок ўралашиб юрди. Керосинкага кастрюл кўйиб, овқат

пишираётган экан, ўтини ўчириб, ташқаридан ароқ топиб келди. Ниҳоят, эл уйкуга кетганда секин Шайх Одил сағанасига қараб юрди. Олдинги гал шошганимданми ёки каттиқ кўриб кетганимданми, яхшироқ разм солмаган эканман, Шайх Одил сағанаси одамнинг кучоғи етмайдиган азим тераклар остида бўлиб, тераклар кундузи салқин бераркан, кечаси сағанани кўздан беркитиб, хилватгоҳга айлантираркан.

Сағананага яқинлашгач, Гўрков чўкка тушиб, атрофга қулоқ солди, дов-дарахтлар ола-чалпак соя ташлаб турган қабристонни синчиклаб кузатиб чиқди. Сўнгра эшикни очиб:

— Халоскорим, уйгоқмисиз? — деб сўради. Ичкари кириб, чўнтагидан гугурт чиқариб, шам ёқди. Хона ўртасидаги тобутдан оппоқ кафанга ўралган мурда секин бошини кўтариб:

— Соатнинг печа бўлди? — деб сўради.

— Иккилар бўлиб келди-ёв, — жавоб қайтарди Гўрков. Мурда устидаги кафанни очиб, Одил баттол кнефасига кирди. Сўфи сув қуйиб турди, юз-қўлини ювиб олди. Баттол хаддан ташқари олиб, электр будкаларининг эшигига чишиб кўйилладиган суратлар бор-ку, бамисоли ўшанга ўхшаб қолди. Соч-соқоли ўсиб кетган, хоҳ кўрнинг, хоҳ кўрманг, худди ёнига ошқовоқнинг палласини олиб, бозорларда «дийдиё» ўқийдиган дарвешнинг ўзи дейсиз. Кўзлари ич-ичига ботиб кетган, бурни билан оғзи яна ҳам катталашиб, чиннакам девнинг ўзгинаси бўлиб қолди.

— Ичкилик олиб келдингми? — қўллари қалтираб сўради дев.

— Олиб келдим, халоскорим.

Аввал пиширилган гўшт, кетидан хидланиб қолган норин ейишди. Термосдан чой қуйиб ичиб, шаҳардаги воқеалардан, одамларнинг кайфиятидан гаплашишди. Гўрков бугун ниҳоят полковникнинг уйига бориб, ертўласи борлиги, кунбўйи ховлида ҳеч ким бўлмадлиги, уй эгаси кўпича кечаси қайтишини билиб келганлигини маълум қилди. Баттол ёнидан узунлиги ярим метр келадиган ханжарни чиқариб, жаҳл билан ерга санчди.

— Эй, худо, қалбимдаги қасос ўтини сўндирмагин!

Яна хўриллаб чой ичишиб, бугун кўмилган ўлик ҳақида узок гаплашишди.

— Аёл кишимиди? — сўради баттол.

— Аёл эди, халоскорим.

— Тириклигида кўрганмидинг?

— Кўрмаган эдим, халоскорим.

— Бўлмаса оғзида тилла тиши борлигини қаёқдан биласан? Тагин кечагидек овора бўлмайлик?

— Йўқ, худо хоҳласа бугун овора бўлмаймиз. Ҳликнинг орқасидан эликтача енгил машина келди... Обрули хонадондан чиққан ўликнинг оғзида албатта тилласи бўлади.

Сўфи ташқарига кафан кийиб чиққанимиз маъкул, мабодо битта-яримтасининг кўзи тушса, мозорда арвоҳ кўрдим деб қочиб қолади, дея маслаҳат берди. Маслаҳат баттолга ҳам маъкул тушди шекилли, дарров кўна қолди. Икковлари ҳам кафан кийиб олишди. Бир кетмон, бошқаси бел олиб, янги кўмилган мурданинг қабрига қараб юришди. Анови кун оқ чойшаб ёнинганларни кўриб, сал-пал кўркувдим, бугун икковларини ҳам кафанда кўриб, эларим жимирлашиб кетди: тирик одамнинг кафан кийиб, кетмон кўтариб юриши жуда хунук, жуда ваҳимали кўринар экан...

Қабрни жуда тез очинди. Мен, Одил баттол озиб, кучдан қолгандир деб ўйлаб, хато қилган эканман. Йўқ, баттол жуда кучли экан. Кетмонни шунақанги тез, шунақанги чаққон ишлатдики, нима бало, Хўжа Аҳрор Вали куч бағишляптими, деб қўйдим ичимда. Гўрков лаҳадга тушиб, чопки билан мурданинг жағларини кесиб чиқди... эларим аллақандай жимирлашиб, ич-ичимдан қалтирок турди, ўзимни йўқотгудек бир аҳволга тушиб қолдим. Лекин... лекин... начора, хизматда турибман. Уларга қарши бирон нарса қилишга ҳозир жуда, жуда ҳам ожизман!

— Мана, халоскорим, қулингиз ҳеч қачон янглишган эмас! — мақтаниб деди гўрков, — элик грамм келмаса, бетимга туфурим юборинг.

Шайх Одил сағанасига қайтиб, ўликнинг оғзидан олинган тишларни оёқ остидаги кир латта билан артишиб, халтага солишди. Халтачада яна икки юзтача тиш ялтираб кўриниб кетди. Демак, бунақанги ишни биринчи бор қилишаётганлари йўқ экан, камокдан қочгандан буён ҳар қушги машғуллари шундан иборат экан...

Одил Баттол халтачадаги тишларни чамалаб:

— Нарн борса, уч юз грамм келадн холос,— деб уф тортди.— Бу билан Шокирдан қутулиб бўлмайди. Айтганини бермасак... у бизни ушлаб бериши мумкин.

Одил Баттол кўзларини галати қисиб, лабларини қимтиганча, бир нуқтага тикилиб, узоқ жим қолди. Сўнг кескин бир ҳаракат билан ёнидан ханжарини суғуриб, ерга санчди:

— Гўрков!

— Лаббай, халоскорим!

— Чўкка туш!

— Халоскорим!

— Чўкка туш, деяпман! — овозини кемшик тишлари орасидан чиқариб, буюрди баттол. Гўрков икки кўзи ханжарда, кўрка-писа чўкка тушди.

— Шу кеча кўрганларимни бировга айтсам, мана шу ханжар бошимни кессин, деб қасам ич! — буйруқ берди Одил баттол.

Гўрков дағ-дағ калтираб, қасам ичди.

Ха, ҳамма гап бу ёқда экан! Баттолнинг энг катта хазинаси — кўйфуруш отасидан қолган битмас-туганмас бойлиги шу кабристонга кўмилган экан. Баттол анови куни ўзининг маслаҳатчисига бойлигим бошқа шахарда, деб ёлғон сўзлаган экан, бундан йигирма йил олдин, ўртанча хотини ўлганда қабр тоши кўйиш баҳонасида қишлоқдаги бойлигини келтириб қари тутнинг остига эсон-омон беркитиб олган экан.

Устини ўт-ўланлар қоплаган катта оқ мармар тошни нари суриб, кўз юмиб-очгунча, қабрдан занглаган темир сандикни суғуриб, ўрнини яна аввалгидек текислаб, гўё бу ерга куни кеча ўлик кўйилгандек тош ҳам бостиришди... Иккови ҳам қора терга ботиб кетган, кўрккан, ҳовликкан, энтиккан... Епириб-ей, деб юбордим. Одам боласи ҳам шунақанги аҳволга тушадими! Кўзлари ўт бўлиб ёняпти, тишлари ёғирлаяпти, кўкраклари темирчининг босқонидек кўтарилиб-тушиб турибди! Сандикни сағанага олиб киргач баттол унга пешанасини кўйиб, узоқ жим қолди. Аввал елкасини учириб, пиқиллаб турди-да, кейин тўсатдан, ёш болаларга ўхшаб, хўнграб юборди:

— Дадам, дадажоним!

— Ҳалоскорим, ўзингизни кўлга олинг,— юпатмоқчи бўлди Гўрков.

— Шу мақсадда бойлик йиққанмидингиз?! Яйраб-яшнаб есам бўлмасмиди, даври-даврон сурсам бўлмасмиди!

— Йиғламай деб деяпман.

— Дадажоним... — деди-ю, баттол тўсатдан жим бўлди. Кўз ёшларини кафанининг енгига артиб, ханжар билан сандикнинг қопқоғини кўтарди: олтин тангалар, ҳозир ҳеч ким тақмай кўйган тақинчоклар, узугу тиллакошлар шам нурида ял-ял ёниб, Шайх Одил сағанасини бир нафасга ёритиб юборгандек бўлди. Икки тирик мурданинг ҳам чеҳраси ёришиб, гул-гул яшнаб кетди.

— Бу тўппонча билан ўқлар ҳам дадамдан қолган, Қашкардан келтирган эди, раҳматли! — ҳам гурур, ҳам аллақандай ўқиниш билан деди Одил Аббосов. — Мен яна подшоман! Эшитяпсанми, Гўрков! Бу олтинлар менга яна куч-қудрат бағишлайди... Энди менга на милиция, на суд бас

кела олади, худо хоҳласа, мен яна шаҳарнинг хокимман, шаҳаншоҳиман...

Ярим соатлардан сўнг Сўфи шаҳарнинг бўлажак хокимини кафанга ўраб, тобутга ётқизиб, сағананинг устидан кулфлаб чиқиб кетди.

ҚОРО ВУЛ ЯРАШМАЙ ҚОЛДИ

Истироҳат боғи истироҳат боғи бўлгандан буён, қасам ич десангиз қасам ичиб айтаманки, бунақанги шодиёгани, бунақанги қувончли кунни ҳали кўрмаган бўлса керак. Бир томонда қарнай-сурнай, бир томонда така-тумига олиб, поғора чалишяпти. Сочинга лента таққан қизчалар, ойисидан яширган пулига морожний олиб ейишга ошиққан болалар, мактабда тартиб ўрнатишга ёрдами теккан ўсмирлар, «қани жиноятчию тартиббузар бўлса, кўрсатаверинг, таъзирини бериб кўямиз» деб енгига қизил лента таққан йигитлару сайил баҳонасида хуснини кўз-кўз қилишга чиққан қизлар, ичкиликбозликка қарши курашда ном чиқарган ишчилар, жамоатчи ревизорлару штатсиз ОБХССчилар... э борингки, белнига кепак боғлаган чоллар, кўзойнагини тополмай, келинини қарғаб келаётган кампирлар... ҳамма истироҳат боғи томон дарёдек оқиб боряпти.

Сувга чиққан икки келинчак водопровод олдида мана бундай гапларни гаплашиб ҳам турибди:

— Паркда нима бўляпти, ўртоқжон?

— Вой, дугонажон, эшитмадингизми?

— Йўк, эшитмадим.

— Ўртоқжон, бу слёт-ку!

— Қайдам, ақангиз, бугун жиноятчиларга жаноза ўқий-миз, деб ясан-тусан қилиб чиқиб кетди.

— Тавба, жаноза ҳам қарнай-сурнай билан ўқиладиканми?!

— Шунака шекилли-да.

— Вой ўлмасам, ёғим ёниб кетди...

Тўғри, тўппа-тўғри айтишди — слёт бўляпти. Милицияга ёрдам берувчиларнинг бутун район слёти бўляпти. Ўлай агар, слёт деганларини илгари тушунмас эканман. Қарнай-сурнай билан бошланиб, ўртароғида серсув нутқбозлигу, охирида қарсак чалинар экан. Боғнинг директори, дружиначилар юрагини олиб кўйган эканми ёки халқ милициясига бир хизмат қилишни кўнглига тугиб кўйган эканми, ҳарқалай слётга роппа-роса ўн беш кун тайёргарлик кўрибди. Жума кунини паркимизга марҳамат қилинг, дружиначиларга бағишланган халқ сайили очилади. Чойхоналарда ичак-

узилди аския, очик сахналарда порахўрларни фош қилувчи томошалар кўрсатилади. Дорбозлик, нуткбозлик, йўк, кечирасиз, адашиб кетдим... мушакбозлик ўйинлари кўрсатилади, деб заводларга, фабрикаларга таклифномалар жўнатибди.

Кабобхўрга — кабобу, мантихўрга — думба солинган мантилар пишиб турибди, паловпазлар бошларига оқ халта кийиб, капгирларини ўйнатиб, дунёда биздан устароқ ошпаз йўк, деб мақтанишиб туришибди. Ох, шу пайтда дўстгинам Зокир бўлармиди, нўхат солинган паловдан тўрт-беш товогини уриб, шерик, шунақанги мажлисларга мени тез-тез чакириб тургин, деб қўймасмиди, дея ич-ичимдан ачиниб кетдим.

Слёт роппа-роса тўккизда бошланди, ёзги биннога олти юзу қиркта одам сифар экан, қолгани ташқарида қолиб кетди. Слётни ўртоқ Умаров очди. Жамоатчи миллиционерларни роса мактаб туриб:

— Доклад учун сўз полковник ўртоқ Отажоновга! — деб эълон қилиб юборди.

Салимжон акам... бечора Салимжон акам-ей, шунча салобати билан, шунча гавдаси билан доклад қилишга мазаси йўкроқ экан. Шундай қилса гўё ишлари юришиб кетадигандек, нуқул елкасини кашиб, муштига йўталади денг. Охири қўлини кўксига қўйиб:

— Ўртоқлар, мен гапиролмайман,— деб ўтирганлардан узр сўрай бошлади,— негаки, жуда хурсандман, севишганимдан йиғлаворай, йиғлаворай деяпман. Агар яна жиндек қарсақ чалсанглар доклад ўрнига ярим соат йиглаб беришим мумкин. 40 йилдан бери жиноятчилар, тартиббузарларга қарши курашни халқ ўз қўлига олса, деб орзу қилардим... орзумга етдим!!! Шу олти ой ичида, ўтган йилнинг олти ойига солиштирганда, жиноят 85 процент камайди, тартиб бузиш ҳоллари 96 процентга камайди.

Залда қарсақ янграб кетди. Бундай қарасам, ёнгинамда ўтирган ўртоқ Холиқов ҳам забтига олиб, қарсақ уряпти.

— Ия, ха,— дедим секин туртиб,— бу гапларнинг ҳаммаси коғозда қолиб кетади деган эдилар-ку?

— Жаҳл устида айтганман, акаси! — деб қўйди ўртоқ Холиқов.

Салимжон акам ўзини тутиб олиб:

— Министримиз бизни кизгин табриклади,— дейиши билан, кафтини шай қилиб ёш-яланглар, билагига куч тўпланган мен тенги йиғитлар яна қарсақ уриб юборишди.

— Яна ҳам астойдилроқ киришамиз...

— Районимизни коммунистик районга айлантирамиз!

— Жиноят уругига кирон келтирамиз!

— Тартиббузарларнинг бурчига сув куюмиз! деган бир чеккаси таптанали қасамга, бир чеккаси ўзимизнинг оддий ваъдаларга ўхшаб кетадиган хайқириклар ҳам эшитила бошлади.

Йўқ, мен қимматли устозимнинг нутқига кўпроқ қарсак чалинди, деб хато ўйлаган эканман, қарсакбозликнинг энг кучлиси Қаромат Ҳошимова минбарга чиққанда, жамоатчи милиционерларга мукофот улашаётганда бўлди. Ўттиз олти йигит-қиз, ўн бир кампир ва еттита чолга каттакичлик совгалар, мактов қогозлару фахрий ёрликлар топширилди. Мажлис ранси навбатдаги ишлар, янги режалар ҳақида доклад қилиш учун яна аллақимга сўз бермоқчи бўлиб эндигина микрофонга пуф-пуфлаётган эди, залнинг ўртароғида ўтирган Муслим бобо ўрнидан туриб, кўл кўтарди. Гапирнишга рўхсат ҳам олмай, шу ҳолича кўлини боши узра кўтариб, кўйлагининг устидан тақиб олган орден-медалларини жиринглатиб, минбарни мўлжаллаб, жадал чиқиб келаверди. Минбарга чиқиб, чап кўли билан соқолини чапгаллаб, бир нафас жим туриб қолди.

— Мерган, ё ўзинг чиқасанми?— деб сўради ниҳоят. Залнинг ўртасидан:

— Ўзинг гапиравер,— деган овоз эшитилди.

— Хўп, гапирсам гапирга қолай. Ҳурматли жамоа, мен ўттиз олтинчи магазинда қоровул бўлиб ишлайман,— Муслим бобо чўнтагидан кўзойнагини олиб, шошмасдан тақди. Бошқа чўнтагидан дафтарча олиб, у ёқ-бу ёқига кўз ташлади-да: «Ҳа тўғри, ўттиз олтинчи магазин» деб кўйди ўзига-ўзи.— Мерган атлас магазинида қоровул... Тўғрими?

— Тўғри,— деб кўйди Мерган бобо.

— Шу дружинник масаласи чиққандан буён икковимиз ҳам бекормиз. Электр чойнакда чой қайнатиб ичиб, Николай пошшо давридаги от ўғрилари ҳақида гаплашиб, ағанаб ётамиз. Бекор ётиб, маош ейиш эскичасига макрух... янги-часига... хўш, инсофдан эмас-да, ахир... Менга ўхшаган, Мерганга ўхшаган бекорчи бўлиб қолган қоровуллар ози-ми?.. Золимнинг вақтида ўғри кўп эди-ю, қоровул оз эди. Бутун эски шаҳар даҳасида битта қоровул шакилдоқ қоқиб юрарди... Ҳозир ўғрининг тайини йўғу, ҳаммаёқини қоровул босиб кетган... Магазин қоровули, фабрика қоровули, идора қоровули... Ҳой, одамлар, кичкинагина районимизда 260 та қоровул бор экан-а!

Залда қарсак янгради. Орқа катордагилар, негадир ўршиларидан ҳам туриб кетишди. Ниҳоят, қарсак ҳам, ғовур ҳам босилгач, Муслим бобо:

— Мерган, ё потўғри айтдимми? — деб сўради ўртоғидан. Ўртоғининг жавобини ҳам кутмасдан яна давом этди: — Ҳа, майли, икки юзу олтиншта бўлмаса икки юзу элликтадир. Иккита мияси айниган чол ўнтага адашган бўлса адашгандирмиз... Ҳукуматимиз ҳар бир қоровулга йилга 720 сўмдан маош берар экан. Хўп, 260 та қоровулнинг йиллик маоши канча бўлади? Мерган билан бир куни хомчўт қилиб кўрсак... Мана, мана бу қогозга ҳаммасини ҳисоблаб ёзиб қўйганмиз. Мана, «ярмаркага тушиб набираларингизга бир жуфт турсик, келинингизга атлас лозимлик...» йўқ, кечирасизлар, бу бошқа қогоз экан... Мерган, қогоз сендамиди, мендамиди?

— Тузукрок қара, ўзингда эди,— деган жавоб қайтди пастан.

— Ҳа, мана бу ёқда экан,— гуноҳқорона қулмисираб давом этди Муслим бобо,— ҳаммаси бўлиб, бир юзу тўқсон минг сўм бўлар экан. Қоровулларнинг сал кам бекорчиликдан иборат бўлган ишнини халқ, жамоа ўз қўлига олса-ю, шу бир юзу тўқсон минг сўмга гул кўчати олиб, ариқларнинг лабига, ташландик ерларга, кўча эшикларини олдига ўтказсак... Савобнинг тагида қолмасмидик!

Ўзи бугун одамлар қарсақбозлик қилгани тўпланишганга ўхшайди. Муслим бобо сўзини тугатиши билан пастанда ўтирганлар шунақанги каттиқ қарсақ чалишдики, ишонсангиз, анча вақтгача икки қўлим билан қулогимни беркитиб ўтирдим. Бир маҳал қўлимни олсам қарсақ тишибди-ю, одамлар:

— Офарин, отахон!

— Худди сиз айтгандек қиламан, бобой!

— Қайтага, ёшлардан мана шу кексалар дуруст.

— Революцияни мана шу чоллар қилган-да! — дейишиб, бир-бирларига лукма ташлашяпти.

Муслим бобонинг турсик билан атлас лозимлик аралашган нутқи сабаб бўлди-ю, ҳали айтганимдек, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тортишув, нутқбозлик бошланиб кетди. Бирини қоровулликни йўқ қилсак, ўғрилар қутуриб кетади, деди. Бошқаси, ўғри қўлга тушса, ҳадеб хайфсан эълон қилавермайлик-да, Африкадаги кабилаларга ўхшаб, қулоғи билан буринини кесиб, суратини район газетасида босиб чиқарайлик, деди. Учинчиси, ўғри-ўғри деб ваҳима қилиб юраверсак, яна юз йилгача улардан қутула олмаймиз, деган гапини айтди. Шу пайт маҳалламиздаги мактабнинг директори сўзга чиқиб:

— Қоровул бизнинг давримиз учун ярашмайдиган бир

нарса,— деб худди синф ойнасини синдириб кўйган ўқувчиларни уришаётгандек жаҳл билан гапира бошлади.— Қоровул ўтмишда, ўғри, қароқчилар кўп бўлган даврда пайдо бўлиб, кейин одамларнинг эсидан чиқиб кетган. Маана, мен мактабда қоровуллик билан фаррошликни йўқ қилиб, ҳаммасини коллективнинг зиммасига юклаганман. Иктисод қилинган пулга аълочи болаларга велосипед олиб бердим... Тўғри, биз қоровулга гиёванд одам намага ўрганиб қолгандек ўрганиб қолганмиз. Қоровулсиз яшай олмаймиз, деб ўзимизни-ўзимиз ишонтириб кўйганмиз. Бу нуксонли ишончдан воз кечиш керак...

Э, борингки, ўша кунги слётда слёт катнашчилари уч соатлик тортишувдан кейин, бизга қоровул керак эмас, керакли нарсаларни ўзимиз кўриқлаймиз, қоровул пулига гул олиб экиб, шаҳримизни гулга кўмамиз, қоровулликдан бўшаган қари-қартангларга Қўшчинор маҳалласида қозғоз халта тикадиган артель очиб берамиз, деган мазмунда қарор қабул қилиб юборишди. Мажлис министримииз номига ёзилган тантанали мактуб билан тугади.

Ярим кечаси уйга қайтаётган эдик, Салимжон акам меҳри товланиб кетди шекилли, катта кўлнинг елкамга ташлаб:

— Ўғлим, мен бугун жуда бахтлиман! — деб кўйди.

— Мен ҳам бахтлиман,— дедим мен ҳам шоша-пиша.

— Хўш, сен нима учун бахтлисан?

— Нима учунлигини билмайман, лекин жуда хурсандман.

САРИҚ ДЕВНИНГ ЎЛИМИ

Шоқир маслаҳатчи баттолга чоршанба кунини паспорт келтириб бериши керак эди. Ўша кунини ишни битиролмабди Шайх Одил сағанасидаги тунги учрашув ҳар икки томоннинг аччиқ-тизиқ сўзлари билан тугади. Шоқир маслаҳатчи, агар ўртада турган одам эртага ҳам паспортни олиб келмаса улдасидан чиқа олмаган бўлади, унда бошқа кишини орқали ҳаракат қилишга тўғри келади, деган эди, Одил Аббосов баттар тугақиб кетди. «Соғлигим ёмоқлашиб боряпти» деб йиғламоғираб, муштинини қисиб дағ-дағ қалтирай бошлади. Мен шу кунини овоз ёзиб оладиган аппаратимни олиб борган эдим. Овозларни ёзиб олдим, аммо ҳаддан ташқари қоронғи бўлгани учун суратга олишнинг ҳеч иложи бўлмади.

Лекин, Шоқир маслаҳатчи сўзининг устидан чиқадиغان кишилардан экан. Эртасига, тунги сўат учларда қабристонга ваъда қилган нарсасини келтириб:

— Одилжон, лекин, сизни деб ўлиб бўлдим-да! — деб ух тортиб қўйди.

— Раҳмат, сиз ўзи киёматли дўстимсиз-да,— миннатдорчилик билдирди баттол.

— Лекин, ҳеч бўлмаса шу бугун кафанингизни ечмабсиз-да,— секингина кулиб қўйди маслаҳатчи.— Икковларингизни кўриб, рости, жуда кўркиб кетяпман.

— Кафандан кўркманг,— далда берди Сўфи,— охири бориб, сиз ҳам шуни киясиз.

— Лекин, сизлар сал эртарок кийиб қўйибсизлар-да,— ҳазил қилиб айтган гапи ўзига наша қилди шекилли, кулиб қўйди маслаҳатчи. Сўфи ҳам ҳазилкаш экан.

— Сизга ҳам битта тиктириб берайми? — деб кулди.

Одил баттол паспорт қўлга текканидан хурсанд. Маслаҳатчи бугун, инҳоят, бир умр орзу қилган катта бойликка эришганидан ўзида йўқ шод. Гўрков, мана, халоскорим паспортини олди, энди тезгина даф бўлиб мен ҳам оёғимни узатиб ётар эканман, деб ўйлаб, ич-ичидан севинарди. Ҳам-малари шод, ҳаммалари хурсанд, ҳазил-мутойибанинг боиси ҳам шунда эди. Маслаҳатчи Одил баттолга оқ йўл тилади. Қаерда бўлсангиз ҳам омон бўлинг, деб яхши истак билдирди. Охирида, полковник сизнинг ҳам, менинг ҳам бир умрлик душманимиз, уни албатта бир ёқли қилиб кетинг, деб қайта-қайта илтимос қилди.

— Худо хоҳласа, индинга мана шу масжидда жаноза ўқиймиз! — деди баттол кўзларини чакнатиб.

Кучоқлашиб хайрлашди. Кафан кийган одам кафан киймаган одамни кучоқласа жуда хунук кўриниб кетаркан, тескари қараб олдим.

Маслаҳатимизга кўра, агар, маслаҳатчи кўлида олтин билан чиқса, мен уни кабристоннинг орка дарвозасигача кузатиб бориб, ўша ерда пойлаб турган икки милиционерга гугурт чакиб сигнал беришим керак эди. Гугурт чакишим билан дарвозанинг оркасида: «Қўйвор, жим!» деган йўғонингичка овозлар эшитилди-ю, кейин яна кабристон сукунати атрофга ҳукмрон бўлиб қолди, «Демак, қўлга олишди», деб хотиржам бўлдим, дарҳол оркамга, Шайх Одил сағанасига қайтдим. Яна қайси жиноятчилар билан учрашиш режаларини тузишди, шуни ҳам билиб овозларини ёзиб олмоқчи эдим. Кирсам, маслаҳат бутунлай бошқача, сандикдаги олтинни аллақасерга беркитишмоқчи. Менинг устозимни катл этиш плагинини ҳам аллақачон тузиб бўлишибди. Эҳтимол бу ишни кундузи бажаришар, эҳтимол бирор аклини йўқотган пулпарасти ёлланга қарор қилишгандир...

Йўқ, энди мен ҳам қараб турмаслигим, мустикал бирор чора кўришим керак...

Баттолнинг ёнидан паспортини, ханжари билан ўқланган пистолетини олдим. Гўрковнинг чўнтақларидаги бели синмаган қоғоз пуллардан тортиб, то бир тийнлик сийкаси чиққан чақаларгача олиб, темир сандиққа жойладим. Одил баттолнинг жони энди менинг қўлимда, мана шу темир сандиқда! Эртақлардаги асир тушган девларга ўхшаб, чала-жон бўлиб қабрда ётаверадим, қуролсиз, олтинсиз ҳеч ёкка чиқолмайдим энди!

— Хайр, кафан кийган шаҳаншоҳим! — дедиму, оғир сандиқни инкиллаб кўтарганимча, қабрдан чиқиб кетдим.

Ўша куні ўзбошимчалик қилдиб қўпол бир хатога йўл қўйибман, яна қанчадан-қанча жишоятчиларни қўлга тушириш мумкин бўлиб турганда ишнинг пачавасини чиқариб қўйибман. Олтин тўла сандиғу қурол-яроғларни милицияга топшириб, энди уйга қайтиб келган ҳам эдимки, тўсатдан телефон худди бировнинг уйига ўт тушгандек, фарёд чекиб жириглаб қолдим. Салимжон акам трубкани кўтариб, аллақим билан қисқагина гаплашди-ю:

— Хошим! — деб кичкирдим.

— Лаббай, устоз?

— Дарров кийини.

— Тинчликми?

— Одамлар қабристондан икки тирик мурдани хайдаб чиқиб, масжид атрофида қувиб юрган эмиш.

— Тағни Одил баттол бўлмасми?

— Бўлмаса ким бўларди!

Кийиниб чиққунимизча, бу ёқдан идорамизнинг навбатчи машинаси ҳам дуд-дудлаб келиб қолди. Машинага ўтирдим. Хўжа Аҳрору Вали масжидини мўлжалга олиб, қушдек учиб бораётган эдик, ҳеч қутилмаганда, машина йўлнинг қок ўртасида таққа тўхтаб қолди.

— Салимжон ака, бир қошиқ қонимдан кечинг, — деди шофёр бўшашиб.

— Нима бўлди?

— Кеча кечкурун бензин олиш эсимдан чиқиб қолган экан.

— Аҳмоқ! — деди Салимжон акам машина эшигини жаҳл билан очиб. — Сени ўзи аллақачон шидан хайдашим керак эди.

Масжидга боришнинг ҳожати йўқ энди, бари бир шёда етолмаймиз. Милицияга жўнадик. Ўша ердан машина топамиз. Яккачинор кўчасини шундай кесиб ўтиб, Муқимий кў-

часига бурилишимиз билан юз-юз эллик чоғли одам кафан кийган икки мурдани қувиб келаётганини кўриб қолдик.

— Ўшалар! — дедим, негадир ҳам севиниб, ҳам кўркиб.

Мурдалар энтикиб, ҳаллослашиб, худди югуриш бўйича шаҳар мусобақасига қатнашаётган спортчиларга ўхшаб, бир-бирларини қувлаб, ёнгинамиздан ўтиб кетганди, ушлаёлмай қолдик.

Қувиб келаётганлар ҳар хил, аксарияти чоллар. Орқарокда кўрка-писа болалар ҳам, ҳар нарсага қизиқувчи аёллар ҳам эргашиб келишяпти. Шовкин-сурон. Бир хиллар мурдаларга қараб тошми, кесакми отмоқчи бўлиб ўкталяпти-ю, лекин негадир ботинишолмаяпти. Қуваётганлар энди етиб, ушлаймиз дейишганда, мурдалардан бири қўлидаги таёкни боши узра айлантириб:

— Е Хўжа Ахрору Вали! — деб наъра тортиб юборади. Одамлар кўркиб, орқаларига тисарилиши билан мурдалар яна йўлга тушишадн...

Кейинроқ эшитсам, мурдаларнинг қабрдан бевақт қувилишига, ҳали айтганимдек, менинг шошқалоқлигим сабаб бўлган экан. Сандиқдаги тиллаю Гўрковнинг чўнтагидаги пулларни қоклаб чиқиб кетишим билан баттол:

— Сўфи, хазилни кўй, — дебди.

— Ҳалоскорим, сизга нега хазил қилар эканман, — дебди қўлини кўксига кўйиб Сўфи.

— Тўппончамни олдинг-ку.

— Худо сақласин.

— Тўхта, тўхта, ханжарим ҳам йўқ!

— Э парвардигор! — ёқасини ушлабди Гўрков.

— Ие, паспортим қани? — бу гал баттол ҳам ёқасини ушлабди.

— Е навзамбилло! — деганча Сўфи кўзини лўқ қилиб тураверибди.

— Аблах! — тутакиб кетибди баттол. — Сандиқ қани? Тиллаларни қайқа беркитдинг?

— Ўзингиз менинг чақаларимгача олиб кўйибсиз-ку! — деб Сўфи ҳам секин ўрнидан турибди. — Чўнтақларим қуруқ, қаламтарошим бор эди, ўшани ҳам олиб кўйибсиз.

— Сотқин!

— Ўғри! — дейишиб, мурдалар оч қолган жўжахўрозлардек бир-бирларига ташланиб қолишибди. Баттол, мол аччиғи — жон аччиғи деганларидек, ҳаддан ташқари қутуриб кетибди. Гўрков илгари қатта ўғри бўлгани учун бунақанги муштлашишларни кўп кўрган, тажриба орттирган, буниг устига текин овқатларни еб, шу кунларда боқувдаги букадек қучга тўлиб турган экан. Бир-бирларини

шунақанги савалашибдики, раҳматли Шайх Одил тирик бўлганда қайси бирига мукофот берилши билмай, роса гаранг бўлиб қолар экан.

— Ё Жамшид! — деб қулочкашлаб туширармиш баттол.

— Ё Хўжа Аҳрору Вали! — деб тепармиш Сўфи Гўрков. Охири иккови чарчаб, кучдан кетиб, сағананинг деворига суялишиб, оч бўрилардек бир-бирларига тишларини ги-жирлатишиб жим қолишибди.

— Сандиқ қани? — дебди биттаси.

— Қаламтарошин бер! — дебди бошқаси.

— Тўппончамини қаёққа беркитдинг? — сўрабди биричи овоз.

— Чақамгача қоқиб олибсан! — дебди иккинчи овоз.

Шундан кейин: «Мана тўппонча, мана қаламтарош!» деб бир-бирларини яна шолди туйгандек туя бошла-шибди.

Абдураззоқ ота деган бир намозхон ҳар куни бомдод на-мозига бора туриб, келишининг қабрига бир даста гул кўйиб ўтар экан. Бугун ҳам шундай қилибди. Гулни кўйгач: «Ху-доё жойинг жаннатда бўлсин!» деб, келишини дуо қилиб Шайх Одил қабри ёнидан ўтиб бораётган экан, сағанадан гупиллаган, пишиллаган, вой-войлаган овозлар эшитилиб қолибди. Абдураззоқ ота аввалига кўркиб кетибди. Кейин ўзини кўлга олиб, наҳотки, Шайхимиз тирилган бўлсалар, деб секин деворининг ёригидан мўралаган экан... ё парвардигори олам, икки мурда муштлашишаёт-ган эмиш!

Абдураззоқ ота бу гал чыакам кўркиб кетибди ва Хў-жа Аҳрору Вали масжидига қараб югурибди. Йигирма-ўттиз чоғли намозхон тўпланган экан, ҳаммасини бошлаб кепти. Намозхонлар қалимаи шаҳодатини ўқишиб, худонинг номини дилларига жо қилиб, сағанани чор томондан қуриаб олишибди. Девор тиркишларидан мўралашиб:

— Ё тавба!!! — деб ёқаларини ушлаб, орқаларига тиса-риллишибди. Худди шу пайтда масжиднинг имоми ҳеч қутил-маган бир жасорат кўрсатибди. Сағананинг эшигини лаг очиб:

— Инсу жинс бўлсанг ҳам чиқ! — деб алақандай бир дуони ўқибди, дуо таъсир қилмабди.

— Арвоҳ бўлсанг ҳам чиқ! — деб яна дуо ўқибди имом. Дуо ҳам аптекада туриб қолган эски дорига ўхшаб, қув-вати кетиб қолган эканми, арвоҳларга таъсир қил-мабди.

— Тирик бўлсанг ҳам, ўлик бўлсанг ҳам чик! — яна хайкирибди имом, яна жимжитлик эмиш. Шунда имом: «Зокир кори, боринг, милицияга телефон қилинг!» деб буюрибди. Милиция деган сўз имомнинг оғзидан чиқиши билан сағанадан кўлида йўгон бир таёқ, новча бир мурда отилиб чиқибди, кетидан оқсоқланиб, пакана мурда эргашибди. Икки мурда ўнгу терсига қарамай кабристоннинг орка дарвозасини мўлжалга олиб югурибди.

Намозхон оталар кавушларини кўлга олиб, уларнинг орқасидан кувлашга тушишибди...

Кувлаётганлар тобора кўпаяверди. Кўча супураётган фаррошлар, бирининг кўлида эски челак, бошқасининг кўлида чўлтоқ супурги, улар ҳам эргашишди. Уйқусираб биринчи сменага ишга кетаётган ишчилар, хамир қоргани турган кампирлар ҳам қизиқсиниб изма-из чолиб келишяпти. Ниҳоят, оломон чарчаб, мадордан кетган мурдаларни ҳар томондан қуршаб олди. Лекин, биронтаси ҳам юрак ютиб, яқинига боролмай, ҳар хил тахминларни айтиб туришибди.

— Шайх Одил пиримнинг арвоҳлари бўлса-я!

— Мозорга беркинган ўғрилар бўлса-чи?

— Бе, шаҳарда ўғри колдими ҳозир!

— Бечораларни ўлмасдан кўмиб кўйиншганга ўхшайди!

— Нега бетини очмайди бўлмаса?

— Кўркишяпти.

— Демак, ўғри экан-да!

— Ўғри ролини ўйнаган артист бўлса керак.

— Тўғри, яқинда «Гўрўғли Султон» фильмини суратга олишар эмиш.

— Тавба!

— Киёмат қойим бўлса, кўшни, ҳазрати Баҳовуддин пирим қабрларидан бош кўтарармишлар!

— Э, пирим! Мунаввар жамолингизни кўрсатинг!

Худди шу пайтда юрагини чангаллаб, орқада қолиб кетган Салимжон акам ҳам етиб келиб колди. Оломонни ёриб, ўртага ўтди-да: «Ҳошим, нега қараб турибсан Буларнинг бетини оч. Одамлар кўриб олишсин» деб буюрди. Мурдаларнинг устидан кафанларини ечиб олдим. Одамлар аввалига худди гипноз қилингандек, қотиб қолишди. Кейин тўсатдан ўзларига келиб, денгиздек чайқалиб кетишди.

— Одил баттол-ку бу!

— Жиноятчиларнинг пири шу-да!

- Соқолнинг ўсмай ўл, юлғич!
- Яна қамокдан ҳам қочибдилар.
- Лекин, халқдан қочолмайди!
- Порахўр!
- Елғончи!
- Тухматчи!

— Ур, котилни! — деб қолди кимдир. Қишилардаги жиноятчиларнинг пирига бўлган: ғазаб-нафрат бамисоли бир бомбага айланди-ю, гумбурлаб портлаб кетди. Ўртага тош, кесак, калтак демагани ёғила бошлади. Битта чол, ишонсангиз, отгани ҳеч нарса тополмай, носқовоғини отибди... Икки жиноятчининг ҳимоя қиламиз деб, қайтага калтакнинг энг зўрини Салимжон акам икковимиз едик. Хайриятки, дружиначилар ёрдамга келиб қолишди. Бўлмаса, ким билади дейсиз, ғазабланган оломон баттолга қўшиб бизни ҳам қора калтак қилиб ўлдириб юборармиди... Йўқ, бир амаллаб баттол билан гўрковни навбатчилар хонасига олиб бориб, эски диванга ётқиздик. Иккови ҳам жонсиз, ўликми, тирикми — билиб бўлмайди... Бир маҳал баттол бошини кўтариб:

— Сув... — деб ингради.

Салимжон акам стаканда сув узатган эди, баттол қалтираб турган қўллари билан уни олди-ю, лекин негадир ичмади. Устозининг бетига сочиб юборди.

— Йўқ! Мен ҳали ўлмайман! — деб жон талвасасида ўрнидан туриб кетди у. Тишларини ёнжирлатиб, оғзидан кўпиклар сочиб, бешиктерватардек тебрана бошлади. Кўзлари олайиб, юзидан тер қуйилиб келяпти.

— Мен ўлмайман! — деди баттол яна энтикиб.

— Албатта, ҳали кўп яшайсиз,— деди Салимжон акам.

— Жиноят ўлмайди!

— Ўзингизни босинг!

— Милицияга тинчлик йўқ, билиб қўй шуни!

— Манг, сув ичинг.

— Салим, сени ўзим бўғиб ўлдираман! — Қичқириб устозимга ташланди баттол. Бўғмоқчи бўлиб қўлларини чўзди-ю, бўшашиб, Салимжон акамнинг кўксига бошини қўйди. Кейин «шалоп» этиб ерга йиқилиб тушди... Қичқирганда жони чиқиб кетган экан. Диванга ётқизиб, доктор чакирдик...

Баттолнинг ўлиги, хотинлари олиб кетишдан бош тортгани учун, ўликхонада уч-тўрт кун қолиб кетди.

Уни ўзимиз кўмдик.

Кабрнинг устига майор Самад ака Кодировнинг тавсияси билан

«Бу ерга ўғрилиқ, порахўрлик, юлғичлик, туҳматчилик, қотиллик, қаллоблиқ, очкўзлик, манманлик, маишатпарастлик, худбинликдан иборат сарқитлар йиғиндиси — Одил баттол Аббосов кўмилди. Туғилган йили маълум эмас, 14 июлда, тонг палласида жони узилди!»

деб ёзиб кўйилди.

Ўша куни бутун шаҳар халқи худди аждарҳо домидан қутулгандек енгил нафас олди, кушчалар шўх-шўх сайрадилар, куёш мўл-кўл нур тўқди, гуллар яна ҳам чиройли, яна ҳам сўлимрок бўлиб очилди. Болалар тўйиб-тўйиб мурожий ейишди, эркаклар милиция билан дружиначилардан яшириб, оз-оздан ичиб ҳам юборишди.

Жиноят ерга кўмилди, Одил баттол қиёфасида кўмилди.

Шаҳар халқи, норасмий бўлса ҳам, бир кунлик байрам эълон қилди. «Алвидо, эй баттол!» деб мулла Ҳошим ҳам умумхалқ хурсандчилигига қўшилиб кетди.

ГУЛГА БУРЖАНГАН ШАҲАР

Шундай қилиб, хурматли дўстим, мана, ёлғон-яшиқ аралашиб кетган хикоям ҳам тугади. Билиб турибман, зеркиби қолдингиз. Гапнинг очигини айтсам, ўзим ҳам чарчаб кетдим. Энди у ёғини айтсам ҳам бўлади, айтмасам ҳам бўлади. Агар жуда қизиқаётган бўлсангиз, ҳа, майли, қисқагина қилиб сўзлаб бера қолай.

Жиноят деган нарса тугаб, шаҳардаги тартибга посбонлик қилишни халқ ўз кўлига олгач, биз — милиция ходимлари кип-қизил бекорчи бўлиб қолдик. Бир куни пошшою вазир ўйнаймиз, бошқа бир куни бармоқ яширар ўйнаймиз. Футбол командаси тузиб, мактаб болаларига ўн саккизу иборат концерт бригадаси тузувдик, бунисини ҳам очик айтиб қўя қолай, ишимиз унча юришмади.

Майор ўртоқ Холиқов Боғишамол район милициясига бошлиқ бўлиб кетди.

Суръат ака Орипов район газетасига редактор бўлиб ўтди.

Каромат опа Хошимовани райкомга олиб қўйишди. Карим акани йиғи-сиғи билан пенсияга чиқариб юбордик.

Мана шунақанги кузатишу, узатишларни авжига чиқараётган эдик, тўсатдан устозим билан исполком раиси ўртоқ Умаровни Тошкентга, министрликка чақириб қолишди. Мен яна қанақа гап чиқиб қолди экан деб юрагимни ҳовучлаб турган эдим, йўқ, Салимжон акам чехраси гул-гул яшнаб, кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшилган ҳолда, қалби тўла қувонч билан қайтди.

— Хошим, болагинам! — деди мени кучоклаб.

— Яна табриклайми? — дедим бирон гап айтишим керакку, деб ўйлаб.

— Сени табриклайман, ҳаммангни, бутун милицияни табриклайман! Эшитяпсанми, ҳаммангни!

— Мен ҳам жами бекорчи бўлиб қолган дўстларим номидан, ўртоқ полковник, сизга ташаккур айтаман! — оёқларимни жуфтлаб честь бердим.

Устозим мени нима учун табрикламоқчи бўлганини бир ҳафтадан кейин билдим. Министрлигу, жами область милиция бошкармасидан келган вакиллар гувоҳлигида, районимизнинг катта-кичик аҳолиси кўз олдида милиция ишнинг халқнинг ўзига топшириб юбордик.

Суръат ака Орипов бутун район кўнгилли милициясига бошлиқ этиб тайинланди. ОБХСС ишларини ёғоч оёғини ғижирлатиб юрадиган Мамарозик ака ўз қўлига олди. Жиноят қидирув бўлимига хотин-қизларнинг тавсияси билан, шу районда ўттиз саккиз йил судьялик қилиб, яқинда пенсияга чиққан Марҳамат Қосимова тайинланди.

Районимиз тажриба райони деб эълон қилинди.

Министрликдан келган вакил: «Ўртоқлар, энди ҳушёр бўлинглар, бутун мамлакат сизларни кузатиб туради», деган гапларни айтди. Бутун халқ оёққа туриб:

— Ташвишланманг, бўш келмаймиз! — деб қасамёд қилди.

Эртасига бошкармамиздаги милиция ходимларидан тўққиз кишини, районимизда бошланган ташаббусни тарғиб қилиш учун тўққиз районга ишга жўнатдик.

Салимжон акам пенсияга чиқиб тайёргарлигини кўра бошлади.

Фарида билан мен бўлсак... айтгандек, бувижоним совчилликка бориб, бир боришдаёқ ишни ҳал қилиб келди. «Агар қизингни Хошимгинамга бермасангиз, ҳаммангиз-

ни каматиб юбораман», деган мазмунда дўк қилибди... Фариди билан мен бўлсак тўйнинг маслаҳатига тушиб қолдик. Кишлоққа бориб, раҳматли устозим Уста Усмон Ақромов номда сартарошхона очадиган бўлдим. Тўйни узум пишигига қолдирдик. Эртароқ ҳам қилсак бўларди-ю, меҳрибон бўвжоним ўн саккизта кўрпа қопламасам, Хошимни уйлантирмайман дебди.

Оғир кунларимда меҳрибон қўллари билан бошимни силаган, дадамдан ҳам кадрдонроқ бўлиб қолган Салимжон акам билан роса уч кун тортишдим.

— Мен кишлоққа олиб кетаман, ўша ерда гулчилик билан шуғулланасиз,— дедим. У:

— Шахарда қолсан, мен ҳам келин кўрай, набирамни кўча эшик олдида кўтариб, бир хузур қилай,— деди.

Мен «кетамиз, кетамиз», деб бўйнига осилиб, соқоли ўсиб кетган бетларидан ўпаман. Устозим: «Келинонингнинг қабрини ёлғиз ташлаб кетолмайман», деб йиғлайди.

Уч кун йиғлашдик. Тўртинчи кун устозим кўчадан ҳовликиб кириб келди:

— Хошим, уйдамансан?

— Чучвара тугаяпман,— дедим ошхонада туриб.

— Сен зўр келдинг, ўғлим. Бирга кетадиган бўлдим.

— Ростданми? — қўлимда бир зувала ҳамир билан истикболга югуриб чикдим.

— Рост, ўғлим, кетаман. Биласанми, мен нимани яхши кўраман?

— Йўк, билмайман.

— Сертупроқ кишлоқ кўчаларида қуёш қиздириб турган пайтда ялангоёқ юришни яхши кўраман... Биласанми, тагин нимани яхши кўраман?

— Йўк, бунисини ҳам билмайман.

— Ойдин кечаларда экинга сув тараб кўйиб, марзада ёнбошлаб ётишни яхши кўраман.

— Тагин нимани яхши кўрасиз? — сўрадим юзу кўзлари қувончдан ёниб турган устозимдан.

— Тагинми? Тагин... сахарда қовун полиз оралаб банд берганларини узиб чиқишни яхши кўраман.

— Тагин-чи?

— Соддадил дехқонлар билан чинор тагидаги супада ёнбошлашиб, бозордаги нарх-наводан, бу йилги ҳосилнинг мўллигидан... мана шунақанги гапларни яхши кўраман.

Салимжон акам асли кишлоқлик экан. Қирк йилдан буён булбул гулга интилгандек кишлоққа интиларкан. Аммо хизмат такозоси билан шахарда қолиб кетаверибди.

Ўша кун гулзор ўртасидаги қаравотда ёнбошлашиб

олиб, кўп нарсаларни орзу қилдик: тоғ этагидаги тошлок жойлардан янги ер очиб, атиргуллар экдик, қовун экдик, қапа тикдик, бедана овладик, ойдин кечаларда ухламасдан, эгатларга сув тарадик... ва охири марза устида эмас, шу ўзимизнинг қаравотда ухлаб қолдик.

Милиция идораси ўрнида музей ташкил қилаётган эдик. Эртасига, Салимжон акамнинг уйдаги музейбоп нарсаларнинг ҳаммасини ўша ёққа ташиш билан овора бўлдик. Эски хатлар, хужжатлар, совгага берилган пистолету орден, медаллар... Устозим, ўғли билан гўрнинг тўла нур бўлгур келинбойимнинг расмидан бошқа ҳамма нарсани музейга топшириб юборди.

Уйини қўшнимиз Неъмат аканинг номига ўтказди. Болачақаси билан бир яйраб яшасин, келинбойимнинг рухи шод бўлади, болаларнинг ҳаммасига ўзи доялик қилган, бечоранинг орзуси ҳам шу эди деб, устозим яна жиндек кўз ёши қилиб олди.

Йигирма тўрт минг сўм пули бор экан. Икки мингини ундан юз ўгириб кетган ўғли Қарим аканинг номига ўтказди. Қолганини халқ милицияси ихтиёрига бериб, намунали ишлаган дружиначиларга мукофот тарикасида бериб юборилсин, деб хат қолдирилди.

Эрталаб, Николай пошшо замонидан қолган ўша эски кўнғиз нусха машинамизда йўлга чиқишимиз керак эди. Кечаси ўртоқ Умаров телефон қилиб, эртага кундузи истироҳат боғида кичкинагина учрашувимиз бор, учрашувдан кейин жавоб берамиз, бўлмаса дружиначиларга айтиб, «пак-пак» машинангизни шаҳардан чиқартирмай кўяман, деб ҳазиллашди.

Йўк, сиз нима десангиз деяверинг-ку, лекин ўртоқ Умаров устозимни мендан ўн чандон ортиқ яхши кўраркан. Шаҳарда устозимнинг ташаббуси билан неча туп гул эгилган бўлса, ҳаммасидан бир донадан гул кесиб келтирилсин, деб буйруқ берибди: ёшу қарининг кўлида даста-даста гул, йўлақларда гул, сўри-ю, тувақларда гул — нима бало шу кечаси осмондан ҳам гул ёгилганми дейман, истироҳат боғи ранго-ранг гулларга кўмилиб кетибди. Гул кўн бўлса, еру кўк галати рангларда товланиб, қалба шодлик, қувонч мавж уриб, киши аллақандай энтиқиб кетар экан.

Одам дегани ҳеч жойга сизмайди.

Бизни енгига лента такқан йигитлар театрининг ёзги биносига олиб киришди. Район ва шаҳарнинг катта-кичик раҳбарлари ўтирган сахнага чиқишимиз билан залдагилар гуриллаб ўриларида туриб, кўлларидаги даста-даста гулларни бошлари узра кўтариб, силкита бошлашди. Назарим-

да, бутун борлиқ майин ва хушбўй гуллар ичида чайқалаётгандек, залдаги одамлар гуллар тўлкини ичида сузиб юргандек бўлиб кетди.

Ўртоқ Умаров ўрнидан туриб кўнғирок чалди. Ғовур-ғовур босилгач:

— Ўртоқлар! — деб негадир жуда оғир, жуда ғамгин бир оҳангда сўз бошлади.— Бугун биз Салимжон акамни бутун хаётини одамларнинг бахт-саодати йўлига бағишлаган, кишиларнинг тинчи-оромини деб ўзининг тинчи, оромидан воз кечган бебаҳо коммунистни пенсияга узатиш учун тўпландик. Салимжон акам районимизда сал кам қирқ йил ишладилар. Шу йиллар давомида бу кишидан наф кўрмаган, ёрдам олмаган бирон одам қолмаган бўлса керак...

Залдан, гулдасталар орасидан:

— Ҳа, бунаканги одам дунёга камдан-кам келади!

— Қилгани яхшилик бўлди-я!

— Лекин, ўзи рўшнолик кўрмади, бечора! — деган овозлар эшитила бошлади.

Ўртоқ Умаров Янгибўғ район ижроия комитетида «Фахрий гражданлар китоби» таъсис этилганлиги, китобнинг биринчи бетига полковник Салимжон Отажоновнинг номи қайд қилинганлигини эълон қилди. Устозимга катталиги болаларнинг кўнжи узун этикчасидек келадиган калитни топшираётганда, одамлар «гурр» этиб ўринларидан туриб кетишди, қарсак билан йиғи аралашиб кетди. Устозим раҳмат айтиш учун ўрнидан турди-ю, йўк, ўпкаси тўлиб гапиролмади. Икки кўлини кўксига қўйиб, бошини эгиб, узок таъзим қилди.

Шундан сўнг турли ташкилот ва корхоналарнинг вакиллари, Салимжон акамнинг эски таниш-билишлари сўзга чиқиб, уни роса макташди. Етти тўн, ял-ял ёниб турган бешта атлас кийикча, ўн битта чуст нусха дўппи кийдиришди, етмиштача гулдаста такдим этишди.

Мен, энди кузатиш маросими тугагандир, чойхонага ош буюришган бўлса ўша ёққа жўнасақ ҳам бўлади, деб турган эдим, тугамаган экан, пенсионер Муслим бобо билан Мерган боболарнинг гапи бор экан. Икковлари кулокли сабатда гул кўтариб, саҳнага чиқиб келишди.

— Оббў, Салимжон-сй! — деди Муслим бобо калдини ростлаб.— Шундай қилиб, кетадиган бўлсан-да, укам. Аслида кетмасанг бўларди... Шогирдларингнинг ишини кўриб, қариялар чойхонасида, бизга ўхшаб, ошхўрлик қилиб аганаб ётсанг ҳам бўлаверар эди. Лекин, ха майли, худо ўзи сени катта ишлар учун яратган экан... ماشойиҳлар, арслон юз йилда битта тугади, деган экан. Сен ҳам оянгдан арс-

лон бўлиб тугилган экансан! Жинойтчи-ю, тартиббузарларни мўлжалга олиб, арслондек ҳамла қилдинг, баракалла, ука! Ўз номидан, оғзига носвой отиб олиб, гапиролмай турган мана бу Мерган номидан, шаҳардаги жамики пенсионер чоллар номидан сенга бир тўн кийгизай, тур ўрнигдан, лекин йиғлама! Милиция йиғласа ярашмас экан.

Хайрлашув маросимини тугатиб, ташқарига чиқсак... кўнғиз нуеха машинамизнинг ўрнига идорамизнинг қора «Волга»сини кўйиб, уни келин-куёвларнинг машинасини безатгандек безаб, ранг-баранг гулларга кўмиб кўйишибди. Машина эмас, бамисоли улкан бир гулдаста турганга ўхшарди.

— Бу нима қилиқ? — хайрон бўлиб сўради устозим.

— Район ижроия комитетининг қарорн,— кулимсираб устозимга калитни узатди ўртоқ Умаров.

— Э, кўйсанг-чи, ўзимнинг шалоқ машинам яхши.

— Уни музейга элтиб кўйдик.

Музейнинг дарагини эшитган Салимжон акам елкасини кисиб кулди-ю, секин машинага ўтира бошлади.

Муқимий кўчасидан чиқиб кетишимиз керак, шаҳар ташқарисига бошқа йўл йўқ. Ўртоқ Умаров бу ерда ҳам ташқилогчилик қилганга ўхшайди: йўлнинг икки четига дружиначилар, - халқ милициясининг вакиллари, мактаб ўқувчилари, э борингки, пенсионер чоллару кампирларгача чиқиб саф тортишибди. Ҳаммасининг кўлида кучоқ-кучоқ анвойи гуллар, райҳонлар...

— Хайр, ўртоқ Рўзиев!

— Салимжон ака! Уйлансам хабар қиламан, албатта келасиз!

— Салимжон, чойхонадаги улфатларингни унутиб юборма!

— Хайр, э бағри кенг инсон! — дейишиб, машинанинг гилдираклари остига, ойналарига гуллар отишди. Салимжон акам «пик-пик» йиғлаб, дармонсиз кўлларини силкитиб бор-япти. Мен бўлсам ўзимда йўқ шод, таърифлаб бўлмайдиган даражада хурсандман. Милицияга ишга кириб, мана шундай одамларга хизмат қилганим учун, Салимжон акамдек эл олқишига сазовор бўлган бир киши билан ёнма-ён кетаётганим учун, даста-даста гуллар, одамларнинг меҳру муҳаббати бошимиз узра нурдек ёғилаётгани учун... ва яна ўзим ҳам билмаган алланарсалар учун севинар эдим...

Бир маҳал, машинани энди тезроқ ҳайдамоқчи бўлиб бундай орқамга қараган эдим, ху нарида, кўчани чаңгитиб, бир-бирини туртиб-итаришиб, кўшимизнинг ўн бир фарзанди югуриб келаётганини кўриб қолдим. Ҳаммасининг

қўлида гул, оғизларини катта очиб, энтикишиб келишяпти. Машинани тўхтатиб, устозим билан ерга тушдик. Болаларнинг бири бўйнимизга, бири елкамизга, бошқаси оёгимизга тармашиб олишди.

— Ҳошим ака, кетяпсизми? — деди Даврон йиғлаб.

— Кетаман, ука, кишлоқда мени катта ишлар кутяпти.

— Энди менга рогаткага чўзмани ким олиб беради?

— Ўзим жўнатаман, посилка киламан, — деб Давроннинг чанг ва тер босган қайноқ бетларидан ўпдим.

Устозимнинг бўйнига осилиб олган иштонсиз Баҳром:

— Амаки, жон амаки, кетманг! — деб ёлвора бошлади.

— Шиминг қани, ўғлим? — боланинг бошини силаб деди устозим.

— Йўлга ташлаб келдим... жон амаки, кетманг!

— Бутунлай кетаётганим йўк... — хўрсиниб деди Салимжон акам.

— Сиз кетсангиз, Бахтиёр мени уради! — деди Баҳром кўзларини мўлтиллаптиб.

— Урмайди. Урса, унга ҳеч нарса олиб келмайман.

Устозим болаларнинг пешанасидан ўпиб, ҳар бирини алоҳида-алоҳида эркалаб, янаги ҳафта албатта келаман, ҳаммангга совга олиб келаман, деб юпатди.

Болалар машина кўздан йўк бўлиб кетгунча кўлларини силкитиб, кўзларини мўлтиллаптиб қолишди.

Салимжон акам негадир чуқур-чуқур хўрсиниб боряпти. Мен бўлсам:

— Хайр, эй гулга кўмилган шаҳар, хайр, меҳрибон одамлар, хайр, эй иштонсиз укагинам, Баҳром! — деб машинага устма-уст газ бераман.

Қиссалар

СИР ОЧИЛДИ

1 боб

ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАСИНING КАЛТАК ЕГАНИ

Колхоз фермасининг мудирини Мамажон Отахонов колхознинг уч юзга яқини куёнлари боқилаётган боғини бир эмас, икки бор айланиб чиқди. Ниҳоят боғини силкитиб, «бўлмайдими» деб кўйдими.

— Нима бўлмайдими, ўғлим? — хайрон бўлиб сўради куёнбоқар Эркабобо.

— Куёнларимиз хашаки куёнлар, отахон, улардан на жуни, на дурустрок гўшт, на тери олиб бўлади.

Ферма мудирини худди аччиқ нарса чайнаб олгандек афтини жийриб яна бош чайкади. Сўнг чолни эргаштириб қаёққадир жўнаб кетишди.

Чолнинг набирасини катта боғда ёлғиз қолди. Арра, теша олиб эндигина устахонага кираман деб турган эди, кимдир кўргонининг дарвозасини барабандек чала бошлади.

— Ким у? — хавотирланиб сўради Саттор.

— Бу бизмиз...

— Сиз кимсиз, ахир?

— Али билан Маҳмуд, ким бўларди.

— Куён ўғирлагани келган бўлманглар тағини?

Сатторнинг бундай дейишида ҳам жон бор эди. Бир неча кун аввал кишлоқдан шўх болалар чиқиб келишиб, ёш куёнлардан бир нечасини ўғирлаб кетишганди. Сатторнинг бу гапини эшитиб, Али билан Маҳмудлар хижолат бўлганларидан шолғомдек қизариб кетдилар... Чунки улар ҳам курук қайтишмоқчи эмасди, Эркабобонинг кетишини пойлаб туришларининг сабаби ҳам шунда эди.

Али ўзини йўқотмади:

— Йўқ, ундай эмас, — деди у шошиб, — биз ўзаро текшириш бригадаси бўлиб келдик. Бизнинг куёничилар сизнинг фермангиз билан мусобақа ўйнаган...

— Ижронни текширгани келдик, — деб гапга аралашди Маҳмуд.

— Ў-ҳу, иш катта экан-ку! — деди Саттор бу гапларга ишониб.

— Бўлмасам-чи!.. Биз метод алмашгани келдик,— деб давом этди Али.

— Ўзингизни ҳам мактабимизга дўстлик визити билан боришга таклиф этамиз,— деди Маҳмуд.

Бу гапларни эшитиб яйраб кетган Саттор икковларини ичкарига таклиф этди. Боғ мевали дарахтлардан иборат бўлиб, дарахтзор остига беда экиб ташланган, ҳар ер-ҳар ерга гарчи жуда кўпол ва бесўнақай бўлса-да, яшиклар қўйилган, куёнлар ана шу «уйча»ларда бокиларди.

Али оппок, майин жунли, бири-бирдан чиройли куёнчаларга кўзи тушгач, завқланиб кетди.

— Зўр-а! — деди у Маҳмудни туртиб.

— Койил!

— Сизларда она куёндан печта бор? — гап орасида сўради Саттор.

— Хисоби йўқ,— жавоб берди Али.

— Ундай бўлса ферма катта экан-да?

— Жуда катта... Лекин, куёнчаларингиздан бир-иккита бериб турасиз.

— Нега энди?

— Керак-да,— деди мужмалроқ қилиб Али.

— Мумкин эмас,— тушунтирди Саттор,— рансинг печтаи босилган коғоз бўлмагунча ҳеч кимга ҳеч қандай куён берилмайди.

— Ҳеч бўлмаса қисир куёндан битта берасиз! — илтимос қилди Али.

— Қисирдан ҳам бера олмайман!

— Бўлмаса боласидан берасиз.

— Берилмайди дедим-ку, тушунайсизларми? — деди-да, Саттор суҳбат мавзусини ўзгартирмоқчи бўлиб, куёнлар учун ўзи ясаган уйчаларни кўрсатди, қандай қийинчиликлар билан тикка қилганлиги ҳақда гап бошлади.

— Эшингни мунча катта қилмасангиз? — кизиксиниб сўради Али.

— Ичига кириб куёнларнинг тагини тозалаб туриш керак,— деб тажрибасини сўзлади Саттор,— шунинг учун каттароқ қилдим.

Шу пайт Алининг бошига галати бир фикр келиб қолди. У бир амаллаб Сатторни куёнларнинг уйчасига киришти керак деб ўйлади ва:

— Бари бир бу эшикчадан одам сизмайди! — деб эътироз билдирди.

— Сизади, бемалол сизади!

— Сизмайди, вассалом!

— Сизади.

— Сигмайди!!

Саттор энгашиб, секингина уйчанинг эшигидан ичкари кирди. У ўзини ичкарига олиши билан Али уйчанинг эшигини ёпиб, занжирини солиб қўйди.

— Бўғоз куёндан иккита берасизми, йўкми, кейинчалик биз тўртта қилиб қайтариб берамиз.

— Мумкин эмас дедим-ку! — деди Саттор бепарво. — Эшикни очинглар, нафасим қайтиб кетяпти.

— Куён берилмагунча эшик очилмайди.

— Оч дейман!

— Мумкин бўлса дўк урилмаса!.. — деб мазах қилди Али.

Бир чеккада турган Маҳмуд ҳамроҳининг фикрига мана энди тушунди. Лекин, хафа бўлишини ҳам, хурсанд бўлишини ҳам билолмай қолди. Ишкилиб, хунук бўлаётганини сезди, нима учун хунуклигини пайкаб олмай, илжайганича жим тураверди.

— Сўнгги бор айтаман, куён бериладими, йўкми? — катъий қилиб сўради Али.

— Яхшиликча оч! — кичкирди Саттор.

— Шундай қилиб куён берилмайдими, а?

— Мана куён! — Саттор ичкаридан туриб муштини кўрсатди.

Али нарироқда турган сим парчаси билан зулфининг устидан маҳкам ўраб ташлади. Сўнг Сатторнинг дод-войига парво қилмай, бўғоз куёнлар сақланаётган уйчани очиб, бир куёни Маҳмудга қўлтиқлатди, иккинчисини ўзи олиб қочишининг пайида бўлди.

Кўрғондан ташқарига чиккач, атрофга кўз ташлаб олишди, кишлоқ томонда ҳам, адир томонда ҳам ҳеч ким кўринмайди, демак йўл бежавотир.

Улар олди-орқасига қарамай жуда катта тезлик билан югуриб боришарди. Икковлари ҳам терлаб кетишган, югуришга малор қолмаган, аммо қўлга тушиб қолш хавфи куч бағишлаётгандек эди. Бир маҳал Али орқасига ўгирилиб:

— Саттор! — деб кичкирди.

Маҳмуд табиатан кўрқоқ бола эди. Ҳозир ҳам жуда кўрқиб кетди ва пилдираб Алидан ўзиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Бари бир узоқ югуриша олмади.

— Куёни қўйиб юбораман! — деди Маҳмуд нафаси тиклиб.

— Бекор айтибсан!

— Мана қўйвордим бўлмаса! — Маҳмуд хиёл энгаш-

ди-да, кўлидаги куённи ерга кўйиб юбориб, бир нафасда Алидан илгарилаб кетди. Али кўйиб юборилган куённи ташлаб кетгиси келмай, уни ушлайман деб бир-икки минут овора бўлиб қолди. Ушлаб, эндигина чопишга ҳозирланган эди, елкасига оғир мушт келиб тушди.

— Дўстона визит билан аллақачон етиб кептилар-да!— деди Али оркасига ўгирилиб.

— Мана сенга дўстона визит!— Алининг бошига яна бир мушт келиб тушди. Лекин у ҳеч нарса сезмагандек:

— Мумкин бўлса сал секинроқ урсалар,— деб кўйди,— биз ҳам аълочи ўқувчилардан бўламиз, мақтов қоғоз олганмиз.

— Мана сенга мақтов қоғоз!

Алининг бошига, юзига, корнига, қасри ҳимоясиз бўлса, ўша ерга мушт, тепки келиб тушар эди.

— Янглишиб куённи тепиб юбормасинлар! — деди Али ҳамон Сатторни мазах қилиб...

...Ниҳоят Саттор уришдан чарчади шекилли, кўлларини мушт қилиб, тишларини ёғирлатиб, Алига тикилганича, жим туриб қолди. Шу пайт қаердандир Маҳмуд пайдо бўлди. У кўлидаги катта таёқни Сатторга ўқталиб келмокда эди.

— Урма! — деб кичкирди Али.

— Нега урмас эканман. У сени боплаб савалади-ку?

— Бари бир айб ўзимиздан ўтди...

Шундай қилиб, Али билан Маҳмуд куёнсиз қайтишди, қалтак зарбидан Алининг ҳаммаёғи гурра бўлиб кетган эди.

II боб

ЯХШИ НИЯТНИНГ ТУФИЛИШИ

Кунлардан бир кун Али гугурт кутичага битилган «куён гўшти пархез учун муҳим таомдир» деган ёзувни ўқиб қолди.

— Ойи «пархез» нима дегани?— деб сўради у ойисидан. Болалар яслисида мураббиа бўлиб ишлайдиган Дилбар опа бугун уйда қолиб, кир ювиб ўтирган эди.

— Пархез дегани пархез бўлса керак-да, болам! — деб кўя қолди.

— Йўк, ростини айтнинг, пархез нима дегани?

— Масалан, менинг қорним оғрийди, ҳар хил таомларни саялмайман, демак пархезда эканман, тушундингми?

— Ойи, куён гўшти бўлса ермидингиз?

— О, болагинам, куён гўшти отликқа йўк-ку, сен билан менга йўл бўлсин!..

Орадан икки кунми, уч кунми ўтгач, Алининг кўлига яна бир гугурт кутиси тушиб қолди. Унинг юзасига «бир она куёндан йил давомида 50-60 бола олиш мумкин», деб ёзилган эди.

— Ўх-ў, ишлар зўр-ку, ўртоқ Ғозиев! — деб кўйди Али ўзига ўзи. Сўнг хаёлида аллақандай режалар туза бошлади. У ўз режаларига шундай берилиб кетдики, ҳатто дарсда ўтирганида, ўқувчи ўртоқлари ҳам унинг кўзига куёнчага ўхшаб кўрина берди. Дарсдан қайтаётганларида, энг яқин дўсти бўлмиш Маҳмуддан:

— Бир гап айтсам йўк демайсанми? — деб сўради.

— Аввал айт-чи!

— Йўк, аввал сўз бергин.

— Хўп, йўк демайман.

— Агар хўп десанг, — деб гап бошлади Али, — куён олиб кўпайтириб, катта ферма ташкил қиламиз...

— Ие! — деди Маҳмуд ҳайрон бўлиб, — бу гапни мен сенга айтмоқчи бўлиб юрувдим. Қасқдан дарров била қолдинг? Биз, ростини айтсам, жуда орқада қолдик. Дилором билан Анвар гулчилик билан шуғулланяпти, номлари газетада чикди. Ориф билан Шавкат бўлса дурадгор бўлай деб қолди, стол-стул ясаб беришда яслини оталиққа олишган.

— Ўша яслини биз ҳам оталиққа олишимиз мумкин, — деб гапни бўлди Али, — фермамиз катта бўлиб кетса, ҳар кун биттадан куён бериб турамиз...

Ўша кун икки дўст кўйидаги келишув хатини ёзишди:

«Биз ҳар қандай қийинчиликка дуч келсак ҳам, уни енгиб, қуёнчилик фермаси ташкил этамиз. Фермаи ташкил этгач, қишлоғимиздаги болалар яслисини парҳезли гўшт билан таъминлашда оталиққа оламиз. Мақсадга эришгунча ҳамма гапни сир тутушга қарор қилдик.

*Али Ғозиев,
бўлажак қуёнчилик фермасининг мудирини.
Маҳмуд Тоҳиров,
мудирнинг биринчи ёрдамчиси».*

Эндиги гап куёнинг ўзини топнишда қолган. Лекин каердан, қандай қилиб, бу ҳали муаммо эди.

— Тўппа-тўғри бориб колхознинг фермасидан иккита қуён сўраймиз, вассалом,— деди Али узил-кесил қилиб.

— Унда ҳамма билиб қолади! — эътироз билдирди Маҳмуд.

— Билмайди.

— Билади!

— Билмайди, вассалом! — Али кизишиб кетди,— мудар бўлганимдан кейин менга қулок солишинг керак, вассалом.

Эртасига кўрғонга, Эркабобонинг ҳузурига қуён сўраб боришга қарор қилдилар. Икковлари борганда Эркабобо кўрғоннинг дарвозасини очишга очди-ю, лекин болаларни ичкари киритмади. Али: «Биз қуёнларни томоша қилгани келган эдик», деб гап бошлаган эди, Эркабобо: «Мен қишлоққа газетага кетяпман, эртага келинглар», деб жавоб қайтарди. Кейин дарвозага Маҳмуднинг папкасидек келадиган қулфни солди-да, юрганида «гиж-гиж» каби овоз чиқарадиган велосипедига миниб, қишлоқ томонга йўл олди.

— Эртага келинглар, эртага,— деди у яна.

Эртасига икки ўртоқ яна келишди. Бу гап қуруқ келмасдан ҳар бири бир қўлтиқдан газета кўтариб келдилар.

— Бу эски газеталарни нима қиламан?— ҳайрон бўлди Эркабобо.

— Ўқийсиз,— шошилиб деди Али.

— Пионер газетаси-ку, мен чол бўлсам?

— Ҳеч нарса қилмайди, ўқийверасиз,— деб гапга ара-лашди Маҳмуд,— фақат бизга қуёндан кўпроқ берсангиз бўлди.

— Қуён?! — ажабланиб сўради чол.— Қуён ҳеч кимга берилмайди.

— Йўк деманг, жон бобожон, биз ферма ташкил қилмоқчимиз.

Ферма деган сўзни эшитиб, бобо сал юмшагандек бўлди. Катта, гўштсиз қўли билан Алининг сариқ сочлари тўзиб худди маккасўтани эслатиб турган бошини силаб:

— Ростдан-а?— деб сўради.

— Рост!— бараварига дейишди болалар.

Эркабобо катталиги каламушдек келадиган, бир-бирига жуда ўхшаб кетадиган қуён боласини чиқариб берар экан:

— Ўлдириб қўймайсизларми?— дея ташвишланди.

— Йўк, ўлдирмаймиз! — худди қасамёд қилгандек дейишди болалар. Улар қуёнчаларни авайлаб кўтариб эндигина дарвозага яқинлашган эдилар ҳамки, чол аллақандай ташвишли овоз билан:

— Ҳой, бери келинглар! — деб чақирди. Сўнгра бола-

ларнинг қўлидан куёнчаларни қайтариб олди-да, ичкари кириб кета бошлади:

— Ҳлдириб қўясизлар. Сизларга энди ишонмай қўйганман. Биттаси анави Абдуқодир кетмончининг ўгли эди. У деди-бу деди, бошимни айлантириб, иккита куён олиб кетди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас суриштирсам, иккови ҳам ўлиб қолибди. Йўқ, болаларим, сенлар яхши одамнинг боласига ўхшайсанлару, бари бир бера олмайман. Куён керак бўлса, раисдан икки элик қоғоз килдириб келинглар...

Орадан икки кун ўтгач, биринчи бобда тасвирлаб ўтилган воқеа юз берди. Қаҳрамонимиз Аливой боплаб калтак еб олди.

III боб

ИККИ ДЎСТНИНГ КЎЗЁШЛАРИ

Али билан Маҳмуднинг қилган ноҳўя ҳаракатлари жуда қимматга тушди. Саттор уларни қувлаб келганда бўғоз куёнлар сақланаётган уйнинг эшиги ҳам, қўргоннинг дарвозаси ҳам ланг очик қолган эди. Саттор қайтиб келганда аллақачон куёнлар дарвозадан ташқарига чиқиб кетган эди. Саттор бир амаллаб улардан еттитасини топди, холос. Қолган бешта бўғоз куёни кечқурун Эркабобо икковлари чироқ билан қидириб ҳам топа олмадилар, кейин ҳам топилмади.

Эртасига бутун мактабни миш-миш қоплаб кетди. Каттаю кичикнинг оғзида шу гап бўлиб қолди. Алининг Зокирали деган энг яқин дўсти бор эди. Зокиралининг дарсада ухлаб ўтирадиган, энг яхши буюмларини ширинликка алмаштириб сўдиган одати бор эди. Шунинг учун ҳам уни Шоколад деб атади. Шоколад Алини зеҳни ўтқирлиги, шўҳ ва ботирлиги учун яхши кўриб қолган эди. Ҳалиги миш-миш гапларни эшитиб дўстига ачиниб кетди шекилли:

— Али, қолхозининг эликта куёнини қочириб юборганларинг ростми?— деб сўради.

— Рост,— ўйчанлик билан деди Али,— лекин эликта эмас, озрок бўлса керак.

-- Чаток бўпти-да...

— Мен ҳам яхши бўлди деяётганим йўқ,— шундай деб Али юзини тескари ўгириб олди. У ҳеч ким билан гаплашмади ҳам, ўртоқларининг саволларига дурустроқ жавоб ҳам қайтармади. Маҳмуд бўлса жуда шошиб қолган эди. Уялганиданми ёки кўркиб кетганиданми, танаффусда ҳам ташқарига чиқмай Алининг пишиқида ўтираверди.

Шерик, энди нима киламиз?— деб сўради у дўстидан.

— Нима килардик, бўлган гапни очик айтаверамиз-да.

— Борди-ю, мактабдан ҳайдаб юборишса-чи?

Али бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эди. Эшитгач, кўнгли алланечук гаш бўлиб қолди. Ўзига ҳам, дўстига ҳам тасалли бериш мақсадида:

— Хайдзшмайди,— деди қатъий қилиб.

— Бўлажак қуёнчилик фермасининг бўлажак ёрдамчиси ўртоқ Маҳмудвой,— деди Али ҳазилга олиб,— мумкин бўлса бошларини кўтариб оғир минутларда ўзларини дадил тутсалар, бўлиб ўтган воқеа учун жавобгарликни Али Ғозиев ўз бўйнига олади ва дўстини оғир аҳволга ташлаб қўймайди...

Икковлари ҳам хохолаб қулиб юбордилар ва бир-бирларининг елкаларига турта-турта ҳовлига чиқиб кетишаётганларида, секретарь киз «сизларни директор чакиряпти», деб қолди.

— Нима?! — ранги-қути ўчиб сўради Маҳмуд.

— Директор чакиряпти деяпман, эшитмаяпсизми?— таъкидлади секретарь.

Али атрофига караган эди, ўқувчи ўртоқларининг бирови ачиниб, яхши бўлмади-да, дегандек, бирови, ўзларинг жуда шўх эдиларинг, ажаб бўлди, дегандек қилиб қараб турганини кўрди. Али ортидан Маҳмудни эргаштириб ўқувчилар орасидан дадил ўтиб кетди. Икковлари директорнинг кабинетига киришгач, эшитилар-эшитилмас қилиб салом бериб қўйишди. Директор Мухтор Солиевич ёнида ўтирган пионервожатийдан:

— Шуларми?— деб сўради.

— Ҳа, шулар,— тасдиқлади Йўлдошев.

— Хўш, кани сўзласинлар! — деб кесатди директор.

Али ковоғини солиб, ерга қараб олган эди. У каттик хижолат бўлганидан қўлини гоҳ чўнтагига солар, гоҳ чиқариб қоғоз гижимлар, ишқилиб бирон нарса билан овунмокчи бўлар эди.

— Шў гаплар ростми?— такрор сўради Мухтор Солиевич.

Али бошини хиёл кимирлатиб қўйди:

Рост.

Бу қилиқ кимдан чиқди ўзи?

— Яرمىси мендан чиқди! — шошиб-пишиб деди Маҳмуд.

— Сен тирмизак жим ўтир,— танбеҳ берди директор. Сўнг Алига юзланиб яна сўради.— Қуёнларни ўғирлашдан мақсад нима эди?

Али жавоб қайтармади.

— Гапир!

Алидан ҳамон садо чикмасди.

— Тил борми, ўртоқ Ғозиев?

Али бошини баттарроқ солинтириб олди. Шу пайт Маҳмуд тўсатдан кўл кўтариб «гапирсам мумкинми?»— деб сўради.

— Хўш?

— Биз бўғоз қуёнларни яхши мақсадда олиб қочган эдик,— кўрқа-писа гап бошлади Маҳмуд. Сўнгра Алининг кўзларига кўзи тушгач, дудукланиб қолди.

— Нега тутулиб қолдинг, гапир!

— Ҳалиги... илмий мақсадда эди-да, домла...— деб Маҳмуд ўрнига ўтириб олди.

— Эшитяпсизми, ўртоқ Йўлдошев? Пионерларимиз «илмий мақсадда» деб ўғирлик қилишга, колхоз мулкига кўз олайтиришгача бориб етганлар. Сиз билан биз тарбия-тарбия деймизу, аслида план тузишдан нарига ўтмаймиз... Бу икки безорининг қилган иши эртага бутун районда достон бўлади. Ана ундан сўнг мактабнинг сариқ чақаликча обрўси қолмайди. Йўк, бу икковини мактабдан ҳайдаш керак, кейин суд қилиб жавобгарликка ҳам тортамыз... Ҳа, шундай қилиш керак.

Мухтор Солиевич тўсатдан туюкиб кетди. У ғазаб ва ҳаяжонни босиш учун хонада уёқдан-буёққа юрар, гоҳ Алининг, гоҳ Маҳмуднинг олдига бориб, кўрсаткич бармоғи билан дағдаға қилар эди.

— Боринг! — деди у ниҳоят пионервожатийга ўғирлиб,— синф пионерларининг мажлисини чақиринг, бугуноқ уларни муҳокама қилиш керак...

Катта Тағоб қишлоғининг пионерлари ҳар қандай иш қўлидан келадиган азамат болалар эди. Пайти келганда жуда шўх бўлишади, ўзларини ўтга ҳам, сувга ҳам уришади, пайти келганда мўмин қобил, ақлли бўлиб қолишадикки, кўрган кишининг хаваси келади. Улар ўйин-қулгини, плм ўрганишни, мактабдаги тўғарақларга қатнаб бирор хунарнинг пайдан бўлишни ҳам жойига кўяр эдилар. Аммо, ўғирлик билан ёлғончиликни эса ҳар нарсадан ҳам ёмон кўришарди. Мана бугун Али билан Маҳмуд ўғирлик устида қўлга тушишди, ёлғон гапириб бировни алдашди. Хўш, бунига нима дейиш керак?

Тўғри, Али хушчақчақ, қизикчи, аълочи ҳам, у кўшни мактаб билан мусобақа бўлганда югуришда биринчиликин олиб, мактабнинг шуҳратини оширган. Районда

бўлган фестивалда кизикчилик қилиб, ҳамманинг ичагини узган.

Махмуд-чи? Уни ким ёмон дея оларди? Ўзи аълочи бўлса, ортда қолган ўртоқларига астойдил кўмаклашса, қани айтинглар-чи, биринчи синфдан бўён деворий газетанинг лоақал бирор сони Махмуднинг иштирокисиз чиққанми? Йўқ, албатта! Деворий газетадаги чиройли, энг кизик расмларни ким чизарди? Махмуд, албатта...

Катта тортишувлар билан ўтаётган пионерлар мажлисида ана шундай гаплар айтиларди.

— Энди... ўртоқлар, мен айтмоқчиманки,— деди Шоколад сўзида давом этиб,— Али меннинг энг яқин дўстим эди. Гапнинг очиги, у менга кўп яхшиликлар қилган...

— Шоколад ҳам бергандир?— деб сўради кимдир.

— Тўғри... шоколад ҳам берган, лекин шунга қарамасдан... айтмоқчиманки...

— Тезроқ айтсанг-чи, нафасим қайтиб кетди! — деди халиги овоз яна.

— Айтмоқчиманки, у ўз қилмишига яраша жазолансин... Пионердан ўчирилишига мен қарши эмасман.

— Тўғри, иккови бутун мактабни шарманда қилди.

— Пионерликдан ўчириш керак!

— Мактабдан ҳам ҳайдалсин!

— Йўқ, мактабда қолсин!

— Жим ўтирсанг-чи!

— Нега жим ўтирарканман, шундай яхши болалар бекордан-бекорга ҳайдалиб кетаверадими!

— Овозга қўйилсин!

Синфда ҳар хил гаплар кўпайиб кетгач, Мухтор Солиевич мажлис раисидан сўз олиб ўрнидан турди. Синф сув куйгандек жимиб қолди.

— Ўқувчилар, сизлардан жуда хурсанд бўлдим, раҳмат сизларга,— деди директор,— ёлгон сўзлаб бировни алдаш, қолхоз мулкига кўз олайтириш — бу энг ёмон одатлар. Сизлар бугун Али билан Махмудни каттик фош қилиб ташладиларинг, сизлар кимки ёлгон сўзласа, кимки ўғирлик қилса, ундай кишидан воз кечишга тайёрсизлар, баракалла! Пионер деган ана шундай бўлиши керак. Лекин мен сизлардан бир нарсани сўрамоқчиман: айб қилиб қўйган дўстларимизни қўлидан етаклаб кўчага чиқариб ташлайверсак, синфимизда бирон ўқувчи қолармикин? Мен Али билан Махмудни пионердан ўчирганимиз ҳам етар, уларни мактабдан ҳайдамайлик демокчиман...

Али билан Махмуд олдинги партада бошларини солини-

тирганча, йнгламсирагандек ўтиришарди. Директорнинг таклифини эшитгач, Махмуд ялт этиб шеригига бир каради-ю,— яна бошини солинтириб олди.

Али кўзини юмиб олган эди. У «килмишимизга яраша жазоланишимиз керак, фақат Махмудга жабр бўлгани ёмон бўлди-да», деб ўйлар эди...

Мажлис икковини ҳам пионердан ўчиришга, лекин мактабда қолдиришга қарор қилди.

Махмуд масалага тушунмай ўтирган эканми, ёки «бизни кўрkitиш учун мажлис қилишяпти», деб ўйлаган эканми, бўйнидан галстукни ечиб олаётганларида бўлаётган ишнинг чиппа-чинлигига ишонди шекилли, хўнграб йнглаб юборди. Али гарчи Махмуддан кўпроқ хафа бўлган бўлса-да, кўзига ёш олмади. Фақат уйига борганида ойиси «нега кеч қолдинг, нега хафа кўринасан?»— деб сўрагандагина, бошини меҳрибон ойисининг иссиқ кўксига қўйиб пиқиллаб йнглаб юборди.

— Ойи, ойижон, мени пионердан ҳайдашди.

IV боб

ПРОФЕССОРНИНГ СОВҒАСИ

Али бир неча кунгача рухан азоб чекди, ҳатто тунларни ҳам уйқуси кочиб «жуда чаток иш бўлди-да», деб шивирлаб кўярди. Мана бугун ҳам анча маҳалгача ухлай олмади. Гоҳ уёғига, гоҳ буёғига ағанаб ётди... Ниҳоят кўзи уйқуга энди илинган ҳам эдики, кулогининг остида ўқувчилар кичкириб юборишди:

— Мактабдан ҳайдаш керак, ҳайдаш керак!

Али чўчиб уйғониб кетди. Қараса атрофида ҳеч ким йўқ. Нарироқда укаси пишиллаб ухламоқда. Яна бошини ёстикка қўйиб кўзини юмди. Кейин галати-галати тунлар кўра бошлади. Қуёнларининг сони икки юзу элликтага етган эмишу, ҳаммасини велосипеднинг орқасидан югуришга ўргатган эмиш. Али адир томондан қуёнларини боқиб велосипеднинг ортидан эргаштириб келаётган эди, йўлда Эркабобо учраб:

— Ўғлим, жон ўғлим, қуёнингдан иккитагина бериб кет! — деб илтимос қилиб қолди.

— Боласиданми ё онасиданми?

— Иложи бўлса, бўғозидан бера қол.

— Олинг, иккита эмас, тўртта ола қолдинг,— деб Али нарига борган эди, кўлига катта таёқ ушлаган Сатторга дуч келиб қолди.

— Ҳа ҳа, кўлга тушар экансан-ку,— деди у Алига ҳам-ла қилиб,— менинг қуёнларимни қаёққа олиб кетяпсан?!

— Сеники эмас. Яслига қарашли қуёнлар бу!— деб бақирди Али. Сўнг ўзининг овозидан ўзи уйғониб кетди-да, ойнадан:

— Менинг қуёнларим қани?— деб сўради.

— Қанақа қуён?!

— Ахир, ҳозир шу ерда юрувди-ку! — деди Али уйқу-сираб.

У тунларини ана шундай уйқусираб ўтказадиган бў-либ қолди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Маҳмуд кўрка-писа гап бошлаб қолди:

— Шерик, мана бу китобни ўқидингми?

— Йўқ,— бепарвогина деди Али.

— Ўки, ҳаммасини ўқиб чиқ,— деб илтимос қилиб туриб олди Маҳмуд. Али ўша куни китобни ўзи билан уйга олиб кетди.

Китобда зоология фанлари доктори, машҳур профессор Хаким Орипов «Ўзбекистон шароитида «Оқ паҳлавон» номли зотли қуёнларни етиштириш мумкинлиги» ҳақида ёзган эди.

— Кел, ана шу профессорга хат ёзиб қуён сўраймиз,— таклиф қилди Али.

— Берармикан?— иккиланиб деди Маҳмуд.

— Беради!

— Бермаса-чи?

— Беради, вассалом!

— Тўхтаб тур,— тўсатдан бўшашиб деди Маҳмуд,— Мухтор Солиевич билиб қолса нима қиламиз?

Али ҳам ўйлағиб қолди... Рост, директор билиб қол-са нима бўлади? Умуман, профессорга хат ёзиш одобсизлик бўлмасмикан?! Нима бўлса ҳам профессорга хат ёзиб қуён сўрашга қарор қилишди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Тошкентдан қуйидаги жа-воб хати олинди:

«Ҳурматли Ғозиев ва Тоҳиров ўртоқлар! Қуёнчилик фер-маси ташкил этиб, парҳезли гўшт билан таъминлашда бола-лар яқлисини оталиққа олмоқчи бўлиб яхши ташаббус бош-лагансизлар. Бу ташаббусни чин юракдан табриклайман. Районларингиздан келиб ўқийдиган студент Имомов орқали икки қуён бериб юбордим. Қуёнларни олгач, гоят эҳтиёткор-лик билан парвариш қилинглар, чунки Украинадан келтирил-

ган бу қуёнлар «Оқ паҳлавонлар» деб аталиб, Ўзбекистон шароитига ҳали бутунлай мослашмаган. Ҳозирча фақат бизнинг зоология боғимиздагина парвариш қилинмоқда, холос. Шунинг учун кундалик ёзиб, «Оқ паҳлавонлар»нинг ўсиши, кўпайиши, шароитга қандай мослашиб бораётганлиги ҳақида батафсил ёзиб боринглар, хайрли ишларингизга чексиз муваффақиятлар тилаб қоламан.

Х. Орипов.

Али район марказига кетган эди. Орадан етти кун ўтгач, келса, студент Имомов ваъда қилинган қуёнларни ташлаб кетибди. Қуёнларнинг бири эркак, иккинчиси урғочи бўлиб, профессорнинг китобида келтирилган суратларга жуда ўхшаб кетарди.

— «Оқ паҳлавонлар»нинг ўзи!— деди Али севинганидан чапак чалиб,— ўзи, ойижон, эшитяпсизми? Худди ўзгинаси!!!

Қуёнларнинг иккови ҳам семизгина, оппоқ, майин жунлари қуёшнинг нурида товланиб кўзни қамаштирар эди. Иккови ҳам жуда ҳуркак экан. Яшнқчалардан чиқиб кетгудек бўлиб уришишарди. Али аввалига жуда севиниб кетган бўлса ҳам кейин, тўсатдан кўрқиб кетди.

— Борди-ю, ўлдириб қўйсак-чи?

Али кадрдон дўсти ва маслаҳатчиси бўлмиш Маҳмуднинг олдига югурди.

V боб

РОБИЯ ХОЛА ДОЯ БУЛДИ

Икки кундирки дўстларнинг маслаҳати бир жойга қарор топмайди. Қуёнларни Алиларнинг уйида боқаверайлик дейишса, Алининг ойиси ҳеч кимга айтмаса ҳам укаси Салим сирини ҳаммага ошкор қилиб қўйиши мумкин. Маҳмудларникига олиб боришмоқчи ҳам бўлишди, лекин ойиси «агар қуён олиб келадиган бўлсанг, ўзингни кўшиб кўчага ҳайдайман», деб гапини тамом қилиб қўя қолди. Қуёнларга уйча ясашда ёрдам берар деб Шоколадни ҳам махфий қуёнчилик фермасига аъзо қилиб олишган эди. Қуёнларни ўшаларникига олиб боришмоқчи бўлишган эди.

— Бўлмайди,— деб эътироз билдирди Шоколад,— мен бир кунмас бир кун уларни ширинликка алмаштириб сб

қўйишим мумкин. Ҳозир магазинда шоколад кўпайиб қолган. Менимча, уларни очик бокаверганимиз маъқул...

— Эсингни едингми?— деди Маҳмуд ўзидан ўзи чўчиб.— Қуён билан шуғулланишимизни Мухтор Солиевич билиб қолсалар, мактабдан ҳайдаламиз-а!

— Топдим!— деди Али тўсатдан жонланиб.— Топдим. Робия холаникида боқамиз. Робия холаникида! У бизни жон-жон деб қабул қилади.

Робия хола ёлғиз яшарди, унинг икки азамат ўғли Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган, эри Нусрат бобо ҳам ўтган йили вафот қилган. Бунинг устига холанинг кўзи ҳам хира-лашиб кечаси юра олмайдиган бўлиб қолди. У гоҳо кун бўйи кўча эшик олдига чиқиб маъюс ўтиради, гоҳо қариндошлариникига бориб, икки-уч кунлаб қолиб кетарди.

Али Робия холанинг жуда кўп юмушларини қилиб берган. Хола ҳам уни ёқтириб қолган, икки-уч кун кўрмаса атайлаб бировдан айтқизиб юборарди.

Алининг бу таклифи дўстларига маъқул тушди.

— Холанг ошкор қилиб қўймайдими?— деб ташвишланди Маҳмуд.

— Йўқ, биз холамнинг ўзини ҳам фермамизга махфий аъзо қилиб оламиз...

Етмиш яшар кампирнинг фермага аъзо қилиб олиниши жуда қулгили эди. Шоколад шараклаб қулиб юборди. Лекин Алини хафа қилиб қўймади учун:

— Холамга қандай иш берамиз?— деб сўради.

— Туғруқхона бошлиғи бўлади,— деди Маҳмуд,— нега куласан? Сенга факат қулги бўлса-да! Мана бу китобда қуёнлар учун махсус туғруқхона ташкил этиб, алоҳида жиҳозлаш керак, дейилган, билдингми!

Болалар қуёнлар солинган яшиқларни жуда эҳтиётлик билан қопларга жойлаб, кўчага чиқишаётган эди, орқаларидан Алининг укаси Салим ҳам эргашиб қолди.

— Сенга йўл бўлсин?

— Робия холамникига.

— Қани уйга кириб кет-чи!

— Қирмайман.

— Қир деярман,— муштини кўрсатиб деди Али.

— Ҳамма гапларингни эшитиб турувдим, боравераман.

— Хали шунақами?— Али укасини урмоқчи бўлиб олдинга ташланган эди, Салим қочиб ичкарига кирди-да, эшикни беркитиб, ўша ердан туриб бақирди:

— Профессордан қуён келганини мактабга бориб айтиб бераман!

— Олиб кетмасак бўлмайдиганга ўхшайди,— кўркиб деди Маҳмуд.

— Бор, туфлигингни кийиб чик!— деб буюрди акаси...

Робия хола кўрпа-тўшак қилиб ётиб олган экан. Болаларнинг саломига алик ҳам олмай, бошнини эришибгина кимирлатиб қўя қолди. Ўрнидан ҳам турмади.

— Тобингиз йўкми, холажон?— секин сўради Шоколад.

— Совқотиб турибман, болам.

— Ҳовлингиз жуда ифлос бўлиб кетибди-ку, холажон? Битта-яримтаси супуриб ҳам бермапти-да,— деб кўнгил сўради Али.

— Ҳамма ҳам ўзидан ортмай қолган,— шикоят қилгандек деди хола.

Али холанинг ана шундай жавоб қилишини кутиб турган эди. Дарҳол Маҳмудга ҳовли супуришни буюрди, ўзи ўтин ёришга тушиб кетди. Шоколад пақир олиб сувга югурди. Ҳатто тирмизак Салим ҳам четда қолмади — хокандоз келтириб, инқиллай-инқиллай ўчокнинг кулини тозалади.

— Умрларинг узок бўлсин, кўзичокларим,— деб дуо қилди Робия хола. Сўнг бир амаллаб турди-да, ташкарига чикди. Ҳовли чиннидек яраклатиб супурилган, ўтинлар ёрилиб, бежирим таҳланган, пақирларда тўлатиб сувлар келтирилган эди. Бир неча кундан буён ҳеч ким кирмай, эгаси кўчиб кетган ҳовлидек хувиллаб ётган даргоҳ гўё бир нафасда жонланиб кетгандек бўлди. Холанинг ўзини айтмайсизми, кечадан буён ҳалок бўлган ўғилларини ва чолгинасини хотирлаб, хўрлиги келиб юм-юм йнглаб ётган эди. Мана энди бўлса, «уши қил, бунн қил», деб болаларга иш кўрсатиб юрибди.

— Холажон, кичкинагина илтимосчамиз бор эди. Аввал ҳеч кимга индамайман деб сўз бернинг, кейин айта-миз,— деб гап бошлади Али.

— Ҳа, ана сўз бердим,— деди Робия хола болаларни хафа қилиб кўймаслик учун.

— Чин пионерлик сўзингизми?— деб ҳазил қилди Шоколад. Робия холанинг кайфияти ҳозир жуда яхши эди. Шунинг учун ҳазилга ҳазил қилиб жавоб қайтарди:

— Ҳа, болам, чин кампирлик сўзим...

Али ўз мақсадларини Робия холага бирма-бир сўзлаб берди.

— Бунинг тагида бошқа гап бўлмасин тагин?— шонқирамай сўради хола.

— Йўқ, ҳеч гап йўқ, холажон!— дейишди болалар

бир овоздан,— фақат биз ўз совғамизни ҳеч кимга сездирмасдан тайёрламоқчимиз-да!

Робия хола куёнларни бу ерда боқишга розилик берибгина қолмасдан бутун бошли молхонасини ҳам болаларга инъом қилиб юборди.

Лекин молхона бир неча йилдан буён мол асралмагани учун бўлса керак, у қукунхонага айланиб қолган эди. Уни тозалаш учун бир неча соат вақт сарфлашга тўғри келди. Робия хола ўша кунни болаларни хурсанд қилди: куёнчиларга уйчалар ясаш учун керагича тахта, занглаган бўлса ҳам, бир ҳовуч миҳ топиб берди.

— Шундай қилиб, холажон, энди сиз ҳам бизнинг фермамизга аъзо бўлдингиз,— дейишди болалар.

— Иккита куён ферма бўлиб қаёққа борсин,— деди хола ярим ҳазил, ярим чин қилиб.

— Хали шошмай тулинг,— мақтаниб деди Маҳмуд,— фермамиз шунақанги кўпайиб кетсинки, бутун дунёнинг хаваси келсин.

Робия хола ҳалидан буён куёнларга яқин келмаган эди, нимадир баҳона бўлди-ю, уларга яқинлашиб, Шоколад ясаган кўпол уйчаларга тушунолмай, бурчакка қисилишиб олган куёнлардан бирининг момик, юмшоқ жунларидан силаб, «жонивор, бирам чиройлиқки!»— деб қўйди. Иккинчи куённи қўлига олиб уёқ-буёғини кўраркан:

— Али, бунинг бугун-эрта тугай деб турипти-ку!— деб болаларни севинтириб юборди,— ҳатто эртага қолмайди, бугуноқ тугади, мана, мени айтди дейсан.

Хола янглишмаган экан, ўша кунни кечаси она куён бирийўла ўн бир бола туғиб берди.

VI боб

ФАЗИЛАТ

Синф раҳбари Санобар Қосимжоновнанинг галати одатлари бор. Ўқувчилар унинг на қулганини, на йнглаганини кўришган. Ҳеч кимга каттик ҳам гапирмайди, эркалатиб ҳам юбормайди, у нимани яхши кўради, нимани ёмон кўради, бунни ҳам тушуниб бўлмайди. Дарсни эса шунақанги усталик билан бошлаб юборадики, ҳеч ким сезмай қолади.

Мана, бугун ҳам худди шундай бўлди. План бўйича дарс бошлашдан аввал тарбия темасида суҳбат ўтказмоқчи эди. Кимдир: «Фазилат нима?»— деб сўраб қолди. Санобар Қосимжонова фазилат деб кишилардаги қандай сифатлар-

ни аташ мумкинлиги ҳақида яхшилаб тушунтирди-да: «Қани пионернинг фазилати нимада экан?»— деб сўради.

— Аъло ўқишда!— деди бир ўқувчи.

— Мехнатсеварликда,— деди бошқаси.

— Ўзидан каттани ҳурмат қилишда,— деди учинчи ўқувчи.

— Жамият учун фойда келтириш,— деди у ўрнидан хил кўтарилиб, сўнг яна ўтирмакчи бўлган эди, муаллима тўхтатди.

— Шошма, сенга савол бермакчиман. Қани айт-чи, пионер ростгўй ҳам бўлиши керакми?

Санобар Қосимжоновнинг бундай дейишида ҳам жон бор эди. Сўнгги икки-уч ойдан бери Али, Маҳмуд, Шоколадлар жуда пичир-пичир қилиб гаплашадиган, гоҳо аллақайларга йўқ бўлиб кетадиган одат чиқариб олишган. Баъзан бир-икки соатлаб дарсга ҳам келишмайди, қаёқда қолдиларинг, деб сўрашса, ҳаммалари елкаларини қисишади.

— Нега жим турасан, гапир!— деб қистади Санобар Қосимжонова.

— Албатта, пионер ростгўй ҳам бўлиши керак,— шошилиб деди Шоколад.

— Қани, айт-чи, орамизда ростгўй бўлмаганлар ҳам борми?— сўрашда давом этди муаллима.

— Ростгўй бўлмаганларми?.. Ҳозир... энди опа...— деб Шоколад дудукланиб қолди. У кўзи билан Алининг кўзларини ахтарар эди. Ниҳоят, нигоҳлари дуч келгач, Шоколад сирини очаверсам майлими, дегандек бир ишора қилди. Али ўзлари қилаётган ишни, гарчи ғоят махфий бўлса-да, жуда фойдали ва хайрли иш деб билар, шунинг учун бунини сир тутиш ёлгончиликка кирмайди деб ҳисоблар эди. У дўстига тилингни тий, дегандек ишора қилиб қўйди. Шундан сўнг Шоколад дадиллашиб:

— Йўқ,— деди муаллимага,— орамизда ёлгончи борлигини мен билмайман.

Шу пайт Алининг укаси Салим синфнинг эшигини қия очиб:

— Ака! Ака!— дея шовқин солди,— она куён яна тугди. Тўққизта тугди! Тўққизта-а-а!

Кўпчилик ўқувчилар орақасига ўгирилган эди, эшик тартиллаб ёпилди. Бу овоз кимники эди, нима демоқчи бўлди, ҳеч ким англай олмай қолди.

«Тугибди!» деб пичирлади ўзига-ўзи Али, сўнг шу баҳона бўлди-ю, яна куёнлар ҳақида ўйлай кетди. Махфий ферманинг куёнлари ҳозир 20 дан ошиб кетган, она куён

яна туғибди, яна беш бўғоз куён бор. Агар уларнинг ҳаммаси туғиб берса борми... Умуман энди, гўшт учун бокиладиганларни ажратиш керак. Лекин уйча ясаш учун тахта йўқ. Хўш, тахтани каердан топса бўлади, кимга илтимос қилиш керак... Ундан кейин хашак масаласини ҳам тезроқ ҳал қилмаса бўлмайди. Куёнлар оч.

Али ўйлашга берилиб кетиб, тарбия соати тугаб, дарс бошланганини ҳам пайкамай қолди.

— Қани, Ғозиев, сен айт-чи?!— деб сўради Санобар Қосимжоновна.

Али худди уйқудан уйғонгандек бир чўчиб тушди ва:

— Нимани?— деб сўради.

— Мен энг кейин нима дедим?

— «Мен энг кейин нима дедим» деб сўрадингиз.

Синфда гуруллаб кулги кўтарилди. Санобар Қосимжоновна ўз одатига кўра, босиқлик қилиб, кулгига кўшилмади. У осойишталик билан говурни босиб:

— Қани, айт-чи, ўзбек тилида нечта келишик бор экан?— деб саволини аниқроқ қилиб берди.

— Саккиз миллионга яқин,— шартта жавоб берди Али.

Синфда яна кулги кўтарилди. Бу гал кулги узоқроқ давом этди. Ҳатто кизик гап айтдим шекилли, деб Алининг ўзи ҳам кулиб юборди.

— Сабаб?— босиқ овоз билан сўради муаллима.

— Чунки,— деб тушунтирди Али,— чунки, Ўзбекистонда саккиз миллионга яқин аҳоли бўлса, биттадан келишик тўғри келганда ҳам...

— Ўтир!— буюрди ўқитувчи,— қани, шу саволга ким жавоб беради?

Кўл кўтармаган бирон ўқувчи қолмади. Али шундай ўсал бўлдики, шундай уялдики, кочгани жой тополмай қолди. Сўнгги пайтларда кўёнларга берилиб, дарслардан умуман бўшашиб кетган. Лекин, мана ҳозиргидек шарманда бўлиш ҳаёлига ҳам келмаган эди.

Муаллима Алини дарсдан сўнг олиб қолди ва бунчалик бўшашиб кетишининг сабабини суриштирган бўлиб:

— Кучинг етмаяптими, бирорта ўқувчини бириктириб кўяйликми?— деб сўради.

— Йўқ, раҳмат, опа!— деди Али баттар уялиб.— Энди бутунлай ўзгараман, яхши ўқийман. Ростини айтсам, опа... ха, майли, кейин айтарман, ишқилиб яхши ўқийман, васалом.

Санобар Қосимжоновна Алини аълочи бир ўқувчига — Мурод Шодмонов деган болага бириктириб қўйди. Лекин

Алининг бу билан ҳам ўзгармаслигини синф раҳбари сезиб турарди. Али муаллимага аллақандай сирни айтмоқчи бўлиб икки-уч бор чоғланди, айтолмади. Бола нимани айтмоқчи бўлди экан, нега ўз синф раҳбарига, муаллимасига ишонмас экан? Зўрлаб билиб олиш керакми? Алининг иродасига зўрлик билан таъсир қилиб бўлармикан? Йўқ, яхшиси яна кузатиш керак.

Уша куни синф раҳбари ўз кундалик дафтарига ушбу сатрларни қайд қилди:

«Чоршанба. Али билан суҳбатлашдим. Пионердан ўчирилгандан буён ўртоқларига қўшилмайдиган бўлиб қолган. Доим хаёли паришон, ўйчан. Пионернинг фазилати ҳақида гап борганда бошини эгиб олди. Уялганидан терлаб кетди. Мактабдан ташқари нима биландир банддек кўринади. Ёмонлик кўчасига кириб кетмаса бас. Кузатишим, фақат кузатишим керак. Қуён ўғирлаб, пионердан хайдалиши ҳам менинг айбим билан бўлди. Ҳа, мен уни яхши кузата олмадим...»

VII боб

КЕЧИРАСИЗ, ФЕРМА КИМНИКИ?

Мамажон ака колхоз қуёнчилик фермасини ривожлантириш ҳақида кўп қайғурди, қуёнларнинг зотини яхшилаш тўғрисида тинмай бош қотирди, қуёнчиликка оид китобларни ўқиб чиқди. Бир куни тасодифан Ҳаким Ориновнинг қуёнчиликка оид китоби мудирнинг қўлига ҳам тушиб қолди. Китоб билан танишиб чиққач, Мамажон ака колхоз фермасига ана шу «Оқ паҳлавонлар»дан олиб келишга қарор қилиб, шаҳарга жўнади.

У профессор Ориновни зоология боғида учратди. Паст бўйли, ориққина, сочлари ошпоқ оқариб кетган бу олим киши билан сўзлашганида киприкларини ширширатиб нима учундир доимо кулимсираб турар экан.

— Хўш?— деди у ферма мудирин билан танишгач.

— Сиздан ёрдам сўраб келдим.

— Бош устига...

Профессор Мамажон аканинг қасрдан, нима мақсадда келганини эшитиб, тўсатдан хушёр тортиб:

— Шошманг, шошманг,— дея аллақандай дафтарчани варақлади.— Сиз, «Коммунизм» колхозининг Катта Тағоб кишлоғидан бўлсангиз Али Ғозиев билан Маҳмуд Тохиров-

ларни танирсиз? Қалай, куёнлари ўсяптими? Сиз улардан хабар олиб турибсизми, ёрдам бeryапсизми?

Профессор шундай серсавол эканки, асти қўяверасиз. Бир нафасда ферма мудирини ҳар хил саволларга кўмиб ташлади.

— Оббо боласи тушмагурлар-ей,— деб давом этди у,— улар хат ёзишга шунақанги устаки, асти қўяверасиз. Айтгандек, ўқишлари қалай, куёнларни деб ўқишларини ташлаб юборишмадимиз?

Профессор ниши бошидан ошиб ётган бўлса ҳам, Мамажон акага ўзи раҳбарлик қилаётган зоология боғини томоша қилдирди, Ҳаким Орипов сўнгги ойларда салқин хаволи Украинада ўсадиган «Оқ паҳлавонлар» зотли куёнларни иссик — Ўзбекистон шароитига мослаштириш устида иш олиб бормоқда эди.

— Келажакда,— деб киприкларини пирпиратиб давом этди профессор,— республикамизда куёнчилик «Оқ паҳлавонлар» базасида ташкил этилиши керак эди. Биз бутун республикани ана шу сергўшт, сержун куёнлар билан таъминлашимиз даркор эди, лекин афсус, минг афсуски, бизда қолганлари ўлиб кетди. Нима сабабдан ёппасига ўлиб кетишини ҳалигача аниқлай олганимиз йўқ. Эхтимол, бизнинг иссик шароитимизга бутунлай мослашиб етмагандир, эхтимол, куёнларда ҳали биз ўрганиб етмаган касалликлар мавжуддир. Нима сабабдан Али билан Маҳмуднинг қўлидаги куёнлар ўлмай қолган, буни махсус ўрганишга тўғри келади. Сиздан илтимос, кишлокқа қайтиб, куёнларни ўз контролингиз остига олинг. Мен шахсан бориб уларнинг қандай шароитда ўсаётганлиги билан танишиб келмоқчиман...

Мамажон ака кишлокқа қайтгач, Алини топиб, ундан: «Куёнлар қаерда, мен бориб кўриб келаман», деб сўради. Тўсатдан берилган савол Алини доводиратиб қўйди.

— Қанака куён? — деди у ўзини гўлликка солиб.

— Профессор Ориповдан олинган куёнлар.

— Уларми, улар... — Али ўйланиб қолди. Сирини ошкор қилса, дўстлари олдида уятли бўлади. Ундан сўнг директор эшитиб қолса, ким билади... мактабдан хайдаб юбориши мумкин...

— Гапир, тезроқ гапир! — деди Мамажон ака қистаб.

— Ўлган...

— Ўлган?!

— Бўлмасам-чи, ҳалигача юрармиди?

— Елгон сўзлаяпсан. Профессорга «куёнларимиз 20-

дан ошиб колди», деб ёзган хатингни ўз кўзим билан кўрдим.

— Хат ёзганимдан кейин ўлган.

— Ҳаммаси ўлдим!— бўшашиб, шаштидан қайтиб сўради ферма мудирини.

— Ишқилиб ўлди-да,— мужмалроқ қилиб деди Али.

— Яхши бўлмапти, укам. Бу қуёнлар республика аҳамиятига эга бўлган қуёнлар эди. Кейинчалик бутун республикага тарқалиши мумкин эди...

Мамажон ака қуёнларнинг ёппасига ўлиб кетганига даров ишониб қўя қолмади, чунки Салим деярли ҳар кунни фермадан қўлтиғига қисиб беда олиб келарди. Кунлардан бир кун ферма мудирини уни яна бир қучоқ беда олиб келаётган ҳолда учратиш қолди.

— Салимжон, бедани қаердан олиб келяпсан?— сўради Мамажон ака.

— Фермадан.

— Қаёққа олиб борасан?

— Робия холаминикига.

— Робия холамининг беда ейдиган моли йўқ эди-ку.

— Ишқилиб керак-да.

— Ростини айт, бедани нимага берасан?

Салим жавоб бериш ўрнига қўлтиғидаги қуруқ бедани ерга қўйди-да, гизиллаб қочиб қолди. Ферма мудирини ҳарчанд чакирса ҳам орқасига ўгирилмади. У йўл-йўлакай йиглаб борарди. Мамажон ака ҳайрон бўлиб йўлида давом этди. Лекин кўп ўтмай орқасига қараган эди, қайтиб келиб бедани олиб кетаётган Салимга кўзи тушиб қолди. Салим Робия холаминикига кириб кетди. Мамажон ака эртасига келиб қуёнларни худди шу ердан тонди.

Робия хола почтага пенсия пулини олгани кетган эди. Махфий қуёнчилик фермасининг аъзолари далага, қолхоз ўтган йилги сабзи эккан пайкалга сабзи хазанак ахтариб кетишган эди.

Мамажон ака эшик берк бўлгани учун устидан ошиб тушди. Уёқ-буёққа қараб қуёнларни топмади, лекин қутилмаган нарсаларга дуч келди. Кираверинга доска осиб, устига: «Қуёнчилик фермасининг витринаси» деб ёзиб қўйишибди. Витрина ёнида профессор Ориповдан олинган икки хат, унинг китоби ва қуёнчиликка оид яна бир неча китобчалар қўйилган. Жилдига «Қундалик» деб ёзилган дафтарчага икки бойлаб девордаги миҳга осиб қўйишти. Мамажон ака қундаликнинг биринчи бетини очиб ушбу сатрларни ўқиди:

«Қарор № 1

1. Бугундан бошлаб махфий қуёнчилик фермасига асос солинди деб ҳисоблансин.

2. Вазибалар мана бундай тақсимлансин:

Али — ферма мудир.

Робия холам — қуёнларга доя.

Маҳмуд — секретарь.

Шоколад — бош дурадгор.

Салим — хашак тайёрлаш бўйича экспедитор.

3. Кундаликни ёзиб бориш ўз илтимосига кўра Маҳмудга топширилсин.

4. Махфий қуёнчилик фермасининг сирини ошкор қилган киши, қаттиқ дўппослансин ва фермадан ҳайдалсин.

Мажлис раиси (А. Ғозиев).

Секретари (М. Тоҳиров)».

Витринанинг тепасига: «Она-Ватанга мўл-кўл куён гўшти етказиб берайлик» деб шиор ёзиб қўйишибди.

— Қойил!— деди ферма мудир завкляиб. Сўнг бошқа нарсаларни титкилаб ўтирмай чорвок томонга ўтди. Ўтди-ю, куёнларга кўзи тушгач, хангу манг бўлиб қолди. Ана, куён деган ана шундай бўлса! Хар биттаси ўзимизнинг росмана эчкидек келади-я! Айниқса, анави куёнлар учун ясалган уйчаларнинг бежиримлигини айтмайсизми!

Хар бир уйчада сув қуйиладиган, хашак солинадиган, ётиб ухлайдиган бўлимлар қилиб қўйилган. Бир уйчада она куён яқиндагина туккан болаларини бағрига олиб, яйраб ётибди. Нарроқдаги бир хонада эркак куён боқилмоқда. Шунақанги семириб кетинтики, ёрилай дейди.

Хар бир уйчага дафтар осиб қўйилган. Дафтарга куённинг туғилган вақти, жинси, кимга биркитилганлиги, биологик ўзгаришлар қайд қилиб борилган.

— Қойил!— деди Мамажон ака, бу ердаги тартибдан мамнун бўлиб,— лекин куёнларни ўлдириб қўйишмасин-да, қандай бўлмасин бола, бола-да! Тажрибалироқ кишига олиб берсаммикин?

Шу пайт кўча эшикни кимдир тақиллатиб қолди. «Кўлга тушдим-ку!»— деб ўйлади Мамажон ака ва эшикни очгач, хурсанд бўлиб кетди. Санобар Қосимжоновна келган экан.

— Ие, ха?— деб сўради муаллима.

— Ўқувчиларнинг фермасини кўргани келдим,— деб тунтирди ферма мудир,— лекин азаматлар бошлашибди. Санобар Қосимжоновна бу ерда қуёнчилик фермаси бор-

лигидан мутлако беҳабар эди. У мактабда ташкил этилаётган кўргазмага Робия ҳоланинг Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ўғилларнинг расмларини сўраб келган эди.

— Ферма? Қанақа ферма?— деб сўради муаллима.

Мамажон аканинг назарида Санобар Қосимжоновна ўзини гўлликка солаётгандек туюлди.

— Камтарлик ҳам эви билан-да, олажон!— деб пичинг қилди ферма мудирини.— Қани юринг, бир бор кўрдим, яна бир марта кўрсам зарар қилмас...

Опа Алиларнинг пичир-пичир қилишларининг сабабига мана энди тушунди. Профессор Ориповдан келган хатларни ўқиб, Мамажон аканинг «Оқ паҳлавонлар» республика бўйича фақат Алиларнинг кўлида қолди, деган гапларини эшитиб, негадир, болалар учун, уларнинг олдидаги жуда катта масъулият туфайли опа ташвишланиб қолди.

— Менимча, куёнларни болаларнинг кўлидан олиш керак,— деб қолди тўсатдан Мамажон ака.

— Нега?— хайрон бўлиб деди муаллима.

— Чунки, биринчидан, колхоз учун зотли куёнлар фермасини ташкил қилиш ҳар парсадан ҳам зарур,— деб тушунтирди ферма мудирини,— иккинчидан, бу куёнлар ҳозир давлат аҳамиятига эга бўлган куёнлар ҳисобланади. Негаким, бунақанги туридан ҳозир республикамиз бўйича фақат шу ерда бор, ҳолос. Ҳатто яқинда шаҳар зоология боғидан олимлар ҳам келишмоқчи. Модомики шундай экан, мен ўқувчиларингизга эрмак учун бошқа куён топиб бераман. Ўқувчиларингизни кўндиришда менга ёрдам беринг.

— Кечирасиз,— гапни бўлди муаллима.— Бу куёнларни келтиришда болаларга ёрдам берганидингиз?

— Йўқ.

— Уларни кўпайтиришда-чи?

— Йўқ.

— Анави уйчаларни яшашда-чи?

— Йўқ.

— Бу ердаги тартибни ўрнатишда-чи?

— Йўқ.

— Демак, энди куёнларни олишга ҳаққингиз ҳам йўқ, Мамажон ака,— деб таъкидлади муаллима.— Болалар бош-лабди, охиригача ҳам ўзлари олиб боришсин. Оқибатини кутайлик.

Мамажон ака:

— Сиз истайсизми-йўқми, болалар бунини хоҳлайдимми-йўқми, булардан катъин назар мен ферма мудирини сифатида «Оқ паҳлавонлар»ни ўз назоратимга олишим ва бу ҳақда профессорга маълум қилишим керак. Бундай масъулиятли

ишнинг тақдирини болаларга топшириб бўлмайди,— деб туриб олди.

Бу фикр тарбиячи-педагог сифатида опанинг жаҳлини кўзгади. У:

— Биз катталарнинг айбимиз шуки, кўп вақт ёшларга ишонмай, уларнинг ташаббусини бўғиб қўямиз,— деди. Ҳозир биз уларнинг ишига аралашсак,— деб давом этди Санобар Қосимжонова,— худди маст уйқуда ётган одамни турткилаб уйғотиб, уйғонгач, каттиқроқ ухла деб тайинлагандек бўламиз, яъни болаларни ўзлари танлаб олган севимли машғулотларидан бездириб қўямиз...

— Кечирадилар,— деб гапи бўлмоқчи бўлди ферма мудири.

— Ўзлари кечирадилар,— деди муаллима ҳам бўш келмай. Ҳар ким ўз фикрида қолди. Совуқкина хайрлашиб кетма-кет чиқиб кетдилар.

VIII боб

ТРЕВОГА

Шоколад қавлаб олишган сабзини ташлаб кетгани келган эди. Велосипеддан тушиб, сабзи тўла қопни елкасига аранг қўйди-да, секин-аста юриб ичкарига кирди. Ҳовлига кирди-ю, турган жойида тек қотиб қолди: қулоғига Мамажон ака билан Санобар Қосимжоновнинг овози эшитилиб қолди.

— Қуёнларни олиш керак, тушунсангиз-чи!— деди таъкидлаб ферма мудири,— болалар уларни ўлдириб қўйишади.

Шоколад елкасидаги қопни бир чеккага иргитди-да, ўзини велосипедга урди. Аксига юриб велосипеднинг дами яхши эмас экан, педални ҳар қанча зарб билан тепса ҳам, гилдирак яхши айланмас, йўл қисқармас эди. Шоколад адир оркасидаги сабзи пайкалига етиб боргунча нақ қора терга ботиб кетди. Ниҳоят пайкалга етгач, велосипедни бир чеккага ётқизди-да, қўлини оғзига қарнай қилиб:

— Бу ёкка келинг-ла...а...ар!!— деб кичкирди.

— Ўзинг келаве-ер,— деган овоз келди пайкал этагидан.

— Қуёнлар ҳаёти хавф остида...а!

Қўлларига теша, бел олиб сабзи хазанак ахтараётган Али, Махмуд, Салимлар «хавф» деган сўзни эшитиб, Шоколаднинг хузурига келишди.

— Гапир, нима гап?— энтиқиб деди Али.

— Чаток!— умидсиз қўл силтади Шоколад.— Огайнилар, иш чаток... Очигини айтиб қўя қолай, энди сабзининг ҳам кераги йўқ...

— Гапирсанг-чи, нима гап ўзи?

— Қуёнлар хаёти хавф остида, деб минг марта айтдим-ку!— жаҳл билан деди Шоколад.

— Уларни олиб қўйишмоқчими?!— ҳаммалари баравар сўрашди.

Шоколад бўлган воқеани, эшитган гапларини оқизмай-томизмай сўзлаб берди. Али лабларини тишлаб, мушталарини қисганча жим турарди. Маҳмуд нима қиларини билмай гоҳ Шоколадга тикилиб қўярди. Салим бўлса:

— Олиб бўпти,— деб Шоколадга дўқ ура бошлади.— Қуёнларимни бермайман, ҳечам бермайман...

То Робия холанинг уйига етиб боргунча, минг хил хаёлга боришди. Келишса, ҳозиргина почтадан қайтган Робия хола фронтда ҳалок бўлган ўғилларининг расмини кўксига босиб йиглаб ўтирган экан. Болалар оёқ учида чорвоқ томонга ўтиб кетишди. Қуёнлар ўз жойида, фақат уйчалари ёнига аллакимнинг этик излари тушиб қолган эди.

— Масала равшан,— деди Али ўйчанлик билан,— изимизга аллақачон тушишган экан-да, билмаган эканмиз. Қани, нима қилдик? «Оқ паҳлавонлар»ни сақлаб қоламизми ёки икки қўллаб топширамизми? Шунини ҳам унутмаслик керакки, қуён билан шуғулланганимизни билсалар, бизни мактабдан ҳайдашади.

Шу пайт кўз ёшларини арта-арта Робия хола чиқиб қолди:

— Шоколад болам,— деди у кўлидаги расмларни қайта-қайта ўпиб.— акаларингни расмини мактабга ташлаб келгин. Доскага осиб қўйишмоқчи эмиш...— Шундай деди-да, Робия хола хўрсиниб яна йиглаб юборди, овоз чиқармасдан бир нуқтага тикилганча узоқ йиглади.

— Холажон, қўйинг, йигламанг,— деди Али кўнгли алланечук бўлиб,— зериксангиз мана биз бормиз, сизни ёлғизлатиб қўймаймиз.

Робия хола гарчи кўз ёшлари оқиб турган бўлса-да, болаларга қараб: «Уруш ўлсин, энди сизлар кўрманглар», деди. Сўнг ҳазилга олиб:

— Ҳа, қовоқларинг аммамнинг айроп ҳалтасидек осилиб кетибди?— деб сўради.— Е далада бирон гап бўлдимми?

Болалар худди шу саволни кутиб туришгандек, бидирлашиб, бири иккинчисига гал бермай, бўлган воқеани сўзлаб бердилар.

— Вой, шунга шунчаликмми?— деди Робия хола ҳеч гап бўлмагандек,— колхоз сўраса жон деб беринглар, колхоз улуг парса, унинг илтимосини рад қилиб бўлмайди.

— Колхоз эмас,— деди Маҳмуд чўзиб,— Мамажон акам олиб қўймоқчилар.

— Йўк, Мамажонга куён берилмайди,— катъий қилиб деди Робия хола.

Энди қандай ҳаракат қилиш, қандай йўл билан куёнларни сақлаб қолиш ҳақида бешовлари нақ ярим соат бош қотиришди. Ниҳоят «Оқ паҳлавонлар»ни беркитишга, яъни бошқа жойга кўчиришга қарор қилинди, лекин қаерга, бу ҳали муаммо эди.

— Бунинг ҳам иши осон,— деди Робия хола,— болаларим, лекин битта шарти бор: шарти шуки, тойлоқларим, сизларга жуда ўрганиб қолдим. Сизларсиз энди яшай олмайман, зерикаман. Айниқса, мана бу эркатойимга жуда ўрганиб қолдим.

— Мен ҳам Сизга жуда ўрганиб қолдим,— деди Салим киприқларини пирпиратиб.

— Баракалла, умринг узок бўлсин,— деб давом этди Робия хола,— мени ташлаб кетмасликка сўз берсаларинг осон йўлини айтиб бераман, шундоққина тилиминг учида турибди.

— Сўз берамиз, холажон! Сўз берамиз!— чувиллашди болалар.

Катта Тағоб кишлоғи паст-баланд адирлар, қарасанг дўппинг тушадиган тоғлар орасига жойлашган. Кишилар ёзда тоғлар этагига кўчиб кетиб қолхоз учун мева қуритишади. Ҳисобсиз кўю кўзиларни семиртириб қайтишади. Пичан ўриб, силос босишади. Шунинг учун кўпчилик хонадоннинг адирлар ортида ҳам уйлари бўлар эди. Эл қатори Робия холаларнинг Қора доvon деб аталадиган доvonнинг орқасида уйлари бўлиб, Нусрат бобо вафотидан сўнг ҳеч ким кўчиб бормагани учун харобазорга айланган эди. Қуёнларни асраш учун ундан кўра қулайроқ жойни топиш қийин.

— Қалай?— деб сўради Робия хола.

— Жуда соз, раҳмат, холажон!— қичкиришди болалар.

— Қуёнларнинг уйчасини қандай олиб берамиз?— шошилиб деди Махмуд.

— Биттасини мен кўтариб оламан,— мактанди Салим.

— Сен бор, сабзиларни пақирга солиб тозалаб ювгин,— буюрди акаси,— қуёнларни овқатлантирадиган вақт ҳам бўлиб қолди.

— Мактабга жўнамайсизларми?— дарахтнинг соясига кўз ташлаб деди Робия хола,— мактабдан қайтгунларингча бирор нарса ўйлаб кўярмиз. Менинг миям ишламаса, манови Салимники яхши ишлар ахир, тўғрими, ўғлим?

— Тўғри, холажон,— шошилиб тасдиқлади Салим,— менинг миям жуда яхши ишлайди.

ХАТАРЛИ САФАР

Робия хола аввалига куёнларга унчалик кизикмади. Фақат шу куёнлар туфайли болалар хузуримда чопқиллашиб юрса, ўшалар билан гаплашиб овунсам бас, деб ўйларди. Хатто биринчи куён тукканида унчалик қувонмаганди. Лекин кунлар ўтган сари куёнларга кўнгил кўя бошлади, кўзичоққа ўрганган чўпон боласидек, уларнинг орқасидан қолмайдиган бўлди. Хола аллақачондан бери йўқотиб юрган, калбига ором бера олган бир нарсасини топгандек бўлди. У болаларга ҳам жуда боғланиб қолди. Бир иккинчисидан қувнок, шўх ва одобли бўлган болалар ўзларининг ҳар хил қилиқ ва муомалалари билан холанинг хаста кўнглига дунё-дунё қувончлар бағишларди. Хола мамнун, бахтиёр эди, энди болаларсиз яшай олмасди.

— Е куёнларни қопга солиб ташийликми?— ёнида мудриб ўтирган Салимдан сўради хола.

— Тўғри, қопга солиб ташиймиз,— маслаҳатчи бўлгани учун қувониб деди Салим.

— Бўлмайди, ўлиб қолади,— деб эътироз билдирди кампир.

— Рост айтасиз, ўлиб қолади,— деб кўшилди Салим ҳам.

— Яхшиси, аравага солиб, уйча-пуйчаси билан ташини керак.

— Тўғри, аравада олиб борамиз,— деди Салим ҳам қувониб.

— Лекин аравани қайдан оламиз?

— Тўғри, аравани қайдан оламиз, холажон?

Шу йўсин, икковлари куёнларни боққа кўчиришнинг планини ишлаб чиқдилар. Кечқурун, болалар мактабдан қайтгач, бу план яна муҳокама қилинди.

— Қимда-ким ушбу план тўғри деса қўл кўтарсин,— деб сўради Али,— бир, икки, уч, тўрт, ҳой Шоколад, сен нега кўтармадинг?

— Кечаси кўркамиз, шунинг учун кўтармадим.

— Кўрқмаймиз, кўтаравер,— деди яна Али,— кўтармайсанми? Ҳа, майли. Қолганлар қўлларини туширсин. Энди қаршилар қўл кўтарсин... Шоколад, қўлингни кўтар энди!

— Мен бетараф қолмоқчиман.

— Ха, майли, бетараф бўлсанг араванинг орқасидан борасан...

Хаммалари Робия холаникида тунаб қоладиган бўлиб қолишди. Хола ҳар бирининг уйига бориб: «Боланг мен билан ётади, хавотир олма»,— деб ота-онасига тайинлаб келди. Сўнгра Қобил бобоникига бориб: «Аравангни бериб тур, боғдан ўтин олиб келмоқчиман», деб сўради.

Нихоят ҳамма нарса тахт бўлди. Тун ярмидан ошганда Робия хола болаларни уйғота бошлади. Лекин хаммалари ҳам уйқучи болалар эди, уйғотиш жуда мушкул бўлди. Алининг бошига бир оз сув куйишга ҳам тўғри келди.

Аравачага энг аввал она куён солинган уйча, унинг шундоққина ёнида бўғоз куёнлар уйчаси жойлашган эди. Яшиқларнинг ҳаммаси арава устидан жой олгач, йиқилиб кетмасин деб узун аркон билан маҳкам тортиб кўйишди.

— Оқ йўл,— деб фотиҳага кўл кўтарди хола.— Эсон-омон бориб келинглар, сафарларинг беҳатар бўлсин.

— Кетдик,— деди Али аравани тортиб,— Салим, йиғлама, сени янаги сафар олиб борамиз.

Аравани унча енгил деб бўлмас эди, лекин орқасидан пахлавоннамо Шоколад билан ўзи кичкина бўлса ҳам, ғоят тиришқоқ бўлган Маҳмуд итаргани учун унинг ғилдираклари енгил айланар эди. Қишлоқ маст уйқуда. Тик этган овоз эшитилмайди. Фақат аҳён-аҳёнда итларгина улиб кўйишади. Қаердандир бузоқчанинг уйқусираб маърагани, донга тўймай қолган хўрозчанинг узиб-узиб кичкиргани эшитилиб қолади.

— Маҳмуд, хо Маҳмуд,— деб шивирлади Шоколад,— бўри келса итлар вовулламай кўйишади дейишади, ростми?

— Билмасам...

— Мана ҳозир итлар жим бўлиб қолди. Қулоқ солгин, биронтаси вовулламаяпти.

— Қайдам.

— Демак, бўри бор экан-да! Нега индамайсан?

— Хой, жим кетсаларинг-чи,— деб орқасига ўгирилди Али,— битта-яримта эшитиб қолса нима бўлади.

Қишлоқдан чиқиб, то биринчи доводан ошгунча яна жим кетишди. Шоколад бўри хақидаги уй-хаёлларини қуваман, деб шунча уринса ҳам бўлмади. Юрагини ваҳима қоплаб юбораверди. Доводан ошиб, пастликка тушилгач, кўю-кўзиларнинг маъраши ҳам, хўрозларнинг кичкириши ҳам бутунлай эшитилмай қолди. Водийдаги совук сукунат, тубсиз қоронғулик Шоколаднинг юрагида яна ваҳима уйғотди.

— Маҳмуд, хой Маҳмуд,— деб шивирлади яна у,— тўсатдан бўри келиб қолса нима қиламиз, а? Ана нимадир чўзиб ўлиятти, эшитяпсанми?

— Жим кетсанг-чи,— деди Маҳмуд ўзи ҳам бир оз чўчиб. Шоколад бир нафас жим бўлиб борди-ю, кўрқув босиб кўксиди ваҳима кучайиб борганидан оёқлари қалтириб бутунлай юролмай қолди. Али Маҳмудга: «Ўрнимизни алмаштирайлик, қўлим оғриб қолди», деб таклиф қилди.

— Майли,— деб шивирлади Маҳмуд,— чарчаган экансан, нега илгарироқ айтмадинг?

Али индамади, каттиқ чарчаганидан ва уйқусизликдан гапиришга ҳам холи қолмаган эди. То Робия холанинг ташландиқ боғига етиб боргунларича, бир-бирларига гап қотмадилар. Али эртага қилинадиган ишлар ҳақида, ферма мудури қуёнлар хусусида сўраб қолгудек бўлса, қандай жавоб қилиш тўғрисида ўйларди. Маҳмуд: «Қуёнларимиз кўпайгач, болалар яслисини оталиққа олсак ёш болалар орасида ўзимизни қандай тутамиз»,— деб ўйларди. Шоколад бўри тўғрисидаги ўйларидан кутулиш учун: «Нега эркак кишиларга соқол чиқади-ю, аёлларга чиқмайди?»— деган муаммо устида бош қотириб борарди.

— Келдик!— деди Али ниҳоят,— ана шу тош кўрғон Робия холамлиқники бўлар эди. Илгари мен бу ерларга кўп келганман.

Бўш ётганидан эшикларини аллақимлар кўчириб кетган, қоп-қоронғи уйлардан бирига қуёнларни уйча-пуйчаси билан туширишди-да, эшик олдини шох-шаббалар билан тўсиб ташлашди. Сўнгра тезлик билан орқаларига қайтишди. Келишса, Робия хола билан Салим ухламай, кўча эшик олдида кутиб ўтиришган экан.

— Хайрият, келдиларинг!— деди хола севииниб.— Бўлмасам ҳозир жўнамоқчи эдик. Кўрқмадиларингми ишқилиб?

— Биз ёш боламидик ҳар нарсага кўрқаверганимиз?— деди Али мақтангандек қилиб.

— Салим, мен бўри кўрдим!— худди бўри билан яккама-якка олишиб енггандек керилиб, деди Шоколад.

— Ростдан-а?— кўзларини ола-қула қилиб сўради Салим,— сб қўймадимми?

— Мени-я?!— яна бўш келмай деди Шоколад.— Жағиши мана бундай қилиб иккига бўлиб қўяман...

Бир нафасдан сўнг ҳаммалари ширин уйқуга кетишди. Шоколад шу кечаси жуда галати тушлар кўрди. Тушида бир эмас, икки бўрини мушти билан уриб ўлдириб, терисини давлатга топширган эмиш. Давлат томонидан унга бир йўла икки яшик қанд мукофотга берилган эмиш.

УРИКНИНГ ШОХИ НЕГА СИНДИ?

Махмуд махфий куёнчилик фермаси кун сайин ўсиб бораётганини кўриб, бу муваффақиятдан чексиз қувонар, лекин қувончини ким биландир ўртоқлашгиси, ҳамма гапни очик айтиб, унинг олдида мактангиси келар, лекин сир ошкор бўлиб қолишидан қаттиқ қўрқар эди. Аввалига бу сирни оёисига айтмоқчи бўлди. Бирок ойиси: «Ҳали сен Робия холамга ёрдамлашгани кетяпман деб, мени алдаб юрган экансан-да!»— дея уришиб бериши ва дарсдан сўнг кўчага чиқармай қўйиши мумкин деб ўйлайди.

Борди-ю, бу сирни синф раҳбари Санобар Қосимжоновнага айтса-чи? Йўқ, унга ҳам айтиб бўлмайди. Кейинчалик бу гап директорнинг қулоғига бориб етиши мумкин... Бир йўла ҳаммаларини мактабдан ҳайдаб юборишлари турган гап.

Синфларида Эркин номли лапашанг бир бола бўлар эди. У шунақанги бўшанг ва латта эдики, хатто кизлардан ҳам қўрқар эди. Биронтаси тегиб кетгудек бўлса, йиғлаб, «Опа, уни каранг»,— деб ўқитувчисига чакиб берар эди. Унинг бўшанглигини билиб ҳамма атайлаб калака қилаверар эди. Шунинг учун ҳам Эркин ўғил болаларга қўшилмай, нукул кизлар билан ўйнар, лекин кизлар ҳам олдиларига солиб қувлашгани-қувлашган эди.

Ўтган йили Махмуд кучук бола талашиб, Эркин билан муштлашиб қолди-ю, уни обдон калтаклади, ўшандан буён унга бирон яхшилик қилиб, кўнглини кўтарсам, кечирим сўрасам, деб юрар эди.

Махмуд куёнчилик фермаси ҳақидаги сирни ўшанга айтишга қарор қилди. Дарсдан қайтаётганларида:

— Эркин, бир гапим бор, айтайми?— деб сўради.

— Айтсанг айтавер,— бир оз чўчиб деди Эркин.

— Айтсам, юрагинг ёрилиб ўласан.

— Ҳечам-да.

— Мана кўрамиз.

— Қани айт-чи!— деб кистади Эркин ҳам қизиқиб.

Махмуд энтикиб-энтикиб бўлган воқеани ипидан игна-сигача ҳаммасини сўзлаб берди.

— Лекин, ҳеч кимга айтмайсан!— деб сўзини тугатди у.— Агар айтсанг, мана буни кўриб қўй!

— Йўқ, ҳеч кимга айтмайман,— деди Эркин шошиб,— мени ҳам қабул қилмайсизларми? Ҳар қандай иш бўлса йўқ демай бажараман.

— Мен бир нарса дея олмайман.

— Нега энди? Ферма мудирининг биричи ўришбосариман деяпсан-ку?!

— Шундайку-я, лекин советнинг рухсатисиз бир иш кила олмаймиз-да.

— Хой, менга кара,— деди Эркин баттар кизиқиб,— Робия хола ҳам советнинг аъзосими? Ўзиям роса кизик бўлар, а?

Сирин очишга очди-ку лекин Маҳмуднинг ўзи кўриб кетди. Борди-ю, бу гап ҳаммага ошкор бўлиб кетса, унда нима бўлади!

— Агар бировга айтсанг...— деди у яна муштини кўрсатиб.

— Йўқ, ҳеч қачон ҳатто калтаклашса ҳам айтмайман,— деб қасамёд қилди Эркин.

У уйга келиб овқатланди-ю, лекин ўтира олмади. Яширин куёнчилик фермасини томоша қилгиси, бир-бири билан қувлашиб, чопкиллашиб юрган, чиройли куёнчаларни кўргиси келаверди. Апил-тапил дарс тайёрлаган бўлди-да, Робия холанинг боғига отланди...

Хаммаёкда ўт-ўланлар кўкариб, арик бўйларида чучомалар гуллаб ётибди. Атрофдаги ўрик дарахлари ҳам оппоқ гуллаб, боғларнинг хуснига хусн кўшиб турибди. Хаммаёкда баҳор нафаси, кушчалар ҳам гул мавсумини табрикламоқчи бўлгандек чуғ-чуғлашиб қолишган.

Эркин бу гўзалликка маҳлиё бўлиб Робия холанинг боғига етиб қолганини ҳам сезмай қолди. Кўрғоннинг эшиги берк эди. Куёнларни томоша қилиш учун аввал деворга, сўнгра девор орқали ўрикнинг устига чиқишга тўғри келди. Бу ердан ҳамма нарса кафтдек кўриниб турар эди... Хов ана, куёнлар солинган уйчалар маржондек тизилиб турибди. Куёнларнинг бир хиллари ўзини офтобга солиб эркаланиб ётибди, бир хиллари овқат ейиш билан овора.

Шоколад қўл арра билан ниманидир арраларди. Унинг ёпгинасида турган Салим худди катта усталардек уни қил, буни қил, деб ўргатар эди. Шоколад ниҳоят рандалашдан тўхтаб:

— Қани, бу ердан жўнаб қол-чи,— дея дўк урди Салимга,— сендақанги устани кара-ю!!!

Салим аразлаб бурнини торта-торта акаси билан Маҳмуднинг ёнига борди. Али бақувват бўлгани учун кетмонни бўғзигача ботириб урялти, Маҳмуд эса, энгашиб икки кўли билан кетмон дастасини тубидан ушлаб олган. Ишни ҳеч кўпаймай, ҳадеб иккиллайтиди. Эркин тепада туриб буларнинг берилиб ишлашини томоша қиларкан уларга ҳаваси келиб

кетди... Тўғри-да, кун бўйи туфлини йиртиб ланка тепасан ёки чилчўп ўйнайсан, чарчайсан, ҳорийсан, лекин ҳеч қандай фойда йўқ... Аммо куён боқсанг, ер чопсанг ёки анави Шоколадга ўхшаб ёғоч йўниб бирор нарса яасанг фойдали, ҳам қилган ишинг кўзга кўринади. Энг муҳими, ойингдан гап эшитмайсан, эҳтимол сени ақлли бола деб мақтаб ҳам юборишар.

— Ака, ростини айтгин, бу ерга нима экамиз?— деб сўради Салим.

— Куёнлар учун беда экамиз,— жавоб қайтарди Али.

— Бедани экадими ёки райҳонга ўхшатиб кўчат қиладими?

— Экади.

— Нега энди экади, кўчат қилса бўлмайдими?

— Бўлмайди.

— Нега бўлмайди? Совуқ уриб кетадими?

— Кани, шагом марш!!!— деб буюрди акаси.

Салим бу ердан ҳам кетишга мажбур бўлди. У энди ўриқлардан елим ахтаришга тушди. Салим елим қидириб пастдан юкорига кўз югуртирди. Бирдан кўзи Эркинга тушди. Эркин худди ўғрилик устида қўлга тушгандек кўркиб кетди.

— Кимсиз?— деб сўради Салим.

Эркин жавоб қайтармади.

— Кимсиз деяпман?

Эркин юзини костюмининг ёқаси билан дурустроқ берки-тиб олди. Салим қўлига каттагина бир тошни олиб:

— Айтмасангиз ҳозир тош отаман!— деб дўк урди.

— Мен... мен...— Эркин қўлга тушиши аниқ бўлиб қол-гач, дудукланиб қолди,— мен... мен... маймунман!

— Маймун?— хайрон бўлиб сўради Салим,— ака, май-мунни қара? Мен маймун ушлаб олдим, маймун! Буёққа келинлар!— Шу пайт қутилмаган ҳодиса юз берди: Эркин бошқа бир шохга ўтиб, девор орқали кўчага тушиб кетмокчи бўлган эди, шох синиб осилиб қолди. Қўркиб кетган Эркин:

— Тез, келинлар, тез-тез!— деб Салимга қўшилиб ўзи ҳам додлай бошлади.

Бир нафасда ҳаммалари етиб келишди. Нима гап бўлди экан деб овқат пишираётган Робия хола ҳам қўлида чўмичи билан югуриб келибди. Аҳвол жуда ташвишли эди. Жиндек кечикилса, шох бутунлай узилиб тушиши мумкин, унда Эркиннинг майиб бўлиши турган гап.

— Югуринлар, нарвонни келтиринлар!— деб буюр-ди Робия хола, кейин Эркинга мурожаат қилди,— ҳали-ги маймун деганлари сенмидинг?

— Ха, мен эдим,— деди Эркин йиғламсираб.— Холажон, тезроқ бўлинглар, кўлим толиб кетди...

Нарвон келтирилгач, Эркин унга осилиб, осонгина ерга тушиб олди. Тушиши билан Али, Шоколад, Салимлар уни куршаб олишди.

— Гапир!— деди Али.

— Мен... аъзо бўлгани келувдим.

— Аъзо бўлгани? Нимага?

— Фермага, махфий куёнчилик фермасига?

— Кимдан эшитган эдинг?

Эркин жавоб қайтармай, хали ўриқка осилиб қолганида костюмининг енги йиртилиб кетган эди, ана ўша йиртиқни ўйнаб, жим тураверди.

— Гапир!— деб Али Эркиннинг иягидан кўли билан кўтарган эди, унинг кўзларидан милтиллаб ёш оқаётганини кўрди.

— Унга мен айтган эдим!— деб Махмуд ўртага чикди,— ахир ўзинг фермага одам олиш керак, кучимиз етмайдиганга ўхшайди деб айтувдинг-ку?

— Рост, айтган эдим,— бўшашиб деди Али.

Шундан кейин, худди шу ернинг ўзида яширин куёнчилик фермасининг навбатдан ташқари совети чақирилди. Советга Алининг ўзи ранслик қилди.

— Кимда-ким Эркин Усмоновни яширин куёнчилик фермасига қабул қилинсин деса, кўлини кўтарсин,— деб буюрди Али.— Эркин, сен кўлингни тушир, сен хали аъзо эмассан, бир, икки, уч, Шоколад, сен-чи? Нега кўтармайсан?

— Мен бетараф қоламан!...— жавоб қайтарди Шоколад. Кўпчилик овоз билан Эркин яширин куёнчилик фермасига аъзо бўлиб сайланди. У ўзида йўқ хурсанд эди. Ростини айтганда, бу томонга келаётганида бундай бахтни хаёлига ҳам келтирмаганди. Қараи-а, киши бахтли бўламан деса, ҳеч гап эмас-да!

Хаммалари яна ишга тушиб кетдилар. Эркин дўстлари уни фермага қабул қилиб янглишмаганликларини кўрсатиб қўймоқчи бўлди шекилли, шунақанги берилиб ишладики, асти кўяверасиз. Бир нафасда учовлари икки пайкал ерни ағдариб ташладилар.

— Сабзи уруги керак бўлса, бизникида тўлиб ётибти,— деди Эркин дам олгани ўтирганларида.

— Ростдан-а?

— Рост. Ундан кейин, беда уруги ҳам топилади,— деб давом этди Эркин.

— Хой, Али, Махмуд!— деб чақирди Робия хола,— кани, суюнчи олиб келаверинглар! «Бешинчи» билан «саккизинчи» эсон-омон кутулиб олди...

Дўстлар ўша томонга қараб югуришди. Боришса, чиндан ҳам «бешинчи» ва «саккизинчи» номерли куёнлар тукқан экан, Эркин илгари янги туғилган куён боласини кўрмаган эди. Ҳар биттаси каламушча, ҳатто ундан ҳам кичикроқ бўлган ожиз, мурғак куёнчаларни кўриб бир томондан завқланса, бир томондан юраклари ачишиб, уларга раҳми келиб кетди.

— Онасини эмолмаяпти, ёрдамлашсак бўлмайдими?— ҳовликиб сўради Эркин.

— Бўлмайди,— деб тушунтирди Салим.

— Нега бўлмас экан?

— Ишкилиб бўлмайди-да!— деди яна Салим, гарчи ўзи ҳеч нарсага тушунмаса ҳам...

Боғдаги ишини битириб, кечқурун ҳаммаларни бирга қайтишди. Али, Махмуд, Шоколадлар велосипедли эди. Салим, одатдагидек, акасининг орқасига мингашди. Эркинни Шоколад миндириб олди.

Али куёнларни Мамажон акага бермай, эсон-омон саклаб қолгани ва ферма кун сайин кучайиб, ривожланиб бораётганидан жуда хурсанд бўлса-да, нима учундир жимгина, ўйга толган ҳолда борарди.

XI боб

ШАҲАРДАН КЕЛГАН МЕҲМОН!

Шаҳар зоология боғининг илмий ходими Шамсиддин Шукуров мактаб ховлисига кириб, қувнаб ўйнаётган болалардан:

— Директорнинг кабинети қаерда?— деб сўради.

— Мухтор Солиевични сўраяпсизми?— мендан аввал бошқаси гапга аралашиб қолмасин деб шошилиб сўради Махмуд.— Юринг буёққа.

Махмуд меҳмонни ортидан бошлаб кетди. Меҳмон жуда ғалати эди. Почаси тор шим, оқ кўйлак кийиб олибди. Қора галстугининг тугуни бош бармоқдан ҳам кичкина. Меҳмон сарик папка ҳам кўлтиқлаб олган. Махмуд директорнинг кабинетини кўрсатгач, у: «Раҳмат, жуда одобли бола экансиз», деб ичкарига кирди-да, директор билан танишиб, нима мақсадда келганини айтди.

— Ғоят хурсандман,— гап бошлади Мухтор Солиевич.— Лекин куён дедингизми?

— Ҳа, куёнчилик фермаларингиз билан танишиб, баъзи бир шаронтларни ўргансам деб келдим. Гап шундаки, сизларга ўша икки нафар куённи бериб юборганимиздан сўнг, бизда қолганлари ёппасига ўлиб берди. Қандай касал билан ўлганини ҳозиргача ҳам аниқлай олганимиз йўқ. «Оқ паҳлавонлар»нинг Ўзбекистон шароитига мослаштирилгани ҳозирча фақат сизларда холос. Қандай қилиб сизлардагиси ўлмай қолди, мен мана шу масалани ўргангани келдим.

— Кечирасиз,— гапни бўлди Мухтор Солиевич,— мен ҳеч нарсага тушунмаяпман.

— Қўркманг!— уни тинчлантирмоқчи бўлди меҳмон,— биз куёнларни бутунлай олиб кетмоқчи эмасмиз. Фақат шаронтини ўрганамиз.

— Кечирасиз,— елкасини қисиб деди мактаб директори.

— Ишонтириб айтаманки, қайтариб олмаймиз, фақат...

— Бизда ҳеч қандай куён ҳам, куёнчилик фермаси ҳам бўлган эмас.

— Йўғ-э!

— Рост. Наҳотки менга ишонмасангиз?

Меҳмон ҳалиги сарик папкасини шошилиб очди-да, аллақандай қоғозларни варақлаб:

— Али Ғозиев билан Махмуд Тоҳировлар шу мактабда ўқийдими?— деб сўради. Директордан тасдиқ жавобини олгач, давом этди:— Ўтган йили студент Имомов орқали профессоримиз уларга икки куён бериб юборган. Бизнинг хомаки тахминимизча ҳозир уларнинг сони элликдан ошиб кетган бўлиши керак...

— Во ажабо!— деди Мухтор Солиевич қошларини кериб, сўнг секретарь орқали Али Ғозиевни чақиртирди.

Али болалар билан қувлашиб юрган эди. Директор чақираётганини эшитиб:

— Нега чақирди экан?— дея кўркиб сўради секретарь киздан.

— Билмадим. Куён ҳақида гап бўляпти.

— Куён, қанақа куён?— деди Али ранги-кути ўчиб. Сўнг: «Тамом, ҳаммаси тамом бўлди!»— деб ўйлади ўзига-ўзи. Ичкарига кириши билан Мухтор Солиевич уни: «Сен куён туфайли бизни бир марта шарманда қилган эдинг, тағини нима ишлар қилиб юрибсан?»— деб қаршилади. Лекин Али-войнинг кўнглига маъқул тушмаса ҳеч қандай саволга жавоб бермайдиган одати бор эди. Мухтор Солиевичнинг бу саволи ҳам унга ёкинқирамади. Шунинг учун ковоқларини солиштириб, ерга тикилганча жим тураверди.

— Гапир!— кистади Мухтор Солиевич,— нега жим қолдинг?

— Нимани гапирай?

— Куёнлар хақида гапир, биздан яширган куёнларинг хақида.

«Йўқ,— ўйлади Али ўзига-ўзи,— мен дўстларимнинг сирини ҳеч қачон фош қилмайман! Лекин, айтмасам ёлғон сўзлаган бўламан. Нима қилдим экан-а? Йўқ... Мен дўстларим олдида берган сўзимдан қайтмайман. Борди-ю...» Али бир нафаслик иккиланишдан сўнг бошини дадил кўтариб:

— Куёнлар ўлган!— деб жавоб берди.

— Ўлган?! — илмий ходим худди ток ургандек ўрнидан туриб кетди.

— Ҳа, ўлган...

— Қандай қилиб? Касаллик туфайлими?— шошилиб сўради Шамсиддин Шукуров. Сўнгра чўнтагидан блокнот чиқариб баъзи бир нарсаларни ёза бошлади. Унинг шошилиб ёзаётганини кўрган Али: «Ишнинг чатоғи чиқмаса эди», деб ўйлади. Шунинг учун ҳам илмий ходимнинг барча саволларига жуда қисқа ва жуда мужмал, пойма-пой жавоблар қайтара бошлади.

— Ҳаммаси бир кунда ўлдими?— сўрашда давом этди илмий ходим.

— Бир кунда шекилли...

— Кўпроқ нима, қандай овқат берардиларинг?

— Эсимда йўқ.

— Куёнларнинг хонасини иссиқ саклармидиларинг?

— Унча иссиқ ҳам эмас, унча совуқ ҳам эмас. Энди чиқиб кетсам майлими?

— Йўқ-йўқ,— шошилиб деди меҳмон,— куёнларни кўмган жойингизни биргалашиб бориб кўрамиз...

Алининг ранги-кути ўчиб кетди, ўзи ҳам тахтадек қотиб қолган эди.

— Й-ў-ў-қ,— деди дудуқланиб,— биз куёнларнинг ўлигини дарёга окизиб юборганмиз. Яшиқ-пашиги билан ташлаб юборганмиз.

— Ана холос!— шундай деб Мухтор Солиевич ўрнидан туриб кетди.— Сен куён жиннисини аллақачон мактабдан ҳайдамаганимга хафаман. Бор, дарсингни қил!

Али ташқарига чиққандагина терга ботиб кетганини пайкади. «Нега терладим экан?— сўради у ўзидан.— Нега ёлғон сўзладим? Ахир энди ёлғон сўзламайман, деб ўзимга-ўзим сўз берган эдим-ку! Мен...»

Али шу пайтда қаттиқ ўқинар эди. Лекин дўстларининг сирини фош қилмаганига ич-ичидан севинар, мана шу севинач хисси ҳалиги ўқинч билан кўшилиб, кўнглини

гаш қилар эди. Гашлик кун бўйи уни тарк этмади ва кечга томон хўрликка айланиб, Али синф раҳбари Санобар Қосимжоновна билан гаплашиб ўтирганида тўсатдан йнглаб юборди.

— Ие, нега йнглаяпсан, ўғлим?— Санобар Қосимжоновна меҳрибонлик билан Алининг пешанасини силаб қўйди,— ёки менинг сўроқларимга хафа бўлдингми?

— Йўқ, опажон, унга эмас. Мен бугун яна ёлғон сўзладим...

Али бўлган воқеани сўзлаб берди.

— Яхши бўлмапти,— деди Санобар Қосимжоновна бо-сиклик билан,— сен қандай бўлса ҳам рост гапни айтишинг керак эди. Лекин бўлар иш бўпти, энди кўзёши тўкишнинг ҳеч фойдаси йўқ. Яхшиси, профессор Ориповга хат ёзиб, бўлган воқеанинг ҳаммасини айт... Мухтор Солневичга эса ҳозирча айтмасанг ҳам бўлади... Кейинчалик ўзим тушунтираман... Айтгандек, ролни ёдлаяпсанми? Кечгага яқин қолди-я, тагин мени уялтириб қўймагин. Ундан кейин сборга ҳам тайёргарлик кўриб бор. Сени пионерга тикламоқчимиз

— Ростдан-а?— деди Али кўзёшларини артиб ва илжайиб,— Маҳмудни ҳамми?

— Икковларингни ҳам...

ХII боб

БҮРИ БИЛАН ОЛИШУВ

Бирон иш билан машгул бўлганда киши вақтнинг қандай тез ўтганини сезмай қоларкан. Ўқув йили тугалланай деб қолибди-ю, Али, Маҳмуд, Шоколад ва Эркинлар гўё бундан беҳабардек. Улар эрталаб барвақт бокка жўнашади. У ерда ҳаммаларини минг хил иш кутиб турган бўлади. Бирови ишлайди, бирови дарс тайёрлайди, сўнг яна велосипедларга мингашиб мактабга отланишади. Улар сўнгги пайтларда шунақанги аҳил, шунақанги дўст бўлиб кетдиларки, мактабдагилар бунинг сабабига тушунолмади хайрон эдилар. Ҳамма нарса ўртада, ҳамма нарса бамаслаҳат. Маслаҳатга тўплансалар, ҳар қандай жумбоқни ҳам ҳал қилиб ташлайдилар.

Али бокка кўчиб келганларидан буён анча ўзгарди, бўйи ҳам ўсди, юзлари офтобда қорайиб, мускуллари пишиб, йнгитлик хусни уриб қолди. Шу кунларда дарслардан ўзлаштириши ҳам ёмон эмас. Санобар Қосимжоновна: «Сени пионерга тиклаймиз», деб ўз оғизлари билан айтдилар. Фа-

кат бошлангич синфларнинг битириш кечасида бериладиган концертда яхши катнашса бўлгани. Уша кечада Махмуд икковлари «Бўри билан кўзичок» масалини ижро этишлари керак эди. Роллар жуда пухта ёдланди, қайта-қайта такрорлаб кўришди. Ниҳоят, эртага концерт кечаси бўлиб ўтади, ундан кейин икковларини ҳам бирйўла пионерга қабул қилишади! Тўғри-да, энди ёлгон гапиришмаса, ўғирлик қилишмаса нима учун тиклашмас экан...

Бугун тунда хунук аҳвол юз бериб, ҳаммаларининг таъбларини хира қилиб қўйди. Робия хола бокка бутунлай кўчиб келгандан буён қуёнлар кечаси ҳам айвондаги ялангликда қолаётган эди. Кечаси бўримиди, итми, ҳарқалай гўштхўр бир махлук келиб қуёнларнинг жами уйчасини ағдартўнтар қилиб, Тошкентдан юборилган биринчи номерли эркак қуённи пакқос еб кетибди. Болалар унга Бобо қуён деб ном беришиб, жуда ҳурмат қилишар, алоҳида хонада боқиб, парваришни ҳам жойинга қўйишарди. Бобо қуён семириб нақ ярим пуд бўлиб қолганди. Бечора қуёндан бир қаричча дум билан тўртта оёқ қолибди, ҳаммаёқ қони-қуш...

Дўстлар худди мотам тутгандек бир нафас жим қолдилар.

— Энди нима қилдик?— ранги-қути ўчиб сўради Шоколад.— Борди-ю, бўри ўзимизга ҳам ҳамла қилиб қолса-чи?

— Ҳамла қилса мана,— Салим кичкинагина муштини кўрсатиб катталик қилди.— Боплаб тумшугига соламиз.

Робия холанинг тахминича Бобо қуённи бўри еган. У бу кечаси яна келиши керак, бўрилар ўлжани ўзи билан олиб кетса, ўша ерга қайтиб келмайди. Борди-ю, еб кетса-чи, яна келади.

— Келади,— деди Робия хола,— албатта келади. Мен уни ўтган йили бир бор кўрувдим. Катта кўк бўри. Кўп овчилар уни отаман, деб ҳеч отиша олмаган. Бўрининг қариси тулкидан ҳам айёр бўлади.

Али бундай қараса Шоколад кўркканидан дағ-дағ қалтираб, кишлокка жўнашнинг пайига тушиб қолибди. Махмуд бўлса, худди ўша бўри билан яккама-якка олишишга тайёрдек муштарини қисиб, кўзларини чакнатиб турибди. Эркин ҳам кўрқаётганга ўхшайди.

— Ҳўш, нима қилиш керак?— сўради Али.

— Бу ердан кетиш керак!— ҳеч иккиланмай деди Шоколад.

— Йўқ, бўрини отиш керак.

— Бўри сенга қуёнмидики, дарров отиб қўя қолсанг.

Узоқ тортишувдан сўнг шу кечаси бўрини пойлашга қарор қилдилар Милтикни Робия хола олиб келадиган бўлди.

Кун ботганда ҳамма нарса тайёр бўлган эди. Али билан Шоколад куёнхоналар орасига кавланган чуқурчага тушиб, устиларига яшикни тўнтариб олишди. Шоколад бу ерга ҳеч қачон келмаган бўларди. Ҳа, ҳеч қачон. Лекин уни мажбур қилишди. Бормасанг куёнчилик фермамиздан чикарамиз, орамизда кўрқоқларга ўрни йўқ, дейишди.

— Ким кўрқоқ?— жон аччиғида сўради Шоколад.

— Сен!

— Мен-а?

— Ҳа, сен.

— Мен жўрттага айтяпман,— деди-да, Шоколад милтикни кўлига олди,— қани юр!!

Ичкарида Робия хола, Маҳмуд, Эркинлар ҳам кўлларига болта, пичоқ олиб ҳужумга шай бўлиб турибдилар.

Кўк юзини қора булутлар қоплаб олганиданми, атроф жуда қоронғи эди. Яқиндаги адирлардан бедор какликларнинг қақирлаб сайрагани, тулкининг худди гўдак болаларга ўхшаб ингалаб йиғлагани эшитилиб қолади. Елпинди шамол қулоққа гоҳ тўрғайнинг овозини, гоҳ шаршаранинг шовқинини келтириб уради... Боғда гўё ҳаёт сўнгандек, шитир этган овоз эшитилмайди. Куёнлар ҳам кеча юрак олдириб қўйган эканлар шекилли, уйларининг ич-ичига кириб кетибди.

— Али, хой Али!— секин шивирлади Шоколад.

— Нима дейсан?

— Борди-ю, бўри иккита бўлса-чи?

— Жим ўтирсанг-чи.

Шоколад тиригини тишлаб нафасини ичига ютганча яна атрофга қулоқ сола бошлади. Тепаларидаги дарахтдан бир қуш уйқусираб тушиб кетди шекилли, қанотини патиллатиб икковларини ҳам чўчитиб юборди.

— Али, хо Али!

— Нима дейсан?

— Нега қалтирайсан?

— Қалтираганим йўқ. Жим бўл!..

— Али, концерт кечасига бормаганимиз чакки бўлди-да.

— Жим!

— Санобар Қосимжоновна роса ҳуноб бўладилар-да...

— Қани чик, жўнаб қол!

Икковлари ҳам жим бўлиб қолдилар. Вақт жуда секин ўтарди. Атрофга шундай жимлик чўккан эдики, икки дўст бир-бирларининг юрак уришини бемалол эшитиб ўтирдилар...

Дўстлар мудраб қолишган экан. Бир маҳал боғнинг этак томонидан гуп этган овоз эшитилиб қолди... Ҳиёл

ўтмай ўша томондан жўякларни оралаб аллақандай шарпа яқинлашиб кела бошлади! Ана! Ўзи ҳам кўришиб қолди! Епирай, катталиги букача келади-я! Кечаси бўрининг кўзлари ўт бўлиб ёнади, дейишарди, рост экан. Ана, чўнқайиб ўтирди. Нега ўтирди экан?.. Шоколад қалтираб турган кўллари билан Алини секингина туртди:

— От!

— Жим!

Бўри ўридан туриб оёқларини чўзиб керишди, узун тумшугини олдинга чўзиб ниманидир хидлагандек бўлди. Катта-катта жағларини очиб, тишларини тақиллатди. Кейин бошини бир томонга хиёл кийшайтириб, нимагадир кулок солди-да, Алиларга қараб юра бошлади. Шоколад беихтиёр чуқурнинг тагига кириб кетди. Али ҳам тахтадек қотиб қолганди. У кўлидаги милтиқнинг тепкисини икки марта босди, отилмади. Бўри ўн метр наридаги қуёнхонаши тумшуги билан турта бошлади. Али учинчи бор тепкига қўл чўзди: — Гум!!

Бўри бир сакраб уч-тўрт метр нарига бориб тушди. Иккинчи бор сакрашга уринган эди, бўлмади, шилқиллаб ўрнига йиқилди.

Ичкаридан чирок кўтариб Робия хола, Эркин, Махмудлар югуриб чиқишди. Биргаллашиб ўлжанинг тепасига бордилар. Ўк бўрининг ўнг қулоғи остидан кириб чап қулоғидан чиқиб кетибди.

— Вой тойлоғим-ей, кел, пешонангдан бир ўпай!— деди хола тўлкинланиб,— умринг ўхшамасин, Дехқонбойимдек довюррак экансан...

Эртасига бутун қишлоқни миш-миш қоплаб кетди. Бир хиллар атайлаб Али билан Шоколадни кўргани келишди. Орадан ўн уч кун ўтгач, район газетасида қуйидагича хабар босилди:

«Довюррак пионерлар

...«Коммунизм» колхози территориясида кўк бўри пайдо бўлиб жамоатчилик фермасига ҳисобсиз зарар келтира бошлади. Уни отиш ёки қопқонга тушириш учун овчилар кўп овора бўлдилар. Шундан сўнг икки довюррак пионер ҳам қўлга милтиқ олиб айёр йиртқичнинг изига тушдилар ва Робия хола Эркабоевнинг боғида уни отиб ўлдиришга муяссар бўлдилар. Довюррак пионерларнинг бу жасорати колхоз правлениеси томонидан юксак тақдирланди, ҳар икки пионерга велосипед мукофотга берилди.

*Ғ. Ш о к и р о в,
ўқитувчи».*

КЕЧИР, ДЎСТИМ МАҲМУДВОЙ

Махфий қуёнчилик фермаси ташкил этилгандан буён дўстларнинг кенгаши бунчалик қаттиқ тортишув билан ўтмаган эди. Қаникул давомида бирон марта тўпланиб кенгаш курмаганлари учунми ёки сўнгги икки-уч ой давомида ҳам-малари ҳам гапга чечан бўлиб кетишган эканми, ҳар қалай бир-бирларига гап бермасдан гапиришар, бир-бирларининг фикрига қўшилолмаётган тортишув авжга минар эди.

— Қуёнларни мактабга топширамиз, вассалом,— деди Али ниҳоят жаҳли чиқиб,— Нега гап қайтарасанлар? Ахир мен ферма мудириман-ку!

— Унда нега советга қақирдинг?

— Совет бўлгандан кейин қақираман-да!

— Чақирган бўлсанг, энди бизнинг маслаҳатимизга ҳам кулок соласан,— деди Маҳмуд ўрнидан туриб.— Қуёнларни мактабга топширмаймиз.

— Топширамиз, вассалом!

— Топширмаймиз! Биз уларни кўпайтургунча озмунча азоб чекдикми? Энди улар тайёр ошга баковул бўлишадими? Бўлишмайди.

— Бўлишади...

Али ўйланиб қолди: агар ҳар икки таклиф овозга қўйилса, ўзиники ўтмай қолиши аниқ. Чунки Маҳмуд билан Эркин қуёнларни мактабга топширмаслик тарафдори. Эркин нима учундир Маҳмуддан бошқа боланинг гапини гап қаторига қўшмайди. Шоколад ҳеч қачон овоз беришга иштирок этган эмас, доим бетараф яшайди.

— Бўлмаса профессорнинг хатини яна ўқиб бераман,— бутун умидини хатга тикиб деди Али.

— Ўқисанг нима қилай,— зарда билан деди Маҳмуд.

Ҳаким Ориповнинг сўнгги хатида ушбу сатрлар ёзилган эди:

«Хурматли Али Ҳозиев, Маҳмуд Тоҳиров ўртоқлар! Хатларингизнинг ҳаммасига бирйўла жавоб ёзаётirman. Чунки бир неча ой давомида узоқ муддатли командировкада бўлдим, зоология боғида бўлмадим. Биринчи хатларингизда Шамсиддин Шукуров овора бўлиб кетгани учун мендан кечирим сўрабсизлар. Модомики, қуёнлар тирик экан, мана шунинг ўзи ҳаммамизнинг қувончимиз. Иккинчи марта келган илмий ходим нималарни ўрганиб кетганига қизиқибсизлар. Қуёнларингиз бирмунча салқин, серёмгир шаронда

боқилаётган экан, ана шуларни аниқлаб келди, холос. Ундан бериб юборган қуёнларингизнинг тўрттови ҳам ҳозирча яхши ўсяпти. Сизлар «Оқ паҳлавонлар» республикамизда бутунлай қирилиб кетмаслиги учун жуда катта иш қилдиларинг. Бунинг учун институтимиз номидан, шахсан ўз номимдан сизларга ташаккур айтмоқчиман. Ниҳоят сўнги саволларингизга жавоб: қуёнларни мактабга топшириш менимча анча яхши натижалар берса керак. Қўлларингизни қаттиқ қисиб қоламан.

Эҳтиром билан
Х. Орипов».

— Ана билдингми,— деди Али таъкидлаб.

— Бари бир топширмаймиз,— ўз сўзнда туриб олди Махмуд.— Биринчи сентябрдан бошлаб яслини оталикка олганимизни ўзларига эълон киламиз. Ҳафтада биттадан қуён бериб турамиз.

Бундан бир неча кун аввал, яъни шаҳар зоология боғидан иккинчи мартаба илмий ходим келиб кетганидан сўнг, Али Мухтор Солиевич билан учрашиб колди. Директор Алининг кўлини қисиб табрикледи. Сўнгра:

— Энди мактабга ҳам ёрдам бергин,— дея илтимос қилди.— Мактабда ҳам қуёнчилик фермаси ташкил қилайлик.

— Сиз бизни қуён билан шугулланганимиз учун мактабдан ҳайдамайсизми?— ховлиқиб сўради Али.

— Нега ҳайдар эканмиз?

— Ахир иккинчи марта қуёнга яқинлашсанг мактабдан ҳайдайман деб айтган эдингиз-ку?!

— Вой, тентаквой-ей! — кулиб юборди директор.— Мен қуён ўғирламайсан деган эдим. Оббо эси йўқ-эй!..

— Рост айтяпсизми?— севинганидан йиғлагудек бўлиб деди Али.

— Рост айтяпман.

— Унда... унда... фермани бутунлай мактабга топширганимиз бўлсин!

— Қўлни бер! — деди директор Алини эркалатиб.— Чин пионерлик сўзингми?

— Чин пионерлик сўзим...

Али Махмуд билан тортишар экан, ҳозир директор билан бўлиб ўтган ана шу воқеани кўз олдига келтирди. Дўстини кўндира олмаса, мактаб директори олдида уятли бўлиб қолиши мумкин эди. Шунинг учун у отилиб ўрнидан

турди-да, Маҳмудга яқинлашди, ўзи ҳам истамаган ҳолда мушт билан Маҳмуднинг няғини кўтариб:

— Ҳов, яхши бола, топширамизми, йўқми? — деб сўради.

Маҳмуд гапнинг очигини айтганда, бир неча секунд илгари «ёки дўстимнинг фикрига кўшилиб кўя қолсамми-кан?» деб иккиланиб турган эди. Али няғини кўтаргач, жаҳли чиқиб кетди:

— Туртмай гапир! — деди у ҳам Алининг няғига муштини олиб бориб. Шундан сўнг икки дўст бир-бирларининг ёқасидан бўғиб олдилар.

— Гапир! — деди Али ғазаб билан энтикиб.

— Полвон бўп қолибсизда-а? — деди Маҳмуд ҳам қалтираб.

Эркин икковларини ажратмоқчи бўлиб харчанд ури-са ҳам бўлмади, улар бир-бирларига канадек тирмашиб олишган эди.

— Робия хола-а-а! — деб қичқирди Эркин кўркиб.

— Қани ур-чи! — деди Маҳмуд энтикиб.

— Йўқ, ўзларидан бўлсин, ҳурматли ўринбосар! — деди Али Маҳмудни кулдириб юбориш учун тиришиб.

Робия хола келиб икковларининг юзига бир тарсакидан урган эди, ўз-ўзларидан ажралиб кетишди.

— Уят эмасми! — деди хола астойдил хафа бўлиб. — Ҳой Шоколад, сен ҳам томошабини бўлиб туравердингми?

— Муштлашганларида албатта ажратиб кўярдим, — ҳамон бепарво туриб деди Шоколад, — ростини айтсам, холажон, айб Аливойингизда. Бизнинг руҳсатимизсиз фермани мактабга ишлом қилиб юборибди. Умуман бир дўшнослаганда чакки бўлмас эди. Директорга сўз берган эмнш...

— Мактабга топширмоқчи бўлганинг ростми? — Алидан сўради хола.

— Рост.

— Жуда яхши фикр ўйлабсан. Фермани мактабга топширсаларинг, мактаб учун фойдали иш қилган бўласизлар. Мактабингизда неча ўқувчи бор, болам?

— 260 та, — ҳамон ковоғини очмай деди Маҳмуд.

— 260 бола кўенчилик билан шугулланаман деса-ю, икки-уч киши қаршилик қилса. Бундан хушуги йўқ! Тўғрими, Маҳмудвой?

— Тўғри.

— Ўғлим Аливой, сендан ҳам хатолик ўтган. Нега бу ҳақда аввал дўстларинг билан маслаҳатлашмадинг?

— Мен... мен шошиб қолибман-да...

— Дўстларингдан дарҳол кечирим сўра, — буюрди Робия хола.

Али холанинг ана шундай дейишни кутиб турганди. У қилган хатосини бўйнига олишга тайёр эди.

— Яширин куёнчилик фермасининг яширин аъзолари, советнинг рухсатсиз иш тутганим учун кечиринглар,— атайлаб ҳазилга олиб деди Али.

— Кечирдик! — дейишди болалар ҳазил оҳангида.

— Маҳмудвойдан ҳам узр сўра! — яна буюрди Робия хола.

— Дўстим Маҳмудвой, нягингга берухсат туртганим учун кечир!

— Кечирдим,— икковлари бир-бирларини юзларидан шерикларини қулдириш учун, бўлиб ўтган жанжал жиддий эмаслигини уларга кўрсатиб қўйиш учун жўрттага ўпиб қўйишди.

Хаммалари маслаҳатга ўтирдилар. Бу гал Робия хола ҳам, ҳозиргина кишлоқдан чиқиб келган Салим ҳам кенгашда иштирок этдилар. Энди эрталабки каттик тортишув йўқ эди. Шунинг учун бир қарорга келиш анча осон бўлди. Орадан беш-ўн минут чамаси вақт ўтгач, яширин куёнчилик фермасининг энг сўнги ва мазмундор қарори ёзилди:

«Қ а р о р № 36.

Биз махфий ферманинг махфий аъзолари узоқ тортишувдан сўнг ушбу қарорга келдик. Мактаб директори Мухтор Солиевич синф раҳбаримиз Санобар Қосимжоновналарнинг маслаҳатларига кўра махфий фермани барча қуёнлари ва бошқа ашқол-дашқоллари билан мактабимиз ихтиёрига топширамиз. Биринчи сентябрдан бошлаб қишлоғимиздаги болалар ялсисини оталиққа олганимизни барчага эълон қиламиз. Қуёнлардан тўрттасини колхоз фермаси учун ажратиб берамиз. Фермаизни топширишни биринчи сентябрга белгилаймиз. Эрталабки бўлиб ўтган жанжал ҳақида ҳеч кимга оғиз очмаймиз».

XIV боб

КОЙИЛМИЗ, ҚОЙИЛ!

Мактаб бугун байрам либосида. Синф хоналари ҳафсала билан окланган, янги бўялган парталар, поллар кўёш нурида товланиб, кўзни камаштирай дейди. Ҳовлиларга сувлар сепилган. Гулзорларда гуллар яшнаб турибди. Ба-

шанг кийинган болалар, сочларига қизил, кўк ленталар таққан шўх-шўх қизчалар бир-бирлари билан қувлашади. Иккита-иккитадан бўлиб суҳбат қурганлари ҳам бор. Бир хиллар давра олиб ўйин ўйнашади, ҳамманинг лабида кулги, кўзларида чексиз секинч, шодлик, хуррамлик...

Гори чалнииб, тантанали сбор бошланганидан дарак берди. Пионерлар, юқори синф ўқувчилари ҳар ким ўз синфига, бўйига мослаб сафга тизила бошлади. Мухтор Солиевич ўртага чиккач, чуғуллашиб кулокларни коматга келтираётган болалар сув сепгандек жим бўлиб қолдилар... Директор ўқувчиларни янги ўқув йили билан табриклади, муваффақиятлар тилади.

Худди шу пайт мактаб дарвозасидан усти брезент билан ўралган машина тантанавор кириб келди, ҳамманинг диққати ўша томонга кадалди. Ўртага пионервожатий Зокиржон Йўлдошев чикди:

— Ўртоқлар! — каттиқ овоз билан гап бошлади. — Ўртоқлар! Бугун, шу тантанали кунда сизларни яна бир қувончли хабар билан хурсанд қилмоқчиман. Аввало Маҳмуд Тохиров, Зокирали Аббосов, Эркин Одилов ва ака-ука Ғозиевларни чиқишларини сўрайман. Ҳа, баракалла! Берирок келаверинглар.

Шундан сўнг Зокиржон Йўлдошев махфий қуёнчилик фермасининг қандай ташкил этилганлиги, аъзоларининг бошидан кечирган қийинчиликлари, профессор Ҳаким Ориповдан келган хатларининг тарихи тўғрисида тўлқинланиб, хаяжон билан гапириб берди. Болаларда шавқ-завқ уйғотиб юборди, кўпчиликининг ҳаваси кўзгаб шодийна қарсақ янгради.

— Қойил!

— Аливойга раҳматлар бўлсин!

— Маҳмудни пионерга тиклаш керак!

— Ўртоқлар, энди Эркинни камрок калака қилайлик...

— Жим-жим! — дея қўлини кўтариб говурни босди пионервожатий. — Тинчланинглар! Ҳали гапининг энг муҳимини айтганим йўқ. Гап шундаки, бу беш оғайни азаматлар не-не қийинчиликлар билан, азоб-укубатлар билан етиштирган фермаларини мактабга, яъни сиз билан бизга совга қилишмоқчи... Машинанинг устини очинглар!..

Машинанинг устидаги брезент кўтарилгач, кўзлари қуёнларга тушган ўқувчилар ўзларини ушлаб тура олмадилар шекилли, сафларини бузиб ўша томонга югурдилар. Ўттизга яқин катта-кичик қуёнлар сақланаётган катакларни ерга туширгунларича ҳеч кимни қайтариб бўлмади. Анча маҳалгача говур, гап-сўзлар босилмай турди.

- Молодец, Махмуд!
- Али, мени ҳам фермангга оласанми?
- Қиз болани бошига урадимми?
- Сен ишингни қил, манқа!
- Ўзинг манқа!

— Жим,— деди ниҳоят Зокиржон Йўлдошев бўғилиб,— жим бўласизларми, йўкми! Ўртоқлар, энди масаланинг иккинчи қисмига ўтмоқчиман. Ўзларингизга ҳам маълумдирки, ўтган йили Али билан Махмудни пионердан ўчирган эдик. Улар мактаб пионер ташкилотига пионерга тикла-нишларини сўраб ариза берганлар...

— Тиклансин! — деди кимдир қарсақ чалиб. Қарсақ қарсақка уланиб кетди. Ҳатто бир чеккада турган ўқитувчилар ҳам ўзларини ушлаб тура олмадилар, қарсақ чалиб, ўз шодлиқларини, мамнун эканликларини билдира бошладилар. Шу пайт Мухтор Солиевич яна ўртага чиқди:

— Бир нафасга тинчлаинглар,— деди директор тўлқинланиб.— Бугун чиндан ҳам тантанали кун бўлди... Ўтган йили Али билан Махмудни куён ўғирлагани ва колхозга зарар келтиргани учун пионердан ўчирган эдик, жуда тўғри иш қилган эдик. Бугун улар ўз айбларини ювдилар, яширин ферма ташкил қилиб уни вояга етказдилар... Республика аҳамиятига эга бўлган жасорат кўрсатдилар. Энг муҳими, бу фермани дўстларига совға қилишмоқчи. Бу олийҳимматлик намунаси. Шунинг учун бу беш азаматга мактаб дирекцияси номидан раҳматлар айтишга рухсат бергайсизлар...

Махфий куёнчилик фермасининг аъзолари майдон ўртасида туришар экан, мактовлардан уялиб, юзларини беркитишга тиришардилар. Али бирон нарса билан овуниш мақсадида Махмудни секингина туртди.

— Табриклайман, дўстим! — деди у пичирлаб.

Махмуд ҳам Алининг табригига табрик билан жавоб қайтарди.

— Ўзингни ҳам, азизим!

Ҳалидан буён директордан кўзини узмай гўё бу ишларнинг ҳаммасини ўзи қилгандек керилиб турган Салим:

— Ака, ака! — дея Алини турта бошлади.— Робия холам нима бўладилар? Елғиз ўзлари қолиб кетаверадиларми?

— Елғиз эмас. Мактаб фермаси холамнинг уйида ташкил бўладиган бўлди.

— Хайрият...

АКА-УКА ОМОНБОЙ БИЛАН ДАВРОНБОЙНИНГ ҚИШЛОҚҚА ГАЗ ОЛИБ КЕЛГАНЛАРИ ҲАҚИДА ЖАЖЖИ ҚИССА

Биринчи боб

ШОФЁР АМАКИНИНГ СУВ СЎРАБ КЕЛГАНИ ВА ШУ БАҲОНАДА ТАНИШИБ ОЛГАНЛАРИ

Давронбой олтига кирган. Омонбой яна бир ойдан сўнг тўртга тўлади. Бу икки ака-ука тоғлар этагидаги «Кўрғонча» деб аталмиш олис қишлоқчада, дов-дарахтларга кўмилган бир ҳовлида яшашарди. Илгари бу ерлар сал-пал зерикарли эди, ўйнаш учун ўртоқ топилмас эди. Ўртоқ ахтариб қишлоқнинг ичкарироғига бораёйлик, дейишса, Маҳмуд олакўзнинг кучугидан кўркишар эди... Энди бўлса, унчалик зерикарли эмас, сал-пал қизиқарлироқ ҳам бўлиб қолди. Нега десангиз, яқинда қишлоқни қоқ иккига бўлиб, ўртадан каттакон йўл ўтди. Уйда зерикиб қолсанг, шундоққина кўчага чиқсанг, тамом — физиллаб ўтаётган машиналарни томоша қилиб, маза қилиб ўтира берасан.

Омонбой билан Давронбой бугун ҳам шундай қилишмоқчи эди — тўғрироғи, кунботар томонга ўтаётган машина қанча-ю, кунчиқар томонга ўтаётган машина қанча, шунга бир ҳисоблаб кўришмоқчи эди. Аммо...

Оқ товук билан қора товук тухум туғиш учун худди маслаҳатлашгандек бир вақтда кататка кириб қолишса бўладими! Сиз, эҳтимол, хўш, кататка кирган бўлса нима бўпти, ўзи туғаверади-да, пойлаб ўтириш шартми деб ўйларсиз? Тўғри, шарт эмас, ўзи туғса ҳам бўлаверади. Лекин масаланинг бир муҳим томони борки, буни ҳеч қачон унутмаслик керак. Гап шундаки, оқ товук Омонбойники, унинг тухуми сал каттароқ бўлади. Қора товук Давронбойники, унинг тухуми одатда сал кичикроқ бўлади. Давронбой буни ҳеч таш олмайди, ҳамини тухумнинг каттасини ўзиники қилиб олади. Шунинг учун Омонбой кўчага чиқиб, физиллаб ўтаётган машинани санашдан воз кечди:

— Мен товугим туғаётганда тухумини пойлаб ўтираман! — деди у кататканинг рўпарасига келиб.

— Мен ҳам пойлаб ўтираман, — унинг ёнгинасига ўтирди Давронбой ҳам. — Бугун менинг товугим сал каттароқ туғиши керак.

— Ҳечам-да, сенинг товугинг ҳамиша кичкина' туғади.
— Бугун катта туғади... Бошингга бир туширайми!— деди акаси кўлини мушт қилиб.

— Бетингни тимдалаб оламан! — деб укаси ҳам секин ўрнидан тура бошлади.

Ака-ука жўжа-хўроздек тиккама-тикка бўлиб олишиб кетишди.

Акаси қора товук бугун катта тухум туғиши мумкинлигини, укаси ўша қора товук ҳечам катта тухум туға олмаслигини исботламоқчи эди. Худди шу пайтда тўсатдан, ха-ха, тўсатдан, кўча эшикни кимдир дўмбира қилиб чала бошлади... Ака-ука бир-бирларининг ёкасидан кўлини олиб, ваҳима ичида жим қолишди.

— Ўғри! — ранги ўчиб шивирлади Омонбой.

— Шпион бўлса-я,— деди Давронбой ҳам кўркув ичида.

Эшик яна тақиллади. «Ким бор» — деган овоз ҳам эшитилди кетидан.

Ака-ука битта-битта босиб, эшик ёнига боришди. Тиркишидан аста мўралаб қарашган эди, хайрият, ўғри ҳам эмас, шпион ҳам эмас, челақ ушлаган новча бир амаки экан.

— Амаки, сиз кимсиз? — деб сўради ўзини босиб олган Давронбой.

— Шофёрман,— деган овоз қайтди эшик орқасидан.

— Шофёр бўлсангиз, нега машинангизни ҳайдамай, бизнинг эшик олдида турибсиз?

— Машинам бузилиб қолди.

— Нега бузилиб қолади?

— Юки оғирлик қилиб балони ёрилиб кетди-да.

— Юкни озрок боссангиз бўлмасмиди?

— Менга қара, яхши бола, сен ҳам менинг ўғлимга ўхшаб саволларни ёғдириб ташлашга уста экансан... Озгина сув бергин.

— Сув ўзингизгами ёки машинагами?

— Оббо... Ўзимгаям, машинамаям...

Тўғри, Давронбой деганлари чиндан ҳам серсавол бола эди. Савол бермайман, деса ҳам бергиси келаверарди. Ҳозир ҳам шунақа бўлди. Ҳеч нарса ҳақида сўрамайман деб турувди, тўсатдан: «Машинангиз КРАЗми ёки самосвалми?» — деганини ўзи ҳам билмай қолди.

— КРАЗ,— деган жавоб қайтди эшик орқасидан.

— КРАЗ бўлса, унга сув бермайман.

— Нега энди бермас экансан?

Бу амакининг ўзи ҳам кизик экан-да, нега деб сўраб ўтирибди-я, ахир ҳамма нарса равшан-ку! Бўлди-бўлди бўл-

ганда, юк ташувчи машиналар Омонбойга, енгил машиналар Давронбойга таксимланган. Йўл ёқасига чиқиб, кимнинг машинаси кўп ўтишга ўйнашганда Омонбой юк машиналарини, Давронбой енгил машиналарни санашга ҳақли.

Давронбой бу гапларни тушунтириб берувди, новча амаки шу оддийгина ҳақиқатни ҳалигача билмаганига афсусланиб:

— Шунақами? — деди қошларини кериб.

— Шунақа! — деб кўйди Давронбой ҳам таъкидлаб.

Новча амаки эшикни очиб юборишини сўраб, энди Омонбойга мурожаат қила бошлади. Омонбой ўзига қарашли машинага ва унинг новча шофёрига сув даркор бўлиб қолганига негадир хурсанд бўлиб кетди.

Давронбой бўлса жуда ҳушёр ва эҳтиёткор бўлганлиги учун юк машинаси тўхтаган-тўхтамаганлигини текшириб кўриш мақсадида, нарвонга тирмашиб томга чиқа бошлади. Нарвоннинг охириги погонасига чиқар-чиқмас:

— Войбўй, машинанинг катталигини қараглар! — деб кичкириб юборди.

Бу орада ҳар қандай ишни ҳам жуда тез бажаришга ўрганган Омонбой аллақачон эшикнинг тамбасини тушириб бўлган эди. Қўлига пачақланган бир челак ушлаб олган, дадаларига ўхшаш новча, елкалари кенг, ялпоқ юзли, козирёги икки қарич келадиган чипор шапкасини сал қийшайтириб олган шофёр амаки Омонбой эшикни очиши билан:

— Баракалла, азамат, сен жуда эсли бола экансан. — деб мой хиди келиб турган каттакон кафти билан Омонбойнинг бошини силаб кўйди. Омонбой ҳақиқатан ҳам азамат ва ҳақиқатан ҳам эсли бола эди. Шунинг учун ҳам шоша-пиша:

— Амаки, мен-чи, кечаси ётаётганимда киндигимга ёғ суртиб ётаман! — деб ахборот берди яна.

— Мана бунни чинакам қаҳрамонлик деса бўлади! — новча амаки бу гал Омонбойнинг елкасига қоқиб кўйди. — Сувни қаердан ичасизлар?

— Боғда ҳовуз бор, — негадир ҳовлиқиб деди Омонбой, — орқамдан юраверинг... Ундан кейин-чи, амаки, мен овқат ейишдан олдин кўлимни ювиб келаман.

— Войбўй, сен чиндан ҳам ажойиб бола чиқиб қолдинг-ку!

— Ундан кейин-чи, амаки, мен овқат еганимда лабимни чапиллатмайман.

— Офарни!

— Даврон-чи, амаки, жуда ёмон бола. Ҳар куни менинг катта тухумимни олиб кўяди.

- Шошмай турсин, уни бир болаймиз ҳали.
- Уни машинага чиқармаймиз, бўптими?
- Бўпти.
- Амаки, мени машинанинг кабинасига ўтқизиб кўясиз, хўпми?
- Хўп.
- Сигналини чалиб кўрсам майлими?
- Майли.

Амаки билан Омонбой мана шунга ўхшаш баъзи бир муҳим нарсалар ҳақида ўзаро битимга келишиб, боғ этагидаги каттақон ховуздан челақни тўлдириб сув олиб чиққуларича, ҳамма нарсага биринчи бўлиб улгурадиган оёғи чакқон Давронбой аллақачон машинанинг олдига етиб борган эди. Бундай караса, машина ҳаддан ташқари катта, кетида прицепи ҳам бор, устига катта одамларнинг ҳам қўлочи етмайдиган трубадан иккитасини юклаб қўйишган экан. Прицепдаги балоннинг дами чиқиб кетиб, улкан труба-балар бир томонга сал оғиб, ҳатто йиқилай-йиқилай деб турган экан. Давронбой кўп машиналарнинг устига чиққан, бир хилларининг сигналларини ҳам чалиб кўрган эди-ю, лекин бунақанги баҳайбат машинага ҳеч чиқмаган эди. Бир чиқиб маза қилмоқчи бўлувди, ҳеч иложини тополмади. Шунинг учун ҳам машинанинг атрофида гир айланиб юраверди. Бу орада Омонбой билан новча амаки ҳам келиб қолишди. Новча амаки дами чиқиб кетган балонга қараб узок тикилиб қолди, бош чайқади, кейин челақдаги сувни бўйи баробар кўтариб яна симириб ича бошлади.

— Амаки, бу трубаларни қасққа олиб боряпсиз?— деб сўради Давронбой.

— Жуда узокка,— ўйга толиб деди новча амаки.

— Кўприкнинг устига кўясизларми?

Мана шу саволдан кейин бир томонда Давронбой билан Омонбой, бир томонда ух тортиб, кетма-кет сигарет тутатаётган новча амаки ўрталарида ажойиб бир суҳбат бошланиб кетди... Маълум бўлишича, бу баҳайбат трубаларни кўприкнинг тагига ётқизиш учун эмас, балки бир-бирига улаб ер остига кўмиб, газ олиб келиш учун ишлатишар экан. Газ деган нарса бамисоли лампа мойига ўхшаб ловиллаб ёнар экан. Унинг олови шунақанги ўткир бўлар эканки, кўз очиб юмгунча қозондаги шўрвани биқирлатиб қайнатиб юборар экан, печкаларни ҳам, тандирларни ҳам киздириб юбораверар экан.

Шундан кейин дўстона ва самимий суҳбат давомида яна шу нарса ҳам маълум бўлдики, бу кишлоқнинг болалари ўтакетган шўх болалар экан. Айниқса, ху, рўпара-

даги мўрисида буралиб-буралиб тутун чикиб турган ховлида яшайдиган Маҳмуд олакўз деган бола ҳаммасидан ҳам кийиги экан. Ўтган йили Омонбой билан Давронбойларнинг шафтолисини, айни пишганида, битта қўймай тагига тўкиб кетибди, катакдаги тухумлардан ҳам ҳеч кимга билдирмай, тез-тез олиб тураркан. Хуллас, мана шу боладан жуда эҳтиёт бўлиш керак экан...

Иккинчи боб

АКА-УКАЛАРГА ҒОЯТ МАСЪУЛИЯТЛИ ТОПШИРИҚ БЕРИЛГАНЛИГИ

Бу бобнинг воқеалари, очигини айтсам, машинанинг сигналинини чалишдан бошланиб кетди. Омонбой секин-секин чалиб, ҳар чалганида сигналнинг ёқимли овозидан завқланиб, маза қилганидан бошларини силкитиб кулаётган эди, унинг ёнида ўтирган Давронбой тўсатдан шунақанги каттиқ чалиб юбордики, машинанинг соясида ўтириб, кетмакет сигарета чекиб, ўй сураётган шофёр амаки икки қўли билан кулогини беркитиб:

— Хой, болакайлар, кулогимни тешиб қўйдиларнинг-ку! — деди.

— Ажаб бўлди! — деди Омон акасига танбеҳ бериб.

Давронбой ҳам укасига ўхшаб машинанинг кабинасида маза қилаётганди: оёгини ликилатиб ўтириш, узок-узокларга кўз ташлаш, каттақон рулни уёқ-буёққа буриб кўриш, сигнал чалиш — хуллас, ҳаммаси гаштли эди-да. Давронбой ана шулардан бир йўла маҳрум бўлишдан кўр-киб:

— Амаки, тухум пишириб берсам ейсизми? — деб сўради шоша-пиша.

Шофёр амаки кечадан буён туз тотмаган, қорни ҳаддан ташқари оч эди:

— Тухумни қаердан топасизлар? — деб сўради.

— Омборхонада икки челек тухум бор! — акасининг ўрнига жавоб қайтарди Омонбой.

Шофёр амаки, қани кетдик бўлмаса, деган эди, ака-укалар: «Мана ҳозир, мана ҳозир», — дейишиб, машинанинг сигналинини устма-уст босишаверди. Охири шофёр амакининг тоқати тоқ бўлиб кетди.

— Қўйинглар-е, мени алдаган экансизлар-у!

— Ҳечам-да, — шошилиб деди Давронбой, — тухум

ётибди... Ойим кеча дадамга: «Шу зормандаларни тезроқ бир ёкли килмасангиз, ариққа ағдариб ташлайман»,— деган, билдингизми!.. Фақат бизда гугурт йўқ, ойим беркитиб кетган. Омонбой бир марта оғилхонага ўт қўйиб юборганди. Ушандан кейин ҳар кунни беркитиб кетади.

Шофёр амакида гугурт бор экан.

Учовлари уйга қараб югуришди.

Шофёр амаки, хали айтганимиздек, ҳаддан ташқари оч эди. Тухумларни тезроқ пишириб, тезроқ еб олиш учун шошаётганди. Ака-укалар бўлса, шунақанги ажойиб ва ғаройиб машинанинг шофёрига хизмат қилиш имконияти туғилгани ва ундан ҳам муҳими тухум бор деб ёлғон гапирмаётганликларини исботлаш учун шошишаётган эди.

Ишнинг уёғи жуда тез юришиб кетди. Давронбой омонбойдан бир челақ тухумни инкиллаб кўтариб чиқди. Омонбой бир қучоқ ўтин олиб келди. Новча амаки ўт қалаб, қозонга сув солди, тухум ташлади.

— Амаки, сизнинг ҳам ўғилларингиз борми?— сўраб қолди Давронбой.

— Иккита ўғлим, учта кизим бор,— сал-пал ўйга толиб деди новча амаки.— Қизларим катта бўп қолган, ўғилларим бўлса сизлар тенги.

— Машинага тушириб, каттайса килдирсангиз бўлмай-дими?

— Бўлади.

— Нега бўлмаса ҳозир туширмадингиз?

— Улар жуда олисда-да.

— Амаки, бизни ўша ёқларга олиб бориб келинг, жон амаки!

— Қаёқларга дейсан?

— Ўша газ бор жойларга-да.

— Уёқларда нима қиласан?

— Газ олиб келардик-да... Челакни тўлдириб олиб келардик.

— Газни челакка қуйиб бўлмайди-ку?

— Ўзингиз лампа мойига ўхшаб суюқ бўлади дедингиз-ку?

— Суюқ бўлади-ю, лекин бари бир челакка қуйиб бўлмайди-да.

— Бўлмаса шишада олиб келамиз, хўпми?

Омонбойнинг ҳам шу пайтда жуда-жуда гаплашгиси келиб кетди. Шунинг учун ҳам шоша-пиша кўли билан акасининг оғзини беркитиб:

— Ўша ёқда бўрилар ҳам кўпми?— деб сўради шофёр амакидан:

- Учраб туради,— ўйга толиб деди амаки.
- Сиз кўркмайсизми?
- Кўркмайман.
- Қорнингиз очиб қолса нима ейсиз?
- Баъзан чидашга тўғри келади.
- Сувсаб қолсангиз-чи?
- Униям бир иложини топамиз.

Шофёр амаки шу пайтда қозон остига ўт қалаб, гоҳ Давронбой билан, гоҳ Омонбой билан қизиқ-қизиқ нарсалар ҳақида гаплашиб ўтирган бўлса-да, ҳаёли бошқа ёқларда эди. Ўғилларини, қизларини жуда-жуда ҳам соғинган эди у. Бундай хомчўт қилиб кўрса, уларни кўрмаганига бир ойча бўлиб қопти-я!.. Ўғиллари ҳозир қарларда юришган экан? Еки кўчанинг бошига чиқиб, дадамиз келиб қолармикан деб, йўл пойлаб ўтирганмикан... Буёқда бўлса балон ёрилиб, ишнинг пачаваси чиқиб ўтирибди...

Омонбойнинг назарида шофёр амаки эртақлардаги паҳлавонлардек бўлиб кўрина бошлади. Бу бўрилардан кўркмайдиган, сувсизлигу очликка чидаб кетаверадиган амаки чиндан ҳам эртақлардаги қахрамонларнинг ўзгинаси эди. Омонбойнинг бу амакига яхшилик қилгиси, нима биландир хурсанд қилиб, барақалла, ўғлим, деган овозини эшитгиси келиб қолди. Амакининг орқасидан аста-секин келиб, елкаси оша қўлларини кўксига ташлаб, қулоғига:

- Оғилхонада эчкимиз бор, кўрсатайми?— деб сўради.
- Йўқ, кейин,— деб қўйди амаки.
- Телевизоримиз яп-янги, қўйиб берайми. Ўйинчи қизлар чиқади.

— Ўйинчи, қизларми... Уларниям кейин кўрармиз.

Амакининг бунақанги бепарволиги, Омонбой яхши кўрган нарсаларнинг ҳаммасига бепарқ қараши унинг аламини ошириб, жаҳлини чиқариб юборди:

— Энди сизга ҳечам шеър ўқиб бермайман!— деди тўсатдан.

Омонбойнинг йиғламсираб туриши шофёр амакининг ҳаёлларини қочириб, ўзини хушёр қилиб қўйди:

— Войбўй, ҳали сен шеър ўқишни ҳам биласанми?— деди у қизиққанидан ўрнидан туриб.

— Нима десам, йўқ-йўқ-йўқ, дейдилар...

— Омонбой, мен ростдан ҳам шеърни яхши кўраман, қани, биттасини ўқиб юбор-чи!

— Алдаянсан!

— Алдасам... ҳар нарса бўлай, қани-қани!

Омонбой шу захотиёк аламини унутиб, ўзидан-ўзи завқ-ланиб, икки кўлини ёнига туширди-да:

— Давронбой хўжа,
Бултурги жўжа.
Бола очади,
Ташлаб кочади!

— деб кимдандир эшитган шеърини декломация қилиб, ўкиб берди.

Шофёр амакига шеър яхшигина таъсир қилди шекилли, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Шунангидек каттиқ кулдиди: ховлида донлаб юрган товуклар чўчиб, ҳар томонга қочиб қолишди.

— Оббо, Омон мирзо-ей,— деди амаки охири.— Бери кел, бир ачомлашайлик, баракалла! Менга ўғил бўласанми?

— Вой, сизга ўғил бўлсам, ўзимнинг дадам етимча бўл қолади-ку! — қошларини кериб, таажжубдан кўзларини катта-катта очиб деди Омонбой.

Шофёр амаки яна кулиб юборди. Кулиша-кулиша, ўртага тузлукни қўйиб олиб, тўйгунларича тухум ейишди, кетидан қора қумғонда чой қайнатиб ичишди, энг охирида офилхонадан битта йўғон ёғоч олиб чиқиб, қийшайиб бораётган трубаларнинг ўнг томонига тираб ҳам қўйишди.

— Иш деган мана бундай бўлипти,— деди шофёр амаки мамнун бўлиб,— Давронбой, сен эсли боласан, шундайми?

— Мен ҳам эслиман,— акаси дан олдин жавоб қайтарди Омонбой.

— Икковларингга битта муҳим топширик бор, жуда ҳам муҳим... Мен ҳозир йўловчи машиналардан бирига ўтириб, бир жойга бориб келаман. Мен бориб келгунча машинани пойлаб ўтира оласизларми?

— Пойлаб ўтира оламиз! — бараварига жавоб қайтаришди ака-укалар.

— Ҳеч ким кабинага яқин бормасин, хўпми?

— Хўп.

— Демак, сизларга ишонсам бўлади-а?

— Бўлади,— деди Давронбой ҳамма жавобгарликни ўз зиммасига олиб,— фақат қайтаётганингизда бизга бир челақ газ олиб келиб берасиз, бўптими?

— Менга икки челақ олиб келасиз! — деб топширик бериб юборди Омонбой ҳам.

Шофёр амаки йўловчи машинага ўтираётганда яна бир марта: «Сизларга қаттиқ ишондим, бегона одамларни машинага йўлатманглар», дея илтимос қилиб кетди.

Давронбой билан Омонбой бир сўзли, ваъдасининг устидан чиқа оладиган азамат болалар эди, шунинг учун ҳам улкан машина ва унинг устидаги машинадан ҳам улкан трубаларга бегона болаларни яқин йўлатмаслик чораларини кўра бошлашди. Ака-укада қурол-яроғлар жуда мўл эди: пластмассадан ясалган икки ханжар, оғзига олчанинг данагини солиб отса, ҳар қандай ёвни қириб ташлай оладиган иккита милтиқ ва яна ўша пластмассадан ясалган бўлса ҳам чинакам танкалардан ҳеч қолишмайдиган «Т—34» маркали иккита танклари бор эди. Дадаларининг увадаси чиқиб кетган эски тўнини машинанинг сояси тушиб турган томонга тўшаб, қурол-яроғларини шай қилиб, пойлоқчилик қилишга киришишди.

— Маҳмуд олакўз келиб машинага тегса, ўлдираман,— деб кўйди Давронбой.

— Мен-чи, ака, милтигим билан отиб ташлайман, хўпми?— деди Омонбой ҳам дадилланиб.— Ака, шу машина меники, а?

— Йўк, икковимизники.

— Хечам-да, юк машиналар меники эди-ку?

— Энди икковимизники бўлди.

— Бекор айтибсан! — аччиғи чиқиб кетди Омонбойнинг

— Бошингга бир туширайми! — дик этиб ўрнидан турди Давронбой.

— Бетингни тимдалаб оламан! — бармоқларини бургут панжасидек ёзиб, акасининг устига бостириб кела бошлади Омонбой.

Учинчи боб

БУ БОБНИНГ МАЗМУНИНИ ЎҚИГАНДАН КЕЙИН БИЛИБ ОЛАСИЗ

Ойилари ишдан қайтганда Давронбой билан Омонбойлар кўчада пойлоқчиликда туришганди.

— Вой, ўлмасам! — деди ойилари бошидаги салкам бир қоп ўтти ерга кўя туриб,— богчага бормадиларингми?

— Энди хечам богчага бормаймиз,— шошилиб деди Давронбой,— биз энди пойлоқчилик қиламиз.

— Ойи, мен акам билан уришмадим,— деб ахборот бериб юборди Омонбой.

Бир томонда даладан хориб-чарчаб кайтган ойилари, бир томонда пойлоқчилик қиламиз деб офтобнинг дамида терга пишиб кетган ва пухтагина қуролланиб олган ёш соқчилар — Давронбой билан Омонбойлар тиккама-тикка туриб, роса савол-жавоб қилишди. Ойилари нима бўлганда ҳам богчадан қолмаслик керак эди, афтиларингга қараб бўлмайдиган бўлиб кетибди, ўша ерда озодагина юрган бўлардиларинг, деган гапларни айтди. Ёш соқчилар бўлса, афтимиз билан ишингиз бўлмасин, машинани ташлаб кетишга ҳаққимиз йўқ эди, деган гапларни айтишди. Ака-ука бир бўлганлари учун, ойилари енгилиб, унча хафа ҳам бўлмай, унча хурсанд ҳам бўлмай, халиги салкам бир қоп ўтти кўтариб, ичкарига кириб кетди.

Худди шу пайтда кунбўйи қутилган энг даҳшатли хавф — Маҳмуд олақўз пайдо бўлиб қолди. У эшагини яланғоч миниб, бўлар-бўлмасга ириллайверадиган, тумшугигача жун босиб кетган кучукчасини ортидан эргаштириб, қўлида тугунча, жадал юриб келар эди, машинага яқинлашгач, эшагини тўхтатиб, ҳайрат ичида узок тикилиб қолди:

— Войбўй, катталигини қаранглар! — деди ниҳоят кўзи чакнаб, — кимнинг машинаси бу?

— Бизники! — атайлаб ковогини солиб деди Давронбой.

— Шофёр амаки бизни қоровул қилиб кетган, — қўшимча қилди Омонбой, — қайтаётганда бизга челақда газ олиб келади...

— Бориб-бориб сенларни қоровул қилдим, а?

— Қилди, алам қилсин!

— Бир тепсам етди думалаб кетасан-ку!

Маҳмуд Давронбайдан бор-йўғи бир ёш катта, холос. Ака-укаларни ёлғиз учратди дегунча, албатта йиғлатиб қочади. Лекин ҳозир Давронбой билан Омонбой ундан зигирча ҳам кўркишмади, нега десангиз, қўлларида қуроллари бор! Маҳмуд ҳам мана шу ханжару милтиқлардан сал-пал кўрқди шекилли:

— Опамникига помидор олиб кетаяпман, бўлмаса таъзирларингни бериб қўярдим-а! — деб аста жўнаб кета бошлади. Бежавотирроқ жойга бориб олгач, эшагининг бошини тортиб: «Ҳали келиб, машиналарингни устига чиқиб, трубаларини даранглатиб чалиб мацца қилиб ўйнайман», деб қўйди.

Аста-секин кеч кириб, қоронғи туша бошлади. Бу орада ойилари, овқат пишди, ичиб олинглар, деб икки марта чакириб кетди. Кейингисида телевизор қўйиб бераман, «Оламга саёҳат» бўляпти, ҳар хил ҳайвонлар чиқяпти, деб ёлвориб ҳам кўрди. Ака-укалар кўнишмади. Биз кириб

кетсак, бегона болалар трубаларни думалатиб кетишади, деб туриб олишди. Учинчи гал ойилари тўппа-тўғри келдида, ҳеч нарса демай, Давронбойни чап қўлтиғига, Омонбойни ўнг қўлтиғига қисиб, чумчук боладек чиркилатиб уйга олиб кириб кетди. Ерга қўйиб икковининг ҳам орқасига — юмшоқ жойларига бир тарсакидан тушириб:

— Қайсар бўлмайд кетгурлар!— деб уришди.

Давронбойга негадир жуда алам қилиб кетди, хўнграб йиглаб юборди:

— Энди овқатингизни ҳам ичмайман! — жавраб аламини чиқара бошлади,— уйингизни пойламайман, эчкингизга ҳам карамайман!

Ойилари чидай олмади шекилли, икки ўғлини тиззасига олиб тер ҳиди келиб турган кир пешоналаридан ўпиб: «Дўмбокларим, билмай қолдим, кечиринглар», деб узр сўради.

Ака-ука ҳиқиллашиб ўтириб, чучвара ейишди, сўнг индамасдан бориб, ўринларига ётишди-ю, бошларига чойшаб тортиб олишди.

— Укажон, ўзимизни ухлаганга солиб ётамиз, хўпми?— секин шивирлади Давронбой.

— Нега ундай қиламиз, акажон?— ундан ҳам пастрок овозда сўради Омонбой.

— Биз ухласак, ойим дадамга овқат олиб борадилар.

— Ухламасак-чи?

— Обормайдилар... Унда биз машина пойлашга чиқолмаймиз, хўп дегин, жон ука!

— Кейин эртак айтиб берасанми?

— Айтиб бераман.

— Тухумниям каттасини берасанми?

— Бераман.

— Хўп.

Ойилари шошилиб бошини юва бошлади, кейин каттакон тошойна ёнига келиб, сочини узоқ таради, атир сепди, кулоқларига садарайхон шохчаларидан қистириб олди. Энг охирида ташқарига чиқиб, кастрюлга тўлдириб чучвара солди, оёқ учида битта-битта юриб келиб, ёлгондакам пишиллаб ётган Давронбой билан Омонбойнинг пешанасидан оҳишта-оҳишта ўпиб, яна оёқ учида юриб чиқиб кетди.

Кўча эшик гичиллатиб ёпилиши билан ака-укалар сапчиб ўринларидан туриб, ўчоқ бошидаги ханжару милтиқларини олиб, чинакам соқчилардек қайтадан қуроллана бошлашди.

— Ака, биз ҳеч кимдан қўрқмаймиз-а?— сўради Омонбой пойлоқчилик қиладиган ўринларига боргач.

— Кўрқмаймиз! — деб кўйди Давронбой.

— Ака, ажинанинг бир кулоч думи бўладими?

— Билмасам.

— Ака, алвастилар кундузи каерда ётишади?

— Билмасам,— кўрқканидан укасидан баттарроқ қалтираб деди коровулбоши Давронбой,— укажон, ке, труба-нинг ичига кириб оламиз.

— Вой, мен чиқолмайман-ку!

Трубаларнинг бири кийшайиб, ерга тегай-тегай деб турган бўлса-да, бари бир, унга икковларининг ҳам бўйи етмас эди. Оғилхонадан эски яшик олиб чиқиб, оёқ остиларига кўйиб, олдин Давронбой, кетидан Омонбой кўтарилиб олишди. Ҳеч кимга кўрсатмасдан чиқиб олганлари учун ўзларида йўқ хурсанд эдилар. Ўртароғига бориб, тағларига дадаларининг увадаси чиқиб кетган эски тўнани тўшаб, жойлашиброк ўтиришди. Энди ҳеч нарса кўркинчли эмас! Ўша думи узун алвасти-ю, хамиша тумшугини жун босган кучугини эргаштириб юрадиган Маҳмуд олакўзлар ҳам келаверсин, пақ-пақ отиб ташлашади, тамом-вассалом! Ойилариям тополмайди, энди шапалок билан уриб ҳам бўпти.

— Мен маза қиялман,— чўзиб эснаб кўйди кичик коровул.

— Менам,— ҳатто эснашга ҳам холи келмай қолди катта коровулнинг.

— Акажон, мен ухлаб қолялман.

— Менам...

Умуман, коровулларнинг гапида жон бор эди, негаки, «Кўрғонча» кишлоғининг кичик граждани оромли уйкуга кетадиган вақт аллақачон етган эди.

Тўртинчи боб

ТРУБА ИЧИДА КЎРҚИНЧЛИ САЁҲАТ

Шофёр амаки район марказидаги автобазадан кўтарма кран топиб келганда вақт етти хуфтон бўлган эди. Амаки кўтарма кран ёрдамида ёрилган балонларни кўз юмиб очгунча алмаштириб олди-ю, кундузи олиб чиққан ёғочни ташлаб, шу бахонада Давронбою Омонбойлар билан хайрлашиб чиқиш учун, уларнинг уйларига кирди. Ховли ўртасидаги дарахтга боғлаб кўйилган яккаю ёлғиз она эчкидан бошқа нарса кўзга ташланмади. Шофёр амаки ёш дўстларининг номини айтиб бир-икки чақириб ҳам кўрди. «Ухлаб қолишганга ўхшайди,— яна бир ўтганимда ало-

хида тўхтаб, раҳмат айтиб кетарман»,— деб кўнглидан ўтказди-да, шошилиб чиқиб, машинани ўт олдириди. У олис йўлларга юрганда ёнғиллаб сўзсиз куйлаб борар, машинанинг тезлиги ошган сари куй ҳам ўз-ўзидан авжга чиқиб борар эди. Бугун ҳам шундай бўлди.

Давронбой билан Омонбойлар эса ҳеч нарсадан хабарсиз, дунёнинг ҳамма ташвишларини: дадаларининг олдидан қайтиб келиб, ўғилларини ўрнидан тополмай, сочини юлиб, бўзлаб юрган ойижонларини ҳам, Маҳмуд олақўзу катакдаги товуклар, ҳовлидаги эчкиларгача ҳамма-ҳаммасини унутиб, пишиллаб ухлаб боришарди.

Давронбойнинг уйқуси каттик, оёғидан судраб, бошидан сув куйсангиз ҳам, то уйқуга тўймагунча, бари бир уйғонмайди.

Омонбойнинг бўлса, уйқуси сал сергакроқ бўларди. Хозир ҳам биринчи бўлиб Омонбой уйғониб кетди. Уйғондию труба ичидаги зимистон қоронғиликдан, ҳар хил ваҳимали овозлардан кўркиб:

— Ойижон! — дея кичкириб юборди.

Ойижони узок-узоқларда қолиб кетганди, шунинг учун ҳам ҳеч қандай жавоб қайтмади. Акаси шундоққина ёнгинасида ётганини кўриб:

— Акажон, мен кўркиб кетяпман,— дея уни турткилай бошлади.

Акаси ҳам жавоб қайтармади. Омонбой қоронғида пайпасланиб, бир амаллаб Давронбойнинг қулоқларини топиб, бор кучи билан чўзғилай бошлади. Давронбой худди шу пайтда туш кўриб ётганди, тушида Маҳмуднинг тумшугигача жун босиб кетган кучуги уни зириллатиб кувиб юрганди. Бир томондан кўркув, бир томондан қулоғининг оғриши, иккови бир бўлиб Давронбойни уйғотиб юборди. Уйқусираб:

— Тентак, нега қулоғимдан тортасан! — деб укасининг чаккасига бир туширди. Туширди-ю, тўсатдан, труба ичида ётганлари, бу трубага укасини ўзи алдаб олиб келгани эсига тушиб: «Кечир, билмай қолдим»,— деб йнглаб турган Омонбойни бағрига босиб олди.

— Йўқол! — итариб ташлади укаси,— ўзим кўркиб кетяпман-у, тағин уради-я!

— Укажон, ке, сенам мени бир уриб ола қол. Мана, лунжимни шишириб тураман, юмшөққина, маза қиласан!

— Керакмас!

— Жон ука, йнгламагин.

— Йнгламай десам ҳам йнглагим келяпти... Уйнимизга кириб кетаман.

— Вой тентак, машина юриб кетяпти-ку!

— Ойижон!!!

— Йиғлама, мен ҳам йиғлаб юбораман,— шундай деб Давронбой укасини бағрига босиб, ўзинга тортди. Бошини, юзларини дўмбок кўлчалари билан юмшок-юмшок силаб юпата бошлади.

Машина гувиллаб кетиб боряпти.

Трубанинг ичидан ҳар хил ваҳимали овозлар эшитилди. Бир йўла юзтами, мингтами алвасти кириб олгандек, жуда ваҳимали, жуда кўркинчли бўлиб қолди. Трубанинг очик томонидан шамол хуштак чаляпти, ҳар замонда бири-бирини қувлаб ўтган машиналарнинг чироқлари пов этиб ёниб, трубани ярмигача ёритади, яна ҳаммаёк зимистон бўлиб қолади.

— Ука, биз ботирмиз-а, ҳеч нарсадан кўркмаймиз-а?— Омонбойга далда бера бошлади акаси.

— Бари бир мен кўркавераман,— ваҳима ичида шивирлади укаси,— ойимни соғиниб кетяпман... Машинани тўхтат, тушаман...

Машинани тўхтатиш зарурлигини Давронбой ҳам тушуниб турибди-я, лекин қандай тўхтатишни билмай боши гаранг. Чакиргани билан бари бир шофёр амаки эшитмайди-ку... Борди-ю, трубанинг нариги бошига, кабинага тиралиб кетаётган томонга бориб, бор кучлари билан тақиллатишса-чи?

— Ука,— секин шивирлади Давронбой,— юр, эмаклаб бориб амакини чакирамиз.

— Бари бир эшитмайди.

— Эшитади, юр, жон ука, полвон укам...

Ака-ука кетма-кет эмаклашиб, трубанинг кабинага қадалган томонига қараб кетишди. Трубанинг бу томони ҳаддан ташқари қоронғи бўлгани учун яна ҳам ваҳималироқ туюла бошлади. Омонбой ҳечам юрмайман, деб ётиб олган эди, шу пайтда, негадир укасига меҳрибон бўлиб қолган Давронбой: «Ке, мени от қилиб, миниб, бўйнимдан маҳкам кучоклаб ол»,— деб уни миндириб олди. Кейин кўзларини чирт юмиб, кабина томонга «тўрт оёклаб» юриб кетди. Кабинага етишгач, ака-ука бараварига:

— Амаки!!! — деб кичкира бошлашди.

Жавоб қайтмади.

— Амаки!!!

Яна жавоб қайтмади.

Борди-ю, кабинада амаки йўқ бўлса-чи? Битта-яримтаси машинани юргизиб юборган бўлса-чи? Улкан машинани номаълум томонга олиб қочиб кетаётган бўлса-я!

— Акажон, мени маҳкамрок кучокланг,— негадир сизлаб гапира бошладиди Омонбой,— ака, трубаннинг ичиди бўрилар бўлмайди-а?

— Бу ерда бўрилар бўлмайди.

— Бўрилар келса, отиб ташлаймиз, хўпми?

— Хўп.

— Танкимиз билан бостириб кетамиз, хўпми?

— Хўп.

— Ака, келинг, амакни яна чақирайлик...

Томоқлари қирилиб, бўйин томирлари тортилиб қолгунча чақиринди, бари бир амакидан жавоб бўлмади. Умидсизлик, ваҳима яна ҳам кучайиб кетди. Икковлари бир-бирининг пинжигига кириб, бир-бирларини ачомлаб, совқотган баданларини бир-бирларининг харорати билан нлитиб боришарди.

— Амакнига энди ҳечам тухум бермаймиз,— деди хўрлиги ошиб Омонбой.

— Челагида сув ҳам бермаймиз,— кўшиб кўйдиди Давронбой.

Шундай қилиб, новча амакни бир йўла ҳамма нарсадан маҳрум қилишга қарор қилишди. Омонбой акасини от қилиб мипиб бўйнидан ачомлади. Давронбой «тўрт оёклар» бориб, дадаларининг эски тўнини трубаннинг ўрта-роғига суриб келди. Икковлари ўралиб олишди. Совуқданми, кўрқувданми, тишлари тарақларди. Серпахта тўнга ўралгач, баданларига харорат югуриб, ака-укани бирдан уйку элита бошлади.

— Ака, биз ҳеч нарсадан кўрқаётганимиз йўқ-а?— уйқусираб сўради Омонбой.

— Биз ҳечам кўрқмаймиз,— жавоб қайтарди Давронбой.

— Биз катта бўлиб қолганмиз-а?

— Бўлмасам-чи!

— Ака, менга тухумнинг каттасини берасиз, хўпми?

— Сенга-чи, ука, расм қаламимни, шилдирокларимни, чўян соқкамни бераман, хўпми, укажон?

Укажонни жавоб қайтармади, нега десангиз, аллақачон унинг кўзлари юмилиб бўлган эди. Давронбой ҳам келтириб бир эснади-ю, бошини бир томонга қийшайтириб, аста уйкуга кета бошлади.

Улкан машина бўлса бепоеън чўл бағрида чирокларининг ўткир нурлари билан қоронғи тун бағрини ханжардек тилиб, ўкириб, пишқириб, елдек учиб борар, ака-укаларни олис-олис ўлкаларга қараб олиб қочар эди...

МЕҲМОНГА ҚУЮҚ ЗИЁФАТ БЕРИЛГАНИ

Шундай қилиб, улкан машина девлардек ўкириб, кушдек учиб, канчадан-канча обод кишлокларни, серсув сою анҳорларни, ям-яшил қиру паст-баланд адирларни ортда қолдириб бораверди. Бу орада ёш соқчилар ваҳима ичида икки-уч бор уйғонишиб, гоҳо йиғлашиб, гоҳо оз-оздан қиқирлашиб, яна бир-бирларини ачомлашиб уйкуга кетишди.

Бир маҳал Омонбой мундоқ кўзини очса... машина тўхтаб турганга ўхшайди-ю, трубанинг очиқ томонидан ёруғ тушиб, ҳаммаёқни ёритиб турибди.

— Ака, туринг, ёруғ бўлиб қолибди, энди кўркмаймиз,— деди Омонбой.

Давронбой жуда секин уйғонди. Уйғонгандан кейин ҳам уйқусираб: «Бугун боғчага бормайман», деб анча маҳал ғингшиб ўтирди. Кейин тўсатдан хушёр тортиб: .

— Ука, машина тўхтадимиз?— деб сўради.

— Тўхтагани қачон эди-ю...— хафа бўлиб деди укаси.

Ханжарларни тақиб, автоматларини қўлга олиб, пастга тушмокчи бўлувди, эҳа, труба бугун жуда баланд бўлиб қолибди, осилиб туришининг ҳеч иложи йўқ, фақат сакраб тушса бўлади. Давронбой тепадан пастга сакрашининг устаси эди: томдан, девордан, тахмондаги кўрпаларнинг устидан пастга сакрашни яхши кўрарди. Сакрагандан кейин ё ойисидан, ёки дадасидан, албатта, гап эшитиб турарди. Бу ерда эса ҳеч ким йўқ, бемалол сакраса бўлаверади... Дадасининг эски тўннини ерга ташлаб, устига ўзини отди. У ер-бу ерим сиғиб қолмадимиз экан деб, бир оз ўзига кулоқ солиб кўрди, огрик йўқ, демак ҳаммаси жойида. Укасини ҳам бир амаллаб туририб олди-да, кейин нима қилишини билмай ўйланиб қолди...

Атрофда труба юкланган машиналар, поезднинг вагонига ўхшаш гилдиракли уйлар, тумшуги узун автокранлар, бульдозерлар, уюм-уюм ёғоч тахталар, ҳар хил ўйинчоклар ясага бўлаверадиган темир парчалари, яп-янги консерва банкалари... э, борингки шунга ўхшаш нарсаларнинг ҳеч ҳисоби йўқ экан. Ака-укалар қайси бирини аввал томоша қилишни билолмай, анча маҳал гаранг бўлиб туришгач, ниҳоят шофёр амакини уйғотишга қарор қилишди.

Шофёр амаки каттиқ ухлаб қолганга ўхшайди, ҳеч жавоб кайтармади. Давронбой бир амаллаб юқори кўтарилиб кабинетнинг эшигини очган эди, иш чаток — ҳеч ким йўқ!

— Омон! — деб бақириб юборди Давронбой,— бизни машина олиб қочиб келганга ўхшайди, мана чиқиб кўргин, шофёр амаки йўқ, кишлоқда қолиб кетганга ўхшайди... Мана, ишонмасанг, ўзинг чиқиб кўргин. Ке, кўлингдан тортиб юборай!

— Йўқ, ўзинг туша қол,— кўнмай туриб олди укаси,— машина тагин юриб кетиб қолмасин.

— Нарирок тур бўлмаса, мен ерга сакрайман...

Ака-ука нима қилишини, қаёққа боришини билмас эди.

Аста-секин куёш ҳам чиқа бошлади, кизик, бу ерларнинг куёши кизариб, ловиллаб чиқаркан...

Посёлкадаги уйларнинг эшигидан уйқусираган, эснаган, кершиган одамлар бирин-кетин чиқиб, ўзлари чиққан уйларнинг орқа томонига ўтиб кета бошлашди.. Битта амаки, белигача ялангоч, кўлида сочиқ, чўзиб-чўзиб эснаб, Давронбойлар томонга қараб кела бошлади. Яқинларига келгач, юришдан тўхтаб, ака-укаларнинг ханжару, автоматларини, кўлларигадаги танкларини, Давронбойнинг кўлтиғидаги уладаси чиқиб кетган эски тўнни бирма-бир кўздан кечириб чиқди:

— Болакайлар, сизлар қаёқдан пайдо бўлиб қолдингларинг?

— Бизни машина олиб қочиб келди,— шошилиб деди Давронбой.

— Қанақа қилиб олиб қочиб келади?— хайрон бўлди белигача ялангоч амаки.

— Биз трубанинг ичида ухлаб қолувдик,— тўсатдан йинглаб юборди Омонбой,— мен ойижонимни жуда соғиниб кетаяпман. Амаки, бизни уйимизга олиб бориб қўйинг...

Давронбой ҳамма воқеани амакига бир бошдан гапириб берди. Охирида машинани Маҳмуд олақўз юргизиб юборган бўлса керак, деган тахминини ҳам айтди. Амаки: «Пойлоқчиликда туриб жуда яхши иш қилибсизлар, лекин бунақанги пайтда ухлмаслик керак эди, машина ўзи юриб келгани йўқ, уни новча амакиларинг хайдаб келган, ўзи ҳозир донг қотиб ухлаб ётибди»,— деган гапларни айтди.

Кўз очиб юмгунча ҳамма нарсадан кўрқиб, ҳадиксираб турган Давронбой билан Омонбойнинг атрофларини новча, пакапа, орик, семиз одамлар қуршаб олишди. Труба ичида тўрт юз чакирим йўл босиб келганларини эшитиб, бир хиллари кўрқиб кетишди, болаларга ачинишди, бир

хиллари эса ёш соқчиларнинг бурниларини қисиб, пешанасини силаб кўйишди...

Хуллас, ундай бўлгандаям, бундай бўлгандаям ер бағрини ёриб, труба кўмиб, узоқ элларга газ олиб бораётган бу амакиларнинг бири Омонбой билан Давронбойга жуда-жуда ўхшаб кетадиган ўглини, бири укасини, яна биттаси жиянини соғинишиб юришган эди-да, эхтимол шунинг учундир, ака-укаларни галма-галдан кўтаришиб, юзу кўзларидан ўпишиб, худди космосни забт этиб қайтган қаҳрамонларни кутгандек эъозлаб кутиб олишди.

Бу орада кимдир донг қотиб ухлаб ётган новча амакини ҳам уйғотиб чиқди. Новча амаки уйқусираб, катта мушти билан кўзларини ишқалаб, одамларнинг орасини ёриб ўтди. Омонбой билан Давронбойнинг бирини ўнг кўлига, бошқасини чап кўлига кўтариб:

— Оббо, азаматлар-эй, оббо, паҳлавон соқчиларим-ей!— деб уларни эркалата бошлади.

Шундан кейин ўзи нонушта вақти бўлиб қолганмиди ёки соқчилар шарафига зиёфат бериб юбормокчи бўлишдими, ишкилиб, сахрою биёбоннинг қок ўртасидаги кўримсизгина бир ошхонада ҳеч таърифлаб бўлмайдиган даражада қуюқ зиёфат бўлиб ўтди: қайнатиб пиширилган тухумлар, ковурилган қолбасалар, устига шакар сепилган ёғли кулчалар, бўғирсоғу димлаб пиширилган макаронлар... Эҳ, шундай зўр бўлдики, шундай зўр бўлдики, асти қўяверасиз.

Нонушта давомида Омонбой билан Давронбойга шу ерда биз билан бутунлай қолинглар, биргалашиб ишлаб юриверамиз, деган мазмунда ҳам гап қилиб кўришди. Ака-укалар бунга кўнишмади: «Биринчидан, агар биз бу ерда қолсак, ойимиз хафа бўлади, иккинчидан, товукларнинг тухуми каттаси кичигига алмашиб кетади, учинчидан, Махмуд олакўз шафтолимизни битта кўймай тагига тўкиб кетади»,— деб жавоб қайтаришди.

— Бизга бир челак газ берсангиз бўлди,— деди узилкесил қилиб Давронбой.

— Оббо, укагинам-ей, росмана газни ҳали ўзимиз ҳам кўрганмиз йўқ,— деб жавоб қайтарди газчи амакилардан бири.

— Майли, кўрмасангиз ҳам бераверасизлар,— деб акасининг гапини қувватлади столда ўтириб, оёқларини ликиллашиб қолбаса чайнаётган Омонбой.

Омонбойнинг мана шу гапидан сўнг газчи амакилари, борди-ю, битта газ ўчок билан газ тўлдирилган битта ба-

лонни уларга совга қилсак-чи, ахир атрофда кўниб ўтадиган жойимиз йўқ, уёқ-буёққа ўтганда шофёрларимиз чойпой ичиб туради-ку, деб маслаҳат қила бошлашган эди. Эрталаб ярим ялангоч чиққан, ҳозир эса эгнига егни қалта оқ кўйлак, бошига оқ шапка кийиб олган амаки: «Болаларки тўрт юз чақирим йўлдан бизнинг трубаларимизни пойлаб, эҳтиётлаб олиб келишибди, демак биз ҳам, уларнинг илтимосини бажаришимиз керак. Битта газ ўчоқ билан уч балон газ олиб машинага тездан юкланглар»,— деб буйрук бериб юборди.

Шофёр амаки йўл тайёргарлигини кўриб олгунча Омонбой билан Давронбой труба ётқизувчилар посёлкасини маза қилиб айланиб чиқишди: бу ерда болалар йўқ экан-у, нукул катта одамлар яшар экан. Йўгон, ингичка трубалар, темир йўлакчалар, ҳеч тушуниб бўлмайдиган ғалати-ғалати машиналар... Эҳ-хе, буларни Маҳмуд олакўз кўрганда борми! Битта семиз амаки кўлидаги кизил байроқни силкитиб турибди, бошқа амаки машинасининг тумшуғига йўгон трубани қистириб, осмону фалакка кўтариб кетяпти. Хўнарида ўнтача амаки трубаларга йилтироқ мой суришяпти, ундан ҳам нарида яна ўнтача амаки мойланган трубаларга қора қоғоз ўрашяпти.

— Қани, сокчи ўғилларим, машинага марҳамат! — деб колди шофёр амаки,— энди тезроқ жўнайлик, бечора оналаринг кидириб юргандир...

Амакиларнинг ҳаммаси қўл силкиб, хайрлашиб қолишди, яна тагин келинлар, лекин трубанинг ичида эмас, кабинага ўтириб келинлар, деган гапларинг ҳам айтишди.

— Сизга-чи, амаки, тухум олиб келаман,— деб ваъда берди Давронбой оқ шляпали амакига.

— Мен-чи, амаки, узум олиб келаман,— деб бақирди Омонбой ҳам.

Олтинчи боб

ГАЗ ҚОЗОНДА ШҶРВА ПИШГАНИ

Давронбой билан Омонбой уйларига қоронги тушайтушай деган пайтда кириб боришди. Новча амаки йўлда жиндек ухлаб олди, бўлмаса бундан ҳам олдироқ етиб келишган бўларди.

Улкаш машина кўча эшиклари олдида тўхташи билан ака-укалар чўзиб-чўзиб уч марта сигнал беришди. Кейин Давронбой: «Амаки, олим мени урсалар ажратиб оласиз,

хўпми?»— деб шивирлади. «Сени урдиргани кўймайман»,— деб шивирлаб кўйді новча амаки ҳам. Омонбой ҳам бир нарса деб шивирламоқчи бўлувди, улгуролмади. Нега десангиз, худди шу пайтда машинага караб югуриб келаётган ойижонига кўзи тушиб қолди:

— Ойижон!!!

— Тойлогим! — дейишиб она-бола бир-бирларини ачомлашиб кетишди.

— Вой, ўлмасам, Даврон кани?— деб сўради охирида ойилари.

— Тушсам урасиз,— хикиллаб туриб деди Давронбой.

— Вой, онагинанг ўргилсин, урмайман.

— Бугун урмасангиз бари бир, эртага урасиз.

— Урмайман, энди ҳеч ҳамурмайман.

Давронбой ишнинг буёғини ҳам пухталаб олгандан кейин кабинадан туриб тўппа-тўғри ойижонининг бағрига отилди.

Бир-бирларини ўпишиб, ялашиб, кўзёшларини тўкишиб ховлиларига киргунча атрофларини хотинлару болалар қуршаб олишди. Қишлоқдаги жамики катта кишилар тўсатдан йўқ бўлиб қолган Давронбой билан Омонбойни биринчи бўлиб мен топиб келаман, дейишиб, ҳар томонга жўнаб кетишган эди. Шунинг учун ҳам қишлоқ чеккасидаги дарахтларга кўмилган бу ховлида фақат хотинлару болалар тўпланишганди. Бир хиллари ойиларини кўнгилларини кўтариб, бошқа бирлари ҳар хил ваҳимали гапларни айтиб, ойиларининг кўнглига гулгула солиб ўтиришган эди.

Кўз юмиб-очгунча ховлилари бамисоли тўйхонага ўхшаб кетди десам ишонаверинг. Пойлоқчиликда туриб, ном чиқариб қайтган Давронбой билан Омонбойнинг Махмуд, Салим, Шавкат, Қурбон деган ўртоқлари бор эди. Уларни кўриб кетгани ўшалар ҳам келишибди. Ака-укаларни ўртага олиб ҳар хил саволларни шунақанги ёғдириб ташлашдики, асти кўяверасиз.

— Биз газ олиб келгани борувдик, билдиларингми?!— деб гапни қиска қилиб кўймоқчи бўлди Давронбой.

— Ҳечам-да,— деб гапни яна чувалаштирмоқчи бўлди Махмуд олакўз,— газ сенга кучукмиди, юр, десанг орқангдан эргашиб келаверадиган.

Шундан кейин болалар кий-чув тўполон қилишиб, новча амакининг ёрдамида ташқарига газ ўчоқ билан газ тўлдирилган балонларни олиб киришиб, ховлининг қок ўртасига ўрнатишди. Шофёр амаки газ ўчоқнинг плитасини ёқиб юборган эди, болаларни-ку кўяверинг-а, хотинлардан тортиб, то сой маҳалладан келган кампир бувиларигача ҳамма-хаммалари ханг-манг бўлиб қолишди. Бир хиллар

темир балоннинг ичида миш метрча келадиган пилиги бор, ўша буралиб-буралиб ёняпти, деди. Яна бир хиллар мана шу темир балоннинг тагидан ерга ингичка труба кетганга ўхшайди, газ ўшандан оқиб келаётган бўлса керак, деган тахминларни ҳам айтишди. Кампир бувилар бўлса: «Е товба, бу Омонбой билан Давронбой бало экан-ку, шу оловни ўшалар олиб келдими-а?» — деб, ёкаларини ушлаб, оркаларига тисарилгандан-тисарилаверишди.

Мана шунақанги гаплар кўпаяётган пайтда амаки газ ўчоқда шўрва пишираётган, чинакам ошпазларга ўхшаб, ҳар замонда шопириб-шопириб ҳам кўяётган эди.

— Амаки, мана шу газни биз олиб келдик-а? — шерикларим эшитсин, деб атайлаб баланд овозда сўради Давронбой.

— Тўғри, — ундан ҳам баландроқ овозда жавоб қайтарди шофёр амаки, — бу газни Омонбой билан Давронбойлар олиб келишди. Трубаларни пойлаб ўз жойига эсон-омон етказиб олишимизда ёрдамлашганликлари учун бошлигимиз мукофот қилиб берди буларни...

Ўша кеча «Қўргонча» кишлоғининг катта-кичик аҳолиси деярли ухламади ҳисоб, улар Давронбой билан Омонбой олиб келган газнинг ёнишини томоша қилиб чиқишди.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| Ўзига хос ижод соҳиби. <i>Матёқуб Қўшжонов</i> | 5 |
| Р о м а н САРИҚ ДЕВНИ МИНИБ | |
| Сехрли қалпоқча..... | 13 |
| ✓ Сарик девни миниб..... | 80 |
| Менинг ҳам дўстларим бор..... | 163 |
| САРИҚ ДЕВНИНГ ЎЛИМИ | |
| Ўрток полковник..... | 208 |
| ✓ Сарик девни қувиб..... | 281 |
| ✓ Сарик девнинг ўлими ёки олам гулистон бўлгани..... | 349 |
| Қиссалар | |
| Сир очилди..... | 429 |
| ✓ Ака-ука Омонбой билан Давронбойнинг қишлоққа газ олиб келганлари ҳақида жажжи қисса..... | 475 |

На узбекском языке

ХУДАЙБЕРДИ ТУХТАБАЕВ

ВЕРХОМ НА ЖЕЛТОМ ДИВЕ

Избранное

Роман
Повести

Редактор Х. Мансурова
Рисов Г. Қиш
Расмлар редактори М. Карпузас
Техн. редактор Р. Раҳматуллина
Корректор Ш. Собирова

ИБ № 3782

Босмахонага берилди 24.04.87 Босишга рухсат этилди 16.11.87 Формат 84×108¹/32. Босмахона коғози № 2 Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 26,04. Шартли кр.—оттиски 26,04. Нашр л. 32,1. Тиражи 60 000. Заказ 1025. Баҳоси 2 с. 20 т. Шартнома 192-86. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.

2с.20т.

